

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

(Олий ўқув юртларининг иқтисодий мутахассисликлари
бўйича тахсил олаётган талабалар учун)

Тошкент
«Университет»
2003

65.01973

Ўзбекистоннинг мустақиликка эришганлиги, унинг босқичмабоскич бозор иқтисодистига ўтаётганлиги, Республикамиз ташки иқтисодий алоқаларининг кенгайиб, ривожланиб бораётганлиги жаҳон андозалари талабларига жавоб берга оладиган, чукур билимли, юкори малакали иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашни талаб этади. Шундан келиб чиккан ҳолда Ўзбекистонда бугунги кунда иқтисодий таълимни ривожлантириш ва иқтисодий фанларни ўқитишни такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Иқтисодиёт назарияси фани бўйича мазкур ўқув-қўлланмаси олий ўқув юртларининг иқтисодий мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган бўлиб, унда асосий эътибор ўқитишнинг муаммовий услубларидан фойдаланиш, талабаларда ҳозирги замон иқтисодий тафаккурини шакллантириш, уларнинг илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир мавзу бўйича асосий таянч иборалар ва тушунчалар, тақрорлаш учун саволлар ва топшириклар, ўрганишга тавсия этилаётган адабиётлар рўйхатлари келтирилган.

Муаллифлар:

Хошимов П.З. (раҳбар),

Умаров К.Ю.,

Толаметова З.А.,

Қўчкоров Т.К.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Ваҳобов А.В.

Тақризчилар:

и.ф.д., проф. Кодиров А.К.,

и.ф.н., доцент Абулқосимов Х.П.

ЎзМУ Иқтисодиёт факультети Ўқув-Методик Кенгашида (1-сонли мажлис баёни, 4.09.2002 й.) маъқулланган ва нашр этишга тавсия этилган.

1031422
2

© «Университет» нашриёти – 2003

КИРИШ

Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишининг кенг истиқболлари очилди. Мамлакатимиз ўз ҳалқи танлаб олган йўл – очик, эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда.

Маълумки, бозорни шакллантирувчи ва қўллаб-куватловчи меҳанизм ҳамда тузимларни барпо қилмасдан туриб бозор иқтисодиётiga ўтишина амалга ошириб бўлмайди.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса, қудратли давлат, юксак малакали, ахлоқан баркамол ҳодимлар керак. Биз оидий ҳақиқатни тушишиб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни бирор четдан келиб қуриб бсрмайди. Уни ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз”¹.

Шулардан келиб чиқсан холда XXI аср бошида мамлакатимизда иқтисодий таълим янги билимларни юзага кетириш жараёнини ўз бошидан кечирмоқда, аҳолида айниқса ёшларда ҳозирги замон иқтисодий тафаккурини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимиз И.А. Каримов уктирганларидек “Бугунги кунда олдимиизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиётини истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдир – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”².

Иқтисодий билимлар гуманитар таълим ва талабалар касбий тайёргарлигининг зарурий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий таълимнинг бош мақсади бозор иқтисодиётини асосий бўғинларининг таркибий тузилиши ва вазифалари, иқтисодий жараёнларнинг мантиқи ва самарадорлиги, мақсадга мувоффик иқтисодий қарорларни қабул қилиш тамойиллари, иқтисодий субъектларининг фаолият кўрсатиш ва ўзаро таъсирининг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги тасаввурларни ишлаб чиқиш асосида ҳозирги замон иқтисодий тафаккурини шакллантиришдан иборат. Иқтисодий билимлар – талабаларни фаол ҳаётий ёндашувга эга бўлган фуқаролар сифатида тарбиялашнинг зарурий шартидир. Иқтисодий билимлар қанчалик

¹ Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. -Т: Ўзбекистон, 1995, 16-бет.

² Барқомол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т: “Шарқ”, 1998. 5-бет.

чукур бўлса, ҳар қандай йўналишдаги мутахассиснинг рейтинги шунчалик юқори бўлади.

Ҳақиқий далилларга асосланган иқтисодиёт назарияси дунёда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг барча мураккабликлари ни тушунишга ёрдам беради. Иқтисодиёт назарияси курси жаҳон иқтисодий фани, унинг ҳозирги замон мактаблари ва йўналишлари ютуқларидан фойдаланади.

Мазкур ўкув кўлланмада иқтисодий жараёнларни ўрганишнинг умумназарий жиҳатлари жадвалилар, графиклар ва чизмалар ёрдамида уларни функционал таҳлил килиш билан тўлдириб борилади. Бу эса иқтисодий ходисалар ва конунлар мөҳиятини илмий тарзда тушунишни таъминлайди, иқтисодий амалиётни танкидий ўрганиш, мақсадга мувофик хўжалик юритишнинг тамоилиларини аниклаш, давлатнинг иқтисодий сиёсатини илмий асослаш имконини беради.

Иқтисодиёт назарияси бўйича ушбу ўкув кўлланманинг таркибий тузилиши бозор муносабатларига ўтиш тавсифига эга бўлган Республикамиз иқтисодий ҳаётининг воқеликларини ҳисобга олган. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шаклланмоқда, мамлакатимиз жаҳон цивилизацияси йўлидан бормоқда.

Муаллифлар тушунациларки, мазкур ўкув кўлланма барча кўйилган муаммоларнинг мазмунини тўлалигича қамраб олмаган. Иш ҳажмишинг чскланмаганлиги курснинг барча бўлимларини баробар даражада ёритиб бериш имконини бермайди. Шунга қарамай муаллифлар мазкур ўкув кўлланма билан танишиб чиқиш иқтисодий масалаларга қизиқувчи ўқувчиларга маълум фойдалан холи эмаслигига умид боғлайдилар. Бернард Шоу айтганидек, “Иқтисодиёт – бу ҳаётдан энг яхши тарзда фойдаланишни билдишлиликдир”.

1 БОБ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИННИГ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Ҳозирги дунёда иқтисодиёт назариясининг аҳамияти ва аҳволи тўғрисида умумий тушунча.
2. Иқтисодиёт назариясининг шаклланиши ва ривожланишининг босқичлари.
3. Ҳозирги замон иқтисодий карашларининг асосий йўналишлари.

1. Ҳозирги дунёда иқтисодиёт назариясигининг аҳамияти ва аҳволи тўғрисида умумий тушунча

Иқтисодиёт назарияси қадимги фанлардан бири бўлиб хисобланади. У доим олимлар ва зиёли кишилар диккатини жалб қилиб келган. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, иқтисодиёт назариясини ўрганиш – бу барча давларда – Аристотель ва Ксенофонгдан тортиб то бутунги кунга қадар – кишиларнинг хўжалик фаолияти ва хўжалик юритиши конунишининг ҳаракатлантирувчи кучларини билишининг объектив заруритидир.

Бугунги кунда зиёлларгиниг иқтисодиёт назариясига бўлган қизиқиши тугагани йўқ, балки аксинча ортиб бормоқда. Буни бугун дунёда содир бўлаётган умумбашарий ўзгаришлар билан тушунтириш мумкин. Кўзга кўринган америка олими П. Самуэльсон Иқтисодиёт назариясини «фанлар кироличаси» деб атаган. Нобель мукофоти лауриати М. Фридменнинг ёзишича иқтисодиёт – мафтун қилувчи фан, у шу билан ҳайратлики, унинг фундаментал принциплари жуда оддий ва уларни бир варак қоюзга ёзиш мумкин, шу билан бирга уларни кўпчилик тушунади. Хўжалик юритишининг мураккаб дунёсини акс эттирувчи мазкур фан уни ўргапувчилардан иқтисодий таълимотлар тарихи бўйича таникли мутахассис бўлган А. Хейлбронернинг таъбири билан айтганда “Туяниңг бардоши ва тақвадорнинг сабр-тоқати” ни талаб этади.

Ҳозирги шароитда олий ўқув юртларини битирувчилари содир бўлаётган ўзгаришлар бўйича ўзларининг ёпдашувларини мустақил аниқлашлари ва амалий фаолиятга тайёр бўлишлари учун кенг доирадаги иқтисодий масалаларни билишлари, ижтимоий ривожланишининг консерватив ва ижобий тенденцияларини баҳолай олишлари язим. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёшлиларда ҳозирги замон иқтисодий тафаккурии шаклланишириш ниҳоятда мухим аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онги ўзгартериб бўлмайди. Онгли, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзланган Олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”¹.

Шу билан бирга Юртбошимиз уқтирганликларидек: “Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадрингизни барпо этиб қарордаги таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қарордади”².

Бу масалаларни қатор ижтимоий фанлар ва шу жумладап иқтисодиёт назариси фани ҳал қилиши зарур. П.Самуэльсон ўзининг бутун дунёга таникли бўлган “Экономикс” дарслигида бундай деб ёзади: “Иқтисодиёт назариясини мунтазам равишда ўрганмаган киши мусикий асарга ўзининг баҳосини бермокчи бўлган кар одамга ўхшайди”.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги чукур инқирозлар иқтисодиёт назариясининг ҳозирги аҳволига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Иқтисодиёт назариясининг ривожланиши тарихи шундай далолат беради, айнан иқтисодий инқирозлар жамият ривожланишига кучли туртки бўлиб хизмат қилган. Масалан, А.Маршалнинг “Экономикс” назарияси 1872 йилдаги инқироз ва ундан кейинги йигирма йиллик тургунликдан кейин Кейнчиллик – 1929-1933 йиллардаги инқироз ва ундан кейин тургунлик, монетаризм – 60-70-йиллардаги инқирозлардан кейин юзага келди ва кенг тарқалди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги ва бошқа қатор мамлакатлардаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилишни кўпгина олимлар ва амалиётчилар аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтища ёпиқ иқтисодиётдан воз кечиш ва уни гарбнинг қатор мамлакатларида, АҚШ, Япония ва бошқаларда ривож тонган очик иқтисодиётга алмаштиришда деб биладилар.

2. Иқтисодиёт назариясининг шаклланиши ва ривожланишининг босқичлари

Иқтисодиёт фанининг юзага келиши сабабларини қадимги дунё, биринчи нафбатда, жаҳон цивилизациясининг беланчаги бўлган қадимги шарқ мамлакатлари олимларининг таълимотларидан қидирмок керак. Қадимги Хинд “Ману қонунлари” (Э.К. 4-3-асрлар) ижтимоий меҳнат таҳсимоти, ҳукмронлик ва бўйсуниш муносабатларининг мавжудлигини қайд қиласидилар. Қадимги Хитой мутафаккирлари, айниқса Конфуций (Э.К. 551-479 йиллар) асарларида аклий ва

¹ Каримов И.А. “Жамиятимиз мағкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсан”. Т.: Ўзбекистон”, 1998, 17-бет.

² Каримов И.А. Донишминд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Президентимизнинг “Фидокор” газетаси мұжбираи саволларига жаоболари “Фидокор”, 2000 йил, 8 иккя, 2-бет.

жисмоний мәннат ўртасидаги тафовутга эътибор берганлар. Ақлий мәннат "юқори" табақали кишилар монополияси бўлган, жисмоний мәннат эса қулларни ташкил этувчи "оддий кишилар"нинг тирикчилик воситаси бўлган. Шулиси қизиқки, ўша вактда масалан, Хитой файласуфи Сюнь Цзи (Э.К. 3-аср) асарларида, барча кишилар туғилишда тенг бўладилар, "Жамғарилган бойлиқдан ҳамма фойдаланиши лозим ва ҳалқ ичидан чикқан кишилар ерга хусусий мулкчиликка эга бўлишлари керак", деган фикрни билдиради. Шунинг учун ҳам ўша пайтларда деҳкон-куллар ва ҳупарманд-кулларни озод килишга қаратилиган чакириқлар юзага келган.

Қадимги Грекияда иқтисодий қараашлар янада ривож топди. Қадимги грек мутафаккирлари: Ксенофонт (Э.К. 430-354 йиллар), Платон (Э.К. 427-347 йиллар), Аристотель (Э.К. 384-322 йиллар)нинг қараашларини ҳозирги иқтисодий фаннинг бошланғич назарий нұқталари сифатида тансифлаш мумкин (Масалан, фойдалилик тұғрисицдаги фикрни хўжалик неъматларининг қиммати асоси сифатида, хўжалик неъматларини тұғри айрибошлиш, эквивалентларни айрибошлиш ва ҳ.к.).

Қадимги Рим мутафаккирлари Катон (Э.К. 234-149 йиллар), Варрон (Э.К. 116-27 йиллар), Лукреций Кар (Э.К. 99-55 йиллар), Калумелли (бизнинг эра I аср), Сенеки (бизнинг эра 2-65 йиллар) нинг иқтисодий фикрлари Қадимги Грекияда иқтисодий қараашларнинг ўзига хос ривожланиши бўлди. Уларнинг қараашларида қулдорликнинг зарурияти асосланиб берилсада, шу билан бирга қулдорликнинг смирилиб бораётгани кузатилди. Масалан, барча инсонлар табиатан тенгидирлар деб ҳисобловчи Сенска қулдорликни қоралайди. У шундай ёзади: "Улар қуллар лекин улар инсонлардир". Унинг фикрлари христианликка таъсир кўрсатди, ва ўз павватида хўжалик фаолияти бўйича умумий қараашлар энг оддий хўжалик мәннатини зарурий ва муқаддас машгулот деб ўзлон килди.

Бирок бу барча қараашлар биргаликда, гарчанд қулдорлик хўжалигини ўрганувчи Аристотель томонидан "Иқтисод" тушунчаси (грекча сўзлар: "оікос"- уй, хўжалик ва "номос"-таълимот, қонун) биринчи бўлиб илмий соҳага киритилган бўлса ҳам иқтисодиёт бўйича тизимиш таълимот бўла олмади.

Ҳозирги вактда "иқтисод" тушунчаси ўзгарган кўринишда кенг тарқалған. Бугунги кунда иқтисод дегаңда одатда ҳаражатларни камайтириш, у ёки бу ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш тушунилади. "Иқтисодиёт" ибораси грекча "ΟΙΚΟΝΟΜΙΑ" сўзидан – уй хўжалигини юритиш санъати келиб чиққан бўлиб, ҳозирги шароитда турлича маънода ишлатилиб келинмоқда:

1) туман, ҳудуд, мамлакат, мамлакатлар туроҳи ёки бугун жаҳон хўжалиги (масалан: Жаҳон иқтисодиёти, Ўзбекистон иқтисодиёти ва ҳ.к.);

2) бутун халқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг баъзи шароитлари ва унсурлари (аҳолишунослик, меҳнат, бошқарув ва ҳ.к.), алоҳида тармоқлар (саноат, кишлоп хўжалиги, машинасозлик, чорвачилик, таълим ва ҳ.к.) иктиносидёсти;

3) ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлиш, истеъмол жараёнида юзага келадиган ва маълум иктиносидий тизимни ташкил этувчи кишилар ўртасидаги иктиносидий муносабатларнинг тарихий маълум мажмую.

Фан, яъни иктиносидий тизимнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари тўғрисидаги тизими билим сифатида иктиносидёт назарияси XVI-XVII асрларда юзага келши. Бу капитализмнинг шаклланиши, мануфактуранинг юзага келиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чукурлашиши, ички ва ташки бозорларнинг қенгайиши, пул муомаласининг интенсивлашуви давридир.

Иктиносидёт назарияси фанинг шаклланиши ва ривожланишининг биринчи босқичи бу меркантилизмнинг юзага келишидир.

Меркантилистлар таълимотининг моҳияти бойликнинг юзага келиши манбайта берилган таърифдан иборат (уларнинг хизмати шундайдир, чунки улар бу тўғрисида биринчи бўлиб фикр билдирганлар). Бирок улар бу масалани нотўғри талқин қилинадар, чунки бойликнинг манбани музомала соҳасидан келтириб чиқаргандар, бойликни эса пул билан тенглаштиргандар. Мазкур таълимотнинг номи ҳам шундан келиб чиқкан, чунки “меркантиль” таржимада “пуллик” маъносини англатади. Меркантилистлар савдо гарлар вакиллари бўлиб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилгандар.

Меркантилизмга фикран яқин бўлган таълимот протекционизм сиёсатидир. У миллий иктиносидётни бошқа давлатлар билан бўладиган ракобатдан божхона тўсикларини жорий килиш, мамлакатга чет эл товарлари ва капиталларини кириб келишини чеклани йўли билан ҳимоя килиш ва саклашга йўналтирилган.

Меркантилизмнинг энг кўзга кўринган вакиллари бўлиб Т. Ман (1571-1641), А. Монкретьен де Ваттевиль (1575-1621), Г. Скаруффи (1519-1584), Д. Ноу (1641-1691), Д. Юм (1711-1776) ҳисобланади.

Меркантилистлар орасида Томас Ман ва Антуан Монкретьен де Ваттевил алоҳида шуҳрат қозондилар.

Томас Ман – инглиз иктиносидчisi, савдо гар бўлиб катта бойлика эга бўлади ва ўзининг тажрибасини катта бўлмаган иккиси асари: “Англияда Ост-Индия билан савдо тўғрисида мулоқазалар” ва “Англиянинг ташки савдо даги бойлиги ёки бизнинг ташки савдо даги балансимиз бизнинг бойлигимиз натижаси сифатида” асарларида баси этиди. Ўша пайтда савдо ва пул муомаласи шунчалик катта роль ўйнардики “савдо” ва “иктиносидёт” иборалари деярли ўхшаш тушиунча деб ҳисобланарди. Т. Ман капиталнинг бош кўриниши деб

савдо капиталини тушунади, бойликни унинг пул шаклида деб билади, бойишининг майбай савдоидир деб тан олади, бунда товарларни честга чиқариш, уларни олиб келишдан устун туради, бу эса капитал, бойликниң күнайишига олиб келади деб ҳисоблайди.

Антуан Монкретьен де Ваттевиль – шоир, қўзғолончи, дуэльчи жўшқин саргузаштларга тўла ҳаёт кечирди. У давлат жиноятчиси сифатида маъкум этилиши, суд ҳукмига кўра унинг жасади ёкиб юборилади, унинг кули эса шамолда учирилади. Бирок тарихга у Франциядаги меркантилизмининг ёрқин вақили сифатида кириб колди ва ўз помини илмий муомалага “сиёсий иқтисод” иборасини киритганлиги учун абадийлаштирди. Унинг “Сиёсий иқтисод бўйича трактат” кигоби (1615) чоп этилиши билан иқтисодиёт назариси 300 йилдан ортиқ даврда сиёсий иқтисод сифатида ривожланди. Мазкур иборанинг биринчи қисми грекча “полится” сўзидан келиб чиқкан бўлиб “давлат тузилмаси” маъносини англатади. Бинобарин “сиёсий иқтисод” сўзма-сўз “давлат миқёсидаги хўжалик юритиш конунлари” (Аристотелдаги алоҳида кулдорлик ёки шахар хўжалигида эмас, балки бутун давлатдаги) сифатида таржима қилинади. Бу пайтда мазкур иборанинг юзага келиши тасодиф эмас эди, бу капитални дастлабки жамғариш ва ташки савдода давлат ролининг ошиб бориши билан боғлиқдир. А.Монкретьен бойлик ва фаровонлик ўртасидаги фарқни бундай таърифлайди: “Давлатни олтин ва кумушининг кўплиги бой қилиб қўймайди, балки ҳаёт кечириш учун зарур бўлган пельматларининг мавжудлиги бойитади”.

Уильям Пегти (1623-1686) таълимоти меркантилистлардан мумтоз (ҳакикий) фанга- сиёсий иқтисодга ўтиш кўприги бўлиб хизмат киради. Унинг асаллари – “Соликлар ва йигимлар тўғрисида трактат” (1662), “Донишмандларга сўз” (1665), “Сиёсий арифметика” (1676), “Шул тўғрисида баъзи нарсалар” (1682). Унинг хизмати шундаки, у биринчилар каторида бойликниң майбай меҳнат ва ердир деб эълон киради. Унинг “Меҳнат бойликниң отаси ва актив царипчи, ер эса – ушиғ онасидир” деган мақоли ҳаммага маълумдир.

Сиёсий иқтисоднинг ривожланишидаги япти босқич физиократлар тимсолида кўринади, улар йирик ер эгалари манфаатларини ҳимоя килувчилар бўлиб майдонига келадилар. Бу ном грекчадаи сўзма-сўз таржима килинганда “табият ҳукмонлиги” деган маънони англатади. Мазкур йўналишнинг бош вакили ва ташкилотчиси Франсуа Кенэ (1694-1774) дир. У ер эгаси оиласида тугилади, олий дараажадаги тиббиёт ва хукуқшунослик маълумотини олади, Людовик XV нинг сарой шифокори бўлади. У 52 ёшида тиббиёт бўйича илмий ишлардан кейин сиёсий иқтисод бўйича ўзининг асосий асари бўлган “Иқтисодий жадвашлар”ни (1758) ёзди. Ф.Кенэ меркантилисларнинг бойлик муомалада яратиласи деган таълимотини рад этади; бойликниң

манбай деб у фәқаттана деңқончиликтаги мәхнатнингиз амас, балки айнан қишлоқ хұжалиғыда ишлаб чықарылған маңсулоттинг истеъмол килинганидан күпрок бўлиши деб тушунади. У ишлаб чиккан таълимотининг чекланганлыги шундан иборатки, бунда бойликнинг манбай фақат деңқончиликтаги мәхнат деб хисобланади.

Иқтисодий фан А.Смит (1723-1790) ва Д. Рикардо (1772-1823) асарларида янада ривожлантирилди. А.Смит иқтисодий фикрлар тарихига мумтоз (классик) сиёсий иқтисоднинг асосчиси сифатида кирди. У ўзининг “Бойликнинг табиати ва сабабларини тадқик қилиш түғрисида” китобида ўша даврга қадар түпланган барча иқтисодий билимларни жамлаган. А.Смит таълимотидаги асосий фикр – либерализм, иқтисодиётга давлаттинг минимал аралашуви, талаб ва таклифға боғлик холла юзага келадиган эркин нархлар асосида бозорни ўз-ўзидан тартибга солишдир. Булдай иқтисодий воситаларни у “кўринмас кўл” деб атайди. А.Смит қийматни мәҳнат назариясига асос солади, унумли мәхнатнинг қийматни яратувчи сифатидаги ролини юқорига кўтаради, царомацлар түғрисидаги таълимотни яратади, солиқка тортиш принципларини ишлаб чиқади. Унинг тадқикотлари Farb олим-иқтисодчилари учун муқаддас китоб бўлиб қолади.

Д.Рикардо бой коммерсант оиласида туғилади. 1793 йилдан 1812 йилгача тижорат билан шугууланди ва миллиончлаб бойлик ортириади ва сўнгра йирик ер эгасига айланниб, ўзини илмий ишта бағишилади. У А.Смит назариясини ишлаб чиқишини давом эттириди ва унинг таълимотидаги баъзи ноанникликларни бартараф этди. Унинг бош асари “Сиёсий иқтисод ва солиқка тортишининг бошлангич асослари” (1809-1817) дир. У қийматнинг ягона манбай турли синфлар даромадининг асосида ётувчи ишчининг мәхнати, фойда зса ишчининг ҳақ тўлланмаган мәхнати натижаси экантигини кўрсатиб беради, иш ҳақи ва фойда ўргасидаги тескари пропорционал болглиқлар конунларини таърифлайди, ліфференциал рентанинг механизмини очиб беради.

Мумтоз (классик) сиёсий иқтисоднинг йирик хатоси хўжалик хаётида давлат ролини инкор қилишлик эди.

Швейцариялик иқтисодчи ва тарихчи Жан Шарль Леонар Симон де Сисмондининг (1773-1842) асарлари жаҳон иқтисодий таълимотлари эволюциясида маълум боскич бўлди. Унинг бош асари “Сиёсий иқтисодда янги масалалар” (1819) дир. У капиталистик жамият иқтисодий механизмини танқид қиласар эди. Сисмонди ўзининг иқтисодий таълимоти марказига тақсимот муносабатларини кўяди.

Келажакдаги жамиятни куриш фикрини хар бири ўзича француз социалистлари-утопистлари Анри Клод Сен-Симон (1760-1825), Шарль Фурье (1772-1837) ва инглиз социалист-утописти – Роберт Оуэн (1771-1858) илгари сурадилар.

Марказий Осиёда иқтисодий фикрларнинг ривожланиши Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, А.Навоий ва бошкада дунёга машҳур олимлар номлари билан боғлиқ.

Уларнинг асарларида иқтисодий фикрлар хали фалсафий ва бутун ижтимоий билимлар мажмуидан ажратмаган бўлсада катта аҳамиятга эга эди.

Фаробий ва Ибн Сино қарашларида инсоннинг экҳтиёжлари тўғрисидаги таълимот марказий ўрини эгаллар эди.

Фаробийнинг (870-950) фикрича, кишиларнинг моддий экҳтиёжлари жамият шаклтанишининг асосий сабабидир.

Абу Али иби Синонинг (980-1037) даромац ва ҳаражатларнинг фақатгина оила миқёсидаги эмас, балки шаҳар ва давлат миқёсидаги баъзаси тўғрисидаги фикрлари жуда қизиқарлидир.

Абу Райхон Беруний (973-1048) йирик энциклопедик- олимлардан биридир.

Берунийнинг Марказий Осиёда иқтисодий фикрларни ривожлантиришдаги хизматлари шундан иборатки, у биринчи бўлиб пулнинг келиб чиқишини таъдик қилди ва буни меҳнат маҳсулини айрибошлиш экҳтиёжларининг юзага келиши билан боғликлигини кўрсатди.

Иқтисодий билимлар соҳасида XI асрда кўзга кўринган шоир ва муғафаккир Юсуф Хос Хожиб муҳим рол ўйнади. У иқтисодий қарашларини ўзининг “Баҳт келтирувчи билимлар” китобида (1069) баён этади, Жамиятнинг ривожланишида меҳнатнинг роли ҳакида таъкидлаб, Хожиб меҳнат таҳсилотининг муҳимлилиги масалаларига эътиборни қаратади, моддий неъматларнинг хусусиятлари ва табиатини уқтиради, булардан ташқари у пулнинг функцияларига аниқ таъриф беради.

Шарқда иқтисодий фикрларнинг янада ривожланиши Амир Темур ва унинг авлодлари, кўп жиҳатдан буюк ўзбек шоири ва муғафаккири, энциклопедик олим ва давлат арбоби Алишер Навоий (1441-1501) номи билан боғлиқ. Навоийнинг иқтисодий қарашларини баён этувчи 22 асари ичida “Вахфия” ва “Муншаст” алоҳида эътиборга молик бўлиб, уларда жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузилиши тўғрисида асосий фикрлар баён этилган. Унинг фикрича, соликлар давлатнинг бойиши маъбаи бўлиб хизмат қиласи, шунинг учун у одиқ солик тизимини ўрнатиш тўғрисида гапиради. Навоийнинг асарларида давлат молиясига катта ўрин ажратилади.

Марказий Осиё иқтисодий фикрлар тарихига Абдураҳмон Жомий (1414-1492), Заҳиридин Муҳаммад Бобур (1483-1530), Мирзо Ҳедиј (1644-1721), Махтумкули (1733-1782) ва бошқалар асарлари кирган.

3. Ҳозирги замон иқтисодий қарашларнинг асосий йўналишлари

Ҳозирги замон иқтисодий назарияларига XIX аср охири XX аср бошларида шаклланганлари киради. Улар ўзларида кенг турли-туман ёндашувлар, қарашлар ва концепцияларни акс эттирадилар. Уларни умумлаштирадиган бўлсак, унда ҳозирги замон иқтисодий фикрларнинг қўйидаги бош йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Янги классик.
2. Кейинчада.
3. Институционал-социологик.

Янги-классик йўналиш XIX аср охиридаги иқтисодий таълимотларини танқидий ўрганиш сифатида юзага келди ва маржинализм назарияси кўринишида шаклланди. Мазкур назариянинг мумтоз вакиллари бўлиб австрия мактаби иқтисодчилари Карл Ментен (1840-1921), Фридрих фон Визер (1851-1926), Эйген фон Бем-Баверк (1851-1914) ва инглиз иқтисодчиси Уильям Степли Джевонс (1835-1882) хисобланади.

Маржинализм (инглизча таржимаси “чегаравий”) – бу йўналишнинг бош категориялари: чегаравий фойдалилик, чегаравий унумдорлик, чегаравий харажатлар ва бошқалардир. Маржинализм миқдорий таҳлилга асосланади ва асосида субъектив баҳолаш ётувчи иқтисодий-математик методлардан фойдаланади. Математик мактабнинг кўзга кўринган назариятчиларидан бири швейцариялик иқтисодчи Леон Вальрас (1834-1916) дир.

Ғарбда “Экономикс” деб ном олган ҳозирги замон иқтисодий назарияси классик сиёсий иқтисод ва маржинализмни бирлашибдиришга уринади.

Дж.С.Мильтон классик мактаби сиёсий иқтисод курсини алмаштирган “Экономикс” курси биринчи бор 1902 йилда Кембридж университетида А.Маршал (1842-1924) томонидан ўқитилган.

Бугунги кунда иқтисодиёт назарияси буйича дарслклар “Экономикс” номи билан нашр қилинади. Сўнгги йилларда П.Самуэльсоннинг “Экономикс” дарслиги оммабоп хисобланади, у 1948 йилда биринчи марта чоп қилинган ва 13 мартадан ортиқ қайта нашр эттирилган. Муаллифнинг таъкидлашича, “иқтисодий назария ёки уни одатда атасиларича сиёсий иқтисод социал фанлар билан, уй хўжалиги иқтисодиёти, корхонани бошқариш билан узвий боялиқ бўлса да, у ўзининг предметига эгадир.

Шундай қилиб, “Экономикс” ва “Сиёсий иқтисод”га инглиз-амрика адабиётида синонимлар сифатида қаралади.

Янги классик иқтисодий фикрлар XX асрнинг 30-йилларигача хукмронлик қилиб келди. Ишқироз ва Буюк депрессия эркин ракобат жамиятнинг барча ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал қила

олмаслигини күрсатди, бунинг натижасида янги иқтисодий таълимот – кейнсчиллик юзага келди. 70-80- йилларда давлатининг иқтисодиётга ўта аралашуви ижтимоий ишлаб чиқаришининг ривожланишига тўс-кинилк қила бошлаганида янги классик таълимот қайтадан долзарб бўла бошлайди ва ҳозиргача шундайлигича қолмоқда. Farb иқти-содий адабиётида бу йўналиш “янги классик экономикс” номили олади.

Бугунги кунда иқтисодий фаннинг янги классик йўналиши монетаризм ва неолиберализм назариялари кўришишида намоён бўлди.

Монетаризм – иқтисодиётни барқарорлаштириш назарияси бў-либ, бунда пул омиллари бош ролни йўнайдишиар.

Америкалик иқтисодчи – олим Милтон Фридмен (1912 йилда туғилган) ҳозирги замон иқтисодий фаннинг йирик намоёндаси бў-либ, “янги монетар мактаби”нинг раҳбари сифатида тан олинган, у 1976 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган. М.Фридменнинг “Таңлаш эркинлиги” номли китобининг муковасида АҚШ Прези-денти Рейган бундай деб ёзди: “Америка келажагидан манфаатдор бўлган барча кишилар бу китобни ўқиб чиқишлари лозим”. М.Фридменнинг фикрича барча иқтисодий тушкунликларни бозор иқтисодиётининг барқарор эмаслиги билан эмас, балки пул сиёсати-нинг оқибатлари билан изоҳлаш мумкин, шунинг учун давлат бозор муюсабатларига имкон қадар камрок ва эҳтиёткорона аралашуви лозим.

Неолиберализм – давлатининг иқтисодиётга аралашувини камай-тиришига (минимумга олиб келишга) қаратилган оқим (А.Смит клас-сик сиёсий иқтисодининг принципи), чунки факат хусусий тадбир-корликкина иқтисодиётни инқизордан олиб чиқиши, иқтисодиётни юксалтириши ва аҳоли фаровоилигии таъминлаши мумкин.

XX аср иқтисодий либерализм концепциясининг раҳбар назари-ётчилари келиб чиқиши австриялик бўлган американлик иқтисодчи Людвич Фон Мизес (1881-1973) ва унинг иқтидорли шогирди келиб чиқиши немис бўлган инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайек (1899-1992)лардир.

Немис назариётчisi, ГФРнинг давлат ва сиёсий арбоби Людвич Эрхард (1897-1977) неолиберализм назариясига асосланган ҳолда ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги назариясини яра-тади ва уни амалиётда кўйлайди. Бу назариянинг асосий томонлари: эркин нарх-наво ва эркин рақобатнинг зарурлиги, талаб ва таклиф ўргасидаги тўғри нисбат, иқтисодиётдаги мувозанат. Бунда давлат бозор хўжалигидаги бундай шароитларни кафолатлаши ва иқтисодиёт ривожланишининг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаши лозим.

Асосчиси Лорд Джон Мейнارد Кейнс (1883-1946) бўлган иқти-
садий назариянинг кейинчи йўналиши талабни нақд ва ўтказилиши
пул массасини ўзгартириш орқали ошириш ва камайтириш йўли
билин ринохланган бозор иқтисодиёгини давлат томонидан тартибга
солишинг мухим назарий асоси бўлиб хизмат килади. Бундай
тартибга солиш ёрдамида инфляцияга, бандликка таъсир кўрсатиш,
товарларга бўлган талаб ва таклиф нотекислигини бартараф этиш,
иқтисодий инқирозларни жиловлаш мумкин. М.Кейнс илмий дои-
радан келиб чиқсан бўлиб, унинг отаси инглиз иқтисодчи олими
эди. Унинг бош асари “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назария-
си” (1936) китобида иқтисодистни давлат томонидан тартибга со-
лишинг назарияси ва ластури баён этилган. Бу назария ўнг
социалистик адабиётда кенг тарқалади ва кўпсоили тарафдорларга
(У.Беверидж, С.Харрис, А.Хансен, Р.Харрод ва бошқалар) эга бўла-
ди ҳамда қагор гарб мамлакатларидағи иқтисодий сиёсатта мухим
таъсир кўрсатади.

Неокейнсчилар, жумладан инглиз иқтисодчиси Джоан Робинсон (1902-1983) Ностационарлик омиллари ва иқтисодий жараёнлар
динамикасини тўла ҳисобга олишининг зарурлигидан келиб чиқади-
лар.

Хозирги замон иқтисодиёт назариясининг учинчи йўналиши –
институционал-социологик йўналиш бўлиб, унинг намоёндалари
Т.Веблен, Дж. Коммонс, У. Митчелл, Дж. Гэлбрейтлардир. Мазкур
концепциянинг номи лотинча *institutionum*-ўрнатиш, тузум, муассаса-
сўзидан келиб чиқади.

Иқтисодиёт назариясининг бу йўналиши XX аср бошларида ўз
талкиковларини “соф” иқтисодиёт билан чегараловчи маржинализм-
нинг тарқалишига бўлган эътибор сифатида юзага келди. Иқтисодий
фанинг бу янги интернационал йўналишининг назарий асоси Гер-
маниянинг тарихий мактабидир. Унинг йирик вакиллари В.Замбарт,
А.Шпитхоф ва М. Веберлардир.

Институционал-социологик йўналишда ўзгаришларни амалга
оширишда хозирги жамиятни трансформация килиш муомалалари
муҳим ўрин эгаллади. Институционализм тарафдорларининг фик-
рича, илмий-техника тараққиёти (ИТТ) ижтимоий зиддиятларни
бартараф килиш, жамиятни можаросиз ижтимоий эволюцияга, ин-
дустириал жамиятдан постиндустриал, супериндустриал ёки “неоин-
дустириал” (яъни информацион) жамиятга олиб келади. Техника-ик-
тисодий омиллар ролини абсолютлаштириш конвергенция назария-
сини илгари суриш имконини берди (Дж. Гэлбрейт, Питирим Соро-
кин-АКШ, Р.Арон-Франция, Я.Тинберген-Нидерландлар).

Неоинституционализм техник омилларни абсолютлаштиришдан
чекиниш, инсонга, ижтимоий муаммоларга катта эътибор бериш

билин тавсифланади. Ана шу тарзда мулк ҳукуки иқтисодий назарияси (Р. Коуз, АҚШ), ижтимоий танлаш назарияси (Дж. Бьюкенен, АҚШ) ва бошқалар юзага келди. Ҳозирги замон институционализмнинг боши мақсади-постиндустриал жамиятининг асосий иқтисодий ресурси бўлган инсон ролининг шунчаки ўсиб бораётганигина тарькидлашгина эмас, балки постиндустриал тизимни шахсни хар томонлами камол топтиришга умуман йўналтириш холосасини асослаш XXI асрни эса инсон юз йиллиги деб эълон қилишликдир.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Иқтисодиёт – бу ибора грекча "oikonomia" сўзидан келиб чиқкан бўлиб, уй хўжалигини юритиш сангъати маъносини англатади. Ҳозирги шароитда уни турлича талқин қиласилар:

1. Туман, ҳудуд, мамлакат, мамлакатлар гурухи ёки бутун жаҳон хўжалиги (масалан: жаҳон иқтисодиёти, Россия иқтисодиёти, Узбекистон иқтисодиёти ва ҳ.к.);
2. Бутун ҳалқ хўжалиги, ишлаб чиқаришинг байзи шароитлари ёки унсурларини (нуфуз, меҳнат, бошқарув ва ҳ.к.), алоҳида тармоқлар (саноат, машинасозлик, кишлоқ хўжалиги, чорвачилик, таълим ва ҳ.к.) ўрганиш билан шуғулланувчи илмий фан;
3. Ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш, истеъмол жараённида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг тарихий маълум мажмуи, маълум иқтисодий тизимдир.

Сиёсий иқтисод – грекча "политея" (давлат тузилмаси), "ойкос" (уй хўжалик) ва "номос" (таълимот, қонун) сўзларидан келиб чиқкан бўлиб, у давлат миқёсида хўжалик юритиш қонуилари маъносини англатади.

Экономикс – фарbdаги ҳозирги замон иқтисодиёт назарияси бўлиб, у классик сиёсий иқтисод билан маржинализмни қўшишга ўрганилади. Экономиксдаги ҳаёти на фаолияти тўғрисидаги фандир.

Иқтисодиёт назарияси – қадимий фанилардан бири бўлиб, у ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол килиш жараённида кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўрганади.

Меркантилизм – бойликнинг келиб чиқиши манбаи тўғрисидаги таълимот. Бироқ меркантилистлар бу масалани нотўғри талқин қилған эдилар. Чунки улар бойликнинг манбани муомала соҳасидан келтириб чиқарадилар, бойликни эса пул билан тенглаштирадилар. Мазкур таълимотнинг номи ҳам шундан келиб чиқади, чунки "меркантизм" дегани таржимада "пуллик" маъносини англатади. Меркантилистлар савдогарлар вакиллари бўлгандар ва уларнинг манфаатларини химоя қилгандар.

Физиократлар – сиёсий иктисол ривожланишидаги яити боскич бўлиб, грекчадан таржима килингданда “табиатнинг ҳукмронлиги” маъносини англатади. Бу йўналишнинг бош намоёндаси ва асосчиси Франсуо Кенз (1694-1774 й.) бўлган. У меркантилистиларнинг бойлик муомалада яратилади деган таълимотларини инкор этади. Бирок Б.Кенз таълимотининг чекланганлити шундан иборат эдики, у бойликнинг манбай факат қишлоқ ҳўжалигидаги меҳнат леб ҳисоблаган.

Монетаризм – иктисиётишни баркарорлаптириш назарияси бўлиб, унда бош ролни пул омиллари ўйнайди. Монетаристлар иктисиётишни бошқариш, бу пул массаси, пул эмиссияси, муомаладаги пулнинг микдори устидан давлатнинг назорат қилиши давлат бюджети баланслитига эришиш ва юкори кредит банк фоизини ўрнатиши деб тушунадилар.

Неолиберализм – иктисиётишга давлат аралашувини камайтириш (минимумга келтириш) ғоясини илгари сурувчи оқим.

Маржинализм – иктисиодий жараёнлар ва ҳодисалар, қонунлар ва категорияларни тадқиқ қилиш учун меъёрий ўлчамлардан фойдаланишга асосланган иктисиётиш назариясининг (сиёсий иктисол) методологик принципларидан бири.

Классик сиёсий иктисол – асосчилари А.Смит (1723-1790) ва Д. Рикардо (1772-1823). Улар қийматни, меҳнат назарияси асослари ни яратдилар.

Кейнсчилик – давлатнинг иктисиётишга ҳаддан ташқари кўп аралашувига карши бўлган иктисиётиш назариясидаги йўналиш. Бу таълимот ҳозирда ҳам долзарблигича қолмоқда. Унинг асосчиси Лорд Джон Мейнард Кейнсdir (1883-1946). Унинг бош асарларида “Бандик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” (1936) унинг назарияси ва иктисиётишни давлат томонидан тартибга солиш ластури баён қилинган.

Институционал-социологик йўналиш – ҳозирги замон иктисиётиш назариясидаги учинчи йўналиши бўлиб, унинг намоёндалари Т.Веблен, Дж. Коммонс, У. Митчелл, Дж. Гелбрейтдир. Мазкур концепциянинг номи лотинча “institutum” – ўрнатиш, тузилма, муассаса сўзидан келиб чиқкан. “Институт” тушунчаси жуда кенг талқин қилинади: давлат, корпорация, касаба уюшмалар, рақобат, монополия, соликлар, баркарор турмуш тарзи ва юридик нормалар.

Протекционизм сиёсати – ғоявий жиҳатдан меркантилизмга якин ҳисобланади. Бу сиёсат божхона тўсикларини жорий қилиш, мамлакатта чет эл товарларини ва капиталларини кириб келишини чеклаш оркали миллий иктисиётишни бошқа давлатлардан кутилаётган рақобатдан тўсиш ва ҳимоя қилишга қаратилган.

Ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги назарияси – немис назариётчиси, ГФР давлат ва сиёсий арбоби Людвич Эрхард (1897-1977) неолиберализация назариясига асосланган ҳолда ўзининг бу назариясини яратади ва уни амалиётга тадбик этади. Бу назариянинг асосий томонлари: эркин нарх ва эркин рақобатниң зарурлиғи, талаб ва таклиф ўргасидаги тўғри нисбат, иқтисодиётнинг мувозапатлиги. Бунда давлат бозор хўжалигига бу шарт-шароитларни кафолатлаши ва унинг ривожланишида ижтимоий йўналтирилганликни таъминлаши лозим.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодий билимлар қандай шаклланган?
2. Иқтисодиёт назарияси фан сифатида қачон вужудга келди?
3. Иқтисодий фикрлар ривожланишининг қандай боскичларини биласиз?
4. XX асрдагача бўлган асосий иқтисодий таълимотларни санаб ўтинг ва уларниң моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилиб кўринг.
5. Ҳозирги замон иқтисодий қарашларнинг асосий йўналишларини ажратиб беринг.

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон” 1997 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й.
- Курс Экономической теории. Учебное пособие (Руководитель авторского коллектива и научный редактор проф. А.В. Сидорович) М.: МГУ. Изд-во “ДИС”, 1997 г.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.з “Шарқ”, 1999 г.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В.И., Добрынина А.И. и др. – М.: ИНФРА-М, 2001.

II БОБ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

1. Иқтисодиёт назариясининг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. Иқтисодиёт назариясининг бошқа фанлар ва иқтисодий сиёсат билан ўзаро алоқадорлиги.
3. Иқтисодиёт назариясининг методологияси.

I. Иқтисодиёт назариясининг предмети, мақсади ва вазифалари

Иқтисодиёт фанининг тарихига килинган ўзига хос саёхат, унинг асосий мактаблари ва йўниалишлари билан танишувдан кейин иқтисодиёт назариясининг предметига таъриф бериш мумкин.

Иқтисодиёт назарияси – кишиларнинг чекланмаган эҳтиёжларини тўларок қондириш мақсадида, чекланган ресурслардан фойдаланишининг энг самарали йўлларини излаш шароитида кишилик жамияти ривожланишининг қонунлари ва конутияларини ўрганиш билан шугулланувчи фандир.

Иқтисодчи олимларнинг асарларини ўрганаар эканмиз, шунга эътиборни қаратиш мумкинки, иқтисодий ҳодисалар таҳлили бўйича у ёки бу ёндашувларга мос равишда фанинг предметига берилган таърифлар ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Масалан: Айрим иқтисодчиларнинг фикрича кишилик жамияти ривожланишининг турли босқичларидағи моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараённида кишилар ўтасида юзага келадиган муносабатлар сиёсий иқтисоднинг предмети бўлиб ҳисобланади. “Экономикс” дарслигига фанинг предметига куйищагича таъриф берилади: биринчидан, чекланган ресурслар дунёсида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараённида индивидуаллар ҳаракатини тадқиқ қилиш, иккинчидан, кишиларнинг моддий эҳтиёжларини тўларок қондириш мақсадида чекланган ресурслардан самарали фойдаланишини ўрганиш.

Бу таърифлар иқтисодиёт назарияси предметининг баъзи томонларини акс эттиради ва шунинг учун “Экономикс”ни иқтисодиёт назариясининг бир қисми дейиш мумкин. Иқтисодиёт назарияси ресурслардан рационал, оптималь ва самарали фойдаланиш муаммоларини ўрганишдан ташқари иқтисодий тизимларининг тарихий эволюцияси, миллий бойлик ва жамият фарованиелиги ўсишининг манбалари ва ҳаракатлантирувчи кучлари таҳлилини ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодиёт назарияси фани иштаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши тўғрисидаги фандир. шунинг учун унинг предмети ишлаб чиқариш муносабатларидири.

Ишлаб чиқариш муносабатлари – бу ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлиш ва истеъмол килиш жараёнида кишилар ўртасида объектив юзага келадиган муносабатлардир.

Иктиносидиёт назарияси таркибаш ўз ичига микроиктиносидиёт (алоҳида иктиносидий субъектларнинг ҳатти-харакати) ва макроиктиносидиётни (бутун мислий иктиносидий тизим ҳатти-харакати ва амал қилиши) олади. Унинг таркибида яна мезоиктиносидиёт (мислий иктиносидиётнинг алоҳида кичик тизимлари ёки ҳалқ хўжалиги тармоклари ҳатти-харакати) ва супермакроиктиносидиётни (бутун жаҳон иктиносидиётининг ҳатти-харакати) ажратиб кўрсантиш мумкин.

Иктиносидиёт назариясининг предметини ўрганишда уни аникрок тасаввур қилиш мақсадида қўйидагиларни алоҳида ҳисобга олиш зарур:

- талқикот соҳаси – хўжалик фаолияти амалга ошириладиган иктиносидий аёт ёки муҳит;
- талқикот обьекти – иктиносидий ҳодисалар;
- талқикот субъекти – инсон, кишилар гуруҳи, давлат;
- талқикот предмети – “иктиносидий инсоннинг” кишилар гуруҳи ва давлатнинг ҳаётий фаолияти, иктиносидий муҳитда уларнинг ҳатти-харакати.

Таъкидлаш лозимки, иктиносидиёт назариясининг асосий вазифа-си-иктиносидий ҳодисаларнинг шунчаки талқинини бериш эмас, балки уларнинг ўзаро боғликлиги ва ўзаро алокадорлигини кўрсатиш, яъни иктиносидий ҳодисалар, жараёнлар ва қонуулар тизимини ёритиб беришдан иборат. У шу билан бошқа аниқ иктиносидий фанлардан фарқ киласди.

Иктиносидиёт назарияси, бошқа фанлар сингари қагор вазифаларни бажаради. Биринчи бўлчб иктиносидиёт назариясининг вазифалари А.Смит белгилари ва уларни икки қисмга бўлди: позитив ва норматив вазифалар.

Позитив иктиносидиёт назарияси обьектив иктиносидий реалистикнинг таҳлилини амалга оширади ва унинг ривожланиши қонуниятларини аниклади. У иктиносидиёт соҳасидаги далиллар, шарт-шароитлар ва ҳодисалар билан иш юритади.

Иктиносидий фаннинг норматив (масъёрий) томони фирма ва давлатнинг иктиносидий сиёсатини таъминлайди. Ўтказилган таҳлиллар асосида у энг максадга мувофиқ услуг орқали ишни қандай ташкил қилиш кераклиги тўғрисида амалий маслаҳатлар беради.

Шундай қилиб, иктиносидиёт назарияси бошқа аниқ иктиносидий фанларнинг назарий асоси сифатида қўйидаги уч вазифани (функцияни) бажаради: билиш, амалий ва методологик.

Иқтисодий ҳақиқат, назария, сиёсат иа бошқа иқтисодий фанлар ўртасидаги нисбатни қуйидаги чизмадан (чизма 1) кўриш мумкин:

Чизма 1.
Макроиқтисодий таҳлил.
Амалий (норматив) функция.



Чизма 1 да иқтисодий ҳодисаларни таҳлил қилишнинг ўкки даржаси ўз аксини топган: микроиқтисодий ва макроиқтисодий. Микроиқтисодий таҳлил жараённда алоҳида иқтисодий бирликлар: тармоқ, фирма, фирмалар фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари тадқиқ қилинади. Макроиқтисодий таҳлил бутун иқтисодиёт, унинг ишсизлик, инфляция, ялпи мишлий маҳсулот ва х.к. каби томонларини ўрганиш учун ишлатилади.

2. Иқтисодиёт назариясининг бошқа фанлар ва иқтисодий сиёсат билан ўзаро алоқадорлиги

Иқтисодий назария бутун бир комплекс фанларнинг: тармоқ (савдо, саноат, транспорт, қурилиш иқтисодиёти ва х.к.); функционал (молия, кредит, маркетинг, менежмент, истиқболни белгилаш ва бошқалар); тармоқлараро (иқтисодий география, демография, статистика ва бошқалар) методологик асосидир.

Иқтисодиёт назариясининг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқасини умумий кўринишда қуйидаги чизма орқали кўрсатиш мумкин (чизма 2).

Аник иқтисодий фанлар Тармоқлар иқтисодиёти. Корхоналар иқтисодиёти. Мамалакатлар иқтисодиёти ва ҳ.к.		
Алохида иқтисодий шакллар ва ташкилотлар иқтисодиёти. Молия Кредит Маркетинг Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва ҳ.к.	Иқтисодиёт назарияси	Информацион-аналитик фанлар Иқтисодий-математик методлар. Статистика Иқтисодий таҳлил
Тарихий-иқтисодий фанлар Иқтисодий таълимотлар тарихи, Ҳалқ хўжалиги тарихи		

Иқтисодиёт назариясининг амалий аҳамияти шундан иборатки, билимлар олдиндан кўра билишга, олдиндан кўра билиш эса – ҳаракатга олиб келади. Иқтисодиёт назарияси иқтисодий сиёсат асосида ётиши керак, бу орқали эса-хўжалик амалиёти соҳасини ёритиши лозим. Ҳаракат (амалиёт) билишга, билиш-олдиндан кўра билишга, олдиндан кўра билиш эса-тўғри ҳаракатга олиб келади.

Иқтисодий сиёсат ижтимоий ишлаб чиқариш, неъматларни тақсимлаш, айрибошлиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги давлатнинг аник мақсадларга қаратилган тадбирлари тизимиdir. У жамият, унинг барча ижтимоий гурӯҳлари манфаатларини акс эттиргоми лозим ва миллтий иқтисодиётни мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиши керак.

3. Иқтисодиёт назариясининг методологияси

Методология масалалари иқтисодий муаммоларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт назарияси методологияси-хўжалик ҳаёти, иқтисодий ҳодисаларни ўрганишни методлари тўғрисидаги фандир.

Методологияни методлар билан, яъни фандаги воситалар, тадқиқотлар услублари мажмуи, иқтисодий категориялар ва конуналар тизимида уларнинг намоён бўлиши билан арагаштириб бўлмайди.

Иқтисодиёт унга боғлиқ катта микдордаги далишлардан иборат бўлиб, уларни билишда иқтисодиёт назарияси турли методлардан (грекча “тадқиқот услуби”) фойдаланади.

Диалектик методнинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодий ҳаётнинг барча ҳодисалари ва жараёнлари ўзаро боғлиқлиқда ва тўхтосиз ривожланишда кўриб чиқилади.

Тадқиқотнинг муваффакиятини таъминлаш учун фан асосий нарсаларни ўрганишни кийинлаштирувчи иккичи даражали далилларни четлаб ўтади, абстрактлашади, илмий абстракция методнинг моҳияти ана шундан иборат.

Иқтисодиёт назарияси, шунингдек, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантиқийлик, статистик кузатиш, иқтисодий-математик моделлаштириш, иқтисодий эксперимент (амалиёт) методларидан ҳам фойдаланади.

Юкорида номлари келтирилган методларни кўллаш иқтисодий ҳодисаларнинг турли томонларини тавсифловчи иқтисодий категориялар, тушунчалар тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

Иқтисодий категориялар деб жамият иқтисодий ҳаётнинг энг умумий ва муҳим томонларини акс эттирувчи мантиқий тушунчаларга айтилади.

Тадқиқотларни чукурлаштириш шуни фаҳмлашга олиб келадики, жамиятдаги барча жараёнлар ички, уларга хос бўлган иқтисодий конунлар билан бошкарилади. Иқтисодий конунлар иқтисодий ҳодисалардаги пухта, доимо такрорланиб турувчи, зарурий алоқалар ва ўзаро боғликларни акс эттирадилар.

Иқтисодий конунлар маълум иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг муқаррарлигини акс эттириб, объективия характерга эга, яъни одамларнинг онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат қиласидилар, лекин кишилик жамияти вужудга келиши билан юзага кенгланлар.

Иқтисодий конунлар (тарихий тузумларга боғлиқ ҳолда) қуйидаги гурӯҳларга ажralадилар:

- 1) Махсус иқтисодий конунлар.
- 2) Ўзига хос иқтисодий конунлар.
- 3) Умумий иқтисодий конунлар.

Махсус иқтисодий конунлар-биргина ишлаб чиқариш усулида амал килувчи, маълум, тарихий хўжалик юритиш шаклларига хос

бўлган қонунлардир. Масалан, қулдорлик, крепостнойлик даврлари-даги тақсимот қонунлари ва бошқалар.

Ўзига хос иқтисодий қонунлар-уларнинг амал қилишига шартшароитлар мавжуд бўлган тарихий даврларга хос бўлган қонунлардир. Масалан, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни.

Умумий иқтисодий қонунлар – барча тарихий даврларга хос бўлган қонунлардир. Масалан, вақғни тежаш қонуни, эҳтиёжларни ошиб бориши, қонуни, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва бошқалар.

Табият қонунлари сингари иқтисодий қонунлар ҳам объектив характерга эга. Бироқ иқтисодий қонунларнинг объективлиги ва мажбурийлиги кишиларнинг амалий фаолияти аҳамиятини йўкка чиқармайди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши даражаси қанча коқори бўлса, шунча иқтисодий жараёнларни онгли тартибга солишга кўпроқ имкониятлар юзага келади. Иқтисодий қонунларни ўрганиш ва тушуниш макроиқтисодий вазифаларни ҳал этишга қартилган иқтисодий сиёсатини тўғри ишлаб чиқиши ва асослашга ёрдам беради.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Ишлаб чиқариш муносабаглари – бу ҳаётий неъматларни ишлаб чиқарини, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш жараёнида кишилар ўртасида объектив равишда шаклланадиган муносабатлардир.

Умумий иқтисодиёт назарияси – ижтимоий фан бўлиб, у ресурсларнинг чекланганилиги шароитида эҳтиёжларни қондириш максадида ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлиш ва истеъмол қилишда кишилар ва гурухларнинг хулк-авторини, улар ўртасида юзага келадиган ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганади.

Микроиқтисодиёт – алоҳида иқтисодий субъектларнинг хулк-автори.

Макроиқтисодиёт – бутун миллий иқтисодий тизимнинг хулк-автори ёки амал қилиши.

Мезониқтисодиёт – миллий иқтисодиётнинг маълум тизимлари ёки ҳалқ хўжалиги тармоқларининг хулк-автори.

Супермакроиқтисодиёт – бутунлигича жаҳон иқтисодиётининг хулк-автори.

Иқтисодиёт назариясининг тадқиқот соҳаси – хўжалик фаолияти амалга ошираётган иқтисодий ҳаёт ёки муҳит.

Тадқиқот обьекти – иқтисодий ходисалар

Тадқиқот субъекти – инсон, кишилар гуруҳи, давлат.

Тадқиқот предмети – “Иқтисодий инсон”, кишилар гурухлари ва давлатнинг ҳаётий фаолияти ва уларнинг иқтисодий мухитдаги хулк-автори.

Иқтисодиёт назариясининг асосий назифаси – иқтисодий ҳодисаларга оддийгина тавсиф бериш эмас, балки уларнинг ўзаро алоқадорлигини ва ўзаро боғликлигини қўрсатиб бериш, яъни иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва қонунлар тизимини очиб бериш. Ана шу билан у аниқ иқтисодий фанлардан фарқ қиласди.

Иқтисодиёт назариясининг амалий аҳамияти – шундай иборатки, билимлар олдиндан кўра билишга, олдиндан кўра билиш эса амалда қўллашга олиб келади.

Иқтисодий сиёsat – неъматларни ижтимоий ишлаб чикариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлари тизими. У жамиятнинг, унинг барча ижтимоий гурухлари манфаатларини акс эттиришга қаратлади ва миллий иқтисодиётни мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Иқтисодиёт назариясининг методологияси – хўжалик ҳаёти иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш методлари тўғрисидаги фан.

Методлар – фандаги тадқиқот воситалари ва услублар мажмуи ва уларнинг иқтисодий катгориялари ва қонунлар тизимида ўз аксини топиши.

Иқтисодий категориялар – жамият иқтисодий ҳаётининг асосий ва энг умумий томонларини акс эттирувчи мантикий тушунчалар.

Иқтисодий қонун – мавжуд жараёнга хос бўлган баркарор, пухта, кўп марта қайтарилиб турувчи ҳодиса ва ички, моҳиятли, зарурӣ, сабаб-оқибат, доимий, умумий, сифатий ва микдорий ўзаро муносабатлар алоқаларининг акс эттишидир.

Иқтисодий манфаат – бу иқтисодий эҳтиёжларни акс этиши шаюни.

Иқтисодий модел – бу таркиби объектив хусусиятлар ҳакида тадқиқотнинг субъектив мақсади тавсифи билан белгиланувчи иқтисодий жараён ва ҳодисани формалаштирилган тасвири.

Функциялар – бошқа ўзгарувчан микдорларга боғлиқ бўлган ўзгарувчан микдорлар.

Иқтисодий эксперемент – энг яхши шароитларда ўрганиш ва кейинчалик амалиётда фойдаланиш мақсадида иқтисодий ҳодиса ёки жараённи сунъий равишда синааб кўриш.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодиёт назарияси фанининг предметига таъриф беринг.
2. Иқтисодиёт назариясининг ижтимоий, аниқ иқтисодий, социал ва табиий фанлар билан ўзаро алоқадорлигини қўрсатинг.

3. Хўжалик амалиётини иқтисодий назариясиз тасаввур этиш мумкинми?
4. Ўзингизни текшириб кўринг, қўйидаги тушунчаларни сиз қандай ўзлаштиргингиз: таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт ва аник, мантикий ва тарихий, субъектив ва объектив мисоллар келтириш
5. Иқтисодиёт назариясининг методологияси нима?
6. Иқтисодий концептлар ва категорияларга тাъриф беринг. Уларнинг объектив табиати деганда нимани тушунасаниз?
7. Иқтисодий модель эканлигини изоҳланг.
8. Иқтисодий эксперемент нима?
9. Иқтисодий сиёsat тушучасини тавсифланг.

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
- Макконнел К.Р., Брю С.Л. “Экономика”. Принципы, проблемы и политика. М.: “Республика”, 1992 г.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика Перевод с англ. со 2-го издания. М.: “Дело ЛТД” 1993 г.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й.
- Курс Экономической теории. Учебное пособие (Руководитель авторского коллектива и научный редактор проф. А.В. Сидорович) М.: МГУ. Изд-во “ДИС”, 1997 г.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.: “Шарқ”, 1999 г.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видятина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. 2000.

III БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ЭХТИЁЖЛАР

1. Ижтимоий – иқтисодий эхтиёжларнинг мазмуни ва уларнинг турлари.
2. Эхтиёжларнинг чексизлігі ва юксалиши.
3. Эхтиёжларнинг қондирилиши воситалари ва усуллари.

1. Ижтимоий – иқтисодий эхтиёжларнинг мазмуни ва уларнинг турлари

Ижтимоий – иқтисодий эхтиёжлар – кишиларшың яшаши, меңнат килиши ва маңыум мавқега зәғ бўлиши учун истеъмол этилиши зарур бўлган маҳсулотлар ва хизматлар мажмуицир. Миллий мустақилликка эришиш ва миллий иқтисодиётни шакллантириш шароитида эхтиёжлар факат тирикчилик воситаси эмас. У ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолиятида камол топиши ҳамда ички имкониятларини намоён этишининг табий зарурияти ва воситаси бўлиб хисобланади.

Эхтиёжлар мазмуни ва моҳиятига кўра турличадир. Йирик иқтисодчи олимлар уларни уч турга бўлишади:

Якка тартибдаги эхтиёжлар инсонларнинг индивидуал жиҳатларига узвий боғлиқ, шу билан биргаликда уларнинг шахс сифатидаги хусусиятларини ўзида мужассам этади.

Гурухий эхтиёжлар – маълум гурухга, жамоа (оила, сиёсий партиялар, касаба уюшмалар, турли жамоалар)га бирлашган кишилар эхтиёжидир.

Умум жамият эхтиёжи – якка ва гурухий эхтиёжларининг мажмуми. У жамиятнинг яхлит организм сифатида яшашининг зарурий шартидир. Мазкур эхтиёжлар ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос табиий, иқтисодий ва тарихий ҳамда миллий хусусиятларига ва ривожланиш даражасига қараб фарқланади.

Эхтиёжлар турлича бўлиши билан бирга доимий ва у аниқ шароитга мас равинида ўзгариб, янгиланиб туради. Эхтиёжларни қондирилиш даражаси инсоннинг ўзигагина эмас, балки у яшайтган жамиятга ҳам узвий боғлиқ бўлади.

Ижтимоий – иқтисодий эхтиёжлар табиатига кўра қўйдагиларга бўлинади.

- 1) моддий эхтиёжлар.
- 2) ижтимоий-маънавий эхтиёжлар.
- 3) меңнат эхтиёжи.

Моддий эхтиёжлар (озик овқат, кийим-кечак, турар жой, транспорт, алоқа, гигиена эхтиёжлари) бирламчи ҳәтий эхтиёжлардан иборат ва моддий кўринишга зәғ бўлади.

Ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар (билим олиш, ишчиларнинг маданий савиёсини ва малака-маҳоратини ошириш) моддий кўринишга эга бўлмаса-да, жамиятнинг ривожлана бориши билан ҳаётий заруришта айланади.

Мехнат эҳтиёжи инсонда меҳнат ва ижод этиш кобилияти мавжудлигидан келиб чиқади. У моддий шаклга эга бўлмаса-да, маълум бир моддий шаронтлар бўлишини талаб этади.

Моддий эҳтиёжлар деганда кишиларнинг товар ва хизматларда бўлган талаби, унинг нафлиги ҳамда харид килиш имконияти тушунилади, яъни озик-овқат, кийим-кечак, турар жой, транспорт, алоқа, гигиена эҳтиёжларидан иборат бўлади. Бу кишиларнинг энг зарурий яшаш эҳтиёжидир.

Кишиларнинг эҳтиёжлари ва унинг қондирилиш даражаси ишлаб чиқариш муносабатларининг характеристи ва ишлаб чиқариши муносабатларининг тавсифи ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига боғлик бўлади. Жамият моддий неъматларни яратгандагина унга эҳтиёж туғилади.

Ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар асосан хизматлардан (майший, ўқитувчи, шифокор, санъат арбоби хизматидан) иборат бўлиб, улар маълум фаолият шаклига эга, улар яққол моддий кўринишга эга бўлмаса жамиятнинг ривожлана бориши билан ҳаётий заруриятга айланади.

Мехнат эҳтиёжи инсонда меҳнат ва ижод этиш кобилияти мавжудлигидан келиб чиқади. У моддий шаклга эга бўлмасада, маълум бир моддий шаронтлар бўлишини талаб этади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, инсон меҳнатда ўз ўрнини топиши, ўз кобилиятини ишга солиб элга танилиши керак. Эҳтиёжнинг юқорида қайд этилган учала тури бир-бирини тақозо этади, улар фақат узвий бирлиқда ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларни кўрсатади.

2. Эҳтиёжларнинг чексизлиги ва юксалиши

Эҳтиёжлар тўхтовсиз янгишаниб, мазмунан бойиб боради.

Иктисолидётда «эҳтиёжларнинг юксалиш конуни» амал қиласиди ва у барча ижтимоий-иктисодий тизимлар учун хосдир. Мазкур қонунга кўра жамият аъзоларининг эҳтиёжи янгишаниб туради, эскилар ўрнига янгиси келади. Бу эҳтиёжларнинг трансформацияси дейилади. Мазкур ҳолат эҳтиёжларининг ўзгариши билан ишлаб чиқариш ўртасидаги чамбарчас алоқадорлигини ўзида намоёнг эттиради.

Жамиятнинг ривожланиши билан моддий неъматлар кўпаяди, кишиларнинг эҳтиёжлари ҳам тўхтовсиз ошиб боради. Бу эса кишилар эҳтиёжининг чексиз эканлигини ифодалайди. Моддий неъматларга айрим шахсларгина эмас, балки корхона, фирма, давлатлар ҳам эҳтиёж сезадилар.

Эҳтиёжларнинг ривожланиши ва янгилиниши жамият тараққиёт тига узвий боғлиқ. Кишилик тараққиётининг дастлабки даврларида ишлаб чиқариш ва меҳнат куролларининг соддалиги пировардида эҳтиёжларнинг ҳам оддийлиги сабаб бўлади. Ҳозир аввалтилардан фарқли ўлароқ илмий-техника янгиликларига асосланган ишлаб чиқаришнинг устуворлиги эҳтиёжларнинг ҳам юксалишига олиб келади.

Аҳоли сонининг ўсиши, унинг таркиби ва малакали ишлар билан бандлик даражаси ҳам эҳтиёжга жиддий таъсир этади. Масалан, аҳоли сонининг тезлик билан ўсиши, унинг таркибида ёшлар сонининг кўп бўлишига олиб келади. Аҳоли таркибидаги бундай хусусият эҳтиёжларининг кондирилишида албагта ҳисобга олинади.

Эҳтиёжлар бир текис юксалмайди. Уларнинг нотекислигига жамиятнинг ривожланиши даражаси ва ундаги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг бир маромда бўлмаслиги таъсир этади. Аҳоли истеъмоли чекланган жамиятда эҳтиёжларнинг юксалиши кузатил-майди.

Эҳтиёжлар юксалишининг тўрт жиҳати бор:

1. Эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиши – бу муайян эҳтиёж сакланган ҳолда унинг ортиб бориши.
2. *Моҳиятнан янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши* – бунда эҳтиёжларни ички таркибий тузилиши ўзгаради. Масалан, видеоаппаратурини пайдо бўлиши, театр ёки кинога бориш эҳтиёжини пасайтиради.
3. *Турли эҳтиёжлар нисбатининг ўзгариши* – яъни умуман транспорт эҳтиёжини саклаган ҳолда, транспортнинг аниқ турларига эҳтиёж ўзгаради. Масалан, темир йўл транспорти ўрнига ҳаво транспортига устувор эҳтиёжлар пайдо бўлади.
4. *Ўринбосар эҳтиёжнинг пайдо бўлиши*. Ўринбосар эҳтиёжлар албатта юксак ривожланган иктиносидётга хосдир. Ўринбосарлик маҳсулотларнинг сифатига, нархига ва истеъмол учун қулайлигига боғлиқ.

Юкорида қайд этилган жиҳатлардан келиб чиқсан ҳолда шундай хуносага келиш мумкинки, яъни эҳтиёжларнинг юксалишида ундаги таркибий силжишлар муҳим аҳамиятга эга, чунки бу иктиносидий ривожланишни алломатидир. Бошқача қилиб айтганда эҳтиёждаги таркибий ўзгаришларга хос қонуният – бу саноат маҳсулотларига, фантехника тараққиёти натижасида яратган янги турдаги маҳсулотларга ва турли хил хизматларга бўлган эҳтиёжнинг жадал ўсишидир.

3. Эҳтиёжларнинг кондирилиш воситалари ва усуслари

Эҳтиёжларни кондиришнинг ягона воситаси ҳаётий исьматларни ишлаб чиқаришdir. Эҳтиёжлар юксалиши на чексиз ўзгаришига мос равишда уларни кондириш воситалари ҳам янгилиниб, такомиллашиб боради. Аммо уни таъминлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқа-

риш ресерслари (табиий, мәжнат, техника ва технология ресурслари) чекланган бўлади. Шу боис юксалиб бораётган эҳтиёжларни кондиришнинг бирдан бир воситаси камёб ресурслардан тежамли ва оқилюна фойдаланиш хисобланади.

Ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз ва ўсувчан эҳтиёжларни етарли даражада қондириш имконияти мавжуд бўлмайди. Шунинг учун жамият мукобил маҳсулотларидан қайси бирини қайвактда ишлаб чикаришни ўзи танлаб олади.

Чекланган ресурсларни тежамли ишлатиш чексиз эҳтиёжларни қондириш воситаси бўлади. Ўсиб бораётган эҳтиёжнинг қондириш воситаси билан алоқаси иккιёклама бўлади: эҳтиёжнинг микдоран ортиб бориши ресурс бирлигидан кўпроқ истеъмол буюмлари олишни; эҳтиёж таркибининг янгиланиши ресурс бирлигидан кўп турдаги маҳсулот олишни талаб қиласди.

Жамият ўзининг ишлаб чикариш имкониятларини эҳтиёжга монанд равишда ривожлантириб бориши шарт. Буни амада бажарилиши учун янги техника-технологияларни жорий этилиши ва шунга мувофик тарзда ишловчиларнинг билимини, малакасини ошириб боришини талаб қиласди. Ана шундагина инсон фаолиятига боғлик ресурсларнинг самараси ошади ёки чеклаб кўйган ресурслардан унумли ишлатиш имкони яратиласди.

Ишлаб чикариш ресурсларининг чекланганлиги эҳтиёжларнинг бирин-кестин, босқичма-босқич қондириб боришишини билдириди, чунки уларнинг барчасини бир вактда амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам жамият мукобил маҳсулотлардан қайси бирини ишлаб чикаришни танлаб олади.

Демак, чегараланган ресурслар доирасида ҳамма эҳтиёжларни бир вактнинг ўзида, бир йўла қондириб бўлмаганидан ишлаб чикариш имконига қараб, у ёки бу эҳтиёжларни қондиришининг оптимал даражасини танлаб олиш керак бўлади. Сабаби, агарда бир эҳтиёжни қондириш учун бошқа ресурслар сафарбар этилаверса, бошқа эҳтиёжлар умуман қондирилмайди ёки чала қондириласди.

Муайян микдордаги бир маҳсулотни ишлаб чикариш учун возкечилиш зарур бўлган бошқа маҳсулот микдори биринчи маҳсулот зиммасига тушган ишлаб чикариш харажатлари деб юритиласди.

Эҳтиёжнинг қондиришишини яна бир йўли тақсимот ва айришашлаш ҳам яхши ташкил қилиниши керак. Яъни яратилган маҳсулотлар ва хизматлар тақсимланганда улар ахолининг бир кисмига кўпроқ, бошқасига камроқ бўлинса, бунда факат айrim тоифаларнинг эҳтиёжи тўлиқ қондириласди, кўпчилик эҳтиёжи эса ярим бўлиб, улар энг зарур тирикчилик воситалари билан чекланади.

Бозор иктисадиёти шароитида ишлаб чикаришлар ихтисослашган бўлиб, ишлаб чикаришган маҳсулот ўзгалар эҳтиёжини мўлжал-

лайди ва шу сабабли бозорга чикади. Демак, бозор иқтисодиёти шароитларида эҳтиёжлар товарларни сотиб олиш орқали кондирилади.

Кишилар ўз эҳтиёжларини кондириш жараённила даромадларидан самарали фойдаланишга харакат киладилар. Даромадларга мос келадиган моддий неъматларни харид қилганда танлашга харакат киладилар.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Эҳтиёжлар – кондирилишни талаб этувчи кишиларнинг ҳаёт кечиришлари, организмнинг ривожланиши, инсоннинг камол топиши учун у ёки бу нарсаларга бўлган зарурияти бўйича объектив муҳтоҷлиги.

Ижтимоий-иктисодий эҳтиёжлар – кишиларнинг яшави, меҳнат килиши ва маълум иқтисодий мавқега эга бўлиши, истеъмол этилиши учун зарур бўлган маҳсулотлар ва хизматлар мажмуудир.

Гурухий эҳтиёжлар – маълум гурухга бирлашган кишиларнинг умумий эҳтиёжи.

Умумжамият эҳтиёжи – биринчидан, барча турдаги якка ва турхий эҳтиёжларнинг мажмуудаш иборат бўлса, иккинчидан, жамияти яхшият организм сифатида яшаб туриши учун зарур эҳтиёждир.

Эҳтиёжларнинг юксалиши қонуни – бу қонун умумиктисодий қонунлар жумласига киради ва жамиятнинг ички тузилишидан катъи назар инсоният тараккиётининг ҳамма боскичларида амал қиласи. Бу қонунга кўра жамият аъзоларининг, бутун аҳолининг эҳтиёжлари узлусиз юксалиб боради, эҳтиёж микдоран ўсиб, таркибан янгиланишиб туради, эски эҳтиёжлар ўрнига янгиси келади, эҳтиёжларнинг ривожланиши мураккаб тарзда юз беради.

Эҳтиёжнинг тарисформацияси – бу бирон-бир эҳтиёжнинг бошка эҳтиёжга айланниб кетиши билан биргаликда, мутлақо янги, нозик ва ўта юксак эҳтиёж пайдо бўлишидир.

Ресурсларнинг камёблиги – эҳтиёжлар чексиз ўзгаргани ҳолда уни таъминлаш учун керак бўлган ишлаб чиқариш ресурслари (табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, техника ва технология) чекланган бўлади. Буни Фарбдаги иқтисодчилар ресурсларнинг камёблиги деб атасади.

Иқтисодий манфаат – бу иқтисодий эҳтиёжларнинг намоён этиши шаклидир.

Турмуш даражаси – аҳоли эҳтиёжларининг кондирилиши меъёридир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Эҳтиёж тушунчасига търиф беринг?
2. Эҳтиёжларни қандай турларини биласиз?
3. Эҳтиёжлар чексизлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Ресурслар ноёблигини қандай изохлаш мумкин?
5. Эҳтиёжга қандай омиллар таъсир этади?
6. Эҳтиёжларнинг ошиб бориш қонунининг маъдиятини тушунтириб беринг.
7. Ишлаб чиқариш ва эҳтиёжлар ўртасидаги алоқадорликни тавсифланг.
8. Эҳтиёжларни кондириш воситалари ва усусларини тушунтириб беринг. Улар қандай фарқланади?

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: "Ўзбекистон", 1995 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳаифсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: "Ўзбекистон", 1997 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999 й.
- Маккоинел К.Р., Брю С.Л. "Экономика". Принципы, проблемы и политика. М.: "Республика", 1992 г.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика Перевод с англ. со 2-го издания. М.: "Дело ЛТД" 1993 г.
- Камаев В.Д. и другие. Учебник по основам экономической теории. М.: "Владос", 1994 й.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Меҳнат", 1995 й.
- Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Т.: "Меҳнат", 1997 й.
- Севлякянц С.Г., Отто О.Э., Тешаев Б.Т. Экономика – основа жизни общества. Т.: "Шарқ", 1998 г.
- Умаров К.Ю. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т., "Университет", 1998 й., 4-мавзу, 17-22-бетлар.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.: "Шарқ", 1999 г.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия, 2000.

IV БОБ. ИЖТИМОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг тузилиши.
2. Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари.
3. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши – унинг омилларидан фойдаланишга боғликлиги.
4. Ҳозирги замон хўжалик фаолиягини тавсифловчи асосий тушунчалар.

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг тузилиши

Кишиларпинг хўжалик фаолияти ўта мураккаб ва чалкаш турли-туман ҳодисалар ва жараёнлар мажмуидан иборат бўлиб, унда иқтисодий назария тўрт босқични ажратаси: ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлиш ва истеъмол. Ишлаб чиқариш – бу инсоннинг ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратиш жараёнидир. Тақсимот – ҳар бир хўжалик юритувчи субъект маҳсулот ишлаб чиқаришда иштирок этганлиги улушкини (микдори, пропорциялар) аниқлаш жараёнидир. Айрибошлиш – моддий неъматлар ва хизматларни бир субъектдан бошқасига ҳаракат қилиши жараёни, неъматларни ижтимоий айрибошлишни акс эттирувчи, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ижтимоий алоқалар шаклидир. Истеъмол – маълум эҳтиёжларни қондириш мақсадила ишлаб чиқариш натижаларидан фойдаланиш жараёнидир. Бу барча босқичлар ўзаро боғлиқликда ва ўзаро алоқадорликда бўладилар. Тайкидлаш лозимки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ижтимоий ва такрорланиб турувчи жараёнидир.

Ҳозирги кунда маҳсулотлар ва хизматларпинг миллионлаб ва ўи миллионлаб турлари мавжуд ва бу турлар тез кўпайиб бормоқда. Бирок турли-туман бўлишига қарамай, бу неъматлар кишиларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини: жамиятнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирувчи-ишлаб чиқариш воситаларнiga бўлгани ҳамда одамларнинг шахсий ва оидавий эҳтиёжларини қондиришишга қараб икки турга бўлинади. Шунга мувофиқ, ижтимоий ишлаб чиқариш ҳам икки бўлинмага ажралади:

I-бўлинма, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш;

II-бўлинма, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш.

Инсонларнинг эҳтиёжларини қондирувчи неъматлар ва хизматлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ва тармокларида яратилади. “Ижтимоий ишлаб чиқариш” деганда бутун жамият ёки макроиқтисодий миқёсда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёни тушунилади.

Хўш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилиши қандай? Ижтимоий ишлаб чиқариш бир-бири билан узвий боғлиқ икки соҳадан иборат.

Булар:

- 1) Моддий ишлаб чиқариш.
- 2) Номоддий ишлаб чиқариш.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг тузилишини 1- ва 2-чиизмалардан кўришимиз мумкин

1-чиизма

Моддий ишлаб чиқариш	Номоддий ишлаб чиқариш
Моддий неъматларни ишлаб чиқариш	Моддий хизматларни ишлаб чиқариш
Хизмат кўрсатиш соҳаси	

2-чиизма

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилиши

Моддий ишлаб чиқариш		Номоддий ишлаб чиқариш	
Моддий неъматларни ишлаб чиқариш	Моддий хизматларни ишлаб чиқариш	Номоддий хизматларни ишлаб чиқариш	Номоддий неъматларни ишлаб чиқариш
Ишлаб чиқариш учун моддий хизматларни ишлаб чиқариш	Ахоли учун моддий-майший хизматларни ишлаб чиқариш	Ижтимоий-маданий хизматларни ишлаб чиқариш	
Хизмат кўрсатиш соҳа			

Ижтимоий соҳа

2. Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараённида инсон табиат обьектларига таъсири кўрсатади ва уларга ўзининг моддий эҳтиёжларини қондириш учун яроқли бўлган шакл беради. Демак, ишлаб чиқариш бевосита истеъмол килиш ёки кейинчалик ишлаб чиқариш мақсадида

табиат неъматларини қайта ишлашдир. Ишлаб чиқаришнинг бундай функцияси (вазифаси) унинг ҳар қандай ижтимоий шаклида сакланниб қолади.

Ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш учун ишлаб чиқариш омиллари (ресурсларига) эга бўлиш зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда неъматларни яратиш жараёниша қандай омиллар иштирок этиши тўғрисидаги масалани аниқлаб олиш муҳимdir.

Иқтисодиёт назариясида ишлаб чиқариш имкониятлари ва натижаларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи ўта муҳим элемент ёки объект тушунилади.

Маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган бундай омиллар жуда кўпdir. Бинобарин, ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқарища ўзининг бир қатор омиллари иштирок этади. Шунинг учун, уларни таснифлаш эҳтиёжи юзага келади.

Ишлаб чиқариш омилларини ажратишда ва уларни атоҳида гурухлар бўйича таснифлашда турли ёндашувлар мавжуд.

Масалан, маржиналистик назария анъанавий равищда ишлаб чиқариш омилларининг тўрт гурухини ажратиб кўрсатади: ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик фаолияти.

Ерга табиий омил сифатида қаралади. Бу гурух элементлари (омиллари)га табиий бойликлар, ишлаб чиқариш жараёнича иштирадиган фойдали қазиёнмалар киради. Бу категорияга ҳайдаладиган ерлар, ўрмончлар ва ҳ.к. киритилади.

Капитал-товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда иштирок этувчи пеъмаглар мажмуи бўлиб, унга асбоб-ускуналар, машиналар жиҳозлар, омборхоналар, транспорт коммуникациялари, алоқа юситалари ва ҳ.к. киради.

Капитал кўп маънони англатади ва пул суммаси сифатида талқин қилиниши мумкин. У факат моддий предметларнингини эмас (ишлаб чиқариш воситалари), балки номоддий элементлар, маълуомот, малака сингари инсон қобилиятларини ҳам ўз ичига олади.

Капитал-бинолар, иншоотлар, жиҳозларда моддийлашади. Бундай капитал ишлаб чиқарища бир неча йиллар давомида иштирок этади па асосий капитал номи билан юритилади. Ҳом ашё, материаллар, энергетик ресурсларда моддийлашиб бир йўла бир ишлаб чиқариш цикли жараёнида сарф қилинадиган капитал айланма капитал деб аталади.

Капитал товар запаслари (захиралари) кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Шундай қилиб капитал икки шаклда: натура-буом ва пул шаклида намоён бўлади.

Мехнат – бу инсоннинг бирор-бир мақсадга қаратилган онгли фаолияти бўлиб, унинг ёрдамида у табиатни ўзгартиради па уни ўзининг эҳтиёжларини кондириш учун мослаштиради. Ҳар қандай меҳнат бирор-бир натижага эришишни кўзлайди.

Мехнат неъматлар яратиш ва хизматлар кўрсатишга йўналтиришган интеллектуал (аклий) ва жисмоний фаолият орқали намоён бўлади. Шахснинг маълумоти, касбий тайёргарлиги, тажрибаси ва соғлигига боғлик бўлган қобилиятлари мажмуи инсон капитали ва, бинобарин, бу капитал бўйича оладиган даромади (иш хақи) шунчалик юқори бўлади. Инсон капиталига сарфланадиган инвестициялар ҳозирги вақтда жамият учун энг самарали ва тез ўзини қоплайдиган бўлиб хисобланади.

Таџбиркорлик фаолияти-ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ташаббускорликни, ишбилармонликни ва таваккалчиликни талаб этади.

Таџбиркорлик-гарчанд таџбиркор тушучаси иқтисодиётда XVIII асрда пайдо бўлган бўлсада (биринчи марта бу тушунчани инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон ишлатган) у бозор иқтисодиётининг ажralmas кисми бўлиб хисобланади ва факат ҳозирги юз йилликда уни ишлаб чиқаришнинг омили сифатида кўриб чиқилади.


Информация (ахборот) механизмлар, машиналар, жиҳозлар тизимида, менежмент ва маркетинг моделларида моддийлашган билимларниш гизимийлигини таъминлайди.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда экологик омили борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки бу омили иқтисодий ўсишини тезлаштириши ёки зарарлилиги, газ чиқицишларининг кўплиги, ифлослилиги сабабли уни чегаралashi мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда кўпгина омиллардан фойдаланилишини тариф кўринишида қўйидағатча кўрсатиш мумкин (3-чизма).

3-чизма

Ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш



Графикда А омилидан фойдаланиш (фойдаланиш даражаси) бўйича $X_1 X_4$ вазиятлари акс эттирилган. УУ₄ – ишлаб чиқарилган маҳсулот микдори. АА чизиги – А омилидан оптимал фойдаланилганда яратилиши мумкин бўлган маҳсулот микдори. QQ₁ чизиги – А омилидан у ёки бу даражада фойдаланилганда амалда ишлаб чиқарилган маҳсулот.

Агарда ишлаб чиқариш жараёни мунтазам равишда АА чизигида жойлашса-ишлаб чиқариш фондидан тўғри фойдаланилаётган ва унинг ўрни коплангаётган бўлади. Агар бу чизикдан пастда бўлсан-старли даражада фойдаланилаётган, юкорида бўлса-ортиқ равишда фойдаланилаётган бўлади. Сўнгти ҳолатда ишлаб чиқариш мувозанати бузилади, бу эса тақчилликнинг мавжудлиги ёки омил запаси(хом ашё, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бошкалар)га кўшимча эҳтиёж мавжудлигини билдиради. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш омилларини бирлаштириш натижасида меҳнат маҳсули-моддий неъматлар яратилади.

Кўлга киритилган маҳсулот ҳажмининг (массаси) уни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатга микдорий нисбати меҳнат унумдорлигини тавсифлайди.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини кўйидаги кўринишида тасаввур қилиш мумкин:

$$\text{Меҳнат унумдорлиги} = \frac{Q}{T}$$

бу ерда Q - буюм ёки пул кўринишидаги яратилган маҳсулот;

T - меҳнат сарфлари (масалан, киши-соат ёки мавжуд ишлаб чиқаришда баъз бўлганлар сони).

3. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши унинг омилларидан фойдаланишга боғлиқлиги

Ҳаётда технологиядан фойдаланиш бўлимда тадбиркор кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш мақсадида ишлаб чиқариш омилларининг (меҳнат, ер, капитал) яхширок бўлимини таъминлашта интилади. Ишлаб чиқариш омилларининг ҳар қандай мажмуи билан бу омиллар ёрдамида ишлаб чиқариладиган энг кўп ҳажмидаги маҳсулот ўртасидаги нисбат ишлаб чиқариш функциясини тавсифлайди. Ишлаб чиқариш функцияси ресурслар харажати ва маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасидаги технологик боғлиқликни акс эттиради.

Агар ишлаб чиқаришнинг барча омиллари мажмуини ва ресурсларни меҳнат, материаллар ва капитал сифатида тасаввур қиласиган бўлсак, ишлаб чиқариш функциясини кўйидаги изоҳлаш мумкин:

$$Q = f(L, K, M).$$

бунда:

Q - мавжуд технология ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг максимал ҳажми;

L - меҳнат;

K - капитал;

M - материал.

Ишлаб чиқарыш функциясининг модификацияси бу изоквантадир.

Изокванта – фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир хил ҳажмини таъминловчи, ишлаб чиқариш омилларининг геометрик жойлашувиdir.

Изокванталарнинг маҳмум келтирилган график изокванталар харитаси (картаси) деб номланади. (Чизма 4).

Q_1, Q_2, Q_3 - турли изокванталар


F_t - сарф килинган меҳнат

F_k - фойдаланилган капитал.

Америка иқтисодчилари Дуглас ва Солоу XX асрнинг 20-йилларида 100 йил давомида дон ишлаб чиқаришини статистик тадқик килиш асосида ишлаб чиқаришининг меҳнат ва капитал омилларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг умумий ҳажмига кўшган ҳиссасини аникладилар. Уларнинг маълумотига кўра меҳнат сарфининг 1%га оширилиши маҳсулотни $3/4$ га ўсишини, капитал сарфининг 1% оширилиши эса маҳсулотни $1/4$ га ўсишини таъминлади.

4-чизма

Изоквантлар харитаси



Бу хуносалар бутун жамият учун таалукли бўлганилиги учун келтирилган индекслар ($3/4$ ва $1/4$)ни агрегатлар деб атадилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги борликлик эса ҳаётга Дуглас ва Солоунинг ишлаб чиқариии агрегат функцияси номи билан кириб келди. Шундай килиб, Дуглас ва Солоу хуносалари асосида иқтисодий ривожланишнинг куйидаги

“рецепти” тавсия этилди: “инсон капиталига сарфланган мабланлар - меҳнат ишлаб чиқариш ҳажмини оширишиша ишлаб чиқариш воситаларини (капитал) кўпайтиришга нисбатан кўпроқ самара беради”.

Шу билан бирга бирор-бир ишлаб чиқариш омили ўрнини бошқаси билан алмаштириш ўзининг маълум чегарасига, мсьёрига эгадир.

4. Ҳозирги замон хўжалик фаолиятини тавсифлановчи асосий тушунчалар

Бугунги кунда хўжалик юритиш фаолияти тадбиркорлик, бизнес, тижорат, менежмент ва маркетинг каби тушунчалар билан тавсифланади.

Тадбиркорлик – бу даромад олиш мақсадида илғорлик (новаторлик), таваккалчилик, кашфиётчиликдан фойдаланишга асосланган хўжалик юритиш фаолиятидир. Кенгроқ маънода бу иқтисодиёт соҳасидаги ишибилармоилик, ташаббускорлик, фаолликидир. Тор маънода бу микдор ёки хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолиятидир.

Узоқ вакт давомида бизда бу ибора тан олинмас эди ва унинг ўрнига “хўжалик юритиш фаолияти” ибораси ишлатилиб келинар эди. Бизнинг иқтисодий тизимимизга “тадбиркорлик” иборасининг қайтиб келиши кўйидаги зарур шартларни тан олишни англатади:

- хўжалик юритувчи субъектларининг формал эмас, балки ҳакиқий иқтисодий ва юридик мустақиллиги;
- хўжалик юритувчиларнинг хўжалик юритиш фаолияти кўринишлари ва иқтисодий муносабатлар агентларини эркин танлаш;
- тури мулк шакллари, шу жумладан, хусусий мулк шакли мавжудлигини хуқукий тан олиш.

Тадбиркорлик кўйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

1. Нафақат хўжалик фаолияти ва унинг методларини алашацаги эркинлик, мустақиллик, балки асосийси-наоваторлик (илғорлик)дир;
2. Қабул қилинаётган карорлар, уларнинг оқибатлари ва бу билан боғлиқ бўлган таваккалчилик бўйича жавобгарлик;
3. Иқтисодий ва маънавий муввафаккиятта эришишни кўзлаб иш юритиш.

Ҳозирги кунда тадбиркорликнинг кўйидаги шакллари кенг тарқалган:

- индивидуал (якка);
- биргаликдаги (кўшма корхоналар);

- таваккалчылыкка ассоланган (венчур), янын инновацион фирмалар фан-техника тарапқыстини разведка килувчилар ва тадбик қилувчилар.

Бизнес – бу барча хұжалик юритувчиларни үз ичига олувчи ва уларнинг фаолиягини бир бутунга жамловчи (интеграция килувчи) тизимдир.

Бизнес тизиминің мөдияти шундан иборатки, бозор иқтисодиетининг ҳар бир субъекти үзининг иши билан шугууланади ва шу билан бирга жамиятда бизнес үзларининг иқтисодий ташаббускорлыгиги, илбілармөниттеги, ишдағы үддабуронлигиги легал равищда амалга оширувчи кишиларга зарап келтирмаслыгига хизмат қилувчи механизмлар ишлаб чыкылған бўлади.

Бизнес шакуларини таснифлаш турли мезонлар асосида амалга оширилади. Истеъмол (уй хұжалиги) ва меҳнат (ёлланма меҳнат битимлари ва ҳ.к.) бизнеслари мавжуд. Ҳажмига караб майда, ўта майда, ўрта ва йирик бизнесларни ажратишади. Мулк нормаларига караб хусусий, давлат ва колектив (жамоа) бизнеслари бўлади. Капиталнинг тадбик қилиниши соҳасини хисобга олиб саноатдаги, савдо даги, таълимдаги; агар ҳұжашыдаги ва ҳ.к. бизнеслар тўғрисида гапириш мумкин. Капиталнинг байналмоналашуви даражасига қараб миллий ва ҳалқаро (транснациональ корпорация) ва бошқа бизнесларни ажратиб кўрсагиш мумкин. Бизнес ташкилий шакуларининг ривожланиши асосида оддий кооперация, мануфактура, фабрика, акциондорлик жамият, ҳалқаро фирмалари, тўла ўртоқлик, ишонч бўйича ўртоқлик, кооперативлар, аралаш жамият ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Тижорат (коммерция)-бу кишиларнинг савдо фойдасини олишга қаратилган савдо фаолиятидир. Тор маънода бу маҳсулотни сотиши ва фойда олиш бўйича муомала соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг бир қисмидир. Кенг маънода бу ҳар қандай бизнеснинг таркибий қисми сифатидаги савдо битимларини гузидир.

Ижтимоий фаолиятнинг энг яғи шакуларига лизинг (ишлаб чиқариш воситаларини сотиши учун ижара ва кредитни үзига хос кўшилиши) ва факторинги (ишлаб чиқарунчи фирмадан үзининг мижозларига бўлган талабларини сотиб олиш йўли билан маҳсулот сотиши бўйича савдо битимларининг бажарилишини тезлаштирувчи тижорат фаолиятининг шакли).

Менежмент – бу ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича фаолиятидир. Уни самарадорликни, тежамкорликни ва фойда олишни ошириш мақсадида ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқилған ва кўйланилаётган ишлаб чиқаришни бошқаришпинг принциплари, методлари, воситалари ва шакулари мажмуй сифатида таснифлаш мумкин.

Менежмент, шунингдек, ишлаб чиқарил жараёнида инсоний муносабатларни бошқариш, ишлаб чиқарувчилар ва истемолчи-ларнинг ўзаро алоқалари тўғрисидағи фан ҳам бўлиб хисобланади.

Менежер-бу психологияни, социологияни, ишлаб чиқаришни ташкил килишни ва ҳ.к. биладиган профессионал бошқарувчи, бош директор ва президентdir.

Менежментнинг эволюцияси икки йўналиш билан тав-сифланади:

- маъмурий бошқариш;
- хусусий тадбиркорлик назарияси.

Рақобат шароитида ишлаб чиқариши бошқариш муаммоларини ўрганишга бўлган биринчи урипишлар XIX асрга (инглиз математиги У. Бэббидж) таалуклайдир.

Маркетинг-корхоналар (фирмалар) фаолиятини ташкил килишнинг бир бутун тизими бўлиб, бунда хўжалик қарорлари асосида бозор талаблари, харидорларининг ҳақиқий эҳтиёжлари ва шунингдек, алоҳида корхоналарнинг (фирмалар) ишлаб чиқарish – савдо имкониятлари ётади.

“Маркетинг” ибораси биринчи бўлиб АҚШда XX аср бошларида юзага келди. У инглизча “market” (бозор) сўзидан келиб чиқкан, рус тилида эса бозордаги фаолият маъносини англатади. Шундай қилиб, маркетинг деганда бозорни тадқик килиш, истемолчилар талабларини ўрганиш асосига курилган ишлаб чиқарish ва маҳсулот савдосини ташкил қилишининг комплекс тизими тушунилади.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Ишлаб чиқарish – зарурый товарлар тайёрлаш ва хизматлар кўрсатиш учун табиий ресурслар ва материаллар билан бирга ишчи кучи, жихозлардан фойдаланиш жараёни ёки ҳаётий неъматларни тайёрлаш жараёни.

Ишлаб чиқарish омили – ишлаб чиқарish имконияти ва на-тижаларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи алоҳида муҳим элемент ски объект.

Ишлаб чиқаришнинг шахсий омили – инсоннинг меҳнат қилишга бўлган жисмоний ва интеллектуал (аклий) қобилиятлари мажмуми сифатидаги ишчи кучидир.

Ишлаб чиқаришнинг ашёвий омили – барча ишлаб чиқариш носиталари.

Ер – ишлаб чиқарishнинг табиий омили.

Капитал – товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган неъматлардир. Булар асбоб-ускуналар, машиналар,

омборхоналар, транспорт коммуникациялари, алоқа воситалари ва ҳ.к. Капигал пул суммаси сифатида нафакат мөддий ашёларни (ишлаб чиқариш воситалари) балки инсон қобилияти, таълим ва малака синигар номоддий унсурларни ҳам ўз ичига олади.

Асосий капитал – ишлаб чиқарили жараённанда бир неча йил иштирок этувчи ва ўз қийматини тайёрланастган маҳсулот хизматлар қийматига қисмлар бўйича ўтказадиган меҳнат воситалари.

Айланма капитал – хом ашё, материаллар, энергетик ресурсларда моддийлашувчи ва бир ишлаб чиқариш циклица сарфланувчи капитал.

Меҳнат – бу инсоннинг бирор-бир мақсадга қаратилган фаолияти бўлиб, унинг ёрдамида у ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун табиатни қайта ўзгартиради.

Инсон капитали – шахснинг матбуомоти, касб маҳорати, тажрибаси, соғлиги билан боғлиқ бўлган қобилиятлари мажмуи.

Иш куни ёки иш вакти – инсон меҳнат киладиган вакт.

Тадбиркорлик фаолияти – ишлаб чиқаришнинг ўзига хос омили. У ишлаб чиқаришни ташкил этишда ташаббускорлик, уюшкоқлик ва таваккалчиликдан фойдаланишини талаб этади.

Тадбиркорлик қобилияти – бу инсон капиталининг ўзига хос кўриниши бўлиб, неъматлар ва хизматларни яратиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг барча бошқа омилларини мувофиқлаштириш ва комбинациялаш бўйича фаолият сифатида намоён бўлади.

Тадбиркорлик – бу даромад олиш мақсадида фаоллик, таваккалчилик, кашфиётчиликка асосланган хўжалик юритиш фаолияти-дир.

Бизнес – бу барча хўжалик юритувчиларни ўз ичига оловчи ва уларнинг фаолиятини бир бутунга жамдовчи тизимидир.

Тижорат (коммерция) – бу кишиларнинг савдо фойдасини олишга қаратилган савдо соҳасидаги фаолиятдир.

Менежмент – бу ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича фаолиятдир. Уни самарадорликни, тежамкорликни ва фойдани кўпайтириш мақсадида ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқилган ва қўлланилаётган ишилаб чиқаришни бошқаришнинг принциплари, методлари, воситалари ва шакллари мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин.

Менежер – бу психологияни, социологияни, ишлаб чиқаришни ташкил қилишини ва ҳ.к. биладиган малакали бошқарувчи, бош директор ва президентдир.

Маркетинг – корхоналар (фирмалар) фаолиятини ташкил килишинг бир бутун тизими бўлиб, бунда хўжалик карорлари асосида бозор талаблари, харидорларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари ва шунингдек, алоҳида корхоналарнинг (фирмалар) ишлаб чиқариш – савдо имкониятлари ётади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Тадбиркорлик ва бизнес тушунчаларига таъриф беринг. Улар ўртасида қандай фарқ бор?
2. XX асрда маркетинг ва менежментнинг пайдо бўлиши нима билан изоҳланади ва уларнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Ишлаб чиқариш омилига таъриф беринг.
4. Ишлаб чиқариш омилларини ажратиш бўйича қандай ёндашувларни биласиз?
5. Инсон капиталига таъриф беринг.
6. Фондларнинг доиравий айланиши ва айланиши деганда нимани тушунасиз?
7. Мехнат унумдорлиги нима ва у қандай аниқланади?
8. Ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига нималар киради?
9. Инвестициялар, инвестицион товар, дисконтилаштириш деганда нималарни тушунасиз?

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995 й.
- Курс Экономической теории. Учебное пособие (Руководитель авторского коллектива и научный редактор проф. А.В. Сидорович) М.: МГУ. Изд во “ДИС”, 1997 г.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.: “Шарк”, 1999 г.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. «Российская экономическая академия». 2000.

У БОБ. МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР

1. Мулк ва мулк муносабатлари.
2. Мулк шакллари.
3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.
4. Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш.
5. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг ривожланиши мезонлари.

1. Мулк ва мулк муносабатлари

Моддий ишлаб чиқариш жараёнида кишиларнинг иродалари ва онгларидан қатъий назар улар ўртасида юзага келадиган муайян алоқа ва муносабатлар мавжуд. Улар ишлаб чиқариш муносабатлари ёки иқтисодий муносабатлар деб аталади.

Кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, аввало, ишлаб чиқариш жараёнини ўзи тақозо этадиган мулкий муносабатлардир. Ишлаб чиқариш воситаларининг кишилар томонидан ўзлаштирилиши улар ўртасида ўзига хос ижтимоий ўзаро муносабатларни келтириб чиқаради. Кишиларнинг ўзаро муносабатлари, яъни уларнинг ишлаб чиқариш воситаларига ва меҳнат натижаларига ўзлариникидек ёки ўзганикидек Карапшарга мувоғиқ келувчи муносабатлар мулк муносабатлари деб аталади. Мулк муносабатлари ҳар доим буюмлар, яъни меҳнат воситалари ва предметлари билан, шунингдек меҳнат натижаси-маҳсулот билан боғлиқдир.

Мулк муносабатлари мулкка эгалик қилишни, фойдаланишини ва тасарруф этиш (тақдирини ҳал этиш)нинг узвий бирлигини тақозо этади. Эгалик қилиш – мулкка расмий ва хукукий (юридик) эгалик қилиш. Фойдаланиш, ишлатиш – мулкни иқтисодиётда амалий кўллаш, ишлатиш ва ундан даромад олишдир. Мулк эгаси уни амалиётда икки хил йўл билан ишлатиши мумкин.

1. Мулкни бевосита ўзи ишлатиши ва ундан олинган фойцанинг бутунлай ўзига тегишли бўлиши.
2. Мулкни ижарага бериш. Бунда олинган даромад ижарави ўртасида ҳар хил нисбатларда тақсимланиши мумкин.

Тасарруф этиш – мулкнинг тақдирини ҳал этиш, яъни мулкни сотиб юбориш, ижарага бериш, меросга қолдириш, асрраб-авайлаб кўпайтириш ёки йўқотиб юбориш хатти-харакатларидан иборатдир.

Мулкчиликнинг обьекти ва субъекти мавжуддир.

Мулкчилик обьектига ср., сув, конлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, машина, ускуналар, бино-иншоатлар, маҳсулотлар, хизмат-

лар, тарихий-маданий ёдгорликлар, товарларнинг ўзи ва бошқалар киради.

Мулкчилик субъектига – айрим кишилар, оиласлар, социал гурухлар, ҳудудий бирлашмалар, ҳар хил жамоалар, ижтимоий диний ташкилотлар ва давлат киради.

Мулк муносабатлари ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳиятини ташкил этади, лекин ўз тури жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Агар ишлаб чиқариш воситалари ва натижалари бутун жамиятга тегишли бўлса, бу ҳолда мулкнинг ижтимоий типи мавжуддир ва яксинча ишлаб чиқариш воситалари жамият аъзоларининг бир қисмига, унинг айрим гурухлари ёки айрим шахсларга тегишли бўлса, бу ҳолда мулкнинг хусусий типи мавжуд бўлади.

2. Мулк шакллари

Мулкий муносабатлар тури шакллардаги мулкни ўз ичига олади. Мулк шакллари уни ўзлаштиришнинг тасифига боғлиқдир. Ўзлаштиришнинг тасифи ўзгалар бойлигини текинга ўзлаштиришдан, якка тартибда жамоа бўлиб, шерикчилик асосида ўзлаштиришдан иборатдир (I-чизма).

Мулкчилик шаклларига:

1. Хусусий мулк.
2. Жамоа мулки.
3. Давлат мулки киради, булардан ташқари шахсий мулк шакли мавжуддир.

1. Хусусий мулк – айрим кишиларга тегишли ва уларга даромад келтирувчи мулк. Унинг икки кўриниши майжуддир: Индивидуал хусусий мулк ва кооператив гурухий мулк. Индивидуал хусусийда – мулк бир кишига тегишли бўлади. Олингган даромаднинг ҳаммаси шу мулкдорга тегишли бўлади. Кооператив – хусусий мулк деганда маълум бир гурух томонидан бойликни шерикчилик асосида ўзлаштиришдан иборатдир. Мулкнинг бундай шакли хиссадорликка таянади. Гурух аъзоси умумий ишга ўз хиссасини пай (улуш) сифагида хусусий мулкни қўпиади ва шу улушнинг микдорига яраша даромад олади.

2. Жамоа мулки – бойликнинг муайян мақсад йўлида айрим жамоаларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштиришdir. Жамоа мулки майда мулк эгаларининг кўпчилик тарзда ва ўз манфааги йўлида бирлашувидан ташкил топади. Жамоа аъзоларининг ҳаммаси меҳнат жараёнида қатнашиши шарт.



Жамоада яратилган даромад икки қисмдан, жамоа аъзоларининг индивидуал даромадидан ва жамоа мулкини кўпайтириш ҳамда ривожлантиришдан ташкил топади.

Жамоа мулкининг турлари қўйидагилардан иборат:

1. Кооператив мулк.
2. Корхона жамоасининг мулки.
3. Корхона ва ташкилотлар уюшмаси (ассоциацияси) мулки. Бу муайян мақсад йўлида уюшмага бирлашганишарнинг умумий мулки (савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш, бошқаришини ташкил этиш).
4. Ижтимоий ташкилотлар мулки (партиялар, касаба ташкилотлари) ҳалқ ҳаракатлари турли фонdlар мулки, бадал пули, ажратмалар.
5. Диний ташкилотлар мулки.

Шу билан бирга она мулки ва мақалла мулки мавжуд.

3. Давлат мулки-бойликни ўз вазифасини адо этиш учун давлат томонидан ўзлаштирилишидир.

Давлат мулки хусусий мулкини национализация килиш (миллийлаштириш) ва давлат маблағи ҳисобига корхоналар куришдан ташкил топади.

Ушбу мулк шакллари жамият тараккиётiga ҳар хил даражада таъсир кўрсатади. Бу шакллардан қайси бирини ишлаб чиқариш жараёнида самарадорлик даражаси юқори бўлса, у етакчи роль ўйнайди. Хусусий мулк шаклиниг бошқаларга нисбатан самарадорлик даражаси юқоридир.

3. Мулкини давлат тасарруфидан чиқарини ва хусусийлаштириш

Хусусийлаштириш давлат мулкини хусусий ва бошқа мулк шаклларига айлантиришдир.

Мамлакат иқтисодиётини янгилаш ва уни ривожлантириш учун бозор иқтисодиётiga ўтиш зарурати пайдо бўлди. Бозор иқтисодиётiga ўтиш учун мулкка бўлган муносабатни туб ўзгартириш зарурдир. Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг асосий шартларидан бири давлат томонидан мулкка нисбатан якка ҳукмроиликни тутатишдан иборатдир. Бу ишни амалга ошириш учун давлат мулкининг тахминан 70 фоизини жамият аъзоларининг қўлига тошириш зарур.

Давлат мулкини бевосита ишлаб чиқарувчилар қўлига топширишнинг учта асосий йўналиши мавжуд:

1. Давлат корхоналарини меҳнат жамоаларига бепул топшириш.
2. Давлат корхоналарини меҳнат жамоаларига сотиш ёки ижарага бериш, кейинчалик бутунлай сотиб олиш.
3. Давлат мулкини ҳамма жамият аъзоларига тенг бўлиб бериш, ёки ҳар бир жамият аъзосининг давлат мулкига қўшган ҳиссасини, яъни меҳнат стажини ҳисобга олган ҳолда бўлиб бериш.

Давлат мулкини топширишнинг амалга ошириши мумкин бўлган шакллари:

1. Корхоналарда мустақил акционер жамиятларини ташкил қилиш ва бошқа ҳўжалик жамоаларини ташкил қилиш.
2. Давлат мулкини аукционларда (ким ошиди) юридик шахсларга ёки фукароларга сотиш.
3. Юридик шахслар томонидан ижарага олинган корхоналарни бутунлай сотиб олиш.
4. Давлат корхоналарини меҳнат жамоалари томонидан сотиб олиш.
5. Фойда келтирмаётган корхоналарни меҳнат жамоаларига бепул бериш (истисно тариқасида).

Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида хусусийлаштиришни қисқа вақт даврида ўтказиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш мамлакат иқтисодини ривожланишга ва аҳолини турмуш даражасини яхшиланишига олиб келади.

4. Ўзбекистонда кўн укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш

Бозор муносабатларига ўтишининг асосий шарти кўн укладли иқтисодиётда рақобат мухитини шакллантириш ва уларнинг ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимини ташкил топишга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг биринчи босқичида мулкчилик номи шакллари тенг хукукли эканлигини конституцион тарэза эътироф этилди. Мазкур шакллар қарор топиши учун тенг хукукий нормалар ва амал қилиш механизми яратилди. Бундан ташкари янги ташкил этилаётган ёки хусусийлаштирилаётган, хусусий мулкка ёки чет эл капиталининг иштирок этишига асосланган корхоналар учун уларнинг фаол ривожланишини рагбатлантирадиган имтиёзли солик тизими мавжуд. Давлатта қарашли бўлмаган секторни вужудга келтириш кўпроқ давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобига амалга оширилмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичнинг юят мухим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкини хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришдан иборат.

Навбатдаги мухим вазифа хусусийлаштиришта дастурий ёндашувини таъмилаш ва уни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат.

Дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини, хуллас "кичик хусусийлаштириш"ни Қамраб олади.

Енгил маҳаллий саноатга, транспорт ва курилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва юирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш хукуки билан кўпроқ ижара корхоналарга, жамоа корхоналарига ёник таъдаги акциядорлик жамияtlарига айлантириди.

Хусусийлаштириш чора-тадбирлари тизинча давлат мулкини таълов асосида ҳамда ким ошди савдоларида сотиш орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқарышнинг янги шаклларидан янада кенгрок фойдаланишимоқда. Ҳозирги вактда қоида тариқасида ким ошди савдоси орқали савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари – дўконлар, ресторонлар, меҳмонхоналар сотилмоқда.

Хусусийлаштиришда таълаб олинган ёндашувнинг навбатдаги мухим хусусияти шундан иборатки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли социал кафолатлар яратилди. Бунда фуқароларнинг мулкка эта бўлишида тенг хукуқга эгалиги қоидасида, шунингдек хусусийлаштирилаётган корхона мөхнат жа-

моаси аъзоларининг иктисодий ҳимояланиши қоидасига амал қилин-мокда.

Иктиносидий исподотларнинг биринчи босқичида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириши соҳасида кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчилликнинг бошқа шаклларига айлантирилиши учун керак бўлган муассасалар тизими, маҳсус органлар тузилди.

5. Иктиносидий тизимлар ва уларнинг ривожланниш мезонлари

Хўжалик фаолияти жараёнида кишилар ўртасидаги иктиносидий муносабатлар бу муносабатлар обьектлари ва субъектларини, улар ўртасидаги алоқаларишинг турли шаклларини ўз ичига олувчи маълум тизим сифатида доим амал қилади. В. Леонтьевнинг таъкидлашicha ҳар бир мамлакатнинг иктиносидиёти – бу таркибида турли кўринишдаги фаолиятлар мавжуд бўлган катта тизимдир.

Иктиносидий тизим – бу моддий ва немоддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол қилувчилар ўртасидаги алоқаларни маҳсус тарзда тартибга солиб турувчи тизимдир.

Бу шуни англатадики, иктиносидий тизимда хўжалик фаолияти у ёки бу тарза ташкил қилинган ва тартибга солинган бўлади.

М. Фридмен ўзининг “Капитализм ва эркинлик” китобида кишилар иктиносидий фаолиятини мувофиқлаштиришининг икки усулини кўриб чиқади. Биринчиси-бу мажбур қилиш ва юқоридан буйруқ бериш билан бояглиқ бўлган марказдан бошқаришдир; армия, хозирги тоталитар давлатнинг методлари шулардан иборат. Иккинчиси – бу индивидларнинг кўнгилли, эркин ҳамкорлиги, ёки тасодифий юқоридан бошқарилмайдиган тартиблар; бу с尔да ҳаракатнинг бошдаракчиси – баҳолар (нарх-наво)дир. Ресурслар ва меҳнат натижаларига баҳоларнинг ошиши ёки пасайиши хўжалик юритувчиларга қайси йўналиш бўйича ҳаракат қилиш кераклитетини кўрсатади.

Иктиносидий тизимнинг қўйидаги муҳим томонларини кўрсатиш мумкин.

Чизма 2.

Ишлаб чиқарувчи кучлар		
Табиий (табиий ресурслар, инсон имкониятлари ва х.к.)	Иктиносидий (ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат тақсимоти ва ҳ.к.)	Энг умумий (фан. таълим, маданият ва ҳ.к.)
Ишлаб чиқариш муносабатлари		
Иктиносидий-иктиносидий (мулкий муносабатлар)	Ташкилий-иктиносидий (таҳриба алмашиш, маркетинг, менежмент ва бошқалар)	Техник-иктиносидий


Ресурслар:	Ижтимоий меҳнат тақсимоти:	Меҳнат жараёни ва унинг томонлари:
Меҳнат, табиий, иқтисодий	Маҳсулот тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш ихтинослашуви	Меҳнат, меҳнат воситалари, меҳнат предметлари
Ишлаб чиқариш имкониятлари:	Натижалар:	Самарадорлик:
Чеклаиган ресурслар ичидан танланши	Моддий-ашёвий маҳсулот, хизматлар	Нагижалар ва харажатлар нисбати

Иқтисодий тизимнинг самарали амал килишининг асосий муаммоси танланаш муаммосидир.

Мазкур муаммонинг акс эттирилиши иқтисодиётнинг уч асосий масаласини ечишда намёён бўлади (чизма 3).

Хозирги замон дунёси у ёки бу тарихий даврларда юзага келган, ўзгармай қолмаган, балки доимо ривожланиб борган турли иқтисодий тизимлар билан тавсифланади.

3-чизма



Бу тарихий жараённи тушуниш алоҳида иқтисодчи олимларда турлича бўлган ва буни мавжуд жараённи тасифлашда турли мезонлардан фойдаланилганлик билан тушунтириш мумкин.

XX аср бошларида (1906) К. Бюхер жамиятдаги ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ўртасидаги алоканинг характери мезони асосида куйидагиларни ажратиб кўрсатади:

1. Ёпик уй хўжалиги, бу ерда яратилган неъматлар айрибошлишсиз хўжаликнинг ўзида истеъмол қилинади;

2. Шахар хўжалиги, бу ерда айрибошлаш мавжуд бўлиб, исъматлар ишлаб чиқарувчи хўжаликдан истеъмол қилувчи хўжаликка ўтиб туради;

3. Халқ хўжалиги, бу ерда исъматлар товар-пул муносабатлари асосида истеъмолга ўтишдан илгари бир қанча хўжаликлар орқали ўтадилар.

Хозирги замон хорижий иқтисодий таълимотлар “жамиятнинг индустриал ривожланиши даражаси” мезонидан фойдаланиш асосида (Дж. Гэлбрейт, Р. Арон ва бошқалар) жамиятни қўйидагиларга ажратади: индустриал, постиндустриал, неосиндустрисиал (информациян).

Жаҳон иқтисодий адабиётида хўжалик тизимларини қўйидаги икки белгиси бўйича таснифлаш кенг тарқалган:

1. Ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакли бўйича;
2. Иқтисодий фаолият тартибга солинувчи ва бошқариувчи услублар бўйича.

Бу белгилар асосида қўйидагиларни фарқлаш мумкин:

- Тоталитар, буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт; (Собиқ СССР, Албания ва бошқалар)
- Бозор иқтисодиёти ёки эркин ракобат давридаги капитализм (Гонгонг).
- Арадаш иқтисодиёт (АҚШ, Англия, Франция, Германия ва бошқалар).

Ўтиш иқтисодиёти ўзариш ҳолатидаги, бир ҳолатдан, бир хўжалик туридан бошқасига ўтаётган иқтисодиёт. Ўтиш иқтисодиётидан ўтиш даврини (бир турдаги ижтимоий муносабатлар бошка турдагиси билан алмашаётган давр) фарқламоқ зарур.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Мулкчилик муносабатлари – жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик ўзлаштириши борасидаги муносабатлар бўлар экан, у эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишининг яхлитлигини тақозо этади.

Эталик қилиш – мулкдорлик хукуқининг мулк эгаси қўлида сакланниб туришидир.

Фойдаланиш, ишлатиш – мулк бўлган бойликни иқтисодий фаолиятда қўллаб, хўжалик жараёнинга киритиб, ундан натижа олиш.

Тасарруф этиш – мулк бўлган бойлик тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни мулкни согиб юбориш, ижарага бериш, меросга колдириш, асраб-авайлаб кўпайтириш ёки уни йўқотиб юборишдан иборат хатти-харакатлар.

Мулкчилик объектлари – бу мулкка айланган барча бойлик турлари.

Мулкчилик субъектлари – мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатларнинг иштирокчилари.

Ўзлаштиришнинг икки йўсини:

1. Ишлаб чиқариш ресурслари, яъни воситалариди ўзлаштириш;
2. Ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш.

Мулкдорнинг иктисодий манфаати – унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётий эҳтиёжи бўлиб, ҳатти-ҳаракат, фсъл-атворни, иктиносий фаолият сабабини юзага чиқаради.

Мулк шакллари – бу ўзлаштиришнинг хусусияти, яъни унинг кўринишидир, киёфаси, мазмунидир.

Хусусий мулк – айрим кишиларга тегишли ва даромад олишнинг асоси бўлиб хизмат килиувчи мулк.

Индивидуал хусусий мулк – бу мулк шароитида бойликни ўзлаштириш алоҳидалашган ҳолда, айрим мулкдор томонидан амалга оширилади.

Корпоратив хусусий мулк – бойликни мулкдорларнинг шерикчилик асосида маълум гурухларга бирлашган ҳолда ўзлаштириши тушунилади.

Монополистик хусусий мулк – гурухларга бирлашган йирик мулкдорларнинг иктиносидиётининг у ёки бу соҳасида танҳо ҳукмронлигига таянган ҳолда ўта бойликни озчилик томонидан ўзлаштиришини билдирувчи мулқдир.

Жамоа мулки – бойликнинг муайян мақсад ўюлида айрим жамоаларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштирилиши.

Кооператив мулки – жамоа мулкининг асосий тури, ҳар хил жамоаларга бирлашган кишиларнинг умумий мулки, мулкдаги хиссадорликка асосланган бўлиб, гурухий мазмұнга эга.

Ижарага олинган корхоналар жамоаси мулки – ижарачилар жамоаси ўзи ишлаб топган мулк. Бундай корхонада мулк иккисидан иборат бўлади:

1. Корхона эгасига қарашли мулк;
2. Жамоага қарашли умумий мулк.

Корхона жамоасининг мулки – ишчи ва хизматчилар жамоаси давлатдан ёки хусусий мулк соҳибидан сотиб олган ва умумлаштириб, биргаликда ўзлаштириладиган мулк.

Корхона ва ташкилотлар уюшмаси (ассоциацияси) мулки – маълум мақсадда уюшма ташкил этганларнинг умумий мулки.

Ижтимоий ташкилотлар мулки – ижтимоий ташкилотлар (партиялар, касаба уюшмалари, турли фондлар ва бошқаларга) аъзо бўлган ва ўз улушини қўшган кишиларнинг умумий мулки.

Диний ташкилотлар мулки – диндорлар ташаббуси билан вужудга келган ташкилотларнинг мол-мулки.

Оила мулки – оиласа қарашли мол-мулк бўлиб, у меҳнат воситалари билан бирга истеъмол буюмларидан иборат.

Маҳалла мулки – маҳалла аҳлидан ибораг жамоа доирасида унга қарашли бойликнинг ҳамжиҳатлик билан ўзлаштирилишидир.

Давлат мулки – бойликни ўз вазифасини адо этиш учун давлат томонидан ўзлаштиришидир.

Аралаш мулк – муайян бир объектнинг турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради.

Мамлакатнинг миллий мулки – мол-мулк эгасининг ўзгариши, мол-мулкнинг давлат мулки соҳасидан чиқарилиши ва давлат мулкнинг нодавлат шаклларига айлантирилиши. Бу жараён мулкий муносабатларнинг тубдан трансформациялашувини акс эттиради.

Давлат тасарруфидан чиқариш – мавжуд хўжалик тизимидағи барча қайта ўзгаришларни ўз ичига олувчи тушунчадир. У давлат хукмронлигини барбод этиш ва иқтисодиётни давлатга қарам бўлмаган, мустақил кишиларнинг ижтимоий соҳасига айлантиришга йўналтирилган.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Мулкнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти нимадан иборат?
2. Нима учун иқтисодий ривожланишининг ҳар қандай босқичида мулк муносабатларини таҳлил қилиш долзарблитини йўқотмайди?
3. Мулкнинг қандай шаклларини биласиз, уларнинг ҳар бирига таъриф беринг.
4. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши деганда нимани тушунасиз? Уларнинг йўллари ва шаклларини санаб ўтинг.
5. Ўтиш даврида мулкнинг ривожланиши зиддиятлари ва истикаболларини тавсифлаб беринг.

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й.

- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрға интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
- Макконел К.Р. Брю С.Л. “Экономика” Принципы, проблемы и политика. М.: “Республика”, 1992 г.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика Перевод с англ. со 2-го издания. М.: “Дело ЛТД” 1993 г.
- Камаев В.Д. и другие. Учебник по основам экономической теории. М.: “Владос”, 1994 й.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й.
- Ўлмасов А. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1997 й.
- Иқтисодиёт назарияси (Умаров К.Ю. ва бошқалар) Т.: “Университет”, 1998 й.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.: “Шарқ”, 1999 г.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. 2000.

VI БОБ. ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ПУЛ

1. Натурал ва товар ишлаб чиқариш ижтимоий хўжалик шакллари эканлиги.
2. Товар ва унинг хоссалари.
3. Пулнинг вужудга келиши, моҳияти ва асосий вазифалари.
4. Киймат конуни.
5. Пул мумаласи конуни.
6. Ўзбекистонда миллий валютанинг жорий этилиши.

1. Натурал ва товар ишлаб чиқариш ижтимоий хўжалик шакллари эканлиги

Аввало бу мавзуни ўрганишни биз товар – пул муносабатлари нима, деган саволга жавоб беришдан бошлаймиз. Товар-пул муносабатлари – бозор иқтисодиёти моҳиятини ташкил этувчи муносабатлар: товар ишлаб чиқариш, товарларни айрибошташ ва пул мумаласига хос муносабатларнинг яхлитлигидир.

Хўш, товар ишлаб чиқариш инсон вужудга келган вақтдан мавжудми? Йўқ, албатта. Кишилик жамияти ривожланишида товар ишлаб чиқаришдан олдин натурал ишлаб чиқариш мавжуд бўлган.

Натурал ишлаб чиқариш тарихан ибтидоий жамоа тузумида мавжуд бўлган, аммо у ҳозирда ҳам примитив типдаги анаънавий иқтисодий тизимларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Натурал хўжаликда маҳсулотлар бозорда сотиш учун эмас, балки хўжаликнинг ўзида унинг ходимлари ва яратувчилари истеъмоли учун ишлаб чиқарилган.

Натурал ишлаб чиқаришда иқтисодиётни ташкил этишининг асосий муаммолари жуда содда йўсинда ҳал этилган. Нима яратиш, қандай яратиш, маҳсулот кимга мўлжалланганлигини хўжалик ходимлари фақат хўжалик ичидаги истеъмолни ҳисобга олган ҳолда аниқлаганлар.

Натурал ишлаб чиқариш алоҳидалашган хўжаликлардан иборат бўлган. Бу эса натурал ишлаб чиқаришга чегараланганлик хос эканлигини кўрсатади ва иқтисодий жараёнларни бир доирага қатъий килиб кўйган, ташки алоқаларга йўлини очишга йўл кўймаган. Натурал хўжаликда, ҳом ашёни топишдан тортиб, маҳсулотни тайёр ҳолга келтиришгача бўлган ишларни алоҳида хўжаликларнинг ўзи бажарган. Ишлаб чиқариш кўл меҳнатига асосланган. Бу эса натурал хўжаликка бир канча асрлар давомида универсал қўл меҳнати хос бўлганлигини кўрсатади.

Натурал хўжаликда истеъмол ҳажми билан ишлаб чиқариши ҳажми бирмунча мувофиқ келган: бу эса ўз наебатида уларни бир-

бири билан боғлаш муаммосини осонлаштирган. Чунки натурал хўжаликка ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида иқтисодий алоқалар хос бўлган, улар “ишлаб чиқариш тақсимот – истеъмол” кетма-кетлиги бўйича рўй берган.

Ишлаб чиқаришнинг натурал шакли ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг шунидай даражасига хосдирки, бунда ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади ниҳоятда чегараланган ҳамда ҳажми катта бўлмаган ва таркиби жихатидан деярли бир хил бўлган эҳтиёжларни кондиришга бўйсунлирилган.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиб бориши натижасида натурал ишлаб чиқаришга нисбатан ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишига мукаммалроқ ишлаб чиқариш воситаларини қўллашга шароит яратадиган товар хўжалиги вужудга келган, унинг куртаклари ибтидоий жамоа тузумини емирилиши даврида вужудга келган. Товар ишлаб чиқариш шунидай хўжалик тизимирирки, бунда маҳсулот якка, алоҳида ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилади ва уларнинг ҳар бири, бирон хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади, натижада ижтимоий талабни кондирмоқ учун маҳсулотни бозорда сотиш ва сотиб олиш зарур бўлади. Ҳўш, товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиш сабаблари нимадан иборат? Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва мавжуд бўлишининг ижтимоий-иктисодий асослари-ижтимоий меҳнат тақсимоти ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳидалашуви, уларнинг иқтисодий мустақилигидир. У ёки бу жамиятда товар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иктисодий моҳияти, тутган ўрни, ривожланганлик даражаси ва амал қилиш чегараси шу жамиятнинг мулкий муносабатларига ва ишлаб чиқариш ихтисослашувининг теранлик даражасига боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши натижасида бозорнинг шаклланиши инсонларни олдида турувчи “ноёб” чекланган ресурслар ҳар хил неъматлар бўлган “чексиз эҳтиёжлар” нинг дилеммасини ҳал этиш учун чексиз уринишлар натижасидир. Зеро, инсоннинг чексиз эҳтиёжларига нисбатан иқтисодий ресурслар ва инсонларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чеклангалиги сабабли, инсон битта маҳсулотни унумли ишлаб чиқариш, битта соҳада самараали фаолият кўрсатиши мумкин, аммо унинг эҳтиёжи кўп маҳсулотлар билан ўлчанади. Бинобарин, ресурслар чекланганлиги ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида тармоқлар ҳамда инсон фаолият турига ихтисослашувига сабаб бўлган. Ҳозирги иқтисодийт меҳнат тақсимотининг ўсиши, ихтисослашувининг чукурлашуви маҳсули бўлиб хизмат киласи.

Меҳнат тақсимоти натижасида иш кучи самарадорлиги опиади.

Иқтисослашув натижасида яъни бир маҳсулотлар ортиқча ишлаб чиқарилади ёки бошқалари умуман ишлаб чиқарилмайди: бу эса

маҳсулотни айрибошлаш масаласини келтириб чиқаради. Матъумки айрибоплаш муносабатлари бозорда рўй беради. Демак, бозорнинг вужудга келишида яна бир мухим бўғин – бу меҳнат таҳсимоти даражасининг ўсиши натижасида товар ва хизматларни айрибошланинг шаклланишидир.

Товар бозорнинг асосий унсурларидан бири хисобланади. Товар инсон меҳнати натижасида бозорда айрибошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот. У инсоннинг маънавий, жисмоний, ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиради.

2. Товар ва унинг хоссалари

Товар икки хоссага эга:

- а) истеъмол қиймати;
- б) қиймати.

Товарнинг истеъмол қиймати маҳсулотлар кишиларнинг бирон-бир истеъмолини қондира олиш қобилиятидан иборат бўлиб, ҳар қандай жамият бойлигининг моддий мазмунини ташкил этади. Товар ҳар доим меҳнат маҳсулидир: аммо товар бўлиши учун бозорда айрибошланиши зарур. Демак, у алмашув қийматига эга. Товарнинг алмашув қиймати нима?

Бир тонарнинг иккинчи товарга бирор-бир нисбатда айирбошланишига унинг алмашув қиймати дейилади.

Алмашув қиймати, қийматнинг намоён бўлувчи шаклидир. Қийматга асосланиб товарлар хисобланади ва бир-бирига айирбошланиади.

Демак, товар икки хоссага: истеъмол қиймати ва қийматга эга. Товар истеъмол қиймати ва қийматнинг бирлигидан иборат, аммо бу бирлик зиддиятидир, бир вақтнинг ўзида икки ёқлама шакли, яъни ашёвий ва қиймат шаклига эга бўлади.

Товар ишлаб чиқарувчилар кўлида қиймат сифатида, сотиб олуучилар кўлидалигида эса истеъмол қиймати сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам товар сотилямаса, у қиймати сифатида ҳам тан олинмаган бўлади. Ушбу зиддият товарларнинг кераклигича сифатли ва арzon ишлаб чиқариши орқали очилади.

Товарнинг икки хоссаси борлигига сабаб, унда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама характеристега эгалигидадир.

Масалан: костюмда йигирувчилар, тўқимачилар, тикувчилар; нонда-нонвой, тракторчи, тегирмончи ва бошқалар иштирок этадилар. Агар ҳар бир аник истеъмол қийматида масалан, костюмда маълум аник меҳнат гавдаланса, унинг қийматида иш кучи сарфи сифатида умуман сарф қилинган инсон меҳнати гавдалапади. Аник меҳнат турлари бир-биридан фарқ қиласи. Масалан тикувчининг

мәхнати нонвой мәхнатидан фарқ килади, чунки биринчиси костюм яратади, иккинчиси эса ноң. Инсон мәхнатининг умуман сарфланниши нүктай назаридан, яъни инсонни жисмоний, маънавий, руҳий энергиясини сарф этишимиз нүктай назаридан тикуячи ва нонвой мәхнати бир хилдир. Демак, товарда гавдаланган мәхнат иккى ёқлама характеристерга эга. Биринчиси-аник мәхнат. Иккинчиси, умуман инсоннинг мәхнати ва ақлий энергиясининг сарфи-абстракт мәхнат. Аник мәхнат товарнинг истеъмол кийматини, абстракт мәхнат товарнинг қийматини яратади. Товарнинг иккى хоссаси ва унда гавдаланган мәхнатининг иккى ёқлама характеристи қуидаги 1-чизмада күрсатилган.

1-чизма



3. Пулнинг вужудга келиши, моҳияти ва вазифалари

Товар қиймати ишлаб чиқаришда вужудга келади, аммо факат бозорда бир товарни иккинчисига тенглаштириш орқали аникланди.

Товарларнинг қийматини ўзида акс эттиришга материал сифатида хизмат қиладиган товар эквивалент товар дейилади. Масалан, X ва Y товарлар айирбошлияпти, яъни $X=Y$. Бунда Y товар, X товарни қийматини ўзида ифодалаяпти. Бунда Y товар эквивалент товар ҳисобланади. Аммо пулни вужудга келишидан оддин эквивалент товар узоқ тарихий ривожланиш жараёнини босиб ўтган.

Демак, алмашув ҳозирги замон шаклига етиб келгунча бир қанча босқичларни босиб ўтади. Алмашув, қийматнинг энг элементар шакли бўлиб, у бир товар қийматининг бошқа товарда гавдланишидир. Қийматнинг оддий шакли айирбоишаш энди вужудга келадиган вактга мувофик келади: бу вақтда у ҳали тасодифий характеристерга эга бўлган. Масалая 10 метр мато = 2 қоп ғалла. Бунда товар эквивалент ролини ғалла ўйнаяпти.

Мәхнат тақсимоти ва товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши алмашинадиган товарлар сонини кўпайтиради, қийматнинг тўла ёки

кенгайтирилган шакли келиб чиқади, алмашин жамиятда доимий тус олади. Энди товар қиймати бир неча товарларнинг қийматлари билан ифодаланиши мумкин бўлади, яъни $2 \text{ қўй} = 2 \text{ қоп ғалла ёки } 25 \text{ метр читга ёки } 3 \text{ болтага каби}$.

Қийматнинг кенгайтирилган шакли аста-секин қийматнинг умумий шаклига айланди. Ҳамма товарлар ўз қийматларини бир товарда акс эттира бошлайдилар.

Масалан:

8 қоп ғалла ёки

10 метр чит ёки

1 болта ёки = 1 қўй.

2 гр олтин

ва доказо.

Бунда товар-эквивалент ролини битта қўй ўйнамоқда. Шу йўсинда умумий эквивалент келиб чиқсан ва бу ролни ўйновчи товарнинг асосий вазифаси одамларнинг шахсий эҳтиёжини эмас, ижтимоий алмашув эҳтиёжини қондиришдан иборат бўлиб қолди.

Хар хил ҳалқларда ва тарихнинг турли босқичларида эквивалент вазифасини турли товарлар бажарган. Ишлаб чиқаришнинг янаца тараққий этиши, товар алмашувининг ривожланиб савдо-сотиқ ишларининг миллий доирадан чиқиб кетиши, катта ҳалқаро бозорларнинг пайдо бўлиши, ягона умумий эквивалент заруриятини келтириб чиқарған. Шу йўсинда қийматнинг пул шакли келиб чиқади. Умумий эквивалент вазифасини олтин бажара бошлаган. Олтин пулга айланди. Пул ролини тарихда бошқа материаллар ҳам (мис, темир, кумуш) ўйнаган. Шундай килиб пул-ўзига хос товар, умумий эквивалентлариди.

Пулнинг вужудга келишининг асосий сабаби, товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, меҳнат тақсимотининг чукурлашувидир, бунинг натижасида ортиқча маҳсулотни айрибошлаш зарурияти вужудга келган. Пул эса айрибошлашнинг энг қулай воситаси бўлганлиги сабабли ипсонлар томонидан қабул қилинган.

Пулнинг моҳияти: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғарин, тўлов воситаси, жаҳон пули вазифаларида яққол намоён бўлади.

1. Пул-қиймат ўлчовидир.

Пул турли товарларнинг қийматини ўлчаб, миқдорини тақкослаб беради. Товарлар қийматининг пулда ифодаланиши товарнинг баҳосидир.

2. Пул-муомала воситаси.

Товар-пул муомаласи жараёнида пул накд бўлиши керак, чунки унинг ёрдамида товарлар олди-сотди килинади. Товарларни пулга айланиши товар ишлаб чиқарувчининг товарни тайёрлашга сарфланган мөхнати жамиятта керакли деб эътироф этилганлигини билди-

ради. Шунинг учун пулга товар айирбошлаш бозор иқтисодиётининг мухим томони ҳисобланади.

3. Пул-жамғариш воситаси.

Турли вазият тақозоси муомала жараёнининг узилиб қолишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида пул муомалада бўлмай турб қолади. Бундай ҳолда пул бойлик тўплаш воситаси вазифасини бажара бошлайди.

4. Пул – тўлов воситаси.

Тўлов муддати кечиктирилиб сотилган товарларнинг ҳаки тўлананётган вақтда пул тўлов воситасини бажаради. Харидорлар товарнинг цулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлайдилар. Натижада пул маълум вақтдан кейингина оборотга тушади. Пул тўлов воситаси вазифасини товар муомаласи соҳасидан ташқарида ҳам бажаради. Ҳусусан, иш ҳаки тўлашда ҳар хил молиявий мажбуриятлар (солик, ижара ҳаки) тўланади.

5. Жаҳон пули.

Халкаро меҳнат тақсимоти ривожланиши билан товарлар муомаласи бир мамлакат доирасидан ташқарига чиқа бошлайди, яъни жаҳон пулига айланади. Шундай қилиб, товар хўжалиги ва пулни вужудга келиши жараёни ҳамда уларнинг моҳиятини кўриб чиқиши, товар ва пул муносабатлари яхлит бир бутун тушунча бўлиб, товар хўжалигининг вужудга келишига олиб келади, улар параллел ривожланиб боради ва ҳозирда мавжуд бозор иқтисодиётининг асосини худди шу товар-пул муносабатлари ташкил этади.

4. Қиймат қонуни

Қиймат деб маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф этилган меҳнат микдори тушунилади. Меҳнат сарфлари жонли (иш кучи сарфлари) ва буюмлашган (ишлаб чиқариш) (воситалари, ҳом ашё ва ҳ.к.) турларга ажратилади.

Бинобарин “товарнинг қиймати” деганда, уни ишлаб чиқаришга кетган харажатлар тушунилади.

Ишлаб чиқарувчининг ҳар доим ҳаракат қилишига, янгиликларга интилишига, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга нима унрайди? Бу саволга қиймат қонуни жавоб беради.

Қиймат қонунига биноан товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Бу қийматнинг микдори ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан ўлчанади.

“Ижтимоий” деган ибора аввало шуни билдирадики, товар қийматининг микдори у ёки бу ишлаб чиқаришнинг ўзига алоҳида килган меҳнат сарфлари билан эмас, балки ижтимоий зарурий меҳнат

сарфлари (ИЗМС) билан ўлчанади, яъни ижтимоий зарурий мөхнат сарфлари ишлаб чиқаришинг мавжуд ижтимоий нормал шароитда ва шу жамиятда мөхнат маҳоратининг ва интенсивлигининг ўртача даражасида, бирон истесъмол кийматини ишлаб тайёрлаш учун талаб килинадиган иш вақти мөхнат сарфларицир. Агарда хусусий мөхнат сарфлари ижтимоий мөхнат сарфларидан кам бўлса, ишлаб чиқарувчи кулагай иктиносидий мавқега эга бўлади ва иктиносидий жиҳатдан ривожланиб мустаҳкамланаб боради.

Бозор иктиносидётининг энг асосий талаби ишлаб чиқарувчи кам мөхнат сарфлаб, кўп ва сифатли мол ишлаб чиқарилганда гина, яъни кипшиларининг талаб ва эҳтиёжини тўлароқ конциргандагина фойда кўриб ишилаши мумкин, акс ҳолда синади. Демак, киймат конунинги ижтимоий мөхнатни ҳисобга олиш ва тартибга солиш ва вақтини тежашни рағбатлантириш вазифаларини бажарали.

Киймат конунининг амал қилиши охир-оқибат ишлаб чиқарувчиликарни табакалашувига олиб келади. Табакалашувининг кечиши факат сарф-харажатлардагина эмас, шунингдек бозор талабини ҳисобга олишга, унга мослаша билишга ҳам боғлиқдир. Шунга кўра киймат конуни товар ишлаб чиқарувчиликарни мөхнат унумдорлигини ўстириб боришга ёки бошқа бир товар ишлаб чиқишга ўтишга рағбатлантиради.

Демак, киймат конунининг яна бир вазифаси – товар ишлаб чиқарувчиликарни табакалаштиришдир. Бозордаги товар баҳоси асосида киймат ётаци. Шунга кўра киймат конуни баҳолар конуни сифатида кўринади. Лекин, киймат конунининг вазифаси баҳо киймат билан тенг бўлгандга ҳам, фарқ қилганда ҳам амалга ошаверади.

Чунки, энг юкори унумдорликка эришган товар ишлаб чиқарувчиликар, бирмунча вақт юкори даромад олиб туришлари мумкин, лекин бу билан уларниң аҳволи бутунлай кафолатланган деб бўлмайди. Агар улар техник ва ташкилий янгиликларни, кўпроқ самара берадиган ишлаб чиқариш йўлларини мунтазам кидириб тошиб ишилаб чиқаришга қўллаб турмасалар, бирмунча вақтдан кейин ўз устунликларида ажralиб қолишлари мумкин.

Шунга кўра, киймат конуни товар ишлаб чиқарувчиликарни мөхнат сарфини камайтириш ёки камайтирмасликни танлаб олиш эркинилгидан маҳрум қиласди. Улар доимо иктиносидий тазиик остида бўлацилар ва доимо иш вақтини тежаш имкониятларини ахтариш билан шуғулланишга мажбурдирлар. Тарих тажрибаси – киймат конуни яратадиган рағбатлар ва тазиик ғоят самарали эквалигини кўрсатади.

5. Пул муомаласи қонуни

Пул муомаласи барқарорлигига пул муомаласи қонуни асосида эришилади. Товар муомаласини таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қўйидагиларга боғлик бўллади:

- муайян даврда сотилиши лозим бўлган товарлар баҳосининг суммасига: чунки товарлар қанча кўп бўлса, уларни сотиш учун пул бирлиги шунча кўп талаб килинади;
- ҳар бир пул бирлиги айданиш тезлигига (боғлик) эга, чунки айни бир пул суммаси кўпроқ ёки озроқ миқдорлари айирбошлишга хизмат килиши мумкин;
- пулдан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга боғлик, чунки кўпинча сотиладиган товарлар насияга сотилади ва сотиш давомида бошқа вактда уларнинг ҳаки тўланади: шунга яраша пул бирликлари миқдори камаяди.

Юқорида зикр этилганларни инобатга олган ҳолда муомала учун зарур бўлган пул миқдорларининг ифодаси қўйидаги туслага киради:

$$\frac{P_m = T_d - X_k}{O_m} X_m - K_m$$

Бунда:

P_m - муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул бирлигининг миқдори;

T_d - реализация қилиниши лозим бўлган товарлар баҳосининг суммаси;

X_k - сотиш давридан бошқа вақтда тўланадиган товарлар баҳосининг суммаси;

X_m - ҳакини тўлаш муддати келган товарлар баҳосининг суммаси;

K_m - бир-бирини қоплайдиган тўловлар суммаси;

O_m - пул обороти тезлиги.

Пул муомаласининг барқарорлиги ишлаб чиқаришнинг тақрорланиб туришини, иқтисодий ўсишнинг бир месъерда боришини билдиради. Унинг барқарорлигини таъминлаш учун энг аввало, бозорга старли миқдорда сифатли товарлар чиқарилиши керак.

6. Ўзбекистонда миллий валютанинг жорий этилиши

Валюта деганда, кенг маънода, ҳар бир мамлакатнинг ёки давлатнинг миллий пул бирлиги тушунилади, ҳар бир ўзига сиёсий ва иқтисодий мустақил бўлган давлат ўз миллий валютасига-пул бирлигига эга бўлиши лозим. Аммо бунинг мамлакат иқтисодиёти

ривожланган бўлиши, кўп соҳаларда ўзини-ўзи таъминлай олиши, халқаро иқтисодий жамиятларда эркин қатнаша олиши таъминланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Акс холда миллӣ валюта қадри тушиб кетади. Ҳар бир давлат ўз валютасининг конвертирашувига, яъни бошқа валюталар билан эркин алмашина олишига эришмоги керак. Бунинг учун миллӣ пул бирликлари етарли миқдорда товар захиралари билан таъминланган, мамлакат иқтисодиёти мустаҳкам, бақувват, баркарор ривожланётган бўлиши керак.

Валюта – тор маънода конвертиранган миллӣ пул бирлигидир. Бундай валюталар жумласига доллар, фунтстерлинг, марка, франк, цена кираци. Бу пул бирликлари ўз мамлакатида товарлар билан таъминланган бўлгани учун халқаро даражада ҳам эркин алмашина олади. Иқтисодиёти юксалган ҳар бир мамлакат ўз валютасини ана шундай трансмиллий кувватда касб этиши мумкин.

Ҳар қандай мамлакатининг мустақиллик белгиларидан бири – ўз миллӣ валютасига эга бўлишdir, бирок миллӣ валютани чиқариши инқилобий жараён бўлиб, ҳар томошлама тайёргарлик кўрилиши керак. Асосийси – мамлакатда сиёсий ва иқтисодий баркарорлик бўлиши, иқтисодий ривожланиш таъминланishi, маълум сармояга эга бўлишdir.

Ўзбекистонда миллӣ валютани муомалага киритиш Марказий Осиёдаги бошқа мустақил давлатларга нисбатан бироз кечиктирилди. Бироқ бу ишнинг гоҳт мураккаблиги, масъулияти назарда тутилса, тўғри килинганлитини тушуниш қийин эмас. Миллӣ валютага ўтиш маълум тарихий даврни ўз ичига олишини эътиборда тутиб, ўтиш даврида (1993 й. ноябрдан – 1994 й. июлгача) сўм-купон жорий этилди. Сўм-купон маълум маънода миллӣ пул бирлигига ўтилиши учун тайёргарлик воситаси бўлди. Шунингдек, сўм-купон мисолида миллӣ валютани қадрсизлантирмасликнинг маълум жиҳатлари синовдан ўтказилди.

Мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг миллӣ валютаси сўмни 1994 йил июл ойида муомалага киритиш мақсад эмас, албатта, бу объектив заруратдир. Мақсад-муомалага киритилган миллӣ пулимиз – сўмнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик, унинг ҳарид қувватини мустаҳкамлаш; кейинчалик сўмнинг конвертирашувига иқтисодий замин яратиш, халқаро миқёсида ўзбек пулининг эътироф этилишига, халқаро ҳисоб-китоблар воситасига айлантиришга эришишидан иборат.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Натурал ҳўжалик – бу ҳўжалик юритишининг шундай шаклини, унда мөддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш алоҳида

хўжалик бирлигининг ўз ичида истеъмол қилиш учун амалга оширилади.

Товар (бозор) хўжалиги – бу товар ишлаб чиқаришга асосланган ва бозор орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги ўзаро алоқацорликни таъминловчи иктисодиётни ташкил қилишнинг ижтимоий шаклидир.

Оддий товарлар хўжалиги – бу мустакил хусусий ишлаб чиқарувчилар – деҳқонлар ва ҳунармандлар ўртасида айирбошлаш учун маҳсулот ишлаб чиқариш.

Ривожланган товар хўжалиги – нафакат барча меҳнат маҳсуллари, балки ишлаб чиқариш омиллари, жумладан ишчи кучи ҳам таварга айланади.

Товар – бу ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқа маҳсулотларга бозорда пул воситасида айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсулидир.

Товарнинг истеъмол қиймати – бу унинг кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжларини кондириш хусусияти.

Товарнинг алмашув қиймати – бу унинг бошқа бир товарга алмашина олиши хусусиятидир.

Товарнинг қиймати – уни ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат, ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади.

Конкрет меҳнат – истеъмол қийматини яратган меҳнатга айтилади.

Абстракт меҳнат – товар қийматини ярагади (“абстракт” сўзи ўзбек тилида мавхум деган маънони билдиради). Меҳнат аниқ шаклидан қатъи назар умуман сарфланган иш кучидир, жаъми ижтимоий меҳнатнинг қисмидир. Шунинг учун гоҳида “абстракт меҳнат” деганда инсонинг нима ишлаб чиқаришидан қатъи назар аклий ва жисмоний кувватини сарф қилиши тушунилади.

Индивидуал иш вақти – бирор-бир турдаги товарни ишлаб чиқариш учун алоҳида ишлаб чиқарувчининг сарф қилган вақти тушунилади.

Ижтимоий зарурий иш вақти – бу товарлар аксарият қисмини яратишга сарфланган вақт бўлиб, ўртача техника даражаси, меҳнат малакаси ва маҳорати, шунингдек, ўртача меҳнат шиддати (интенсивлиги) шароитидаги сарфни билдиради ва товар қийматини белгилайди.

Оддий меҳнат – маҳсус тайёргарлик кўрмасдан, ҳар қандай жисмоний жиҳатдан соғлом одам бажариши мумкин бўлган меҳнат.

Мураккаб меҳнат – маълум даражада касбий малака ва маҳорат, яъни маҳсус тайёргарлик талаб қилувчи меҳнатдир.

Пул – ҳамма товарларга айирбошланадиган ва ҳамма товарлар қийматини ўзида ифода эта оладиган маҳсус товар.

Пулнинг вазифалари:

1. Қиймат ўлчови.
2. Муомала воситаси.
3. Жамғариш воситаси.
4. Тўлов воситаси.
5. Жаҳон пули.

Пулнинг ликвидлиги – пулнинг ҳохлаган вақтда ва осонгина бошқа парсага айланга олиши, бозори чакқонлиги, уни ҳамма ерда, ҳар қандай иш учун кабул қилинишидир.

Накд пуллар – аниқ моддий шаклга, яъни қофоз ва танга шаклига эга бўлган, кўлдан-кўлига ўтиб турувчи ва турли тўлов ишларига хизмат қилувчи пуллардир.

Накд бўлмаган пуллар – аниқ моддий шаклга эга бўлмаган, банкдаги бир ҳисоб варакдан бошқасига кўчириб ёзиб кўйиш орқали ҳаракат қилувчи пуллардир.

Пул агрегати – барча пул турларининг муайян нисбатларда яхлитлик ташкил этишига айтилади.

Пул эмиссияси – бу давлат томонидан пулнинг муомалага чиқарилиб турилишидир.

Пул муомаласи қонуни – бу қонунга кўра муомалада бўлган пул миқдори сотиладиган товарлар ва хизматлар нархининг жаъми сумасига тўғри мутаносиб, пул ҳаракатининг текислигига эса тескари мутаносибdir.

Инфляция – пулнинг керагидан ортиқ чиқарилишини натижасида нархларнинг тўхтовсиз ўсиши, пул бирлиги қафирининг пасайиб боришидир.

Индексациялаш – бу инфляция суръатини, яъни нарх ошишини ҳисобга олиб, пул даромадларини кўпайтириб боришидир.

Нархларнинг ўсиш суръатлари бўйича инфляция кўринишлари:

- а) меъёрий инфляция – йиллик ўсиш суръатлари 3-35%;
- б) бир маромдаги ёки ўрмаловчи инфляция – йиллик ўсиш суръатлари 10% гача бўлган инфляция;
- с) галопируюловчи инфляция – йиллик ўсиш суръатлари 20-200% бўлган инфляция;
- д) гиперинфляция – инфляциянинг бир ойлик суръати 50% ва б ой мобайнида ундан ортиқ.

Сабабларга кўра инфляция кўринишлари:

- а) Ҳаражатлар инфляцияси (таклиф инфляция) – ҳаражатлар ҳажми ўсиши натижасида юзага келади, масалан, меҳнат унумдорлиги ўсишига нисбатан иш ҳақининг кучли ўсиши ҳисобига.
- б) Талаб инфляцияси – талабнинг кўпайишини юзага келтиради. Бунда талабнинг ўсиш суръатлари таклифнинг ўсиш суръатларидан юкоририб бўлади.

с) Кутиш инфляцияси – инфляция кутиш уни тезлаштиришда жуда катта рол ўйнайди, чунки асабийлашин, иоаниклик, инфляциянинг бундан кейин ривожланиши тўғрисидаги тахминлар нархларнинг ўсишига кучли таъсир кўрсатади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Нагурал хўжалик деганда нимани тушунасиз?
2. Товарга таъриф беринг ва унинг хоссаларини тавсифланг.
3. Пул шима ва унинг моҳияти нималарда намоён бўлади?
4. Пул канцай вазифаларни бажаради? Бу назифаларни таъсифлаб беринг.
5. Коюз-кредит пуллар, валюга деганда нималарни тушунасиз?
6. “Электрон пуллар” ва пул муомаласининг байнаминалашуви жараёни тўғрисида нималарни биласиз?
7. Ҳозирги замон пулларининг табииати кандай?
8. Пул муомаласи қонунининг моҳияти нималардан иборат?
9. Ўзбекистонда миллий валюта қачон жорий этилди ва унинг қадрсизланишига йўл қўймаслик учун канцай тадбирлар амалга оширилмоқда?
10. Киймат деганда нимани тушунасиз? Товар кийматининг микдори нималар билан ўлчанади?

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
- Макконел К.Р. Брю С.Л. “Экономика”. Принципы, проблемы и политика. М.: “Республика”, 1992 г.
- Фишер С., Дорибуш Р., Шмалеизи Р. Экономика Перевод с англ. со 2-го издания. М.: “Дело ЛТД” 1993 г.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иктисадиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995 й.
- Курс Экономической теории. Учебное пособие (Руководитель авторского коллектива и научный редактор проф. А.В. Сидорович) М.: МГУ. Изд-во “ДИС”, 1997 г.
- Сесикянц С.Г., Отто О.Э., Тешаев Б.Т. Экономика – основа жизни общества. Т.: “Шарк”, 1998 г.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.: “Шарк”, 1999 г.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. 2000.

VII БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МОХИЯТИ ВА БЕЛГИЛАРИ

1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти.
2. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари.
3. Бозор иқтисодиётининг икки тури.
4. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли.

1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти

Мустакил Ўзбекистон дастлабки кунлариданоқ, бир ёклама ривожлантирилган мажрух иқтисодиётдан мерос бўлиб қолган, табиий ва минерал – хом ашё заҳираларидан иотўғри фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги, нарҳ белгилашдаги, ахолининг истеъмол таркибидағи бузилишиш түфайли вужудга келган ўоят кескин муаммоларни якка ўзи ҳал қилишга мажбур бўлди. Мъъмурӣ йўл билан режалаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлардан бозор муносабатларига ўтишининг тартиби ва ўз усулларини ўзи белгилашга тўғри келди. Жаҳон хўжалик алоқалари тизимиға кириш, давлатлараро иқтисодий муносабатларни йўлга кўйишнинг энг мақбул йўллари изланди.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек: «Буларининг барчаси жамиятни янгилашда, ижтимоий – иқтисодий тараккиётда ўз йўлдизни излашни талаб қилди. Биз таҳлаб олган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Бу йўл жаҳон таҳрибасини, шунингдек, ҳалқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир»¹.

Маълумки, бозор иқтисодиёти жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари учун хос бўлиб, у давлатларда турли царражада ва ўзига хос ҳусусиятлар билан амал қилмоқда ва ривожланиб бормоқда. Бозор хўжалигининг амал қилиш механизми кўплаб асрлар давомида таркиб топиб, ҳозирги даврда маданийлашган шаклни касб этди ва дунёнинг кўпгина мамлакатларида бозор иқтисодиёти ҳукмрон иқтисодий тизимга айланди.

Бозор механизми – бу бозорнинг асосий элементлари, унсурлари, масалан, талаб, таклиф, нарҳ, рақобат ва иқтисодий қонунларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсири механизмидир. Бу унсурлар хўжалик юритишининг бозор тизимида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўзларининг иқтисодий фаолиятларида амал қиладиган бозорнинг муҳим томонлари бўлиб ҳисобланади. Бу бозор муносабатларининг ўзаги, бозорнинг марказий асоси (ядроси)дир.

¹ Кариев И.А. Ўзбекистон бозор истроҳатларини чукурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995, 9-бет.

Бозор механизми иктисодий конунлар, талаб ва таклиф, мувозанат нархи, рақобат, киймат, фойда ва ҳ.к. ларпинг ўзгариши асосида амал қилади.

Ишлаб чиқариш томонида таклиф, истеъмол томонида эса –талаб туради. Бу икки унсур бозорда бир-бирларига қарама-карши турсаларда улар ўзаро боғлиқдирлар. Бозорнинг муайян шарт-шароитига боғлиқ ҳолда талаб ва таклиф узоқ ёки яқин муддатни ўичига олган давр давомида баробарлашади. Талаб ва таклифнинг бундай бир-бирига тенглашиши стихияли равишда ёки давлатнинг тартибига солиши таъсирида содир бўлиши мумкин.

Бозор механизмининг амал қилиши кимнидир оғзаки кўндиришга эмас, балки инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришга бўлган табиий интилишига асосланади. Шунинг учун бозор механизмини ҳаракатта келтириш ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар эркинилигидан бошқа ҳеч нарсани талаб этмайди. Эркинлик қанчалик кўпроқ бўлса, бозор иктисодиётининг ўз-ўзини тартибига солиш механизми шунчалик самаралироқ амал қилади.

Бинобарин ҳусусий мулкчиликнинг юзага келиши ва бошқа мулк турларининг ривожланиши бозор иктисодиётининг шаклланиши ва мавжуд бўлиши учун умумий шароит бўлиб хизмат қилади. Хўжалик юритиш турли шаклларининг ривожланиб бориши товар ишлаб чиқаришнинг мавжуд бўлишини такозо этади. Бу эса ўз-ўзидан пул муносабатлари, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмолнинг бозорли ҳусусиятини талаб этади. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши бозор иктисодиёти тараққиётининг асосидир.

Шундай қилиб, бозор иктисодиёти – бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муносабатлари конун-коидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган, иктисодий фаолиятда эркинликка ва хўжалик юритишда оқилоналик тамойилларига асосланган иктисодий тизимдир.

Бозор муносабатларининг ривожланиши муносабати бијан хўжалик фаолиятининг ўсиб борувчи номаълумлик ва ўзгариб турувчи иктисодий мухит шароитида амалга оширишга тўғри келади. Чунки кенг маънода бозор – бу говарлар ва хизматларни олди-сотди қилиш мақсадидаги харидорлар ва сотувчилар ўртасидаги нисбатан эркин ўзаро алоқадорлик содир этиладиган иктисодий мухитидир. Бозор субъектлари олди-согди тўғрисидаги қарорларни мустақил қабул киладилар, нарҳларни, харид қилиш ва сотиш ҳажмини, савдо тўловлари битимлари турларини ва бошқаларни белгилайдилар.

Шундай қилиб, бозор иктисодиёти эркин товар-пул муносабатларига асосланади ва бу иктисодиёт кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини, яъни, ишлаб чиқариш, айирбош-

лаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини ҳамда иқтисодий муносабатларнинг деярли ҳамма субъектларини қамраб олади.

Бозор иқтисодиётин тартибга солиш механизми исосан тўрт бўғиндан иборатки, булар баҳо, талаб, таклиф ва рақобатdir. Маълумки, баҳолар нисбати ўзгариб туради, шунинг учун баҳо, ишлаб чиқарувчи учун ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши зарурлигини аниқлашча йўл кўрсаткич вазифасини бажаради. Талаб ва таклиф, рақобатчилик мухитидаги ўзгаришлар ўз павбтида, баҳолардаги ўзгаришларга олиб келади.

2. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари

Бозор иқтисодиётининг моҳиятини янаца чуқурроқ англаш учун унинг асосий белгиларини кўриб чиқиш лозим. Булар куйидаги лардан иборат:

- Тури шакллардаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши ва унда хусусий мулкчилик ролининг ошиб бориши;
- Тадбиркорлик ва танлов эркинлиги;
- Нархларнинг эркинлашуви;
- Рақобат курашининг мавжудлиги;
- Корхона ва фирмаларнинг ички ва ташки шарт-шароитлар ўзгаришига мослашувчанлиги;
- Давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви.
- Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари иқтисодий плюрализмидир. Бу мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг турли-туман бўлиши зарурлигини англатади. Мулк турли шакллarda бўлиб унда хусусий мулкчиликнинг роли ошиб боради. Хўжалик юритиш ҳам турли шакллarda, жумлацан, якка тартибда, жамоатчилик, ҳиссадорлик (акционерлик), аралаш мулк ва бошқалар асосида олиб борилади.

Ишлаб чиқариш омиллари ва натижаларига хусусий ва жамоа мулкчилиги хўқуки давлат томонидан кафолатланади.

Бозор иқтисодиёти шаклланишининг яна бир шарти ва белгиси эркин тадбиркорликдир. Товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи мустакил равиша (бозорнинг ўзгарувчанлиги ва ўз имкониятларига таяниб) ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши ва ҳажмиии белгилари, хўжалик юритиш шакли ва усусларини такомиллаштириши лозим. Иқтисодий фаолият эркинлиги ташаббускорлик ва эркин тадбиркорлик учун кенг имконият яратди.

Маълумки сотувчи ва харидор бир-бирларини бозорда ўзлари топадилар ва нарх хусусида келишиб оладилар. Шунинг учун тадбиркорлик эркинлиги бу асло одамларнинг талаби ва рақобатдан эмас, балки давлатнинг хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри арала-

шувидан ҳоли бўлган эркинликдир. Фойда ва даромад олишга бўлған интилиш ва бозор рақобати ишлаб чиқарувчини жамият ва ахолига зарур бўлган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришга буйруклар ва қарорларга қараганда анча яхширок мажбур қиласи.

Бозор тадбиркорлик фаолияти шаклларининг хилма-хил ва хукукий жиҳатдан тенг бўлишини ҳамда улар ўртасида эркин рақобат ўзага келишини тақозо этади.

Бозор хўжалиги, қайд қилиб ўтилганидек, рақобат бўлмаса ўз маромида ва мувозанатда ишлай олмайди. Демак, бозор иқтисодиёти механизмида рақобат муҳим ўрин зегаллади. Рақобат жараёнича манфаатлар тўқнашади. Рақобат ишлаб чиқарувчиларни кам моддий ва меҳнат сарфлаб сифатли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ундейди. Рақобат шу асосда бозор иқтисодиётини шакллантиради ва ҳаракатга келтиради, фан-техника ютукларини ишлаб чиқаришга жорий этишга мажбур қиласи.

Бозор иқтисодиёти эркинликни талаб қилганилиги учун, у ҳар қандай монополизмни, якка ҳокимликни инкор этади. Ҳар қаишдай монополия (бозор муносабатлари субъектларнинг рақобатини чекланиш тарзида бирлашиши) бозор қонунларини амал қилишга тўғанок бўлади. Ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажми, хўжалик юритиш шакллари ва товарларни сотиш усуллари, нархлар – буларнинг бари монополистик тарзда тартибига солиши объектларига айланади. Бозор тартибсиз (стихияли) бошқарув амал қиладиган макондан қисман (тўла монополия ҳукмронлиги шароитида эса бутқул) чиқариб ташланади. Айнан шу жиҳатдан бозор иқтисодиёти монополияга қарши йўналишга эга.

Бозор иқтисодиётининг яна бир муҳим белгиси нархларнинг эркинлашунидир. Нарх бозордаги талаб ва таклифга қараб, ҳаридор билан сотувчининг эркин келишувига боғлиқ бўлади. Маданийлашган бозор иқтисодиёти шароитида рақобат нажижасида манфаатлар тўқнашуви ўзага келади, шунинг учун бозор субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштиришга ҳаракат қиласилар. Акс ҳолда уларнинг иши юришмай инқироэга учрайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромад олиш чекланмайди ва ахолининг табақалашуви вужудга келади. Шу жиҳатдан иқтисодий субъектларнинг оладиган даромадлари, ахоли турли катламларининг турмуш даражаси бир хил бўлмайди.

Бозор иқтисодиётининг кўриб чиқилган бу ва бошқа беътилари унинг барча босқичлари учун умумийдир. Лекин бозор иқтисодиётининг маъмуни ва беътиларини таҳлил қилгандан бу иқтисодиётининг тарихи ташкил топган икки турини кўриб чиқиш ва бир-биридан фарқлай билиш ўта муҳимдир.

3. Бозор иқтисодиётининг икки тури

Юкорида қайд қилинганидек, бозор иқтисодиёти деганда ҳозирги ривожланган мамлакатлардаги иқтисодиёт тушунилади.

Тарихий нұктаи назардан бозор иқтисодиётининг икки тури мавжуд.

Биринчisi – *асов ёки ёввойи иқтисодиёт*. Бундай иқтисодиёттнинг асл намунаси XVII ва XIX асрларда бўлған. Унинг қуйидаги асосий белгиларини келтириш мумкин:

- Якка әгаликдаги хусусий мулкнинг хукмрои бўлиш, мулкнинг озчилик қўлида тўпланиши.

- Иқтисодиёттнинг стихияли ўсиши, яъни иқтисодий бебошлиқ ва тартибсизликнинг кузатилиши.

- Номаълум бозор учун кўр-кўона равишда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, уларнинг сотилиши ёки сотилмаслигининг номаълумлиги.

- Рақобат курашининг конун-коидасиз террор, зўравонлик, қаллоблик каби ғайриинисоний усуллар билан бориши.

- Тадбиркорлар ўртасидаги шерикчилик алоқаларининг тасодифий бўлиши.

- Давлатининг иқтисодиётга аранашмаслиги, ушан четланиб қолиши.

- Тартибсизлик натижасида кучли иқтисодий тангликлар ва бўхронларнинг келиб чиқиши, иқтисодий талафотларнинг юз бериши.

- Киппиларнинг ўта бой ва ўта камбағалларга ажralиб қолиши, улар ўртасидаги синфий курашининг мавжудлиги, ижтимоий мувозанатнинг ўйқилиги.

Бундай иқтисодиётни асов дарёга тенглаштириш мумкин. Асов дарё тартибсиз оқади, унинг ўзанлари тез ўзгариб туради, унинг сувини тартибга солувчи тўғонлар, сув омборлари бўлмайди. Бундай дарё нафакат оби-ҳаёт, балки тошқынлар, қирғоқларни ювиб кетиш билан талафот ҳам келтиради.

Аммо ёввойи иқтисодиёт абадий сакланмайди. У *цивилизация – лашган ёки маданийлашган бозор иқтисодиётига* айланниб боради.

Цивилизацияларнинг бозор иқтисодиётининг ҳам ўзига хос белгилари мавжуд:

- Асосий бўлиб ҳисобланган хусусий мулк билан бир қаторда бошқа мулк шакллари ҳам ҳаракатда бўлади, мулкий мувозанат юзага келади.

- Иқтисодиётдаги бебошлиқ қаттиқ чекланади, иқтисодиёт тартибланади.

- Бозор талабни ҳисобга олади, ишлаб чиқариш талабга мослашади, бозордаги номаъумлик аҳён-аҳён учраб туради.
- Ракобат кураши белгиланган қоидаларга биноан ҳалол боради, унинг маданий усуллари қўлланилади.
- Иқтисодиёт субъектлари (иштирокчилари) ўртасидаги доимий ва узок даврга мўлжалланган, ўзаро маnфаатли шерикчилик алокалари ўрнатилади.
- Давлат иқтисодий ҳаётга аралашиди, ўз чора-тадбирларининг амал қилиши учун шароит яратади.
- Иқтисодиёт тартибланиб тургандан чукур иқтисодий тангликлар юз бермайди ёки иқтисодий тангликтан тезда чиқилади.
- Иқтисодиёг юқори даражада ривожланганлиги учун жамият бой бўлади, тадбиркорлик, шу сабабдан, фақат фойда топиш учун эмас, балки эл оғизга тушиб, обрў-эътиборли бўлиш учун ҳам олиб борилади.
- Иқтисодиёт ижтимоий йўналтирилган, оммавий фаровоиликни таъминлашидек аниқ мўлжалга эга бўлади.
- Кишилгарининг иқтисодий жиҳатдан табакаланиши чегараланди, ўзига йўк, ўртаҳол аҳоли асосий ижтимоий қатламга айланади. Шу боисдан жамиятда ижтимоий мувозанат сақланиб, кишилар ўртасида тўқиашувларга ўрин қолмайди.

Хозирги даврда бозор иқтисодиётига ўтиш деганда цивилизацияллашган иқтисодиёт сари бориш тушунилади.

4. Узбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишининг умумжахон юқеасига айланishi XX-асрнинг муҳим белгисидир. Инсоният таржрибаси шуну кўрсатадики, бозор иқтисодиёти бир катор муаммоларни, хусусан:

- Мустақил равишда ишлаб чиқаришни ўстириб, тўқимачиликни таъминлаш;
- Тежамли хўжалик юритиб, барча ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- Мазмунни ёки шаклидан қатъий назар ҳалол ва самарали меҳнатнинг қадрига стиш;
- Умуминсоний ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётта тадбир этиш ва бошқаларни самарали ҳал эта олади.

Бозор иқтисодиётининг тамойиллари, конун-коидалари умуминсоний, аммо бориладиган марра бир хил бўлсада, унинг йўллари ҳар хилдир.

Ўзбекистон олдида икки стратегик-истиқболда кўзланган вазифа тураси. Унинг бири-мустақилликниң иқтисодий пойдеворини яратиш. Иккincinnisi – бозор иқтисодиётига ўтиш. Иқтисодий мустақилликка бозор механизми орқали эришилади, лекин унинг Ўзбекистонда шаклланиши ўзига хос йўл билан юз бермоқда. Бу йўл бозор иқтисодиётининг умумий томонларини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олади.

Бу хусусиятлар қўйидагилардир:

- Ўзбекистон иқтисодиёти кам ривожланган бўлсада, унинг ишончли салоҳияти бор.
- Ўзбекистон табиий ва меҳнат ресурсларига бой диёр, унинг саҳий сри ва меҳнатсевар ҳалқи бор.
- Республикамиз ахолисининг ўсиш суръатлари жадал, шу боисдан меҳнат ресурслари тез ортиб боради.
- Ўзбекистон иқтисодиётидаги кишлоқ хўжалигининг ўрни катта, аҳолининг 60%и кишлоқ жойларида истиқомат килади.
- Ўзбекистон шарқий цивилизацияга мансуб мамлакат. Бу ерда шарқона иқтисодий кўнинмалар, ота-боболардан мерос колган хўжалик юритиши усувлари бор.

Бу хусусиятлар Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти сари бориши йўлини танлаш учун асос бўлади. Бу йўл жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, аммо мамлакатимизнинг миллий манфаатини, ундаги реал шароитларни ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётига инқилобий сакрашларсиз, ижтимоий ларзаларсиз, тинчлик ва хотиржамлик шароитида, ҳалқни ижтимоий ҳимоя қилиши орқали секин-аста, бос-кичма-босқич ўтилишини таъминлайди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек «Бизнинг қатъий нуктаи назаримиз жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иктисодий таракқиёт йўлнимизни танлай олишдан иборатдир»¹.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан олға сурилган беш тамойилда ифодалаб берилади:

Биринчи тамойил – Иқтисодиёт сиёсатдан устувор бўлиши ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан холи қилинишидир.

Иккинчи тамойил – давлат бош ислоҳотчи бўлиши керак. Бу тамойил бозор иқтисодиётига ўтиш тартибсиз равишда, ўз билар-мончилик асосида эмас, балки давлат раҳбарлигига амалга ошириладиган ислоҳотлар орқали юз беришини билдиради.

¹ Киримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзиге хос нуди. –Т.: «Ўзбекистон» 1993, 25-бет.

Учинчи тамойил – конунлар ва уларга амал қилишнинг усти-ворлигини таъминлаш. Бу тамойил бозор иқтисодиётiga ўтиш тартибли равишда, ҳамманинг кенг жамоатчилик иштирокида ишлаб чиккан давлат конунларига сўзсиз риоя этиш орқали боришини билдиради.

Тўртингчи тамойил – фаол ижтимоий сиёsat юритиш. Бу иқтисодиётга кучли сиёsat юритиш. Бу иқтисодиётга кучли таъсир эта оладиган, ҳалкнинг ижтимоий ҳимоясини, унинг фаоллигини таъминлашдиган, ижтимоий адолатни юзага чиқараадиган сиёsatни олиб боришни англатади.

Бешинчи тамойил – бозор иқтисодиётiga секиң-аста, босқич-ма-босқич ўтиши. Бу тамойил чуқур иқтисодий ислоҳотларни шошилмасдан, сабитқадамлик билан амалга оширишни талаб этади.

Асосий тушунчалар

Бозор иқтисодиёти – эркин товар пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ва бошқарилиб (тартибга солиниб) турувчи иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиётининг икки тури:

1. Асов ёки ёввойи бозор иқтисодиёти.
2. Цивилизациялашган ёки маҳданийлашган бозор иқтисодиёти.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз? Унинг асосий белгиларини санаб ўтинг.
2. Маъмурий-бўйруқбозслик тизими шароитида бозор иқтисодиёти мавжуд бўлами? Тушунтириб беринг.
3. Бозор иқтисодиётининг икки турини таъсифлаб беринг.
4. Бозор иқтисодиёти объектларига нималар киради?
5. Бозор хўжалигининг қандай субъектларини биласиз? Улар ўртасидаги алоқадорликни тавсифланг.
6. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётiga ўтишнинг ўзига хос йўли ва тамойилларини кўрсатиб беринг.

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.

- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995 й.
- Курс Экономической теории. Учебное пособие (Руководитель авторского коллектива и научный редактор проф. А.В. Сидорович). М.: МГУ. Изд-во “ДИС”, 1997 г.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.: “Шарк”, 1999 г.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. 2000.

VIII БОБ. БОЗОР ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ

1. Бозорнинг моҳияти ва вазифалари.
2. Бозорнинг обьектлар жиҳатидан турланиши.
3. Бозорнинг субъектлар жиҳатидан турланиши.
4. Бозор инфратузилмаси ва унинг асосий унсурлари (элементлари).

1. Бозорнинг моҳияти ва вазифалари

Энг умумий кўринишда бозор – бу товарларни ишлаб чиқариш, айрибошлиш ва тақсимлаш ҳамда пул маблагларининг ҳаракати жа-раёнида шаклланацигандай иктисадий муносабатлар тизимиdir. Бозор ишлаб чиқариш ривожланиши билан бирга ривожланиб боради ва айрибошлиш жараёнига нафакат ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, балки меҳнат натижаси бўлмаган неъматларни ҳам (ер, ёввойи ўсан ўрмон) жалб килиб боради. Бозор алоқалари ҳукмронлик қитувчи шароитда жамиятдаги барча кишиларнинг муносабатлари асосан олди-сотди жараёнлари билан қамраб олинади.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, бозор ижтимоий ишлаб чиқариш вакиллари ўртасида олди-сотди, яъни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, ишлаб чиқариш ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқа шаклидаги муносабатлар амалга ошириладиган муомала соҳасидир.

Бозор мустақил ташкилий тузилма сифатига кўйидаги уч асосий унсурни (элементни) ўз ичига олади: товарлар ва хизматлар бозори, меҳнат бозори, капитал бозори. Бу уч бозорлар бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб бир-бирларига таъсир кўрсатадилар. Бозор ва бозор муносабатларининг ривожланганилиги даражаси уни ташкил этувчи барча бўғинларнинг ривожланишига боғлиқ.

Бозор кўйидаги белгиларнинг мавжуд бўлишини талаб этади:

- ◆ Олди-сотди жараёнлари иштирокчилари сонининг чекланма- ганлиги, бозорга эркин кириб бориш ва ундан эркин чиқиши. Бу шуни англатадики, ҳар бир киши тадбиркорлик билан шуғуланиш ёки уни тўхтатиш хукукига эга. Ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) ҳар кандай фаолият турларини (тадбиркорлик, фондлар бўйича операциялар, банк фаолияти, дехкончилик ва ҳ.к.) ташлашлари мумкин. Ўз навбатида истеъмолчилар (харидорлар) нимани ҳохласалар шуни харид қилишлари мумкин. Бинобарин, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар тенг хукукка эгадирлар.
- ◆ Моддий меҳнат, молиявий ресурсларнинг эркин ҳаракатда бўлиши, чунки тадбиркорлик фаолияти даромадни ошириш мақсадини кўзлайди. Бунга эса факат ишлаб чиқаришни қенгайтириш, янги


техникани ўзлаштириш, янги технологияни тащик этиши ва бошқалар орқали эришиш мумкин.

- Бозор субъектларининг ҳар бирида таклиф, талаб, нархлар ва фойда нормаси ва бошқалар тўғрисида ишончли ва тўла ахборотларнинг мавжуд бўлиши. Буларсиз бу субъект бозорда тўғри мўлжал ола олмайди ва хариц килиш ва сотишнинг мақсадга муовфикалиги тўғрисида тўғри карор қила олмайди.
- Ишлаб чиқарувчилар монополижсининг бўлмаслиги, бусиз бозорда сотувчилар ва харидорларнинг эркин иқтисодий ҳаракатини тарьминлаб бўлмайди.

Бозорнинг моҳияти мавжуд категорияянинг асосий нима мақсадга мўлжалланганигини белгиловчи унинг бош иқтисодий вазифаларида (функцияларида) ўз аксини топади. (Чизма I).

I-чизма

Бозорнинг муҳим вазифалари



Бирлаштирувчи вазифаси ишлаб чиқариш (ишлаб чиқарувчилар) соҳаси, истеъмол (истеъмолчилар) соҳаси ва шунингдек сотувчилар-воситачиларни бирлаштириш, уларни меҳнат маҳсулотлари ва хизматларни фаол айрибошлишининг умумий жараёнига жалб килишдан иборат. Бозорсиз ишлаб чиқариш истеъмолга хизмат қила олмайди, истеъмолчи эса ўзининг эҳтиёжларини қондира олмайди.

Бозор ижтимоий меҳнат таъсисотининг чуқурлашувига, иқтисодиётдаги интеграцион жараёнларнинг ўсишига ёрдам беради.

Тартибга солувчининг вазифаси бозорнинг иқтисодиёт барча соҳаларига таъсирини кўзда тутади, бирлашган таркибий тузилмада ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг келишувини, нархларни бслгилаш бўйича талаб ва таклиф ўргасидаги мувозанатни, миллий иқтисодиёт соҳалари ўргасидаги ишлаб чиқариш ва муомаладаги муносабатларни таъминлайди.

Бозор қүйіндеги саволларға жавоб беради: нима ишлаб чиқариш керак? Кім учун ишлаб чиқариш керак? Қаңдай ишлаб чиқариш керак?

Рағбатлантирувчының вазифасы ишлаб чиқарувчиларни яңғы маңсулоттандырып, зарурый товарларни әнгі кам қарражаттар ҳисобига яратып да етарлы фойда олишга үндаш, фан-техника тараққиетини рағбатлантириш да бунинг асосида ишлаб чиқаришни интенсивлаштырыш да бутун иктисадиёт самараңдорлыгини оширишдан иборат.

Нарх белгіловчы (ёки эквивалентлаштырувчы) **вазифасы** – бу маңсулоттарни айрибошташ үчүн тенг қийматтарни белгілаштырды. Бунда бозор товарларни ишлаб чиқаришта көттөн инцивицуал мекнэт қарражаттарини ижтимоий сарфлар билан таққослады, яғни қарражаттар да натижаларни сархисоб көләди, нафақат сарф килинган мекнэт міндері, балқы уннинг нағини белгілаш орқали товарнинг фойдалылығын аникладайды.

Бозорнинг назорат қылувчи **вазифасы** ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини бош назорат қылувчи ролини бажаради. Бозорда товарлар яғынан хизметларнинг нафақат міндері, балқы сифати хам истеъмолчилар талабларига қай даражада мос келиши аникладаади.

Воситачи бўлувчи вазифаси иктисадий жиҳатдан алоҳида бўлган ишлаб чиқарувчилар да истеъмолчиларнинг мекнэт натижаларини айрибошташ мақсадицаги учрашувлари таъминлаштырди. Бозорсиз ижтимоий ишлаб чиқариш иштирокчиларининг у ёки бу иктисадий да техник алоҳалари қай даражада мақсадга мувофиқлигини аниқлашиб бўлмайди. Истеъмолчи әнг макбул сотувчи-етказиб берувчини, сотувчи эса ўзига мос харидорни танлаш имкониятига эга бўлади.

Ахборот берувчининг вазифаси бозор иштирокчиларига мултазам равишда ўзгариб турувчи нархлар, кредит бўйича фоиз ставкалари орқали бозордаги товарлар да хизметларга бўлган талаб да гаклиф тўғрисидаги объектив ахборотларни бериб боради. Хозирги замондаги бозор катта ҳажмдаги ахборотни тўпловчи да кайта ишловчи; товарлар да хизметлар сотилишининг ахволи ва шарт-шароитлари тўғрисидаги умумлашган маълумотларни етказиб турувчи "улкан компьютер"га айланниб бормокда.

Тежамкорликка ундовчи вазифаси истеъмол соҳасида муюмала қарражатларини (харидорларнинг товарларни сотиб олишга кетадиган сарфларини) камайтириш, ахоли талабини иш ҳақи билан таққослашни кўзда тутади.

Бозор субъектлари манбаатларини таъминлаш вазифаси – бу манбаатларнинг А. Смит томонидан баёп этилган "Менга нима керак бўлса, шуни бер, да сенга нима керак бўлса шуни оласан."¹

¹ Ашталотта экономической классики. Т.1-М.: 1993. 91-бет.

тамойили бўйича ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Сотувчиларнинг иқтисодий манфаати кўпроқ даромад олишдан, хариорларнинг эса-эҳтиёжларини энг кам харажатлар эвазига қонширишдан иборат. Бу манфаатларнинг уйгунашуви бир-бирларига зарур бўлган неъматларни айрибошлиш ва бозордаги олди-сотди ишларини қиймат бўйича тенглаштириши кўзда тутади.

Бозорнинг цивилизация ривожланишининг барча боскичларига у ёки бу даражада ҳос бўлган иқтисодиёт назариясининг категорияси сифатидаги моҳияти мана шундай, бирок шу билан бирга у мураккаб ижтимоий фалсафий тушунчадир. У фақатгина иқтисодий соҳа билан чекланмайди. Бозор инсоният жамияти ривожланишининг табиий-тарихий натижаси сифати маданий ва иқтисодий ҳаётининг кўп асрлик ҳамкорликдаги ағъянавий бойликларини қамраб олган халқлар ривожланишининг тарихий, миллий, маданий, диний, психологик хусусиятларини ўз ичига олади, бу ҳозирги замондаги бозор ва турли мамлакатлардаги бозор тизимининг ўзига хослигини белгилайди.

2. Бозорнинг объектлар жиҳатидан турланиши

Бозорнинг тузилиши – бу бозор алоҳида элементлари унсурларининг ички шаклланиши, жойлашуви ва кетма-кетлиги, уларнинг бозор умумий ҳажмидаги улушидир.

Хар кандай таркибий тузилишнинг белгилари қуйидагилардир:

- унинг унсурлари ўртасидаги узвий боғлиқлик;
- бу унсурларнинг маълум пухталилиги;
- мавжуд унсурларнинг бир бугунлилиги ва жамланганлиги.


Турли мезонлар асосида алоҳида унсурларга бўлинган барча бозорлар мажмуйи **бозорлар тизими**ни ташкил этади.

Объектлар жиҳагидан бозорнинг тузилишини қуйидаги чизма кўринишида келтириш мумкин (2-чизма).

Истеъмол бозори яқин вактларгача давлат ва кооператив савдо, умумий овқатланиш корхоналари, оила ва индивидуал савдонинг майда корхоналаридан иборат эди. У товарлар ва хизматлар (майший, коммунал, маданий, транспорт хизматлари, таълим, тиббий хизматлар) бозорини ўз ичига олади.

Уй-жой бозори яқиндагина хусусий уйларни ва дала ҳовлиларини ва бошқаларни, ва шунингдек сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган кооператив уйларни олди-сотди қилиш шакли сифатида мавжуд эди. Давлат уй-жой секторини хусусийлаштириш натижасида турар-жой майдонларининг барча кўринишларини қамраб олувчи, тор айрибошлиш доираси ёки “келишув бўйича” яширин сотиш билан чегараланмаган, тўлақонли уй-жой бозорининг шаклланиши кузатилмоқда.

Объектлар мезони бўйича бозорнинг тузилиши



Ишчи кучи бозори аслини олганда доим мавжуд эди. Бирок бизнинг иқтисодиётда ишчи кучи ўтмишда унинг режали асосда тақсимланиши, меҳнат қилишга ноиктисодий тарзда мажбурлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг давлат тарифларининг мавжудлиги, ходимларни эркин ишга ёллаш ва ишдан бўшатиш тизимининг йўклиги сабабли эркин сотиб олиш ва сотиш обьекти бўлиб ҳисобланмас эди. Яқин вактларгача ишчи кучининг товарлик хусусияти инкор қилинар эди. Ишчи кучи бозорининг ривожланиши ҳар бир шахснинг ўз ишчи кучини ўзининг танилови ва ҳохиши, ходим ва ёлловчи ўртасидаги шартнома асосида, бозор нархларида эркин сотиш хукукини тан олишни кўзда тутиди.

Инвестициялар бозори бозор муносабатларини обьекти капитал кўйилмалар бўлган пул бозори турли кўринишлардан биридир.

Кимматли қоғозлар бозори яқин вактларгача факат давлат облигациялари, лотерея чипталарини сотиб олиш ва сотиш кўринишида эди. Ҳозирги вактда акциялар, облигациялар, ассигнациялар, чеклар, аккредитивлар, всекселлар ва пул мажбуриятларининг бошқа кўринишларини сотиб олиш ва сотиш амалга оширилмоқда.

Пул ва валюта бозори илгарилари амалда расмий равишда бизнинг иқтисодиётда мавжуд эмас эди ёки яшириш хусусиятга эга эди. Ўта чеклангай шаклда валюта бозори факат иқтисодий муносабатлар соҳасини қамраган эди. Бу бозорнинг бир маромда амал килиши жаҳон, давлат, эркин ва ким ошиди савдоси курси бўйича валюта сўмларига согиладиган ва сотиб олинадиган фонд ва валюта биржалариди талкил этишини таълаб этади.

Инновациялар, яъни фан-техника соҳасидаги янгиликлар, кашфиётлар, рационализаторлик таклифлари бозори, илгарилари бизнинг иқтисодиётда, шунингдек, мавжуд эмас эди. Бозор иқтисодиётiga ўтиш инновацияларни бозор нархларида сотиш мақсадга мувоғифк бўлган товар сифатида кўриб чиқишга асос бўла олади, бу эса шубҳасиз илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга олиб келади.

Ахборот маҳсулотлари бозори – бу ўзига хос бозор бўлиб, бу ерда олди-сотди предмети бўлиб кишиларга зарурий ахборотни етказувчи китоблар, рўзномалар, ойномалар, турли кўринишдаги реклама ва бошқа кўпгина фаолият кўринишлари хизмат киласди. Бундай бозор бизда мавжуд. Бирор агар ахборот маҳсулотини кенгроқ маънода тушуниб, унга интеллектуал, яъни, илмий, маданий, маънавий ва таълим маҳсулотини кўшадиган бўлсан, у ҳолда бундай маҳсулотлар бозори эндиғина шаклланиб келмоқда.

Лицензиялар бозори – бу инновациялар бозорининг бир қисми-лир. Бу ерда сотиб олиш ва сотиш обьекти бўлиб кашфиётлар, технологик тажриба, тижорат билимлари, товар белгиларидан фойдаланиш ва бошқаларни тошириш бўйича патентлар ва бепул лицензиялар хизмат киласди. Бу технология билан савдо килинидир. Хозирги шароитда ҳалқаро амалиётда НОУ-ХАУ (техник билимлар ва амалий тажриба, тижорат аҳамиятига эга бўлган ва патент ҳимояси билан таъминланмаган спецификациялар, формулалар, рецептурапар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш хужжатлари, схемалари, технологик жараёнлар тавсифномалари ва бошқалар) ва илгор технологияни саноатда қўллаш бўйича **инжиниринг** хизматларини тақдим этиши шаклидаги лицензион келишувлар кенг тарқалган.

3. Бозорнинг субъектлар жиҳатидан турланиши

Субъектлар мезони бўйича бозор қуидаги тузилишга эга:

- ҳаридорлар бозори;
- сотувчилар бозори;
- давлат муассасалари бозори;
- оралиқ сотувчилар-воситачилар бозори.

Ҳаридорлар бозорида таклиф талабдан кўпроқ бўлиши лозим, шунда таққослаш ва у ёки бу товирга афзаллик бериши мумкин. Бу

ерда ҳозирги ривожланган миљлий ва халқаро бозорларга хос бўлган ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат мавжуд бўлади.

Сотувчилар бозори талабнинг таклифга нисбатан анча ошиқчалигини тавсифлайди. Бу ерда асосий ролни товарлар ва хизматлар миқдори ўйнайди, уларнинг сифатига унча зътибор берилмайди. Сотицдан олдинги ва кейинги кулайликлар эсга олинмайди, ҳамма нарса тезда сотилади, чунки ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат бўлмайди, товар ассортименти (хилма-хиллиги) кам бўлади.

Давлат муассасалари бозори давлат ташкилотлари, федерал қукумат, шартлар, ўзларининг асосий вазифаларини бажариш учун зарур бўлган товарларни сотиб олувчи ва ижарага олувчи маҳаллий ташкилотларнинг олди-сотди ишлари мажмунини ўз ичига олади.

Оралиқ сотувчилар-воситачилар бозори ўзларининг манфаатларини кўзлаб товарларни бошқа истеъмолчиларга қайта сотиш ёки ижарага бериш учун сотиб олувчи шахслар ва ташкилотлар иқтисодий муносабатларини акс эттиради.

Жойлашуви нұктай назаридан қўйидаги бозорлар мавжуд:

- маҳаллий (локал) бозор;
- ҳудудий бозор;
- ички бозор;
- ташкилотни бозор;
- миљлий бозор;
- жаҳон бозори.

Алоқалар шакли бўйича қўйидаги бозорлар фарқланади:

- шахсий алоқа асосидаги бозор;
- шахсий алоқасиз, пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган бозор.

Тўйинганлиги даражаси бўйича:

- мувозанатли бозор;
- камомадли бозор;
- тўкин бозор.

Етуклик даражаси бўйича:

- ривожланмаган бозор;
- ривожланган бозор;
- шакланаётган бозор.

Рақобатнинг чегараланганлиги даражаси бўйича:

- эркин бозор;
- монопол бозор;
- олигополистик бозор.

Мавжуд конунчиллик талабларига мос келиши бўйича:

- легал (очик) бозор;
- нолегал бозор.

Тармоклар бўйича:

- автомобил бозори;
- компьютер бозори ва ҳ.к.

Савдо-сотникнинг хусусияти бўйича:

- улгуржи бозор;
- чакана бозор;
- экспорт бозори;
- импорт бозори.

Товарлар хилма-хиллиги (ассортименти бўйича):

- чегараланган тор бозор (биргина ишлаб чиқарувчининг савдоси);
- тўйинган бозор (кўпгина ишлаб чиқарувчиларнинг кўпгина бир-бирига ўхшаш товарлари);
- кенг ассортиментли (хилма-хил товарли) бозор (бир-бири билан боғлик бўлган ва бир қанча ўзаро алокадор эҳтиёжларни қондиришга қаратилиган бир неча кўринишдаги товарлар);
- аралаш бозор (бир-бири билан ўзаро боғлик бўлмаган турли товарларнинг мавжудлиги).

Булардан ташқари аукционлар, узоқ муддатли шартномалар, телефон-тексес бозори, бир марталик савдо-сотик битимлари, биржа савдосини акратиб кўрсатиш мумкин.

4. Бозор инфратузилмаси ва унинг асосий унсурлари

Биринчи марта инфратузилма ибораси XX аср бошларида иктисодий таҳлилда ҳарбий кучлар фаолиятини бир маромда таъминловчи объекtlар ва иношоствларни белгилаш учун ишлатилиган.

У лотинча “*infra*” – настрак, тагида; “*struktura*” – тузилиш, жойлашиш сўзларидан келиб чиқкан.

XX асрнинг 40-йилларида Фарбда инфратузилма дейилгандага мөддий ишлаб чиқаришнинг бир маромда харакат қилишга хизмат кўрсатувчи тармоклар мажмуии тушунилган. Бизнинг иктисодий ашабиётда бу муаммога 70-йилларда асосан эътибор қаратида бошланди ва ривожлантирилди.

Инфратузилма - бу ҳар кандай бир бутун иктиносидий тизимнинг зарурий бўғинидир. У бўйсунувчи ёрдамчи тавсифга эга бўлган ва иктиносидёт ёки сиёсий тизим хўжалик фаолиятининг бир маромда амал қилишини таъминловчи иктиносидий ҳаёт умумий қурилмасининг таркибий қисмидир.

Бутунги күнде ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи **ишлаб чиқариш инфратузилмаси** (транспорт, алоқа, улгуржи савдо ва ҳ.к.), **ижтимоий инфратузилма** (аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт ва алоқа, таълим, соғликни саклаш, ижтимоий таъминот ва ҳ.к.) ва шунингдек **бозор инфратузилмасини** ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бозор механизмининг ривожланиши билан мамлакат иқтисодистида алоҳида бозорлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган, талаб ва таклифни акс эттирувчи фаолиятпинг ихтисослашган шаклни юзага келтиришга зарурият юзага келади. Бозорнинг шаклланиши унинг маданийлашган ҳолда амал қилишини таъминлайдиган янги ташкилотлар ва муассасаларнинг юзага келишига олиб келади.

Бозор **инфратузилмаси** – бу товарлар ва хизматлар ҳаракати, олди-сотди ишларига ёрдам кўрсатувчи ташкилий-хуқукий шакллар, ёки бозорга хизмат кўрсатувчи ва унинг бир маромда амал қилишини таъминлаш бўйича маълум вазифаларни бажарувчи институтлар, тизимлар, хизматлар ва корхоналар мажмуидир.

Хозирги замон бозор инфратузилмасининг асосий унсурларига куйидагилар киради:

- биржалар (товар, ҳом-ашё, фонд, валюта биржалари), уларнинг ташкилий тарзда расмийлаштирилган ваколатхоналари;
- аукционлар, ярмаркалар ва ташкилий биржадан ташқари ваколатхоналарининг бошқа шакллари;
- кредит тизими ва тижорат банклари;
- эмиссия тизими ва эмиссия банклари;
- аҳолини иш билан бандлигини тартибга солиш тизими ва бандликка кўмаклашув давлат ва нодавлат марказлари (мсхнат биржалари);
- ахборот технологиялари ва иш юритиш коммуникация воситалари;
- солик тизими ва солик инспекциялари;
- тижорат хўжалик таваккатчиликни сугурталаш тизими ва сугурталаш компаниялари;
- маҳсус реклама агентликлари, ахборот марказлари ва оммавий ахборот воситалари агентликлари;
- савдо палаталари, иш юритувчи доираларнинг бопқа жамоат, кўнгилли ва давлат бирлашмалари (ассоциациялар);
- божхона тизими;
- ёлланиб ишловчиларнинг касаба уюшмалари;
- тижорат кўргазма мажмуалари;
- олий ва ўрта иқтисодий таълим тизими;
- аудиторлик компаниялари;

- маслахат берувчи (кансалтинг) компаниялари;
- иш юритиш соҳасидаги фаолликни рағбатлантиришга мўлжалланган ижтимоий ва давлат фонdlари;
- эркин тадбиркорликнинг маҳсус доиралари (зоналари).

Инфратузилма бозор субъектлари фаолиятининг маҳданийлашган (цивилизацияли табиитини таъминлашга хизмат қилади, унинг унсурлари ташқаридан бу субъектларга мажбурий ҳолда боғланмаган бўлиб, улар бозор муносабатлари натижасида юзага келадилар.


Бозор инфратузилмасининг вазифалари (функциялари) қуйидагилар:

- бозор муносабатлари иштирокчиларига уларнинг манфаатларини амалга оширишни енгиллаштириш;
- иқтисодиётнинг алоҳида субъектлари ва фаолият турларини ихтиёссаётлаштириш асосида бозор субъектлари иши оперативлиги (тезкорлиги) ва самарадорлигини ошириш;
- бозор муносабатларини ташкилий расмийлаштириш; ҳукукий ва иқтисодий назорат шаклларини, иш юритишни давлат ва жамоат томонидан тартибга солиш амалиётини енгиллаштириш.

Бозор инфратузилмасини қуйидаги чизма қўринишида келтириш мумкин (З-чизма).

З-чизма

Бозор инфратузилмасининг асосий унсурлари (элементлари)



Асосий түшүнчалар ва таянч иборалар

Бозор – бу иқтисодий категория сифатида харидорлар ва сотувчилар ҳамда товарлар ва пул ҳаракати бүйича савдо воситачилари ўртасидаги муайян иқтисодий муносабатлар мажмуй бўлиб, у бозор муносабатлари субъектларининг иқтисодий манфаатларини акс эттиради ва меҳнат маҳсулотлари айирбошланишини таъминлайди.

Харидорлар – товарларни маълум нархда сотиб олиш иштиёкига ва бунинг учун етарли пул маблағларига эга бўлган кишилардир.

Сотувчилар – товарларни бозорга чиқарив, уларни маълум нархда харидорларга таклиф этучилардир.

Ривожланган бозор – бозор муносабатлари тасодифи, кўпинча товар кўринишидаги (бартер) тавсифга эга.

Эркин (классик) бозор – деганде харидорлар ҳам, сотувчилар ҳам кўп бўлиб, улардан ҳеч бири монополия мавқеига эга бўлмай, бир-бирини тездан топа оладиган, ракобат тўла-тўкис ҳукмрон бўлгани, нархлар эркин савдолапув асосида шакиланадиган бозор тушунилади.

Монопол бозор – озчилик харидорлар ва сотувчилар ҳукмрон бўлгани, монопол нарх ўрнатилиган: ракобат чекланган ёки ракобат умуман бўлмайдиган бозорга айтилади.

Цивилизациялашган (тартибланувчи) бозор – бу цивилизация ва жамият инсонларварлашуви натижаси бўлиб, бунда давлат бозорининг жамиятнинг алоҳида аъзолари манфаатларига зарбаларини юмшатишга интилади. Бозорнинг салбий оқибатларини чеслаш ёки умуман баргароф этиш учун уни тартибга солиб туриш лозим.

Деформаштирилган бозор – давлатнинг бозор муносабатларига ҳаддан ташқари кўп араглашиши натижасида юзага келади. Масалан, маъмурий иқтисодиёт даврида бозор жиддий равиша деформаштирилган эди.

Бозорнинг тузилиши – бу бозор унсурларининг ички қурилиши. жойлашиши ва таргиби, уларнинг бозор умумий ҳажмидаги улуши.

Бозорлар тизими – турли-туман мезонлар асосида алоҳида унсурларга ажратилиган барча бозорлар мажмугига айтилади.

Истеъмолчилар бозори – кишиларининг тирикчилиги учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар бозорицир.

Ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслар бозори – ишлаб чиқариш учун зарур бўлган нарсалар бозори бўлиб, унда ултуржи савдо-сотик олиб борилади.

Товарлар биржаси – ултуржи савдо билан шугулланувчи тижорат корхонасицир.

Ишчи кучи ёки меҳнат бозори – ишчи кучи олди-сотди килинадиган бозор.

Молия бозори – молия ресурсларига (воситасига) айланган пул маблағлари ва уларга тенглаштирилган қимматбаҳо (қийматли) қозулар бозори тушунилади.

Интеллектуал товарлар бозори – аклий меңнат маҳсулни бўлган товарлар ва хизматлар бозори.

Инвестициялар бозори – пул бозорининг бир тури бўлиб, бунда бозор муносабатларининг обьекти капитал қўйилмалари ҳисобланади.

Инновациялар бозори – бу янгиликлар, кашфиётлар, рационализаторлик таклифлари бозори.

Ахборот маҳсулотлари бозори – ўзига хос бозор бўлиб, бу ерда олди-сотди предмети сифатида кишиларга ахборот етказувчи китоблар, рўзномалар, ойномалар, расмлар, турли рекламалар ва бошка кўпгина ашёлар ва фаслият кўринишлари хизмат қиласди.

Бозор сегменти – бу бозорининг савдо-сотикнинг шарт-шароитига қараб кўпгина бўғинларга ажратилишидир.

Савдо ярмаркалари – маълум вақтда ўтказиладиган савдо-сотик йиғини бўлиб, бу ерда товарлар улгуржи равища олди-сотди қилинади.

Савдо фирмалари – муайян бозор сегментида тижорат ишини юритувчи ва ихтисослашган савдо-сотик корхоналаридир.

Бозор инфратузилмаси – бозор механизмига хизмат кўрсатувчи элементлар комплекси: капитал бозори, ишлаб чиқариш воситалари бозори, меңнат бозори ва бошқалар.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Бозор тушунчасига таъриф беринг.
2. Бозор қандай вазифаларни бажаради?
3. Бозорларнинг асосий кўринишларини айтиб беринг ва уларни тасвифланг.
4. Бозорда “талаб-таклифнинг” роли нималардан иборат?
5. Бозор сегменти нима?
6. Кўчмас мулк бозори бошқа бозор турларидан қандай хусусиятлари билан фарқ қиласди? Меңнат бозоричи?
7. Бозор инфратузилмасига таъриф беринг. У бозор иқтисодиётида қандай вазифаларни бажаради?
8. Ўзбекистонда бозор инфратузилмаси қандай шаклланиб бормокда?

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.

- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсиликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. - Т.:«Ўзбекистон», 1999 й.
- Ўлмасов А., Шарифхўжасев М. Иктисадиёт назарияси. Т.:“Мехнат”, 1995 й.
- Курс Экономической теории. Учебное пособие (Руководитель авторского коллектива и научный редактор проф. А.В. Сидорович) М.: МГУ. Изд-во “ДИС”, 1997 г.
- Севликиянц С.Г., Отто О.Э., Тешаев Б.Г. Экономика – основа жизни общества. Т.: “Шарқ”, 1998 г.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.: “Шарқ”, 1999 г.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. -2000.

IX БОБ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, БОЗОР МУВОЗАНАТИ

1. Талаб қонуни ва унинг табақалашуви.
2. Таклиф ва унинг қонуни, унга таъсир қилувчи омиллар.
3. Иктисолий ресурсларга талаб ва таклифнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Талаб ва таклиф мослиги ва бозор мувозанатининг юзага келиши.

1. Талаб қонуни ва унинг табақалашуви

Талаб – бу энг аввало бирон-бир неъматлар ёки хизматларга бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлишидир. Бозорда эҳтиёжлар талаб шаклида майдонга чиқишининг сабаби товар ишлаб чиқариши хусусиятининг ўз замиридадир. Ҳар қандай товар факат бирон-бир бошқа товар ёки пулга алмашув натижасида олиниши мумкин. Кондирғанлик учун ҳақ тўлаб бўлмайдиган эҳтиёжни бозор ҳисобга олмайди. Масалан, кимдир автомобиль сотиб олмоқчи бўлса-ю, аммо нули бўлмаса, бундай эҳтиёж талаб эмас. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: талаб бу шунчаки эҳтиёж эмас, балки тўловига қобил, пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Талаб даражасига уч гурух омиллар: товарлар нархи, ҳаридорлар даромадлари, истеъмолчилар диди ва эҳтиёжи таъсир кўрсатади. Бу омиллар айrim ҳаридорларнинг ҳам, истеъмолчилар катта гурӯхининг ҳам тилабига таъсир кўрсатади. Талабнинг юкорида тилга олинган омилларини ҳар бирiga боғлиқлигини аниқ мисолларда кўриб чиқамиз.

Талабларнинг ўзгариши. Талаб билан нархларнинг ўзаро таъсирини ҳам бир товар бозорида кузатиш мумкин. Мисол учун мол гўштини олайлик. Бундан ҳамма сотувчилар сифати бир хил гўштни сотадилар ва аҳолининг даромадлари, анъаналари ва дидлари ўзигармай қолаверади деб, фараз қилайлик. Факат мол гўштини нархи ўзгаради. Бизнинг вазифамиз-бу ҳол талаб даражасига қандай таъсир қилишини кузатишдир.

Даставвал айrim истеъмолчи талабининг ўзгаришини кўриб чиқамиз. У гўштнинг бир килограмми 25 сўм бўлса, ҳеч қанча олмайди. Агар нарх, масалан, 18 сўмгача тушса – 1 килограмм, 12 сўмга тушса – 2 кг, 6 сўмга тушса – 3 кг сотиб олади ва ҳоказо. Нарх қанча паст бўлса, гўшт шунча кўп сотилади. Албатта, бошқа ҳар қандай эҳтиёждек, гўштга бўлган эҳтиёж ҳам кониқишининг муайян жисмоний чорасига эга. Агар у кондирилган бўлса, нархнинг ҳар қанча камайтирилиши кишининг яна гўшт сотиб олишга

мажбур қылолмайди. Аммо нарх пасайган сайн шахсий талабининг ортиб бориши ҳолати аён.

Шахсий талаб ўзгаришининг шакли тасодифий эмас. У иқтисодий назарияда талабининг камайиниң қонуни деб аталадиган қонуниятни ифодатайди. Мазкур қонунда айтилишича: агар бирон товариниң нархи описа, унга бўлган талаб камаяди ва, аксинча, товар нархи камайса, унга талаб ортади.

Нарх билан талабининг бундай ўзаро боғликлити батамом тушунарлидир. Товар нархи пасайиб борса-ю, харидор даромади ўзгармай қолаверса, ушбу даромаднинг тайин ҳарид куввати орта боради. Истемолчи энди кўпроқ товар, шу жумладан нархи пасайган товарни сотиб олиши мумкин. Иккичи изоҳ шундан иборатки, даромаднинг бошка товарлар сотиб олинган қисми арzonлашган товарни сотиб олишга сарфланади.

Хар бир истемолчининг ўз шахсий талаб ўзгариши бор. Улар шакл жихатдан бир-бирини тақрорламайди. Жами бозор талаби ёки муайян бозордаги умумий талаб эса-бу барча истемолчилар талабининг йигинидисидир. Бинобарин, жами талаб кўрсаткичи нархларнинг муайян даражасида барча истемолчилар сотиб оладиган товар миклорининг ифодаси сифатида шаклланди.

Талабнинг ўзгарувчанлиги. Нархнинг ўзгариши билан боғлик ҳолат талаб ўзгаришининг йўналишигина эмас, бу ўзгаришининг даражасини ҳам билиш мухимдир. Нархга яраша талаб ўзгариши (НТҮ) унинг кўрсаткицидир.

$$HT\bar{U} = \frac{\Delta T}{T}; \frac{\Delta H}{H}$$

бунда Т-нарх ўзгаришидан аввалги талаб, ΔТ-нарх ўзгариши натижасида талаб ўзгариши, Н-товарниң нарх ўзгаришидан аввалги пархи, ΔН-пархнинг ўзгариши.

Талабнинг камайиши-қонунга мувофиқ нарх ва талаб қарамакарши йўналишда ўзгариши сабабли, нарх ўзгарувчанлигининг миқдори ҳамиша полдан кам бўлади. Бизни эса ушбу кўрсакичнинг мутлак микдоригина қизиқтиради. Бунда учта тоифа бўлиши мумкин: 1) агар талаб нархга қараганда кўпроқ даражада содир бўлса, унда ($\bar{H}\bar{U}$)<1. Ўзгарувчалик кўрсаткичи нарх билан талабнинг мутлак ўзгаришини эмас, уларнинг нисбий ўзгаришини қиёслашига эътибор берайлик. Тилга олинган учта ҳолдан **биринчисида** талаб ўзгарувчан бўлади, **иккинчисида** талабнинг ўзгарувчанлиги бирга тенг, **учинчисида** – талаб ўзгарувчан эмас ёки қатъий бўлади.

Бир товарнинг ўзи талаб истемолчиларининг турли гурухлари учун ўзгарувчан ёки ноўзгарувчан бўлиши мумкин. Лекин шундай товарлар борки, уларга бўлган талаб ҳамиша ва аҳолининг ҳамма

түрүхлари учун амалда ноўзгарувчандир. **Биринчи** галда зарур буюмлар, хусусан озиқ-овқат маҳсулотлари яна шу хил товарлар түрухидан биридир. Агар мисол учун, нонни нархи ошса, уни камрок сотиб олмасалар керак, чунки у ғоят зарур озиқадир. Одамлар нон истеъмол қилишни камайтирмаслик учун кўпроқ бошқа товарларга қилациган харажатларни қисқартирадилар. **Иккинчи** томондан, нонга муҳтоҷлик коникишининг жисмоний чегарасига эга бўлиб, у анча тез қондирилади. Демак, нон нархининг пасайиши бу маҳсулотнинг кўпроқ истеъмол қилишига олиб келмайди.

Муайян жой ёки ижтимоий түрүх учун ағъланавий бўлган истеъмол буюмлари ҳам шундай товарлар жумласига киради, уларга бўлган талаб ҳам ўзгарувчан эмасдир. Масалан, Ўзбекистонда, түручини шундай деса бўлаци. Бу маҳсулот нархининг тушиши ҳам, ошиши ҳам уни истеъмол қилишича, десмак, унга бўлган талабда катта ўзгаришларга олиб келади.

Аммо талаб факат товарлар нархигина эмас, ҳаридорлар даромадларига ҳам боғлиқ. Даромац билан талабнинг ўзгаришлари ўтасидаги боғликларни аниқлаб берувчи кўрсаткич даромацга яраша талаб ўзгарувчанлиги (ДТЎ) деб аталади. Бу кўрсаткич куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$ДТЎ = \frac{T}{T_D} ; \frac{D}{D_D} \quad (2)$$

бунда Д-истеъмолчининг дастлабки даромади, 333Д-даромаднинг ўзгариши. ДТЎ-ноддан кўпроқ ҳам, камрок ҳам бўлиши мумкин. Бунинг сабаби даромац ҳажмининг ўзгариши турли товарларга бўлган талаб даражасида турлича акс этишади. Ҳар хил товарларга бўлган талаб даромац йўналиши бўйича бошқаларига бўлган талаб эса унга тескари йўналишда ўзгариди. Масалан, агар ҳаридор даромади ошиб борса у албатта, нархи қиммат товарларни, яъни сифатлирек товарларни кўпроқ сотиб олади. Айни чорда даромади камрок пайтда истеъмол қилган паст сифатли товарларни олмайди ёки уларга бўлган талабни мутлако рақамларда камайтиради. Даромац билан талаб бир йўналишда ўзгара борса, унда ДТЎ 0, агар тескари йўналишда ўзгарса, унда ДТЎ 0. Шундай ҳам бўлиши мумкинки, унда даромаднинг ўзгариши талабнинг ўзгаришига асло таъсир қилмайди. Унда даромадга яраша талаб ўзгарувчанлиги нолга teng бўлиши мумкин. Ана шунга боғлиқ, ҳолда талаб тегишли равишда ўзгарувчан эмас (бирга teng) ёки ўзгарувчан бўлади.

Худди нархга яраша талабнинг ўзгарувчанлигидан тавофутлар сабабларига кўра талабнинг даромац ўзгаришига акс садоси даражаси ҳам турли товарлар учун бир хил эмас.

Нархлар ва даромадларни муайян даражасида истеъмолчининг шахсий дишлари, расм-руслар, обрў-эътибор, ағъаналар ва ҳоказолар

каби омиллар ҳам бўлган шароитда товарнинг истеъмол хоссалари у ёки бу эхтиёжни кондириш имконияти ҳақиқати ахборотнинг аҳамияти анча ортади. Фирмалар ўз маҳсулотларини кўпроқ сотиш ва бозордаги улушни кўпайтириш учун фойдаланиладиган реклама талабга жиҳдий таъсир кўрсатади.

2. Таклиф ва унинг қонуни, унга таъсир қилувчи омиллар

Таклиф муайян пайтда бозорда бўлган ёки унга етказиб берилиши мумкин бўлган товарлар массаси сифатида белгиланади. Бирон бир сабабга кўра сотиш учун етказиб берилмайдиган маҳсулотни бозор ҳисобга олмайди ва у таклифга кирмайди. Мисол учун, бирон киши 5 тонна олма ҳосили олса-ю, уни сотишни учун таклиф қилолмаса, бу олма бозор таклиф қилинмаган бўлиб ҳисобланади.

Шунга эътиборни қаратмоқ зарурки, бозорда товарлар таклиф қилиш ва неъматлар ишлаб чиқариш ҳажмлари бир хил эмас. Унинг бир нечта сабаби бор. **Биринчидан**, маҳсулотнинг бир қисми сотиш учун эмас, балки ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилади. **Иккинчидан**, айтиб ўтилганидек, алмашув учун ишлаб чиқилган маҳсулотнинг ҳаммаси ҳам дарҳол сотиш учун таклиф қилиниши мумкин эмас. **Учинчидан**, бозорда ишлаб чиқаришининг натижаси бўлган товарлар (масалан, ер ва иш кучи) ҳам таклиф қилинади.

Таклифнинг ўзгариши. Сотувчиларнинг нархлар ўзгаришига қандай қарашини аниқлаши учун аниқ мисолни кўриб чиқамиз. Гўштнинг нархи жуда паст бўлса кўп сотувчилар уни етиширишга ва бозорга келтиришга кетадиган ҳаражатларни қоплай олмай қоладилар ва бундай ҳолда умуман ҳеч нарса таклиф қилмайдилар. Гўштни арzon нархга сотадиганлар эса катта даромад олмайдилар. Айнан даромад сотувчилар учун асосий интилиш қизикиш бўлганлиги сабабли бозорда гўшт кам бўлади. Ҳудди талаб каби таклифларни ҳам шахсий ва умумий таклифларга ажратиш мумкин. Аввал гўшт нархи ўзгарганда сотувчи қандай иш тутишини кўриб чиқамиз. Іккя нинг нархи 2 сўм бўлса, у 150 кг, 6 сўм бўлса 250 кг, 12 сўм бўлса 500 кг таклиф қиласди.

Демак, нарх кашча юкори бўлса, товар шунчак кўп таклиф қилинади.

Жами таклиф кўрсаткичи ҳам жами талаб кўрсаткичидек шакланади.

Мисол тариқасида яна гўшт бозорига мурожаат қиласиз. Агар 1 кг пинг нархи 2 сўм бўлганда сотувчилар сотиш учун 250 кг гўшт қўйсалар, нарх 6 сўмлигида – 500, 12 сўмлигида – 600, 18 сўмлигида – 1200, 25 сўмлигида – 200 кг қўядилар.

Таклифнинг ўзгарувчанлиги. Товар нархига кўра таклифнинг ўзгариш даражасини аниқлаш учун нархга яраша таклифнинг ўзгарувчанлиги кўрсаткичи кўлланилади.

Нархга яраша таклифнинг ўзгарувчанлиги таклиф билан нарх нисбий ўзгаришларининг бир қисмига тенгдир.

Аммо амалда бальзан нарх билан таклифнинг ўзгариши қарамакарши йўналишда содир бўлади. Сотувчиларнинг мутлоч қўпчилиги бозорда товарларининг ё битта, ё бир неча, лекин унча кўп бўлмаган турларини таклиф килади. Агар шу товарлар нархи пасайиб борса, тадбиркорнинг соғ даромади камайди. Даромаднинг камайиши сотувчими товар таклиф килишни қўпайтиришга ундаши мумкин. Унда таклифнинг ўзгарувчанлиги нолга тенг бўлади.

Ўзгарувчанлиги салбий бўлган таклифга меҳнатни таклиф килиш бир қадар мисол бўлиб хизмат килиши мумкин. Иш ҳақининг ошиши одатда ҳодимни кўп вакт давомида меҳнат қилишга раёбатлантиради. Аммо микдордан бошлаб иш ҳақининг ошиши таклиф қилишгаётган меҳнат микдорининг қўнайишита эмас, балки камайишига олиб келади. Вакт бирлиги давомида килган меҳнатига старлича катта ҳақ олаётган киши энди бу ҳақни қўпайтиришга эмас, ҳордик чиқариш учун қўшимча вакт олишга интилади. Ваҳоланки, иш ҳақининг камайиши ҳодим даромадини камайтиради ва бу билан уни кўпроқ микдорда меҳнатини таклиф килишга, яъни уни жадалрок ишелашга мажбур этади.

Нархга яраша таклифнинг ўзгарувчанлиги мутлак микдор жиҳатдан бирдан кўп, уни тенг ёки кам бўлиши мумкин. Таклифнинг ўзгарувчалиги (ТУ) I га тенг бўлганда, таклиф ўзгарувчан бўлади, таклифнинг ўзгарувчалиги 0 бўлганда-мутлақо ноўзгарувчан бўлади. Бу нархнинг ҳар қандай ўзгариши таклифнинг ҳеч қандай ўзгаришига олиб келмайди, деган маънони билдиради.

Таклифнинг ноўзгарувчалиги товарлар ишлаб чиқарни ва етказиб бериш ҳажмларини қўпайтиришда бирон бир тўсқинликлар, энг аввало табиий ресурсларнинг стилемаслиги билан боғлиқдир. Чунончи, борди-ю, дехкончилик қилишга яроқин ерлар микдори чекланган бўлса, срнинг нархи қанчалик ошмасин, унинг микдорини, яъни таклиф қилишни ошириб бўлмайди. Ер таклиф қилишининг ноўзгарувчалиги ўз навбатица унда етиширилаётган товарларни таклиф қилишининг ноўзгарувчалиги кўп жиҳатдан тақозо этади, чунки уларни ишлаб чиқаришини кенгайтириш имконияти йўқ.

Санъат асарлари ҳам таклиф қилиниши ноўзгарувчан бўлган товарлар жумласига киради. Зоро, мисол учун, Рафаэлнинг “Сикста мадоннаси” – муаллиф яратган барча асл суръатлар, ҳайкаллар, архитектура ва ҳоказолар каби дунёда яккаю ятонадир. Ана шу буюм-

лар ҳар бирини нархи қанчалик ўзгармасин, уларни таклиф қилиш кўпаймайди.

Таклифнинг ўзгарувчантиги даражаси нарх ошиши ёки пасайиши содир бўлациган мутлақ қанча давом этишга боғликлигини на зардан кочирмаслик керак. Гўшт бозори мисолига қайтадиган бўлсак, мана бундай вазияти тасаввур этиш мумкин. Кунларнинг биринда гўштга бўлган талаб кескин ўзгаради, дейлик. Гўшт шундай маҳсулотки, бир кун ичидаги уни таклиф қилиш анча кўпайиши мумкин эмас. Натижада нарх ҳатто ошганда ҳам, таклиф аслида аввалгича қоланеради. Шундай қилиб жуда киска муддат давомида товарлар таклиф қилиш ноўзгарувчандир. Борди-ю гўштга бўлган кўп талаб бир неча ой сақланиб қолса унда согувчилар таклифни кўпайтириш имкониятларини (импорт ҳисобига, молларнинг бўрдокига боқишининг жадаи усувларини кўллаши соғин чорванинг сўйиш я ва ҳоказолар орқали) топширишлари мумкин. Ниҳоят, агар гўштнинг киммат нархи бир неча йил сақлашиб қолса, уни етиширувчилар бундай аҳволга пухта мосланиб олишлари мумкин: янги фермалар курадилар, чорвачилик кўпроқ срлар ажратадилар, чорва селекциясининг бирор янги усувларини кўллайдилар ва ҳоказо. Буни анча узокроқ вақт мобайнида таклиф кўпроқ ўзгарувчан бўлишини кўрсатади.

Бирон-бир товарни ишлаб чиқаришни ва етказиб беришни кенгайтириш тўсикларга дуч келмаса, уни таклиф қилишнинг ўзгарувчанлиги бирдан каттарок бўлади.

Сотувчиларнинг нархлар ўзгаришига муносабатини кўп жиҳатдан унинг улар оладиган даромадга қаидай таъсир қилиши белгилаб беради. Шундай кўрсаткич ҳам борки, у сотувчилар даромадлари ўзгаришини товарлар талаб қилиш-даромадга яраша таклиф қилишнинг ўзгарувчалигини билан бевосита қиёслайди.

3. Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг ўзига хос хусусиятлари

Товарларга талаб қандай шакллансанса, иқтисодий ресурсларга ҳам талаб шундай шаклланади. Лекин иқтисодий ресурсларга талабнинг шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари бор. Иқтисодий ресурсларга бўлган талаб, шу ресурслардан ишлаб чиқариладиган товарга бўлган талабга боғлик. Товарга бўлган талабнинг ортиши ёки камайишига қараб шу ресурсларга талаб ортади ёки камаяди. Масалан: тўқимачилик дасгоҳига талаб кўпайса, ресурс бўлмиш металга талаб ортади.

Иқтисодий ресурсларга талабнинг ўзгарувчанлиги куйидаги оминаларга боғлик бўлади:

- **пировард махсузотта талабнинг ўзгарувчанлиги.** Айнан бир ресурсларни ишлаб чиқилган тайёр маҳсузотга талаб ўзгарувчанлиги қанча юкори бўлса, бу ресурсга нисбатан талаб шунчалик ўзгарувчан бўлади. Товарга талаб камайиб кетиши унинг нархининг ўсиши, талабнинг камайишига олиб келади, шунингдек бу товарни ишлаб чиқиш учун зарур микдордаги ресурсга талаб ҳам ўшанчалик камайди ва аксинча;

- **ресурслар муқобилисти.** Товар ишлаб чиқариш учун бир ресурс етишмаса ёки нархи ошганда унинг ўрнини боса оладиган муқобил бошқа ресурс бўлса, биринчи ресурсга бўлган талаб ўзгарувчанлиги юкори бўлади. Кўлганнилаётган ресурс ўрнига бошқа арzonрок муқобил бўлган ресурсни тўғридан-тўғри ёки ишлаб чиқариш технологиясини шаклантириш орқали қўллаш ресурслар ўрнини алмаштиришни билдиради.

Масалан: табиий ҷармдан туфли тикиш ўрнига сунъий ҷармдан туфли тикиш ёки бензин ўрнига двигателини газ ёки дизел ёқилғиси билан ишлатиш ва доказо;

- **товар ишлаб чиқишидаги умумий сарф-харажатларда ресурслар ҳиссаси.** Ресурсларга бўлган талаб ўзгарувчанини, товар ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларда ресурслар учун сарфланган харажатлар ҳиссаси қанча эканлигига боғлиқ бўлади. Товарни ишлаб чиқиш учун сарфланган умумий харажатлар таркибида айнали бир ресурсни бошқа ресурсларга нисбатан таққослаганида ҳиссаси катта бўлса, шу ресурс нархи ошиб кетганлиги, харажатларни кўпайтириб юборади ва у ресурсга бўлган талаб пасяди.

Иктисадий ресурсларга бўлган жами таклиф муайян бир даврда тамоман аниқ бўлади. Бир давр мобайнинда, айтайлик бир йилда экин майдон (E) гектарни ташкил қиласди, (A) мли. тонна нефть қазиб олинди ва ҳоказо. Ресурслар микдори маълум даражада ўзгарди. Маълумки, кўплаб табиий ресурслар чекланган бўлсада, барибир маълум даражада ўзаришлар бўлади. Янги янги конлар очилади, табиий ва сунъий муқобили, ўринбосар ресурслар вужудга келади. Дастгоҳлар, машиналар, жиҳозлар, ишлаб чиқариш бинолари ва ҳоказолар таклифи чекланган эмас, уларни талаб эҳтиёжига қараб ишлаб чиқариш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг омили сифатида ернинг микдори чекланган бўлсада, ернинг таклифи ҳам қатъий эмас, сабаб ернинг ирригация ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар билан кўпайиши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг шахсий омили сифатида иш кучи таклифи, ахолининг меҳнатга лаёқатли кисми чеклайди. Лекин у кўплаб омишиларга боғлиқ бўлиб (иш ҳаки, иш куни узунлиги, меҳнат шароити ва бошқалар) меҳнат таклифи ҳам маълум даражада чекланган бўлса-да, барин-бир у ҳар доим ўзгариб туриши мумкин.

4. Талаб ва таклиф мослиги ва бозор мувозанатининг юзага келиши

Нарх мувозанати. Бозор хўжалигида товарлар, муайян нисбатда пулга алмаштирилади. Биз, уни товарнинг нархи деб аталишини ҳам биламиз. Энди биз нархларнинг шаклланиши механизмини тушуниб олишимиз лозим бўлади.

Хар бир харидор муайян пул суммаси эвазига товарларни энг кўп микдорда олишга, яъни мумкин қадар арzon сотиб олишга интилиши хусусида ҳеч ким баҳслашиб ўтираса керак. Сотувчи ўз товарини мумкин қадар кимматга сотиш, яъни унинг учун иложи бўлганица катта пул суммасини олиш мақсадини кўяди. Шундай экан, идеал тарзда иккита нарх мавжуд. **Биринчиси** – талаб нарх. Бу шундай нархки, истеъмолчилар шу нархга товарни сотиб олишлари ва сотиб олишни исташлари мумкин. **Иккинчи** – таклиф нарх. Бу нарх сотувчиларни товарни бозорга олиб боришга рағбатлантириш учун етарли нархдир.

Бирок сотиб олиш-сотишдан иборат ҳар қандай тайин иш сутовчи билан харидор ўргасидаги битим натижаси бўлмиш битта нарх бўйича амалга оширилади. Бундан ташқари, бозор рақобатли бўлгани учун унда маҳсулот битта хилининг жуда кўп микдорида харидор ва согувчиси бўлиб, уларнинг ҳарбири унинг кичик бир улушини сотади ёки сотиб олади. Агар товарни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш шароитлари ўзгармаса, унинг нархи одатда кичик бир микёсда төбрабониб ана шу микёсда маълум даражада мавжуд бўлган микдорга етишишга интилади. Ҳар қандай бозорда ҳамиша шундай нарх бўладики, унинг асосида ҳар лахзада битишувларнинг жами ёки кўпроғи содир бўлади.

Гўштнинг баланд нархи таклифнинг кўпайишини рағбатлантиради. Аммо нарх қанча балаңд бўлса, товар шунча кам сотилади. Чунончи, бизнинг мисолимизда бир килограммнинг нархи 18 сўм бўлганда таклиф 1200 килограммни ташкил этади, шундан атиги 300 кг сотиб олинади. Колганини сотиш учун сотувчилар нархни туширишга мажбур бўладилар. Натижада уларнинг айримлари мўлжалланган даромадни ололмайдилар. Шу боис улар ё умуман бозордан кетадилар ёки ишлаб чиқаришни қисқартирадилар.

Нархнинг пасайиши аста-секунд таклифнинг қисқаршиига, ҳам талабнинг ошишига ҳам олиб келади. Агар нарх 2 сўмгача пасайса, истеъмолчилар 1500 килограмм сотиб олишга тайёрдирлар. Аммо сотувчилар булдай нархда атиги 250 килограмм таклиф киладилар.

Шундай қилиб, нарх баланд бўлганда таклиф талабдан анча юкори бўлади, паст бўлганда-талаб таклифдан ортиқ бўлади, бу ҳол нархларнинг ошишига олиб келади. Талаб, таклиф ва нархларнинг

ўзгариб туриши сотувчилар сотишига тайёр товар микдори харидорлар сотиб олишга тайёр товар микдорига тенглашгунча, яни талаб таклиф билан тенглашгунча давом этаверади. Бундай ҳолда талаб нархи таклиф нархига тенг булади, алаб ва таклиф ҳажмii эса кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам. Бозорда бундай таклиф бозор мувозанати деб, шу шароитда сотилидиган ва сотиб олинадиган товарлар ҳажми-микдор мувозанати деб, мувозанатга эришиладиган нарх эса-мувозанат нархи деб аталади.

Бозорда мувозанат баркарор ва бекарор бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда уч туркумдан (талаб, таклиф, нарх) биронтасининг мувозанат ҳолатдан четта чиқиши бошқаларининг бунга жавобан ўзгаришига сабаб бўлади, натижада бутун тизим илгариги мувозанат ҳолатига қайтади.

Масалан, у ёки бу сабабга кўра товар таклиф килиш қисқарса, талаб эса ўзгартмай колса, унда товар нархи ошади. Демак, сотувчилар кўпроқ даромад ола бошлайдигар на уларда таклифни кўпайтиришига раъбат пайдо бўладики, бу бозорда мувозанатининг тикланишига хизмат қиласди.

Талаб билан таклиф ҳажм жиҳатдан тенг – 600 килограмм, нарх эса – 1 килограмми 12 сўм бўлганда бунга эришилади.

Гап харидорлар ва сотувчилар даромадлари, товар ишлаб чиқаришига қилинган харажатлар, ўрнини босувчи товарларининг таъсири, харидорларининг афзал кўриши каби предметлар ҳакида бормокда. Ана шу предметлардан биронтаси ўзгарса, талаб ёки таклифни ёинки узиси ҳам, буниси ҳам, ўша нархлар шароитида бошқа ўзгаришлар билан тавсифланиши турган гап.

Биз сотувчилар билан харидорлар қандай иш тутатишни кўриб чиқар эканмиз, бирон бир маҳсулотга оид талаб ва таклиф ўргасидаги мувозанатга қандай эришилишини аниклайдик. У жузъий мувозанат деб аталади. Аммо товар хўжалиги кўп сочили ишлаб чиқариш омиллари ва натижалари бозорларининг ўзаро боғлиқ тизимидан иборатдир. Бугун шу тизим мувозанатдами ёки йўқми эканлиги турили товарлар нархларининг нисбати ўзгариши ёки ўзгарамаслиги билан белгиланади. Бугун 1 сўмга 2 килограмм ноп, 3 килограмм сут, 0,5 килограмм олма сотиб олиш мумкин, деб фараз қиласлик. Агар бир ой ўтгач бир сўмга сотиб олиш мумкин бўлган ушбу товарлар микдори ўша (2:3:0,5) нисбатини ташкил этса, улар нархларининг нисбати ўзгарамаган. Бирмунча вакт давомида барча товарлар нархларининг нисбати ўзгарамаса, бу ўша даврда бозорлар тизими умумий мувозанат ҳолатидадир деган маънени билдиради. Барча нархлар бир муносабатликда оширилса, бу уларнинг мутлақ ҳажмларини ўзгариради, аммо тизими илгариги мувозанатдан олиб чик-

майди. Борди-ю, турли товарлар нархларининг нисбати ўзгарса, ўза-ро боғлик бозорлар жами мувозанатсизлик ҳолатида бўлади.

Бозорнинг ишлаши ва ривожланишига талаб, таклиф, нархлар ва бошқа микдорий кўрсаткичларнинг ўзгариши орқали намоён бў-ладиган шарт-шароитларнинг жами бозор конъюнктураси деб ата-лади. У қандайdir битта кўрсаткич билан ўлчаниши мумкин эмас. Энди бу бозор ҳолатининг микдорий эмас, балки сифат тавсифидир.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Талаб – тўловга қобил эҳтиёж бўлиб, харидорларнинг маълум микдорда ва турдаги товарларни маълум нарх билан ва маълум вакт давомида сотиб олиш иштиёқини билдиради.

Якка талаби – айрим харидорларнинг ўзига хос махсус талаби бўлиб, ўзгалар талабини тақрорламайди.

Бозор талаби – кўпчилик харидорларнинг муайян товарни сотиб олишга бўлган талаби, бу талаб якка талаблар йиғинидисидан ташкил тонади.

Товарнинг нафлиги – уни истеъмол этишда харидор оладиган қониқишидир.

Умумий нафлик – маълум товарлар тўпламини истеъмол этиш келтирадиган қониқишидир.

Меъёрий нафлик – деб кўшимча равишда харид этилган товарлар келтирадиган нафликка айтилади.

Талаб қонуни – бозордаги талаб товарларнинг нархига нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаришини билдиради.

Даромад самараси – даромаднинг харид қобилиятига таъсири.

Талабнинг эластиклiği – нархнинг ўзгаришига нисбатан талабнинг ўзгариш даражаси.

Талаб қонуни – ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи манфаати-ни, фойда топиш билан бозорни тўйдириб, фаровонликни тъмин-лашни ўйғунлантиради.

Товарлар таклифи – муайян вактда бозорга чиқарилган ва келтирилиши мумкин бўлган ҳамда маълум бир нарх қўйиб сотиладиган жами товарлардир.

Таклиф қонуни – таклифнинг микдори нархга нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаришини ифодалайди.

Таклиф эластиклiği – нарх ўзгаришига нисбатан таклифнинг ўзгариш даражасидир.

Таклиф нархи – бозорда сотувчи мўлжаллаган нархдир.

Талаб нархи – харидор билдирадиган нарх.

Мувозанат нарх – сотувчи ва харидорнинг савдолашуви натижасида ҳар иккι томонга маъкул деб топилган нархдир. Нархнинг

мувозанатли булиши ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи манфаатларини уйгунлаштириб, уларниң мақсадини биректиради. Мувозанат нархлар асосида харидор пулiga яраша керакли товарларни харид эта олади, ишлаб чиқарувчилар эса чиқарган товарларини ўз вақтида сота олади.

Такрорлаш учун саволлар ва тоншириқлар

1. “Талаб” категориясига таъриф беринг.
2. Талабнинг қандай турларини биласиз?
3. Талабнинг миқдорига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
4. Талабнинг эгилувчаниги деганда нимани тушунасиз?
5. “Таклиф” категориясига таъриф беринг.
6. Таклиф қандай омиллар таъсирида ўзгариши мумкин?
7. Таклифнинг эгилувчаниги деганда нимани тушунасиз?
8. Талаб ва таклиф қолупининг моҳиятини сритиб беринг.
9. Бозор мувозанати нима эканзитини изоҳлаб беринг.

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995 й.
- Севликиаш С.Г., Отто О.Э., Тешаев Б.Т. Экономика – основа жизни общества. Т.: “Шарқ”, 1998 г.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.: “Шарқ”, 1999 г.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. 2000.

Х БОБ. МЕХНАТ БОЗОРИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

1. Мехнат бозорининг моҳияти.
2. Мехнат бозоридаги талаб ва тақлиф, улар ўртасидаги мутаносиблик.
3. Бандзлик ва бандзлик таркиби. Иш билан бандзлик назарияси.
4. Ишсизлик ва унинг келиб чиқиши сабаблари. Ишсизлик турлари.
5. Ўзбекистонда меҳнат бозорини шакллантириш, ишсизлиги бартараф этиш чора-таддирлари.

I. Мехнат бозорининг моҳияти

Бозорни олди-сотди қилинадиган обьектлар жихатидан қараганда истеъмол товарлари ва хизматлари бозори, ишлаб чиқарни восьиталари (ресурслари) бозори, меҳнат бозори, молия бозори, интеллектуал товар бозорига бўлиш мумкин.

Мехнат бозори жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ишҳоятда муҳим ва кўп қиррали соҳасидир.

Мехнат бозори бозор муносабатлари тизимининг таркибий ва ажратмас бўғини бўлиб, товарлар ва хизматлар бозори катори маълум қонуилар асосида ташкил топди, амал қиласи.

Мехнат бозори ишчи кучини олди-сотди қилиш муносабатини билдиради. Ишчи кучи инсонни меҳнат қилиш қобилияти сифатида товарга айланади, олди-сотди орқали ишлаб чиқаришининг шахсий омили бўла олади. Потенциал меҳнат қобилияти бозордан ўтиб реал-амалда ишлаётган қобилиятига айланади.

Ўзининг функцияси жихатидан меҳнат бозори ресурслар бозорига якин туради. У шахсий талабни эмас, балки ишлаб чиқариш талабини, яъни ишлаб чиқариш омилига бўлган талабни кондиради. Бинобарин, унинг функцияси ишлаб чиқаришни ўстириш билан боғлиқдир.

Мехнат бозоридаги айирбошлаш оддий товарларни айирбошлашдан икки жиҳати билан фарқланади. Оддий товарларни айирбошлаганда улар бир томоннинг мулкидан бошқа томоннинг мулкига айланади, товарларнинг эгаси ўзгаради. Ишчи кучи пулга айирбошланганда ишчи кучи унинг эгаси мулки бўлиб колаверади, лекин уни ишлатиш сотиб олувчи ихтиёрига ўтади. Ишчи кучини бозор орқали истеъмол эшиш уни эгасидан ажратиб олишни билдирамайди. Меҳнат бозорида инсоннинг ўзи эмас, балки унинг меҳнат қилиш қобилияти маълум муддатта сотилади.

Ишчи кучи канчалик бозор муюмаласига тушмасин, барибир инсоннинг қобилияти сифатида ундан ажралмайди, яъни ҳар доим индивидуал мулк бўлиб қолаверали. Одатдаги товарлар бозорида товарни амалда истеъмол этиш, уни сотиб олишдан аввал товарнинг ҳаки тўланиши шарт. Мехнат бозорида эса олди-сотди битими тузилади, холос. Ишчи кучини пулга айирбошлаш ундан кейин, яъни ишчи кучи истеъмол этилиши борасида амалга ошади. Ишчи кучи аввал истеъмол этилиб, сўнгра унинг ҳаки тўланади.

2. Мехнат бозоридаги талаб ва таклиф, улар ўртасидаги мутаносиблик

Барча бозорлардагидек, меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф конуни амал қиласди.

Мехнат бозорининг бир томонида ишчи кучи эгаси турса, иккинчисида ишчи кучига муҳтоҷ корхона, фирма туради. Мехнат бозоридаги таклиф кўрсаткичи бу мамлакатда мавжуд бўлган, бироқ меҳнатда банд бўлмаган ишсиз юрган меҳнатга лаёқатли ишчи ва хизматчи фуқароларнинг миқдори билан белгиланади.

Иккинчи томондан, ҳалк ҳўяжалигининг турли тармокларида ва соҳаларида мавжуд бўлган бўш иш жойлари меҳнатга бўлган талаб сифатида амал қиласди. Меҳнат бозорида ёлланган ишчилар ишта бўлган ўз қобилиятини таклиф қиласидар, яъни ҳак тўлашга нисбатан ўз ишчи кучларини ва малакасини таклиф этсалар, иш билан таъминловчилар эса ўз талабларини кўялдилар, харид килинган ишта бўлган қобилиятни сотиб оладилар ва унга ҳақ тўлайдилар.

Хулиас, меҳнат бозорида учта зарур бозор элементлари мавжуд: талаб, таклиф ва нарх (иш ҳаки ишчи кучини нархи ҳисобланади). Яъни меҳнат бозорида ишчи кучи ўз кийматига, баҳосига эга бўлади, уни ёллаш шартлари, жумладан иш ҳаки аникланади, меҳнат шароитлари, маълумот олиш имкониятлари белгиланади. Иш ҳаки эса меҳнатда бандлик даражаси ва ишсизлик орасидаги нисбатга боғлиқ бўлади.


Мехнатга талаб меҳнат келтирган фойдага боғлиқ бўлиб, доимо ўзгариб туради. Юкорида, меҳнатга талаб бошқа шарт-шароит ўзгармаса, талаб конунинг кўра иш ҳакига боғликлиги таъкидланади. Умуман, иш ҳаки юкори бўлса, меҳнатга талаб кискаради, агар у паст бўлса, аксинча талаб ортади. Паст иш ҳаки шароитида албагга фойда ортади. Меҳнат бозорида иш берувчилар иш ҳакини камайтиришга интилса, ишчилар уни оширишга интилади, чунки ҳар қандай товар эгаси уни яхши пуллашга ҳаракат қиласди. Аммо иш ҳаки ортган шароитда ҳам меҳнатга талаб кўпайиши мумкин, чунки иш ҳакига нисбатан меҳнат унумдорлиги тезрок ортиб бориши юз

беради. Натижада иш ҳакига кетгандын күшимиңча сарфни мәжнат унумдорлығыннан ортиши қолпайды ва ҳатто уни тәжалишигаям олиб келади.

Иш ҳаки харажатлар воситасыда фойдага таъсир этиш орқали мәжнатта талабни ўзгартыради. Қуйидаги графикдан иш ҳаки билан мәжнатта талабнинг ўзгариши ўртасидаги бояныкликтің күрамиз.

Мисол учун, графикдан күриниб турибдики, соатбай иш ҳаки 50 сүм бўлганда ишлаш учун 500 киши талаб килинган.

I-чиズма




Мәжнат арzonлашиб, соатбай ҳак 20 сўмга тушганда, мәжнатта талаб ортиб, жами 700 кишидан иборат бўлган. Йиш ҳакини кискариши мәжнатта талабни оширган. Бу талаб конунидир.


Мәжнат бозоридаги таклиф ҳам нархга нисбатан эластик бўлади, иш ҳаки ошса, мәжнат таклифи кўпаяди, камайса таклиф кискаради. Аммо мәжнатни тирик инсон таклиф этганидан, таклиф мәжнат ахлияни нимани афзал кўришига ҳам боғлиқ бўлади. Турмуш даражаси паст бўлиб, моддий муҳтожлик шароитида кўп ишлаб, кўп пул топишга интилиш устунлик қиласди. Моддий тўкинчилик ва юқори турмуш даражаси муҳайё бўлган шароитларда оз ишлаб яхши ялаш мумкин бўлганидан, кўшимиңча пул топишга нисбатан дам олиш афзал кўрилади. Натижада иш вақти қисқариб бўш вақт кўпайши мумкин. Нимани афзал кўришига қараб мәжнатнинг таклифи ўзгаради.

Чизмадан соатбай иш ҳакининг 30, 50, 70 сўм бўлишга қараб мәжнат таклифи 300, 500 ва 700 кишидан, бу мәжнат таклифининг мәжнат нархига нисбатан эластиклигини кўрсатади.

2-чизма



3-чизма



Хуллас, ҳозирги ракобат шароитида ишбилиармонлар ишчи кучидан шундай микдорда фойдаланадиларки, бунда меҳнатнинг юқори маҳсулни реал иш ҳақи билан тент бўлиши керак. Агар реал иш ҳақи хажми ошса, ишбилиармон ишчи кучига бўлган талабни кисқартиради, агар реал иш ҳақи хажми камайса, ишчи кучига бўлган талаб ортади. Агар иш ҳақи катта бўлса, унга мос равишда меҳнатнинг таклифи ҳам юқориди.

Юқоридан кўриниб турибдики, меҳнат бозорида ҳам талаб, ҳам таклиф ҳаракати бор. Улар тенглашганда мувозанат ҳосил бўлади. Бу мувозанат маълум иш ҳақи микдори даражасида пайдо бўлади. Ўзга 2-чизмаларимиздан ягона чизма ҳосил қиласиз. Чизмада талаб чизиги AB, таклиф чизиги DS билан M нуқтасида кесишган. Бу нуқта мувозанат бўлиб, талаб билан таклиф микдоран тенглашганини билдиради. Иш ҳақи 50 сўм бўлганда фирманинг 500 киши

мехнатига талаби қондирилади, иш қидирған 500 киши ишга жойлашади, демак ишчи кучининг бундан ортиғи керак бўлмайди.

Талаб ва таклиф мувозанатига иш ҳақидан ташқари бошка омиллар ҳам таъсир этади.

1. Техника тараққиёти.

Техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ошириб, ишчи кучига талабни қисқартиради.

2. Иктиносидий турғунлик ёки танглик юз берганда иш ўринилари қисқараси, меҳнатга талаб камаяди.

3. Янги технологиянинг жорий этилини малакали ишчи кучига талабни ошириб юборади.

4. Ишлаб чикариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чикариш структурасига.

Ишлаб чиқариш таркиби ўзгарса, касбларга бўлган талаб нисбатлари ҳам ўзгаради. Масалан, қишлоқ хўжалиги ишчиларига талаб қисқаргани ҳолда, саноатда, курилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги касбларга талаб ошади.

5. Меҳнатнинг мавсумийлиги.

Меҳнатга талаб мавсумий равишдаем ўзгариб туради. Масалан, йигим-терим, курорт мавсуми тугагач, иш ҳақи қанчалик пасаймасин, шу соҳадаги меҳнатга талаб ошмайди, чунки бу соҳадаги меҳнатнинг нафлиги тугалланиб, керак бўлмай қолади.

6. Шундай меҳнат турлари мавжудки, уларга маҳсус қобилият талаб қилинади. Масалан, оғир жисмоний ишни соғлом ва бақувват одам бажара олади. Санъат, аҷабиёт, фан ва ҳоказо соҳалар алоҳида истеъод талаб қилади.

7. Ишнинг кизиқарлилигига, ундан обрў топиш, кўшимча имтиёз олиш, юкори мансабга ўтириш имкони, ишсиз қолиш хавфининг йўқлиги, меҳнат шароитининг соғлом бўлишига, ишхонадан арzon кредит олиш имкони кабилар меҳнат таклифига таъсир кўрсатади.

8. Аҳоли сони, ёши ва жинсининг саломогидаги ўзгаришлар.

Масалан, аҳоли тез ўсиб, меҳнат ёшига етган аҳоли қанча кўп бўлса, меҳнат таклифиям шупча кўпаяди. Ўзбекистонда 1999 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 49,6 фоиздан иборат бўлди, бунинг натижасида меҳнат таклифиям кўп бўлди.

9. Иш билан бандликдаги тармоқ ва ҳудудий ўзгаришлар.

10. Кўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезони.

11. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви.

12. Меҳнат ресурсларини бошқарув усули.

Демак, меҳнат таклифи нарх таъсирида эластик бўлса, бошка омиллар таъсирида бу ҳолат бузилиб, таклиф ноэластик бўлиши мумкин.

Хуллас, меҳнат бозоридаги вазият, мувозанат юкоридаги омилларнинг таъсирида ўзгариб туради ва шунга мос равища меҳнатга бўлган талаб ва таклиф ҳажми аниқланади. Масалан, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб таклифдан кўпроқ бўлса, бозорга ишчи кучининг кўшимча манбаларидан таклиф этилади.

Кўшимча манбалар.

- а) меҳнат нафақасидагилар;
- б) талабалар;
- в) ўкувчилар.

Ишга жойлаш ишораларининг фаолиятлари кучайди ва тақомиллашди, бошқа ҳудудлардан кўшимча ишчи кучининг оқиб келиши рағбатланди.

Агар меҳнат бозорида ишчи кучига талаб таклифдан кам бўлса:

- а) кўшимча иш жойларини ташкил этиш;
- б) иш сменасини кўпайтириш;
- в) иш билан бандликни ноанъанавий йўлларидан фойдаланиш;
- г) бошқа ҳудудларга ортиқча ишсизларни ҳаракатини рағбатлантириш.

Агар ишчи кучига бўлган талаб, тақлиф тенг бўлса, мувозанат бўлса:

- а) ишлаб чиқариш воситаларини реконструкция ва модернизация килиш;
- б) иш вактини йўқотишларини камайтириш;
- в) меҳнатни рағбатлантириш;
- г) иш ҳақини самарали ташкил этиш заруратини тутдиради.

Бу эса иш билан бандликни самарадорлигини ошириш билан бирга макроқитисоднинг ўсиш суръатларини жадаллаштиради.

Меҳнат бозори аҳолининг меҳнатда бандлигининг асосий конуниятларини акс эттиради. Меҳнат бозори жамиятда меҳнат тақсимотини таъминлайди, ишчи кучининг ҳаракатини, ишсизликнинг миқёсини даражасини белгилайди.

3. Бандлик ва бандлик таркиби.

Иш билан бандлик назарияси

Иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсиши аҳолининг меҳнатда тўла бандлигига, ишсизлик, унинг даражаси, баҳоларнинг ўсиши, яъни инфляция ва бошқа жараёнларга узвий боёлиқ бўлиб, уларнинг ё ижобий ёки салбий таъсири остида ўзгариб туради. Шунинг учун иқтисодий барқарорликка эришиш учун энг аввало, аҳолининг меҳнатда тўла ва самарали бандлигини таъминлаш зарур.

Ўзбекистонинг бозор муносабатларига кириб келиши билан аҳоли сони, меҳнат заҳиралари ва банд бўлганлар макро кўрсаткичларида шунга мос ўзгаришлар бошлианди. Даставвал аҳоли сочининг ўсиш даражасидан банд бўлганларининг ўсиши орта қолганлигини таъкидлашимиз зарур. Бандлик таркибидан асосий ўзгаришлар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари билан боғлиқ.

1994 йилда жами корхоналарнинг 57,7 фоизи давлатта тегишли бўлмаган корхона бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич 87,7% га етди. 2001 йилда халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 76,6% дан кўпроғи иқтисодиётнинг давлатга қараши бўлмаган соҳаларида меҳнат килдилар. 2001 йилда эса банд бўлганларнинг 76,0 фоизи подавлат сектори улушига тўғри келди. Эътиборингизга кўйидаги 1-жадвални тақдим этамиз. Мазкур жадвалдан кўриниб турибдик 1993 йили халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 48% подавлат секторида иштаган бўлса, 1995 йилда уларнинг 70% мазкур секторда фаолият кўрсатди. 2001 йилда эса подавлат секторида иш билан банд бўлганлар умумий 76,0 % ни ташкил этди.

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида мулкчилик кўринишлари бўйича аҳолини меҳнатда бандлиги

	1993	1994	1995	1996	1998	2001
Иқтисодиётда бандлар – минг к.	8243,7	8150,3	8449,2	8558,3	8880,0	9136,0
Улардан						
1. Давлат секторида м.к. Улуси (фоиз исобида)	4423,7 52,0	3284,2 40,3	2860,1 30,0	2548,6 28,4	2464,0 25,8	2192,0 24,0
2. Нодавлат секторида м.к. Улуси (фоиз исобида)	3820,0 48,0	4866,1 59,7	5589,1 70,0	6009,7 71,6	6636,0 74,2	6944,0 76,0

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, иқтисодиётнинг барқарорлигига ва ўсишига таъсир этувчи оминалардан бири – бу аҳолининг меҳнатда бандлиги даражасидир.

Шу муносабат билан таъкидлан зарурки, жаҳондаги кўп кўзга кўринган иқтисодчи олимлар Адам Смит, Сэй, Маршал, Кейнс, Фридман, Самуэлсон, Оукен, Филипс, Струмилин ва бошқалар аҳолининг меҳнатда бандлиги ва ишсизлик муаммоларини ўрганиш, ишсизликни олдини олиш ҳамда уни бартираф қилиш масалаларини катта эътибор билан ўргангантар. Оқибатда классик ва кейнсча бандлик назариялари яратилган.

Классик назария тарафдорлари эркин бозор иқтисодиётида ҳаракат килувчи "кўринмас кўл" ўзича табиий равишда аҳолининг меҳнатда тўла бандлигини таъмиштайди дейдилар.

Кейнс назарияси бўйича соф капитализм учун ишсизлик хос бўлиб, ишсизликни мавжуд бўлиши табийи бир ҳоллир.

Кейнс ва кейнсча назария тарафдорлари ахолининг тўла бандлигини таъминлаш учун бозор иқтисодиёти шароитида давлат сармоялар сарфлаши зарур, деб хисоблайдилар. Дарҳакиқат 1929-1933 йилларда жаҳон иқтисодий кризисидан чиқиш учун кўп мамлакатларда, жумладан, АҚШда ҳукумат салмоқли сармоялар сарфланган, рейганомиканинг заминини ҳам ана шундай ёндошиш ташкил этган. Умуман Кейнс назарияси “Буюк депрессия” йилларида бошлаб АҚШ макроиктисодиётининг асосий назариясига айланган. Ҳозирги даврдаги макроиктисодиёт ҳам худди шу назариянинг такомилаштирилиши асосида яратилган. Кейнс назарияси макроиктисодиётининг барча соҳалири билан боғлиқ, чулки ишчи кучи макроиктисодиётнинг ҳар бир соҳасида ишлатилади.


Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек “Буюк депрессия” йиллари гача (XIX ва XX асрнинг бошларигача) бўлган классик назарияда бозор иқтисодиётини барча ресурсларни тўла (самарали) ишлата олади деб тушунилган. Баъзи ҳолатлар (урушлар, табиий оғатлар, қурғоқчилик, сув тошқинлари) тўла иш билан бандликни издан чиқаради деб хисобланган. Бирок кейинчалик бозор иқтисодиётининг тартибга солувчи механизмлари бу иқтисодий қийинчиликларни ўзузилан (автоматик тарзда) ҳал қиласи деб тушунилган.

Классик назарияга амалиётда маълум даврларда содир бўладиган, узок вактга чўзиладиган ишсизлик ва инфляциянинг мавжудлиги зиддир. Масалан, АҚШда 1924, 1927 йилларда ишлаб чиқаришнинг маълум даражада пасайганлигини классик назария асослаб бера олса да, “Буюк депрессия” йилларида ишлаб чиқаришнинг пасайиши, чукур инфляция ва ишсизликни асослаб бера олмайди. Классик назарияда ишсизликнинг йўклиги исботланса, амалиётда ишсизлик мавжуд бўлган. “Буюк депрессия” йилларида эса ишсизлар янада кўпайиб, АҚШнинг улкан ижтимоий-иктисодий ва сиёсий муаммосига айланган. Натижада иқтисодичилар классик назариянинг принциплари ва асосий жиҳатларини танқид қила бошлаганлар.

1936 йилда таникли инглиз иқтисодичи Ж. Кейнс иқтисодиётда янги, иш билан бандлик назариясини яратди. У ўзининг “Пул, процент ва иш билан бандликнинг умумий назарияси” асарида классик назарияни қаттиқ танқид қилиб унинг нотўри жиҳатларини исботлашта уриди. Шу билан макроиктисодиётдаги ишчи кучи, ишсизлик, иш билан бандлик масалаларига жавоб тошишда янги фикри илгари сурди. У ҳозирги замон иш билан бандлик иқтисодий назариясининг биринчи илмий пойдеворини яратди.

Кейнс фикрига кўра, макроиктисодий даражаша жами талаб ва тақлифнинг ўзаро монанд келмаслиги туфайли уларнинг узилиши юз

беради, уни инфляция ва ишсизлик узилиши деб айтиш мүмкін (I-чизма). Чизмадан талаб ва таклиф бир йұналишда бормагаппигини күрамиз. Талаб ҳаракати ВЕ назариядан, таклиф ҳаракати эса АД назариядан шығады. Улар Н нүктасидан кесишады.



Уларнинг мос келмаслыгидан иқтисодиётта узилиш ҳосил бўлиб, уни Кейнс ишсизлик ва инфляция узилиши деб атайди. Агар жами таклиф жами талабдан ортиб кетса, ресурслар, энг аввало, ишчи кучи тўла ишлатилмайди. Буни Н нүктадан юкори томон бошлаган пунктитирли учбуручакда кўриш мумкин.

Агар жами талаб таклифдан ортиб кетса, инфляция пайдо бўлади, яъни инфляцион узилиш келиб чиқади, уни Н нүктадан паст томондаги пунктитирли учбуручак ифодалайди. Айтилган узилишлар иқтисодий ўсишнинг бир маромца боришига йўл бермайди. Иқтисодий ўсиш АК ўрнига АО назарияниң АО<AK келиб чиқади.

Кейнс таълимотида иш билан тўла бандлик иқтисодий ўсиш учун бош масала ҳисобланади. Кейнс назариясининг яна бир энг қатъйи жиҳати шуки, у бозор иқтисодиётида иш билан тўла бандликни таъминловчи ҳеч кандай механизм йўқлигини аниқлаб беради. Макрокўламда иқтисодий мувозанатга эришиш мумкин, шунда ҳам маълум салмоқда ишсизлик ва инфляция сакланади қолиниши ишмий жиҳатдан исботланган.

4. Ишсизлик ва унинг келиб чиқиши сабаблари. Ишсизлик турлари

Жаҳон тажрибасидан кўриниб турғанидек, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси, ишсизликни ўсиши кучайди. Ишсизликни бартараф этиш, аҳоли

бандлигини ошириш муаммосини макроиктисодий тартибга солиш тизимида ҳамда иктисодий тараққий этган бозор структураси шаклланган мамлакатларнинг бутун иқтисодий сиёсатида энг асосий муаммолардан бириди.

Иқтисодий ишлаб чиқариш суст кечайётган, иктисодий тизимларни ўзгартиришинг дастлабки босқичларига ҳос кенг ва оммавий хусусийлаштириш амалга оширилаётган шароитда, малакасиз кишиларгина эмас, балки оммавий ноёб, ихтиносига эга ходимларга ҳам талаб вақтинча чекланиши туфайли улар ишсизлар тоифасига ўтиб қолиши хавфи таҳдид солған бир пайтда бу муаммонинг аҳамияти айниқса ортади.


Ваҳоланки, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек “Барқарорлаштириш сиёсати, энг аввало, бу макроиктисодиётда мувозанатни саклаш, ишлаб чиқарипнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир”¹.

Умуман, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиёт таркибий тизимининг ўзгариши, йирик корхоналарнинг тўхтаб қолиши, ҳўжалик алоқаларининг узилиб қолиши зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг ёпилиши, ортиқча ишчи кучини қисқаришига, ишсизликни кўпайишига олиб келди, аҳолини меҳнатда бандлиги даражаси пасайди, оқибатда иқтисодиёт инқирозга юз тутди, ишлаб чиқарииш кўлами ва даражаси пасайиб кетди.

Ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда иқтисодий бекарорликниң кучайиши ишлаб чиқариш тушкунлигини кескинлаштиради, бунинг натижасида эса ишсизлик ўсади.

Ишсизлик, иқтисодий бекарорликни ва тушкунликни, инқирозни янада кучайтиради (1-чизма).

1-чизма



Умуман, ишсизлик корхона маҳсулотларига талаб бўлмаганда ва корхона коньюктура ўзгаришларига мослаша олмаганда, ишларнинг мавсумий ҳолдалигидан ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши натижасида келиб чиқади. Шунингдек, бозорнинг асосий қонунияти ракобат кураши экан, албатта бунда бозорнинг талабларига жавоб берга оладиган корхоналар ривожланади, бозорни талабларига жавоб

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларин чукурлаштириш йўлида”. Т. “Ўзбекистон” 1995. 197 бет.

бера олмайдиганлари инкирозга учрайди ва натижада бу корхоналарда ишсизлик вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётiga, ишсизлик ва бандлик даражасининг пастилиги каби бир қашча ҳал қилинмаган меҳнат муаммоларининг оғир юки билан кириб келган бўлиб, Республикада мањуд ишсизликнинг илдизи, ҳалқ хўжалигини таркибий тузилишини бир томонлама ҳом ашёвий тусда шаклланишидадир.

Республикамиз иқтисодиёти кўп йиллар давомида собиқ СССР ининг ҳом ашё базаси асосий пахта стиштирувчи ва уни ҳацдан ташкарни арzon нархларда сотувчи ўлка бўлиб келди. Натижада меҳнат ресурслари ҳам ҳалқ хўжалигига самарасиз фойдаланишидади.

Республикада меҳнатга лаёкатли аҳолининг кўпчилиги ҳом ашё ишлаб чиқарувчи тармоқларда банд бўлиб, аҳолига ва ҳалқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи соҳаларда аҳоли старлича меҳнат қишлоғини сабабли, Республикасининг бир хил жойларида меҳнатга лаёкатли кишиларнинг ортиқчалигини ва айни пайтда бошқа жойларда ишчи кучини етишмаслигини келтириб чиқарди. Бу ҳолат меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишмаганингини, меҳнат ресурсларини микдорини ўсиши билан иш жойларининг сони ўртасида номуво-фиклик бўлганингини ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашувида регионал миллый-этник, демографик ва социал факторларни хисобга олинмаганингини, мугахассисларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашга старлича ётибор берилмаганингини, кўпчилик ишчиларимизни малака, касб-корлик, даражасини пастилигини кўрсатади. Буларнинг барчаси ва айниқса иттифокнинг 70 йилдан ортиқроқ қарамлик йилларида миллый кадрларга наст назар билан қарашлар, ишсизлар армиясини кўпайишига олиб келди.

Ўзбекистонга 1992 йилларнинг бошларида меҳнат бозори тушиунчаси кириб келди ва ишсизлик расман тан олинди.

Умуман ишсизлар деб кимларни айтишимиз мумкин?

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш” концептида ишсизлар куйидагича таърифланади.

16 ёндан бошлаб то иенсияга чиқиши ҳуқуқини олишгача бўлган ёнидаги, ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишга ва иш ҳаки (меҳнат царомацлари)га эга бўлмаган, ҳақиқатда иш қидираётган меҳнат қилингига, касб-кор тайёргарлигидан ўтишга тайёр шахс сифатида иш билан таъминлаши, давлат хизматларида рўйхатга олинган ва шу хизматлар мақбул келалигига ишни таклиф қилмаган, лекин меҳнатта лаёкатли шахслар ишсизлар хисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, кўпинча “банд бўлмаган аҳоли” ва “ишсизлик” тушиунчалари аралаштириб юборилади, уларнинг гўё фарқи йўқдек қаралади.

Бирок банд бўлмаган аҳоли ўзининг таркибига кўра турли хил бўлиб, уни икки томондан қараш ва икки гурухга бўлиш керак.

1. Уз ҳохишига кўра банд бўлмаслик.

2. Мажбуран (ноилож) банд бўлмаслик.

Иккинчиси ишсизлик билан бир хил деб қараса бўлади.

Шундай экан, ишсизлик қандай кўринишларда намоён бўлади?

Одатда ишсизлик яширин ва ошкора ишсизлик сифатида намоён бўлади. Иплашни хоҳласаларда иш жойлари шу даражада чекланганки, иш кидириш бефойда деб ҳисобловчи шахслар борки, бу яширин ишсизликни пайдо бўлишига олиб келади. Бу кишилар иш кидирмаганлари учун улар давлат статистикасида ишсиз сифатида рўйхатта олинмаган. Ўтиш даврида ишлаб чиқариш ишкирозга учраганингига қарамай давлат корхоналари биринчи навбатда ўз ишчиларини иш жойларини саклаб қолишга ҳаракат қилацилар ва буни натижасида яширин ишсизлик вужудга келади. Бунда ишчилар шу корхонани ишчилари бўлиб ҳисобланавсралару, лекин улар кисқартирилган иш кунида ишлайдилар ёки ҳак тўланмаган мөҳнат таътилига кетадилар.

Ишсизликнинг яширин кўринишида бўлишининг сабаблари қуидагилардан иборатdir:

- Давлат томонидан бъзи бир заرار кўриб ишловчи тармоқларни ва ишлаб чиқарувчиларни молиявий таъминлаш.

- Банкрот бўлган корхоналарга дотациялар ажратиш.

- Ортиқча ишчи кучлари мавжуд бўлган корхоналарга уларни кисқартиришта ундовчи солик тизимининг йўқлиги ёки такомиллашмаганилиги.

- Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жарабаининг секин бориши.

Бозор иктисодиёти даврида яширин ишсизликни ва ишчи кучини ортиқчалигини узок вақт мобайнида сақланиб туришига йўл кўйиб бўлмайди. Талабнинг кисқариши, корхоналар қарздорлигининг ўсиши ва кредитлар олишни чегараланганилиги ва бошка сабаблар бари бир охирида ишчиларни ишдан бўшатишга мажбур қиласди, бу эса ошкора ишсизликка олиб келади. Ўзбекистонда ҳозирда ошкора ишсизлик 0,4 фоизни ташкил қиласди.

Ишсизликнинг қуйидаги турлари мавжудdir:

1. Фрикцион ишсизлик – вақтинча ишсизлик бўлиб, иш жойини алмаштириш пайтида юз беради, эски ишдан кетиб, янги ишга ўтгунча ишсизлик юз беради.

Яъни улар иш қидираётган ишчи кучларицир. Ишсизларнинг ушбу тоифасига ўз касбини ўзгартираётган, кўчиб кетаётган кишилар, биринчи маротаба ишга кираётган ёшлар, бола бокувчи аёллар, вақтинчалик ишдан бўшатилганлари киради. Ишсизликнинг бундай

шакли исталган ижтимоий тизимда, иқтисодий ривожланишнинг исталган даражасида мавжуд, у ижгиомий хавфли ишсизлик деб ҳисобланмайди.

2. Структуравий ишсизлик иқтисодиёт, фан-техника таракқиёти жадал ривожланган сари янги ишлаб чиқаришиар, Корхоналар сифат жиҳатидан янги тармоқлар пайдо бўлиши ва айни вақтда бошқа корхоналар, тармоқлар, технологиянинг эскириши билан боғлик. Бунда доимий равища янги касблар пайдо бўлади ва илгари кент тарқалган баъзи касблар кераксизга айланади, янги касбларга талаб кучаяди ва эскиларига бўлган эҳтиёж камаяди. Булар натижасида кераксиз бўлиб қолган ишчи кучи структуравий ишсизликни ҳосил килади.

Фрикцион ва структурали ишсизликда маълум ўхшаштиклар ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Асосий фарки шундаки, фрикцион ишсизликда маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб қисқа вақтда ишчи кучини сотиш ёки иш топиш мумкин. Структурали ишсизликда ишчи кучи дарҳол ёки қисқа муддатда иш топа олмайди.

У малакасини ўзгартириши, қайта малака ошириши, маълумот олиши, касб эгаллаши лозим. Баъзи ҳолларда ҳатто яшаш жойини ўзгартиришга ҳам тўғри келади.

3. Мавсумий ишсизлик. Мавсумий ишда банд бўлганларнинг мавсум тугагач ишсиз қолиши. Бу ишсизлик кишлоқ хўжалиги, Курилиш ва курорт соҳаларига ҳос.

4. Циклик ишсизлик ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши ва ишсизларнинг пайдо бўлишидир. Ўзбекистонда (1992 йилда) ишлаб чиқаришнинг пасайиши циклик ишсизликка олиб келган эди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши, мавжуд иқтисодий алоқаларнинг кескин даражада бузилиши, Республикада шу даврда бозор структурасининг яратилмаганлиги ҳам айни қайта ишлаш саноатининг паст ривожланганлиги ва шу каби сабаблар билан боғлик ҳолда ишсизлар сони кўйлади.

Циклик ишсизлик бозорнинг энг жиддий иқтисодий ва ижтимоий муаммоларидан биридир. У барча тармоқлар, соҳалар, мінтақаларда ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг пасайиши билан бирга борадиган умумий иқтисодий тааназзулилар ва бўхронлар билан боғланган. Бундай даврларда ишлашини хоҳлайдиган ва бунга салоҳиятли кишилар ишсиз бўлишига мажбурдирлар, чунки ишлаб чиқаришнинг умумий тааназзули туфайли иичи кучи иқтисодиётга керак бўлмайди.

Циклик ишсизликда ишсизлар кескин кўпаяди. Масалан АҚШ да "Буюк депрессия" йиллари (30-йиллар) ишсизлик тахминан 25% га тенг бўлган, охириги ишлаб чиқариши пасайган йиллари (1922 й.) ишсизлик 9,7 фоизга тенг бўлган.

Ишсизликнинг ҳам ўз ўлчами бор. Бу ишсизлик даражаси деб аталади. Ишсизлик даражаси ишга лаёкатли кишиларнинг қандай кисми ишсиз қолганини билдиради ва қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$Y_k = \frac{N}{O} \cdot 100$$

Бунда Y_k – ишсизлик даражаси, N – ишсизлар сони, O – меҳнатга лаёкатли аҳоли сони.

Ишсизлик муддати кўрсаткичи ҳам бор. Бу кўрсаткич ишсизликни давомийлигини билдиради. Бу жиҳатдан киска муддатли ва узоқ муддатли ишсизлик бор. Уларнинг нисбати иқтисодий ҳолатга боғлиқ бўлади.

Хар бир мамлакат ёки давлат ўзидағи чекланган ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда максимал микдордаги товарлар ва хизматлар яратишга ҳаракат килиади. Бунга эришиш учун эса тўла бандлик ва ишлаб чиқаришни таъминлаш керак.

Тўла иш билан бандлик деганда биз бунга меҳнатга лаёкатли бўлган барча ресурслардан фойдаланишини тушунамиз. Ишчилар мажбурий ҳолда ишсиз қолмасликтари керак, меҳнат килишга лаёкатли бўлган ва меҳнат килишини хоҳловчиларнинг барчасини бандлигини таъминлаш керак, лекин бундай патижага ўз-ўзидаン эришиб бўлмайди, ишламоқчи бўлган аҳолининг 100% иш билан банд килиб бўлмайди. Шунинг учун аҳолининг маълум микдорда ишсиз бўлиши иқтисодий жиҳатдан табиий ҳол ҳисобланади. Тўла иш билан бандлик тушунчаси ишчи кучларининг 100% иш билан таъминланганлигини билдирамайди.

Фрикцион ва структуравий ишсизлик иложсиз ҳол бўлганлигини ҳисобга олсак, абсолют тўла иш билан бандликка эришиш мумкин эмаслигини тушунамиз. Агар циклик ишсизлик бўлмаса, у ҳолда тўла иш билан бандликка эришилади. Тўла иш билан бандлик давридаги ишсизлик ишсизликнинг табиий даражаси ҳисобланади. Жами миллий маҳсулотнинг реал ҳажмини, иқтисодиётда ресурслардан тўла фойдаланилгандинга ишлаб чиқарилади.

Табиий ишсизлик ёки тўла иш билан бандлик деб, иш кидираётганлар билан бўш иш жойлари тенг бўлгандаги ҳолга айтилади. Ишсизликнинг табиий ҳолати маълум даражада ижобий кўринишга эга. Агарда иш изловчиларнинг сони мавжуд вакансиялардан ошиб кетса, демак меҳнат бозори баланслашмаган бўлади, бунда жами талабининг дефицитлиги ва циклик ишсизликнинг келиб чиқсанлиги кузатилади. Бошқа бир томондан ортиқча жами талабда ишчи кучи “стишмовчилиги” келиб чиқади, яиги бўш иш жойлари микдори иш

килираётган ишчилар мүкдоридан ошиб кетацى. Бундай пайтда ишсизликнинг ҳакикий даражаси, унинг табий даражасидан паст бўлади.

Ишсизликни табий даражасини икки жиҳатини яққол кўришимиз мумкин. Биринчидан “ишсизликнинг табий даражаси” иқтисодистни ишлаб чиқариш потенциалидан тўла фойдаланаётганинги кўрсатади. Амалда ишсизлик даражаси “ишсизликнинг табий даражаси”дан кўпроқ бўлади. Камдан кам ҳолдагина ишсизлик “ишсизликнинг табий даражасидан” паст бўлади.

Иккинчидан, ишсизликнинг табий даражаси доимий бўлиб ҳисобланмайди, у институционал ўзғаришлар (жамиятнинг қолуллари ва урф-одатлардаги ўзғаришлар) кетидан қайта кўрилиши керак.

Масалан 60-йилларда кўпчилик фрикцион ва структурали ишсизликнинг минимум мүкдори, ишчи кучининг 4% ини ташкил киляди леб ҳисоблаганилар.

80-йилларда ишсизликнинг табий даражаси таҳминан 5-6% га тенг деб ҳисобланди, ҳозирги фан-техника тараққиёти жадалашган пайтда бу кўрсаткич айрим мамлакатларда 8% гача кўтарилиди.

Нима учун ҳозирги пайтда ишсизликнинг табий даражаси 60-йиллардагидан юкори?

1-дан ишчи кучининг демографик таркиби ўзгарган. Хусусан аёл ва ёшлардан иборат бўлган ишчилар орасида ишсизлар кўпчиликни ташкил этади, улар ишчи кучининг муҳим компонентларини ташкил қилмоқдадар.

2-дан институционал ўзғаришлар юзага келган. Масалан, ишсизлик учун компенсациялар дастурининг кең тарқалиши, ишсизлик учун нафақалар берилиши ишсизларга хотиржам иш излашларига имконият беради ва шу билан бирга фрикцион ишсизликни ва натижада ишсизликни умумий даражасини ўстиради.

Кўпгина иктисадчилар тарақкий этмаган мамлакатларда ишсизлик даражаси бир мунча юкори, яъни 15-20 фоизни ташкил этишини тасдиқлайдилар.

Демак, ишсизлик даражаси унинг табий даражасидан (фрикцион ва таркибий ишсизликнинг йиғиндиси) 10-13 фоизга юкоридир. Бу ҳолат бундай мамлакатларда циклик ишсизликнинг юкори даражада эканлигини кўрсатади.

Ишсизликни ҳақиқий даражасини амалиётда аниқлаш мушкул ишдир. Аввало барча аҳолини З ғурухга бўламиз. Биринчи ғурухга 16 ёшга тўлмаган ҳамда маҳсус муассасалардаги кишилар киради, масалан руҳий қасалхоналарда ёки ахлоқ тузатиш муассасаларишагилар.

Бу ғурухга ишчи кучини потенциал қисмини ташкил этмайдиган шахслар киради. Иккинчи ғурухга “ишчи кучи таркибидан чиқкан” аммо меҳнат қилиш қобилияти бўлган баъзи сабабларга кўра ишламаётган ва иш қидирмай юрган шахслар киради (Масалан уйда иш

килувчилар, нафақақүрлар). Учинчи гурұхни фаол ишчи кучи ташқил килади. Бу гурұхға мәннатта лаёқатли ва уни хохловчилар киради.

Биз іюқорида ишсизлик даражасини аниклап үсули хусусида тұхталиб үтдік. Шу үринде айтиб үтишимиз керакки, ишсизлик даражасини аниклашда құйидагиларни ҳисобға оліш зарур.

1. Кисман бандлік. Расмий статистикаларда ишсизлик даражаси аникланыстаңданда тұла иш куніда банд бұлмаганларнинг барчаси тұла бандлар категорига киритилади.

2. Иш топишдан умидини узған ишчилар.

3. Ілғон маълумот, бошқа бир томондан, ишсизлик даражаси байзы бир ишламаёттаптар ва иш қидирмаёттаң қишилар. иш қидирайпмиз деб ёлғон маълумот берішлари натижасида ўсиб кетиши мүмкін. Бу шахслар “ишчи кучи таркибидан чиққанлар” гурұхига земас, ишсизлар гурұхига киритиладилар. Бундай ёлғон маълумоттар берішларининг сабаби, ишсизлик учун берилдігін нафақалар, социал ҳимоялар үларпінг иш қидирастыганларига бояғыл бўлади. Яна қонуцларда тақиқланған мәннат фаолияти билан шуғуланастыганлар ҳам ўзларини иш қидираётган ишсизлар деб маълумот берадилар.

Умуман, булардан шундай холоса келиб чиқақи, ишсизлик даражаси тушунчаси иқтисодий сиёсатда мұхим роль ўйнасада, у маълум бир камчилікларга эга бўлади.

Ишсизлик мавжудлигини ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари мавжуд.

Шунинг учун фан ишсизликка зиддиятли ҳодиса сифатида қарайди, ҳар қандай ишсизлик ҳам иқтисодий ривожланиш учун салбий оқибатларга эга бўлавермайди. Хусусан, агар ишсизлар ишга лаёқатли бутун аҳолининг 6-7% ни ташкил этса ҳамда улар асосан фрикцион ва структуралы турларга мансуб бўлса, иқтисодиёт самарацор бўлиши мүмкін, деб ҳисобланади.

Касбни ўзгартиринш ва аҳолини қайта жойлаштириш билан шартланған ишсизлик иш билан банд қишилар учун бир қадар рағбатлаштирувчи роль ўйнайди, ишдан маҳрум бўлиб қолмаслик учун ўз касб кўнкималарини такомиллаштиришга, мәннат унумдорлигини оширишга мажбур килади, яъни улар ўртасида рақобатнинг шаклланишига олиб келади.

Лекин ишсизликнинг салбий томонлари ҳам мавжудки, у жамият учун бир қанча йўқотишларга олиб келади.

1. Ишсизлик мәннедлигидеги жамиятнинг иқтисодий потенциалидан тұла фойдаланылмайды. Банд бўлмаган ишчи кучи миллий бойлики ўстиришда қатнашмайды. Шунинг учун ҳам мамлакатда имконостылардан фойдаланылмаслик оқибатида йўқотишлар келиб чиқади.

2. Узок давом этадиган ишсизликда ишдан бўшаган ишчилар меҳнат малакасини йўқотади. Уни кейинчалик ишлаб чиқариш жарабонига жалб қилингандан ҳолдаям, ишчи нормал меҳнат унумдорлиги билан ишлаш учун маълум муддат (ярим йил) талаб қилинади.

3. Табибларнинг таъкидлашича, ишсизликкинг ўсими мислатининг соғлигини ёмонлаштиради. Чунки ишсиз киши ўзини профессионал яроқлилигини йўқотганидан азоб чекади.

4. Ишсизликни ўсими натижасида алкотол ва наркотик моддаларни сунистсемол қилиш кўпаяди, жиноятчилик ўсади, ишсизларнинг кўпайиши товламачилик, ўғрилик, безорилик, чайқовчиллик ҳолатларини келтириб чиқаради.

5. Ишсизликни салбий оқибатлари тўғрисида гап борганица, албатта иктисолий инқироз тўғрисида гапирмасдан иложи йўқ.

Булар қўйидагилардир:

- Исмеъмолчилар талабининг пасайиши.
- Жамғармаларнинг кискариши.
- Инвестиция талабининг пасайиши.
- Таклифнинг кискариши; ишлаб чиқарилсинг тушкунлиги инқирози.

Юкорида таъкидлаб ўтгаимиздек, ишсизликни нархи ишлаб чиқарилмаган маҳсулотдир. Буида ҳақиқий ЯММ потенциал ЯММдан кам бўлади.

Ишсизлик даражаси қанча юқори бўлса, ЯММ шунча орқада қолиб боради.

Макроиктисод соҳасида тақиқли америкалик тадқиқотчи А.Оукен ишсизлик даражаси ва ЯММ ҳажмини орқада қолиши, камайиши ўртасидаги ўзаро боғликлликни математик жиҳатдан кўриб чиққан.

Оукен қонунига кўра, агар ишсизликни ҳақиқий даражаси ишсизликни табиий даражасидан 1 фойз ошиб кетса, у ҳолда ЯММ 2,5 фойзга камайади. Яъни 1:2,5 ёки 2:5.

5. Узбекистонда меҳнат бозорини шакслантириш, ишсизликни бартараф этиш чора-тадбирлари

Хар қандай жамиятни иктисолий жиҳатдан ривожланиши, иктисолий ўсими таъминотлаши аҳолини иш билан бандилигига боғлиқ экан, ишсизликни олдиши олиш керак, уни кучайиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

Умуман ишсизларни иш билан таъминлагуга ҳаракат қилиш, улардан самарали фойдаланиш керак, чунки ишсизлар ҳам меҳнатга яроқли аҳолини бир қисмини ташкил этади.

Бозор иктисолистига ўтилаётган бир шароитда меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш социал-иктисолий муаммо экан,

давлат ва тегишили органдар шу ишлар билан шугулланмаса ишсизлик кўпайиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин, чунки аҳоли даромад олмаса, тобора заифлашиб боради. Иш билан тъминлаш масаласини ҳар бир корхона, ҳар бир вазирлик ихтиёрига ташлаб қўйиш тўғри келмайди, чунки уларнинг ҳаммаси ўз соҳасидагина иш олиб боради.

Жумладан Ўзбекистонда меҳнат бозорининг ташкил этилиши ва унинг амал қилиши давлат томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ишсизликни олдини олиш, ишсизликка карши курашиш Меҳнат вазирлиги олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Республикада меҳнат бозори инфраструктурасини шакллантириш бўйича бир талай ишлар амалга оширилди. Республикамизинг барча вилоятларининг шаҳар ва туманиларида давлат бащлик хизматлари ташкил этилди. Хозирда Республикада 240 дан ортик меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ фаолият кўрсатмоқда.

Иктисадиёт тармоқларида барча корхоналар ўзининг мулк шаклидан қатъи назар меҳнат муносабатларини тартибиа солишда меҳнат вазирлигининг жойчардаги муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда.

Шунингдек, ишсизликни олдини олиш, уларни иш билан тъминлаш вазифаларини бажариш учун Меҳнат Вазирлигига карашти марказ ташкил қилинган бўлиб, улар ахолини иш билан тъминлаш масалалари билан шугулланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахолини иш билан тъминлаш” қонунида кўрсатилганидек, бандлик хизмати томонидан ишсиз сифатида рўйхатга олиниши лозим бўлган аҳоли тонфаларига куйидагилар киради:

1. Илгари иш жойларига эга бўлган ва ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш жойларидан маҳрум бўлган ишсизлар.
2. Баъзи сабабларга кўра иш топа олмаётган ўкув юртларини битирувчилар.
3. Илгари ишламаганлар.
4. Меҳнат фаолиятини ўз хошишларига кўра узок муддатларга узганлар ва энди меҳнат соҳасига қайтишини хоҳлаётгандар.
5. Офицерлар ва рядовийлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар.
6. Камоқ муддатини ўтаб бўлган шахслар.

Меҳнат биржалари фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборатdir.

1. Ишсизларни рўйхатга олиш.
2. Бўш иш жойларини ҳисобга олиш.
3. Ишсизларни ишга жойлаштириш.
4. Меҳнат бозори талабини ўрганиш ва шу тўғрисида ахборот бериш.
5. Ишлани хоҳловчиларни тест синовларидан ўтказиш.

6. Ишсизларни қасб-корликка йўналтириш ва янги касбларга ўргатиш.
7. Ишсизлик нафақаларини тўлаш.

Мехнат бозорида ракобатбардоштити заиф бўлган аҳоли тоифалари учун алоҳида дифференциациялашган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш хукуматимиз меҳнат муассасалари олдида турган вазифалардан ҳисобланади.

Хозирги вактда Узбекистонда ва ҳудудларда (вилоятларда) Мехнат вазирлиги томонидан ва маҳаллий бошқарув идоралари томонидан ишсизлардан самарали фойдаланиш учун тегишли чора-тадбирлар (дастурлар) ишлаб чиқилмокда.

Умуман, хулоса килиб айтганда, меҳнат бозоридаги таълаб ва таълифи тартибга солиш учун Республикадаги ишсизликни юмшатиш ва аҳолини иш билан бандигига царажасини кўтариш омиллари, йўналишлари, чора-тадбирларига Куйидагилар киради.

1. Меҳнатга лаёқатли ёшга кираётган аҳоли бандлигини рағбатлантириш.
2. Ишсизларни қайтадан ўқитиш янги касбларга ўргатиш зарур.
3. Меҳнатни ҳар хил турларини ташвикот қилиш.
4. Қасб-корлик сифатини ошириш маҳаллий аҳоли брасида маъмали мутахассисларни кўпайтириш.
5. Дастилабки қасбий таълимни ўтиш эҳтиёжини билдирганларга имтиёзлар бериш.
6. Хусусий меҳнат фаолиятини кўллаб-кувватлаш, ўз-ўзини банд килиш, кичик ва ўрта тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиш.
7. Ҳудушларда меҳнат биржаларини ташкил килиш ва фаолият юритишини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш зарур.
8. Ҳар бир тумаң, шаҳар ва вилоятда мавжуд бўш иш жойларини апиқлаш ва уларни ишга жойлаштириш марказлари (меҳнат биржалари) га етказиш.
9. Ҳар бир жойни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш, кайта тайёрлашни йўлга кўйиш.
10. Ёш болали аёлларни қисқартирилган иш кунида ишлашларини таъминлаш.
11. Хизмат кўрсатиш соҳаларини, фермер (дехқон) хўжаликларини, якуний маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларни, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш.
12. Ишсиз юрган кишиларни ҳак тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш.
13. Хорижий на кўшни давлатлар билан ўзаро фойдали алқаблар қилиш, хорижий сармоялардан кенгроқ фойдаланиш.

15. Ишчи кучи харакатчанлигини күчайтириш, ички ва ташки миграцияни көнгайтириш.
16. Келажакда мәхнат ресурсларини ўсиш суръати билан иш жойларини ўсиш суръати ўртасидаги мувофиқликни тартибға солишини саклаш.
17. Жойларда изланишлар ва социологик сўровлар, социологик тадқиқотлар олиб бориш натижасида ахолининг талаб ва эҳтиёжларини аниклаб туриш максадга мувофиқдир.

Ушбу тадбирларни ўз вақтида жойларда амалга ошириш мәхнат бозорини тартибға келтириш ва ишсизликни бартараф этиш имконини беради.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Мәхнат бозори – жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ниҳоятда мухим ва кўп киррали соҳаси бўлиб, ишчи кучини олди-сотди килиш муносабатини билдиради. Бунда ишчи кучи инсонни мәхнат қилиши қобилияти сифатида товарга айланади, потенциал мәхнат қобилияти бозордан ўтиб реал амалда ишлайдиган қобилиятга айланади.

Ишсизлар – 16 ёшдан бошлаб то пенсияга чиқин ҳукуқини олишгача бўлагни ўзларига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ишга ва иш ҳаки (мәхнат даромадларига) эга бўлмаган, ҳакиқатда иш қидираётган, мәхнат қилишга, касб-кор тайёргарлигидан ўтишга тайёр шахс сифатида иш билан таъминлаш, давлат хизматларида рўйхатга олинган ва шу хизматлар маъбул келациган ишни таклиф килимаган, лекин мәхнатга лаёкатли шахслардир.

Яширин ишсизлар – ишласани ҳоҳласаларда иш жойлари шу даражада чекланганки, иш қидариш бефойда деб ҳисобловчи шахслардир. Ишчилар қисқартирилган иш кунида ишласалар ёки ҳак тўланимаган мәхнат таътилига кетсалар ҳам яширин ишсизлар пайдо бўлади.

Фрикцион ишсизлик – вақтинча ишсизлик бўлиб, иш жойини алмаштириш пайтида юз беради, эски ишдан кетиб, янги ишга ўтгунча ишсизлик юз беради.

Структуравий ишсизлик – иқтисодиёт, фан-техника тараккиёти жадал ривожланган сари янги ишлаб чиқаришлар, корхоналар, сифат жиҳатидан янги тармоқлар пайдо бўлиши ва айни вақтда бошқа корхоналар, тармоқлар, технологиянинг эскириши билан боғлиқдир.

Мавсумий ишсизлик – мавсумий ишда банд бўлгантарнинг мавсум тутагач ишсиз қолишидир. Бу ишсизлик қишлоқ ҳўжалиги, курилиш ва курорт соҳаларида кўпинча учрайди.

Циклик ишсизлик – ишлаб чиқаришнинг насайиши натижасида ишчи кучига бўлған талабнинг камайиши ва ишсизларнинг пайдо бўлишидир.

Такрорлаш учун саволлар ва тоншириқлар

1. Меҳнат бозорини товарлар бозоридан фарқли жиҳатлари нимадан иборат?
2. Фрикцион ва структурали ишсизликни фарқли ва ўхшашли жиҳатлари нималардан иборат?
3. Баңд бўлмаган аҳолини неча гуруҳга бўлиш мумкин?
4. Ишсизликни яширин кўринишда бўлишини сабаблари нималардан иборат?
5. Аҳолини иш билан таъминлаш қонунида ишсизликка қандай таъриф берилади?
6. Иктисолиётда циклик ишсизликни нима учун энг хавфли ишсизлик деб хисобланылади?
7. Ишсизлик даражасини аниқлашада нималарга эътибор бериш зарур? Ишсизликни табиий даражаси дегаида нимани тушунасиз ва у неча фойздан иборат бўлади?
8. Оукен қонуни моҳиятини тушунтириб берини?
9. Ишсизлигининг ижобий ва салбий томонлари нималардан иборат?
10. Ўзбекистонда меҳнат бозорини тартибга келтириш ва ишсизликни бартараф этиш чора-тадбирлари нималардан иборат?
11. Меҳнат биржаларида ишсиз сифатида рўйхатга олинниши лозим бўлган аҳоли гурухларига кимлар киради?
12. Меҳнат биржалари фаолиятини асосий йўналишлари нималардан иборат?

Адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни. Тошкент “Адолат”, 1993.
- Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. -Ўзбекистоннинг янги қонулари. 8-том. Тошкент . “Адолат”, 1994.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”. 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. Тошкент . “Ўзбекистон”, 1993.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”. 1998.

- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрға иштилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 1999 й.
- Макконнелл К.Р., Брю С.А. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Гл. 30. М. Изд. “Республика”, 1992.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Гл. 16,17. М. “Дело ЛТД”, 1993.
- Введение в рыночную экономику. Учеб. пособие (А.Н. Ливхич и др.) Гл. 13, 14. М. “Высшая школа”, 1994.
- Экономика переходного периода. Гл. 9. Изд. МГУ. 1995.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. XX боб. Тошкент. “Меҳнат”, 1995.
- Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Тошкент. “Меҳнат”, 1997. 7-боб.
- Ҳакимова М. Макроиктисодиёт. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1998. 4-боб.
- Гуломов С.С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Тошкент. “Меҳнат”. 1997.
- Абдуганиев А.А., Толаметова З.А. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. Тошкент. “Меҳнат”. 1998.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. 2000.

ХІ БОБ. БОЗОР ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА КОРХОНА (ФИРМА)

1. Корхона бозор муносабатларининг субъекти ва обьекти сифатида.
2. Корхона иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
3. Майда, кичик корхоналарининг моҳияти ва уларнинг ташкил этилиши.

1. Корхона бозор муносабатларининг субъекти ва обьекти сифатида

Иқтисодиёт доимо харакатда, ўсишда, ўзгарища бўлганлиги учун халқ хўжалиги табақаланиб, янги тармоқлар, янги минтақалар ишлаб чиқаришга кўшилиб бир бутун мажмумини ташкил этади. Кўп қирралилик ва доимий ўзгариб турувчи халқ хўжалигининг асосий бўғини бу – корхонадир. Иқтисодиёт нуктаи назаридан корхона – бу ижтимоий меҳнат тақсимотининг бошлангич нуктаси бўлиб, товар ишлаб чиқарувчи сифатида ўз ҳаражатларини коплаб, такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи халқ хўжалигининг асосий бўғиницир.

Иқтисодиётни бошқаришининг бозор усулига ўтилиши корхона-нинг иқтисодий тизимида тутган ўрни ва ролини тубдан ўзгартиради. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида корхона юқорининг, марказнинг қарорини бажарувчи, бошкарилувчи обьектдан хўжалик-даги тенг ҳуқуқий субъектга айланади.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши умуман ижти-моий тақрор ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши, алоҳида корхона-ларнинг фаолиятига боғлиқ. Халқ хўжалигини бошқаришининг маъ-мурий-бўйруқбозлиқ тизимида алоҳида кохоналар фаолиятининг на-тижаларига тегишли аҳамият берилимаган бўлса, бозор хўжалиги шароитида жамиятнинг иқтисодий фаолиятига боғлиқ бўлади. Шунинг билан бирга корхоналарнинг турли ижтимоий-иқтисодий ва таш-килий шаклларини ривожлантириш, уларга тўлиқ иқтисодий эркин-лик бериш, юкори бошқарув ташкилотлари, якка ҳокимлик таркиб-ларини тугатиш, йирик корхоналар билан бир қаторда, жуда кўп ўрта ва майда корхоналарни ташкил этиш бозорга ўтишнинг зару-рий шартидир.

Модий исъматлар ишлаб чиқариш иқтисодий муносабатлар-нинг юзага келиши ва шаклланиши умумхалқ, жамоа ва шахсий мағфаатларнинг кўшилинуви айнан корхонада амалга ошади. Корхона ишлаб чиқарувчи кучлар амал қилишининг ижтимоий шакли бўлиб, иппчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларининг кўшилишини амалга оширувчи, ижтимоий меҳнат тақсимотининг алоҳида бошлангич бўғиницир. Шунга кўра, корхона бу, биринчидан, умумиқтисодий

манфаатлардан мызум ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг кооперциялашувида ўзаро боғланган кишилар жамоаси, иккинчидан, мызум маҳсулот тайёрлашга мосланган ишлаб чиқариш воситалари мажмусидир. Корхонага, чунончи, техник ишлаб чиқариш ва техник-ташкилий бирлик ва алоҳидалик хосдир. Лекин корхонанинг ижтимоий меҳнат тақсимотининг бошқа бўйинларидан ажратиб турувчи кўзга кўринган фарқи унинг иктиносидий алоҳидалигиdir. Бу корхона ресурсларини алоҳидалиги ва унинг тўла мустакил айланиси, харажатларни ўзини маблаги ҳисобига қоплаши ва ишлаб чиқариш натижаларини тўлиқ (ёки қисман) ўзлаштириши асосида тарор ишлаб чиқариш жараёнининг якунланишида юзага чиқади.

“Иктиносидий алоҳидалик”, “иктиносидий мустакиллик ва оператив хўжалик мустакиллiği тушунчалари” корхонага писбатан ишлатилганда тенглаштирилади. Бу тушунчалар ўзаро боғликлigi билан бир вактда, улар ижтимоий муносабатларнинг турли даражаларини акс эттиради.

Иктиносидий алоҳидалик – мулкчилик муносабатига кўра юзага келиб, турли корхоналарда ишлаб чиқариш воситаларига бўлгани мулкчиликнинг чегараланишига ва ишлаб чиқарни натижаларига асосланган. Иктиносидий алоҳидалик – тўла иктиносидий ва оператив хўжалик мустакиллигини талаб қиласди.

Хўжалик субъекти имкониятларига кўра юзага келувчи иктиносидий фаолиятга таъсир кўрсатади. Бу ерда, субъектининг, турли таркибий бўйинларида ўзаро бошқариш вазифасининг тақсимланишидан, бошқарув усулида боғликлigi намоён бўлади. Иктиносидий мустакилликнинг мезони бўлиб, иктиносидий самарашорлик хизмат қиласди. Масалан, турли хўжалик ва ишлаб чиқариш бирлашималари, ўзини мустакиллиги ва ҳукуки чегараланган ҳолда унга корхоналарни тенг шароитда ҳар кайси корхоналарни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Оператив-хўжалик мустакиллiği – ҳукукий муносабатлар тушунчаси бўлиб, бу юридик конусларда ифодаланган иктиносидий мустакилликдир. У, корхона юридик шахс ҳусусиятларига эга бўлган, ўзининг низоми бўлганда, мустакил даромадлар ва харажатлар баланси, банкда ўз ҳисоби, шартномалар тузиш ҳукуки бўлганда юзага чиқади.

Иктиносидий алоҳида бўлган корхона бошқа корхоналар билан ўз муносабатларини маҳсулотларини алмашиб асосида, яъни мустакиль товар ишлаб чиқарувчи сифатида кўради. Бу дегани, биринчидан, корхона томонидан тайёрланган маҳсулот товар шаклини олади, иккинчидан, корхоналар ўртасидаги ўзаро хўжалик алоқалари бозор асосида бўлади.

2. Корхона иқтисодий фаолиятини ташкил этиши ва бошқариши

Мустақил товар ишлаб чиқарувчи сифатида корхоналар, ўз хўжалик фаолиятлариши “Корхона тўғрисидаги”, “Соликлар тўғрисидаги”, “Мулкчилик тўғрисидаги” конуналар асосида олиб борилади. Лекин, ривожланган бозорпинг йўқлиги, эскича баҳолар белгиланишипинг сақланиши, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг ўзаро алоқаларини юкоридан шакллантирилиши, корхоналар мустақиллигини юзаки қилиб кўймокда.

“Корхоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон конунида корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги хукук ва мажбуриятлари, хўжалик фаолиягини асосий қоидалари белгилаб берилган. Конунда, корхоналарнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар хўжалик юритишида тенг хукуклилиги таъкидлаб кўрсатилган.

Конунга мувоффик корхона ўз фаолиятини истеъмолчи ва мол етказиб берувчилар билан тузган шартнома асосида мустақил режалаштирачи. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган тадаб ҳисобга олинган ҳолда келажакдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишини таъминлаш, ишчиларни даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этади. Ихтиёрий ва таџлов асосида давлат буюртмасини олади, мустақил ёки воситачи ёрдамида бозор конъюктурасини шеригининг потенциал имкониятларини бозордаги баҳолар харакатини ўрганади. Ресурсларни эркин солиб олиш ўйли билан ўз ишлаб чиқаришининг моддий-техник таъминотини, капитал куришишларини амалга оширади. Маҳсулотни истеъмолчи билан келишилган ёки мустақил белгиланган баҳоларда сотади. Шунингдек, мустақил равишда ташки иқтисодий фаолияти, ўз-ўзини бошқариши ташкилий шаклини, иш хақи микдор ва тизимини, давлат бюджети билан ҳисоб-китоб қилингандан сўнг қолган соф даромадни ишлатиш йўналишларини белгилайди. Лекин, корхона, давлат ва фукаролар хукукий маидаатларини таъминлашда, шартнома мажбуриятларини бажаришда тўлиқ жаобигар ҳисобланади. Давлатнига корхонани бошқаришдаги роли тубдан ўзгарди; бозорга зид бўлган маъмурий буйруқбозлик усули, бошқариш усувлари, энг аввало солик тизими бозор инфратузилмасини шакллантириш ва шунига ўхшашиб билан алмашади. Алммо, бозор иқтисодиётининг асосий шарти бўлган эркин товар ишлаб чиқарувчиларни шакллантириш учун кагта кисм корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш зарур. Бунда давлат тасарруфидан чиқариш, факат хусусийнаштириш деб тушуниш керак эмас, давлат мулки шароитларга қараб жамоатларга, кооперативларга, хиссацорларга, чег эл фирмаларига, шунингдек, хусусий кишиларга сотилиши ёки топширилиши мумкин. Натижада, ишлаб чиқарни воситаларига ўзаро тенг хукукли бўлган турли мулк шакл-

ларининг юзага келишига шароит яратади. Давлат корхоналарни асосан халқ хўжалигининг таянч корхоналарида, транспорт, инфратузилманинг асосий тармокларида фаолият кўрсатиши мумкин. Корхоналарга давлат мулки обьектларига эгалик килиш, фойдаланиш хукуки берилган холда хўжалик юритиш учун биректирилди.

Давлат мулкини тарқатиги жараёни иқтисодиётимиз учун янги: ижара, акционерлик, оилавий, кўшма корхоналар, концернлар шаклларини юзага келишига шароит яратади

Ижара корхона – мол-мulkни шартнома асосида маълум тўлов эвазига маълум муддатга фойдаланиш учун ёллаш орқали ташкил этилган корхона шаклидир. Ижара ҳаки мулк эгаси мол-мulkнинг кийматига ва келтирадиган даромадга боғлиқ бўлиб, ўзаро келишувга асосан белгиланади,

Ривожланган мамлакатларда ер, уй-жой, савдо, саноат бинолари, саноат ва савдо корхоналарини ижарага бериш ва олиш кенг тарқалган. "Корхона тўғрисида" Ўзбекистон қонунига мувофиқ корхоналар, бошқа корхоналар ва ташкилотларга бино, курилиш, транспорт воситалари, инвентарлар, ҳом ашё ва бошқа маддий бойликларни вактинча ижарага бериш хукукларига эта. Ҳозир халқ хўжалигининг тури соҳаларида ижара корхоналарининг янги шакллари пайдо бўлмоқда.

Мехнат жамоалари, шунингдек, айрим цех ва бригадалар ўз корхонасининг маъмурияти ёки юқори ташкилот билан шартнома тузиб, асосий ишлаб чиқариш ва ишишлаб чиқариш фондларини, айланма маблағларни маълум муддатта, кўпинча 10-15 йилгача ижарага олишмоқда. Бунда ижарага олган жамоа улардан самарали фойдаланиш, меъёрдаги ишчи ҳолатида саклаб туриш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фондларнинг ўсиш суръатини ошириш мажбуриятини олади. Ижара ҳаки ижарага берувчи корхона жамоаси даромадининг бир кисми ҳисобланиб, шартнома асосида корхонанинг ривожланиш истиқболини ҳисобга олган холда ўрнатилди. Ўзбекистонда ижара муносабатлари 80-йилларнинг охирларига келиб асосан қишлоқ хўжалигида ижара пуррати шаклида ривожлана бошлади.

Акционерлик корхона – турли ёки айрим корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар маблағларини шерикчилик асосида ва соҳибкорлик максадида бирлаштирган корхона ёки жамиятидир. Акция эгалари – ҳиссадорлар дивиденд шаклида даромад оладилар.

Ҳозирги шароитда кўп мамлакатларда акционерлик корхоналари, жамиятлар эркин капиталларни марказлаштириш шакли на шу билан бир қаторда ахоли кенг қатламининг жамгармаларини сафарбар этиш, уларни капиталга айлантириш воситаси ҳамдир. Бунда айрим акциялар чиқариш, ҳиссадорлик жамияtlарида иш ҳаки ва

мукофотининг бир қисми ишчиларга корхона акцияси билан тўлаш сифатида тақсимлаш ҳам амалга оширилади.

Кўшма корхона – республикада чет элликлар иштирокида ўзаро маnфаатдорлик асосида қуриб ишга туширилган корхонадир. Кўшма корхоналар давлатлар, хукуматларап шартномалар асосида ташкил этилиб, ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш, фантехника, хизмат ва хўжалик фаолиятини амалга оширадилар. Улар саноатда, қишлоқ хўжалиги, курилиш, транспорт, савдо, фан ва ҳалқ хўжалигини бошқа соҳаларида таркиб топиши мумкин. Ҳозир Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва туманларида чет давлатлар билан ҳамкорликда кўплаб кўшма корхоналар курилмоқда.

Кўшма ёки ўзаро ҳамкор корхоналарнинг иштирокчилари биз ёки улар томонидан юридик хукукка эга бўлган бир ва бир неча томонлар бўлиши мумкин. Ҳозир ташкил этилган шерикчилик асосидаги корхоналар, асосан чет эл техникиаси ва технологияси билан бизнинг ҳом ашё ва ишчи кучимизни бирлаштириш асосида курилмоқда. Кўшма корхоналарнинг олий орган иштирокчилари томонидан тайёрланган кенгаш хисобланади. Корхона ўзининг мустакил ҳисоб балансига эга бўлиб, ўзини ўзи маблағ билан тъминлаш асосида иш юритади.

Иштирокчиларнинг бандлик тўлови ҳисобига молиявий фонд яратади ва иш бошлайди. Кўшма корхоналарни қуриш ва уларнинг доирасида кенгайтириб бориш биз учун иқтисодиётни ривожлантириши жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозир бутун жаҳонда импорт қилишдан ҳоли бўлған мамлакатлар бармоқ билан саналарлидир. Ҳатто Франция ва Англия каби илғор мамлакатлар қайта ишлаш саноати маҳсулотининг босидан бир, Италияда тўртдан бир, ГФРда учдан бир қисми чет эл инвестицияси ҳисобига олади. АҚШда кейинги йилларда кўплаб Япония, Англия, ГФР ва бошқа чет эл корхоналари, компаниялари ва банклари ишга туши. Чет эл инвестициясидан кенг фойдаланган мамлакатлар, масалан, Бразилия, Хиндистон, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа шуларга ўхшаган давлатлар ҳозирги кунда индустрлашган гарб компаниялари билан рақобатга қобилиятли бўлиб майдонга чиқдилар ва чет элларда ўз корхоналарини қуриб шуҳрат қозона бошлидилар.

Концерн – йирик, кўп тармоқли уюшма бўлиб, унинг таркибига саноат, транспорт, савдо, банк соҳасидаги корхоналар кириши мумкин. Ҳозирги кунда концернга дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида жойлашган ўнлаб ва юзлаб корхоналар киради. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан моддий ишлаб чиқариш билан боелик бўлган тармоқ вазирликлари ўртасида йирик концернлар ташкил этилмоқда.

4. Майдада, кичик корхоналарнинг можияти ва уларнинг ташкил этилиши

Майдада корхоналарни ҳам давлат, ҳам кооператив ва фуқаролар хусусий мулк асосида қуриб ишга тушириши мумкин. Майдада корхоналар икки жиҳатдан: биринчидан, ишлайдиганлар сони; иккинчидан, сотиладиган маҳсулот ҳажми (ёки муомала миқдори) билан ажратиб туради. Саноат ва қурилишда майдада корхоналарда ишлайдиганларнинг сони 20 кишидан, сотиладиган йиллик маҳсулот ҳажми 10 миллион сўмдан ошмаслиги лозим. Маҳаллий саноат ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш соҳаларида ишловчилар сони 25 киши, маҳсулот (хизмат) сотиш ҳажми 1 миллион сўмгача рухсат этилади. Бошқа тармоқларда ишловчиларнинг сони 50 кишидан, маҳсулот реализацияси ҳажми эса йилига 5 миллион сўмгача бўлган корхоналар майдада корхоналар ҳисобланади. Чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ундан ҳам кичикроқ корхоналар ташкил этилиши мумкин.

Майдада корхоналарга эътибор бозор мұхитини ва умуман бозор муносабатларини шакилантиришда мұхим аҳамиятта эга. Шуни таъкидлаш лозимки, майдада кохоналарни ривожлантиришда республика-миз ривожланган мамлакатлардан анча орқада колиб кетган. Ўтган даврда, улкан дабдабозлилка берилди, бир неча сменада ишлайдиган йирик фабрика ва заводлар қуришга зўр берилди. Ҳозирги кунда бозор конъюктурасига тез мослашадиган майдада корхоналарнинг сони АҚШда 20 миллион, Японияда 9 миллионга, Ҳиндистонда 12 млн.га стди. АҚШда масалан, 20 тагача ишчиси бўлган корхоналарнинг сони 3 млн.дан ортикрок бўлиб, улар мамлакат ялпи миллий даромадининг 20%ни бермокда. Бу ерда 1,5 млн. чакана савдо корхоналарнинг 80%да 20 тагача киши меҳнат қиласи. Кичик корхоналар бошқа мамлакатларда бирон бир оила капитали ва аъзоларидан иборатдир. Шунинг учун ҳам уларда майдада корхоналар оидати хусусий бизнес обьектидир.

Кичик корхоналар нафакат бозор конъюктурасига нисбатан ҳаракатчан ва эпчил, шу билан бирга улар янги технологияларни тез қабул килиб олишга кодир. Уларни ташкил этиш нисбатан осон бўлиб, кулагилги шундаки, улар нархлар сиёсатида бозор механизмида, солик тизимида эса матлум имтиёзларга асосланган. Германияда, масалан, бир йилда олациган фойдаси 3 млн. маркадан ошмайдиган майдада соҳибкорлик учун солик ставкаси йирик фирмаларга нисбатан 50% пастдир. Агар йиллик фойда ҳажми 3-5 млн. марка бўлса, унда йирик фирмаларга нисбатан 30% камроқ солик ундирилади.

Республикамизда кичик корхоналарни вужудга келтирим алоҳида аҳамиятга эга. У биринчидан, меҳнатта лаёкатли аҳолини, айниқса қишлоқ жойлардаги иинисизларни иш билан таъминлашда мухим рол ўйнайди. Саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларда янги иш жойлари ўсишининг ярмидан кўпроғи ана шу корхона ҳиссасига тўғри келаётганини таъкидлашнинг ўзи кифоя. Иккинчидан, тез бузиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда шу хилдаги корхоналар жуда кўл келади. Учинчидан, бозорни ҳалқ истеъмоли моллари билан таъминлашда, умумий овқатланиш тизимиши кенгайтириши ва улар ишининг сифатини яхшилашда майда корхоналарининг роли бекиёсdir. Ўзбекистонда майда корхоналарни ривожлантиришига етарли даражада аҳамият берилмай, 100 кишигача ишчи ишлайдиган саноат корхоналарининг сони 300 тача атрофида. Бонка тармоқларда ҳам аҳвол бундан яхши эмаслиги кўриниб турибди. Шу билан бирга мавжуд маъмурий бошқариш тузилмаси уларнинг ривожланишига, фаолият самарасига салбий таъсир кўрсатиб келди. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон майда корхоналарни ривожлантириш икки йўлдан бориши лозим, биринчидан, ҳалқ хўжалигининг барча тармоқлариша уларни ташкил этишини бутун чоралар билан ривожлантириши зарур. Қанча майда корхона зарурлиги хусусида аниқ бир сонни айтиш ки-йин, лекин бозор қанчани талааб қиласа шунча корхона бўлиши кепрак. Ўзбекистон шароити минглаб кичик корхоналар ташкил этишини талааб қиради. Бунинг учун, уларга маълум имтиёзлар жорий этиши, майда соҳибкорликка давлат томонидан ёрдамни кучайтириш мухим аҳамиятга эга. Масалан, қурилишга, таъмирлашга, техника ва технологияни янтилашга сарфлайдиган майда корхоналар фойдасидан солиқ ундириласлик, эскирган асбоб-ускуналарни тиклаш учун амортизация нормасини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган ҳалқ истеъмоли моллари, қурилиши материаллари ишлаб чиқарадиган ва таъмирлаш-қурилиш ишларини бажарадагин майда корхоналар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида бутуилай даромад солигидан озод килип. Кичик корхоналар ривожланиши учун олдин имтиёзли шароит яратиб, кейин эса улардан майда корхоналар фойдасидан ундириладиган соликкенинг ярми маҳаллий бюджетлар харажати учун ишлатилади. Иккинчидан, Ўзбекистондаги мавжуд майда корхоналарининг келгусида қайси мулк, давлат кооператив ёки фукаролар хусусай мулки асосида ривожлантириши зарурлиги масаласини жадал ҳал этиши зарур. Гап шундаки, уларнинг давлат монополиясида бўлиши юкори ишлаб чиқариш самарацорлигини таъминламаяпти. Шунинг учун ҳам бир хил корхоналарни, айниқса аҳолига хизмат кўрсатиш, қишиларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлик

шундай корхона ва ташкилотларни жамоаларга ва хусусий кишиларга тоғишириш мухим масаладир. Биргина маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида 15 минг атрофида турли майдада устахоналар мавжуд. Матлубот жамияти тизимида 12 мингдан ошиқроқ умумий овқатланиш корхоналари бор. Улардан 10 мингтасининг ҳар бирида 5 тадан одам ишлайди. Савдо вазирлигида 5 мингтага яқин умумий овқатланиш корхонаси мавжуд бўлиб, шулардан ҳар бирида 5-10 киши ишлайди. Ана шу корхоналарнинг ҳаммасини давлат тасарруфидан чиқариб, меҳнат жамоаларига хусусий сохибкорликка сотилиши мақсадга мувофиқдир. Бу тадбир яхши маҳсулот ва яхши хизмат учун ракобатга шарт-шароит яратади. Рақобат ҳам давлат корхоналари билан, ҳам ўзаро майдада корхоналар ўртасида бўлиб, охир оқибатда улардаги қағта имкониятлардан унумли фойдаланиш имконини беради. Майдада корхоналарни ривожлантиришида яна бир мухим муаммо, у ҳам бўлса, уларни иш фаолиятларига мувофиқлантириб, бошқариб туриш масаласи. АҚШда ҳукумат ҳузуридаги майдада бизнес маъмурияти иш кўради. Унинг биргина марказий маҳкамасида мингдан ортиқ кишилар ишлайди, мамлакат бўйича фаолият кўрсагади. Бизда ҳам, масалан, маҳаллий саноат вазирлиги негизида ана шундай тармоқлар органи тузилиши бу ишни янада ривожлантириш, уни малакали бошқариш имкониятини берар эди.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Корхона – бу ижтимоий меҳнат тақсимотининг бошланғич нүктаси бўлиб, товар ишлаб чиқарувчи сифатида ўз харажатларини коилаб, тақрор ишлаб чиқаришини таъминловчи сифатида ҳалқ хўжалигининг асосий бўғинидир.

Ижара корхона – мол-мулкни шартнома асосида маълум тўлов эвазига маълум муддатга фойдаланиш учун ёлиш орқали ташкил этилган корхона шаклидир.

Концерн – йирик, кўп тармоқли уюшма бўлиб, унинг таркибига саноат, транспорт, савдо, банк соҳасидаги корхоналар кириши мумкин. Ҳозирги кунда концернга дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида жойлашган ўнлаб ва юзлаб корхоналар киради.

Акционерлик корхона – турли ёки айрим корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар маблагларини шерикчилик асосида ва сохибкорлик мақсадида бирлаштирган корхона ёки жамиятдир. Акция эгалари – хиссадорлар дивиденд шаклида даромад оладилар.

Кўшима корхона – Республика ичкарисида ташки миллатлар иштирокида ўзаро манфаатдорлик асосида куриб ишга туширилган корхонадир.

Якка эгалик – бу бир кишининг мулкига асосланган корхонадир.

Ширкат – бу икки ва ундан ортиқ кишиларниң мулкига асосланган корхонадир.

Корпорация – бу аъзоларниң ўёки бу манфаатларниң ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган акционерлик жамиятининг шаклидир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Корхона деб нимага айтилади?
2. Корхоналарниң қандай турлари бор ва улардан қайси бири кенг тарқалган ва нима учун шундай?
3. Якка тартибдаги (оилавий) хусусий корхоналарниң афзалликлари ҳамда камчиликлари нимадан иборат.
4. Ижара корхонани мазмунини тушунтириб беринг.
5. Акцияли корхона (жамият) деб нимага айтилади.
6. Акция нимани билдиради? Акция курси-чи?
7. Қўшма корхоналарниң фаолиятини тушунтириб беринг?
8. Концерн деб нимага айтилади?
9. Майдо корхона деб нимага айтилали ҳамда унинг йирик корхона олдидаги афзалликларини тушунтириб беринг?
10. Ўзбекистонда юқорида кўрсатилган корхона турларини ривожлантириш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Адабиётлар

- “Корхона тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари. -Т.: “Адолат”, 1991.
- “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрга бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 9 апрель 1998 й.
- Ўзбекистон Республикаси “Давлат томонидан кичик бизнесни кўллаб-кувватлаш борасидаги дастур”. Т.: “Адолат”, 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. -Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.

- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: "Ўзбекистон". 1998.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрға интилмокда. – Т.: "Ўзбекистон", 1999 й.
- Маккониел К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. -М.: Республика, 1992.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. -М.: Дело ЛТД., 1993.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Меҳнат, 1995
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. 2000.

ХII БОБ. ТАДБИРКОРЛИК, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ

1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва унинг бош мақсади.
2. Тадбиркорлик тамоилилари ва қоидалари.
3. Тадбиркорликнинг асосий турлари.

1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва унинг бош мақсади

Бозор иқтисодиётини тадбиркорликсиз тасаввур этиш ва унинг аҳамиятига старли даражада баҳо бермаслик мумкин эмас. Ҳўш, тадбиркорликнинг ўзи нима? «*Тадбиркорлик – янги имкониятларни доимо қидириб топишига ва инновацияга йўналтирилган ҳамда турли маъба ресурсларини жалб этиши ва фойдаланиши маҳоратига асосланган, ҳўжалик юритишнинг маъмурий – бирократик тизимга энд бўлган ижодий услугуб ҳисобланади*». Юкоридаги фикрдан кўриниб турибдики, тадбиркорлик кишиларнинг шахсий ташаббусларига, имкониятларига ва моддий-пул маблағларига асосланади. Тадбиркорлик бозор иқтисодиёти устувор бўлиган барча мамлакатларда ривожланган. Тадбиркорлик турли давлатларда шакл ва мазмуни жиҳатидан бир хил кўринсада, моҳиятан бир-биридан оз бўлсада фарқ килади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида тадбиркорликнинг класик модели. Фарангистонда давлат томонидан тартибланувчи, Олмонияда ижтимоий йўналтирилган ва Японияда эса корпоратив кўринишни турлари ривожланган. Тадбиркорликнинг турли-туманлигига қарамасдан, у ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда социализмдан мерос бўлиб қолган бокимандалик кайфиятини йўқотади. Иқтисодий ташаббус, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш ва ривожлантиришда устивор аҳамиятга эга бўлали. Тадбиркорлик кишиларни иқтисодий эркинликка ўргатади. Уларга ҳўжалик фаолияти турини мустақил танлаш имкониятини ўргатади.

Ўзбекистонда тадбиркорлик мустаҳкам ҳукукий асосга эга. Тадбиркорлик тўғрисида конун ва уни қўллаб-куватлаш борасида норматив ҳужжатлар қабул қилинди ва улар амалда самарали ишламоқда. Мазкур ҳужжатларда тадбиркорларга ўз мол-мулкидан фойдаланиш эркинлиги, маҳсулотларни таҳсиллаш мустақиллиги, ҳукукий тенглик, ихтиёрий ишга жойлаш, чекланмаган даромад олиш имкони кафолатланиши таъкидланади. Бундай конунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликнинг бир маромда ривожданишига сабаб бўлади. Масалан: тоталитар иқтисоддан бозор иқтисодига ўтиш даврининг дастлабки босқичида савдо-сотик, майший хизмат соҳасидаги тадбиркорлик ривожланган

бўлса, кейинги боскичда эса ишлаб чиқариш, инновация соҳасидаги тадбиркорлик устивор ривожланмокда.

Демак, тадбиркорлар учун давлат томонидан қулай ижтимоий ва иктиносидий мухитнинг яратилиши улар фаолият соҳасининг кенгайишига ва бойиб боришига сабаб бўлмоқда.

Бозор иктиносидиётида мулкчилик шаклларининг турли-туманлиги боис, тадбиркорликнинг турлари ҳам ҳар хил бўлади. Уларни хусусий фаолият билан чеклаб бўлмайди. **Хусусий тадбиркорлик** билан бир каторда **жамоа, индивидуал-онлавий**, давлат, аралаш (кўшма) тадбиркорликлар ҳам бўлади. Иктиносидёт келажаги тадбиркорнинг ўз кўлида бўлади. Бунда ишбилармонлик фаолияти шахсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланади. Тадбиркорлар оила фаровонлигини ўз меҳнати билан таъминлайдилар, ишбилармонлиги билан эл оғзиға тушадилар. Буларнинг ҳаммаси тадбиркорликнинг ижодий фаолиятга айланishiга сабаб бўлади. Тадбиркорлик фаоллашмаса иктиносидий ўсиш ҳам юз бермайди.

2. Тадбиркорлик тамойиллари ва қоидалари

Тадбиркорлик аниқ мақсадга қаратилган ижодий фаолият хисобланади. Шу боис у иктиносидий муносабат сифатида ўзининг тамойилларига ва қоидаларига эга бўлади.

Тадбиркорлик тамойиллари қўйидагилар:

1. Ишлаб чиқариш омилларининг барчасига ёки баъзи бирларига ва яратилган товарларга эгалик қилиш.
2. Иктиносидий эркинлакка эга бўлиши.
3. Ишлаб чиқарища масъулиятни ва таваккалчиликни ўз зиммасига олиши.
4. Фойдага эга бўлиш ва ишлатиш.
5. Тажорат сирига эга бўлиш.
6. Рақобат курашида фаол иштирок этиши ва ўзининг туркираб яшнашига интилиш.
7. Ҳалоллик билан иш юритиш.

Тадбиркорлик деганда, унинг шаклларидан фарқ қилувчи замонавий турлари, яъни маданийлашган шакллари тушунилади. Тадбиркорлик янгиликни жорий эта оладиган, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланиш, иктиносидий ўсишни таъминлайдиган, ўзининг ва ўз жамиятипинг бойшитини оширадиган, кишиларнинг фаровошлигига ҳисса кўша оладиган бўлиши зарур. Шу боис, тадбиркорлик иктиносидий муносабат сифатида ўзининг муайян қоидаларига амал қилиши зарур. Улардан энг мухими, ҳалоллик билан қонуний фаолияг юритишdir. Мазкур қоида Ислом таълимотида қўлланилиши шарт бўлган қоида деб тушунилади. Аллоҳ Куръони

Каримда бандаларниң: «Ҳалол ва покиза нафақа енглар ва солиҳ ишларни амалга оширинглар», деб буюрган. Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо Сашюллоху алайхи вассаллам: «Ҳалол нафақа ҳар бир мусулмон учун фарздор» деб айтгандар. Тадбиркорлар ҳам юкоридаги қоидаларға сүзсиз риоя қилишари шарт, ҳалоллик уларға обрў ва мўмай даромад келтиради.

3. Тадбиркорликнинг асосий турлари

Юкорида айтиб ўтилганидак, мулк шаклларининг турли-туманлиги ўз павбатида тадбиркорлик фаолиятйининг ҳам турли шаклларда олиб борилишига сабаб бўлади. Тадбиркорликнинг жаҳон амалиётида синалган кўйидаги турлари мавжуд:

- а) хусусий тадбиркорлик;
- б) жамоа тадбиркорлиги;
- в) инцивидуал-оилавий тадбиркорлик;
- г) давлат тадбиркорлиги;
- д) аралаш (кўшма) тадбиркорлик.

Тадбиркорлик турли мулк шаклларининг оқилона уйғулигига таяниши ҳам мумкин. Масалан, акционерлик жамияти доирасидаги тадбиркорликда жамоа, давлат ва хорижий капитал қатнашуви мумкин. Тадбиркорлик корхонадан (фирмадан) бошланади. Ишлаб чиқариш омиллари корхонада бирикib, бу ерда меҳнат жараёни юз беради, жамиятнинг талаб-эҳтиёжини қондиришга қаратилган моддий маҳсулотлар ва хизматлар яратилади. Корхонанинг меҳнат тақсимотига ўз ўрнига эгалиги унинг эгаси томонидан мустакил тасарруф этилиши ва мустакил иш юритиши унинг иктиносидий эркинлигини таъминлайди.

Ўзбекистон бозор иктисодиётнiga ўтиш даврида корхоналар эркинлик даражасига қараб уч тоифага бўлинади: давлат буюртмаси сакланган корхона, ҳам буюртма ва ҳам бозорга ишловчи корхона ва фақат бозорга ишловчи корхона. Корхонанинг учинчи тури хақиқий мустакил ҳисобланади.

Корхоналарнинг мулкий мақоми ва хўжалик юритиш услублари ҳам ҳар хил бўлади.

Уларнинг асосий турлари куйидагича:

- а) хусусий фирмалар;
- б) масъулияти чекланган жамоа (жамият) фирмалар;
- в) масъулияти чекланмаган фирмалар;
- г) давлат корхоналари (фирмалари);
- д) аралаш корхоналар;
- ж) корхоналар бирлашмаси (консорциум);
- з) фирма шохобчалари.

Корхоналар қайси турға мансуб бўлмасинлар, мустакил иктиносидий субъект ҳисобланади, лекин улар бозор орқали бир-бiri билан доимо алоқада бўлади.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Тадбиркор – бу иктиносидий ресурслар: ишлаб чиқариш восита-лари ва ишчи кучи ресурслариининг, табиий ресурсларииниг бир-бiriга кўшилишини таъминлайдиган ташкилотчи, янтиликка интилувчи ташаббускор, иктиносидий ва бошқа хавф-хатардан, жавобгарликдан кўркмайдиган довюрак кишиларга айтилами; хислатлар эса тадбиркорлик қобилияти деб юритилади.

Тадбиркорлик фаолияти – фойда олиш мақсадида таҳлика (таваккалчилик) билан ҳамда мулкий жавобгарлик асосида на амалдаги қонунлар доирасида ўз ташаббуси билан амалга ошириладиган иктиносидий фаолиятдири.

Давлат тадбиркорлиги – товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича давлат корхоналарининг тижорат ва нотижорат асосидаги фаолияти.

Кичик бизнес – бу тадбиркорлик фаолияти шаклларидан бири. Кичик бизнесда капитал факат биринчи даражали соҳаларга сарфланади, иктиносидиётниң ривожланишига таъсир этади. Саноат ва курилиш соҳасида янги ташкил этилган ва амал килаётган корхоналар киради.

Жамоа тадбиркорлиги – бу тадбиркорлик алоҳида шакли бўлиб, жамоа мулкига асосланади ва жамоа аъзоларининг унинг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этишини тақозо қиласди.

Хусусий тадбиркорлик – бу алоҳида шахс ёки корхона томонидан хусусий гашаббус асосида ташкил қилинади. Тадбиркорликниң бу шаклида мулк ва ишлаб чиқариш патижалари хусусий шахсларга тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёланма меҳнатига асосланади.

Шахсий тадбиркорлик – бу шахсий мулкка асосланган ишлаб чиқаришни ташкил қилиб, у ўзи ёки оила аъзолари меҳнатига таянади.

Такорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Тадбиркорлик фаолиятига таъриф беринг. “Тадбиркор”, “мулкдор” тушунчаларини изоҳланг.
2. Тадбиркорлик фаолиятининг мақсади нима ва үни тушунтириб беринг.
3. Тадбиркорликниң вазифаларини санаб кўрсатинг. Нима учун тадбиркор таҳлика, таваккалчилик билан фаолият кўрсатади?

4. Таџбиркорликнинг ривожланиш шароитлари нималардан иборат?
5. Таџбиркорликнинг шакларини ва уларнинг хусусиятларини кўрсатинг?
6. Ҳиссадорлик жамиятига таъриф беринг. Акция нима, акция курси қандай аниқланади? Акция курсига таъсирир қилувчи омилларни кўрсатинг.
7. Таџбиркорлик тамойиллари ва қоидалари нималардан иборат?
8. Таџбиркорликнинг асосий турларини кўрсатиб беринг.

Адабиётлар

- “Таџбиркорлик тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистонининг янги қонуулари. 2-том. Тошкент, “Адолат”, 1991.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Т.: 1995-1999 йй.
- Ўзбекистон Республикаси Қонун ва фармонлар тўплами. Т.: “Ўзбекистон”, 1995-1999 йй.
- “Хусусий таџбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янача рағбатлантириш чора-таџбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, Т. 9 апрель, 1998 й. Меъёрий ҳужжатлар тўплами.
- Ўзбекистон Республикаси “Давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш борасидаги дастур”. Т. 1995, Меъёрий ҳужжатлар тўплами.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иктисадий ислохотларни чукурлаштириш йўлида. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ханфисизликка тахлид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999 й.
- Власова В. Основа предпринимательской деятельности. М.: Финансы и статистика., 1997.
- Маккошел К.Р., Брю С. Экономикс. – М.: Республика, 1992.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Перевод с английского. – М.: Дело ЛТД, 1993.
- Чжэн В.А. Система поддержки предпринимательства в Узбекистане.-Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
- Чжэн В.А. Развитие малого и частного бизнеса в Узбекистане. Т.: 1996.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российской экономической академии. 2000.

ХІІІ БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДА

1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси. Харажатларнинг таркиби.
2. Фойда мөъёри ва массаси. Фойда келишининг камайиш қонуни.
3. Тижорат фойдасига таъсир қилувчи омиллар.
4. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиши.

1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси.

Харажатларнинг таркиби

Фирма (корхона) товар ишлаб чиқарувчи сифатидаги фаолиятни ўз нулига ресурслар сотиб олишдан бошлайди, чунки ресурсларсиз ишлаб чиқарти бўлмайди. Корхонадаги пул капитали билан реал капитал фарқланади. Пул капитали- бу ресурслар олиш учун ажратилган маблағ. Реал капитал- бу ишлаб чиқарища товарлар ва хизматлар яратища амалий катнашадиган ва зинқ моддий шаклдаги воситалардир. Реал капитал – асбоблар, машиналар ва бошқа ишлаб чиқариш ускуналари – бу иктисадий ресурс. Пул ва молиявий капитал иқтисодий ресурс эмас.

Корхона кўлидаги моддий ресурс пул билан ҳисобланганда «ишлаб чиқариш фондлари» деб ҳам юритилади. Корхонадаги ресурслар кийматининг ҳаракати капитал доиравий айланиши шаклида юз беради. Корхона ўз маблағини ишга солиб, бозорни товарлар ва хизматлар билан таъминлаган ва фойда кўргандагина унинг корпоратив манфаати юзага чиқади.

Фирма – ўз максадига етиши учун имкони борича кўп фойда берувчи, фойдани максималлаштирувчи иш билан шугууланиш керак бўлаци. Кам ресурс ёки ишлаб чиқариш омилларини киритиб иш битириш ҳаражатларни минималлаштиришни билдиради. Фирмани иқтисодий ресурслари учун қылган сарфи ишлаб чиқариш ҳаражатлари деб юритилади. Ҳаражатсиз кеч бир иктисадий фаолият юз бермайди. Сарф-ҳаражат фойда олишнинг шарти, чунки бусиз ишлаб чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Корхонанинг ҳаражатлари – товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган сарфлар, яъни иқтисодий ресурсларни топиш, хариц этиш ва улардан самарали фойдаланиш сарфларицdir. Ҳаражатлар табиатан моҳдийлашган ва жонни меҳнат сарфини билдиради, улар товарлар корхонага қанчага тушганлигини кўрсатади.

Ҳаражатлар иккى нарсага боғлик:

1. Ресурсларни харид этиш нархига, нарх эса бу ресурслар учун сарфланган, аммо бозор олган меҳнатни билдиради.
2. Ресурсларни тежаб, нес-нобуд қилмай ишлатилишига, яъни кам ресурс сарфлаб, кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот олишга.

Харажатлар мөддий ва меҳнат сарфидан иборат. Мөддий сарфлар бозор нархиди харид этилган машина-механизмлар, асбоб-ускуналар, бино-иншоотларнинг, шунингдек, энергия, хомашё, ёқилғи ва материаллар сарфидан иборат бўлиб, муайян нархларда хисобкитоб килинади.

Меҳнат сарфлари – иш ҳаки, мукофотлар, социал сугурта ажратмалари, тадбиркорни қониқтирадиган нормал фойдалан иборат.

Зиммага тушган харажат ёки иктиносидий харажат ишлаб чиқариш учун ташланган ресурсларни энг қулай ишлатган шароитдаги қийматдир, яъни фирма ресурени ўзгалар ишлатишига йул бермай, ўзига жалб этиш учун эгасига тўланган пулдир.

Зиммага тушган харажат ташки ва ички харажатларга бўлинади. Ташки харажат бу ташкаридан сотиб олинган ресурслар (масалан, иш кучи, хомашё, транспорт, алоқа хизмати, энергия ҳаки кабилалар) учун тўланган пул. Ички харажатлар фирманинг ўз ихтиёридаги ресурслар қийматининг пулдаги ифодаси, яъни бу ресурсларни ташкарица энг қулай ишлатилган шароитда уларга тўланиши мумкин бўлган пул суммасидир. Ички харажатларга тадбиркорлик қобилияти, истеъоди учун бериладиган нормал фойда ҳам кириши керак. Агар бу фойда олинмаса, тадбиркор фирмадан воз кечиб, бошка иш билан машгул булади.

Харажатларнинг ўзи доимий ва ўзгарувчан харажатлардан иборат.

Доимий харажатлар деб шундай харажатларга айтиладики, уларнинг микдори ишлаб чиқариш ҳажмига караб ўзгармайди.

Уларга қарз юзасидан мажбуриятлар, рента тўловлари, амортизация, ижара ҳаки, сугурта пули, бошқарув ходимлари ва мутахассисларга олдиндан белгиланган маошлар киради.

Микдори ишлаб чиқариш ҳажмига караб ўзгариб борувчи харажатлар *ўзгарувчи харажатлар* дейилади. Уларга хомашё, ёқилғи, энергия, материаллар, транспорт хизмати сарфлари, ишчи-хизматчилар иш ҳаки киради.

Муайян ишлаб чиқариш ҳажми сақланган шароитда доимий ва ўзгарувчи харажатларнинг йиғиндиси ишлаб чиқаришининг *умумий харажатлари* деб юритилади. Корхона учун маҳсулот бирлингига кетган сарф мухим бўлиб, узи ўртacha харажат деб аташади. Ўртacha харажатни (*AC*) микдоран топиш учун умумий харажатлар (*TC*) маҳсулот микдорига (*Q*) бўлинади.

$$AC = \Delta TC : \Delta Q$$

Меъёрли харажатлар (*MRC*) кўшимча яратилган маҳсулот бирлинин олиш учун кетган кўшимча харажатдир. У кўшимча харажатни кўшимча яратилган маҳсулотга нисбатидан иборат. Шунга кўра:

$$MRC = AC : Q$$

2. Фойда меъёри ва массаси. Фойда келишининг камайиш қонуни

Фирма яратган товарлар ва хизматларни согишдан тушган пул унинг кирими бўлиб, кетган харажатларни қоплайди ва фойда олиш имконини беради. Жамиятдаги фойда табиатан яратилган кўшимча маҳсулотнинг пул шаклидир. Фирма фойдаси кўшимча маҳсулотнинг уига пул шаклида теккан қисмидир.

Ишлаб чиқарим жараённида меҳнат унумининг ортиши ҳам мөддий, ҳам меҳнат сарфларини қискартиради. Бозордаги нарх, бинобарин, талаб барқарор шароитда меҳнат унумдорлиги харажатларни камайтириш орқали фойдани кўпайтиради.

Олинадиган фойда корхона жамоасини мағфаатини ифодалагани учун корхона иктисадий фаолиятининг умумлашган кўрсаткичи хисобланади.

Фойданинг икки қуриниши бор. Биринчиси – нормал фойда бўлиб, у харажатлар таркибида бўлади. Иккимчиси – иктисадий фойда бўлиб, у харажатларга кирмайди. Бу нормал фойдадан ортикча бўлиб, мазмунан соғ фойдацир. Агар фирма олган даромади (пул тушуми) дан харажатлар чегириб ташланса, колган қисми иктисадий (соғ) фойдани ташкил этади.

Фирма учун фойданинг икки жиҳати бор:

- 1) фойда массаси, яъни унинг умумий микдори;
- 2) фойда меъёри, яъни унинг нима эвазига олингани.

Фойдани максималлаштириши – унинг меъёри ва массасини оширишдир. Аммо фирма учун фойда меъёри мухимроқ, чунки бу фирма фаолиятининг самарадорлитини таъминлайди. Фойда меъёри жами фойданинг (нормал фойда ва иктисадий фойда) уни топиш учун қилинган умумий харажатларга бўлинган ва фоизларда ифодаланган иисбатидир:

$$\Phi H = \Phi F U X * 100$$

Бунда:

Н-фойда меъёри, Ф-фойда микдори УХ-умумий харажатлар. Фойда меъёри юкори бўлган ҳолда, унинг массаси кичик бўлиши ва аксинча у иштаси бўлгани ҳолда, массаси катта бўлиши ҳам мумкин. Бу фирма фаолиятининг қўламига боғлик.

Фойда меъёри фирманинг жорий сарф-харажатлари накадар са-марали натижага берганлигини кўрсатади. Бу меъёр қанчалик юкори бўлса, фирма иктиёридаги ресурслар муқобил тарзда шунчалик яхши ишлатилган бўлади.

Олинган фойда аввал тақсимланиб, сўнгра ишлатилади. Кўнчилик ҳолларда фойданинг бир қисми солик сифатида давлат бюджети

тига ўтказилади. Упинг яна бир қисми корхона эгалари ўртасида даромад сифатида, яна бир қисми ишчилар ўртасида уларнинг фойдадаги иштироки сифатида ва ҳар хил мукофотлар шаклида тақсимланади. Нихоят фойда инвестиция сифатида, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кетади. Фойданинг шахсий даромад сифатида корхона эгалари ва ишчиларга теккан қисмини ўз ихтиёrlари билан ишплатадилар.

Фирма жамоасини манфаатини амалга оширишнинг муҳим омили – бу фирма ишини яхши бошқариш ҳисобланади. Корхона бўлинмалари ишини бир-бирга мослатиш, корхона фаолиятини бошқалар фаолиятига бозордаги вазиятта мувофиқлаштириш корхонани бошқариш дейилади.

Бошқариш санъати ва маҳорати **менежмент** деб юритилади. Менежмент ўта мураккаб ва масъул иш бўлганидан, уни бажариш маҳсус билим, маҳорат ва тажрибани талаб қиливчи қасбга айланади. Менежмент фирма ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш (фирма режаси бизнес план деб юритилади), меҳнат жараёнини ташкил этиши, савдо-сотик ишларини юригиш, фирма истикболини белгилаб, унга эрициши чора-тадбирларини амалга ошириш (бу фирма стратегияси бўлади), фирманинг иқтисодий потенциали (салоҳияти)ни бошқариш кабиларни ўз ичига олади. Корхонанинг муваффакияти янги техника-технология ва иш кучи сифатидан ташқарин унинг яхши бошқаришга ҳам боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб йирик иқтисодчилардан бири А.Маршал бошқаришни ишлаб чиқаришнинг муҳим омили деб атайди. Корхонанинг рақобат курашида жон саклаши учун менежмент иши яхши бўлиши шарт.

Маркетинг менежментнинг кўз ва қулогидир.

Маркетинг – бу фирма фаолиятини бозор талабига мослаштириш, яъни унинг бозор алоқаларини ташкил этишдир. Шу маънода уни фирмадаги бозоршунослик иш деса ҳам бўлади.

Маркетинг иккита вазифани бажаради.

Биринчидан, у фирмадаги ишлаб чиқаришни ҳозир мавжуд бўлган ва келажакда пайдо бўладиган талаб-эҳтиёжга қаратади.

Иккинчидан, фирма товарларига бозорда талаб хосил килиши ва фирма савдо-сотик ишларини рағбатлантириш, айниқса, товарларни кўплаб ва яхши нархда сотилишини уюштиради. Юксак савияли маркетинг хизматига таянган фирмалар түллаб-яшнайдилар. Бу иш умумиқтисодий аҳамиятга ҳам эга, чунки у қанчалик ривожланса, ишлаб чиқариш жамиятдаги талаб-эҳтиёжни шунчалик тўларок ҳисобга олади, иқтисодий ривожланиши тез боради.

Фойданинг камайиш конуни ҳозирги даврда қўпчилик ишлаб чиқариш корхоналарига хос. Фойда олиш корхоналар ўртасида рақобот

кураши шаклида намоён булади. Фойданинг камайиши сармояларнинг бир тармоқдан бошқа тармоқларга оқиб ўтишига олиб келади.

3. Тижорат фойдасига таъсир қилувчи омиллар

Тижорат тор маънода савдо-сотик билан шугулланишdir. У азалдан мавжуд. Унга Ислом таълимоти катта аҳамият беради. Пайтамбаримиз ризкнинг ўндан тўққиз қисми тижоратдан деганлар.

Тижорат ҳар қандай фаолият сингари, маълум харажатларни талаб қилди. Савдо-сотикда хизмат қилувчилар иш ҳаки оладилар, товарларнинг олди-сотди қилиш, уларни ташиб келтириш, ҳаридорга элтиб бериш, уларни истеъмол этишин қулаштиришда моддий ва меҳнат сарфлари бор. Товарни ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган ҳаракати меҳнат сарфини, бинобарин, харажатларни келтириб чиқазади. Савдо-сотикни воситачилар амалга оширганда турли мулкий муносабатлар келиб чиқади.

Харажатлар моддий ва меҳнат сарфидан иборат бўлади. Моддий сарфга бинолар ва ишлатиладиган машиналар, транспорт воситаси, амортизация, ижара ҳаки, ҳар хил материаллар, ёқилини ва энергия сарфлари кирадики, буларсиз савдо-сотикни юритиб бўлмайди. Харажатларнинг катта қисмини реклама сарфлари ташкиш этади.

Реклама товар ҳақидаги, савдо хизмати, парх-наво ҳақидаги холисона ахборотни ҳаридорга етказишdir.

Савдо-сотикдаги харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади.

Доимий харажатлар фаолиятидан қатъий назар олдиндан белгилаб қўйилган ва ўзгармай қоладиган харажатлардир. Буларга бинолар ижара ҳаки, машина-ускуналарнинг лизинг (ижара) ҳаки, банкга тўланадиган фоиз, давлатга бериладиган солиқлар киради, уларнинг миқдори олдиндан белгиланган бўлиб, улар маълум даврғача ўзгармайди.

Ўзгарувчан харажатлар шундай сарфларки, уларнинг миқдори ҳар хил омиллар таъсири остида ва тижоратчилар ҳатти-ҳаракати натижасида ўзгариб туради. Ҳудди шундай қонуният иш ҳаки сарфига ҳам хосдир. Иш ҳаки ошса, харажаг қўлайиши турган гап. Савдо-сотикдаги харажатлар ҳар хил йўллар билан копланади. Фойдани олди-сотди ишларини бажаришта, яъни товарни пулга айирбошлигига хизмат қиладиган харажатлар – соф тижорат сарфи бўлиб, унинг қопланниши товарни ҳарид этиш на сотиш пархи ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Гап шундаки, шундай ишлаб чиқарувчи ўз товарини сотиб бергани учун тижоратчига фойданинг бир қисмини кечиб беради, яъни товар тижоратчиларга бозор нархидан арzonрок сотилади. Бозорда фойда-зарар деган ҳодиса содир бўлиб туради.

Савдо-сотик ишларида воситачилар иштирок этганда савдо фойдасини ўзлантириш ишлаб чиқарувчилардан тижоратчиларга ўтади.

Савдо-сотикда ҳам эл қатори, яъни нормал фойда билан биргаликда ундан ортиқча ёки иктисодий фойда ва омад фойдаси мавжуд.

Фойда турлари

Тижорат (савдо) фойдаси		
Нормал фойда	Иктисодий фойда	Омад фойдаси

Бозор амалиётида нормал фойда савдо-сотик харажатларига киритилади. Бозор чакана нарх гаркибига товарнинг ултуржи харид нархи, савдо-сотик харажати ва тижоратнинг нормал фойдаси ўз аксини тошади.

Савдо-сотикда фойда мавжуд экан, уни ишлаб чиқаришдаги фойдадан фарқ борми? -деган масала мавжуд. Савдо фойдасининг манбай товар ишлаб чиқаришда жойлашган. Ишлаб чиқаришда яратилган кўшимча маҳсулотнинг бир кисми савдо фойдасига айланади ва уни тижоратчи ўзлаштиради. Ишлаб чиқарувчи товарларни пуллаб бергани учун ўзи оладиган фойданинг бир кисмини кечиб тижоратчига беради.

4. Фойданинг тақсимланиши ва ишлатилиши

Савдо-сотикдаги фойданинг микдори З омилига боғлиқ:

1. Бозордаги нарх даражасига. Нарх ортишига мойил бўлса, шунга биноан фойда ҳам ошади.
2. Савдо-сотик ахборотининг тезлигига бозор чаккон бўлса, товарлар тез сотилади. Сотиш ҳажми ошади, фойданинг умумий микдори кўпаяди.
3. Савдо-сотик, яъни муомила харажатларининг микдорига. Фойда микдори харажаттага нисбатан тескари ўзгаради, яъни харажат камайса, фойда ортади ва аксинча.

Савдо-сотикдан ҳам фойдани максималлаштиришга, энг кўп фойда олишга интилиш мавжуд.

Тижоратчилар учун фойданинг умумий микдори мухим бўлсада, фойда меъёри ҳам аҳамиятлидир. Мазкур меъёр (ФМ) икки усул билан аниқланади. Биринчи усул – бу олинган жами фойда микдори (ФМ) (унинг нормал ва иктисодий фойдага ажратмаган ҳолда) килинган харажатлар (Х) нисбати билан фойда меъёри аниқланади.

Бунда:

$$\text{ФМ} = \text{ФМ} / X * 100$$

Масалан, тижорат фирмаси бир йилда савдо-сотик ишини юритиш учун 10 млн.доллар жорий сарф қилинган, шунинг эвазига 1,2 млн. фойда кўрган.

$$\text{ФМ} = 1,2 / 10 * 100 = 12\%$$

Иккинчи усулда олинган фойда савдо-сотик ишига кўйилган капиталга (K) нисбати фоиз билан ҳисобланади.

$$\text{ФМ} = \text{ФМ} / K * 100$$

Фирма 20 млн. капитал сарфлаб, 1,2 млн. доллар фойда олди.

$$\text{ФМ} = 1,2 / 20 * 100 = 6\%$$

Биринчи усулда жорий сарфларнинг фойдалитиги, иккинчи усулда капитални фойда келтириш даражаси аниқланади.

Тижоратчилар фаолиятига қараб савдо фойдаси турлича таксимланади. Савдо-сотик билан маҳсус фирмалар шуғулланганида фойда уларнинг ихтиёрига тушибди ва шу срда таксимланади. Бу ишни брокерлар, маклерлар бажарганца савдо фойдаси харидор ва сотувчиларнинг комиссиян тўлови шаклида ундирилади, улар одатта савдо-сотик хажмининг 5-10% га тенг бўлади. Бу тўловнинг бир кисми брокерлар идорасига, колгани уларнинг ўзларига тегади. Бунда фойда уларнинг шахсий даромадига айланади.

Савдо-сотикдан тушган фойда савдо-сотикнинг ривожи учун шу соҳанинг ўзига реинвестиция этилиши (қайтадан солиниши), бошқа соҳаларга капиталга айланishi, банкга кўйилиши ёки эгаси томонидан истеъмол учун сарфланиши мумкин.

Асосий тушунчалар ва таянич иборалар

Корхонанинг харажатлари – товарларни ишлаб чиқариши ва сотиш билан боелик бўлган сарфлар, яъни иктиносидий ресурсларни топиш, харид этиши ва улардан самарали фойдаланиш сарфлариидир.

Ташки харажат – бу ташкаридан сотиб олинган ресурслар (масалан: иш кучи, хом ашё, транспорт, алоқа хизмати, энергия ҳаки кабилар) учун тўланган нул.

Ички харажатлар – фирманинг ўз ихтиёридаги ресурслар қийматининг пулдаги ифодаси, яъни бу ресурсларни ташкаридан энг қулай ишлатилган шароитда уларга тўланиши мумкин бўлган нул суммасидир.

Доимий харажатлар – шундай харажатларга айтилади, уларнинг микдори ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ўзгармайди.

Ўзгарувчи харажатлар – бу микдори ишлаб чиқарни ҳажмига қараб ўзариб борувчи харажатлардир.

Умумий харажатлар – муайян ишлаб чиқариш ҳажми сақланган шароитда доимий ва ўзгарувчи харажатларнинг йигинидисидир.

Меъёрли харажатлар – қўшимча яратилган маҳсулот бирлигини олиш учун кетган қўшимча харажатдир. У қўшимча харажатни қўшимча яратилган маҳсулоттага нисбатидан иборат.

Фойда месъёри – жамини фойданинг (нормал фойда ва иктисодий фойда) уни топини учун қилинган умумий харажатларга бўлинган ва фоизларда ифодаланган нисбатидир.

Менежмент – корхонани ташкил этиш ва бошқариш тизими-дир, иктиносидий назариянинг бўлими бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш назариясини, ташкил этиш ва бошқариш амалиётини ўрганади.

Маркетинг – бу фирма фаолиятини бозор талабига мослаши-тириш, яъни унинг бозор алоқаларини ташкил этишдир.

Реклама – товар ҳақидаги, савдо хизмати, нарх-наво ҳақидаги холосона ахборотни харидорга етказиши.

Такрорлаши учун саволлар ва топшириқлар

1. Ишлаб чиқариш харажатларининг асосий тушунчасини ва таркибини тушунтиринг.
2. Ички ва ташкил харажатлар ўртасидаги фарқ нимадан иборатлиги-ни мисол орқали тушунтиринг.
3. Доимий ва ўзгарувчан харажатлар нимани билдиради ва улар ўрта-сидаги фаркни тушунтириб беринг.
4. Ўртача харажатларни ҳисоблаш корхона фаолияти учун кандай аҳамиятга эга?
5. Меъёрий харажат деб нимага айтилади?
6. Фойданинг мазмунини ва манбанин тушунтиринг.
7. Иктиносидий ва нормал фойда нима? Улар ўртасида қандай фарқ бор?
8. Фойда меъёри деб нимага айтилади?
9. Менежмент деб нимага айтилади ва унинг фаолияти нималардан иборат?
10. Маркетинг деб нимага айтилади?
11. Тижорат фойдасига таъсир эгувчи омилларни санаб беринг.
12. Фойданинг таксимтаниш ва ишлатилишини тушунтириб беринг?

Адабиётлар

- “Корхона тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг конуни. Ўзбекистоннинг янги конуналари.-Т.: «Адолат», 1991.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иктиносидий испоҳотларни чукурлаши-риш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолати. Т.: «Ўзбекистон», 1997.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.

- Бекнозов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёті назарияси. -Т.: «Университет», 1993.
- Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. -М.: «Республика», 1992.
- Ылмасов А., Шарифхұжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: «Медиатека», 1995.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журавлевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. 2000.

XIV БОБ. ИШ ҲАҚИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

1. Иш ҳақи – тақсимот натижаси. Иш ҳақини ташкил этишнинг шакллари. Иш ҳақи тизими. Номинал ва реал иш ҳақи.
2. Иш ҳақи даражаси ва унинг микдорига таъсир этувчи омиллар. Иш ҳақи даражасининг табақалашуви.
3. Меҳнат бозорининг моҳияти, мазмуни. Меҳнат бозоридаги рақобат ва иш ҳақи.
4. Меҳнат муносабатларининг мазмуни ва таркибий тузилиши. Меҳнат шартномалари тизими.

1. Иш ҳақи – тақсимот натижаси. Иш ҳақини ташкил этишнинг шакллари. Иш ҳақи тизими. Номинал ва реал иш ҳақи

Бизга маълумки, жамиятдаги ялпи милий маҳсулотни яратишда иктиносий ресурслар (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти) катнашади. Натижада яратилган ЯММ мазкур ресурсларни кўшган ҳиссаларига қараб уларга даромад сифагида тақсимланади. Мана шу тақсимот натижаларидан бири иш ҳақидир.

Иш ҳақи - аҳоли даромадлари тизимида асосий ҳисобланади, чунки аҳоли даромадининг катта қисми унинг улушкига тўғри келади (деярл 75%).

Иш ҳақи деб нимата айтамиз?

Бизга маълумки, ривожланган бозор хўжалиги шароитида ресурс эгалари уларни товар сифатида сотадилар. Тонар бўлган ишчи кучининг сотишдан олинган даромади – иш ҳақидир. Яъни иш ҳақи ишчи кучи эгасининг ўз меҳнати натижаси учун оладиган ҳақи бўлиб, ишчи кучи соҳибининг тирикчилик воситалари нархини ифодалайди.

Ишчи кучи соҳибининг ўзи ва оиласининг тирикчилиги учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматларининг нархи иш ҳақи учун асос булади. Иш ҳақини ташкил этиш икки турга бўлинади:

1. Вактбай.
2. Ишбай.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вактбай шаклида ҳодим ишлаган вактишнинг муайян микдори (соат, кун, ҳафта, ой ва хоказо) учун белтиланган микдорда цул (маош) олади.

Иш ҳакининг бу шакли бевосита қабул килинган маҳсулотнинг микдорини ҳисобга олиш қийин бўлган ёки микдорий ўлчаш етарлича бўлмаган ҳолларда кўлланилиади.

Вактбай иш ҳақи - ҳодимнинг малакаси, меҳнатининг сифати ва ишланган вактига қараб белтиланади.

У одатдаги меҳнатнинг натижаларини аниқ ҳисоблаб бўлмайдиган, балки улар аниқ вазифалар доирасини бажариш билан

белгіланадиган вактда (масалан, техник ходимлар, хизматчылар, созловчилар, электромонтёrlар) ёки маңсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнини бориши билан белгіланадиган ва бевосита ишчига боғлиқ бўлмаган пайтда (масалан, конвейер ва автомат линияларида) кўлланилади.

Ишбай иш ҳақи – иш ҳақи миқдори маңсулот бирлиги учун белгіланадиган тўловга мувофиқ тайёрланадиган маңсулотни сонига боғлиқ бўлишини назарда тутади.

Маңсулот бирлиги учун тўлов тариф ставкасидаги ҳақни ишлаб чиқариш нормасига тақсимлаш йўли билан аниqlанади.

Хуллас, ишбай иш ҳақи ҳосил қилинган маңсулот ёки қўрса-тилган хизмат бирлиги учун муайян баҳолар асосида ходимни тақдирлашдан иборатдир.

Ишбай иш ҳақи тўлаш усули ишчиларни моддий рағбатлаштиришни моддий маңсулот ишлаб чиқаришга боғлиқ қилиб кўяди. Ишчиларда моддий маңсулотни ишлаб чиқаришга қизиқишни уйғотади. Чунки ишчи бунда қўшимча ҳақ олиш имкониятига эга бўлади. Собиқ СССР да иш ҳақи тўлашнинг мана шу усули кўпроқ самара берган. Ишчиларда манфаатдорлик, меҳнатга бўлган қизиқиш тўйгуларини маълум даражада уйғотган. Бироқ, бунда ҳам субъектив ёташашлар устун даражада бўлганки, ишчи қанча унумдор ишламасин, у цех бошлиғидан, бригадирдан кўра ёки корхона раҳбари оладиган иш ҳақидан юкори маош олишига йўл бўлмаган. Албатта иқтисодий жараёнларга бундай субъектив ёндашишлар ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қўймайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнатга ҳақ тўлашни, меҳнатни рағбатлантиришининг камчиликларини, салбий томонларини бартараф қилиш мақсадида 1992 йил 26 декабрда ҳалқ ҳўжалигини барча тармокларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф системаси жорий қилиниши ҳақида карор кабул қилинди.

Ягона тариф системаси 0 дан 28 гача бўлган разрядларни ўз ичига олган бўлиб, унда меҳнат эгаларининг касб-корлик, малака даражасига, меҳнатнинг мураккаблигига караб разрядлар берилади. Ягона тариф системасига ўтишдан мақсад ноҳақ даромад беришларини, бебошликни олдини олиш, чек кўйиш, адолатли ҳақ тўлаш тизимиши йўлга қўйиш эди.

Номинал иш ҳақи – иш ҳақининг умумий миқдоридир.

Реал иш ҳақи – номинал иш ҳақидан солиқлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмидир. Шунингдек, реал иш ҳақи – иш ҳақининг харид қобилиятини ифодалайди.

2. Иш ҳақи даражаси ва унинг микдорига таъсир этувчи омиллар.

Иш ҳақи даражасининг табақалашуви

Мехнат натижаси ҳар ҳил бўлганидан иш ҳақи ҳам табақалашиди. Айни меҳнатдан олинадиган даромад кишилар турмушиининг моддий негизини ташкил этиши сабабли иш кучининг баҳоси, унинг даражаси ва динамикаси катта ижтимоий аҳамият касб этади.

“Ишчи кучи” товарини согиб олган корхона эгаси унга шундай ҳақ тўлаши керакки, токи бу ҳақ самарадор меҳнатни рағбатлантирисин. Бунда ходим меҳнатининг реал натижаларига баҳо беришни четглаб ўтиб бўлмайди.

Иш ҳақи даражасига куйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Меҳнат унумдорлиги.
2. Меҳнаткашларниң малака, касб-корлик даражаси.
3. Меҳнатниң оғир-енгиллиги.
4. Нуфузли ёки нуфузсиз меҳнат эканлиги.
5. Ишлаш ва яшаш шароитлари.
6. Мехнат бозоридаги рақобат.
7. Ишчи кучининг кўчувчаилиги (ҳаракати).

Мехнат қаичалик юкори унум берса ва у яратган товарлар бозори чакқон бўлиб, нархи юкори бўлса иш ҳақи ҳам шунчалик кагта бўлади.

Ишлаб чиқаришда иш ҳақи меҳнат унумдорлигига тўғри мутаносибликда ўзгаради. Меҳнат унумдорлиги билан иш ҳақи бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади, унинг натижасида иккалование нинг бир йўналишида ўзгариши юз беради.

Ишчи вакт бирлигига қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқарса, корхона уни сотишдан шунча кўп маблағ олади, шу боис ишчишининг иш ҳақи ошиши эҳтимоли кўпаяди. Шу сабабли ҳар бир корхона эгаси кам унум билан меҳнат қисувчи ишчиларни юкори унум билан ишловчи ишчилар билан алмаштиришдан манфаатдордир. Бу хол ишчиларниң умумий микдорини кискартириш имконини бергани учун ҳатто меҳнатга ҳақ тўлашга кетадиган маблағларниң ўзгармас микдорица ҳам улар ҳар бирининг иш ҳақини кўпайтириш имкони пайдо бўлади. Меҳнат унумдорлиги қанча юкори бўлса, капитал айланishi шунча тез юз беради, бу эса корхонанинг даромадлари, демак унда меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш эҳтимолини ҳам кўпайнишига олиб келади. Шу тарика, меҳнатниң юкори унумдорлиги меҳнатга ҳақ тўлаш юкори бўлиши учун ҳам замин яратади. Бу замин қапчалик юкори бўлса, ходимлар ўз эҳтиёжларини шунчалик тўлиқ қондирадилар, уларниң турмуш даражаси шунчалик юкори бўлади, ишчининг унумдор кучи яхширок тикланади ва унинг сифати юкорироқ бўлади. Агар меҳнатта ҳақ

тўлаш паст даражада бўлса, ишчила ўз соглини мустаҳкамлаш, маданий эҳтиёжини қондириш учун, шунингдек тўкин овқат, кийим, турар жой учун зарур маблағлар бўлмайди. Унда ишчи меҳнатининг унумдорлиги ҳам цаст бўлгаци.

Одатда, малакаси юкори билимдон ва тажрибали киши меҳнати қадрланади. Айни пайтда малакасиз ёки малакаси паст кишининг меҳнатига кам ҳак берилади, чунки у кам наф келтиради. Мураккаб меҳнат малакали ишчи кучини, билимдон ходимни талаб киласди. Шу сабабли иш ҳаки кишишинг билим даражасига қараб ўзгаради. Фарб олимлари иш ҳаки ишчига инвестиция этилган капитал микдорига боғлик деб карайдилар. Инвестиция инсонга билим, касб бериш, касбий малакани, меҳнат маҳоратини оширишга йўналтирилади ва ишчи кучи сифатини оширгани учун юкори иш ҳакини таъминтайди. Агар 40 ёшли ва 7 йил ўқиган ишчи йилига 10000 доллар олса, 50 ёшли ва 16 йил ўқиган шахс 40000 доллар олиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда даромаднинг билимдонликка, савияга боғлик бўлиши аҳолини ўз билими ва малакасини оширишга катта сарф-харажат қилишга ундаиди. Албатта билимнинг меҳнат малакасига таъсири кишиларнинг қобилияти орқали амалга ошгани сабабли ҳар доим ҳам билим даражаси ўз-ўзидан иш ҳакини оширмайди.

Иш ҳаки микдори ишнинг ҳусусиятига боғлик бўлмаслиги мумкин эмас. Агар иш соғлик учун зарарли ёки хавфли бўлса, асабининг зўриқиши, ҳолдан тойдирувчи жадаллик ва бошқа нохуш ҳусусиятлари билан ажralиб турса, кишиларни унга жалб этиш учун товон сифатида унга кўпроқ ҳак тўлаш зарур.

Иктиносидётда иуфузсиз соҳалар мавжудки, уларга ишчиларни жалб этиш учун юкори иш ҳаки белгиланади.

Ишчи кучига талаб ва таклиф унинг кўчувчалигига, яъни ходимларни бир иш жойидан бошқасига кўчиб ўтиш қобилиятига ҳам боғлик бўлади. Бунинг натижасида иш ҳакининг ҳар ҳизлиги келиб чиқади. Ишчи кучи етарли, ҳатто ортиқча жойдан у этишмаган жойга кўчиб ўтиш ёки ўтмаслик иш ҳакини ҳудудий ва корхоналар бўйича табакалаштиради. Ишчи кучи етарли ва ортиқча жойда иш ҳаки паст бўлгани ҳолда, ишчи кучи стишмайдиган жойда иш ҳаки юкори бўлади. Айни пайтда Ўзбекистонда ишчи кучининг ҳаракатчанлиги (касбий, ҳудудий тармоклар бўйича) паст даражадади.

Шу муносабат билан Республика мизда меҳнат ресурсларининг номутаносиб жойлашишидаги қийинчиликлар, яъни Фарғона музофотидаги аҳолининг зичлигидан келиб чиқадиган ва аксинча

шимолий ва ғарбий зоналарда ишчи кучининг стишмаслиги билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топиши зарур.

Шунингдек, ишчи кучини тармоқлараро қайта тақсимилашни жадвалинитириб, уларни ахолига хизмат кўрсатувчи соҳалар фойдасига йўналтиришни амалга ошириш-иктисодий ислохотлар иккитчи бос-кичининг устивор вазифалариданлир.

3. Мехнат бозорининг моҳияти, мазмуни. Мехнат бозоридаги ракобат ва иш ҳаки

Бозор иктисодиётида меҳнат бозори товарлар ва ресурслар бозорларининг таркибий қисмини ташкил этади.

Мехнат бозори (ишчи кучи бозори) – жамиятнинг ижтимоий ва иктисодий ҳаётининг ниҳоятда муҳим ва кўп киррали соҳасидир. Меҳнат бозори бозор муносабатлари тизимишинг таркибий ва аж-ралимас бўгини бўлиб, товарлар ва хизматлар бозори қатори ишчи кучи бозори маълум қонууллар асосида ташкил топади, амал қиласиди. Барча бозорлардагисек, меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф конуни амал қиласиди.

Меҳнат бозорида таклиф кўрсаткичи бу мамлакатда мавжуд бўлган, бирор меҳнатда банд бўлмаган ишсиз юрган меҳнатга лаёкатли ишчи ва хизматчи каби фукароларининг микдори билан белгиланади.

Иккинчи томондан, ҳалқ ҳўжалигининг турли тармоқларида ва соҳаларида мавжуд бўлган бўши иш жойлари меҳнатга бўлган талаб сифатида амал қиласиди.

Муайян қасб ва маълакага эга бўлган ишчи кучига талаб ишлаб чиқарниша у кўлланадиган товарларга талаб билан боғлиқдир.

Хулас, меҳнат бозорида ёлланган ишчилар ишга бўлган ўз қобилиятини таклиф қиласидилар, яъни ҳак тўлашга нисбатан ўз ишчи кучларини ва маълакасини таклиф этсалар, иш билан таъминловчилар эса ўз талабларини кўядилар, харид қилинган ишга бўлган қобилиятини сотиб оладилар ва унга ҳак тўлайдилар. Ўз навбатида меҳнат бозорида З та зарур бозор элементлари мавжуд: талаб, таклиф ва нарх (иш ҳаки ишчи кучининг нархи ҳисобланади). Яъни меҳнат бозорида ишчи кучи ўз қийматига, баҳосига эга бўлаци, уни ёллаш шартлари, жумладан, иш ҳаки аниқланади, меҳнат шароитлари, маълумот (билим) олиш имкониятлари белgilanади.

Мехнат бозорида таклиф куйидаги омиллар асосида юзага келади:

- Ахоли микдори (Унинг табиий, механик ўсиши).
- Иш ҳаки даражаси.
- Маданият.
- Касаба уюшмалари мавжудлиги.

- Солиқ ставкалари.
- Ишчи кучининг таркиби (м-н унда ёшлар улуши).
- Ишчи кучини худудлар бўйлаб таҳсиланиши.

Меҳнат бозорида иш ҳаки меҳнатда бандлик даражаси ва ишсизлик орасидаги нисбатга боғлиқ.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, Ўзбекистонда 1992 йилнинг бошларида меҳнат бозори тушунчаси кириб келди ва ишсизликнинг мавжудлиги расман тан олинди.

Иқтисодий адабиётларда кўрсатилишича, бозор муносабатларига хос асосан уч турдаги ишсизлик мавжуд:

- 1.Фрикцион.
- 2.Структуравий.
- 3.Циклик.

Фрикцион ишсизлик – ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиkdir. Чунки кўпгина ишчилар ихтиёрий равишда кам ҳак тўланадиган жойлардан кўп ҳақ тўланадиган жойларга ўтадилар ва маълум якът иш кутадилар. Фрикцион ишсизлик бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорини нормал ҳаракат қилишини бир кисми сифатида юзага келади.

Ишсизликнинг иккинчи кўриниши структуравий ишсизлик сифатида намоён булади. Структуравий ишсизлик иқтисодиёт, фантехника тараққиёти жадал ривожлангани сари янги ишлаб чиқаришлар натижасида корхоналар, тармоклар, технологияни эскириши билан боғлиқ.

Бизда ишсизликни мана шу тури кенгроқ тарқалган. Чунки замонавий техника воситалари билан ишлай оладиган мутахассисларимиз камлиги туфайли бир хил жойларда малакали ишчи ёки мутахассис стилемовчилиги ва айни пайтда бошқа жойларда ишчи кучи ортиқчалиги вужудга келган.

Циклик ишсизлик иқтисодиётни инқирози даврида вужудга келади, чунки ишлаб чиқаришни пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талаб камаяди.

Циклик ишсизлик бозорнинг зиг жиддий иқтисодий ва ижтимоий муаммоларидан бирицир. Чунки бундай давларда ишлашни хоҳлайдиган ва бунга қобилиятли кишилар ишсиз бўлишга мажбурдирлар.

Ўзбекистонда ҳозирда ишсизлик даражаси 0,4% дан иборатdir.

Ишсизлик ишчилар ўртасидаги иш ўрни учун рақобатни кучайтириб, иш ҳақининг иш натижаларига нисбатан секин ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан, меҳнат унумдорлиги йилига 5% ошса, иш ҳаки хам 2% ошади холос.

Ишсизлик бўлмаганда эса, фирмалар эркин меҳнат бозорида иш ҳақини ўзига жалб этиш учун рақобатда бўладилар, бу эса иш ҳаки-

ни оширади. Агар меҳнат бозорида монополия ҳолати бўлса, яъни ишчи кучини ёллаш-харид этиш айрим ёки бир туроҳ озчилик фирмалар қўлида бўлса, иш ҳаки наст белгиланади.

4. Меҳнат муносабатларининг мазмуни ва таркибий тузилиши. Меҳнат шартномалари тизими

Меҳнат шартномаси – бу ишчини ёллаш қофози. Бунда товарар бўлган ишчи кучи ўз қобилиятини маълум муддатга, маълум ҳак эвазига сотади

Ишчи кучини дастлабки ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уни ходимнинг ўзидан ажрагиб олиб бўлмайди. Агар бирор товарарнинг сотувчиси уни харидорларга етказиб бериш тўғрисида битим тузса, бу нарса ана шу сотувчининг ўзи товарни сотиш билан шугулланади деган маънони ҳам англатмайди. Бирок “ишчи кучи” товарига бу нарса тааллуқди эмас. Меҳнат шартномасини тузган ходим иш берувчига ана шу шартномада шарт қилиб қўйишган кизматларни шахсан бевосита тақдим этиши керак.

Ишчи кучини ўзига хос яна бир хусусияти, у яратувчилик қобилиятига эга, яъни у қўпимча қиймат яратади. Шунинг учун ишчи кучи ўзининг ишчи кучи қобилиятини қайта тиклай олади.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Иш ҳаки – ишчи кучи эгасининг ўз меҳнати натижаси учун оладиган ҳаки бўлиб, ишчи кучи соҳибининг тирикчилик воситалари пархини ифодалайди.

Вақтбай иш ҳаки – ходимнинг малакаси, меҳнатнинг сифати ва ишланган вақтига караб белгиланади.

Ишбай иш ҳаки – иш ҳакининг микдори маҳсулот бирлиги учун белгиланадиган тўловга мувофиқ тайёрланадиган маҳсулотни сопига боғлиқ бўлишини вазарда тутади.

Фрикцион ишсизлик – ихтиёрий равишда иш билан банд бўймаслиkdir.

Структуравий ишсизлик – иктисолиёт, фан-техника тараққиёти жадал ривожлангани сари янги ишлаб чиқаришлар натижасида корхоналар, тармоқлар, технологияни эскириши билан боғлик.

Циклик ишсизлик – иктисолиётни ишкирози даврида вужудга келади, чунки ишлаб чиқаринши пасайниши натижасида ишчи кучига бўлгаш талаб камаяди.

Меҳнат шартномаси – бу ишчини ёллаш қофози. Бунда товарар бўлган ишчи кучи ўз қобилиятини маълум муддатга, маълум ҳак эвазига сотади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иш ҳаки деганда нимани тушунасиз ва уни ташкил этишининг неча тури мавжуд?
2. Вақтбай ва ишбай иш ҳакини фарки нимадан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасида ягона тариф системаси қачон жорий қилинди ва уни жорий қилишдан кўзда туғилган мақсад нима эди? Ягона таъриф сеткаси неча разряддан иборат?
4. Иш ҳаки даражасига қандай омиллар ўз таъсирини кўрсатади?
5. Мехнат бозорида таклифни кимлар намоён этади ва меҳнат бозоридаги таклиф қандай омиллар асосида юзага келади?
6. Мехнат унумдорлиги билан иш ҳаки ўргасида қандай боғлиқлик бор?
7. Мехнат бозорида рақобат кучайганда иш ҳаки ошиши кузатиласими ёки пасайиши?
8. Мехнат шартномаси деганда нимани тушунасиз? Мехнат шартномасини тузган ходим қандай масъулиятни ўзига олади?

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. «Ўзбекистон». 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон». 1997.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. – Т.: Ўзбекистон, 1999 й.
- Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 8-том. Тошкент. "Адолат", 1994.
- Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы и проблемы и политика. В 2-х томах. 30 боб. М. Изд. "Республика", 1992.
- Экономика: Учебник (под ред. доц. А.С.Булатова) Гл.8.17. М. Изд. "Бек", 1995.
- Фишер С., Дорибуш Р., Шмолензи Р. Экономика. Гл. 16,17. М. "Дело ЛТД", 1993.
- Учебник по основам экономической теории. Тема 9,16. М. "Владос". 1994.
- Введение в рыночную экономику. Учеб. пособие. (А.Н. Лившиц и др.) Гл. 13, 14. М. "Высшая школа", 1994.
- Курс экономической теории. Гл.10. Киров, 1994.
- Экономика переходного периода. Гл.9. Изд. МГУ. 1995.

- Ўлмасов А., Шарифхұјаев М. Иқтисодиёт назарияси. 20-боб. Тошкент. “Меднэт”, 1995.
- Хакимова М. Макроиктисодиёт. Тошкент. «Меднэт», 1997.
- Экономическая теория. Учебник. Под общ. ред. Видяпина В., Журанцевой Г. М.: Изд. Российская экономическая академия. 2000.

XV БОБ. РАҚОБАТ ВА НАРХНИ БЕЛГИЛАШ

1. Рақобатнинг моҳияти, иқтисодий асослари ва шакллари.
2. Рақобатнинг турлари ва усуллари.
3. Муқаммал рақобат ва унинг афзаликлари.
4. Номуқаммал рақобат ва унинг кўринишилари.
5. Нархнинг вазифалари, унинг ташкил топиши.

1. Рақобатнинг моҳияти, иқтисодий асослари ва шакллари

Ижтимоий меҳнат тақсимоти хўжалик юритувчи субъектларни доимо бир-бирларига товар сотиб олишга, демак бир-бирлари билан товар муносабатларига киришга мажбур этади. Ана шунда ҳар бир субъект товар ишлаб чиқаришнинг бошқа иштирокчилари билан ўзаро алоқаларнинг энг кенг тарқалган шаклларидан бири бозор рақобатидир. Бу бозор хўжалигининг субъектлари ўртасида ўз мағфаатларини максимал рўёбга чиқариш учун курашдан иборат. Рақобат у ёки бу даражада ҳар қандай бозорга хосдир ва ҳар қандай жамият хўжалик муносабатларининг таркибий қисми бўлиб, бу жамият иқтисодиётининг негизини товар ишлаб чиқариш ташкил этади.

Рақобатни учта турга бўлиш мумкин: *сотувчилар, ҳаридорлар, сотувчилар ва ҳаридорлар ўртасидаги рақобатга бўлиш мумкин.*

Ҳаридорлар ўртасидаги рақобат ривожланган бозор хўжалигига унинг бошқа турларига нисбатан камроқ аҳамият касб этади. Албаттa, сотувчи ҳаридорлардан товар учун кўпроқ ҳақ тўлайдиганини афзал кўради. Бироқ, ишлаб чиқариш тақлиф талабига бемалол мослаша оладиган вазиятда ҳаридорлар ўртасидаги рақобат иккинчи ўринга ўтадики, мувозанат ёки тақлифпинг талабдан ортиқчалигига иқтисодий тизимнинг ҳукмронлик қилувчи фаолиятидир. Бирон-бир товарни тақлиф этишни кўпайтириш учун тўйсик пайдо бўлган пайтдагина рақобат кескинлашади. Зоро, агар товар этишмаслиги пайдо бўлса, ҳаридорлар уни сотиб олишда бир-бирларидан ўзишга интилиб, сотувчиларга баландроқ нарх тақлиф киладилар. Сотувчилар эса тақчил товарни талаб нархи бўйича, яъни ҳаридори чиқса иложи борича юқори нарх бўйича сота бошлайдилар. Ҳаридорлар имкониятлари бир хил бўлгандагига сабабли кўп ҳақ тўлай оладиган киши ушбу вазиятда афзал кўрилади. Бундай рақобат натижасида барча ҳаридорлар, ҳар ҳолда товарни сотиб оладиган, товар етарли мидорда бўлгандагига қараганда кўпроқ ҳақ тўлайдиган ҳаридорлар па кеч нарса сотиб ололмайдиган ҳаридорлар озми-кўпми ютқазадилар, чунки уларнинг эҳтиёжлари қондирилмайди.

Сотувчи билан харидорлар ўртасидаги рақобат мувозанат нархлари шаклланиши жараёнида содир бўлади. Бундан олдиндаги маърузада мувозанат дархол юзага келмайди ва унинг даражаси талаб билан таклифнинг нисбатига боғлик леб кўрсатилиган эди. Агар дастлабки шаклланган нарх бўйича талаб таклифдан ортиқ бўлса, нарх ошиб боради. Бундай вазиятда сотувчилар билан биргаликда харакат қилиш хос бўлиб, харидорлар пароканда бўладилар ва уларнинг ҳар бири тақчия молни сотиб олишда бошқасидан ўзишга итилади. Борди-ю, дастлабки нарх назиятида таклиф талабдан ортиқ бўлса, харидорлар сотувчиларни бир-бирлари билан рақобат қилишга, нархни пасайтиришга мажбур этадилар. Натижада мувозанат биринчи холдагига қараганда пастрок даражада қарор топади. Бундан харидорлар ютадилар, чунки улардан ҳар бири товарни арzonрок сотиб олишга муваффак бўлади.

Иктисадчилар учун *сотувчилар ўртасидаги рақобат* фоят қизиқарлидир. Бозор иктисадисти шароитида сотувчилар (тонар ишлаб чиқарувчилар) истеъмолчининг пули учун курашадилар. Сотувчилар рақобатининг иккита асосий шакли – *тармоқ* ичиди ва *тармоқлар-аро рақобатлар* шакли кейинроқ, кўриб чиқилати.

Товар ҳўжалиги шароитида *минтақалар ўртасидаги рақобат* муҳим аҳамият касб этади. Уни “Европа Иттифоқи” мисолида кўрсатиб берамиз. Жумладан, Францияда дон етиштириш харажатлари Германиядагига қараганда камрок бўлганилиги муносабати билан Иттифоқ доирасида нархлар ягона тизимини ўрнатиш француз дон етиштирувчилари учун фойдалериокдир. Уларнинг улибу маҳсулотни кўпроқ экспорт қилишлари табиийдир. Шу сабабга кўра Германиянинг озиқ-овқат ва озукабоп донга бўлган эҳтиёжининг катта қисми Франциядан дон келтириш ҳисобига қондирилади. Натижада кўпроқ чикимдор бўлган немис деҳкоилари рақобат курашида ютқазадилар ва анча-мунча даромад йўқотадилар. Шу боис уларнинг ташқаридан дон келтиришни чеклашни ва Европадаги интеграция жараёнлари келтирган зарарни коплашни талаб қилишлари мутлақо табиий түюлади.

Минтақалараро рақобат асосан сотувчилар ўртасида мавжуддир. Лекин у харидорлар ўртасида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, харидорлар гурӯҳлари зарур товарларни арzonга сотиб олиш учун бир мамлакатдан бошқасига катнайдиган “моддий” ёки “товар” туризми каби ҳодиса ҳам жаҳон амалиётида маълум. Мамлакатимизда шу шиятда харидорларнинг катта-катта қисми кишилоч жойлардан шахарларга, бир шаҳардан бошқасига, вилоятдан вилоятга, мамлакатдан мамлакатга катнайдилар.

2. Рақобатнинг турлари ва усуллари

Тармоқ ичидаги рақобат бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи-лар ўртасидаги рақобатdir. Уни шу нарса тақозо этадики, товарлар нарихи, демак, корхона фойдасининг микдори ҳам худди шундай товарлар ишлаб чиқараётган бошқа ишлаб чиқарувчилар фаолиятига боғлиқ. Ишлаб чиқарувчилар учун ички ва ташки шароитларнинг кўплиги туфайли улар бозорда турича мавкени эталлайди. Уларнинг ҳар бирининг тармоқдаги ўринини, энг авваю, корхонанинг техники-кавий ва технологик даражаси, унда ишиловчи ходимлар малакаси, маҳсулот ишилаб чиқариш ва сотиши қандай ташкил этилганини белгилаб беради. Ташки шарт-шароитлар ҳам: корхона ишлаб турган табиий ва ижтимоий мухитга хос ҳусусиятлар катта аҳамиятта молик. Чунки, буғдои етиштиришга ихтисослашган фирма бошқа фирмалар билан шарт-шароитлар teng бўлсада, тупроқ унумлироқ бўлган жойдан кўпроқ даромад олади. Ишлаб чиқарувчиларни хом ашё етказиб берувчилар ва улар темир йўл магистралларига ва автомобил йўлларига бошқалардан кўра яқинроқ жойлашган корхоналар эса хом ашё етказиша ва маҳсулотни сотишда устуниликка эга бўладишар.

Битта тармоқнинг ҳамма корхоналари шартли равишда уч гурухга бўлинини мумкин: тармоқ бўйича ўртачадан юкорироқ маҳсулот ишилаб чиқариш ва сотиши кўрсаткичларига эга бўлган – “яҳши”, тармоқда ўртача даражада бўлган – “ўртача”, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича энг паст кўрсаткичларга эга бўлган – “ёмон” гурухларга бўлинини мумкин. Табиийки, яхшироқ асбоб-ускуналарга, малакали ходимларга, шунингдек, бошқа техника-технологиялар ва ташкилий устуникларга эга бўлмаган корхоналарга қараганда кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишилаб чиқаради. Бунинг оқибатида “яҳши” корхоналар ўз товарларини ўртача бозор нархларидан пастрок нархларда ҳамда ҳатто “ўртача” ва “ёмон” ишлаб чиқарувчилар зарар кўриб сотадиган нархларда сотишлари мумкин.

Були ракамларда кўриб чиқамиз. Айтайлик, ўзаро рақобат қи-лувчи учта корхона бир хилдаги пойафзални жами бўлиб йилига 100 минг жуфт ишлаб чиқарадилар. 1-корхона 30 минг жуфт чиқаради, ишлаб чиқариш харажатлари унинг ҳар бир жуфтига 20 долларни ташкил этади. 2-корхона тегишли тартибда 60 минг жуфт ва 30 доллардан, 3-корхона 10 минг жуфт ва 50 доллардан чиқаради. Агар бир жуфт пойафзал 40 доллар миқёсида белгиланса, кўриниб турибдики, биринчи корхона хўжалик фаолиятини катта фойда олиб юритаяти, ҳатто бир жуфт пойафзалнинг нарихи 30 долларгача тушса ҳам, у фойда олади. Кўриниб турибдика, 2-корхона ҳам фойда олиши мумкин. Лекин унда техникани такомиллаштириш,

мехнат шароитларини яхшилаш, ходимлар малакасини ошириш, яъни ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳақида күпроқ кайтурилса, бу корхона ҳам күпроқ фойда олишга эришади. З-корхонанинг эса кўрган зарари 100 минг долларга етади ва унинг раҳбарлари ё ҳаражагларни анча қисқартириш, маҳсулот чиқаришини кўпайтириш ва унинг истеъмол хоссаларини янгилашга ёки корхонани бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаширишга мажбур бўладилар. Ҳар иккала чора ҳам муайян ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишни талаб қиласди. Борди-ю учинчи корхона фаолиятида хеч қандай ўзгариш содир бўлмаса, у бозор иқтисодиёти шароитида синади ва ёнилади, унинг бутун молмулки сотиб юборилади.

Ушбу мисол тармоқ ичидаги ракобат вазифаларини яхширок тушуниб олиш имконини беради.

Биринчидан, у фан-техника тараққиётини рағбатлантириб, ишлаб чиқарувчиларни ҳаражатларини камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳақида доимо жон кўйдирнишга мажбур этади.

Иккинчидан, ишлаб чиқаришда иштирок этаётган ҳар бир кипини малакасини муттасил оширишга, иш усусларини такомилиштиришга мажбур этади.

Учинчидан, ҳар бир тармоқда яхширок ишлаётган ишлаб чиқарувчилар күпроқ даромад олишлари учун шароит яратади.

Туртинчидан, ички ракобат техникавий ва ташкилий жиҳатдан энг илғор корхоналарни танлаб оладики, бу муайян товарни ишлаб чиқаришга ижтимоий ҳаражатларни камайтиришга олиб келади.

Энди *тармоқлараро рақобатни* кўриб чиқайлик. Мисолдан бошлиймиз. Фараз килайлик, учта тармоқ: саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш бор дейлик (ҳақиқатдан тармоқлар анча кўп, лекин биз учун ҳозир унинг аҳамияти йўқ). Кимдир 100 минг долларга эга ва уни даромад олиш мақсадидан ишлаб чиқаришга сарфламоқчи деб фараз килайлик. Мана шу пулни саноатга сарфлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни 115 минг долларга сотиш (фойда меъёри-15%), қишлоқ хўжалигига чиқарилган маҳсулотни согишдан тушадиган шул 110 минг доллар (фойда меъёри-10%), қурилишда эса бинокорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва согишдан 105 минг доллар (фойда меъёри-5%) олиш мумкинлиги унга маълум бўлади. Ана шу 100 минг доллари бўлган киши уларнинг саноатга сарфлашини тушуниш қийин эмас. Маблағи бўлган ва уни ишлаб чиқаришга сарфламоқчи бўлган бошқа кишилар ҳам худди шундай қиласдилар. Натижада саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ортади, бинобарин, уни таклиф қилиш ҳам кўпайиб, у муайян пайтда талабдан ортик бўлади. Бунда мазкур тармоқ чиқараётган товарлар нархи пасайди,

бинобарин фойда ҳам камайди. Айни чогда ресурслар камайиб кетган тармоқларда маҳсулот чикариш озаяди ва уни таклиф килиш кисқаради. Башарти, ҳатто талаб ўзгартмаганда ҳам у барibir кисқарган таклифдан ортиқ бўла бошлайди. Шу туфайли кишлок хўжалик ва курилиш маҳсулотлари нархлари кўтаришиб, мазкур тармоқларда фойда меъёрининг ошишига олиб келади.

Вазиятнинг бундай ўзгариши саноатдан, моддий меҳнат ва молия ресурсларининг саноатга нисбатан анча фойдалирок бўлиб қолган курилиш ва қишлок хўжалигига оқиб ўтишига сабаб бўлади. Шундай қишиб ресурслар ҳамиша фойда меъёри анча паст бўлган тармоқдан у юкорирок бўлган тармоқка оқиб ўтади. Шу асосда тармоқлараро ракобат-товар ишлаб чикарувчилар ўртасида ўз маблағларини энг фойдали ишлаб чикариш соҳасига жойлаштириш учун кураш содир бўлади.

Бозор хўжалигида тармоқлараро ракобат икки асосий вазифани бажаради:

Биринчидан, у туфайли харидорлар эҳтиёжларига ғоят мос иқтисодиёт тизими вужудга келади. Бу шунинг учун содир бўладики, ишлаб чикарувчилар талабнинг тармоқлар ўртасида қайта таксимлашишига дарҳол муносабат билдирацитар.

Иккинчидан, тармоқлараро ракобат самарадорлигининг бир қадар ижтимоий зарур даражасини яратадики, у фойда меъёрининг ўртача даражасида ифодаланади. Самарадорликни ушбу даражасига ета олмаган корхоналар катта даромадга умид қўлмасалар ҳам бўлади. Бундай аҳвол барча ишлаб чикарувчиларни ишлаб чикаришни ташкил этишини ва маҳсулот сотишни доимо такомилаштиришта мажбур этади.

Ракобат курашининг барча усусларини пархий ва гайринархий усусларга бўлиш мумкин. Харидор томонидан ўзи сотаётган товар нархининг ўзгартирлиши кўзда тутилган бўлади. Кўпдан-кўп харидорлару сотувчилар ичи кўрувчи бозорда одатда сотувчилар пархларни пасайтира борадилар. Бу кўпроқ харидорларни жашиб килиш, сотилган товар сонини кўплайтириш, ракобатчилар учун бозорни касод қилиш мақсадида амалга ошириллади. Аммо биронта ҳам ишлаб чикарувчи узоқ вақт шундай иш тута олмайди, чунки бундай ишлаб чикарувчининг даромади камайиб кетади. Бу хилдаги пархий ракобатни чекловчи асосий нарса шудир.

Сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги пархий ракобат сотувчилар томонидан ўзлари сотаётган маҳсулотга монопол юқори нархлар белгиланишида ифодаланиши мумкин. Бу усулининг мақсади монопол фойда олишигина эмас, балки харидорларни согувчилар учун куляй бўлган шароитта солиб кўйиш ҳамцир. Аммо агар

бозорда сотовчилар кам бўлиб, улар нархларниң муайян даражада тутиш хусусида келиша олган тақдирдагина шундай бўлиши мумкин.

Рақобатниң **ғайринархий усувлари** сотовчиларниң товарлар нархларин эмас, балки уларпинг истеъмол хоссаларини (буни сотиб олиш ва ишлатиш шароитларини) ўзгартиришларига асосланган.

Ғайринархий рақобатниң товар сифатини табакалаштириш каби усули яхши маълум. Товарлар бир хилдаги эҳтиёжни кондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.

Маҳсулот кўп бўлиб, сотовчилар уни кўпроқ сотишга урининг гаунда товарларни насияга сотиш каби рақобат кураши усули муҳим аҳамият касб этади. Бу хоша товар нархининг факат бир қисми тўланади, уни қолган қисми шартномада келингилган муайян муддат давомида тўланади.

Фан-техника инҳилоби рақобат курашини моҳиятан янги боскичта кўтаради. Гап хизма-хил техникавий ва технологик такомиллаштиришлар, патентлар устидан назоратни қўлга киритиши устидан бормоқдаки, бу маҳсулотниң истеъмол хоссаларини мунтазам яхшилаш имконини берали. Ҳозирги шароитда фан ва техниканинг энг янги югувлари устидан назорат қилиш учун кураш рақобатниң асосий усувларида бирига айланганлиги таажжубланарли эмас.

Бундан ташқари фирмалар ҳарицдорларни жалб қилиш ниятида ўз маҳсулотига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишнинг турли хизларини амалга оширмоқда. Улар, масалан, дастгоҳлар чиқарибгина қолмай, балки, сотадилар, ҳам ўрнатадилар, ҳам буюртмачи корхонанинг ходимларини улардан фойдаланишга ўргатадилар, уларниң кафолатли ва кўпинча кафолатдан кейинги тъмирлаш ишларини бажарашилар, техникавий хизматни амалга оширадилар, дастгоҳлар параметрларини буюртмачи эҳтиёжларига имкони борича якинлашгирадилар.

Юкорида қайд этилганидек, ишлаб чиқарувчиларниң нархий рақобатларида маркетинг муҳим аҳамиятга эга, у энг умумий тарзда олганда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабларга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборатдир. Бозор иктиносидёти шароитида биронта ҳам корхона маркетингта эътибор бермай иложи йўқ. Зеро, бозор шароитида яхширок йўл тута биладиган ва ҳарицдорлар эҳтиёжларини тўларок кондира оладиган фирмалар ҳамиша ютиб чикиши шак-шубҳасиздир.

3. Мукаммал рақобат ва унинг афзалликлари

Маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат – мукаммал рақобат дейилади. Ишлаб чиқарувчиларниң ўзини эса

мукаммал рақобатчилар деб аташ учун қуидаги уcta шарт бажарылған бўлиши керак:

1) сифат жиҳатдан бир хил бўлған бирон пеъмагни етарлича катта миқдорда ишлаб чиқарадилар;

2) ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бирига ишлаб чиқаришган ушбу неъмат умумий ҳажмининг арзимас бир кисми тўғри келади;

3) ишлаб чиқаришнинг ушбу тармогида капиталчар ва иш кучининг эркин оқиб келиши ва оқиб кетиши учун ҳеч қандай жиҳдий тўсиклар йўқ. Мукаммал рақобат шароитида тайёр маҳсулотнинг нархи объективдир, бинобарин, мукаммал рақобатчи чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини қанчалик ўзгартирмасин, бозорда нарх ўзгармай қолаверади.

Гап шундаки, талаб билан таклифнинг нисбатига арзирлик таъсир кўрсатиши учун уни ишлаб чиқаришнинг кўлами ғоят камлилариди.

Бундай рақобатнинг зиддиги монополия бўлиб, факат алоҳида субъект гурухи ёки давлатнинг фаолиятининг муайян турини амалга ошириш хукуқига эга эканлигини аинглатади. Бозор иқтисодиёти шароитида монополист – ишлаб чиқарувчиларнинг мақоми, уларнинг бозорда монопол нархлар белгилашда ва монопол юкори фойда олишида намоён бўлади.

Монополияларни юзага келиши, қанчалик гайритабиий бўлмасин, энг аввало товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат кураши билан боғлиkdir. Рақобат уларни бозор стихиясини назорат қилиб туриши учун бирлашишта мажбур қиласиди. Бозорни тартибига солиб туришга кодир ғоят улкан корхоналар асосий бўғинлари бўлған йирик машинали ишлаб чиқариш босқичида бозорни монополлаштиришда айниқса кайта имкониятлар пайдо бўлади. Айни вақтда бозор иқтисодиётида табиий монополия ҳам мавжуд бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг ноёб ва эркин тақрор яратилмайдиган омишларга (фойдали қазилмаларга, серунум ер участкалари, ноёб ва ижодий қобилияtlар ва ҳоказоларга) эга бўлишга асосланган.

Соф (мутлак) монополия шароитида муайян иқтисодий неъматни факат битта ишлаб чиқарувчи чиқаради. Дарвоқе, бозорда бор неъматларнинг ўрнини бирон-бир тарзда боса оладиган неъматлар бўлмайди. Равшанки, бундай монополист нархларни мутлак тарзда назорат қилиб туради. Бунда бирдан-бир ческовчи омил талабнинг ўзгарувчанилигидир. Агар талаб ўзгарувчан бўлса, нархнинг ошишин талабнинг камайиши ва ишлаб чиқаришнинг камайиши билан боғлиқ бўлади, ишлаб чиқариш миқёсларининг кенгайиши эса, мукаррар равнишда нархларнинг пасайнишига сабаб бўлади.

4. Номукаммал рақобат ва унинг кўринишлари

Мукаммал рақобат ва “соф монополия” тушунчалари илмий абстракция бўлиб, мутахассисларга жамият иқтисодий ҳаётини таҳлил қилиш имконини беради. Амалда мукаммал рақобат ҳам, соф монополия ҳам бўлмайди. Лекин шундай иқтисодиёт тармоқлари борки, улар ушбу “идеаллар”га жуда яқин бўлишилари мумкин (айни вактда монополлаштирилган тармоқлар, одатда давлат назорати остида бўладилар). Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида номукаммал рақобат, яъни бозор рақобатининг монополия билан коришуви устундир.

Агар фирма чиқараётган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши ана шу маҳсулот нархини ўзгартирса, шу фирма **номукаммал рақобатчи** деб аталади. Машхур америка иқтисодчиси П.Самуэсон донолик билан айтганидек, “бундай унинг (firmанинг) эгасининг феъли ёмон, у хотинини сенмайди ёки хисоб рақамлари бўйича ҳақ тўламайди, деган маъно чиқмайди, асло”. Муайян хил маҳсулотни чиқаришда ушбу рақобатчининг улуши шу қадар каттаки, унинг ишлаб чиқаришни камайтириши ёки кўпайтириши таклиф даражасига, демак, товар нархига ҳам таъсир кўлади.

Номукаммал рақобатининг иккита жуда кенг тарқалган ҳолатиши кўрсатиш мумкинки, булар бирон-бир товар бозорида ишлаб чиқарувчиларнинг сони кам бўлган (олигаполия) ва унда фарқлашунчи маҳсулот (масалан, автомобилларнинг турли хиллари) яратувчи ишлаб чиқарувчиларнинг сони кўп бўлган ҳолатлардир.

Хар иккала ҳолатда ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш ёки кўпайтириши орқали нархларга каттагина таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо нархларни тартибга солиб туришда, биринчидан, (мутлоқ монополист сифатида ҳам) талабнинг ўзгарувчанлиги билан, иккинчидан, ё ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи (олигаполия шароитида) оз сонли рақобатчиларнинг ёки бир-бирининг ўринини боса оладиган товарларни (фарқловчи ишлаб чиқарувчилар сони кўп бўлганда) ишлаб чиқарувчи рақобатчиларнинг хатти-харакатлари билан чеклаб қўйилган.

Ресурсларнинг бир тармоқдан бошқасига эркин оқиб ўтишини ҳамда ҳар бир хоҳловчи кишининг ўз ишини бошлаш имкониятини такозо этувчи ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида монополия узок вактга чўзилиши мумкин эмас. Факат нархни ошириш хисобига фойдани кўпайтирувчи номукаммал рақобатчи аслини олганда, пировард натижада, мағлубиятта маҳкумдир. Зоро, ҳар бир дамда бозорда анча паст нархли, ўринни босувчи товарни (бир-бирини ўринини босувчи товарлар) таклиф этувчи рақобатчи пайдо бўлиши мумкин. Ниҳоят, “бизнинг” номукаммал рақобатчимизнинг

товарларини сотиб олувчи ишлаб чиқарувчилар технологиясини қайта күриб, сотиб олишини камайтиришлари ёки ҳатто тұхтатиб күйишилари мүмкін. Монополиялар, күриб турибмізки, рақобат курашини йүқтамайдылар ва асло ишлаб чиқарувчига ҳамиша туллаб-яшнаш кафолатини бермайдылар.

Юқорида сүз юритганимиздес, рақобат кураши усуллари ному-каммал бозор учун ҳам хосдир. Аммо бунда ўзига хос жиғат ҳам бор. Борди-ю монополиялаштирилмаган шүйба корхоналары биілан курашда монополиялар рақобатынға нархларга оид усулларидан фойдалансалар (монопол паст нархлар белгілайдылар ва бу биілан рақибларини хонавайрон қыладылар), ўзаро курашда монополистлар нархларга оид бўлмаган рақобатни афзал кўрадылар, чунки у шу қадар кучни рақибларининг нархларни пасайтириш воситаси биілан бир-бирига қарши кураши жуда кимматга тушади.

Йирик корхоналар учун бозорни кўлга киритишнинг воситаларидан бири **реклама**dir. Ҳозирги кунда АҚШ ва Япония йирик фирмаларининг рекламага ажратастган маблағлари уларни савдо оборотининг 7-15 фоизига этиб қолгани бежиз эмас. Номукаммал рақобат шаронтида рақибларнинг ҳом ашё, иш кучи, сотиш бозори, ахборот, кредитлар ва ҳоказоларга эга бўлиш имкониятларини чеклаш каби усулларидан ҳам фойдаланишади.

5. Нархнинг вазифалари, унинг ташкил топиши

Нарх (баъз) товар қийматининг пулдаги ифодасидир; товар, хизмат бирликларини сотиб олиш учун курбон килинадиган нарсалардир.

Нарх қуйидаги вазифаларни бажаради:

Бозор мувозанатини таъминлаш вазифаси. Була бозор талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибиға таъсир этиб, улар мувозанат ҳолатига келтирилади.

Хисоб-китоб, ўлчов вазифаси. Товар ишлаб чиқариш учун килинган сарф-харажатлар, ундан кўрган фойда ёки зарар, бажарилған ишлар ҳажми жами маълум нарх асосида ҳисоб-китоб қилинади. Товарлар хилма-хил натурал шаклда бўлғанлиги учун уларни жамлаб бўлмайди, факат уларнинг умумий ўлчови пул бўлиб, унда парх ифодачанади. Товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни маълум нархда сотиб олилади (машина, ускуна, ҳом-ашё, ёқилғи, ҳар хил ёрдамчи материаллар, иш кучи ва ҳоказолар нархи). Уларни товар ишлаб чиқаришга кетган микдорини сотиб олинган ўз нархига кўнайтмаси умум харажатлар ҳажмини кўрсатади. Ишлаб чиқарилиган товар микдорини унинг ҳар бир нархига кўнайтмаси ишлаб чиқариш ҳажмини пулдаги ифодасини кўрсатади.

Иқтисодий тартибловчи вазифаси. Нарх бозор иқтисодиётининг асосий воситалариидир. Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг моддий асоси бўлиб, бозор билан алоқаси нарх-наво орқали юз беради.

Товар пархларининг ўзгариб туриши бозор ҳолатини билдирали, бу эса талаб-таклиф нисбатига боюлик.

Муайян товарга талаб ортса, шу товарни ишлаб чиқариш кўпаяди ва аксинча. Айнан шу товарни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлари олдинги миқдорда сақланиб қолган холда нарх юкори бўлса фойда ортади, агар нарх пасайса, аксинча, фойда миқдори камаяди. Фойда ёки зарар кўриш ишлаб чиқарувчилар фаолиятига тъсир кўрсатади. Хуласе, нарх фирмаларни бозорбоп товар ишлаб чиқаришга мажбур килади.

Рақобат воситаси. Бозор иқтисодиёти шароигида фирмалар бир-бири билан ракобатда бўлади. Рақобат кураши товарларининг нархи асосида кечади. Фирмалар ўз рақибини сенгиш учун ўз товарларини нархини ўзгартириб туради. Харидорни ўзига каратиб олиш мақсадида фирмалар товарлар нархини пасайтириб туради. Рақобатда дастак сифатида товар нархини тез-тез ўзгартириб турish кенг ишлатилади.

Ижтимоий ҳимоя вазифаси. Аҳолининг камбағал ночор тоифалари учун товарлар нархи арzonлаштириб сотилади. Бу ижтимоий дотациялаптирилган нархлар бўлиб, давлат бюджети ёки турли хайрия маблаглари билан таъминланади.

Озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳоказолар арzonлаштирилиб, аҳолининг камбағал табакаларига сотилади. 1992 йилда Ўзбекистонда бюджет ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотларига, яъни ион нархига – 29,2 млрд. сўм, ун нархига – 37 млрд. сўм, шакар нархига – 31,8 млрд. сўм, гўшт нархига – 80 млрд. сўм дотация берилди.

Нарх сотувчи ва харидор ўртасида Келишув асосида ташкил топади. Бозор ҳолатига қараб нарх тез-тез ўзгариб туради.

Нархнинг шакланишига талаб ва таклиф нисбати ҳам тъсир этади. Айниқса товарнинг фойдалилиги унинг нархига тъсири жуда кучли бўлади. Агар товарнинг фойдалилиги қанчали юкори бўлса, унинг нархи ҳам шунчалик юкори бўлади.

Нархларнинг шаклланиши жараёни мураккаб, уларнинг иштирокчилари ўсят кўпчилик, нархлар ҳар хил вазифани бажаради, шу боис пархларнинг тури кўп (мувозанатланилган нарх, демпинг нарх, нуфузли нарх, миллӣ нарх, арzonлаштирилган нарх, стандарт нарх, контракт (ултуржи) нарх, ўзгарувчан нарх, чакана нарх, эркин нарх, жаҳон нархи ва ҳоказолар).

Асосий түшүнчалар ва таянч иборалар

Рақобат – бу мүмкін қадар күп фойда олиш құкуқига зға бүлиш учун товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларни ўртасидаги кураш, беллашыулыр, бозорда жуда ҳам күп ишлаб чиқарувчилар ва истесъмолчилар мавжуд ҳамда улар бозорга әркін кириш ва ундан чикиш имконига зға.

Тармок ичилдеги рақобат – бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобаттар.

Тармоклараро рақобат – товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги үз маблағларини эңг фойдали ишлаб чиқарыш соҳасига жойлаштириш учун кураш содир бўлади.

Мукаммал (әркін) рақобат – маҳсулот сотувчилари ва харидорларни күп сонли эканлигини ифодоловчи бозор, улардан ҳеч қайси маҳсулот нархига таъсир эта олмайди, бозорга кириш учун ташкилий, иктисолий, маъмурӣ тўсиклар бўлмайди.

Номукаммал рақобат – бозордаги вазият бўлиб, бунда харидорлар ёки сотувчилар нархлар даражасига мустакил таъсир кўрсатишга кодир бўладилар. Соғ монополия, олигополия, монопол рақобат, монополия номукаммал рақобатни кўринишлари ҳисобланади.

Соф монопол рақобат – бозордаги вазият бўлиб, бунда муайян товар ва хизматларни факат битта ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқаради.

Монопол рақобат – бозор бунда кўпчилик фирмалар табақалаштирилган маҳсулот сотадилар; бозорга кириш нисбатан әркін; бу бозорда фирма ишлаб чиқараётган маҳсулотини сотиш нархи устидан матълум назоратга зға ва унда кўп нархдан холи рақобат амал киласи.

Монопсония – бозордаги вазият бўлиб, унда битта харидорга кўп сонли сотувчилар қарама-карши туради.

Нарх – товар ва хизматлар бирлигига тўланадиган ва олинадиган пул (ёки бошқа товар ва хизматлар) миқдори.

Әркін нархлар – товар ва хизматлар бозоридаги талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда корхоналар томонидан мустакил ёки шартнома асосида белгиланади.

Шартнома нархлари – бу товарниг бирлиги (дона, тонна, кип, баррел ва бошқалар) учун олди-сотди шартномаларда қатъиي белгиланади.

Мувозанат нархи – талаб ва таклиф тенг бўлган пайтдаги товарниг нархи.

Демпинг нарх – товарларни таинархидан (харажатларидан) паст нархлар бўйича сотиш; демпинг, одатда ташки савдода қўлланилади.

Улгуржи нарх – катта партияларда (күттарасига) сотилағын то-варларпинг нархи. Одатда, катта партиялардаги товарларнинг нархи майда улгуржи ҳамда чакана нархлардан анча наст бўлади.

Чакана нарх – кичик миқдорларда шахсий истеъмолга сотила-диган товарларга белгиланади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Рақобат нима?
2. Рақобатпинг қандай турлари ва усуслари бор?
3. Ҳозирги иқтисодиётда рақобатнинг қандай усуслари хос?
4. Нима сабабдан рақобат иқтисодиётни ривожлантирувчи куч ҳи-собланади?
5. Муқаммал ва номуқаммал рақобат деганда нимани тушунасиз? Улар ўртасида қандай фарқ бор?
6. Нарх нима?
7. Нарх қандай вазифаларни бажаради?
8. Нархнинг шаклланишига қандай омиллар таъсир этади?
9. Нархнинг қандай турларили биласиз? Уларни мазмунини тушун-тириб беринг?
10. Арzonчилик ва қимматчилик мезонлари нима?

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент, «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: «Ўзбе-кистон», 1999 й.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Тошкент: «Меҳнат», 1995.
- Йўлдошев З., Косимов М. Макроиктисодиёт асослари. -Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
- Камаев В.Д. и колл.авт. Экономическая теория. – М.: “Владос”, 1998.
- Борисов Е.Ф. Экономическая теория. Учебник. –М.: Юристъ, 2001.

XVI БОБ. ФОНДЛАРНИНГ ДОИРАВИЙ АЙЛANIШИ ВА АЙЛANIШИ

1. Ишлаб чиқариш фондларининг доираний айланнишинг уч босқичи ва шакли.
2. Асосий ва айланма фондлар.
3. Асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши.
4. Айланма фондлар ва муомала фондлари. Айланма маблағлар.

1. Ишлаб чиқариш фондларининг доираний айланнишинг уч босқичи ва шакли

Корхоналарнинг иқтисодий фаолияти тўхтовсиз давом этиб турадиган ҳолатдир. Ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат предметлари ва иш кучи корхонаца бирлашиб, ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиши туфайли маҳсулот тайёрланади.

Албатта, ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилади, натижада аввал авансланган пул корхона ҳисобига кайтиб тушади ҳамда иш ҳақи тўлашга ажратилади. Корхоналарда мана шу хом ашё, майдага инвентарлар, ёқилғи кабиларни сотиб олиш, ишчиларга ҳақ тўлаш. Яъни маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтовсиз давом этиб туршига корхона фондларнинг *доираний айланниши* дейилади. Демак, корхона фондларининг бир ҳолатидан иккинчи ҳолатига айланниб ўтиши, яъни пул шаклидан ишлаб чиқарувчи, сўнгра товар кўринишларида бўлиши, *фондлар доираний айланнишинг уч босқичи* дейилади.

Биринчи босқич – пулга зарур ишлаб чиқариш воситалари сотиб олинади ва ишчиларга иш ҳақи учун пул ажратилади.

Иккинчи босқич – ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи бирлашиб, натижада янги товар яратилади.

Учинчи босқич – товарни муомалага чиқариб сотиш, яъни пулга айлантириш содир бўлади. Шундай килиб, яна янгида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари тақрорланаверади.

Демак, корхонага ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағ уч кўринишда, яъни пул, унумли, товар шаклида намоён бўлади. Шундан иккинчиси яратиш, унумли жараёни деб ҳисбланса, иринчи ва учинчи босқичлар муомала жараёнида пул-товар шаклида ҳаракат қиласида. Бу кўйидаги кўринишда ифодаланиши мумкин:

P-T	 Ив ... У ...	T'-N'
Ик		
1-босқич (муомала)	2-босқич (ишлаб чиқариш)	3-босқич (муомала)

П – пул маблаглари;

Т – товарлар;

Ив – ишлаб чиқариш воситалари;

Ик – ишчи кучи;

У... – ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари-дан ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш;

Т’ – сотиш учун таेरланган янги товар;

П’ – товар сотилишидан олинган пул маблаги.

Корхона фаолиятида ишлаб чиқариш фондларининг таркибий кисеми бўлгани айланма фондлар ва уларни айланниш вакти муҳим аҳамиятга эгаdir.

Айланма фондларнинг харакати ишлаб чиқариш ва муомала вактида ташкил топади. Мана шу фондлар айланниш вактини кискартириш жараёнида корхона самарацорлигини оширишни бирдан-бир йирик манбаглари яширинган бўлаци. Масалан, ишлаб чиқариш вактига – ишчиларни меҳнат предметларига таъсир ўtkазиш даври, бу ишлаб чиқариш жараёни операцияларини анча давом этиш (фалланси ўриб олиш муддати, терини ошилаш) муддати ёки маҳсулот етказиб беришдаги узилишлар, электр энергия ўчиб колиши таъсир этади. Умуман ишлаб чиқариш жараёни учун сарфланган вакт тармоқ корхоналарининг этиштирадиган маҳсулот турига қараб 15 кундан бир йилгача давом этиши мумкин. Масалан, оёқ кийим ишлаб чиқариш фабрикаси 15 кунгача бўлса, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш 6 ой, ҳатто бир йилни ташкил этади.

Саноат маҳсулотлари берадиган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш вакти тўғри ташкил этилмаса, ҳом ашё заҳираларининг туриб қолишига, корхонани бир меъёрда ишлашига пугур этиши, корхона кувватини пасайишига, оптика харажатларни кўпайишига олиб келади. Айланма фонdlарни ишлаб чиқариш вактини камайтириш учун маҳсулот ва дастгоҳлардан унумли фойдаланиш, ҳом ашё жамғармаларини ҳажм, сақлаш муддатига алоҳида аҳамият бериш; ишчиларни меҳнат сарфлаш муддатини ҳисобга олиб бориш; шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришда одам ихтиёридан ташқари бўладиган таассуротлар, кимё саноати, кишлоқ хўжалигида кутидиган муддатлар, дам олиш кунлари, ишсиз туриб қолишлар, иш ташлаш кунлари, ҳом ашё материаллари вактида етказиб берилмай колиши, айланма фонdlарни вактини узайтириб корхона иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Муомала вакти ҳам айланма фонdlарни самарасини оширишда алоҳида ўрин тутади. Масалан, ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш, ўрнатиш, корхоналар билан ҳисоб-китоб қилиш, маҳсулотни омборларда туриб қолиши, сотиш муддатининг узайиб ёки кечики-

ши, шуниндең транспорт, алока, фан-техника яғылайларини жөрій қилиш, башқаришиң тәкомиллаштириш, автоматтандырылыш комплекстегі механизациялаш, технологик жараёшларни тәкомиллаштыриш мұомала вактіни кисқартыришга у ёки бу даражада таъсир қиласы.

2. Асосий ва айланма фондлар

Корхоналар, юридик шахс сифатыда ишлаб чыкарушының бир фондларига әзгалик қиласы да бу фондлар асосий фондларга ва айланма фондларга бўлинади.

Асосий фондлар – ўз қийматларини ишлаб чыкарушының бир босқичида эмас, бир неча босқичи давомида тайёрланган маҳсулотга кисман-кисман ўтказиб боради. Асосий фондларга бинолар, иншоотлар, дастгоҳлар, ускунлар, транспорт воситалари ва бошқа хил машинагалар киради. Асосий фондлар миллий бойликнинг муҳим кисми ҳисобланиб, иктисадий ҳаётда жуда катта роль ўйнайди. Ҳозирги замон фан-техника революцияси асосий ишлаб чыкаруш фондларида жиҳдий сифат ва микдор ўзгариши қилиб, меҳнат унумдорлигини ошириб, механизациялаш, ташкил этиш ва башқаришга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда. Асосий фондлар миллий бойликни энг муҳим ва тез ўсиб борувчи қисмидир.

Айланма фондлар – ишлаб чыкаруш циклининг ҳар бир жараёнида ўз қийматларини тўлалигича товарга ўтказиб, товар сотилгандан кейин корхонага кайтарылади. Айланма фондларга комашё, ёкилги, ёрдамчи материаллар, электр энергияси ҳаражатлари, майда инвентар сарфлари ҳам киради. Шунингдек, иш ҳаки учун аванс тарикасида тўланган маблағлар ҳам киради.

Айланма фондлар йил давомида бир неча маротаба доиравий айланниб, корхоналар ишлаб чыкаруш жарёнига хизмат қиласы. Айланма фондларни айланисини тезлатиш корхонага катта иктисадий фойда келтиради. Ҳар бир корхонада камрок айланма фондлар ҳажмига, кўпроқ суммадаги маҳсулот ишлаб чыкарушдан катта маңбаат кўради.

Амортизация – асосий фондлар, меҳнат қуроллари, ишлаб чыкаруш жарабайни фойдаланиш даврида эскириб борадилар, яъни ўз қийматларини тайёрланадиган маҳсулотга бир неча йил давомида кисман-кисман ўтказиб боради ва ҳаракатдан тўхтаб ишсан чиқади. Ана шу асосий фондларни аслини қайта тиклаш учун корхона ҳар йили соғ даромадидан маблағ ажратиб берилади ва бу ажратилган маблағ маҳсулот таннархига киради. Демак, аслини қайта тиклаш учун ажратилган маблағга амортизация дейилади. Амортизация нормаси, меҳнат қуролларининг хизмат қилиш мүддатига нисбатан ба-

ланс қийматидан фоиз ажратиб беради. Амортизация учун ажратилған пулнинг бир қисми аслини тиклаш, яғни янги ишлаб чиқариш воситалари, дастгоҳ сотиб олишга сарфланса, қолған қисми, дастгоҳларни капитал ремонт қилиш учун фойдаланилади. Шу билан фондларни оддий тақрор ишлаб чиқариши таъминланади. Ҳозирги фан-техника инкилоби шароитида халқ хўжалиги тўхтосиз қайта куролланиб фондлардан самарали фойдаланишини гоят зарур қилиб қўяди.

3. Асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши

Асосий фонdlар истеъмол қийматига ва қийматга эгадир. Истеъмол қиймати аста-секин емирилиб бориб физик хусусиятини йўқотиб жисмоний жиҳатдан ишдан чиқариш жараёнида ўз қийматларини маҳсулотга ўтказиб бориб, эскиради. Асосий фондларни ишга яроқсиз бўлишига *жисмоний эскириши* дейилади ва аслини қайта тиклаш учун ажратилған маблағ хисобига янгиси тикланади. Шунингдек, бекор турган станоклар, трактор, автомашина ва бошқа техникиялар занглайди, эскиради, натижада уларни истеъмол қиймаги пасаяди, қадрсизланади. Шунинг учун асосий фондлардан самарали фойдаланмаслик халқ хўжалиига зарар келтирали. Йлмий-техника тараққиёти даврида *маънавий эскириши* ҳам содир бўлади. У икки турда бўлади. *Маънавий эскиришининг биринчи тури* шу билан бөлганданки, меҳнат воситаларининг муайян турини ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши натижасида уларнинг арzonлашуви юз беради: илгари ишлаб чиқарилганларига ўхшаш бўлган машиналар, асборлар ва қуроллар арzonрок бўлиб қолади. Шунга мувофиқ ишлаб турган асосий фондлар тайёрланадиган маҳсулотга олдинигига қараганда камрок қийматини кўчира бошлайди. *Маънавий эскиришининг иккинчи тури*, янги, сифат жиҳатидан янада мукаммалрок ва самаралирек меҳнат воситалари пайдо бўлиши билан бөлгандандир. Улардан фойдаланиш техникавий хоссалари бунинг натижасида ўзгармайши, уларнинг жисмоний ҳолати яхши бўлиши мумкин, лекин улар ишлаб чиқариш воситаларининг янги турига таққосланада ўз истеъмол қийматини йўқотади. Шунга мувофиқ ҳолда аввалги фондлар қадрсизланади. Фан-техника тараққиёти учун мукаррар тўлов ана шундан иборатдир. Шундай қилиб, иккинчи турдаги маънавий емирилишнинг оқибати зиддиятлидир. Бир томондан, Корхоналар, иккинчи томондан эса жамият ютаци, чунки эски фондлар қийматини йўқотишнинг ўрнини янги фондлардан фойдаланишдан келадиган тежам оргиги бишган қоплаб юборади. Юкорида келтирилган фикрларда гап қиймат ҳақида, унинг кўчиши, ўрни қоплананиши, уни йўқотиш ва ҳоказолар тўғрисида боради. Лекин

реал ҳаётда киймат баҳо орқали чиқади. Амалиётда эса асосий фонdlар яш и элементларнинг нархларини кўпинча асоссиз ошириб юборган бўлади. Бундай ҳолда маънавий эскириш эмас, балки техниканинг самарадорлиги ортиши билан ҳеч бир боғланмаган ҳолда унинг ўзига хос “асоссиз” қимматлашув юз беради. У эскириб қолтган фонdlарни қўллашпи ҳам сунъий равишда нафли килиб қўяди. Табийки, бу уларнинг янгиланиш жараёни бу ҳолга ҳозирги шароитда мутлако чиңлаб бўлмайди. Бунга йўл қўймаслик учун нархларни, амортизация нормаларини белгилаш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда бошқариш механизмини такомиллаштириш чогида тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг объектив мантиқига қаттиқ риоя қилиш, уларда асосий фонdlарнинг жисмоний ва маънавий жиҳатидан реал эскиришини тўла акс эттириши керак.

4. Айланма фонdlар ва муомила фонdlари. Айланма маблағлар

Корхонада юз берадиган ишлаб чиқариш жараёнига асосий фонdlар билан бирга айланма фонdlар ҳам хизмат қиласди. Улар, юкорида кўрсатиб ўтилганидек, меҳнат буюмларининг заҳираларини ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариши, шу жумладан, ярим фабрикатни ҳам ўз ичига олади.

Хар бир корхона айланма ишлаб чиқариш фонdlари билан бир каторда **муомала фонdlariга** ҳам эга. Улар жумласига ишлаб чиқариш боскичидан чиқиб кетган тайёр маҳсулот ва пул маблағлари киради. Айланма ишлаб чиқариш фонdlари билан муомала фонdlари ўргасида доиравий айланани жараёнича жуда яхши алоқа мавжуз бўлади, улар бир-бирларига ўтиб туради ва ҳар бир доиравий айлананидан кейин тўла-тўқис янгиланади. Уларнинг иккаласи бир бўлиб, корхонанинг **айланма маблағларини** ташкил қиласди.

Айланма маблағлардан фойдаланини самарадорлиги айлананинг тезлиги билан боғланади. Айланани тезлиги маблағларнинг йил давомида айланган сони билан, яъни йил давомида маҳсулот сотиш ҳажмининг айланниш маблағларининг ўртача йиллик қолдиғига нисбати билан ўлчанади, чунончи, агар ҳажми 120 млн. сўмни ташкил этса, айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 40 млн. сўмга тенг бўлса, бу айланма маблағларни йил давомида уч марта тўла айланниш килгани англапади (120:40). Шунингдек, айланма маблағларнинг кунлар билан ўлчанган айланниш тезлиги кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. У йилдаги кунлар сонини айланнишлар сонига бўлиши йўли билан аниқланади. Кўрсатиб ўтилган мисолда узунлиги 120 куни ташкил этади (360:3).

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Фондларнинг доиравий айланиши – капиталининг мунтазам равишда пул капитали шаклидан унумли капитал, ундан товар капитали шаклига ва товар капитали шаклидан яна пул капитали шаклига ўтиши ва бирин-кестин уч боскични босиб ўтадиган доиравий ҳаракат.

Асосий фондлар – ўз қийматларини ишлаб чиқаришининг бир боскичидаги эмас, бир неча боскичи давомида тайёрланган маҳсулотга кисман-кисман ўтказиб боради. Асосий фондларга бинолар, иншоотлар, дастгоҳлар, ускуналар, транспорт восьиталари ва бошка хил машиналар киради.

Айланма фондлар – ишлаб чиқариш циклининг ҳар бир жараёнида ўз қийматларини тўлалигича товарга ўтказиб, товар сотилгандан кейин корхонага қайтарилади. Айланма фондларга ҳомаше, ёкини, ёрдамчи материаллар, электр энергияси харажатлари, майда инвентар сарфлари ҳам киради. Шунингдек, иш ҳақи учун аванс тариқасида тўланган маблағлар ҳам киради.

Амортизация – асосий фондлар, меҳнат куроллари, ишлаб чиқариган жараёнида фойдаланиш лаврида эскириб борадилар, яъни ўз қийматларини тайёрланадиган маҳсулотга бир неча йил давомида кисман-кисман ўтказиб боради ва ҳаракатдан тўхтаб ишдан чиқади.

Асосий фондларнинг жисмоний эскириши – меҳнат восьитала-ридан фойдаланиши жараёнида ўзларининг истеъмол қийматларини йўқотади (уларнинг киймати эса истеъмол қийматларини қайдаражада йўқотсалар, шу даражада маҳсулотга кўчади).

Асосий фондларни маънавий эскириши – жисмоний эскириши даражасидан қатъий назар капитални кадрсизланиши натижасида содир бўлади.

Фондларнинг айланиши – бир марта содир бўладиган жараёни эмас, балки мунтазам тақрорланиб турувчи жараёни сифатида капиталниң доиравий айланишидир.

Фондларнинг айланиши вақти – ҳамма авансланган капитал қиймати ишлаб чиқариш ва муомала боскичларидан ўтиш учун кетадиган вақт йигиндисидан иборат.

Ишлаб чиқариш вақти – бу капитал ишлаб чиқариш соҳасида банд бўладиган вақтдир.

Фондларнинг муомала вақти – капиталниң муомала соҳасида бўладиган вақти, яъни капитални пул шаклидан унумли капитал унсурларига (им кучи, ишлаб чиқариш восьиталари, ёрдамчи материаллар ва х.к.) айланиши ва товар шаклидан пул шаклига айланиш вақти.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланиши ва унинг уч босқичини тушунтириб беринг?
2. Фондларнинг айланиши деб нимага айтилади? Уни доиравий айланишдан қандай фарки бор?
3. Айланиш вақти ва унинг таркибий қисмларини изоҳлаб беринг?
4. Асосий ва айланма фондлар деб нимага айтилади ва уларни фарқини тушунтириб беринг?
5. Амортизация деб нимага айтилади ва корхонани ривожига қандай таъсир кўрсатади.
6. Асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши нимани билдиради?
7. Айланма ва муомала фондлари нима? Улар ўртасида қандай фарк бор?

Адабиётлар

- “Корхона тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонулари. -Т.: «Адолат», 1991.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иктисадий ислоҳотларни чукурлантириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- Шодмонов Ш., Фанихўжаева Ф. Бозор иктисиётига ўтиш шароитида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш. -Т.: «Ўзбекистон», 1993.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иктисолиёт назарияси. -Т.: «Мехнат», 1995.
- Экономическая теория. Учебник. /Под общ. ред. Видяпина В.И. и др. –М.: Инфра, 2001.

XVII БОБ. ИЖТИМОЙ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

1. Ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тушунчаси.
2. Ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг турлари.
3. Ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг таркиби.

1. Ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тушунчаси

Узлуксиз давом этиб, тақрорланиб ва тикланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёни – тақрор ишлаб чиқариш деб аталади. Уни амалга ошириш учун ишлаб чиқаришнинг барча омиллари доимо мавжуд булиши керак. Бу омиллардан биринчиси – муҳими иш кучидир.

Ишчилар маълум миқдорда меҳнат қўйгач, бундан кейинги меҳнат вазифаларини бажариш учун иш кучини тиклаши лозим. Шу билан бирга, ҳар бир ишлаб чиқариш циклини бошлап учун зарур ишлаб чиқариш воситаларига ҳам эга бўлиш керак. Ўйилган машина, меҳанизм ва асбоблар, эскирган бино ва иншоотлар янгилари билан алмаштирилиши ёки таъмирендириши зарур. Материаллар ва ёқилини заҳиралари тикланмаган тақдирда ҳам тақрор ишлаб чиқаришини амалга ошириб бўлмайди. Бунда ишлаб чиқариш жараёнини тақрорлаш учун иш кучи ва ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашгина эмас, уларнинг муайян муганосиблигда бўлишилигини ҳам таъминлатиши зарур. Бу ҳар қандай жамиятда ҳам узлуксиз тақрор ишлаб чиқариш жараёнини умумиқтисодий шаргидир. Муганосибликнинг бузилиши ишлаб чиқаришда тўхтаб колишларга олиб келади, унинг самараадорлигини пасайтириб юборади. Табиий ресурсларни ҳамда одам яшайдиган мухитни тақрор ҳосил қилиш ишлаб чиқариши жараёнини таркибий қисмидир ва барқарор узок муддатлик икгисодий ўсишнинг дасглабки шаргидир. Табият қанчалик бой бўлмасин, унинг заҳиралари чексиз эмас. Ҳозирги вактда ҳам, келгусида ҳам ишлаб чиқаришини узлуксиз тикилаб бориш учун табиий ресурсларни доимий раниша тақрор ишлаб чиқариш: тупрок унумдорлигини ва ўрмонларни тиклаб бориш, сув ва ҳаво ҳавзаларини тоза саклаш зарур. Тақрор ҳосил қилиб бўлмайдиган ресурслардан, яъни нефть, газ, металл, руда ва бошқалардан тежамкорлик билан фойдаланиш, фан-техника тараққиёти асосида улар ўрпига бошқа энергия ва ҳом ашё материалларини ишлатиш анча муҳимдир.

2. Ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг турлари

Тақрор ишлаб чиқариш икки хил бўлади:

- а) оддий тақрор ишлаб чиқариш;
- б) кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш.

Оддий тақрор ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариштан маҳсулотнинг микдори ва сифати ҳар бир циклда ўзгармаган ҳолда тақрорланади. Яратилган кўшимча маҳсулот шахсий истеъмолга сарфланади. Ишлаб чиқариш омиллари ҳам ўзгармаган ҳолда ҳаракат қиласи.

Кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг микдори навбатдағи ҳар бир ишлаб чиқариш циклида кўпайиб, сифати яхшиланиб боради. Бунда ишлаб чиқариш омилларининг микдори ҳам ортиб бориши зарур бўлади.

Тақрор ишлаб чиқариш кенгайтирилган миқёсда содир бўлиши учун ҳар бир циклниң бошида кўшимча сифатлироқ ресурслар зарур бўлади. Албатта, бунга эришиш кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг манбаи бўлиб, кўшимча маҳсулот хизмат қиласи. Унинг ҳаммасини шахсий истеъмолга сарф этмай, маълум қисмини ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга сарфлаш керак бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёни икки йўл билан кенгайиши мумкин. Агар ҳажмининг ўсиши янги иш жойларини яратиш, кўшимча иш жойларини яратиш, кўшимча иш кучини жалб қилиш хисобига эришилса, у ҳолда экстенсив тақрор ишлаб чиқариш амалга оширилади. Агарда ишлаб чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, янги техника ва технологияни қўллаш хисобига эришилса, у ҳолда тақрор ишлаб чиқаришнинг бу турини интесив деб айтилади. Амалда на интесив, на экстенсив тақрор ишлаб чиқариш соғ ҳолда мавжуд бўлмайди: одатда улар бир вактда мавжуд бўлади, тақрор ишлаб чиқаришнинг аралаш турини ташкил қиласи.

Тақрор ишлаб чиқаришнинг тури улардан қайси бири устунлигига, маҳсулот ўсишининг катта қисмини бирига қараб белгиланади.

Тақрор ишлаб чиқариш жараёнида ялпи маҳсулотнинг таркибий қисмлари уларнинг амалий роли ва фойдаланишига мувофик ҳолда турли иқтисодий шаклларга киради. Ялпи маҳсулотнинг сийлган ишлаб чиқариш воситаларини тиклашга сарфланадиган қисми **қоплаш фондини** ташкил этиб, у сарфланган ишлаб чиқариш воситаларидан ўтказилган меҳнатни ўзида гавдалантиради. Ишлаб чиқаришнинг тақрорланишини таъминлаш учун ялпи маҳсулотнинг бу қисми ишлаб чиқаришта қайтмоғи лозим. У ўз натурали таркибига кўра меҳнат воситалари ва предметларидан иборатdir.

Ялпи маҳсулотнинг кишиларнинг шахсий моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондиришга кетадиган қисми **истеъмол фондини** ташкил этади.

Оддий тақрор ишлаб чиқаришда соғ маҳсулот (миллий даромад)нинг ҳаммаси истеъмол фондига кетади. Кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришда эса соғ маҳсулотнинг бир қисми жамғарилади, яъни ишлаб чиқариш омилларини кўпайтириш учун фойдаланилади.

Бу кисм **жамгарии фондини** ташкил этади. У ҳам ишлаб чиқариш воситалари, ҳам истеъмол буюмларидан иборат бўлиб, бунда истеъмол буюмлари кўшимча равишда жалб этиладиган ходимларни таъминлашга сарфланади.

Ялпи маҳсулотнинг турли кисмлари ўртасида уларнинг бслгиланган вазифалари (қоплаш, истеъмол ва жамгарма фондлар) бўйича ҳам натурал ашёвий шакли (ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари) бўйича ҳам қатъий ўзаро нисбатлар мутаносиблиги бўлиши керак. Улар ҳар қандай ижтимоий тузумдаги такрор ишлаб чиқариш учун ҳосдир ва шу туфайли умумиқтисодий аҳамиятта эгадир.

3. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг таркиби

Жамият миқёсида амалга ошириладиган такрор ишлаб чиқариш ижтимоий такрор ишлаб чиқаришидир. У иш кучини муттасил тиклаб борищдан иборатдир. Бу жараён натижасида жамият миқёсида ишлаб чиқаришнинг моддий ашёвий оминалари ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари такрор ҳосил қилинади. Ижтимоий ишлаб чиқариш жамият алоҳида ишлаб чиқариш жараёнининг бир-бираига алоқадорлиги ва боғликлигини ўз ичига олган мураккаб тузилмадир.

Хозирги кунда ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни миллий иктиносидий чегараларидан чиқиб бутун жаҳон хўжалигини қоллаб олмокда. Иктиносидий конуналарининг талабларига мувофик, такрор ишлаб чиқариши жараёнида ишлаб чиқариш юситалари ишлаб чиқариш билан истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ўртасида, ҳалқ хўжалигининг турли тармоқлари ўртасида, ишлаб чиқариш билан муомала ўртасида, жамгариш, истеъмол, алмашув ва ҳоказолар ўртасида зарур нисбатлар ўрнатилади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг асосий муаммоларидан бири – жамиятда яратилган ялпи маҳсулотни сотиш муаммосидир. Унинг моҳияти шундан иборатки, ялпи маҳсулотнинг ҳар қайси кисми ҳам қиймат, ҳам буюм – ашёвий шаклда қопланishi керак. Содда қишиб айтганда, ҳар бир товар учун у кимга керак бўлса ва уни согиб олишга кимда пул бўлса ҳаридор тониш лозим. Бунииг учун жамияттага ҳакикатда зарур бўлган нарсалар ишлаб чиқариш керак, бундан ташқари ишлаб чиқарилган товарлар маълум сифатга эга бўлиши лозим ва жуда ҳам қаммат бўлмаслиги керак. Айникса бу муаммо ривожланишининг ҳозирги босқичида жиҳдий бўлиб қолади. Фан-техника тараққиёти товарларининг сифатини, уларнинг ассортиментини кенгайтиришга имкон яратади. Лекин, одатда ҳамма вакт мазкур товарларнинг ишлаб чиқаришга ҳаражатларини, демак нархларини ҳам оширишга олиб келади. Шу сабабдан ҳар бир ишлаб чиқарувчи ишни икки йўналиш бўйича олиб бориши керак.

Бир томондан, талаб ўрганиши ва ўз маҳсулотини мунтазам такомиллаштириб бориши зарур. Бошқа томондан, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириши, ишлаб чиқариш сарфларини камайтириш имкониятларини излаши керак. Натижада истеъмолчилар арzon нархларда, аммо олдинги авлод товарларига қараганда яхши сифатли зарур бўлган товарларни олишлари мумкин. Бу ҳолда жамиятда ишлаб чиқарилган бутун маҳсулот сотилади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни тегишли меъёрда бориши учун унинг алоҳида таркибий қисмлари ўртасида муайян нисбатларга риоя қилиниши керак. Гап шундаки, такрор ишлаб чиқариш тизимининг барча қисмлари нисбатан мустақил, ўзининг маҳсус қонунлари бўйича ривожланади, лекин айни пайтда бир-бирига боғлик бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг умумий ривожланишига мос келадиган, синхрон принципларга мувофиқ ривожланадиган, яъни бир-бирига зид бўлмаган шароитлар яратиш керак.

Иқтисодий ўсиш шартларини конкрет тахлил этиш ва амалий масалаларни ҳал этиш учун умумий (мавҳум) такрор ишлаб чиқариш назариясининг хулюсалари билан чекланиб колмаслик керак. Улар ривожланирилиши ва аниклантирилиши лозим. Шу билан бирга ҳозирги шароитда куйидагилар айниқса мухимдир: биринчидан, қоплаш ва кенгайтиришга кетадиган ишлаб чиқариш воситалари (ўз таркиби ва натурал шакли жиҳатидан) фан ва техниканинг энг юқори ютукларига мос келиши керак; иккичидан, сарфланган ишлаб чиқариш воситалари улардан оқилона фойдаланиш асосида тўлдирилиши керак (ресурсларни тежаш), иш кучини межнат унумдорлиги ўса борган сари ишлаб чиқариш соҳасидан бўшатиб олиниши керак. Бундан ташқари, айрибошлаш ёрдамида зарур нисбатларга риоя этилиши умуман иктисаддагина эмас, балки ҳар бир хўжалик бўгини даражасида ҳам таъмин этилиши мухимдир.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Такрор ишлаб чиқариш – узлуксиз давом этиб, такрорланиб ва тикланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёнидир.

Оддий такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳажми ва сифати ҳар бир циклда ўзгартмаган ҳолда такрорланади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг микдори навбатдаги ҳар бир ишлаб чиқариш циклида кўпайиб, сифати яхшиланиб боради.

Қоплаш фонди – ялпи маҳсулотнинг ейилган ишлаб чиқариш воситаларини тиклашга сарфланадиган қисмидир.

Истеъмол фонди – ялпи маҳсулотнинг кишиларнинг шахсий, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга кетадиган қисми.

Жамғариш фонди – кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришда соғ маҳсулотининг жамғарилган қисми, яъни ишлаб чиқариш омилиларини кўллатириш учун фойдаланилади.

Интенсив тақрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқаришни ўсиши ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, янги техника ва технологияни кўллаши ҳисобига эришилади.

Экстенсив тақрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш хажмини ўсиши янги иш жойларини яратиш, қўшимча иш кучини жалб килиш ҳисобига эришилади.

Тақрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Тақрор ишлаб чиқариш деб нимага айтилади?
2. Оддий ва кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни тушунтириб беринг?
3. Ялпи маҳсулот қандай таркибий қисмлардан иборат бўлади?
4. Оддий ва кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш шароитида маҳсулотни сотилишини тушунтириб беринг?
5. Экстенсив ва интенсив тақрор ишлаб чиқариш деб нимага айтилади? Улар ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг?

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- Кенэ Ф. И. Избранное экономическое произведения. -М.: «Соцэкгиз», 1960.
- Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: «Соцэкгиз», 1960.
- Шодмонов Ш., Фанихўжаева Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш. -Т.: «Ўзбекистон», 1993.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: «Мехнат», 1995.
- Умаров К.Ю. ва бошқалар. «Иқтисодиёт назарияси». Т., «Университет», 2002.

XVIII БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АГРАР СЕКТОРИДА ТАКРОР ИШЛАВ ЧИҚАРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор иқтисодиёти тизимидағи ўрни. Иқтисодиётни аграр сектори. Ернинг ресурс сифатидаги алоҳида хусусиятлари.
2. Ижара муносабатлари. Ер рентаси тушунчаси. Рента турлари.
3. Ер нархи ва уни белгиловчи омиллар.
4. Агросаноат интеграцияси. Агробизнес ва унинг турлари.
5. Фермер хўжалигининг иқтисодий ва ижтимоий афзаликлари. Фермер хўжалигини қўллаб-куватлашнинг давлат дастурлари.
6. Ўзбекистонда аграр муносабатларнинг янги турларини юзага келиши.

1. Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор иқтисодиёти тизимидағи ўрни. Иқтисодиётни аграр сектори.

Ернинг ресурс сифатидаги алоҳида хусусиятлари

Бозор муносабатлари иқтисодиётнинг ҳамма жабҳаларини, шу жумладан, кишлоп хўжалигини ҳам ўз ичига олади. Мазкур тизимда аграр муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Ер билан боғлик иқтисодий муносабатлар аграр муносабатлар дейилади. Бу муносабатларнинг обьекти ер бўлса, унинг субъектлари – ер эгалари, ерда хўжалик юритувчилар, ерда меҳнат килувчи кишилар хисобланади. Аграр муносабатлар ўта кўхна, иқтисодий муносабатларнинг энг қадимий шакли, чунки инсоннинг иқтисодий фаолияти ерни ишлашдан бошланган. Бозор испоҳотлари олиб борилаётган айни вақтларда кишилоп хўжалигига алоҳида эътибор берилмоқда, чунки Республикализ аҳолисининг 60% дан ортиги қишлоқлар улушига тўғри келади.

Бозор тизими аграр муносабатларга янгича мазмун беради. Ери товарга айланиши, ерга хилма-хил мулкчиликни пайдо бўлиши, ернинг гаровга қўйилиши, ниҳоят ер учун пул шаклида рента ундирилиши, агробизнеснинг маҳсус фаолият турига айланиши бозор тизими билан боғлик. Аграр муносабатларнинг обьекти бўлмиш ер маҳсус ресурс бўлганидан унинг хусусида ҳам ўзигагина хос бўлган иқтисодий алоқалар келиб чиқади.

Ер ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг умумий шарти. Ердан ташқарида ишлаб чиқаришнинг бўлиши мумкин эмас. Кишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш омили вазифасини ўтайди. Мальумки, кишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш икки ёқлама характеристга эга: биринчидан, у иқтисодий жараён бўйса, яъни инсон меҳнати натижасида юз берса, иккинчидан табиий биологик жараён бўлиб, маҳсулот етишириш табиий омилларга, масалан, ўсимлик ва

хайвоналарда кечадиган биологик ўзгаришларга, икlim шароитига, об-хавонинг қандай келишига, тупрокнинг табиий хоссасига боғлиқ. Кишлoқ хўжалик иқтисодиётнинг аграр секторини ташкил этади. Кишлoқ хўжалиги кишиларни меҳнатга бўлган муносабатлари билан кишиларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини яхлитликда бўлишини талаб қилади. Бу соҳада асосий ресурс ер бўлиб, у ҳеч бир тенги йўқ, танҳо ўзига хос хусусиятларга эга. Аммо ер энг чекланган ресурс, уни меҳнат билан яратиб бўлмайди. Кўпгина ресурслар бир-бирини ўрнини боса олади. Масалан, меҳнатни машина билан алмаштириш мумкин.

Ернинг ўрнини эса ҳеч бир ресурс боса олмайди, шу жиҳатдан у ўта ноёб ва асосий ресурс ҳисобланади. Унинг асосийлиги шундаки, ер бошқа ресурсларга кўшимча сифатида амал қилмайди. Ерни бошқа ресурс билан алмаштириб бўлмайди. Ерга мутгасил талабнинг ошиб бориши, унинг чекланганлиги ва уни ишлаб чиқариб бўлмаслигидар, аммо фойдаланиладиган ерларни уларга инвестиция сарфлаб кўпайтириш мумкин. Масалан, кўрик ерларни сугориб ва бетқок ҳамда заҳ ерларни куритиш орқали экин майдони табиатдан чекланган бўлсада, шу доирадан чикмай, - кишлoқ хўжалигига ярокли ерларни кўпайтириш мумкин. Ер ресурси чекланганлигидан ернинг таклифи нозластик, яъни ўзгармайдиган бўлади.

Ер ҳаммабоп ресурс.

Ер табиат маҳсули бўлганидан унинг сифати жиддий та-бақалашади. У яхши, ўртача ва ёмон ерларга бўлинади. Кишлoқ хўжалигига ернинг сифати меҳнат унумдорлигининг асосий омили ҳисобланади. Бу соҳадаги унумдорлик, бинобарин, ишлаб чиқариш самарацорлиги тупрокнинг таркиби, ернинг икlim шароити ва, ниҳоят, ер участкаларининг географик жойлашувига боғлиқ.

Биринчидан, назарияда тупрок унумдорлигининг пасайиш конуни деган конун олға суриласи. Унга биноан ердаги ҳосилдорликнинг ўсиш меъёри мавжуд, ҳосилдорлик чексиз ўса олмайди. Агар ҳосилдорлик ўсиши чекланмаганда эди, 1 гектар ерга узлуксиз ресурс сифатини ошириб борган ҳолда, олинган ҳосилга ер юзидаги аҳолини бокиши мумкин бўларди. Лекин буни имкони йўқ. Гап шундаки, ерни 100 марта ҳайдаш, керагидан 10 марта кўп ўғит бериш ёки 5 марта кўп уруғ экиш билан ҳосилдорлик ўсиб қолмайди. Айтилган ресурслар маълум меъёрда сарфланса, ҳосил маълум меъёрда ортиши мумкин. Ер ҳосилдорлигини ўстиришнинг имкони чекланганлиги сабабли янги ерлар очилаци, экин майдони кенгайтирилади. Ҳосилдорликни ошира бориш доирасида ернинг сифати яхшиланади, яъни ернинг табиий кучига куч кўшилади. Ерга икки хил монополия мавжуд бўлади. Биринчидан, ер қадр-қиймати

баланд ресурс сифатида мулк монополиясида туради, яъни эгаси йўқ ер бўлмайди. Ер чекланган ресурс бўлгани учун уни мулк сифатида кўпайтириб бўлмайди. Иккипчидан, ер хўжалик юритиш обьекти сифатида эгаллаб олинади, яъни ерда турли хўжаликлар ташкил тонади, яроқли ер бўш турмайди.

2. Ижара муносабатлари. Ер рентаси тушунчаси. Рента турлари

Ер ресурси ўз эгасининг мулки бўлиб колганинги ҳолда вактигча бошқа мулк соҳиби, хусусан, тадбиркор томонидан ишлатилиши мумкин.

Ердан ҳак тўлаш шарти билан маълум муддатга фойдаланиши юзасидан келиб чиккан иктисодий алоқалар ижара муносабатлари дейилади. Ер эгаси ижарага берувчи, срни ишлатувчи эса ижарага олувчи бўлади. Уларнинг муносабати ижара битими билан қонунлаштирилади.

Ижара мулк эгасини ўзгартирмайди, аммо ижарачи срнинг мулкдори бўлмаса-да, мустақил хўжалик юрита олади, ижара муддати давомида ердан фойдаланиш унинг ихтиёрида бўлади.

Ердан қандай фойдаланиш, нимани ва қапча стиштириш, кимга сотиш, кимдан қандай карз олиш, ресурсларни қаердан топиш - булар ижарачининг ўз иши ҳисобланади. Унинг вазифаси ер эгаси билан алоқаси вактида ижара ҳакини тўлаб туришдан иборат. Ижарачи қўлидан келганича бойлик орттириши мумкин, тушган даромадни мустақил тақсимлайди. Бошқа иктисодий субъектлар билан алоқа қиласди. Ижарачи эркин хўжалик юритувчи бўлганигидан иши юзасидан бўлган мажбуриятларни ўз зиммасига олади, ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қиласди. Ижарачи ерда тадбиркорлик юритиб, фойда қўради, ўз манфаатига эришади. Ер эгаси ҳам ижара ҳаки олиб, ўз манфаатини юзага чиқаради, яъни мулки унга даромад келтиради.

Ердан фойдаланганилиги учун унинг эгасига тўланадиган ҳак рента дейилади.

Рента мөхияти жиҳатидан кишлоқ хўжалигидаги қўшимча маҳсулотнинг ер эгасига теккан қисмидир. Рента муносабатлари ерга бўлған мулкчилик билан ернинг ишлатилиши бир-биридан ажralган шароитда пайдо бўлади. Рента мукдори ернинг табиий ҳолатига боғлиқ, чуқиқи бу харажатларга, бинобарин, срни ишлашдан келадинган фойдага таъсир этади. Ер участкалари сифат жиҳатидан фарқ қиласди. Шунга қараб, ерга сарфланган муддий ва меҳнат ресурслари ҳар хил натижга беради. Табиий унумдорлиги ва табиий жойлашишига қараб ерлар учга бўлинади. Яхши, ўргача, ёмон, яъни заруриятта қараб ёмон ерлардан ҳам фойдаланилади. Рента ер этагигини

иктисодий жиҳатдан реализация килишнинг амалга ошириш шаклидир.

Рента турлари кўп, жумладан, абсолют дифференциал, монопол, курилиш участкаларидан ва қазилма бойликлардан олинадиган рента кабилар уларнинг кўринишларидир. Уларнинг ҳаммаси ерга капитал кўйиб, меҳнат сарфланиши натижасида келадиган ва ер эгасига тегадиган даромаддир.

Абсолют рента ер участкаларининг сифатидан катъий назар ер мулк бўлгани учун унинг эгалари оладиган рента. Мазкур рента ҳамма ерлардан олинади, лекин микдоран ёмон ерлардан олинадиган рентага тенг. Масалан А, В, С ер участкалари мавжуд деб фараз киласлик:

- А – яхши ер.
- В – ўртача ер.
- С – ёмон ер.

А яхши ер участкасидан 800 минг рента олинади, В ўртача ер участкасидан 700 минг рента, С ёмон ер участкасидан 500 минг сўм рента олинади дейлик. Энг кўп рента А участкасида ҳосил бўлди ва у 800 мингни ташкил этди. Шундан 500 мингни умуман ер учун, 300 мингни ер сифати учун олинади. Сифатли, яхши ер бўлмиш А ер участкасидан олинадиган абсолют рента рентанинг умумий микдоридан кам бўлади ($800 > 500$).

Абсолют рента ёмон ердан олинадиган рентага тенг бўлади.

Дифференциал рента сенинг сифатига караб олинадиган ва рентанинг абсолют рентадан ортиқча бўлган кисмидир.

Тупрок ҳосилдорлиги 2 хил бўлади: Табиий ҳосилдорлик тупроқнинг химиявий ва физикавий ҳоссалари бўлиб, уларни табиат инъом этган. Масалан, бунда ҳосилдорлиги 2 хил бўлган 2 та ер участкасига бир хил ресурс сарфланса, турлича ҳосилдорлик олинади. Тупроқнинг иктиносидий ҳосилдорлиги ерга кўшимча ресурс сарфлаш, ишлов бериш орқали, унинг сифатини ошириш, унумдорлигини кўпайтиришни билдиради. Шу доирада рента ҳам фарқланади. Дифференциал рентанинг ўзи I ва II га бўлинади. Дифференциал рента I тупроқнинг табиий ҳосилдорлигига ва ер участкасининг жойлашувига караб олинадиган рентадир.

Ёмон ерлардан олинадиган маҳсулотларга кетган ишлаб чиқариш харажатлари бозор нархи учун асос бўлади. Бу нархга абсолют рента ҳам киради. Яхши ерларда, ўртача ерларда айни шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатлар кам бўлади. Бу ерларда олинадиган ҳосилда ҳам фарқ бўлади. Кишлoқ хўжалик маҳсулотларини бозор нархлари бир хил бўлгани ҳолда яхши, ўртача ерларни харажатлари кам бўлгани учун, кўшимча фойда ҳосил бўлади. Ёмон ерлардаги харажатлар билан сифати яхши ерлардаги

харажатлар ўргасидаги фарқ дифференциал рента I ни ҳосил қилади.

Фарз қилайликки, ер сифати турлича бўлган ер участкалари мавжуд леб, яъни А, В, С уларга бир хилда харажат қилинган. А участкасида тупроқнинг табиий унумдорлиги яхши бўлгани учун бир гектардан 150 кг картошкага ҳосили олинади. В участкасида 1 гектардан 120 кг картошкага олинади, С участкасида эса 1 гектаридан 100 кг картошкага олинади.

Ҳаммаси бир хилда харажат қилгани ҳолда, турли хилдаги натижаларга, ҳосилдорликка эга бўладилар. Бунда яхши ер бўлган А ер участкаси 1 кг картошкага учун 10 сўмдан харажат қилган, ёмон ер С участкаси 15 сўмдан харажат қилган дейлик. 1 кг картошкани бозор нархи 15 сўмдан бўлса, шунда С участкаси абсолют рента олади, дифференциал рента олмайди. Яхши ерда эса харажат 10 сўм, лекин 15 сўмдан сотади, бунда дифференциал рента келиб чиқади. Дифференциал рента I бўлгани учун ерларни ижара ҳақиям ер сифатига қараб турлича бўлади. Дифференциал рента I факат тупроқ ҳосилдорлиги, ери табиий унумдорлигагина боғликмас, у ер участкалари жойлашувига ҳам боғлик.

Дифференциал рента II тупроқнинг иктисадий ҳосилдорлиги натижасидир. Ерга кўшимча маълаф сарфлаб, унга ишлов бериш орқали ҳосилдорлигини ошириш натижасида олинган рентадир. Дифференциал рента II можиҳи жиҳатидан кўшимча иктисадий фойда, лекин у ер эгасига ўтгандагина рентага айланади.

Монопол рента алоҳида табиий иклим шароитига эга бўлган ўта ноёб маҳсулот стиштирациган ер учун унинг эгасига тўланадиган рентадир. Факат ана шундай срларда камеб маҳсулотлар: кофе, чой, цитрус ўсимликлари меваси, маҳсус қизил ёғоч стиштирилали. Уларга талаб кўп бўлгани ҳолда, таклиф оз бўлади.

Ер қазиб олиш саноати учун ҳам энг муҳим ресурс ҳисобланади. Ер қаъридаги бойликлар унинг қадрини оширади, чунки сростидағи бойликлар бўлмаса, ундирма саноат ишламайди. Қазилма бойликларни ердан ажратиб бўлмайди, унинг устидаги на остидаги бойлик ер билан биргаликда мулк бўлади. Бу ерлардан ҳам рента олинади.

Курилиш участкалари учун ҳам рента тўланади. Бино ва иншо-отлар муаллақ турмай, ер устида қад кўтарадилар. Курилиш деҳқончилик ва саноатга нисбатан ери ишлатишнинг мукобил усулидир.

Рента ўз туридан қатъий назар уни тўловчилар учун харажат бўлса, ер эгалари учун даромаддир. Рента тўлови ижара ҳаки шаклиги киради, лекин микдоран унга тенг эмас, чунки ижара ҳакига рентадан ташқари ерга унинг эгаси соладиган капиталга тегадиган фоиз на амортизация ҳам киради.

3. Ер нархи ва уни белгиловчи омиллар

Ер меҳнат маҳсали эмас, табиат инъомидир. Ерни меҳнат яратмаганидан унинг қиймати йўқ, лекин унинг нархи бор. Ернинг нархини шакллантиришда уни ўзлаштириш ва сифатили ошириш харажатлари иштирок этади. Аммо уни юзага келтирувчи асосий омили унинг муқобил ишлатилишицир. Ер асосан қишлоқ хўжалигида ишлатилади, шунинг учун унинг нархига рента миқдори таъсир қиласи. Ер эгаси таъбиркорлик қилмай ўз мулкидан келган даромад билан қаноатланади. Шуни ҳисобга олсан, ер эгаси уни шундай нархда сотадики, бундан тушган пул банкка кўйилганда, рентага тенг миқдорда фоиз келтириши шарт. Бунда ер нархи рента миқдорига нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгарса, фоиз даражасига нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаради. Бундай боғлиқлик кўйидаги формулада ифода этилади:

$$EH \frac{E_p}{\Phi}$$

EH – ер нархи;

E_p – ер рента;

Φ – банкларда тўланадиган фоиз.

4. Агросаноат интеграцияси. Агробизнес ва унинг турлари

Агросаноат интеграцияси саноатни қишлоқ хўжалиги билан қўшилувидир.

Дифференциация – саноатни қишлоқ хўжалигидан ажралишини билдиради. **Интеграция** – қишлоқ хўжалигини кенг машиналашган, қишлоқ хўжалигида техника кенг ёйилган даврлар учун хос бўлади. Шунингдек, агросаноат интеграцияси – ишлаб чиқарувчи кучларни ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтинослашувни чукурлашиши натижасидир. Агросаноат интеграцияси кўп киррали бўлиб, у хилма-хил шаклда намоён бўлади.

1) Республика миқёсида.

2) Вилоятлар.

3) Корхона доирасида.

Агробизнес деганда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнес тушунилади, у бозор тизимини таркибий қисмини ташкил этади. Бунга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бизнес турлари киради. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган таъбиркорлик фаолиятларини ўз ичига олади. **Агробизнеснинг мақсади** – бозорни керакли маҳсулотлар билан таъминлаш ва шу орқали фойда кўриш.

Агробизнес иштирокчилари:

1. Тадбиркор фермерлар.
2. Кишлөк хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шугууланувчи саноат тадбиркорлари.
3. Шу маҳсулотларни сотиш билан шугууланувчи тижоратчилардир
4. Банклар, сугурта ва молия компаниялари.

Агробизнес иштирокчилари фақат кишлөк хўжалиги билан чегаралганга бўлса, биз юкорида таъкидлаб ўтган агросаноат интеграцияси натижасида агросаноат комплексини қамраб олади.

Хуллас, бир томондан кишлөк хўжалиги ўзини маҳсулотини қайта ишловчи ва сотувчи бўлаци, иккинчи томондан ўзига керакли моддий ресурсларни етказиб берувчи соҳалар билан интеграциялашади. Кишлөк хўжалиги мукаммал технологияга кўчирилади. Бу соҳалар ҳаммаси яхлитликда ишлай боштайди, меҳнат унумдорлиги ошади -агробизнесдан фойда кўпайди.

Агробизнес фаолияти биринчидан, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлайди, иккинчидан саноатни хом ашё билан таъмиштайди. Шу иккала шарт бажарилганда фойда келади. Агробизнес гуллаб-яшинаши учун унга катта инвестиция сарфлаш, техника янгиликларини киритиш, замонавий ускуналардан фойдаланиш керак. Агробизнес бизда агросаноат комплекси асосида ринож топган. Агробизнеснинг кўйидаги турлари мавжуддир.

1. Фермер хўжаликлари
2. Агрофирмалар
3. Агросаноат бирлашмалари.

Агробизнеснинг бирламчи дастлабки бўгини фермер хўжаликлиридир. Чунки шу фермер хўжаликлари кишлөк хўжалиги маҳсулотини яратади, улар ўз ерида ёки ижарага олинган ерда хўжалик юритишади. Агробизнеснинг иккинчи тури – агрофирмаларлари. Муайян турдаги кишлөк хўжалик маҳсулотларини етишириш уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб берувчи корхона. Бу корхона истеъмолга тайёр маҳсулот етказиб беради.

Агробизнеснинг йирик учинчи тури – агросаноат бирлашмалари. У бир неча корхона ва хўжалик фаолиятини интеграциялаштиради.

Агросаноат бирлашмалари бу кишлөк хўжалик маҳсулотларини етишириш, уларни саклаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига стказиб бериш билан шугууланувчи ҳалқ хўжалиги тармоқларининг жамидир. АСБ 4 соҳани ўз ичига олади.

1-кишлөк хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини стказиб берадиган саноат тармоқлари.

2-кишлөк хўжалиги корхоналарининг ўзи.

3-кишлөк хұжалик маңсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминладыған тармоклар (кайта ишлаш, тайёрлаш, саклаш, ташиб бериш, сотиш).

4-кишлөк хұжалик инфраструктураси- йүл, транспорт хұжалиги, алоқа, моддий-техника хизмати.

Агросаноат бирлашмаларини ташкил топипини көзизи агросаноат интеграциясынан, яғни қишлоқ хұжалиги билан унга хизмат килувчи, маңсулотларни истеъмолчига етказиб беруячи туташ тармоклар ўртасида ишлаб чыкариш алоқаларининг кучайиши ҳамда уларнинг узвий бирикиши жараённайды.

Агросаноаттинг кичик комплекслари-дончилик, сабзавотчилик, пахтачилик, сүтчилик в.х. Ҳудудий агросаноат бирлашмалари (ўлкалар, вилоятлар, районлар), АСБни хусусияти асосан қишлоқ хұжалик ишлаб чыкариш билан белгиланады. Қишлоқ хұжалиги иқтисидиёти табиий биологик жараёнга боғликтады. Об-ҳаво туфайли хұжалик масалаларини ҳал килиш вариантылары турлича бўлишини такозо этади. Шунинг учун қишлоқ хұжалигини марказдан бошкариш эмас, балки қишлоқ хұжалиги корхоналарини ўзига эркинлик, мустакиллик бериш керак. Буни устига дехқончилик ишлари мавсумий характеристида бўлгани туфайли ишлар йил давомида узлуксиз олиб борилмайды. Бу ишчиларни бўш пайтларда иш билан банд этиш муаммоларини келтириб чыкаради. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарилган маңсулот шу ерни ўзида кайтадан ишланиши, амалга оширилиши керак. Қишлоқ хұжалигининг кўп тармокларида, айниқса, дехқончиликда меҳнат сарфлаш билан маңсулот олиш ўртасида вақт жихатдан узилиш бор. Меҳнат бутун йил давомида сарфланади, маңсулот эса маълум цикллардан кейин олинади. Шунинг учун меҳнатни ташкил килиш, ҳак тўлашда кийинчиликлар келиб чиқади. Буни оқилона ташкил килиш учун ижара ва ижара нудратидан фойдаланиш керак.

5. Фермер хұжалигининг иқтисодий ва ижтимоий афзаликлари. Фермер хұжалигини қўллаб-куватлашнинг давлат дастурлари.

Фермер хұжаликда мулк этаси ва ишлаб чиқаруячи битта одам, бир кишини ўзи бўлади. Мулк билан меҳнат функцияси ажралмас бўлиб, улар бевосита боғланган. Шунинг учун ҳам манфаатли бўлиб хисобланади. Кўпинча фермер хұжалигида ўз оиласи билан ишлайди, баъзан ёлланган меҳнатдан фойдаланади. Бу кичик бизнес намоёндасидир.

Фермер хұжаликларининг афзаликлари:

1. Фермер хұжалигида меҳнат билан мулк кўшилади.

2. Фермер хўжалиги мустақил, монополлашмаган, ули фаолиятини бозор қонуни бошқаради.
3. Фермер хўжалигидаги тадбиркорлик ва меҳнат функцияси узбий кўшилаци.
4. Фермер хўжалигига соҳиб дәхқон кам фойда билан ҳам қаноатланади
5. Фермерлар учун хўжалиги факат даромад маъбад эмас, баъди уларнинг ўйи, у ўз хўжалиги учун меҳнат қиласди.

Фермер хўжалигини шаклантириш бозор иқтисодиётига ўтишининг шарти. Шунинг учун ислоҳотнарда шунга ҳаракат қилиш керак. Ўзбекистонда фермерлаштириш куйидагича шакланяпти.

1. Ночор аҳволига тушган давлат хўжаликларини фермерлар уюшмасига айлантириш.
2. Ишлаб турган давлат ва жамоа хўжаликлари ресурсларини бир қисми ҳисобидан фермер хўжаликларини уюштириш.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигидаги асосий товар ишлаб чиқарувчи, шунинг учун у агросаноат интеграциясида иштирок этади.

Агробизнес ишита фермерлар ассоциацияси ва иттифоқи хизмат килади. Агробизнес тадбиркорлик туришир. Агробизнес юқори меҳнат унумига таянади. Шунинг учун фермерлар сони қисқарган ҳолда улар етиштирадиган маҳсулот кўпаяди. Фермерлар даромадини кўни ҳолларда паст юришини сабаби фермерлар маҳсулоти билан улар сотиб оладиган ресурслар нархи нисбатининг бузилишидир. Бу бузилишини сабаби қишлоқ хўжалик маҳсулотига талаб аҳоли даромадларига нисбатан эластик бўлмаслигидир. Маҳсулотта талибни эластиклиги кучсиз бўлғанинги учун фермер маҳсулотларини нархи секин ўсаси, фермерлар сотиб оладиган товарлар нархи ошади. Хосилдорлик яхши бўлғандга маҳсулотларни нархи янайм арzonчашади. Ҳаражатлар камаймайди, натижада даромадлар камаяди. Маҳсулотларни фермерлар рақобатли бозорда сотади, ресурсларни рақобати чекланидан бозордан сотиб олади, шунинг учун ресурслар нархи юқори юради. Шундан келиб чиқиб, фермер хўжаликларини кўллаб-кунватлаш учун давлат дастурлар ишлаб чиқади.

Давлат дасгуруларида кўрсатилган чора-тадбирлар куйидагилардан иборатдир.

1. Давлат фермерлик маҳсулотларини куйи чегарасини белгилайди.
2. Давлат ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзи сотиб олади, шунда таклиф қисқаради.
3. Бозорга чиқармай саклаш учун кегадиган сарфларга субсидиялар беради.

- Давлат экспорт қилишга дотациялар, субсидиялар ажратади. Соликларни камайтиради. Импортта юкори бож түловлари күяди.
- Кишлоқ хўжалиги учун қеракли фан-техникани етказиб беришга ёрдам беради.

6. Ўзбекистонда аграр муносабатларнинг янги турларини юзага келиши

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Республика саноатининг кўпина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, сенгил саноатни, озиқ-овқат, кимё саноатни, қишлоқ хўжалик машинасозлигини ва бошқаларни (булар бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил этади) ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий, молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш туфайли кейинги йилиларда саноат потенциалини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларда эса ишлаб чиқарини кўламини кенгайтириш имкони бўлди. Айнан аграр сектор Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликнинг курадатли омили бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, айниқса пахта, ҳозирги вақтда асосий валюта ресурси, Республика учун хаётий мухим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, лори-лармонлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт бўйича согиб олишини таъминлаётган асосий манбадир.

Шу сабабли аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларни дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистонниш бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Давлатимиз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашти, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тикилашни ўз олдига вазифа килиб кўйди.

Республикада аграр муносабатларни ислоҳ қилиш учун, қишлоқ хўжалик корхоналарини қайтадан ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиширишни янада кўпайтириб бориш, айрим маҳсулот турларини четдан келтиришдаги қарамликни камайтириш учун зарур шароитлар яратиб келинди.

Иқтисодиётнинг аграр секторида янгиланиш жараёнини жадаллаштиришда ишлари кабул қилинган конууллар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳа-

сида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қабул қилинган ҳукумат карорлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқда агарар ислоҳот жараёнида бозор иктисодиёти талабларига мос келадиган янги хўжалик структураси шаклланди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмагани сектор кенг ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг структураси жиддий ўзгарди. Бонқариш тизими ва хўжалик юритилиши усулларда жиддий ўзгаришлар юз берди.

Агарар сиёсатнинг муҳим масаласи бу ерга мулкчилик масаласи дэйдир. Ер тўғрисидаги конун қишлоқ хўжалигида муносабатларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узок мущатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ёзиб кўйилган.

Қишлоқда бозор муносабатларининг ривожланишига, дехконнинг хўжайинлик ҳиссени қайта тиклашга ерни мерос қилиб колдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун бериб кўйиш орқали зришилади. Энг муҳими, қишлоқ хўжалик юритишнинг ҳар бир дехконга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, ўз меҳнатнинг натижаларини мустакил тасарруф этиш имконини берадиган воситани яратишдан иборат.

Бизда дехқончилликнинг бошқалардан фарқ қиласидаги хусусияти шундаки, у суғориладиган ерларда олиб борилади, бу ерларга қудратли ирригация тармоғи хизмат қиласи. Барча ҳайдов майдонлари нинг тўртдан уч кисмидан кўпроғи суғориладиган ерлардир. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари суғориладиган дехқончилликни ривожлантириш, ирригация ва мелиорация тармокларини куриш ва ишлаб турганларини қайта куриш, бу тармоклар кимнинг мулки бўлади, деган масалани ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Ернинг мелиоратив ҳолатига эътиборни хеч қачон сусайтираслик керак.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Агарар муносабатлар – ер билан боғлиқ иктисодий муносабатлардир.

Ижара муносабатлари – ердан ҳак тўлаш шарти билан маълум муддатта фойдаланиши юзасидан келиб чиқсан иктисодий алоқалардир.

Рента – қишлоқ хўжалигидағи қўшимча маҳсулотнинг ер эгасига теккан кисмидир.

Абсолют рента – ер участкаларининг сифатидан қатъий назар ер мулк бўлгани учун унинг эгалари оладиган рента.

Дифференциал рента I – тупрокнинг табиий ҳосилдорлигига ва ер участкасининг жойлашувига қараб олинадиган рентadir.

Дифференциал рента II – тупрокнинг иктисадий ҳосилдорлиги натижасида срга кўшимча маблағ сарфлаб, унга ишлов бериш орқали ҳосилдорлигини ошириш натижасида олинган рентadir.

Монопол рента – алоҳида табиий иқлим шароитига эга бўлган ўта поёб маҳсулот стиштирадиган ер учун унинг эгасига тўланадиган рентadir.

Агросаноат интеграцияси – саноатни кишлоқ хўжалиги билан кўшилувидир.

Дифференциация – саноатни кишлоқ хўжалигидан ажралишини билдиради.

Агробизнес – кишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнесdir, у бозор тизимини таркибий қисмини ташкил этади. Бунга кишлоқ хўжалиги билан боғлик бизнес турлари киради.

АгроФирмалар – муайян кишлоқ хўжалик маҳсулотларини стиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни кўшиб олиб борувчи корхонадир.

Агросаноат бирлашмалари – бу кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан шугулланувчи халқ хўжалиги тармокларининг жамиидир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Аграп муносабатлар деганда нимани тушунасиз ва бозор муносабатлари аграп муносабатларга нималарни киритади?
2. Ернинг бошқа ресурслардан қандай фарки бор?
3. Рента муносабати деганда нимани тушунасиз ва рентанинг неча тури бор?
4. Рента ва ижара ҳакининг фарки нималардан иборат?
5. Абсолют рента дифференциал рентадан нима билан фарқланади?
6. Дифференциал рентанинг ҳосил бўлиш механизми қандай?
7. Тупрок ҳосилдорлигининг меъёри нимадан иборат?
8. Нима сабабдан монопол рента йўқолиб кетиши мумкин?
9. Ижара ҳакининг таркиби қандай?
10. Ер рентаси 15% ортди, банк тўлайдиган фоиз 1,5 марта ошиди, йиллик 15% ни ташкил этди. Шундай шароитда срнинг нархи қандай ўзгаришини хисоблаб кўринг!
11. Дифференциал рента 2 ни дифференциал рента 1 дан фарки нимадан иборат? Дифференциал рента 2 ни ифодаловчи жадвалга таклид этган ҳолда ўзингиз эркин ракамлар танлаб, мустақил

равишда жадвал тузинг. Шу асосда диф. рента 2 ни ҳисоблаб чиқаринг.

12. Фермер ҳўжалиги нима учун юксак меҳнат унумдорлигига эришган ҳолда маҳсулотларнинг тўкинилигини таъминлай олади?
13. Агробизнес деганда нимани тушунасиз? Агробизнеснинг неча тури мавжуд? Агросаноат интеграцияси нима ва уни ичта соҳаси мавжуд?

Алабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. Тошкент. «Ўзбекистон». 1993.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иктисадий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон». 1995.
3. Каримов И.А. Дехқончилик тараккёти-фаровонлик манбани. Тошкент. «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккёйт кафолатлари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1998.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда.-Т.: «Ўзбекистон», 1999.
6. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Перевод с англ. Со 2-го изд. ГЛ. 36-39. М., «Дело ЛТД», 1993.
7. Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Перев. с англ. Со 2-го изд. Том-2, Гл. 39, 41. М. «Республика», 1992.
8. Небро М. Международные экономические, валютные и финансовые отношения. Перев. с франц. (общ. Ред. Бабинцевой Н.С.) Гл. 3, 4. М: Прогресс. «Университет», 1994.
9. Введение в рыночную экономику. Учебное пособие для экономич. Спец. Вузов. (Под. ред. А.Я. Лившица) Гл. 16. М. «Высшая школа». 1994
10. Хрестоматия по курсу. Мировая экономика. Гл. 1-3. М. МГУ,
11. Сажина М.А., Чибриков Г.Г. Экономическая теория. М. 1998.
12. Экономика. Учебник по курсу «Экономическая теория». Изд. 2-е, переработанное и дополненное. Под. ред. А.С. Булатова. Москва. Изд-во. Бэк, 1997.
13. Экономическая теория. Кураков Л.П. Учебное пособие. М. «Пресс-сервис», 1998.

XIX БОБ. ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ

1. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ва унинг ҳисоблаш усувлари.
2. Миллий даромад, унинг таркиби ва ўсиш омиллари.
3. ЯММнинг ҳаракат шакллари. Истеъмол ва жамғарма фондлари. Жамғарма мөъёри ва инвестиция.
4. Миллий даромаднинг қайта тақсимланиши, бюджет ва солик тизимининг роли.

1. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ва унинг ҳисоблаш усувлари

Жамиятнинг иқтисодий фаровонлигини ўлчашда ёрдам берадиган ачагина кўрсаткичлар мавжуд. Бирок, улар ичида энг якқоли – ЯММдир. Миллий ҳисоб-китоблар тизимиға асос қилинган ЯММ иқтисодиётда бир йил ичида ишлаб чиқилган пировард товарлар ва хизматлар бутун ҳажмининг ялпи бозор қиймати сифатида аниқланади. Бунда шунга эътибор бериш керакки, ушбу йилда ишлаб чиқарилган товарларнинг ҳаммаси ҳам сотилган бўлиши шарт эмас, Базилари заҳираларни тўлдиради. Заҳираларнинг ўсиши ҳам ЯММни ҳисоблашда эътиборга олиниши керак, чунки ана шу кўрсаткич ёрдамида ҳосил қилинган барча маҳсулот, сотилган-согилмаганидан қатъий назар, ўлчанди.

Иккисеклама ҳисоблашга йўл қўймаслик. Маҳсулотларнинг кўпчилиги истеъмолчига сгиб боргунча, бир неча ишлаб чиқариш босқичидан ўтади. Натижада товарнинг айрим қисмларининг қайта-қайта сотилиши билан боғлиқ хатоларга йўл қўймаслик учун ЯММ таркибига факат пировард маҳсулотларнинг қиймати киритилади.

Истеъмол учун харид қилинган товарлар ва хизмаглар пировард маҳсулотлар деб италади. Қайта сотиш ёки яна бериш учун харид қилинадиган маҳсулотлар эса оралиқ маҳсулотлари дейилади. ЯММга факат пировард маҳсулотларнинг қиймати киритилади, чунки барча оралиқ битимлар алақачон унга киритиб бўлинганди. Оралиқ маҳсулотларни алоҳида ҳисобга олиш эса икки маротаба ҳисоб-китоб ва ЯММнинг оширилган баҳосини англатган бўлар эди.

Икки маротаба ҳисоблашга йўл қўймаслик учун ЯММга факат ҳар бир корхона томонидан барпо этилган қўшилган қиймат киритилиши устидан диққат билан назорат қилиб туриши керак. Қўшилган қиймат – корхона томонидан ҳосил қилинган маҳсулотларнинг бозор нархи бўлиб, ундан таъминотчилардан харид қилинган ва истеъмол қилинган ҳом ашё ҳамда материаллар қиймати чиқарилиб ташланган. Шундай қилиб, барча корхоналар томонидан барпо этил-

ган қўшилган қийматларни қўшиш билан ЯММни ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Молиявий битимларни истисно этиш. Соғ молиявий битимлар ялии миллий маҳсулотга киритилмайди, чунки пул даромади олувчи уни айрибошлиш учун қандайдир товар ёки хизматни тақлиф қилмайди. Соғ молиявий битимлар учта асосий турга бўлишади: ҷаштат бюджетидан тўловлар (пенсиялар, ишсилик нафакалари ва ижтиёмий сугурта тўлови ва ҳоказолар). Хусусий трансферт тўловлар (хусусий пул ўтказувчилар, хусусий фонц ва шахслар юборган нафака ҳамда пул ёрдамлари), қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ битимлар (тўгри, улар ишлаб чиқаришнинг ҳажмига билосита таъсир кўрсагади).

ЯММни ўлчаш. Юқорида ялпи миллий маҳсулот ҳақида умумий тасаввур берилган эди. Энди ишлаб чиқариш бутун ҳажмининг бозордаги қиймати қандай килиб ўлчаниши мумкинлигини кўриб чиқайлик. Буни икки усул ёрдамида кўриш мумкин: биринчидан, истеъмолчи маҳсулотиниғ пировард фойдаланувчиси сифатида уни ҳарид килиш учун қанча сарфлаши ҳисобланади, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил этилгац бутун иш ҳаки, рента тўловлари, ссуда фоизи ва фойда кўшиб чиқилади. Бошқача айтгаца, ЯММ ушбу йилда сотилган маҳсулот бутун ҳажмини ҳарид килиш харажатларини қўшиш йўли билан ёки ушбу йилдаги маҳсулот бутун ҳажмини ишлаб чиқаришдан олинган даромадни қўшиш вositасида аниқланиши мумкин.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган нарса унга ресурс ажратган ва бу маҳсулотни бозорда сотиш учун ишланганларга даромад ҳисобланади. Ушбу қоидани жадвал кўринишида ифодалаш мумкин (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, пировард маҳсулотларниғ ҳамаси ёки мамлакат ичига – ўй хўжаликлари, давлат ва бизнес томонидан ёки хорижлик истеъмолчилар томонидан ҳарид килиш экан. Жадвалдан яна шу нарса кўринадики, даромадни тўлаш билан боғлиқ бўлмаган маблағларни тақсимлашнинг икки туридан ташқари ишлаб чиқариш оминаларининг соҳиблари ўртасида тақсимланада. Юқорида баён этилган ҳамма нарсани эътиборга олиб, турли кўринишидаги харажатлар ва улардан олинган даромадларнинг маъносини батафсилроқ қараб чиқиш мумкин.

ЯММни харажатлар бўйича ҳисоблаши. Ялпи миллий маҳсулот ана шу усул билан ўлчаш учун иқтисодиётда бир йил ичига ҳосил килинган пировард маҳсулотлар ва хизматларни барпо этиш харажатларининг қўйидаги барча турларини қўшиш зарур.

ЯММни ҳисоблашга икки хил сендашиш

Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ёки товар ва хизматларни харид килиш харажатларининг йигинидиси бўйича ҳисоблаш	Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида ҳосил этилган даромад ёки даромадлар йигинидиси бўйича ҳисоблаш
<ul style="list-style-type: none"> • Шахсий истеъмол харажатлари (C) • Ялпи хусусий ички инвестициялар (Ig) • Товар ва хизматларнинг давлат хариди (G) • Соф экспорт (Xn) 	<ul style="list-style-type: none"> • Истеъмол қилинган капитал ҳажми • Бизнес учун соликлар • Иш ҳаки • Ижара тўлови • Фоиз • Якка тартибдаги маблағлардан олинадиган даромад • Корпорациялар фойдасига солинадиган солик • Дивиденdlар • Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси
Яли милий маҳсулот	Ялпи милий маҳсулот

- ўй хўжаликларининг узок муддатли ва ҳозир фойдаланилайдиган предметларга, шунингдек хизматларга кетган харажатларни ўз ичига оладиган шахсий истеъмол харажатлари;
- ялпи хусусий ички инвестициялар, яъни тацбиркорлар томонидан машиналар, ускуналар ва дасттохлар харид килишни, қурилиш, захираларининг ўзгариши билан боғлик барча харажатлар;
- Товар ва хизматларнинг давлат хариди, унга марказий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг корхона пировард маҳсулоти ва ишлаб чиқариш омилларини харид килишга доир барча харажатлари киради (бунга давлат транспорт тўловлари кирмайди, чунки улар жорий ишлаб чиқаришнинг кўпайишини акс эттирмайди);
- Товар ва хизматларнинг соф экспорти, яъни ушбу мамлакат товарлари ва хизматлари учун хорижий харажатларининг ана шу мамлакат фуқаролари ва ташкилотлари чет эл товар ва хизматлари учун сарфланган харажатларидан ошиб кетган миқдори (соф экспорт манфий ҳам бўлиши мумкин).

Сапаб ўтилган харажатлар тўртала тоифасининг йигинидиси бир йилги ишлаб чиқаришнинг бозор қийматини ташкил этади, яъни:

$$\text{ЯММ} = C + Ig + G + Xn$$

ЯММни даромадлар бўйича ҳисоблаш. Даромадлар бўйича ҳисобланганда ялпи миллий маҳсулот таркибига қандай қисмлар киришини қараб чиқайлик.

Иқтисодиётда фойда ва ялпи даромаднинг миқдорини аниқ ҳисоблаш учун тадбиркорлик шуъбасининг ялпи даромадларида амортизация чегирмаларини ҳисобга олиш зарур. Аслини олганда улар капиталнинг истеъмоли учун чегирмалари билан, яъни улар ушбу йил ЯММни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган инвестицион тонвирларни харид қилишга кетади. Тадбиркорлар даромаднинг ҳаммасини ресурсларни етказувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ишлатиб бўйласлигини ана шу турдаги ҳаражатларнинг аҳамияти кагта эканлигини белгилаган. Бу ҳаражатларнинг бир қисми – айлан маҳсулот қийматининг бир қисми ишлаб чиқаришнинг фойдани камайтирадиган чикимлари билди. Бирор ишлаб чиқариш чикимларининг бошқа турларидан фарқ қилиб амортизация бирор бир даромадга кўшилмайди.

Ҳаражатларнинг даромад тўлаш билан боғланмаган яна бир тури давлат оладиган муайян солиқлар билан боғлик, улар эгри солиқлар деб аталади. Тадбиркорлар уларни ишлаб чиқариш ҳажми деб қарайдилар ва шу сабабли маҳсулот нархини оширадилар. Бинобарин, йиллик маҳсулот қийматининг бир қисми – товарлар нархлари орқали истеъмолчилар зиммасига юклашадиган эгри солиқлардир. Миллий ишлаб чиқаришнинг ушбу тури иш ҳаки, ижара тўлови, фоиз ёки фойданни гашкил этади.

Иш ҳаки – миқдорий жиҳатдан олганда энг салмоқли даромад туридир, тадбиркорлар ва давлат ўз меҳнатини таклиф этганларга уни тўлайди. Ёланма ходимлар кўшимча даромадларнинг ҳилма-хил турлари ҳам шунга киради.

Рента тўловлари – ўз мулкидан даромад олиш учун фойдаланадиган кўшимчча мулк соҳибларининг даромадлари.

Фоиз – пул капитали соҳиблари оладиган даромад.

Фойда тупунчаси бир қагор турли кўринишдаги даромадларни бирлаштиради. Биринчидан, корпорацияга кирмайдиган тадбиркорлик секторининг даромадини ажратиб кўрсатиш керак. Иккинчидан, корпорацияларнинг фойдаларидан турлича фойдаланиш мумкин. Уларнинг бир қисмига фойда солиги солиши орқали давлат даъно қиласи. Корпорацияларда колаган фойданинг бир қисми солиқлар тўлагач, акционерларга дивиденд сифатида тўланади. Дивидендлар тўлангандан сўнг қолган қисм таҳсиланмайдиган фойда деб аталади. Бу даромадлар истеъмол қилинган капитални тиклаш чегирмалари билан бирга янги корхоналар барпо этиш ва ускуналарни ҳарид қилишга, яъни ишлаб чиқариш кувватларини кўпайтиришга йўғалтирилган. Хулас, ЯММ ё пировард товарлар ва хизматлар хара-

жатларининг тўрт турини қўшиш йўли билан ёки даромадларнинг тўккиз тоифаси ва уларга тааллуқли бўлмаган, маҳсулотниң ушбу ҳажмини ишлаб чиқариш билан боғлик чикимларни қўшиш вosisатсида ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Ишлаб чиқариш ҳажми билан даромад биргина жараённинг икки томони бўлгани учун кўрсатилган ийғиндилар албатта мувофиқ келиши керак.

2. Миллий даромад, унинг таркиби ва ўсиш омиллари

Миллий даромад жамиятда янгидан яратилган маҳсулотdir. Бошқача қилиб айтганда миллий даромад жамиятнинг соф маҳсулоти ҳисобланади. Соф маҳсулот хисобида миллий даромад зарурий ва қўшимча маҳсултга бўлинади. Зарурий маҳсулот миллий даромаднинг бир кисми бўлиб, у ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга, яъни унинг ишга лаёкатини сақлаб туриш, унинг ўрнини кейинчалик босадиган авлодларни тайёрлаш учун хизмат қиласди.

Зарурий маҳсулот зарурий иш вақтида қилинган зарурий меҳнат туфайли яратилади. Ишлаб чиқарувчи ўз иш кучини сақлаш, тиклаш учун қилинган меҳнат зарурий меҳнат ва унга кетган иш вақти эса зарурий иш вақти деб аталади.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги паст бўлган илгари даврларда иш вақти факат зарурий иш вақти бўлиб, яратилган маҳсулот ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган зарурий маҳсулотдан иборат бўлган. Кишилик жамияти тараккиётининг муайян боскичидаги ижтимоий меҳнат унумдорлиги ўсиши туфайли зарурий маҳсулот ишлаб чиқариш вақти кискарди. Оқибатда қўшимча иш вақти вужудга келди. Қўшимча иш вақтида ходим қўшимча, яъни зарурийдан ташқари меҳнат қилиб қўшимча маҳсулот яратади. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги ортган сари, зарурий иш вақти кискарди, қўшимча иш вақти эса узайиб боради. Қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ортиб боради.

Миллий даромадни ўстириш омиллари ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш омиллари ҳисобланади. Ушбу омилларга: техника тараккиёти, у туфайли ишлаб чиқаришга юкори унумли, ресурсларни тежамкор янги техника на технологияларни киритиш, улардан самарали фойдаланиш, хом ашё, ёқилғи, энергия материалларини тежаш, ишлаб чиқаришни бошкаришни такомиллаштириш, ходимларнинг билим ва касб-малакасини ошириш, уларни меҳнатга рағбатини кучайтириш ва хоказолар киради.

3. ЯММнинг ҳаракат шакллари. Истеъмол ва жамғарма фондлари. Жамғарма меъёри ва инвестиция

Миллий даромад ишлатилиши жиҳатидан истеъмол ва жамғариш фондларига бўлиниди.

Миллий даромад таркибидаги истеъмол фонди ўз ичига қўйидагиларни олади:

- ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг меҳнатга ҳак тўлаш фонди;
- социал сугурта, пенсия, иш билан бандлик ва бошқа фондлар;
- социал ёрдам фондлари;
- социал хизматлар, шу жумладан соғлиқни саклаш, санъат, маориф, фан муассасалари учун ажратмалар;
- давлат бошқаруви ва мудофаа ҳаражатлари.

Жамғариш фонди ўз ичига қўйидагиларни олади:

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш, такомиллаштириш, янгилаш фонди;
- ижтимоий захиралар, сугурта захиралари фонди;
- маданий-маший максаддаги капитал курилиш фонди.

Жамғариш ва истеъмол фондлари ўртасида ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш максадларига мувофиқ нисбатларни вужудга келтириш лозим бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтишининг ҳозирги босқичида жамғариш ва истеъмол ўртасидаги оптималь нисбат, яъни ҳалқ ҳўяжалигини тузилишини қайта ўзгартириш, тайёр маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга устивор равишда йўналтириш ҳамда ахолининг иқтисодий мухтож қисмини кучли социал ҳимоялаш мақсадларига биноан шакллантирилади.

Жамғариш фонди иқтисодиётин инвестициялаш билан боғлиkdir. Аммо инвестиция манбани жамғариш фондидан ташқари эскирган асосий фондларни янгилашга, батамом алмаштиришга сарфланадиган амортизация фондининг бир қисмини ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни иқтисодий тангликтан чиқариш, замонавий техника ва технология билан қайта куроллантириш максадида хорижий инвестициялар жалб килиш учун қулий иқтисодий, ижтимоий, ҳуқукий, молиявий шароитлар яратилган.

4. Миллий даромаднинг қайта тақсимланиши, бюджет ва солиқ тизимининг роли

Миллий даромад бозор баҳолари ва давлат, муниципал бюджет орқали қайта тақсимланади. Давлат бюджетида соликлар воситасида пул маблаглари тўпланчи ва қайта тақсимланади.

Давлат бюджетининг **даромад қисми**, асосан, корхона, фирмалар ва юридик шахслар даромад ва фойдаларига ҳади фуқароларга солинагидан даромад соликларидан тўпланади. Бунда соликлар иқтисодиёти икки томонлама вазифани бажаради. **Бир томондан**, улар давлат даромадларини шакллантиради, **иккинчидан** эса, истеъмол ва маҳсулот ишлаб чиқарувчига рағбатлантирувчи сифатида таъсир кўрсатада. Юқори соликлар бозорида умумий талабни ва ялпи миллий маҳсулот ҳажмини камайтиrsa, паст соликлар эса давлат даромадини тушириб юборади. Шунинг учун муайян шароитда соликларнинг оқилюна чегарасини белгилаш муаммоси туради.

Давлат бюджетининг **харажат қисми** таркибида ҳалқ ҳўжалигига ижтимоий соҳани, яъни маориф, фан, соглиқни саклаш ва жисмоний тарбияга, социал таъминот, социал сугурта ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, мудофаага, давлатни бошқариш харажатлари мухим аҳамиятга эга.

“Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга катта аҳамият берилмоқда. 1997 йили бюджетда социал соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланган харажатлар улуши 47% белгиланган”.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Миллий ҳисоб-китоблар тизими – ЯММ (ЯИМ) ва миллий даромадни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни ифодалайдиган ўзаро боелик кўрсаткичлар тизими.

Иккинёклама ҳисоб – ялпи миллий маҳсулот кийматига оралиқ маҳсулот ва хизматининг кийматини такрор ёки бир мартадан ортиқ киритиш.

Оралиқ маҳсулот – ишлов бериш, қайта ишлаш ва қайта сотини мақсадларида сотиб олинган маҳсулот.

Кўпилган киймат – ишлаб чиқарилган маҳсулог кийматидан сотиб олинган ва умумий истеъмол қилинган ҳом аниё ва материаллар киймати чиқариб ташлангандан кейин колган қисмининг бозор киймати.

Пировард маҳсулот – ишлаб чиқариш жараёнида якунланган, шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр бўлган маҳсулотлар.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги киймати.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги киймати.

Соф миљлий маҳсулот (СММ) – амортизация ажратмалари сум- масига камайтирилган ЯММ (ЯИМ) сифатида бўлиб, таркибан миљлий даромадлар ва эгри соликлардан иборат бўлади.

Реал ЯММ – нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб доимий (ўтгармас) нархларда ҳисобланган ЯММ,

Миљлий даромад – янгидан вужудга келтирилган қиймат бўлиб, СММдан эгри соликларни чиқариб ташлаш йўли билан аникланади.

Шахсий даромад – миљлий даромаддан ижтимоий сугурта ажратмалари, корхона фойдасидан олинадиган соликлар ва корхона- нинг тақсимланмайшигиган фойдасини чиқариб ташлаш ҳамда аҳоли қўлига келиб тушадиган ижтимоий тўловлар суммасини қўшиш йўли билан аникланади.

Хуфёна иқтисодиёт – ЯММни ишлаб чиқариш, тақсимлашнинг расмий иқтисодиётдан яширин қисми.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Макроиктисодий доираниш қандай амадга ошади? Уни тушунтириб беринг.
2. Макроиктисодий кўрсаткичлар нималар ва улар миљлий иқтисодиётда қандай роль ўйнайди?
3. ЯММ ва СММ бир-биридан нима билан фарқланади? СММ ва миљлий даромад-чи?
4. Ялпи миљлий маҳсулотнинг ҳисоблаш усулларини тушунтириб беринг?
5. Иккёйчама ҳисоблаш деб нимага айтилади?
6. Миљлий даромад деб нимага айтилади? У қандай тақсимланади ва қайта тақсимланади?
7. Истеъмол ва жамғарма фонdlари пима?

Адабиётлар

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- Бекнозов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. -Т.: «Университет», 1993
- Камаев В.Д. и другие. Учебник по основам экономической теории. (Экономика). -М.: «Владос», 1994.
- Экономика. Учебник под ред. А.С. Булатова. -М.: "Бек", 1995.

- Үлмасов А., Шарифхұјаев М. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: «Меднэт», 1995.
- Умаров К.Ю. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: «Университет», 1998.
- Умаров К.Ю. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: «Университет», 2001.
- Хошимов П.З. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Маъруза матндари. –Т.: «Университет», 2001.

ХХ БОБ. ЖАЪМИ ТАЛАБ ВА ЖАЪМИ ТАКЛИФ

1. Жаъми талаб ва таклиф тушунчаси.
2. Жаъми талаб эгри чизиги ва унга таъсир килувчи омиллар.
3. Жаъми таклиф эгри чизиги, жаъми таклиф эгри чизигини силжитиб турувчи омиллар.
4. Ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми ва нархларнинг мувозанатли даражасига талаб ўзгаришининг таъсири.
5. Ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми ва нархларнинг мувозанатли даражасига жаъми таклиф ўзгаришини таъсири.

1. Жаъми талаб ва таклиф тушунчаси

Бизга маълумки, ҳар қандай бозордаги вазиятлар талаб ва таклифга, яъни уларнинг ҳажмини ўзгаришига боғлик бўлади. Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат нархларни ўзгаришига ва аксинча, нархларни ўзгариши эса талаб ва таклиф ҳажмига бевосита таъсир қиласди.

Бу жараён факат бирон-бир маҳсулот ёки хизматгагина тегишли мас, балки умуман миллй бозорга таалуқлиди. Бозордаги талаб алоҳида харидорлар истаги коҳиши кўринишида бўлмасдан, барча харидорларнинг бирлаштирилган талаби сифатида амал қиласди ва макродарражадаги истеъмол қобилиятини акс эттиради.

Таклиф эса миллий ишлаб чиқариш жами ҳажмини таклифи сифатида бозорга чикади.

Жаъми талаб – уй кўжалиги, корхоналар, ҳукумат ҳамда хорижий харидорларининг товар ва хизматларга талабидир.


Жаъми талаб – истеъмолчилар, корхоналар ва давлат ҳар қандай нархда сотиб олиши мумкин бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмидир.

Нархлар дарражаси деянда турли хил товар ва хизматларни алоҳида нархларини умумлаштирувчи жаъми нарх тушунилади. Нархларни нархлар даражасига жаъми истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятили талабини жаъми талабга, барча товар ва хизматларни эса миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига бундай бирлаштириш йириклаштириш деб аталади.

Жаъми талаб ва таклиф ҳамда нархлар дарражаси барча макро-иктисодий моделлар тузилишининг асоси ҳисобланади. Бу кўрсат-кичларни ўзаро бир-бирига боғликлигини график ёрдамида акс эттирилади.

1-чизма

Жами талаб, жами таклиф ва нархлар даражаси ўртасидаги боғлиқлик



Мазкур чизмадан кўриниб турибдики, нархларни ўзгариши жами талабга акс таъсир кўрсатади, яъни нарх даражасини ўсиши талабни кискаришини келтириб чиқаради.

Жаъми таклиф ва нарх даражасида эса нарх қанча юкори бўлса, таклиф шунча кўп бўлади.

2. Жаъми талаб эгри чизиги ва унга таъсир қилувчи омиллар

Нархлар даражаси ва жаъми талаб ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлиб, нархлар ўсиши билан талаб қискариб боради ва аксинча, нархлар қанчалик паст бўлса, харидорлар кўпроқ товар ва хизматларни сотиб оладилар (2-чизмага каранг).

2-чизма



Нархлар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизик – **жами талаб эгри**

чизиги дейилади. Жами талаб эгри чизигига күйидаги нарх омилла-
ри таъсир кўрсатади:

1. Фоиз ставкаси самараси.
2. Бойлик самараси.
3. Импорт товарларини харид этиш самараси.

1. Фоиз ставкаси самараси. Агарда мамлакатда пул массаси
ҳажми доимий деб фараз килсак, нархлар ўсганда аҳоли ва корхона-
ларга харид учун кўп пул керак бўлади. Бу пулга бўлган талабни
оширади. Пулга бўлган талаб ошгани учун унинг нархи, яъни фоиз
ставкаси ошади. Фоиз ставкаси юқори бўлганда аҳоли ва тадбиркор-
лар ўз ҳаражатларини қисқартириб, жамғармаларни банкка кўйиш-
ни афзал кўришади. Бунда миллий маҳсулотни реал ҳажмига бўлган
жами талабни қисқартиради.

2. Бойлик самараси. Нарх ошганда тўйланган бойликини реал
қиймати камаяди (Акция, облигация, пулларни). Бу бойликларни
реал харид қобилияти тушиб кетганилиги учун аҳоли ўзини харидини
камайтиради. Бу билан жами талаб қисқаради.

3. Импорт товарларини харид этиш самараси. Одатда импорт
ва экспортни қай даражада бўлиши нархларга боелиқ бўлади. Мил-
лий товар нархи юқори бўлса хорижий товарларни харид этиш са-
марали бўлади. Бу миллий маҳсулотларга жами талабни камайтира-
ди, импорт маҳсулотларга бўлган талаб эса ўсади. Хорижий хари-
дорларни ҳам миллий товарларга бўлган эҳтиёжи, талаби қисқаради.

Аксинча, мамлакатда нарх даражасини пасайиши импортнинг
камайишига ва экспортнинг кенгайишига сабаб бўлади, миллий маҳ-
сулотга бўлган талабни оширади.

Жами талабнинг ўзгаришига нархдан ташқари бир қанча ноба-
ховий омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Бу нобаховий омиллар таъси-
рида эгри чизик тоҳуру ўнг, тоҳуру чап томонга ҳаракатланади (З-чизма).

З-чизма



Нобақовий омиллар таъсирида жаъми талаб эгри чизигини суриниши. Жаъми талабга таъсир қилувчи нобақовий омиллар қўйидаги лардир:

1. Истеъмолчи харажатларининг ўзгариши.

Истеъмолчиларни харажатлари кўпайса, жаъми талаб эгри чизиги ўнг томонга суриласи ва аксинча. Қўйидаги ҳолатлар эса истеъмолчи харажатларини ўзгартиради.

а) Истеъмолчини турмуш шароити. Истеъмолчилар кўлидати моддий бойликлари (акция, облигация, пуллар, уй-жойлар) нархга боғлиқ бўлмаган ҳолда реал қиймати камайиши ёки кўпайиши мумкин. Масалан, бирданига уйни нархи ошиб кетади ёки тушиб кетади. Шунда аҳоли моддий бойликларни реал қийматини ошириш учун харажатларни камайтиради.

Бирданига акция курсини кўтарилиши истеъмолчи турмуш шароитини яхшилади. Бу жаъми талабга таъсир қиласди.

б) Истеъмолчини кутиши – агар келажакда реал даромадлари ошаци деган тахмин бўлса, харидни кўпайтирадилар ёки аксинча.

в) Истеъмолчилар қарздорлиги- кредитта товар олған ва қарзи кўп бўлган шароитда истеъмолчилар харидни камайтирадилар. Бу жаъми талабни қисқартиради.

г) Соликлар кўп бўлса, жаъми талаб қисқаради ёки аксинча.

2. Инвестицион харажатларни ўзгариши-иккинчи нобақовий омиллар. Агар инвестицион товарларни ишлаб чиқариш воситаланни харид этиш кўпайса, жаъми талаб кўпаяди ва аксинча.

Бу ўзгаришлар қўйидаги шартлар натижасида рўй беради:

а) Фоиз ставкаси – фоиз ставкасини ошириш инвестицион харажатларни камайтиради, бу жаъми талабни камайишига сабаб бўлади.

Бу фоиз ставкасини ошиши нарх билан боғликмас, шунинг учун фоиз ставкаси самарасидан фарқ қиласди. Фоиз ставкаси нархлар бир хил даражада бўлгани ҳолда, мамлакатдаги пул массасини ўзгариши билан бевосита боғлиқ бўлиб, муомаладаги пул массасини кўпайиши билан у ошиб боради, бу инвестиция харажатларини қисқартиради.

б) Инвестициядан кутиладиган фойда. Фойда кўп бўлади деб прогноз бўлса, инвестицион товарларга талаб кўпаяди, бу жаъми талаб эгри чизигини ўнг томонга суради ва аксинча.

в) Корхоналардан олинадиган солик. Солик кўпайса фойда камайди, бу инвестицияни қисқартиради. Инвестицион товарларга талабпинг қисқариши жаъми талаб эгри чизигини чап томонига суради, жаъми талаб қисқаради.

г) Технология – янги технология инвестицион харажатларни рағбатлантиради, бу жаъми талабни оширади.

д) Резервдаги күвватлар – резервдаги ишлатылмаётган капиталның күпайиши инвестицион товарларга бўлган талабни ушлаб туради, бу жадами талабни қискартиради.

3. Давлат харжатларини үзгариши – үчинчи нобағовий омилдир.

Миллий маңсулоттун давлат харид қилиши күнайса-харажаттар ошади. Бу жаъми талабни күнайтиради, эгри чизик ўнг томонга суриласи ва аксинча.

4. Соф экспорт харажатлари – жаъми талабни кейинги ноба-ховий омилдидир. Бу харажатлар экспорт ва импорт ўртасидаги фапкын иборат. Унга кўйиналидир таъсир этари

а) Хорижий мамлакатлар мишлий даромади. Башка мамлакатлар миллий даромадларни ўсис бориши, хорижий истемолчилар талабини күпайтишига яна хорижга товар етказиб беришниң кенгайишига олиб келади. Натижада эсә жаъми талаб хажми ўсади.

б) Валюта курсини ўзгариши-экспорт ва импортни тартибга солиб туради: миллий валюта курсини пасайиши экспортни рағбатлантириади ва импортни нафлигини камайтиради. Уни кўтарилиши экспорт ва импортга тескари таъсир кўрсатади.

3. Жаъми таклиф эгри чизиги, жаъми таклиф эгри чизигини силжитиб түрүвчи омиллар

Жаъми таклиф дсганда ишлаб чиқарилши ва муйайн нарх даражасида бозордан сотиб олиниши мумкин бўлган барча товар ва хизматларнинг реал ҳажми тушунилди. Жаъми таклиф ишлаб чиқариш даражаси ва пархлар даражаси ўртасидаги боғлиқликни акс этирувчи эгри чизик кўринишига эга. Нархлар ўсили билан товар ишлаб чиқариш ўсиб боради, пасайинши билан тушив боради.

4-ЧИЗМА



Кейнисиан кесма иктисодист пасайиши ҳолатида эканлитини күрсатади, бунда катта миқдордаги мөхнат ва моддий ресурслар фойдаланилмаёттган бўлса, инглиз иктисадчиси Ж. Кейнси таъкидлашича, агарда шу кесмада ишлаб чиқариш ҳажми ўса

бошласа ёки туша бошласа, бу ҳолат ўзидан кейин нарх ва иш ҳақи даражаларини ўзгаришига олиб келмайди.

Вертикал (классик) кесма иқтисодиётни "түлік" бандлык шароитидаги ёки ишсизликнинг табиий даражаси нұктасидаги ҳолати-ни ифодалайди. Бу вактда ишлаб чиқариш қувватларидан, мавжуд имкониятлардан түлік фойдаланаёттан бўлади, шунинг учун хам нархдаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатмайди. Яъни нарх ҳар қанча ошсаям, бу ишлаб чиқариш ҳажмини ошири-майди.

Оралиқ кесма -ишлаб чиқаришни реал ҳажмини ўсиши билан нархлар ҳам ўсаётганини кўрсатади. Иқтисодиётни барча секторларида иқтисодий пасайиш ҳолатидан түлік бандлыкка ўтиш нотекис ва турли вактда юз беради. Айрим тармокларда ресурсларни етиш-момчилигига дуч келиши мумкин, уларга ишлаб чиқаришни кенгай-тириш учун эса асбоб-ускуналардан, ҳам малакасиз кадрлардан фой-даланишга тўғри келади. Бу маҳсулот бирлигига кетадиган харажатларни ўсишига ва иатижада нарх ошишига сабаб бўлади.

Жаъми таклиф эгри чизиги нарх даражаси ва миллий маҳсулотнинг реал ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ўрнатади.

Ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки пасайишига нархдан таш-кари нобаховий омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Бу омиллар жаъми таклиф эгри чизигини чап ёки ўнг томонга суради.

Нобаҳовий омиллар.

1. Ресурслар нархи – ресурслар нархи ошган шароитда маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатлар кўпайди.

Бизга маълумки нарх даражаси ўзгармас бўлган шароитда фойда микдори харажатларга боғлиқ бўлади.

Харажатлар ўсиши билан фойда камайиб боради, ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришга қизиқиши камайди, агарда харажатлар камайса, фойда микдори ошади ва ишлаб чиқариш кенгайди, жаъми таклиф ўсади. Умуман маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларни кўпа-йиши жаъми таклиф эгри чизигини чап томонга, камайиши эса эгри чизикни ўнг томонга суради.

а) Ички ресурсларни ўзгариши-агар ички бозорда ресурсларни ўзгариши бўлса, яъни ер, меҳнат, капитал тадбиркорлик қобилия-тларини таклифини ўсиши, уларни нархини пасайтиради, бу ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради.

б) Унумдорликдаги ўзгаришлар.

Харажатлар иқтисодий ресурслардан унумли ва самарали фой-даланиш ҳисобигаям ўзгаради. Ишлаб чиқарнинг янги технологияни жорий этиш, ходимлар малакасини ошириш унумдорликни оширади.

2. Хукукий месъёрларнинг ўзгариши.

Түрли хилдаги ҳукукий мөйөрларни солик субсидияларни міндериниң үзгариши ишлаб чиқариш харажатларында таъсир қилиши мүмкін.

Нобағовий омыллар таъсирида жаъми таклиф әгри чизигини суримиши

5-чизма



Ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми

Агар ҳукумат ишлаб чиқарувчилар томонидан тұланиладыдан солик ставкаларни ошираса ва уларға бериладыған субсидияларни қыскартыраса, бунда маңсулот бирлигінде кетген харажат үседі, нарх үзгартмасында қолда фойда камайды. Шу туғайлы ишлаб чиқаришга бўлган рағбат тушиб кетиб, жаъми таклиф қискаради, әгри чизик чапга сурилади.

4. Ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми ва нархларнинг мувозанатли даражасында талаб үзгаришининг таъсири

Нархларни мувозанатли даражаси деб шундай нарх даражаси түшиниладыки, үнда жаъми талаб ва жаъми таклиф бир-бирига мос келиши ва бир-бирига тенг бўлиши керак.

Нархларни мувозанатли даражасида матьлум міндердаги маңсулотни харидорлар сотиб олишга, ишлаб чиқарувчилар эса уни ишлаб чиқариш ва сотишга рози бўлади. Бу мислий ишлаб чиқариш ҳажмини мувозанатли реал ҳажми дейиллади.

6-Чизмада бу кўрсатилган бўлиб, жаъми талаб ва жаъми таклиф әгри чизикларининг кесишган нуктасидан.

L1- жаъми талаб әгри чизигининг жаъми таклиф әгри чизиги билан унинг кейнс кесмасидаги кесишган нуктаси. Талаб әгри чизигини бу кесма бўйлаб ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми томон ҳаракати, нарх даражасини үзгариши билан кузатилмайди.

P1- міндер мувозанатли нарх.

Ү1- миilliй маҳсулотнинг мувозанатли реал ҳажми.


Жами талабни ошиши билан унинг эгри чизиги ўнга сурилади ва мувозанат нуқтаси (L_2) оралиқ кесмада ўрнатиласди.

Бу кесмада талабни кенгайиши нархлар даражаси ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгариши билан боғлиқ (P_2 ва Y_2)

Жаъми талабни яна ўсиши эгри чизикни янаям юқорига сурилишига олиб келади. Шунда у AD_3 ҳолатини эгаллайди ва таклиф эгри чизигини классик кесмада кесиб ўтади. Бу ерда мувозанатли нарх P_3 да, ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми Y_3 нуқтада ўрнатиласди.

6-чизма

Жаъми талаб ўзгаргандаги ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми ўзгариши



5. Ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми ва нархларнинг мувозанатли даражасига жаъми таклиф ўзгаришини таъсири

Жаъми таклифга ёки муайн нарх даражасида бозорда таклиф қилиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг реал ҳажмига нарх-навоға боғлиқ бўлмаган бир қатор омиллар таъсири остида бўлади.

Бу омиллар жаъми таклифни тоҳ камайишини, тоҳ кўпайишини келтириб чиқариши мумкин. Биринчи ҳолатда жами таклиф эгри чизиги чапта, иккинчисида ўнга сурилади.

Е1 мувозанат нуқтаси E2 ва E3 ҳолатига сурилади, нархларнинг мувозанатли даражаси ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли миқдори ҳам ўзгариши, фарз килайлик иқтисодиётда маълум бир нархлар даражасида иш ҳаки ошган ва ходимларни ижтимоий сугуртасига ажратмалар кўпайган бўлсин, маҳсулот бирлигига сарфланадиган

ҳаражатлар ўсса (ини ҳаки ошса, ижтимоий сугурта ажратмалари кўпайса) фойда камайди, бу жаъми таклифни кисқартиради.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Жаъми талаб – уй хўжалиги, корхоналар, ҳукумат ҳамда хорижий харидорларнинг товар ва хизматларга талабидир. Яъни истеъмолчилар, корхоналар ва давлат ҳар қандай нархда сотиб олиши мумкин бўлган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмидир.

Нархлар даражаси – турли хил товар ва хизматларнинг алоҳида нархларини умумлаштирувчи жаъми нархдир.

Жаъми талаб эгри чизиги-нархлар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизикдир.

Жаъми таклиф – ишлаб чиқарилиши ва муайян нарх даражасида бозордан сотиб олиниши мумкин бўлган барча товар ва хизматларнинг реал ҳажмидир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР

1. Жаъми талаб деганда нимани тушунасиз?
2. Жаъми талабга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Жаъми талабга таъсир кўрсатувчи нобаҳовий омилларга нималар киради?
4. Жаъми таклиф деганда нимани тушунасиз. Жаъми таклифга қандай нобаҳовий омиллар таъсир кўрсатади?
5. Кейинча кесма иқтисодиётнинг қандай ҳолатини кўрсатади?
6. Жаъми таклифдаги оралик кесма нимани ифодалайди?
7. Ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасига жаъми талаб ва жаъми таклиф қандай таъсир кўрсатади?
8. Ҳукукий меъёрларни ўзгариши билан жаъми таклифнинг алоқаси мавжудми?

Адабиётлар:

- Каримов И. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос йўли Тошкент. «Ўзбекистон». 1993.
- Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида Тошкент. «Ўзбекистон». 1995.
- Макконнел. К.Р., Брю С.Л. Экономикс.; Принципы, проблемы и политика. Том 1. «Республика», 1992.

- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика; Перевод с англ со второго изд. " Дело ЛТД", 1993.
- Мэнкью Н.Г. Макроэкономика. Перев с англ. М. МГУ. 1994.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. 14- боб. Тошкент, «Меҳнат». 1993.
- Бекнозов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси Тошкент. «Университет». 1993.
- Йулдошев З., Қосимов М. Макроиктисодиёт асослари. Тошкент. «Ўқитувчи». 1994.
- Чжен В.А. Бозор конунияги асослари 3-том. Т. 1996.
- Чжен В.А. Бозор ва очик иқтисодиёт. 4-том Т. 1996.
- Ҳакимова М. Макроиктисодиёт. Тошкент. «Меҳнат». 1997. 6-боб.

ХХІ БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЦИКЛ НАЗАРИЯСИ. ИНҚИРОЗЛАРНИНГ САБАЛЛАРИ. УЛАРДАН ЧИҚЫШ ЙЎЛЛАРИ

1. Иқтисодий цикл тушунчаси.
2. Иқтисодий цикл босқичлари.
3. Иқтисодий цикл турлари.
4. П-жаҳон урушидан кейинги циклни ривожланиш хусусиятлари.

1. Иқтисодий ўсиш цикллари

Иқтисод бир маромда ривожланмайди, унга иотекис тараққиёт ҳам хос. Тарихда ҳар қандай иқтисодий ўсиш ўрнига турғушлик ва ҳатто тушкунлик келган, сўнгра яна иқтисодий ўсиш бўлган. Иқтисоддаги шундай тебранма ҳаракат маълум даврларда такоррланиб турган. *Иқтисодий ривожланиш жараёнидаги кўтарилиши ва пасайши ҳодисаларини ўз ичига олувчи, иқтисодиётнинг тебраниб туриши билан ифодаланувчи давр иқтисодий ўсиш цикли (даварийлиги) дейилади.*

Цикллар азалдан мавжуд, улар иқтисодиётнинг ҳамма турларига хос бўлган, аммо иқтисоддаги тебранма ҳаракат турли даврда ва турли шаклда намоён бўлган. Қадимти Дунё ва Ўрта асрлар иқтисодиётидаги тебранма ҳаракат асрлар давомида юз берган, чунки иқтисодий ўсиш омиллари кучсиз борган ва бу омиллар иқтисодиётта фаол таъсир эта олмаган. Иқтисодиёт Колоқ бўлганида, уни ривожлантириш учун инвестиция стишмагап, бунинг устига инвестициялар янги технологияни жорий этиш билан боғлик бўлмаган, чунки унинг ўзи асрлар давомида камдан-кам ўзгарган. Кишилар табиий қучлардан (масалаи, шамол, сув кучи) фойдаланишини ўрганишлари учун кўп асрлар керак бўлган. Иқтисодиётнинг кўтарилиши ва пасайши ўқтин-ўқтин бўладиган кашфиётлар, табиий оғатлар ва урушлар билан боғлик бўлиб келган. Ўрта асрлардаги иқтисодий жонланишлар елкали кеманинг кашф этилиши ва савдо йўлларининг очилиши, Америка китъасининг очилиши каби воқеалар билан изоҳланган.

Иқтисодий тараққиёт суст жойда циклларни ривожланиши аниқ намоён бўлмайди. Машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш муносабати билан иқтисодий ўсишнинг интенсив усуслари ҳаракатга келгач, иқтисодиётдаги тебранма ҳаракат очикдан-очик намоён бўлади ва тез-тез такоррланиб туради. Машиналар тизими пайдо бўлгандан сўнг циклни ривожланиш қонуний ҳодисага айланади. Айниқса, бу ҳозирги фан-техника инқишиби замонида кучяди. Колоқ ва ривожланган жамиятдаги иқтисодий тебранишлар сабаби айнан бир

хил эмас. Колок不可缺少 дағыда бу күпинчә табиий омиллар ва фало-
катлар натижасыда бўлган, чунки иқтисодий фаолиятга тасодифлар
кучи таъсир кўрсата олган. Иқтисодий қуввати кучли жамиятда
ишлаб чиқариш табиий ва бошқа тасодифий ҳодисалар таъсирини
кучсизлантира олади. Шу сабабли тебранишлар иқтисодиётнинг
ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Уларни асосан икки нарса
кеслериб чиқаради. Биринчиси, фан-техника тараққиёти билан
боғлиқ инвестициялар, иккинчиси, маҳсулот ва хизматларга бўлган
талаб-эҳтиёжнинг ўзгариши. Улар биргаликда иқтисодий ўсишга
таъсир этади. Маҳсулотга талабнинг ортиши ёки камайиши ишлаб
чиқаришни кенгайтириши ёки қисқартириши тақозо этади. Бу ўз
навбатида инвестицияларни ўзгартиради. Талаб кетидан инвести-
цияларни юллаб чиқаришдаги техника ва технология-
ларни янгилайди. Аммо ишлаб чиқариш хаффан тағқари кўпайса,
маҳсулот туриб қолади, уни кўпроқ ишлаб чиқариш зарурати бўл-
майди. Натижада уни қисқартиришга тўғри келади. Ишлаб чиқа-
ришнинг техникавий янгиланиши вакти-вақти билан бўлиб туради,
шу сабабли иқтисодий ўсиш нотекис юз беради. Иқтисодий ўсиш
ўрнига турғунлик ёки тушкунлик келади, сўнг ишлаб чиқариш яна
ўйгланиб кетади. Техника тараққиётнинг шиддатига караб техни-
кавий янгиланиш муддати қисқарди. Агар XIX асрнинг I-ярмида
техниканинг янгиланиши, яъни мавжуд техниканинг эскириши
натижасыда унинг янгиси билан алмаштириши 12-15 йилда бўлса,
XX асрнинг охирига келиб, бу муддат 3-5 йилга тушшиб қолди. Бу-
нинг устига талаб-эҳтиёж ҳам тез янгиланди. Шу боисдан ўсиш ва
пасайишдан изборат төбранма ҳаракат цикли (даври) ҳам қисқарди.

Собиқ Иттифоқ мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдик, иқтисодий цикла жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг ўзга-
риши ҳам таъсир этади. Бир иқтисодий тизим (тоталитар тизим) инкиrozга юз ўгириб, иқтисодий ўсишини таъминлай олмагани ҳолда,
унга кодир бўлган янги тизим (бозор тизими) шаклланиб улгурмаган
шароитда ишлаб чиқаришнинг ўсиши унинг тушкунлиги билан ўрин
алмасди. Натижада ишлаб чиқаришнинг камайиб кетиши билан
боғлиқ иқтисодий кризис келиб чиқади. Тушкунликпинг давомий-
лиги, ундан чиқиши муддати янги иқтисодий муносабагларнинг шакл-
ланишига боғлиқ. Иқтисодий тизимларнинг ўрин алмашуви билан
боғлиқ бўлган иқтисодий ўсишдаги ўзгаришилар ўткинчи, бинобарин,
вактийча бўлади. Янги тизимга ўтилгач, иқтисодий цикл ўзининг
конуний ҳолатига қайтади.

**2. Иқтисодий цикл. ҳозирги назарияларга кўра тўрт босқич-
дан изборат:**

- 1) ўсиш чўққиси;
- 2) пасайиш;

3) турғунылкы (депрессия);


4) жонланыш.

Шу боскичлар кетма-кет юз беради. Түлқиннинг келиб-қайтиши, кўтарилиши-тушиши каби ҳаракат иқтисодиётда ҳам юз беради, лекин бу иқтисодиётнинг илгаришлаб боришига хос. Түлқинсимон ҳаракатни АҚШ иқтисодчилари кўйилдагича тасвир этишади (1-чизма).

I-чизма

Иқтисодий цикл боскичлари

Иқтисодий фаоллик даражаси



Чизмадан кўринадиги, юкорилашиб борадиган тўғри чизик иқтисодий ўсишни билдиради. Аммо шу ўсиш жараёнида иқтисодиётнинг кўтарилиб-пасайиб, яна кўтарилиб-пасайиб туришидан иборат ҳаракат юз беради. Бу ҳаракат маълум даврда такрорланади. Раҳмдан тўлқинсимон ҳаракатни уч бор такрорланганини кўрамиз, чунки иқтисодиёт уч марта ўз чўққисига чиқади.

Иқтисодиётнинг бир боскич узра ҳаракати ўз хусусиятига эга. Ўсиш чўққисидан иборат боскич ишлаб чиқаришнинг юксалишидан далолат беради. Бу боскичда иқтисодий фаоллик кучаяди, буни Фарбда “БўМ” гуркираши деб аталади. Ишлаб чиқариш суръатлари ошади, тўла иш билан банд бўлиш пайдо бўлади, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишлайди, маҳсулот кўп яратилса-да, сотилиб кетади, аммо инвестиция фаолияти кучти бўлмайди. Шундан сўнг ишлаб

чикариш пасая боради ва кўйи нуҳтага тушади, ишсизлик орта боради, ишлаб чикариш кувватлари бўшаб қолади, товарлар ҳам туриб қолиб, бозор касодлашади. Мана шундай тушкунликни *иқтисодий кризис* деб ҳам аташади. Шундан сўнг депрессия (турғуллик) босқичи келади. Бу босқичда иқтисодиёт на пасаймай, на ўсмай бир ҳолатда қатқиб туради. Ишсизлик ҳам бир меъёрда туради, нархлар ўзгармайди, аммо инвестицион фаоллик бошланади. Инвестиция кўпайиб, ишлаб чикариш янгиланади, инъестиция “хаста” иқтисодиётни даволаш учун берилган ишлекция (эмлаш) муолажа вазифасини ўтайди. Ишлаб чикариш техникиси янгиланади, янги харидоргир маҳсулотлар ишлаб чикариш бошланади. Бунинг натижасида иқтисодиётда жонланни бошланади, у секин-аста юкорига кўтарила бошлайди, талаб ўсади, нарх ошади, иш бијлан банд бўлиш ортади, ишлаб чикариш кувватлари тобора тўла ишлай бошлайди. Натижада ишлаб чикариш яна чўккига чикиб олади. Шундай харакат қайтакайта юз беради ва ҳодисалар занжирни бу цикли ривожланиш орқали бориши унинг муаммолари мавжудлигидан дарак беради. Иқтисодий ўсиш муаммоларини ҳал этиш ижтимоий тараққиётга йўл очади.

Бинобарин, иқтисодий цикл ўз ичига бир томондан эса-уни соғломлаштиришни олади, зеро эски иқтисодиёт таркиби бутунлай ўзгариши, бошқа томондан меҳнатни ташкил этишининг янги технология ва усулларни жорий этиш, асосий ишлаб чикариш фондларини янгилаш рагбатлантиради.

3. Иқтисодий цикл турлари. Иқтисодий инқирознинг иккита асосий тури маълум: *ортиқча ишлаб чиқарииш ва кам ишлаб чиқарииш*. Биринчи ҳол бозор иқтисодиётига хос. У XIX асрнинг бошлариданок кўзига ташланана бошлаган. Биринчи ортиқча ишлаб чикариш инқирози Англияда 1825 йишида бошланган. Шундан буён, инқирозларниң мунтазамилиги, цикличик кўриниши хар 10-11 йилда такрорланиб туради. 1857 йищаги инқироз биринчи жаҳон циклилук инқирозига айланди.

Инқироз иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайинши, ишлаб чиқариш миёсларининг кисқаранин, сотилмаган маҳсулот захирапарини кўпайиши, омбор ва дўконларнинг молга тўлиб кетиши, буюртмалар микдорининг камайинши, ускуналар, қурилишга талабнинг озайиши билан ифодаланади. Жамғарашган товарларни ўз танпархидан паст нархда сота олмайдиган корхоналар оммавий равишда синади. Ишсизлик ўсади, молиянинг кредитиг алоқалари узилади, кимматбаҳо коғозлар бозори касод бўлади, банк фойзининг меъёри ошади.

Ортиқча ишлаб чиқарииш таингликларининг асосий сабаби, иқтисодиётнинг товар турига, унинг рақобатли бозор механизмларига хос

бўлгай зиддиятларниң бугун бир мажмуга бориб тақшади. Рақобат ва энг кўп фойда олишга сабаб бўладиган ишлаб чиқаришни доимий тарзда кенгайтириш ишлаб чиқарилган товарлар ва уларни таклиф қилиш истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятидан анча ошиб кетипига олиб келади. Натижада, сотилмаган товарлар, ускуналар, чала курилиш ҳажмлари ошади. Окибатда, корхоналар ўзлари кўрган фойдани олмайдилар, синацилар, ходимларни иш ҳаки тўлай олмайдилар, зарур ҳом ашёни сотиб олишта, ишлаб чиқаришни аввалги миқёсларига ушлаб туришга курблари етмайди. Фирмаларнинг бир қисми хонавайрон бўлади, ишсизлик ўсади, саноат ишлаб чиқаришнинг куммулатив (кўпамончи) спирали амал қила бошлайди: иктисодиётнинг ҳали арзимас қисми банкрот бўлган даврда бўхрон ва корхоналар синишини дастлабки белгилари кўриниши билан ишдан бўшатилган кишилар зарур товарларни харид қилишга кодир бўлмай қоладилар, натижада бозордаги ялни талаб пасаяди. Ўз ходимлари бўшатаётган ва ҳом ашёга, ускуналарга, курилишга бўлган талабни қисқартираётган бошқа корхоналар бу жараёнга кўшиладилар, бу эса бозордаги ялни талабининг, яъни сифати ва фойдалилигидан қатъий назар, барча товарлар ва хизматларнинг куммулатив тушкунлиги иккиласми тўлкинига соғломлантиришга ва янгилаш учун бўлган танглилка дучор килади, дейиш мумкин.

Ортиқча ишлаб чиқаришнинг иктиносидий танглилларни бошкариш усууларини илк маротаба инглиз иктиносидчиси Жон М. Кейнс таклиф килган эди. Унинг фикрича, зарур пайтда, яъни, ортиқча ишлаб чиқаришнинг дастлабки белгилари (маҳсулот сотилимай қолиши, истеъмол ва тадбиркорлик талаби пасайиши) кўриниши билан бозор давлат ўйинига аралашиши керак, иктиносидётга давлат ҳаридор, инвестор тарзида аралашиб, бу билан ялни талабни кўллаб-куватлаши, ишлаб чиқариш, ишсизлик иктиносидий ўсиш суръатларининг куммулатив қисқариши жараёшларини авж олишига йўл кўймаслик керак. Бирок, Кейнс усуулари киска муддат учунгина ижобий аҳамиятга эга, улардан узоқ вақт ичида фойдаланиши эса бозорни издан чиқишига, талаб инфляцияси туғдирган асосий хусусий инвестициялар ва нархлар мутаносиблигига олиб келади.

Кам ишлаб чиқариши инқирозида ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тизимида ишлаб чиқариш билан аҳоли эҳтиёжлари номуво-фикалиги юзага келтириган нисбатлар бузилади: тўловга қодир талаб бозордаги товарлар таклифи ҳажмидан ошиб кетади. Инқирознинг бундай тури бозор юксак даражада монополиашга, рақобат механизмлари мавжуд бўлмаган маъмурий буйруқбозлик иктиносидёти учун хосдир. Якка ҳоким корхоналар учун истеъмолчилар эҳтиёжини ва тўловга қодир талабни кондириладиган товарларни кўп миқдорда ишлаб чиқариш фойдали эмас: улар учун тонар ассортимен-

тини кенгайтирмасдан туриб ўз маҳсулотини нархини кўтариш киғоя қиласди. Нархлар сунъий равишда паст даражада ушлаб туриладиган марказлаштирилган давлатда арzon товарлар оммавий тақчил бўлиб, айлапишдаги пулларни копполмайдиган вазият юзага келади. Буйруқбоэлик иқтисодиёти доирасида сурункали тақчилликка карши чоралар одатда давлатнинг корхоналар фаолиятига бевосита маъмурӣ аралашувига асосланади. Бу чоралар монополизацияга карши сиёsat юргизишнинг ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш ва давлат эгалигидан чиқаришни бюджет субсидиялари ва мақсадли инвестициялашни ҳам ўз ичига олади. Нархларни эркинлаштиришнинг ўзи тақчилликка қарши кураш воситаси сифатига самарарадор эмас ва у оммавий чикимлар инфляцияси ва таклифлар инфляцияси сингари оғир оқибатларга олиб келади.

4. II -жаҳон урушидан кейинги циклли ривожланиш хусусиятлари

Иккинчи жаҳон урушидан кейин, ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш йигирма йилдан кўпроқ вақт давомида аҳолининг иш билан бандлини нисбатан юксак даражада бўлган ҳолда тезрок ўсиб борди. Бунда, бир томондан, капитал жамғаришининг умуман қулий шароитлари, иккинчи томондан – инқирозга қарши давлатнинг тартибга солини чора-тадбири таъсир кўрсатди.

Давлат иқтисодий таназзул даврларида талабни рағбатлантиришини кўзда тутувчи инқирозга қарши тадбирларни ҳам юксалиш бос-кичларida талабни кондиришга қаратилган пулнинг қадрсизланишига қарши (инфляцион) чора-тадбирларни ҳам амалга оширади.

Цикллик инфляцияга қарши сиёsat туфайли асосий, капитални янгилаш урушидан аввалги даврдагига писбатан, айрим мамлакатларда анча жадал бир мъёрда кечди. Иқтисодий инқирозлар билан биргаликда шахсий истеъмол даражасининг кескин қисқариши содир бўлмайди.

Хозирги замонда алоҳида мамлакатларнинг иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар, энг аввало фан-техника тараккиётининг ҳамда ишлаб чиқаришини байналминалашувининг ўсиши муносабати билан ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожлапишини натижасидир. Лекин айни соғда ҳам иқтисодиётни даврийлик таркибий инқирозлари, пулнинг қадрсизланиши жараёни, экология, валюта-молия инқирозлари, шунингдек тармок, энергетика, хом ашё инқирозлари иқтисодиётни тушкунликка солиб турибди. Хозирги даврда саноат таркибидаги ва умуман иқтисодиётдаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштиришига ҳар томонлама таъсир кўрсатмоқда. Электрон ҳисоблаш техникаси, радиоэлектрон курилмалар, космик ракеталари ишлаб чиқарини тармоқларининг ривожланишига ФТР

илгор ютуқлари биринчи навбатда жорий этилмокда. Бу тармоклар иқтисодиётни нисбатан бир неча баробар тез ривожлантирмокда ва мамлакатларнинг ҳолатини акс эттирмокда. Шу билан бир вақтда, ундирма, қора ва рангли металургия, кемасозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва катор кимё саноати тармоқларининг бозори кискариб бормоқда. Масалан, 80-йилларда Япония иқтисодиёти ўртача 4,8 % ўстган, электрон ва у билан боғлик тармоклар эса 16% ўстган. Шу даврда пўлат ишлаб чиқариш мутлақо ўсмаган, нефть истеъмоли эса 19% га камайган.

АҚШ да 80-йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,9% ўстган, компьютерлар, ҳисоблаш техникаси, медицина асбоблари ишлаб чиқариш 14% га ўстган. Кемасозлик, қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш, қора ва рангли металургия ундирма саноати 40% кисқарган. Ривожланган мамлакатларни ялпи капитал маблағларининг 70-80% ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эмас, асосий капитални янгилашга ва ишлаб чиқаришни реконструкция қилишга сарфланмокда. Уларда иқтисодий ўсишининг асосий кўринишларидан бири ишчи ва хизматчилар сонининг саноат ва курилишга нисбатан ноишлаб чиқариш, яъни хизмат кўрсатиш соҳасида ортишидир. Масалан, АҚШда ишчишарнинг ҳар 5 кишидан 3 таси, яъни 60% ишчишарнинг соҳасида банд. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига бўлган талабни акс эттирувчи иқтисод тузилишидаги бу ўзгаришлар, албатта хўжаликда маълум салбий холатларни көтириб чиқаради. Шунга кўра, ҳозирги даврда нисбий ортиқча ишлаб чиқариш ёки нисбий кам ишлаб чиқариш шаклидаги инқирозлардан ташқари таркибий инқирозлар ҳам юзага келмокда, бунда айрим соҳа ва тармоклар ўртасида чукур номутаносибликлар вужудга келади.

Таркибий инқироз – ҳом ашё товарларининг кескин стилемаслиги, масалан, энергия инқирози билан бошланади. Оқибатда талаб на таклиф мутаносиблиги бузилади ва ҳом ашёнинг баҳоси кўтарилиб кетади. Натижада, шу вақтгача яширип кўринишда бўлган иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидаги ортиқча йигилиб қолган капиталлар юзага чиқади. Улардаги ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмида ишлаб чиқариш самараисиз бўлиб колади, ишлаб чиқариш тўхтайди, корхоналар ёпилади, ишсизлик кўпаяди. Бундай кўриниш цикллик инқирозда ҳам юзага келиши мумкин. Лекин таркибий инқирозда, унинг келиб чиқиши мутлақо бошқа сабабдан бўлади, таркибий инқирозлар циклли характерга эга эмас, лекин узок муддат давом этиши билан характерланади. Даврий инқироздан фарқли равишда, таркибий инқирозда, масалан пўлат қуийш, кўмир саноати издан чиқиб турганда, тўқимачилик саноати, кемасозлик ёки шунга ўхшаш айрим алоҳида тармоклар тез ривожланиши, улар-

нинг фойдаси ортиши, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиши мумкин. Давлат, албатта, иктиносидаги инқирозларга, тушкунлик кўринишларига бефарқ муносабатда бўймайди. Инқирозларнинг нохуш оқибатларини олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этиш учун кўпгина мамлакатлар фаолиятларини мувофиқлаштирумокдалар. Биргаликда милий дастурлар ишлаб чиқмоқдалар. Таркибий сиёсат йўналишлари тадбирларини режалаштирумокдалар. Таркибий сиёсат – ижтимоий ишлаб чиқаришни фан, техника ва технологиядаги ўзгаришларга мувофиқ тарзда, умумий на алоҳида эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга қаратилган тадбирлар тизимирид. Иктиносидётнинг ривожланишидаги сифат ўзгаришлари халқ хўжалигида жиддий таркибий ўзгаришлар Қилишни, унинг тармоқларида мутгасил мутганосиб ҳолда ривожлантириш чора-тадбирларини кўриб боришни талаб қиласди. Таркибий сиёсат инвестиция сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир ва ҳал этишининг даражаси у билан белгиланади.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Иктиносидий цикл – ривожланиш жараёнидаги кўтарилиш ва пасайиш ҳодисаларини ўз ичига олувчи, иктиносидётни тебраниб туриши билан ифодаланувчи давр.

Иктиносидий инқироз – ишлаб чиқарининг пасая бориши ва қўйи нуқтага тушиши, ишсизликнинг орта бориши ишлаб чиқариш кувватларини бўшаб қолиши, тонарларни туриб қолиши, бозорнинг касодга учраши билан ифодаланади.

Турғунлик – бу босқичда иктиносидёт пасаймайди ҳам, ўсмайди ҳам бир ҳолатда қалқиб туради.

Жонданиш – бу босқичда ишлаб чиқариш техникиси янгилашади, янги харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш бошланади.

Юксалиш – бу босқичда ишлаб чиқариш суратлари ошади, тўла иш билан банд бўлиш пайдо бўлади, ишлаб чиқариш кувватлари тўла ишлайди, маҳсулот кўп яратилса-да, сотилиб кетади, лекин инвестиция фаолияти кучли бўлмайди.

Ортиқча ишлаб чиқариш иктиносидий инқирози – ортиқча миқдорда товар ишлаб чиқариш, айни пайтда халқ оммаси харид кувватининг пасайиши натижасида ишлаб чиқарилган товарларни сотиш шу асосда нархларнинг пасайиши, ишлаб чиқарининг кискариши, ишчиларни ишдан оммавий равищада бўшатилиши ва ишсизлар сонининг кўпайиши, кредит муносабатларининг бузилиши ҳамда кўпчилик корхоналарнинг синиши кабиларда ифодаланади.

Кам ишлаб чиқариш иктиносидий инқирози – бу вазиятда ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тизимида ишлаб чиқариш билан

аҳоли эҳтиёжлари номувофиқлиги юзага келтирган нисбатлар бузилади: тўловга қодир таъаб бозордаги товарлар тақлифи ҳажмидан ошиб кетади. Инкиrozning бундай тури бозор юксак даражада монополлашган, рақобат механизмлари мавжуд бўлмаган маъмурий бўйруқбозлик иқтисодиёти учун хосдир.

Таркибий инқироз – хом ашё товарларининг кескин етишмаслиги, масалан, энергия инқирози билан бошланади.

Иқтисодий мувозанатлик – иқтисодий жараёнларда унинг икки томонини бир-бирига тенглигидир. Бунга мисол, мавжуд иқтисодий ресурслар ва жамият эҳтиёжларининг бир-бирига тенг келишидир.

Иқтисодий мутаносибликлар – иқтисодиёт турли тармоқлари ва соҳалари иқтисодий фаолият натижаларининг ўзаро микдор ва таркибий мос келиши.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодий цикл нима?
2. Иқтисодий циклнинг қандай назариясини биласиз?
3. Иқтисодий цикл босқичларини тушунтириб беринг?
4. Ҳозирги вактда иқтисодиётнинг цикли ривожланишида қандай ўзгаришлар рўй берди?
5. Иқтисодий цикл турларини айтиб беринг?
6. Ортиқча ишлаб чиқариш инқирози нима? Кам ишлаб чиқариш инқирози-чи?
7. Таркибий инқироз деганда нимани тушунасиз?
8. Иқтисодиётнинг даврий ривожланишида қанадӣ циклнинг турларини учратиш мумкин?

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- Камаев В.Д. и колл. аят. Экономическая теория: Учебник. М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998.
- Бекназов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. Т.: «Университет», 1993.
- Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика Пер. с англ. М.: Республика, 1992.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалепзи Р. Экономика. Пер. с англ. - М.: Дело ЛТД, 1993.

- Эркаев Б.А., Каримова Г.И., Абдулқосимов Х.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. -Т.: «Шарқ», 1996.
- Шодмонов Ш., Ганихўжаев Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш (ўкув қўлланма). Т., 1993.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Меҳнат», 1995.

XXII БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРТИБЛАНИШИ

1. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти, унинг турлари ва омиллари.
2. Иқтисодий ўсишнинг моделлари.
3. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиши шарт-шароитлари.
4. Иқтисодий ўсиш барқарорлигини ошириш механизмлари.

1. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти, унинг турлари ва омиллари

Иқтисодий ўсиш категорияси, одатда, тўла бандликка эришган иқтисодиёт билан баглик. Агар иқтисодий тизимни ўзининг ривожланиши юкори нұктасида муаллақ туриб қолган шароитда кўриб чиқилса, бундай вазиятда иқтисодий ўсиш иқтисодиётининг янада юкори даражага ўтиши даврида содир бўлиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий ўсиш – статистика эмас, балки динамика кўрсаткичидир. Маълумки, ишлаб чиқариш узлуксиз содир бўладиган жараён. Доимо ўсиб борувчи ва тақрорланиб турадиган ишлаб чиқариш жараёни тақрор ишлаб чиқариш деб юритилади. Агар тақрор ишлаб чиқариш бир хил ҳажмда тикланиб турса, мавжуд ҳолда бу оддий тақрор ишлаб чиқаришдир. Агарда ишлаб чиқариш ҳажми муттасил равишда ўсиб борса, унда бу кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш бўлади. Бошқача айтганда, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш бу айнан иқтисодий ўсиш демакдир.

Иқтисодий ўсиш – бу ижтимоий маҳсулот ва ули ишлаб чиқариш омилларининг микдоран кўпайиши ва сифат жиҳатидан такомиллашиши бўлиб, у аҳоли турмуш даражасининг ўсиши билан тавсифланади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб боришига қандай эришилаётганинга қараб иқтисодий ўсишнинг турлари фарқланади. Албатта, маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтиришнинг энг оддий усули бу ишлаб чиқариш жараёнига қўшимча ресурсларни жаҳб қилишдир. Иқтисодий ўсишнинг бундай турини экстенсив деб атайдилар.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тuri шу билан тавсифланадики, ишлаб чиқаришининг ошиб бориши ишлаб чиқариши, технологиянинг энг такомиллашган омиллари, яъни ФТГ ҳисобига таъминланади.

Тушунарлики, иқтисодий ўсишнинг тuri шартлиликнинг катта улуши билан аниқланиши мумкин, чунки реал хўжалик амалиётида у “соф” кўринишда намоён бўлмайди, тақрор ишлаб чиқаришининг интенсив ва экстенсив турлари биргаликда мавжуд бўладилар ва тақрор ишлаб чиқаришининг аралаш тuri ташкил топади. Тақрор ишлаб чиқаришининг тuri, қайси бири етакчи бўлиб, маҳсулот ўсишининг энг кўп улушини берса, шуниси билан белгиланади. (жадвал 1).

Такрор ишлаб чиқариш турлари

Интенсив	Аралаш	Экстенсив
Техника ва технологияни такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш потенциалини кўпайтириш	Фойдаланилаётган ишлаб чиқариш омиллари микдорини кўпайтириш техника ва технологияни такомиллашгириш натижасида ишлаб чиқариш қувватини ошириш	Ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланилаётган ишлаб чиқариш омиллари микдорини кўпайтириш ҳисобига ошириш.

Тарихий нуқтаи назардан интенсивлаштиришни фақатгина ҳозирги даврга хос бўлган феномен сифатида талқин қилиб бўлмайди. Экстенсив иктиносидий ўсишни интенсив билан алмашиниши ҳарсафар ишлаб чиқаришнинг технологик усули – ишлаб чиқарувчи кучларнинг бирикиши (ишли кучи ва ишлаб чиқариш воситалари) усули алмашиниши ва бу компонентларнинг сифат жиҳатидан ўзгаришидан кейин содир бўлади. Бундан ташқари, ҳаттоқи билимларнинг муттасил равишда жамғарлиб бориши ва уларни ишлаб чиқаришга қўллашнинг сакраш характеристида бўлишига қарамай экстенсив иктиносидий ўсишдан интенсивга ўтиш бевосита, оралиқ босқичларсиз амалга оширилмайди.

Харажатлар ҳажмиининг ошиб борувчи пировард натижаларига трансформациясининг биринчи босқичи харажатлар баркарорлашуви, ундан кейин эса уларнинг тежалиши билан боғлик. Бу босқич ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш орқали ўзиш деб номланади. У рақобат, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш, маркетинг нарх-наво ва бошқа омилларнинг амал қилиши таъсири билан тавсифланади. Бундай ўсишнинг давомийлиги маълум технологиялардан фойдаланишида ресурслар миқёси билан чекланади. Шунинг учун ўзгартмаган ишлаб чиқариш технологиялари шароитида ресурсларни тежаш орқали ўшишга эришишнинг узок давом этиши ривожланишга тўсқинлик қилиши мумкин.

70-йиллар охири – 80-йиллар бопларида ривожланган мамлакатлар иктиносидиги ана шундай тўсикка дуч келди. Энергетика ва хом ашё муаммоларининг кескинлашуви бу эса қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати тармоклари ишлаб чиқариш қувватларининг катта миқёсда иш билан таъминланмаганлигига олиб келди.

Ресурслар муаммосини тубдан ҳал қилиш интенсивлаштиришнинг иккинчи босқичи, техноген ўшишга ўтиш билан боғлик. Бу ўсишнинг муҳим томонлари – технологияларни рақикал ўзgartириш,

ишилаб чиқариш ва ноишилаб чиқариш истеъмоли структурасини кескип ўзгартириш, ағынанавий материалдар ва энергия маңбаларини ноаньсанавийлар билан алмастириш ва ҳ.к.

Техноген ўсишнинг асосида ишилаб чиқаришга фан-техника ютуқларини ишилаб чиқаришга таңбиқ этиш ётади.

Мамлакатда иқтисодий ўсиш (унинг туридан қатый назар) мавжудми ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун реал ЯММнинг, ёки жон бошига түгри келадиган ЯММнинг ўсиш суръатлари кўрсаткичидан фойдаланилади. У куйидагича ҳисобланади.

Жорий йилдаги Олдинги йилдаги

Ўсиш (ЯММ – ЯММ) 100

суръати Жорий йилдаги ЯММ

Иқтисодий ўсиш омишларига куйидагилар киради:

- табиий ресурсларинг микдори ва сифати;
- меҳнат ресурсларининг микдори ва сифати;
- асосий капиталнинг хажми;
- ишилаб чиқариш технологиясининг даражаси;
- ЯММ га бўлган талаб;
- ресурсларнинг маҳсадлга мувофиқ тақсимланиши ва бошқалар.

2. Иқтисодий ўсишнинг моделлари

Иқтисодий ўсишни билиш уни самарали бошқарни мумкин бўлиши учун зарур бўлган моделларини ишилаб чиқишга олиб келиши лозим.

Турли даврларда иқтисодий ўсишнинг маълум моделлари таклиф қилинган. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

Иқтисодий ўсиш омишларини белгиловчи сифатида ишлатилувчи барча моделлар орасида, яъни таклиф омишлари (ишилаб чиқариш). 1. Оддий ва кенгайтирилган тақрор ишилаб чиқариш. 2. Ишилаб чиқариш функцияси модели диккатга сазоюрдир.

Ижтимоий ишилаб чиқариш икки катта бўлинмага ажрапади:

- I-бўлинма – ишилаб чиқариш восита гарини ишилаб чиқариш;
- II-бўлинма – истеъмол буюмларини ишилаб чиқариш.

Маҳсулотларни айирбоплаш бўлинмалар ичида ва бўлинмалар орасида амалга оширилади. Иқтисодий ўсишнинг асосий шарти биринчи бўлинмада ишилаб чиқарилган маҳсулот тўла реализация килиниши лозим. Шундай қилиб, I-моделда устуворлик ишилаб чиқариш восита гарини ишилаб чиқаришга берилади ва шу билан бирга, иккинчи бўлинма маҳсулот реализацияси муаммоси эса умуман кўйилмайди.

50-йилларда реализация муаммоларининг кескинлашуви муносабати билан талаб омилларига асосланган иқтисодий ўсиш моделлари юзага келади. Бу моделларнинг назарий асослари Дж.М.Кейнс қарашлари бўлиб, бунга биноан бозор механизми талаб па таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаб берса олмайди, бунинг натижасида иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида жамиятнинг ялпи даромадларини ошириш зарур.

Кейнс иқтисодий ўсипи моделларида уч асосий муаммо кўриб чиқилади.

- иқтисодиётни потенциал имконият даражасида ўсишини белгиловчи омиллар;

- иқтисодиётнинг муттасил равишда ўсишини таъминловчи макроиктисодий категорияларнинг бир-бираға боғликлиги;

- муттасил ўсишга эришини характери.

Кейнсча ёндашувнинг ўзига хос томони шундан иборатки, муттасил иқтисодий ўсишни амалга ошириш жамгариш ва истеъмолни тартибга солиша солиқ ва бюджет сиёсати ёрдамида давлат аралашувнин талаб этади.

Иқтисодий ўсиш ёки "иқтисодий динамика" назарияларида кейнсча йуналишнинг асосий вакиллари Р.Харрод, Е.Домар ва Ф.Перрулардир.

Харроднинг фикрича муттасил иқтисодий ўсишга эришиш учун иқтисодиётда тўла бацликни таъминлаш зарур. Бунга эса мунтазам равища ривожланиб борувчи иқтисодиёт шароитида эришилади.

Муттасил иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммосига бундай ёндашувнинг асосий камчилиги унинг меҳнат ресурслари ва ФТТ омилларининг инкор этилишидадир. Айлан шу, кейнсча иқтисодий ўсиш моделларининг янги классик йуналиш вакиллари томонидан танқид қилинишига сабаб бўлди. Улар ишлаб чиқаришни фақат жамгаришни кўшайтириш ҳисобигагина эмас, балки янги техникани жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ҳам ўстириш масаласини кўйдилар.

Ўсишнинг янги классик назариясининг кўзга кўринган наимоёндалари америкалик иқтисодчи Р.Солоу ва инглиз иқтисодчиси Дж. Милдир.

Иқтисодий ўсиш янги классик назариясининг асосий камчилиги шундан иборатки, улар маҳсулот реализацияси муаммосини тўлалигича инкор қилацилар ва эътиборни ишлаб чиқариш харажатлари, энг кам харажаглар эвазига энг кўп фойда олишига каратадилар.

Миллий манфаатлар талабларига жавоб берувчи ва иқтисодий ўсишга зарур бўлган шарт-шароитларни яратувчи макроиктисодий тартибга солишининг энг мақбул стратегиясини асослаш-мураккаб вазифа бўлиб, у хозирги замон жаҳон ривожланиши қонуниятларини

чукур ўрганишни талаб этади. Бунда қойыдаги масалалар катта ахамияттаға әгадир:

- инфляция даражасининг ўзгариши, пул массаси ўсиш суратлари, миллий валюта девальвацияси, давлат истеъмоли даражаси, иқтисодий мухитнинг бошқа индикаторлари кўрсаткичлари ва параметрлари (ўлчамлари)нинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаралари қандай?
- иқтисодий ўсиш сураглари ва санаб ўтилган индикаторлар (кўрсаткичлар) ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик борми?
- иқтисодий ўсишнинг энг юқори суръатларини таъминлаш учун давлат томонидан тартибга солиш (ёки иқтисодий эркинлик) даражаси қандай бўлиши керак?

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатлар учун бу масалалар нафакат мавҳум-назарий, балки ҳаётий мухим амалий аҳамиятта әгадир, чунки уларга бўлган муносабат асосида танланган иқтисодий ўзгаришлар моделнинг самарадорлигини баҳолаш, уни такомиллаштириш йўлларини белгилаш мумкин.

Елакчи иқтисодчи олимлар орасида келтирилган масалалар бўйича ягона жавоблар йўқ. Уларнинг баъзинари, жумладан, катор халқаро молиявий ташкилотлар вакиyllари иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш мақсадида ракобат-бозор механизми амал килишида ҳар қандай чеклашларни олиб ташлаш, иқтисодий жараёнларни тартибга солиши соҳасидан давлатни сикиб чикариш зарур деган фикрни билдирадилар. Улар “либерализация-яхши (благо), давлат томонидан тартибга солиш-ёмон (зло)” деган шиордан келиб чиқадилар.

Бошқалари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар тажрибасига таянган ҳолда хозирги замон бозор иқтисодиётини давлатнинг фаол ёрдамисиз ва давлат томонидан тартибга солишнинг юқори даражаси сакланишисин юзага келтириб бўлмаслигига асосланадилар.

Неолиберал концепцияси заминида – молиявий барқарорлик зарурияти иқтисодий ўсишнинг мажбурий шарти эканлиги ётади. Бунда энг кўп илгари суриладиган далиллар шундан иборатки, инфляциянинг, пул эмиссияси ва давлат корхоналари улушкининг ЯИМда, ташки савдо оборотида экспорт ва импортга соликлар улушкининг ўсиши иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Бироқ, кўпгина таникли иқтисодчилар барқарорлаштиришнинг неолиберал дастурларига шубҳа билан қарайдилар. Масалан, Я.Корнаи, мавжуд муаммони Венгрия мисолицида таҳлил килиб, иккى тенг вазифани-барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсиши бир вақтнинг ўзида, иқтисодиётнинг ўсиши учун энг кулай шароитларини шакланишини кутмаган ҳолда ҳал этиш керак деб хисоблайди.

Бошқа иқтисодчилар, жумладан россиялик ақацемик Л.Абдалкиннинг таъкидлашича, сўнгги ўн йилларда катта ютукларга эришган давлатлар иқтисодиётларини кўп укладли аралаш хўжаликлар тизимларини ташкил этадилар, буларда ракобат-бозор механизми ва давлат томонидан тартибга солиш, иқтисодиёт очиқлиги ички бозорни ҳимоялаш тадбирлари қўшилиб кетади, молия ва пул маблағлари эса ҳукумат ва марказий банкларнинг тартибга солиш объектига айланадилар.

Россия журнали “Вопросы экономики”да “Инфляция” иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатадими ёки йўкми деган масала тўғрисида баҳслар олиб борилди. Масалан, А.Илларионов, дунёнинг 140 давлати бўйича 1975 йилдан 1995 йилгача бўлган маълумотларни статистик таҳлил кишиб қўйишига холосага келади “инфляция даражасининг ўсиши шароитида иқтисодий ўсиш суръатлари астасекин пасайиб борадилар”.

У билан баҳсааштан ҳолда, В. Маевский таъкидлайди, Илларионов ўзининг таҳлилида фойдаланган қатор методик усуслар кагта шубҳа туғдиради-таҳлил қилинаётган давлатлар рўйхатида ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг йўклиги, ЯИМнинг ўсиш суръатлари ўрнига аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатлари, истеъмол баҳолари индексини ЯИМнинг дефлятори ўрнига инфляциянинг индикатори сифатида ишлатилиши ва бошқалар. Маевский томонидан амалга оширилган ва келтирилган камчиликлардан ҳоли бўлган хисоб-китоблар ЯИМ ўсиш суръатлари ва инфляция ўтрасида тўғридан-тўғри (Илларионов келтирган, монотон) статистик аҳамиятга эга бўлган ўзаро боғлиқлик борлигини тасдиқламайди. Бундай боғлиқлик факат тенденция кўринишида бўлади, у факат узок даврдаги (20 йилдан кам бўлмаган) кузатишларга (Илларионовдаги сингари 1 йил учун эмас) хосдир.

Илларионовнинг ҳисоб-китоби натижалари билан Узбекистон иқтисодиётининг 1997 йишида ривожланиши натижалари ҳам мос келмайди. Истеъмол баҳолари 26% ўсиш даражасига бу иқтисодчининг наларий ҳисобига кўра аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ нинг ўсиш суръати 0,3-0,4% тўғри келиши керак эди, вахдоланки бу кўрсаткич 3,3%ни ташкил этди.

3. Узбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш шарт-шароитлари

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатлар учун барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш – биринчи нафбатдаги ижтимоий ва таркибий муаммоларни ҳал қилишдек вазифаларни амалга ошириш ўта муҳимдир. 1997 йил якунлари бўйинча МДХ мамлакатлари ички

махсузлотни ўсишига эришдилар. Бирок қуйидаги саволлар юзага келади: ЯИМнинг ўсиши иқтисодиётдаги ҳолатни қай даражада акс эттиради, 1997 йилдаги ўсиш инкиrozли ривожланиш фазасининг туғаши ва барқарор иқтисодий ўсишига ўтишни англатадими?

Бу саволлар шу билан боғлики, ўтиш дағрида ЯИМни ҳисоблаш инфляциянинг юқори даражаси, халқ хўжалиги янги секторларининг статистик тадқиқотлар билан етарли камраб олинмаганилиги, иқтисодиётнинг “норасмий” сектори тўғрисида ахборотнинг йўқлиги, ҳозирги замон талаблари ва халқаро статистик стандартларига жавоб бермайдиган бирламчи статистик ҳисобот сифатининг пастилиги билан мураккаблашади. Буларнинг ҳаммаси ЯИМ ҳажми ва динамикасини баҳолашда жузий аниқсизликларга олиб келиши мумкин.

Ундан ташқари, макроиқтисодий индикаторлар динамикасидаги у ёки бу тенденциялар барқарорлиги даражасини баҳолаш узок муддатли жараёнларни таҳлил этишини талаб этади.

Келтирилган ҳолатлар фақатгина ЯИМ динамикасидан келиб чиқкан ҳолда барқарор иқтисодий ўсиш (ёки бунинг акси) тўғрисида бир хил хулоса қилишга имкон бермайди. Шу билан бирга бошқа, алтернатив (муқобил) индикаторлардан ҳам фойдаланиш лозим.

Юқорида кўриб чиқилган иқтисодий ўсиш шароитлари бўйича алтернатив назарий концепциялар ва ёндашувлар қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

- иқтисодий ўсиш муаммоларининг мураккаблиги, уларнинг турли туманлиги ва намоён бўлишиларининг ўзига хос конкрет шароитлари у ёки бу иқтисодий ривожланиш моделларига (айниқса ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатлар учун) бир хилда ёндошиш имконини бермайди;
- иқтисодиётни фаоллаштириш шароитларини белгилашда мураккаб иқтисодий ҳодисаларни аниқлашда соддалаштириш ва нотўри баҳолашдан эҳтиёт бўлиш керак (масалан, пул массасининг кўпайиши инфляциянинг ягона сабаби, деб зълон қилиш ёки молиявий барқарорлаштиришни баҳоларнинг ўсишини тўхтатиш билан тенглаштириш, стратегик мақсад сифатида иқтисодий ривожланишнинг бошқа мақсадлари ва вазифаларига зид равища инфляциянинг минимал даражасига эришишни қўйиш);
- дунёнинг турли мамлакатлари иқтисодий ривожланиши таҳдилининг расмий-мантикий схемаларини ЯИМ суръатларини ва иқтисодий омиллари ўртасидаги қатъий математик боғлиқликларни излаш учун ишлатмаслик, умуман олинган натижаларни ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатларга механик равища қўлла маслик керак;

- бунда схемаларни кўллашда фойдаланилаётган ёндашувларнинг методик аниқлигини таъминлаш зарур, кузатиш обьектлари ва таҳлил қилинаётган индикаторлар доирасини шундай танлаш керакки, улар таҳлил мақсадлари ва ўз вазифалари талабларига тўла жавоб беришлари керак.

Бу хуносалардан келиб чиқсан ҳолда, тадқиқот босқичлари кетма-кетлиги ва Ўзбекистонда баркарор иқтисодий ўсиш шароитлари асосланишини белгилаймиз.

Энг аввало, иқтисодий муҳит макроиктисодий индикаторлари ва параметрларини қиёсий таҳлил килишда ориентир (этalon) бўла оладиган давлатлар рўйхатини аниқлаб олиш лозим. Бу давлатлар катор талабларга жавоб беришлари керак:

- 30-40 йил илгари паст ривожланиш даражасига эга бўлиб, 10-15 йил ичida юкори баркарор иқтисодий ривожланиш суръатларига эришганлар;
- аҳоли сони ва бошқа баязи кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон билан таққослаб бўладиган давлатлар;
- мътнавий, тарихий ва маданий асослари Ўзбекистонга ўхшаш мамлакатлар.

Бундай мамлакатларга бирилчи навбатда Жанубий Корея, Малайзия, Туркия ва эҳтимол Саудия Арабистонини киритиш мумкин. Буни уларнинг охирги 10-15 йил ичida эришган нафақат иқтисодий ютуклари билан изоҳлаш, балки бошқа мезонлар (аҳоли сони, унинг менталитети ва х.к.) бўйича улар Ўзбекистон билан яқин ва таққосланиска бўлади.

Мамлакатлараро қиёсий жадвалилар индикаторлари доираси анча чекланган. Молиявий баркарорлик муаммосига тадбиқ қилинганда факат икки кўрсаткичини келтириш мумкин: ЯИМ дефлятори ва давлат бюджети танқислиги. Булардан биринчисининг максимал даражаси 1990-1995 йилларда 65% (Туркия бўйича) ва минимал даражаси 3% (Саудия Арабистони). Бу давлатлар учун давлат бюджети сальдоси 1995 йилда ЯИМнинг минус 0,2% дан плюс 0,8% гача ўзгариб турди.

4. Иқтисодий ўсиш баркарорлигини ошириш механизmlари

Баркарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш бозор ўзгаришлари жараёнларини жадаллаштириш ва амалдаги макроиктисодий тартибга солиш стратегиясини корректировка қилиш бўйича катор тадбирларни амалга ошириши талаб этади. Булар қуйидагилардир:

- хусусийлаштириш ва иқтисодиётнинг хусусий сектори шаклланиши жараёнларини жадаллаштириш;
- Даълатпинг антимонопол тартибга солишдаги ролини кучайтириш;

- Солиқ сиёсатининг рағбатлантирувчи функцияси (вазифасини) ошириш (хозирда у бу вазифасини бажарайти);
- бюджет харажатларини қисқартириш ва мақсадга мувофиқлаштириш (бу жараён босқичма-босқич амалга оширилиши лозим);
- мамлакат экспорт потенциалини ривожлантириш ва ташки иктисолий фаолият соҳасидаги ислоҳотларни тезрок амалга ошириш;
- инвестицион фаолликни ўстириш.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Иктисолий ўсиш – бу ижтимоий маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш омилларининг микдоран кўпайиши ва сифат жиҳатидан такомиллашиши бўлиб, у аҳоли турмуш даражасининг ўсиши билан тавсифланади.

Техноген ўсиш – ишлаб чиқаришга фан техника ютуқларини тадбик этиш натижасидаги ўсишдир.

Интенсив иктисолий ўсиш – техника ва технологияни такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш потенциалини кўпайтиришдир.

Экстенсив иктисолий ўсиш – ишлаб чиқариш кувватларини фойдаланилаётган ишлаб чиқариш омиллари микдорини купайтириш ҳисобига оширишдир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иктисолий ўсиш нима ва уни қандай ўлчами бор?
2. Иктисолий ўсиш неча босқичдан иборат бўлган?
3. Иктисолий ўсиш нима билан чекланган?
4. Иктисолий ўсишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
5. Иктисолий ўсишга эришишнинг неча йўли мавжуд?
6. Иктисолий ўсиш такрор ишлаб чиқаришнинг қайси шаклига асосан тегишли бўлади?
7. Инвестиция нормаси билан иктисолий ўсишнинг қандай алоқадорлиги бор?
8. Номинал ва реал инвестиция, ядпи ва соф инвестиция деганда нимани тушунасиз?
9. Ишлаб чиқариш самараадорлиги нималарга боғлиқ бўлади?
10. Иктисолий ўсишнинг кўлами нима-ю, суръатлари нима?

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
- Социальные реформы в странах с переходной экономикой. Проблемы и опыт. Москва., ИКЦ “ДИС”, 1997.
- Севлияинц С.Г., Отто О.Э., Тешасв Б.Т. Экономика-основа жизни общества Т.: “Шарк”, 1998.
- Джон Викс. Социальная политика в переходной экономике: анализ путей развития. Экономическое обозрение., январь, 1998.
- Халид Малик. Бедность и доходы в Узбекистане и других центрально-азиатских странах. Экономическое обозрение. январь, 1998.
- Чепель С. Устойчивый экономический рост в Узбекистане: задачи, проблемы, механизмы. Экономическое обозрение. Август 1998.
- Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям. Т.: “Шарк”, 1999.
- Джозеф Стиглиц. Развитие, основанное на участии: стратегия для государств с переходной экономикой. Экономическое обозрение. Июнь. 1999.
- Джураева К., Юсупов Ю. Проблемы формирования и использования сбережений и инвестиций. Экономическое обозрение. Июнь. 1999.
- Умаров К. Ю. ва бошқалар. «Иктисолиёт назариёси» -Т. «Университет», 2002.

ХХIII БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ВА ТАРКИБИ. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1. Бозор иқтисодиётiga хос тақсимот қонунининг амал қилиш хусусиятлари. Бозор иқтисодиёти ривожланган жамиятдаги нуфуз иқтисодий конунининг амал қилиши.
2. Даромадларнинг манбай жиҳатидан фарқланиши. Даромадларнинг турлари: иш ҳаки, фойда, фоиз ва рента.
3. Даромадлар тенгсизлигини вужудга келиши сабаблари ва унга таъсир қилувчи омиллар. Адолатли ва адолатсиз даромадлар. Лорени эгри чизиги.
4. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари. Жамғарил ва истеъмол фонidlари ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши ва унинг аҳоли турмуш даражасига таъсири.
5. Аҳоли истеъмолининг микдорий ва сифат ўзгаришлари. Аҳолининг харажатлари ҳамда уларнинг тафовутлари.
6. Истеъмол савати. Тириклик минимуми, камбағаллик масаласи.

1. Бозор иқтисодиётiga хос тақсимот қонунининг амал қилиш хусусиятлари. Бозор иқтисодиёти ривожланган жамиятдаги нуфуз иқтисодий қонунининг амал қилиши

Хозирги ривожланган мамлакатлардаги маданийлашган бозор иқтисодиёти ёввойи бозор иқтисодиётидан ўзининг социал йўналиши билан фарқ қиласди. Бу йуналиш, мўлжал оммавий фаровонликини таъминлаш бўлиб, аралаш иқтисодиётнинг бош қонунидан келиб чиқади.

Юксак ишлаб чиқариш иқтисодиётида инсонпарварлик тамоийлари амал қилиши учун моддий замин ҳозирлайди. Аммо фаровонликий таъминлашдек инсонийлик қоидаси амал қилиши учун жамиятнинг иқтисодий тизимида ҳам сифат ўзгаришлари бўлиши шарт. Маълумки, бозор иқтисодиётининг бир катор тамоийлари азалдан ривожланниб келган, улар ёввойи иқтисодиёт босқичида ҳам мавжуд бўлган, лекин улар иқтисодиётдаги моноструктура туфайли инсонийликни юзага келтира олмаган. Ёввойи бозор иқтисодиётидан фарқли тарзда маданийлашган бозор иқтисодиётида даромадларни тақсимлашда адолатли тарзда иш кўрилади. Ёввойи бозор иқтисодиёти шароитидаги моноструктуравий тизимда (бир мулк ҳукмронлигига асосланган) маданийлашган бозор иқтисодиётида полиструктурални тизимда (кўп мулкчиликка асосланган) мулк озчилик қўлидан кўпчилик қўлига ўтади. Маданийлашган бозор иқтисодиёти даврида даромадларнинг тақсимланиши иқтисодий танлов асосида

олиб борилади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, тақсимотнинг иккита тури мавжуд:

1. Текис тақсимот.

2. Иктисолий танлов асосидаги тақсимот. Бунда ҳар ким ўзининг ЯИМни яратишида кўшган хиссасига караб туриб улушкини олади.

Моноструктурага хос булган бир мулк хукмронлиги ишлаб чиқаришни мулк эгаси манфаатига боғдаб кўйган. Мулкнинг демократиялашуви мулкдорлар доирасини кенгайтиради, хилма-хил мулклар пайдо булиб, улар мувозанат саклашга хизмат килади.

Муҳими – мулксизларнинг мулкдорларга айланishiди. Ёввойи иктисолиётда мулк озчилик кўлида тўпллангани ҳолда, кўпчилик меҳнат ахлининг ўз иш кучидан бошқа мулки булмайди.

Ҳар бир кипи истеъмол этадиган буюмларнинг эквиваленти бўлиган пул даромади – тақсимот категорияси. Бозор хўжалигида тақсимотнинг ўз тамойиллари борки, улар ресурсларнинг маҳсулот ва хизматлар яратищдаги хиссасини ҳисобга олади. Капитал, таҷ-биркорлик қобилияти, ишчи кучи ва ердан иборат ресурслар этагари ўз ресурсларининг ишлаб чиқариш омили сифатига иктисолиётга кўшган хиссасига караб даромад оладилар.

Даромад олиши учун ресурсларнинг факат моддий соҳада амал килиши шарт эмас, улар номоддий ишлаб чиқаришида, турли хизматлар яратища иштирок этсалар ҳам, уларнинг эталари даромад олишга ҳаклидир, чунки бу билан ҳам жамият эҳтиёжи кондирилади.

Бозор иктисолиётига хос тақсимот конунига кўра моддий неъматлар ва хизматлар ресурслар берган пировард натижасига караб, уларнинг эгалари ўртасида тақсимланади.

Айтилган тақсимот конунини бозор иктисолиёти учун ижтимоий адолат тамойиллари белгилайди. Улар даромадни чеклашни инкор этадилар, уларга биноан даромадлар ҳар бир ишлаб чиқариш омили самараасига караб, чексиз ўсиб бориши мумкин. Тақсимот конунига биноан ишчи кучи соҳиби иш ҳаки олади, капитал этаги фойда, пул этаси фоиз ва дивидент олади, ер этаси рента олади, менеджер ҳам фойда, ҳам иш ҳаки олади, ўтмишдаги меҳнат ва хизматлари, учун пенсия тўланади.

Тақсимотнинг бозор тамойиллари хукмрон бўлсада, жамиятда унинг нобозор қонсалари ҳам амал килади. Ногироилар, камбагаллар, бошпанасизларга ёрдам кўрсатиш тақсимотдаги ижтимоий хайр-эҳсон тамойили бўлиб, унинг бозор қонуларига алоқаси йўқ, балки жамиятдаги инсонийлик муносабатларининг маҳсулти ҳисобланади. Бозор тақсимотига эквивалентлик, яъни омилилар берган на-тижага монанд равишда даромад ажратиш хос, аммо ноеқвивалент-

лик тақсимот ҳам мавжуд. Давлат даромаднинг бир қисмини ўз ихтиёрига олганда тақсимлаш муносабати юз беради, аммо эквивалентлик бўлмайди, чунки давлат даромаддаги ўз ҳиссасини иқтисодий ўсишдаги хизматларига тенг микдорда эмас, балки умумдавлат таъаб-эҳтиёжини кондириш зарурлиги учун олади.

Ресурс эгаларининг даромади уларнинг ишлатилиш самарацор-лигига боғлиқ ва унинг мезонини бозор аниқдайди. Самарацорлик мезони эса бозор талабининг қондиришишиди. Ресурслар ёрдамида талабгир товар қанчалик кўп яратилса, шунчалик пул кўп топилади, шунга биноан даромадлар ҳам кўпайди. Ресурслар бозор нуқтаи назаридан самарали ишлатилмаса, табиийки даромад келмайди. Масалан, ишчи қанчалик унумли ишламасин, у яратган товар бозорда ўтмай колса, яхши даромад кўра олмайди. Даромад бозорнинг ресурслар сарфини накадар кўп тан олишига боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти қоидаларидан бири бозордаги талабга ишлаш, уни қондиришдан иборат. Шундагина пул топиш, бойлик ортириш мумкин. Талаб-эҳтиёжни қондиришдек йўналишда ишлаш тадбиркорликнинг муҳим шарти, хусусий манфаатини юзага чиқариш обрў-эътиборли бўлиш воситаси ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган жамиятда нуфузли иқтисодий фаолият қонуни келиб чиқади.

Бу қонунга кўра, иқтисодий фаоллик негизида пул топиб, бой бўлиш эмас, балки жамиятда нуфузли, обрў-эътиборли бўлиш, ўз нуфузи билан ном чиқариш ва шу йўлда ижтимоий ҳаётда ўз ўрини топа билишга интилиш мақсади ётади.

Аммо шундай тамоийл амал килиши учун иқтисодиёт ғоят ривожланган бўлиши, маълум тоифа аҳоли қўлида катта бойлик тўпланиб, уни оширишга интилиш мол-мужкин кўпайтиргандан кўра, уни умумий инсоний манфаат йулида савобли иш учун сарфлаш, хайр-эҳсон учун ажратиш, саҳиб ва хотамтой инсон бўлиш афзал бўлади.

Нуфузли иқтисодиёт қоидалари қанчалик кенг амал килса, шунчалик оммавий фаровонлик юз беради. Қайсики жамият фуқароси тўқ, бой бўлса, шу жамият бой ва истиқболли жамият ҳисобланади.

Фаровонликни моддий жиҳатдан ишлаб чиқариш таъминлайди, унга эришиш тақсимот орқали амалга ошириллади.

2. Даромадларнинг маинбаи жиҳатидан фарқланиши.

Даромадларнинг турлари: иш ҳақи, фойда, фоиз ва рента

Микроиқтисодиёт даражасида (корхона ва турли хўжалик бирлашмаларида) бу иш ҳақи, фойда, фоиз ва ер рентаси шаклидаги

даромадлардан иборат бўлади. Ушбу даромад бошлангич ва қайта тақсимот босқичларидан ўтади, бу жараён моддий ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этганлардан ташқари қайта тақсимотга ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмаган кишилар, шунингдек, давлат ҳам ишгирик этади. Ижтимоний маҳсулотни тақсимот ва қайта тақсимлаш жараёни қандай кечишини кузатиш орқали жамиятдаги турли ижтимоний гурухлар қандай маблағ ҳисобига яшаётганлиги ҳакида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Даромадлар манба жиҳатидан фарқланади. Иш ҳақини манбай зарур маҳсулот бўлса, фойда, рентга, дивидентни ва процентнинг манбай кўшимча маҳсулотдир. Бир субъект ҳар хил манбадан даромад кўриши мумкин. Масалан, ишчи ишлагани учун иш ҳаки, акция эгаси бўлгани учун дивидент олади.

Даромадлар, қуйидаги турларга бўлинади.

1. Пул даромадлари.
2. Натура даромадлари.
3. Натура-хизмат даромадлари.

Даромадлар ўз эгаси ихтиёрига келиб тушиши шакли жиҳатдан ҳам тўрлича бўлади. Пул даромадидан ташқари натура даромади ва имтиёз шаклидаги даромад малжул. Деҳқон (фермер) хўжалигига маҳсулотнинг бир кисми бозорга тушмагани ҳолда, шу ернинг ўзида истеъмол этилади. Бу натуран даромад, айниқса, томорқа хўжалигига ҳос. Масалан, томорқа хўжалиги соҳиби асосий иш жойидан пул шаклида йилига 12 минг сўм даромад олса, ўз хўжалигига ҳам уч минг сўмлик пул даромад олади. Шунингдек, натура шаклида 1500 кг ҳар хил маҳсулотни ҳам истеъмол этади, уни пулга чаксак, икки минг сўм бўлади.

Бепул тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш, бепул билим олиш ёки қасб ўрганиш ҳам натура-пул шаклидаги даромад. Маълум тоифа аҳоли, квартира ҳаки, коммунал хизмат ва транспорт ҳаки бўйича имтиёзга эга. Булар ҳам даромад. Айтилган хизматларни ҳақиқий нархи билан имтиёзли нархи ўртасидаги фарқни муайян аҳоли гурухлари накд пул шаклида олмайди, лекин арzonлаштирилган хизматларидан фойдаланиб, даромад кўраши. Даромадлар тизимида иш ҳаки асосий ҳисобланади, чунки аҳоли даромадларининг катта кисми, унинг улушига тўғри келади. Иш ҳаки иш кучи эгасининг ўз меҳнати натижаси учун оладиган ҳаки бўлиб, иш кучи соҳибининг тирикчилик воситалари нархини ифодалайди. Иш кучи соҳибининг ўзи ва оиласининг тирикчилиги учун зарур бўлган истеъмол буомлари ва хизматларнинг нархи иш ҳаки учун асос бўлади, аммо яхши наф келтирувчи иш кучига талаб юкори, бино-барин, иш ҳаки ҳам юкори туради. Меҳнат қанчалик юкори унум берса ва у яратган товарлар бозори чаккон бўлиб, нархи юкори

бўлса, иш ҳақи шунчалик катта бўлади. Меҳнат натижаси ҳар хил бўлганидан, иш ҳақи ҳам табақалашади. Одатда, малакаси юкори, билимдои ва тажрибаги киши меҳнати қадрланади ва унга юкори ҳақ берилади.

Бозор иктисодиети шароитида фойда алоҳида макомга эга бўлган даромад ҳисобланади, чунки у тадбиркорлик натижаси фойда олиш орқали тадбиркорлик қобилияти иктисодий жиҳатдан юзага чиқади. Кўриб чиқизгай даромад турлари шартли равишда чегараланади, чунки уларни аниқ ажрагиш мушкул иш. Реал ҳаётла иш ҳақи билан фойда чатишиб кетади ёки рента билан фойда ва ҳатто иш ҳақи биринккан бўлади. Дехқончиликни олсак, бу ерда фермер ўз ерида ўз воситалари билан ўзи ишлайди. У олган даромадни рента, фойда ва иш ҳақига ажратиш қийин албатта. Агар фермер бироннинг ерини ижарага олиб, унга ўз капиталини солса, ўзи мутлақо ишламай, ўзгаларни ёллаб ишлатса, иш ҳақи, фойда ва рентани табақалаштириш мумкин. Шунда ҳам тоаниклик бўлади, чунки ижара ҳақининг қайси қисми рента-ю, қайси қисми ер эгасининг ерга соглган капиталига тегадиган фойда эканини ажратиб бўймайди. Даромаднинг бир тури бошка тури таркибида бўлиш мумкин. Улар ўз манбаи, шаклланиш усусларига эга. Даромад турларининг нисбати даромаднинг таркибий тузилишини кўрсатади. Усиш жараёнида даромад таркибининг ўзгариб бориши, даромад турларининг чатишиб кетиши даромадларга хос конуният ҳисобланади.

Даромадлар пул даромадлари ва реал даромадларга бўлинади. Реал даромадлар, бу пул даромадини ҳарид этиш қобилиятини билдиради. Аҳолининг реал даромади истеъмолнинг ҳамма жиҳатларини ўзида мужассам этувчи умумлашган, синтетик кўрсаткичидир. Реал даромад, биринчидан пул даромадининг микдорига, иккинчидан, даромаддан чегириладиган ҳар хил соликлар ва тўловларга, яъни пул даромадининг эгаси қўлига тегадиган қисмига, учинчидан, нарх-наво даражасига боғлиқ. Нарх-наво қатъий бўлиб, пул даромади кўпайса, реал даромад ҳам ортади. Пул даромади ўзгармагани ҳолда нарх тушса реал даромад ортади, агар нарх ошса, у пасаяди. Шунга кўра, реал даромаддаги ўзгаришлар пул даромади индексининг, нарх-наво индексига бўлгаги нисбати билан ўлчанади.

$$РД - \frac{ПДи}{Ни}$$

3. Даромадлар тенгсизлигини вужудга келиш сабаблари ва унга таъсир қилувчи омиллар. Адолатли ва адолатсиз даромадлар. Лоренц эгри чизиги

Бозор иқтисодиётининг муҳим тамойили иқтисодий танлов бўйлиб, бунга кўра энг тадбиркор, энг ишбилармон, яхши ишлаб чиқарувчи на яхши хизмат кўрсатувчи танловда ютиб чиқади. Иқтисодий ташювнинг ўзи иш натижасига қараб, олинган даромадларнинг турлича бўлишини белгилайди. Энг юқори на энг паст даромад ўтрасиаги тафовутни давлат назорат этиб туради, унинг катталашиб кетишига йўл кўйилмайди.

Бозор иқтисодиётида даромадлар тенгсизлиги келиб чиқади. Тенгсизлик, биринчидан, адолатли, иккинчидан, адолатсиз ҳисобланади. Шунга кўра даромадлар ҳам икки турга бўлиниди: 1) Адолатли даромадлар; 2) Адолатсиз даромадлар. Даромадларнинг иш кобилияти, билим, малака, маҳорат ва умуман салоҳиятта қараб тақсимланишидан келиб чиқсан тенгсизлик, табиатан адолатли ҳисобланади. Яхши ишлаган ишчи ёки хизматчининг кўн даромад тошини табиий, чунки у ҳаётий пеъматларни кўп ва сифатли яратгани учун, уларни кўпроқ ўзлаштириши керак. Тадбиркорлик даромади бўлган фойданинг микдори ҳам ишбилармонликнинг кобилиятига, у берган натижага боғлиқ бўлади. Иш кўзини билган, устамон тадбиркор яхши натижаси эришади, катта фойда кўради. Катта даромад яхши иш натижаси бўлганидан, бу ҳам умуминсоний қоиданар асосида адолатли даромад ҳисобланади. Муляндан келадиган рента, фоиз ва дивидент каби меҳнатдан тошилган даромад ҳисобига жамланган мулк келтирилган даромадлар ҳам умуминсоний жиҳатдан адолатли ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида адолатсиз даромадлар ҳам бор. Товар ёки фонл биржалирида, биржа чайковчилиги юз берганда брокер ёки диллер бир неча минутда акция курсининг тушиши ёки кўпайтиришидан миллионлар билан ҳисобланадиган даромад олади. Бозор иқтисодиёти шароитида катта пулдорлар ўз пупини банкка кўйиб, ўзлари умуман (даромад) меҳнат қилмай, даромад тошиллар. Бу ҳам адолатсиз даромад ҳисобланади.

Даромадларнинг тенгсизлиги уларга таъсир этувчи омиллар кучининг ҳар хиллиги билан изоҳланади. Тенгсизликнинг биологик ва социал жиҳатлари бор. Биологик жиҳатдан олганда табиат кишиларга турли қобилият, куч-куяват, ақл-идрок, салоҳият-заковат ато этган. Даромад тошиш имкониятларининг турли-туман бўлиши тадбиркорлик даромадида ҳам кўринади. Жамиятда билим олиш, касб эгаотлаш, малака оширишга шароит бўлса ва иш топилса, даромад тошиш имконияти яратилади.

Даромадлар тенгсизлигига күйидаги омиллар ўзининг таъсирини кўрсатади.

1. Қобилиятдаги фарқлар.
2. Маълумоти ва билим даражаси.
3. Турли хилдаги оғир меҳнатни қила олиши ва ҳавф-хатарга бора олиши.
4. Мулкка эгалик қилиш.
5. Бозорда хукмронлик қилиш.
6. Бахтили ва баҳтсиз тасодифлар.

Шунингдек кишиларни ҳәёти ва ёши давомида даромадлари ўзгариади.


Ёшлик даврида – паст даромад.

Ўрта ёшда- юқори даромад.

Кекса ёшда- паст даромад оладилар.

Даромадларнинг тенгсизлиги оиласаларнинг жами даромади миқдори уртасидаги тафовутлашувда ҳам ифода этилади. Тафовулар энг кам даромад билан энг кўп даромад оралигига бўлади. Даромадлар тенгсизлигининг икки томони бор. Биринчиси-бозор механизмига хос тақсимот орқали кўлга теккан даромад тенгсизлиги. Бу ерда саҳиийлик-хотимтойлик тамоилий йўқ, аксинча, бозор таън олган иш натижасига қараб тақсимлаш мавжуд бўлиб, у кўлга теккан даромад билан ўлчанади. Иккинчиси-тақсимотнинг нобозор усуслари туфайли ҳосил бўлган бепул овқатланиш, дам олиш, бепул ёки имтиёзли тарзда хизматлардан баҳрамандлик ҳар хил даражада бўлади. Аммо тақсимлашнинг нобозор усули муайян даражада тенгликни келтириб чиқаради. Масалан, ўқиш, дам олиш, даволаниш ёки имтиёзли квартира ҳаки белгилаш истеъмолчиларнинг ҳаммаси учун бир хил тарзда бепул бўлганидан, улар тақсимотда тенгликни ҳосил этади.

Даромадлар тақсимланишининг тенгсизлигини ифодалаш учун кўп ҳолларда Лорени згри чизиги диаграммасидан фойдаланилади.



Бу чизма түртбұрчак күринишида бўлиб, унинг горизонтал томонида аҳоли хиссаси (фоизи) вертикал томонида – даромад ҳиссаси (фоизи) күрсатылған. Агар жамиятда даромац мутлақ баравар тақсимланған деб фараз қылсақ, яъни 20% аҳоли жами даромаднинг 20%га, 40%-40% га эга бўлса, унда мутлақ бўлар эди.

Аммо аҳоли ўртасида даромадларни тақсимлаш тенгликининг бу вазиятини ифодаловчи чизик биссектриса күринишига эга тақсимлапиши бир хил эмас. Мисалан, агар аҳолининг 20% А нуктаси билан белгиланған даромаднинг озгина кисмини олса, аҳолининг 40% Б нуктаси билан белгиланған кисмини олганда тенгсизлик келиб чиқади.

4. Аҳоли турмуш даражаси ва унинг күрсаткичлари. Жамғариш ва истеъмол фондлари ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши ва унинг аҳоли турмуш даражасига таъсири

Ишлаб чиқаришпинг социал самарааси кишилар фаровошлигида, яъни турмуш даражаси ва сифатида намоён бўлади. Кишилар ҳәётий әхтиёжларининг кондирилиши мөтёри турмуш даражаси дейилади. Унинг муҳим жиҳати нози-неъматлар истеъмоли хисобланади. Фақат яратилған товарлар ва хизмагларни истеъмол этиш мумкин. Шу сабабли истеъмол микдори ва таркибининг ишлаб чиқариш ҳолатига Караб, шаклланиши конуний ҳодисадир. Аммо ҳамиша истеъмол ҳажми ишлаб чиқариш ҳажмига мос ўзгариб бормайди. Ишлаб чиқариш даражаси юкори бўлгани ҳолда унга нисбатан истеъмол микдори кам бўлиши мумкин. Жамғариш ва истеъмол гескари муносабатликда ўзгаради, яъни жамғариш кўпайса, истеъмол камаяди ва аксинча. Турмуш фаровошлиги миллий даромаднинг ҳажми ва унинг тақсимланишига боғлиқ. Фараз қиласайлик, жамиятда яратилған жами маҳсулот 150 млрд. га тенг, шундан 120 млрд. сўми истеъмолга кетса, 30 млрд. сўми жамғаришга кетади. Шундай шароитда жамғаришга 40 млрд. сўми ажратилса, истеъмолга 110 млрд. сўм қолади. Миллий даромад ўсиб, у 170 млрд. сўмни ташкил этса-ю, унинг 70 млрд. сўми жамғарилса, истеъмолга 100 млрд. сўм қолади, яъни истеъмол олдингидан кисқараси (100, 120). Агар жамғариш 40 млрд. сўмга етса-да (олдин 30 млрд. сўм эди), барибир истеъмолга 130 млрд. сўм қолади, бу олдингидан кўп бўлади (130, 120). Жамғариш микдори ўсгани ҳолда истеъмол ҳажмининг миллий даромад катта микдорда ошганлиги натижасидир. Худлас, истеъмол ҳажми миллий даромаднинг микдори ва унинг турли кисмларга тақсимланишига боғлиқ. Шу иккى омилиниң турмуш даражасига таъсири турлича бўлади.

Истеъмол микдори турмуш даражасининг муҳим жиҳати, унинг давлатлараро фарқланиши мамлакатларнинг иқтисодий даражаси ва уларда истеъмол ва жамғаришга кетадиган маҳсулот нисбатига боғлиқ. Масалан, Япония иқтисодиёт жиҳатдан Швеция, Франция ва Германиядан устун туради, лекин истеъмол жиҳатдан улардан орқада юради, чунки бу ерда бошқаларга нисбатан инвестициянинг маҳсулотдаги хиссаси юқори туради, бинобарин, истеъмол хиссаси камроқ бўлади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига хос қоидалардан бири – миллий даромадча истеъмол ҳиссасининг ортиб боришидир, яъни миллий даромаднинг тобора кўпроқ қисмининг фаровонликка қаратилишидир. Буни кўйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан – миллий даромаднинг камрок қисмини жамғарған ҳолда (масалан, 10-15%) барқарор иқтисодий ўсишни таъминалаш мумкин, чунки инвестициялар илғор техника ва технологияда моддийлашиб, меҳнат унумини ошириб боради, бинобарин жамғариш самарацорлигининг ортиши, истеъмолни кенгайтиришга хизмат қиласи.

Иккинчидан – иқтисодий ўсишда инсон омилининг аҳамияти бекиёс ортади, бу истеъмолни кенгайтириш орқали иш кучи малакасини оширишга олиб келади, чунки юксак технология сифатли иш кучини таълаб этади.

Учинчидан – иқтисодиёт ривожланган сари аҳолининг, бинобарин, истеъмолчилар сонининг кўпайиши сустлашаци, бу эса жон бошига яратилган даромадни кўпайтириш омилларидан бири ҳисобланади. Албатта, даромаднинг ортиши энг аввал ишлаб чиқаришга боғлиқ, лекин бунга аҳолининг ўсиши ҳам таъсир этади.

Тўртинчидан – энг муҳими, бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиёт шаклини олган шароитда аҳолининг таълаб-эҳтиёжини Кондириб, унинг фаровонлигини оширишдан иборат инсонпарварлик таъмойили кучайиб боради, бу эса истеъмолни кенгайтиришни таъзозо этади.

Айтилган сабабларга кўра, ривожланган мамлакатларда, сўнгги 30 йил ичидаги миллий даромадча жамғариш ҳиссаси иккичарди, натижада истеъмол ҳиссаси ортиб, эндиликда миллий даромаднинг деярли 80-85% ни ташкил этади. Бу турмуш даражаси ўсганлигидан далолат беради. Турмуш даражасини икки кўрсаткичичи мавжуд.

1. Киймат пул кўрсаткичлари – иш ҳақи, фойда, фоиз, реңта.
2. Моддий-натурал кўрсаткичлари-озик-овқат, уй-жой ва ҳоказо.

Аҳоли турмуш даражаси пул даромадига эмас, балки реал даромадга боғлиқ бўлади. Аҳоли турмуш даражасига кўйидаги омиллар таъсир кўрсатади.

1. Кишилар эҳтиёжларини ривожланиш даражаси.
2. Эҳтиёжларни кондириш учун ишлатиладиган ҳаётий неъмат ва хизматларнинг микдори ва сифати билан белгиланади.

5. Ахоли истеъмолининг микдорий ва сифат ўзгаришлари. Ахолининг харажатлари ҳамда уларнинг тафовутлари

Турмуш даражаси учун истеъмол ўз-ўзидан эмас, балки эҳтиёжни концира олиши жиҳатидан муҳим. Истеъмолининг микдори ва таркиби оқилона бўлиб, кишиларнинг соглом ва узок умр кўриши, уларнинг шахс сифатида камол топишини таъминлагандагина мақсадга мувофик ҳисобланади. У ёки бу товарнинг ҳаддан ташкари кўп истеъмол этилиши юқори турмуш даражасини ифодаламайди, чунки истеъмолнинг сифати деган ҳодиса ҳам бор. Бу сифат истеъмолининг микдори ва таркиби ўртасида маълум меъёрда нисбат бўлишини такозо этади. Масалан, овқатланишнинг сифат белгиси – бу унинг балансланган бўлишидир. Озик-овқат истеъмоли шундай микдорда ва таркибда бўлиши зарурки, у киши организмини барча керакли озиқалар, хусусан, оқсили, мой ва витаминалар билан таъминлаши, инсоннинг соглом, бақувват, тетик бўлишини, ҳаётда фаоллик кўрсатишини таъминлаши керак. Кўп микдордаги, лекин балансланмаган озик-овқат истеъмоли фойда ўрнига зарар келтиради. Мутахассислар фикрига кўра, гўшт ва ундан олинган маҳсулотларнинг оптималь истеъмоли жон бошига йилига ўртача 80 кг бўлиши зарур.

Ўзбекистонда ахоли жон бошига 190-200 кг нон ва ун маҳсулотлари истеъмол этилади. Бу керагидан ортиқча ҳисобланади. Бошка маҳсулотлар (масалан, гўшт, сут, тухум, мева, сабзавот) кам истеъмол этилганда, уларнинг ўрни нон билан қўйланади. Бу ҳам балансланмаган овқатланиш натижасидир. Истеъмолга шундай конуният хоски, дастлаб унда микдорий, сўнгра сифат ўзгаришлари юз беради. Аввал, умуман, товарлар ва хизматлар истеъмоли ўсгани ҳолда, сўнгра уларнинг сифатларини танлаб истеъмол этишга киришилади. Бу бозорнинг тўйиннишига боғлик. Ишлаб чиқариш қанчалик юқори бўлса, шунчалик сифатли истеъмол катта ўрин олади.

Ахоли турмуш даражасини микдор ва сифат кўрсаткичлари тизими қўйидагилардан иборатdir.

1. Истеъмол килинаётган мөддий неъмат ва хизматларнинг ҳажми билан.
2. Ахоли реал даромадлари.
3. Истеъмол килинаётган товар ва хизматларни ЯММ даги улуши билан.

4. Озик-овқат ва озик-овқат бўймаган товарларни истеъмол даражаси.
5. Иш ҳақи миқдори билан.
6. Ижтимоий истеъмол ва социал фондлар миқдори билан.
7. Мехнат шароити билан.
8. Иш вақти ва бўш вақтнинг узушиги билан.
9. Уй-жой билан таъминланиш даражаси.
10. Маориф ва соғлиқни саклаш аҳволи билан.
11. Ўртача яшаш ёши узунлиги билан.
12. Сиёсий ҳаётга йўл бериши билан.

Даромадлар каби турмуш даражаси ҳам изчил табақалашади, бундай табақаланиши диференциация дейилади. Даромаднинг турлича бўлиши натижасида бир оила ҳисобига ва жон бошига тўғри келадиган, истеъмол фарқанали. Аммо бу фарқлар умумий гурмуш даражаси юкори бўлиб, озик-овқат муаммоси ҳал этилган шароитда юзага чикади. Ривожланган иқтисодиёт шароитларида тафовутлар оммабон товар истеъмоли жиҳатидан эмас, балки замонавий янги, обрӯталаб товарлар истеъмоли жиҳатидан пайдо бўлади. Истеъмол тузилишига караб, у ёки бу мамлакатни ахолисини турмуш фаровоцлигини билиб олиш мумкин.

Аҳолининг турмуш даражаси упинг харажатларига ҳам таъсир этади. Аҳоли даромадлари кўйидагича харажат қилинади:

1. Озик-овқат маҳсулотларига.
2. Озик-овқат бўймаган товарларни сотиб олишга.
3. Маданий-маишӣ хизматларга.
4. Соликлар.
5. Алкотоль ичимликларини харид қилишга.

Турмуш даражаси ошган сари, аҳоли пул харажатларининг тобора кўпроқ қисми саноат молларини (ноозик-овқат моллари) харид этиб, истеъмол қилишга сарфланади, шунга кўра, унинг тобора кам қисми озик-овқатга кетади. Бой ўзига тўқ кишилар, пул даромади кўн бўлганидан, унинг камроқ қисмини сарфлаган ҳолда онқатлашиш эҳтиёжини қондира оладилар.

Фаровонликнинг ўсишини аҳоли қўлидаги мол-мулкнинг миқдорига қараб ҳам билиш мумкин. Кишиларнинг пул даромадлари кундалик тирикчилик харажатларидан ортиб қолиб, жамғарма ҳосил бўлиши, уни капитал сифагида ишлатилиши ҳам турмуш даражасини кўрсатади. Турмуш даражаси юкори бўлган шароитда аҳоли қўлида даромад келтирувчи коғозлар – акция, облигация, сертификатлар суммаси ўсиб боради.

6. Истеъмол савати. Тиринчилик минимуми, камбағаллук масаласи

Истеъмол савати – ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йигиндисидан иборатdir. Истеъмол бюджети – бир кишини тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йигиндисини бозор баҳосидаги кўринишидан иборат. Истеъмол бюджети З турга бўлинади.

1. Минимал истеъмол бюджети.
2. Реал ҳақиқий истеъмол бюджети.
3. Илмий асосланган истеъмол бюджети.

1. Минимал истеъмол бюджети- бу кишини очдан ўлмаслиги учун зарур бўлган куидалик эҳтиёжлари учун керак бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йигиндисининг пул кўринишидир.

2. Реал ҳақиқий истеъмол бюджети – шу кунда шаклланган истеъмол буюмлари ва хизматлари йигиндисининг пул кўринишидир.

3. Илмий асосланган истеъмол бюджети – иқтисодчилар, тиббиётчилар, социолог мугахассислар томонидан аниқланган ишчи кучини нормал тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йигиндисининг пул кўринишидир.

Давлат иш ҳакининг энг кам миқдорини конуний жиҳатдан ўрнатади. Энг кам иш ҳаки мамлакатда таркиб топган турмуш шароитига боғлиқ бўлиб, энг кам истеъмол бюджети асосида аниқланади.

Камбағаллук вазиятида инсон ўзининг асосий эҳтиёжларини қондириш имконинг эга бўлмай колади. Ҳар бир мамлакатда камбағаллук чегараси аниқланган бўлиши зарур. Бой ёки камбағал мамлакатларда яшовчи одамларнинг эҳтиёжлари ҳар хил бўлади. Шунинг учун камбағадликни юкоридаги таърифидан иқтисодий хисобкитобларни амалга оширишда фойдаланиб бўлмайди.

Ривожланаётган мамлакатларда ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда қўпинча мутлак камбағаллук тушунчасидан фойдаланилади. Бу инсон олациган даромади унга асосий ҳаётий вазифаларни бажаришига ва соғлом бўлишига имкон бермаслигини кўрсатади. Ҳар бир мамлакат камбағаллук чегарасини ҳисоблашнинг ўз услубидан фойдаланади. Баъзи мамлакатларда ҳисоблашнинг статистик усули қўлланилади. Бу усулда тегишли ҳукумат ташкилотлари мамлакат бўйича инсон оиласининг ўртача даромадлари тўғрисида статистика маълумотлари асосида бу ўрта даражадан паст кайси даражани камбағаллук чегараси деб ҳисобланишини белгилайди.

Баъзи мамлакатларда камбағаллик чегараси – бу мамлакат бўйича ўртача даромаддан икки ҳисса кам бўлган даромад дейилса, бошқа давлатларда у ўрта даромадни 3 дан 2 қисмiga тенг келиши керак деб таҳмин қилинади.

Кўпчилик мамлакатларда Ўзбекистонда ҳам норматив статистик усул қабул қилинган.

Бу усулда камбағаллик даражаси ўзини таркибига энг зарур бўлган озиқ-овқатлар, истеъмол буюмлари ва хизматлар тўпламидан иборат бўлган энг кам истеъмол бюджети асосида аникланади.

Энг кам истеъмол бюджетига ёки унинг маълум қисмiga (масалан 50 % ига) мос келувчи даромад камбағаллик чегараси ҳисобланади. Даъват камбағаллик чегарасидан паст даражада яшовчи аҳолига маълум миқдорда пулли ва моддий ёрдам кўрсатади.

Энг кам истеъмол бюджети асосида иш ҳақи, пенсиялар, нафакалар, стипендияларниң энг кам миқдориам белгиланади.

Асосий тушунчалар ва таянич иборалар

Иктисолий таълов асосидаги тақсимот – бунда ҳар ким ўзининг ЯИМ ни яратишида қўшган ҳиссасига қараб туриб улушини олади.

Бозор иктисолиётига хос тақсимот қонуни – бунда моддий неъматлар ва хизматлар ресурслар берган широрицада натижасига қараб, уларниң эгалари ўртасида тақсимланади.

Реал даромадлар – бу пул даромадини харид этиш кобилиягини билдиради

Турмуш даражаси – кишилар ҳаётий эҳтиёжларининг кондирилиши мебўсиридир

Истеъмол миқдори – турмуши даражасининг муҳим жиҳати, унинг давлатлашаро фарқланиши, мамлакатларниң иктисолий даражаси ва уларда истеъмол ва жамғаришга кетадиган маҳсулот писбатига боғлик.

Истеъмол савати – ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йигиндисидан иборатдир.

Истеъмол бюджети – бир кишини тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йигиндисипи бозор баҳосидаги кўринишидан иборат.

Минимал истеъмол бюджети – бу кишини очдан ўлмаслиги учун зарур бўлган кундалик эҳтиёжлари учун керак бўлган истеъмол буюмлари ва хизматлари йигиндисини пул кўринишидан иборатдир.

Реал ҳақиқий истеъмол бюджети – шу кунда шаклланган истеъмол буюмлари ва хизматларини йигиндисини пул кўринишидан иборатdir.

Илмий асосланган истеъмол бюджети – иқтисодчилар, тиббиётчилар, социолог мутахассислар томонидан инсонни нормал такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва хизматларини йигиндисини пул кўринишидан иборатdir.

Камбағаллик – инсон ўзининг асосий эҳтиёжларини кондириш имконига эга бўлмай қолишидир.

Камбағаллик чегараси – бу баъзи мамлакатлар бўйича ўртacha даромаддан икки хисса кам бўлган даромал дейилса, бошқа давлатларда у ўргача даромадни 3 дан 2 қисмига тент келиши керак деб таҳмин килинади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Даромадларни неча тури мавжуд?
2. Даромадларни таркибий тузилиши қандай бўлади?
3. Даромадлар қандай иқтисодий конун таъсирида ҳосил бўлачи, уларниң қандай турлари бор?
4. Тақсимотни неча тури мавжуд?
5. Даромадлардаги тенгсизлик ва тенгликни қандай англаш керак, уларниң зиддийлиги нимада?
6. Аҳоли даромадларига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
7. Аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифатининг умумийліги нимада?
8. Лоренц эгри чизиги нимани ифодалайди?
9. 30 йил ичida бир мамлакатда аҳоли жон бошига ҳисобланган пул даромадлари 4,5 марта, нарх-наво 2,3 марта ўди, бошқа мамлакатда пул даромадлари 3,7 марта, нарх-наво 4,1 марта ўди. Реал даромад, бинобарин, турмуш даражаси ҳар иккала мамлакатда қандай ўзгарганини ҳисоблаб чиқиб, хулоса қилинг.
10. Истеъмол бюджети деганда нимани тушунасиз? Унинг неча тури мавжуд?
11. Камбағаллик тушунчасини изоҳлаб беринг?
12. Инсоннинг камолот индекси деганда нимани тушунасиз? Унинг таркибига нималар киради?

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.

- Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсилика таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997 й.
- Камаев В.Д. и колл. авт. Экономическая теория: Учебник. М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998.
- Бекнозов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. Т.: «Университет», 1993.
- Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. с англ. М.: Республика, 1992.
- Фишер С., Дорибуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с англ. - М.: Дело ЛТД, 1993.
- Эркаев Б.А., Каримова Г.И., Абулқосимов Х.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. -Т.: «Шарқ», 1996.
- Шодмонов Ш., Ганихўжаев Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш (ўкув қўлланма). Т., 1993.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Мехнат», 1995.
- Умаров К. Ю. ва бошқалар «Иқтисодиёт назарияси» Т. «Университет», 1998. 72-78-бетлар.

ХХIV БОЙ. ПУЛ ТИЗИМИ, УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ КОНУНИЯТЛАРИ, ИНФЛЯЦИЯ, УНИНГ САБАБЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

1. Пул тизими, унинг элементлари ва таснифи. Пул массаси. Пулнинг айланиши. Пул агрегатлари.; M1, M2, M3, M4.
2. Пулга бўлган галаб ва таклиф. Пул муюмаласи ва унинг қонуни.
3. Пул мидорига таъсир қилувчи омиллар. Монетар сиёсат ва унинг асосий томонлари.
4. Инфляция ва унинг сабаблари. Инфляциянинг асосий турлари; сундаки, ютурувчи, гиперинфляция.
5. Инфляцияни бартараф қилиш йўллари.

1. Пул тизими, унинг элементлари ва таснифи. Пул массаси. Пулнинг айланиши. Пул агрегатлари.; M1, M2, M3

Пул – бу шундай маҳсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради.

Ҳамма товарлар сингари пул ҳам, қиймаг ҳам истеъмол қийматга эга. Шу маънода у бошқа оддий товарлардан фарқ қилмайди.

Пул шундай кучга эгаки, у умумий ижтимоий қийматга эга бўлиб, ҳамма товарларни харид этиш воситаси бўлиб хизмат килади. Пул товар ишлаб чиқариш ва айирбошлиш жараёнича истеъмолчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ифода этади. Шу сабабли, товар-пул муносабатлари пайдо бўлади.

Моҳиятнан пул ижтимоий меҳнат ва қийматни билдиради. Пул учун ижтимоий меҳнат қайси соҳада сарфланганини ва қиймат каерда яратилганини фарқсизdir. Кимнинг пулни бўлса, у ижтимоий меҳнатнинг тегишли қисмини ўзи истаган натурал (товар) шаклида олиш ҳукуқига эга бўлади. Пулнинг ҳамма нарсадан қудратлилиги ҳам шундан келиб чиқкан.

Пул товар ишлаб чиқариш ва айирбошланинг узок вақт ривожланиши натижасида вужудга келади. Биринчи йирик меҳнат таҳсими, яъни чорвачиликдан дехқончиликнинг ажralиб чиқиши ва шу муносабат билан товар хўжалигининг ривожланиши, түфайли маҳсулот қийматининг ифодаси бўлмиш пулни келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиёти ҳам пул билан бевосита боғлиқ. Пул бўлмаган жойда бозор иқтисодиёти йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти товарлар ва товарлашгани хизматларнинг ишлаб чиқаришдан бошлаб, то истеъмолгача бўлган ҳаракатидан иборатки, бу ҳаракат пул воситасида амалга ошади. Ишлаб чиқариш ресурслари бозорда пулга харид қилилиб, товарлар яратилади, яра-

тилган товарлар пул царомадларига айирбошлаб истеъмолга ўтади. Товарлар шахсий истеъмолгами ёки инвестиция (ишлаб чиқариш) учун сарф этиладими, барибир пул ёрдамида ҳаракатга келади.

Бозор учун ишлаб чиқариш бор жойда пул ўта мухим иқтисодий вазифа бўлади. У ишлаб чиқаришининг тақрорланишига хизмат килади, иқтисодий ўсишга кўмаклашади. Пул шаклидаги маблағлар бозор орқали ресурслга айланади, ресурслар иштирокида товарлар яратилади, товарлар сотилиб яна пулга айланади. Шундай ҳаракатнинг қайтарилиб туриши иқтисодий жараён юз берганини билдириди.

Пулнинг иқтисоддаги аҳамиятини у бажарагидан функциялар белгилаб беради.

Пулнинг уч функцияси (вазифаси) мавжуд.

Киймат ўлчови – пул умумий эквивалент товар экан, ўзида меҳнатни мужассамлаштиради ва шу сабабли товарлар қийматини ўлчай олади. Пулда ифодаланган киймат бу нарх. Товарнинг қанча туришини пул билан белгилаб, у 40 сўм, 10 доллар, 50 динар, 20 марка тураси цеб айтамиз. Буюмларнинг оғирлиги, эни ва буйига қараб, килограмм ёки метр билан ўлчангандай, товарнинг нархи пул билан ўлчанади. Ҳар бир мамлакатнинг ўз ўлчами бор – бу унинг миллий пулидир. Ўлчов бирлиги нарх масштаби дейилади. Бирлик қилиб АҚШда доллар, Англияда фунт стерлинг, Туркияда лира, Германияда марка қабул қилинган ва хоказо.

Муомала воситаси. Пул олди–сотди жараёнида ишлатилади. Пул ёрдамида товарни ҳарид этиш, пулга товар айирбошлаш ($P - T$) ёки товарни сотиш, товарни пулга айирбошлаш ($T - P$) юз беради. Пул иштирок этганда товар айирбошлаш товар муомаласи шаклини олади. Бундан фарклироқ бартер – товарни товарга бевосига алмаштириш бўлиб, маълум келишилган нархни тақозо эта-ла, пул иштирокисиз юз беради. Бартерда товар олишини уни сотишидан ажратиб бўлмайди. Бартер пулсиз айирбошлаш бўлганидан бозор иқтисодиётига тўғри келмайди, шу сабабли пул қадрсизланган, товар топиш мушкул бўлган шароитда амалга оширилади. Пул ҳамма товарга айирбошланади, ҳамма ерда кабул қилинади. Агар пул бўлмаганда эди, керакли товар топиб олиш учун ўз товарини бошқа товарга, бошқасини ва яна бошқасига алмаштириш кўп марта юз бераб, ниҳоят керакли товар учрагунча давом этар эди. Пул бундай мушкулликни осон қиласи. У керакли товарни тез топиб, ташлаб олиш имконини берганидан, айирбошлашга кетган вақтни, унинг ҳаражатларини тежаб қолади, олди–сотди бевосига товар айирбошлашга нисбатан юкори самарага эга бўлади. Ута тақчиллик юз бераб, бозор алоқалари бузилган шароитда айирбошлашда талонлар ва купонлар жорий этилади. Булар арzon нархда ва белгиланган

миқдорда ҳамда кафолатланган ҳолда товарлар сотиб олиш қукукини берувчи қоғоздир. Улар пул сифатида чиқарилмайды, лекин муомалада қатнашади. Шу сабабли уларни ҳам сотиш мүмкин. Бу қоғозлар харид этишда пул билан фақат биргаликда товар айирбошлишга хизмат қилади.

Жамғарма воситаси. Бу пулнинг жамланган бойлик шаклига кириб, ўз эгаси учун керак бўлганда харид этиш воситаси бўлиб хизмат қила олишидир. Пул – қоғоз ёки танга бўлгани учун бойлик эмас, балки ўзида меҳнатни мужассамлаштиргани, унга ҳамма нарсанни харид этиш ёки уни жамлаб саклаш мумкин бўлгани учун бойлик хисобланади. Пул бойликнинг маҳсус шакли, унинг бир кўриниши, чунки ундан бошқа шакл, кўринишдаги бойликлар ҳам бор. Масалан, уй-жой, ер-сув, ўрмонлар, конлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, машина-ускуна, акция, облигация ва ҳ.к. Пул бойлик жамғаришнинг қулий усули, чунки пулда ликвидлик бор, яъни пулни тўлов учун ҳамма срда унда белгиланган номиналга қараб кабул қилинади. Пул бошқа ликвидлик воситаларига нисбатан, айтайлик ер, бино, акция, облигация, сертификатларга нисбатан баркарор восита хисобланади, унинг қадри бир хил сакланади, (инфляция бўлмаса) бошқа ликвидлар нархи – қадри ўзгариб туради. Аммо шиддатли инфляция шароитида пулни жамғарини бемаънилик бўлади. Гап шундаки, инфляцияга учраган пулнинг харид кобилияти пасайиб боради ва унга ишонч йўқолади ҳамма ундан кутилишга интилади, унга бошқа қадрли валютани сотиб ола бошлайдилар. Валюта бозорида чайқончилик кучаяди.

Пул ўз хизмати ва мазмуни ва миқёсига қараб турли тоифали бўлади:

- а) ҳазина билетлари – бу пул оидий муомалада ишлатилади.
- б) банкнот – кредит пуллари – бундай пул қарз олиш ва бериш жараёнларида қўлланади.

Пул вазифаларидан фойдаланиш йўли билан бозор иктисолиёти тартибга солинади, пул муомласини бошкариш оркали мазкур иктисолиётнинг соғломлиги таъминланади. Пул турлича бўлали: танга пул, қоғоз пул, чек шаклидаги пул, электрон пул ва ҳ.к. Булар пул вазифасини бажариб келастир.

Пул тизими мамлакатнинг пул муомласини конуний равишда ташкил қилишда қўлланиладиган услублар мажмуасидир. Пул тизими тарихан шаклланган ва конун асосида мустаҳкамланган бўлади. Ҳозирги пул тизими XVI-XVII асрларда вужудга келган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгаётган кейингина, яъни 1994 йилдан бошлаб ўзининг мустакил миллий пул тизимига эга бўлди. Пул тизимининг қўйидаги асосий элементлари маъжуд; пул бирлиги, баҳо масштаби, пул турлари, эмиссия тизими,

муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат мұаассаси. Жамиятдаси пул айланмаси яратылған маҳсулоттар, хизматлар ҳаракатини билдиради. Буни ПМ-ПО-Н-МХ күринишида ифодалаш мүмкін. Бу ерда ПМ -пул массаси(микдори).

ПО- пул обороти тезлиги.

Н- нарх даражаси.

МХ -яратылған маҳсулот ва бажарылған хизматлар микдори.

Пул массаси- муомлага чиқарылған металл таңшалар ва қоюз пулларнинг жами микдори. Хўжалик мұомаласидаги пул воситалари-ниг умумий ҳажмига накд пуллардан ташкари банкларнинг жорий хисобидаги пул воситалари ҳам киради.

Пул айланishi – бу маҳсулот ва хизматларнинг фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасидаги ҳаракати демакдир, чунки улар иш жараёнида ишлаб чиқаришдан истеъмол сари боради. Шу иккى нукта ораглигиде тақсимланаш ва айрибошлиш жараёнилари туради. Пул обороти пулли муносабатларнинг турига қараб 2 га бўлинади.

- Товар-моддий неъматларни айрибошлиш жараёнидаги пул обороти.

- Товар ҳарактерига эга бўлмаган пулли хисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида содир бўладиган пул обороти.

Айланма пулли муносабатлар иштирокчиларнинг жойлашишига қараб:

* шаҳар ичида пул оборотига

* шаҳарлараро пул оборотига бўлинади.

Тўлов жараёниларида бевосита иштирок этаётган ҳаракатдаги пул массаси актив пул обороти деб юритилади.

Маълум бир давр ичида, вактинча мұомлата иштирок этаётган пул массаси эса пассив пул обороти деб юритилиди. Буларга хўжалик субъектлари ва бошқа турли корхона мұассаларидағи вактинча бўш турган пул маблағлари, шунингдек аҳолининг жамғармшари киради. Пул оборотини иқтисодий усуслар воситасида бошқариш максадида у бир неча пул агрегатларига бўлинади. Пул агрегатлари деганда жамғарилга борилаётган ва харид қобилиягини сақловчи барча пул воситалари тушунилади. Бунга накд пуллар, маълум муддатга ёки муддатсиз банкка қўйилған пуллар, сертификатлар ва бошқалир киради. Пул агрегатларининг сони мамлакатда иқтисодиёт ва пул массасини бошқариш хусусиятлари ишобатга олинган ҳолда турличадир. Умумий кўринишида улар қўйицагилардан ташкил топади.

Хозирги замон бозор иқтисодиёти пул массасининг асосий ташкил этунчилари ёки пул агрегатлари қўйицагичадир:

Пул 1 (M1)- “тор матьнодаги пуллар” ёки муомладаги накд пуллар (МО) плюс ахоли ва корхоналарнинг талаб қилиб оладиган омонатлари ва жорий тўлов айланишидаги хизмат килувчи чеклар.

Пул 2 (M2)- бу M1 плюс ахоли ва корхоналарнинг муддатли омонатлари.

Пул 3 (M3)- “кенг матьнодаги пуллар” ёки жами пул массаси бўлиб, ўз ичига 1)M2 плюс ликвидли қимматбахо қозозлар;

2) бюджет ва жамоат ташкилотлари ҳисобидаги маблағлар;

3) бюджет маблағлари ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун маблағлар. Хулас М3- M2 плюс йирик муддатли омонатлар.

Пул 4 (M4)- бу M3 плюс банкларда сакланадиган пул шаклида бўлмаган ликвид маблағлар.

2. Пулга бўлган талаб ва таклиф. Пул муомласи ва унинг қонуни

Пул товар экан, у талаб ва таклиф таъсирига берилади. У талабдан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин, кам бўлганда тўлов юзага чиқади. Масалан, 1992 йил МДХ мамлакатларида корхона, ташкилотлар бир-бирига пул тўлай олмай қолдилар, чунки накд бўлмаган пуллар айланиши секинлашиб, пул етишмай қолди. Демак, пул таклифи унинг муомалага чиқкан микдори билан ўлчанади, бу микдор эса унинг айланиш тезлигига қараб ҳар хил бўлади. Пул таклифи – жорий ҳисоблардаги маблағлардан, банклардаги омонатлардан, чеклардан ва ахоли қўлидаги накд пуллардан ташкил топади. Пулга талаб хўжалик обороти учун керак пулга эҳтиёждир. Пулга талабни корхоналар, ташкилотлар, ахоли ва давлат билдиради. Чунки улар хўжалик субъектлари – ишлаб чиқарувчи ёхуд истеъмолчилардир. Пулга талаб пул операцияларишинг миёсси ва тезлиги билан ўлчанади. Пул билан муоммалатни ишлари қанчалик кўп бўлса, шунчалик кўп пул керак бўлади. Агар пул қанчалик тез айланаб турса, пулга талаб шунчалик қисқаради. Пулга талаб деганда пулнинг олди-сотди, тўлон ишларидагина эмас, балки жамғарма сифатида ишлатилиши эҳтиёжини ҳам назарда тутиш керак. Пул жамғарилса фоиз тугади. Фоиз ошса маблагни бошқа ердан олиб банкка қўйиш маъқул. Бу ҳолда акция ва облигация олгандан кўра пулнинг ўзини ишлатиш маъқул. Пулни эгаллаб туриш кулагай бўлганидан унга талаб ошади, акс ҳолда бойликни бошқа тури қулагай бўлади.

Пулга бўлган умумий талаб битимлар учун пулга бўлган талабдан ва молиявий активлар учун пулга талабдан иборат.

1. Битимлар учун пулга бўлган талаб- бу ахолига ва корхоналарга товар ва хизматларни сотиб олиш учун зарур бўлган пул

микдори. Пул муромала воситаси вазифасини бажаради. Номинал ЯММ қанча кўп бўлса, олди-сотди жараёнига хизмат килиш учун шунчак кўн пул керак.

2. Молиявий активлар томонидан пулга бўлган талаб- одамлар ўзларини молиявий активларини акция, облигация, банкдаги омоналлари кўрининишида кўлида ушлаб туради. Жамъариш заруриятим пулга бўлган талабини вужудга келтиради. Корхоналар меҳнатга ҳақ тўлаши учун, материал энергиялар сотиб олиши учун пул керак.

Пул, шунингдек, қийматта ҳам эга. Пулнинг фойдалилиги кераклиги шуки, уз функцияларини бажариб иқтисодиёт мушкулини осон қиласи, иқтисодий алоқаларга воситачилик қиласи. Пулнинг қиймати ҳам маҳсус. У метали пулни зарб этиш ёки қозоз пулни босиб чиқариш харажатларини билдирамайди. Бу харажатлар пул қиймати эмас, пулни муомалага киритиш сарфларицdir. Пулнинг қиймати, аниқроғи унинг қадр-қиймати деганда пул бирлигигинг харид этиш курби – қобилияти, яъни унга қанча товар ва хизматлар харид этиши мумкинлиги тушунилади.

Пул қадр – қиймати нархга, нарх эса ишлаб чиқариш харажатларига ва бозорларга ташланган пул микдорига тескари пропорционал (мутаносибликли) ўзгаради. Бу боғланниш нарх орқали юз беради. Шу сабабдан пул қадр-қиймати нарх даражасига нисбатан тескари пропорционалдир: нарх пасайса, пул қадри ошади, нарх ошса, пул қадри пасайди. Мисол учун: 1990 йил Ўзбекистонда 10 тийинига бир кути, 1993 йил бошларица 2 сўмга 1 кути гуттурт олинган. Нарх ошгани туфайли пулнинг гуттуртга нисбатан харид қобилияти 20 марта пасайди. Бу мувозапатниш бузилиши, чунки гуттуртни ишлаб чиқариш харажатлари 20 марта ошмади, балки пул массаси кўпайиб кетди.

Пулнинг қадрсизланиши унинг ролини сусайтиради, чунки пул ўз функцияларини тўла бажара олмай қолади. Гап шундаки, пул нархни ўлчай олмайди, пулга товар сотиш ўрнига бартер келади, пулни жамъариш иқтисодий жиҳатдан мақсадгага мувофик бўлмай қолади. Шундай шароитда мавжуд пулдан ноз кечиб, бошқа пулга ўтиш, яъни пул ислоҳоти қилиш заруратга айланади.

Бартер – товарларни товарга бевосита алмаштириш бўлиб, маълум келишилган нархни такозо этсада, пул иштирокисиз юз беради.

Бартер пулсиз айирбошлиш бўлганидан бозор иқтисодиётига тўғри келмайди, шу сабабли пул қадрсизланган, товар тошиш мушкул бўлганда амалга оширилади.

Пул муносабатларида пул муомаласи, пул бозори, пул реигаси, пул қўйилмалари каби тушунчалар ҳам мавжуд. Хўжалик оборотида пулнинг доимо харакатда бўлиши пул ўз функцияларини узлуксиз бажариб туриши пул муомаласи дейилади. Пул муомаласи – пулнинг

хўжалик фаолиятидаги ҳаракати, товар пул муносабатларининг ажралмас бир қисми, товар муомаласи пул муомаласини белгилаб беради. Накд пулларнинг ҳамда накд бўлмаган пулларнинг ўз вазифаларини бажаришдаги ҳаракати пул муомаласини келтириб чиқараци.

Пул ҳаракати банкдан бошланади. Пул муомаласи накд пул ва накд бўлмаган муомалага бўлинади. Накд пул банкдан чиққач корхона, ташкилотлар кассасига ва аҳоли қўлига ўтади. Олди-сотди ва тўлов ҳаракатлари бажарилгач, яна банкка қайтади. Накд бўлмаган пул муомаласига фирма, корхона, ташкилотлар банкдаги хисобда турган пул ҳаракати киради ва бундай муомала чек, кредит карточкиси, вексель, облигация, сертификат ва бошқа воситалар ҳаракати шаклида олиб борилади. Накд бўлмаган пул ҳаракати, айниқса, ЭХМ пайдо бўлиб ҳисоб-китоб, тўлов муомалалари автоматлаштирилгач, алоҳида аҳамият қасб этди. Ундан аҳолининг пулдор қатлами ҳам фойдаланади. Пули кам кишилар эса қўлициаги накд пул билан муомала қиласерадилар. Пул муомаласида узилиш юз берса, яъни у ўз ҳаракатидаги бирор босқичда, масалан аҳоли қўлида узок туриб қолса, хўжалик алокаларига путур етади. Пул муомаласининг ўз ҳаражатлари бор. Улар пул эмиссияси сарфи, эски пулларни ташини, жойлаштириш, тарқатиш ва қабул килиш сарфларидан иборат. Пул муомаласининг бир маромда боришидан жамият манфаатдор бўлади.

Пул бозори – асосан қисқа муддатли (бир йилгача) кредитлар бозори, ссуда капитали бозорининг бир қисми.

Тижорат банклари, давлатлар, фирмалар, ҳусусий шахсларнинг қисқа муддатли пул маблағлари ҳаракатига хизмат кўрсатади ва вақтингча етишмастган айланма воситаларни тўлдириш имкониятини беради. Пул бозори давлат ҳаражатларини кредитглаш ва бюджет таъкидлигини қоплашнинг мағбани сифатида кайта аҳамиятга эга. Ҳалқаро кредит муомаласининг ривожланиши билан жаҳон пул бозори пайдо бўлди. Энг йириклари Америка пул бозори, Европа пул бозори ва бошқалар.

Пул рентаси – ижарачининг ер участкасидан фойдаланганилиги учун унинг эгасига қўймат (пул) шаклида тўланадиган рента, бозор иктисадиётига хос рента ҳисобланади. Пул рентаси товар айирбошлаш қўймат шакли майдонга чиқиши билан вужудга келган. Бунгача ер рентасининг бир қанча шакллари: ишлаб бериш рентаси – баршина; маҳсулот рентаси – натура «оброк» шакли мавжуд бўлган; пул рентасида ижарачи етиштириган маҳсулотини товар сифатида бозорда сотгандан кейин даромаднинг бир қисмини ер эгасига тўлов сифатида беради. Бозор иктисадиёти шароитида рента албатта пул шаклида бўлади. Пул рентаси соликлар, ижара ҳаки шаклида уйдирилади.

Пул қўйилмалари – аҳоли, корхоналар ва ташкилотларнинг кредит муассасалари (банклар) да саклаш учун жойлаштирилган пул носиталари ва қимматбаҳо қоғозлари (акциялар, облигациялар). Аксарият мамлакатларда булар депозитлар деб аталади. Аҳолининг жамғарма банкига қўйилмаларининг фоиз ҳақини давлат белгилайди. Аҳоли қўйилмалари бўйича процент микдори қўйилмалар ҳаракатига караб йиллик маблагнинг 2-9 % ини ташкил этади.

Пул такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилиб, доимо ҳаракатда бўлади.

3. Пул микдорига таъсир қилувчи омиллар. Монетар сиёсат ва унинг асосий томонлари

Пулга талабнинг микдорий ўлчами бор. Муомаладаги пул микдори икки омилга боғлиқ.

1. Товарлар нархининг суммаси (THС) – қанча товар бор, ҳар бир товар нархи қанча, яъни бозорга жами неча пуллик товар чиқкан.
2. Пул ҳаракати – пул айланишини тезлигига (ПО), яъни пул неча марга олди-сотдига воситачилик қиласиди:

Бунда

$$ПМ = \frac{THС}{ПО}$$

Иктисадиётга зарур пул микдори пул муомаласи қонунига биноан аниқланади. Бу қонун пул микдорига таъсир этувчи омиллар ҳаракатини билдиради. Бу қонун муайян даврда муомолага зарур бўлган пул микдори барча товарлар нархи суммасига (йигинндисини) тўғри пропорционал пул айланишини тезлигига тескари пропорционал ўзгаради.

Бозор иктисадиёти ривожланган сари пул муносабатлари – товарлар, акция, облигация сотиб олиш, банкдан пул қарз олиш кучаяди. Бойлик шакллари кенгаяди, уни саклашнинг алътернатив (мужобил) усуслари пайдо бўлади. Уни нақд пул, банк хисобида пул, олтин, қимматбаҳо буюллар, акция, облигациялар, моддий шаклда саклаш имконияти пайдо бўлади. Бойликни қандай шаклда саклаш ва ишлатиш пул микдорига таъсир этади. Бундай боғланишини пулни микдорий назарияси тарафдорлари ва кейисчилар хисобга олишган.

Микдорий назариячилар муомаладаги пул микдори, пулга талабни З нарсаға боғлиқ деб карайдиляр.

1. Нархларининг мутлиқ даражасига нарх юкори бўлса пул кўп талаб килинади.
2. Ишлаб чиқариш миёсига, яъни ишлаб чиқариш кенгайса, аҳоли даромадлари кўнагаяди, утарни тўлаш учун пул кўпроқ керак бўлади.

3. Пул обороти тезлигига, яъни пул йилига неча марта даромад ва неча марта олди-сотдига хизмат қилади.

Шунга кўра

$$ПТ = \frac{НД}{ЯМ} : ПО$$

ПТ – пулга талаб.

НД – нарх даражаси.

ЯМ – яратилган реал махсулот ёки реал даромад.

ПО – пул айланиши тезлиги.

Кейнсчилар пул миқдорига таъсир этувчи омилларга қўшимча тарзда яна уч омилни кўрсатиб ўтадилар:

1. Тўлов учун пул зарурлиги.

2. Хар эҳтимолга қарши пулни вактинча бўлсам жамғариб, керак бўлганда ишлатишга интилиш.

3. Бойликни зарар кўриш хатаридан асраш учун пул шаклида саклаш.

Кейнсчилар пул миқдорига бойлик эгаларининг субъектив хатти-харакатлари, интилишлари таъсир этишини ҳисобга олади.

Монетаристлар пул миқдорига таъсир этувчи омилларга юкоридагилардан ташкари қўйидагиларни киригтанлар.

1. Банк фонзи даражаси.

2. Инфляция суръатлари.

Улар фоиз даражасини пул миқдорига 2 хил таъсирни инобатга оладилар.

Биринчидан, фоиз меъёри пасайса, карзга пул олиш кўпаяди, ишлаб чиқариш кенгайиб даромадлар ошали. Бу ўз-ўзидан пул миқдорини оширади. Икинчидан, фоиз камайганда бойликни банкда пул шаклидамас, акция, облигация шаклида саклаш қулай бўлади. Фоиз ошганда бойликни пул шаклида саклаш кучаяди, пулга талаб кенгаяди, пул ишлаб чиқаришга кам қўйилиб даромад камаяди, пулга талаб кискаради.

Хулоса килиб айтсак пул миқдори:

1. Ишлаб чиқариш ҳажмига.

2. Нархга.

3. Пул айланиш тезлигига боғлиkdir.

4. Инфляция ва унинг сабаблари. Инфляциянинг асосий турлари: судралувчи, югурувчи, гиперинфляция

Ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пул айланиши ўртасидаги мувозанат бузилса, инфляция юз беради.

Инфляция – муюмалада керагидан ортиқча пул пайдо бўлиши, нарх-наво ўсиши, пул кадр-қиймати пасайиши, пулнинг кадрсиз-

ланишидир. Инфляция нарх-наво индексининг ортишида, аникроғи қимматчилликда ифода этилади. Инфляциянинг сабаби иктисадиётга, аникроғи ишлаб чиқаришга боғлиқ. Шунинг учун инфляцияни иктисадий танглик билан бир вақтда юз берishi бежиз эмас. Ишлаб чиқариш сустлашиб, базор талабидан орқаца қолади, ишлаб чиқариш хамма ресурслардан фойдалансада, товар таклифлари нулини тўйдира олмайли, товарга чапқоқ пуллар ўз ташнагигини кондира олмайди. Бу пуллар шахсий истеъмол учун, ишлаб чиқариш истеъмоли учун ва давлат истеъмоли учун ажратилади, шунингдек, пул ташқаридан кириб, экспорт талабини оширади. Товарлар ва хизматларининг жами талабидан орқаца қолиши нархни ошириб, пул бирлиги қадрини туширади. Бу одатда ортиқча талаб чақирган инфляция деб юритилади.

Бинобарин, пул миқдори асосан ишлаб чиқариш ҳолатига боғлиқ экан, уни сунъий равишда кўпайтириш, яъни экспансиян пул сиёсатини юргизиш пул қадрини тушиб кетишига асосий сабаб бўлади. Бу ишга давлат катта ҳисса кўшади. Давлат ўз ҳаражатларини даромадлари билан қоплай олмайдиган шароитда бюджетда такчилик (дефицит) ҳосил бўлади. Буни давлат ортиқча эмиссия, яъни пул чиқариш ҳисобидан коплайди. Пул кўпайиб, талаб ошади, натижада инфляция келиб чиқади. Умумий нарх даражаси ўсиб, инфляция юз беради. Бунда таклиф инфляцияси пайдо бўлади. Унинг сабаби ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатларининг, яъни маҳсулот бирлигига кетган ҳаражатларининг ортишидир. Ҳаражатлар ошганда муайян нархда товар сотиш фойдани қискартиради, чунки улар тескари пропорционал ўзгаради.

Инфляция асосан уч хил бўлади.

1. Ўрмалоячи инфляция. Бунда нарх-наво секун, ўрмалаган ҳолда орта бошлайди, иктисадий ўсиш бўлиб туради, ишсизлик катта бўлмайди, инфляция суръатлари 2-3 % атрофида бўлади.
2. Сузиб юрувчи инфляция. Бунда нарх-наво тезрок (тез) ўса бошлайди, иктисадий ўсиш суръатлари сусайди, ишсизлик кўпая боради. Инфляция йилинга 8 -12 % атрофида бўлади.
3. Югурувчи инфляция ёки гипер инфляция. Бу ҳаддан ташқари инфляция, нарх-навони шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят гез пасайиши, пул топишга интилишининг энг наст даражага келиши билан характерланади. Гиперинфляция шароитида нарх-навони лутлақо тарғибиа солиб бўлмайди. Нархлар ойига 40-50% атрофида сади. Бу иктисадиёт учун жуда ҳалокатлидир. Инфляция аҳолининг урли қатламларига ҳар хил тасъир этади. Қатъий белгисанган аромад олувчилар нафака, пенсия, стипеншия, ижара ҳақи, хайрия ули эгаларининг, шунингдек, давлат бюджети молиялштирувчи

ташкылоптарда маош олувчиларға тегаңиган пулга нисбатан нарх - наво тез үсәди.

Агар уларнинг даромади нарх үсимиға қараб тўла индексация-лаштирилмаса, уларнинг турмуш даражаси пасайиб кетади. Айни пайтда ишлаб пул топувчилар турмушни пасаймасдан, ҳатто юксалиши ҳам мумкин. Айниқса, бу бизнесменларга хос. Нарх харажатга қараб ёки ундан тез үсса, фойда бир меъёрда колади ёки ортади. Янги талабгир товарлар чиқарувчи корхоналар ҳам ютқазмайди. Уларнинг товарининг нархи бошқаларнидан тезроқ үсади. Шунга қараб иш ҳақи ва фойда ҳам кўпаяди. Инфляция шароитида пул жамғармалари ҳам кадрсизланади, чунки уларнинг реал киймати, яъни уларга олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори камаяди.

Инфляция барча макроиқтисодий кўрсаткичларга, айниқса ишлаб чиқариш ва даромадларни ифода этувчи кўрсаткичларга кучли таъсири этади. Нархларни кўтарилишида миллий ишлаб чиқариш ва даромадларнинг номинал ҳажми амалда маҳсулот ва хизматларнинг хеч кандай қўшимча ишлаб чиқарилини бўлмаса ҳам үсib боради. Инфляция даражаси юкори бўлған мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми кисқариши билан бир вактда унинг номинал ҳажмини ортиб бориши каби вазият содир бўлиши мумкин. Йқти-садиётда даромадларнинг ишлаб чиқариш томонидан таъминланмаган үсими натижасида аҳоли қўлидаги пул таклиф килинаётган товар ва хизматлардан ортиқча бўлиб қолади. Пул бирлигини харид куввати тушиб кетади. Реал даромадлар камаяди.

Йқтисодий назария ва амалиётда уни ўлчашга катта эътибор берилали. Инфляция нарх-наво индексини ортишида ифода этилади. Инфляция унинг ҳар ойлик ва ҳар йиллик суръатлари билан ўлчанади. Бунинг учун нарх-наво индекси белгиланади, яъни маълум йилдаги нархлар 100 деб қабул қилинади ва кейинги йилдаги нархларни ўзгариши шунга нисбатан ўлчанади.

Нархларни доимий үсиши шароитида аҳоли ва корхона пулларга бўлган ишончини йўқотади ва ихтиёришаги мабланни тезроқ истеъмол ва инвестигация товарларига алмаштиришга харакат қиласади. Натижада инфляцияни үсиш суръатлари янаца жадаллашади.

5. Инфляцияни бартараф килиш йўллари

Инфляциянинг олдини олиш учун иккита йўналишдан фойдаланилади.

1. Ишлаб чиқариши ривожлантириш. Товарлар ва хизматлар кўп яратилса, ортиқча цулларнинг ташналиги кондирилиб нарх-наво,

бинобарин, пул қадри баркарорлагшади. Шу сабабдан ишлаб чикаришни рағбатлантириш мәксадида:

- ишлаб чикаришдан олинган фойда соликдан озод қилинади;
- ишлаб чикарувчига арzon кредит берилади;
- фирмалардан олинадиган даромад соликлари камайтирилади;
- экспорт – импорт бүйича имтиёзлар берилади;
Муомаладаги пул микдорини камайтириш мәксадида:
- пул даромадлари (иш ҳаки, нафака, пенсия) назорат қилиниб, уларнинг ўсишини тұхтатади;
- ортиқча пулни товар бозоридан чикариб, қайтариб қўйилганда депозитлар учун банк тўлайдиган фоиз оширилади;
- пул эмиссияси жиiddий чекланади ёки умуман тұхтатилади;
- марказлашган кредитлар беріш қатый чегараланади ва х.к.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Пул – бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар үчүн умумиј эквивалент вазифасини бажаради.

Пул массаси – муомалага чиқарилган металл танғалар ва қоғоз пулларнинг жами микдори. Хўжалик муомаласидаги пул воситаларининг умумий ҳажмига накд пуллардан ташқари банкларнинг жорий хисобидаги пул воситалари ҳам киради.

Пул айланиши- бу маҳсулот ва хизматларнинг фирмалар ва ўйхўжаликлари ўргасидаги ҳаракати демакдир, чунки улар иш жараённанда ишлаб чикаришдан истеъмол сари боради.

Актив пул айланиши- тўлов жараёнларида бевосита иштирок этатётган ҳаракатдаги пул массасидир.

Пул таклифи – жорий ҳисоблардати маблағлардан, банклардати омонатлардан, чеклардан ва аҳоли кўлидаги накд пуллардан ташкил топади.

Пулга талаб – хўжалик обороти учун керак бўлган пулга эҳтиёждир. Пулга талабни корхоналар, ташкилотлар, аҳоли ва давлат билдиради.

Пулнинг қиймати – пул бирлигининг ҳарид этиш қобилияти, яъни унга қанча товар ва хизматлар ҳарид этиш мумкинлиги тушунилади.

Бартер – товарларни товарга бевосита алмаштириш бўлиб, маълум келишилган нархни тақозо этсада, пул иштирокисиз юз беради Бартерда товар олишни уни сотишдан ажратиб бўлмайди.

Пул муомаласи – пулнинг хўжалик фаолиятидаги ҳаракати, товар пул муносабатлариининг ажралмас бир кисми, товар моумаласи пул муомаласини белгилаб беради.

Пул рентаси – ижарачининг ер участкасидан фойдаланганлиги учун унинг эгасига киймат (пул) шаклида тўланадиган рента, бозор иқтисодистига хос рента ҳисобланади. Пул рентаси тояар айирбошлаш киймат шакли майдонга чиқиши билан вужудга келган.

Пул қўйилмалари – ахоли, корхоналар ва ташкилотларнинг кредит муассасалари (банклар) да саклаш учун жойлаштирилган пул восьиталари ва қимматбаҳо қоюзлари (акциялар, облигациялар). Аксарият мамлакатларда булар депозитлар деб аталади.

Инфляция – муомалада керагидан оргикча пул пайдо бўлиши, нарх-наво ўсиши, пул кадр-қиймати пасайини, пулнинг қадрсизланишидир. Инфляция нарх-наво индексининг ортипида, аникроғи, қимматчиликда ифода этилади.

Ўрмаловчи инфляция- бунда нарх-наво секин, ўрмалаган ҳолда орта бошлайди, иқтисодий ўсиш бўлиб туради, ишсизлик катта бўлмайди, инфляция суръатлари 2-3% атрофида бўлади.

Сузиб юрувчи инфляция-бунда нарх-наво тезрок (тез) ўса бошлайди, иқтисодий ўсиш суръатлари сусайди, ишсизлик кўляя боради. Инфляция йилига 8-12% атрофида бўлади.

Ютурувчи инфляция ёки гипер инфляция-бу ҳаддан ташқари инфляция, нарх-навоши шиштади билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул тошишга интилишнинг энг паст даражага келиши билан характерланади.

Такрорлаш учун саволлар ва топширижлар

1. Пул бозори нима?
2. Пулга бўлган талабнинг микдорий ўлчами нима? Муомалацаги пул микдорига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Пул рентаси деб нимага айтилади?
4. Пул қўйилмалари деганда нимани тушунасиз?
5. Пул массаси мазмунини тушунтириб беринг.
6. Пул агрегатларига нималар киради?
7. Пул муомаласи конунини тушунтириб беринг.
8. Инфляция деганда нимани тушунасиз? Инфляциянинг турлари.
9. Инфляция даражасини ҳисоблашининг 70 қонуни деганда нимани тушунасиз?
10. Инфляцияни бартараф килиш йўллари нималардан иборат.

Адабиётлар:

- Каримов И. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. “Ўзбекистон”.1993.
- Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон». 1995.
- “Ўзбекистон Республикаси пул тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. 7-май 1993-й.
- Макконнел К. Р., Брю С.Л. Экономикс; принципў, проблемў и политика. В 2-х томах. Перевод с англ. 11-то изд. Том-1, Гл 12, 20. М. Республика, 1992.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалсизи Р. Экономика. Перевод с англ. со 2-го изд. Гл 21, 22, 26-29, 33-34. М “Дело ЛТД” 1993.
- Экономика ;Учебник (под. ред. доц. А.С. Булатова) Гл. 14, 16, 18, 19. М. Изд. “Бек”, 1995.
- М.Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. 13, 18-боблар. Тошкент. “Меҳнат”, 1995.
- Бекназов Н. ва бошқалар: Бозор иқтисодиёти назарияси. 8-мавзу. Тошкент. «Университет», 9, 11-мавзу. 1993.
- Жўраев Т., Жўраев А. Пул, капитал ва ҳазина мажбуриятлари бозори. Молия кредит- банк тизими ва давлатнинг солиқ сиёсаги Т. 1994.
- Финансў. Учебник. 1,2. М. “Финансў и статистика”, 1992.
- Абдуллаев Е., Коралиев Т. “Пул”. Т. 1996.
- Чжен В.А. “Пул ва молия бозори” 2-том. Т. 1996.
- Ҳакимова М. Макроиктисодиёт. Тошкент. «Меҳнат».1997. 10-боб.
- Умаров К. Ю. ва бошқалар. «Иқтисодиёт назариёси» -Т. «Университет», 2002.


ХХV БОБ. МОЛИЯ ВА МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ. ДАВЛАТ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ

1. Молия тизими ва Давлат бюджети.
2. Маҳаллий бюджет ва унинг аҳамияти.
3. Соликлар ва уларнинг турлари. Солик имтиёзлари.
4. Давлат заёмлари. Эмиссия. Бюджетдан ташқари молия фондлари.

1. Молия тизими ва давлат бюджети

Молия тизими деганда ялпи ижтимоий маҳсулотни таҳсимлаш ва қайта таҳсимлаш жараёнида пайдо бўладиган ва Давлат томонидан умуммамлакат вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган пул маблағларининг мажмуаси тушунилади. У асосан уч бўгиндан иборат (1-чизма).

1-чизма



Давлат бюджети деганда умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштироқида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслар тушунилади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иктисадиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги вазифаларни ҳал қилишdir.

Давлат бюджетининг даромад ва харажат кисмларининг таркиби куйидагичадир (1-жадвал).

Хар бир давлат бюджетининг даромад қисми билан харажат қисмининг teng бўлишини таъминлашга ҳаракат қиласди. Аммо амалда ҳар доим харажат даромадга нисбатан кўпроқ бўлади. Натижада бюджет тақчилиги ҳосил бўлади. Унинг пайдо бўлиши кагор сабабларга боғлик:

- ишлаб чиқаринининг пасайинши;
- социал дастурларга кўзланган харажатлардан кўпроқ сарфлаб кўйиш;

- мудофаага ҳаражатнинг ошиб кетиши;
- кўланкали (пинҳоний) иқтисодиётнинг ўсиши.

Буларнинг энг хатарлisisи ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан пинҳоний иқтисодиётнинг авж олишиидир. Чунки бундай ҳолат давлат бюджетига солик тушишини кескин камайтиради.

I-жадвал Давлат бюджетининг таркиби

Даромадлар	Харажатлар
Тўридан-тўғри соликлар:	Халқ хўжалигига
• даромад солиги;	Давлат капитал маблағлари
• аҳолидан олинацияиган давлат соликлари.	Ижтимоий-маданий тадбирларга
• билвосита (эгри) соликлар:	Аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш чора-тадбирлари ҳаражатлари
• қўшимча қиймат солиги;	Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини саклаб туришга сарфланадиган ҳаражатлар
• акцизлар;	
• божхона божи.	
Захира тўловлари.	

Аммо бюджетдаги ҳар қандай тақчилликни хатарли деб бўлмайди. Агар тақчиллик ҳажми ялпи ички маҳсулот кийматининг 3-5 фоизига тенг бўлиб, ундан ошиб кетмаса, бу иқтисодиёт учун пормал ҳол хисобланади. 1997 йил Ўзбекистон давлат бюджетида бу тақчиллик даражаси 5 фоизга режалаштирилган. Хаттоқи тараққий этган давлатлар бюджетида ҳам тақчиллик даражаси 10 фоиздан 30 фоизгача бўлиши мумкин.

Бюджет тақчиллигининг хатарли ёки хатарли эмаслиги ундан ҳаражатларнинг қайси йўналишларга сарфлансанлигига боелик. Агар ҳаражатлар иқтисодиётдаги устувор йўналишиларни ривожлантиришга сарфланган бўлса, у ҳолда бу ҳаражатлар фойдаси билан қайтаци. Агар аксинча бўлса, яъни ҳаражатлар норентабел соҳаларни кўллаб-куватлаш учун субсидияларга ажратилса, бундай ҳол бюджет тақчиллигининг кескинлашувига ва инфляцион жараёнларнинг кучайшига олиб келади.

Бюджет тақчиллигини қоплаш учун давлат:

- Марказий банк кредитларидан;
- давлат облигацияларини аҳолига сотишдан фойдаланади.

Натижада давлат қарзи юзага келади. Қарз эса ўз вактида гўлов билан қадрлилар. Акс ҳолда давлат қарзи оша бориб, давлат банкротга учраши ҳеч гап эмас. Бундай ҳол давлатниңг кейинги автолот тақдири тўйрисида ғамхўрлик қышмаслигидан далолат беради. Чупки бу қарзларни тўлаш ўшалар зиммасига тушади. Шунинг учун “Бюджет муганосиблигини кучайтириш мақсадида солиқ сийёсатини такомиллаштириш билан бир қаторда корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тўлов оборотини бир меъёрга келтириш, тўламасликининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг салбий оқибатларини тутатиш катта аҳамиятга эга”¹.

2. Маҳаллий бюджет ва унинг аҳамияти

Маҳаллий молия негизини маҳаллий бюджет ташкил этади. У маҳаллий ҳокимият тасарруфида бўлган хўжалик субъектларининг даромад ва харажатларини ўз ичига олади. Одатча маҳаллий бюджет давлат бюджетининг ажраимас қисми бўлса-да, у нисбатан мустақиллар. Маҳаллий бюджетининг умумий молия тизимидағи салмоғи 30 фойздан 60 фойзгача бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ, Германия ва Японияда 50-60 фойзни. Англия, Францияда эса 30 фойздан кўпргонини ташкил қиласди.

- ◆ Кўп мамлакатларда маҳаллий транспорт, сув ва газ таъминоти, мактаб, шифохона ва ўй-жой Курилиши шаҳарларни таъминлаш, коммунал хўжалик, милиция ва ҳоказолар маҳаллий бюджетдан маблаг билан таъминланади. Маҳаллий районлар, шаҳарлар ва вилоятлар бюджети даромадлари куйидаги маблаглардан ҳосил бўлади:
- маҳаллий ҳокимият тасарруфидаги корхоналар фойдасидан ажратилган маблаглар;
- соликлар:
 - жисмоний шахсларнинг мулк солиги;
 - ер солиги;
 - дам олиш масканлари ҳудудларида ишлаб чиқариш объектларини қуриш учун олинадиган солик;
 - реклама солиги;
 - транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солик;
 - курорт йигими;
 - савдо ҳукуки йигими;
 - вино-ароқ маҳсулотлари билан савдо кишиш ҳукукини берадиган лицензия йигими;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. -Т., “Ўзбекистон”, 1995. 209-бет.

- маҳаллий аукционлар ва лотереялар ўтказиш хукукини берадиган лицензия йигими;
- тадбиркорлик билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатта олии (герб) йигими;
- давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия ва субвенциялар;
- маҳаллий заёмларни чиқаришдан тушган даромадлар.

Маҳаллий бюджетнинг даромад кисми одатда маҳаллий эҳтиёжни тўла қондиришга қодир эмас. Чунки уларнииг фаолияти нафакат маҳаллий аҳамиятга молик бўлган ишлар, шу билан бирга, умумдавлат дастурларини бажариш билан ҳам боғлиқ. Шу сабабли давлат марказий бюджетдан уларга субсидия ва субвенция кўринишида молиявий ёрдам кўрсатади. Бу ёрдам маҳаллий бюджет даромад кисмининг 20 фоизидан 40 фоизигача бўлиши мумкин.

Субсидия ҳам, субвенция ҳам маҳаллий бюджетга давлат томонидан дотация кўринишидаги молиявий ёрдамдир.

Дотация – бу иктисадиётга бюджет орқали таъсири этиши восита-ларидан бири бўлиб, қайтариб бермаслик шарти билан маблаг ажратилишидир. Фаолияти умумдавлат аҳамиятига молик, лекин ўз даромади билан харажатларини қоплай олмайдиган қорхона на ташкилотларга давлат дотация билан мадад беради.

Субсидия – бу умумий дотация бўлиб, у маҳаллий бюджетларга давлат бюджетидан ажратилади. Уни ишлатиш маҳаллий ҳокимият ихтиёрида бўлиб, марказ унга арашашмайди.

Субвенция – бу мақсадли дотация бўлиб, у маҳаллий бюджетларга давлат бюджетидан ажратилади. Уни мўлжалланган мақсад учун сарфлаш мажбурий ва буни давлат назорат қиласи. Агар субвенция бошқа мақсадда ишлатилган бўлса, у қайтариб олинади.

Маҳаллий бюджет харажатлари қўйидагича сарфланади:

- ◆ маҳаллий инфраструктурани ривожлантиришга;
- ◆ маҳаллий худудни ободонлаштиришга;
- ◆ маҳаллий аҳамиятга эга бўлгани илмий-техник ишларга;
- ◆ соглиқни сақлаш ва жисмоний тарбияга;
- ◆ маҳаллий ҳокимиятни бошқаришга;
- ◆ кам таъминланган оиласалар, карияларга моддий ёрдамга;
- ◆ озик-овқат маҳсулотларига кўйилган чакана нархларнинг дотациялар кисмини коплашта;
- ◆ маҳаллий худудда ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга;
- ◆ захира фонdlарини ташкил килиш ва бошқалар.

Бозор иктисадиёти шароитида маҳаллий бюджетнинг ўсиш суръати давлат бюджетининг ўсишига нисбатан илгарилаб бориши кузатилади. Бу ўз навбатида маҳаллий ҳокимият ролининг ошиб боришидан далолат беради.

3. Соликлар ва уларнинг турлари. Солик имтиёзлари

Давлат молияси даромадлар ва харажатларнинг яхлитлигидан иборат. Давлат даромадлари-бу миллий даромадни ва бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг давлатга теккан қисмидир. У бевосита давлат иктиёридаги ва давлат корхоналари кўлидаги даромаддан иборат бўлади. Давлат даромадлари ички ва ташки манбалардан тушади, аммо асосийси ички манбадир. Ички манбанинг уч шакли мавжуд: соликлар, замъяр ва эмиссия.

Соликлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат иктиёрига олиш шаклидир. Солик бюджет ва бюджетдан ташқари пул фоизларини ташкил этипнинг асосий воситаси ҳисобланади. Соликлар уч хил функцияни бажаради: фискалъ, яъни давлат бюджетига муқим равишда пул тушириб туриш; хўжалик фаолиятини *рагбатлантириш*; аҳоли айрим тоифаларини *социал ҳимоя қилиш*. Соликлар молия таркибида кичик бир тизимни ташкил этади. Солик бу иктисадий субъектлар ўртасидаги, аниқроғи, солик уйдирувчи ва солик тўловчилар ўртасидаги муносабатдир. Амалда бу субъектлар солик инспекцияси, корхона, фирма, компания, ташкилот ва айрим фукаролардан иборат. Уларнинг алоқаси даромаднинг бир қисмини давлат иктиёрига олиш ҳусусида юз беради. Солик обьекти солик солинадиган даромад, мол-мулк ёки иктисадий фаолият бўлади. Унга фойда, экспорт суммаси, иш ҳаки, қўшилган киймат, ер, иморат, транспорт воситаси кабилар киради. Ундирилган солик суммасининг солик обьектига нисбатан ҳажми солик меъёри деб юритилади. Солик меъёри даромад суммаси, мол-мулк киймати ёки унинг моддий микдорига қараб белгиланади. Масалан, даромад солиги унинг маълум улушига тенг бўллади (5%, 10%, 15% ва х.к.). Солик меъёри олдиндан катъий, яъни ўзгармас микдорда ёки прогрессив, яъни солик обьекти микдорига қараб ортиб боруучи шаклларда белгизанди.

Молия солик имтиёзларини ҳам ўз ичига олади, унга соликдан озод этиш, солик микдорини камайтириш, солик тўлаш шартини енгиллаштириш кабилар киради. Солик имтиёзлари унинг рағбатлантириш функциясини кучайтиришга қаратилади. Солик тўлаш хўжалик субъекти билан давлат ўртасидаги иктисадий алоқанинг асосий шакли, даромаднинг хўжалик субъекти билан давлат ўртасида тақсимлаш воситаси ҳисобланади. Соликлар молия ресурслари микдорига таъсир этади. Агар давлатнинг молия ресурсларини оширишга зарурияти бўлса, соликлар қўпайтирилари ва аксингча, корхона, ташкилотларнинг фаолигини ошириш керак бўлса, солик имтиёзлари берилади. Шу сабабдан, соликларнинг миллий даромаддаги ҳиссаси ўзгариб туради. Соликлар хилма-хил бўлади. Масалан,

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қуйидаги асосий соликлар киритилган: қўшилган қийматдан олинадиган солик, акциз солиги, экспорт ва импорт солиги, Республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солик, жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнат ҳаки фондидан олинадиган солик, корхонанинг мол-мулкига солинадиган солик, аҳолидан олинадиган даромад солиги ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Соликлар тўғрисидаги конун 1991 йил 14 июнда қабул қилинди. Унда солик тизими ҳар кандай давлатда давлат бюджетининг кирим қисмини тўлдирувчи бош манба бўлиб ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари солик маблагъларининг бир ерга тўплаш жараёнида иқтисодий кизиктириш, ҳимоя қилиш вазифаларини ҳам бажарилиши тъқидланади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганлариdek “Солик тизмининг энг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулқдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир”¹.

Энди Ўзбекистон Республикаси Солик Кўмитасининг 1995 йил 10 мартағи қарорига асосан 1995 йилда даромад солигини ҳисобкитоб қилишнинг айrim намунашарини келтирамиз.

I. Январдаги иш ҳаки – 600 сўм.

Январь учун солик солинмайдиган минимум – 100 сўм.

Январь учун минимал иш ҳаки – 100 сўм.

Январдаги солик ставкалари

Йил бошида солик солинмайдиган даромад микдори (солик солинмайдиган минимум чегириб ташланади 100 с.)	Солик суммаси
(2x100)=200 сўмгача	даромад сўммасидан 15 фоиз
201 сўмдан (5x100)=500 с. гача	30+200 сўмдан ошадиган сумманинг 25 фоизи
501 сўмдан (10x100)=1000 сўмгача	105+500 сўмдан ошадиган сумманинг 35 фоизи
1001 сўм ва ундан юқори	280+1000 сўмдан ошадиган сумманинг 40 фоизи

Январь ойидаги иш ҳақидан даромад солиги қуйидаги тартибда ушланади: 600 (иш ҳаки) – 100 (солик солинмайдиган минимум) =

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий исходотларни чукурлаштириш йўлида. -Т., “Ўзбекистон”, 1995. 205-бет.

500 сүм (солиқ солинадиган даромад) = $200 \times 15\% + 300 \times 25\% + 105$ сүм (солиқ суммаси). Февралдаги иш ҳаки – 650 сүм.

Январь-февралдаги солиқ солинмайдиган минимум – 200 сүм (100+100).

Январь-февралдаги минимал иш ҳаки – 200 сүм (100+100).

Февралдати солиқ ставкалари.

Йил бошида солиқ солинмайдиган даромад мөкдори (солиқ солинмайдиган минимум чегириб ташланади. 200 с.)	Солиқ суммаси
(2x200)=400 сүмгача	даромад суммасидан 15 фоиз
401 сүмдан (5x200)=1000 сүмгача	60+400 сүмдан ошадиган сумманинг 25 фоизи
1001 сүмдан (10x200)=2000 сүм	210+1000 сүмдан ошадиган сумманинг 25 фоизи
2001 сүм ва ундан юкори	560+2000 сүмдан ошадиган сумманинг 40 фоизи

Февраль ойидаги иш ҳакидан даромад солиги күйидати тартибда ушланади: 1250 (йил бошида жами даромад 600+650) – 200 (январь-февралдаги солиқ солинмайдиган минимум) = 1050 (солиқ солинадиган даромад) = $400 \times 15\% + 600 \times 25\% + 600 \cdot 50 \times 35\% = 227$ сүм 50 тийин (йил бошидан жами даромад солиги суммаси)-105 (илгари ушланган солиқ суммаси) = 122 сүм 50 тийин (февралдаги иш ҳакидан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси).

I. Мартдаги иш ҳаки – 850 сүм

Январь-март учун солиқ солинмайдиган минимум – 500 сүм
(100+100+300)

Январь-мартдаги минимал иш ҳаки – 350 сүм (100+100+150).

Мартдаги солиқ ставкалари

Йил бошида солиқ солинмайдиган даромад мөкдори (солиқ солинмайдиган минимум чегириб ташланади 500 с.)	Солиқ суммаси
(2x350)-700 сүм	даромад суммасидан 15 фоиз
701 сүмдан (5x350)=1750 сүмгача	105+700 сүмдан ошадиган сумманинг 25 фоизи
1751 сүмдан (10x350)=3500 сүмгача	367,5+1750 сүмдан ошадиган сумманинг 35 фоизи
3501 сүм ва ундан юкори	980+3500 сүмдан ошадиган сумманинг 40 фоизи

Март ойидаги иш ҳақидаң даромад солиғи қўйидаги тартибда ушланади: 2100 (ийл бошидан жами даромад $600 + 650 + 850 = 2100$) - 500 (январь-март учун солик солинмайдиган минимум) = 1600 (солик солиниадиган даромад) = $700 \times 15\% + 900 \times 25\% = 330$ (ийл бошидан жами даромаддан олиниадиган солик суммаси) - 257 сўм 50 тийин (илгари ушланган солик суммаси) = 102 сўм 50 тийин (мартдаги иш ҳақидаң ушланиши лозим бўлган солик суммаси).

4. Давлат заёmlари. Эмиссия. Бюджетдан ташқари молия фондлари

Давлат заёmlари давлатнинг аҳоли, корхона, фирма ва ташкилотлардан қарз олиши ҳисобига ўз молия ресурсини ҳосил этиши воситасидир. Давлат харажати царомацидан ошиб кетган шароитда орадаги камомад заём билан тўлдирилади. Давлат марказий ва маҳаллий заёmlар чикариб, уларни сотади ва заём ҳисобидан фоиз, яъни қарз ҳаки тўлашни зиммасига олади. Заёmlар муддати келгач, давлат уни қайта сотиб олади ёки янги заёmlарга алмаштиради.

Эмиссия давлат томонидан қўшимча қофоз пулларни чиқариш ва қўшимча кредитни ўюштиришир. Шу сабабли пул ва кредит эмиссияси мавжуд бўлади. Давлат соликлар ва заёmlар ҳисобидаң ўз харажатларини қоплай олмаган шароитда эмиссияга кўл уради. Заёmlарни сотиб туриш кулай усул, аммо заёmlар ўтмай қолиб, молиявий аҳвол таанглашиши мумкин. Шунда эмиссия нажот йўли деб каралади, аммо у инфляцияни чукурлаштирувчи омил ҳисобланади.

Юкорида айтилган тушумлардан ташқари давлат сотиб олган акциядан келган дивиденц, давлат пулини банкка қўйишидан тушган фоиз, давлат мол-мулкидан келган ижара ҳаки, давлат мол-мулкини сотипдан келган пул кабилар ҳам молия ресурсига киради. Даромадлар давлат харажатларини қоплаш манбаи ҳисобланади.

Давлатпинг харажатлари давлат ихтиёридаги молия ресурсларини давлат фаолияти билан боғлик эҳтиёжларни қоидириш учун сарфланишини билдиради.

Бюджетдан ташқари молия фондлари ҳам макромолия таркибиға киради. Иктиносиди ва социал таракқиёт ўта марказлагашмаган ва давлат томонидан қатъий чегараланмаган шароитда қайта таҳсимилаши осон бўлган, аммо макродаражада (умумжамият ёки худудий даражада) ишлатилувчи молия фондлари талаб килинади. Бу бюджетдан ташқари фондлар бўлиб, улар маълум мақсад учун, лекин мустақил ишлатилади. МДХ мамлакатларида бу фондга социал сугурталаш фонди, пенсия фонди, давлатнинг аҳолини иш билан таъминлаш фондлари киради. Бошқа мамлакатларда йўл қурилиш фонди, табиатни муҳофаза килиш фонди, тарихий ёдгорликларни

сақлаш фонди, фермерларга күмак бериш фонди, корхоналарга молиявий ёрдам (санация) фонди, инновация фонди ва бошқалар мавжуд. Бу фонdlар айrim дастурларни амалга ошириш учун маҳсус таипил этилади.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Молия тизими – ялпи ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида пайдо бўладиган ва давлат томонидан умуммамлакат вазифаларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган пул маблағларининг мажмуасидир.

Давлат бюджети – умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслардир.

Маҳаллий бюджет – маҳаллий ҳокимият тасарруфида бўлган хўжалик субъектларининг даромад ва ҳаражатларини ўз ичига олади. Одатда маҳаллий бюджет давлат бюджетининг ажралмас кисми бўлса-да, у нисбатан мустакилдир.

Дотация – бу иқтисодиётга бюджет орқали таъсир этиш восьиталаридан бири бўлиб, қайтариб бермаслик шарти билан маблағ ажратишdir.

Субсидия – бу умумий дотация бўлиб, у маҳаллий бюджетларга давлат бюджетидан ажрагилади.

Субвенция – бу мақсадли дотация бўлиб, у маҳаллий бюджетларга давлат бюджетидан ажратилади. Уни мўлжалланган мақсад учун сарфлаш мажбурий ва буни давлат назорат килади. Агар субвенция бошка мақсадда ишлатилган бўлса, у қайтариб олинади.

Давлат молияси - даромадлар ва ҳаражатларнинг яхлитлигидан иборат.

Давлат даромадлари – бу миллий даромадни ва бойлики тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг давлатга теккан кисмидир.

Соликлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солик бюджет ва бюджетдан ташқари пул фонdlарини ташкил этишнинг асосий восьитаси ҳисобланади.

Солик меъёри-ундирилган солик суммасининг солик обьектига нисбатан ҳажмидир. Солик меъёри даромад суммаси, мол-мулк қиймати ёки унинг моддий миқдорига қараб белгиланади.

Солик имтиёзлари-соликдан озод этиш, солик миқдорини камайтириш, солик тўлаш шартини сингиллаштириш кабилардир.

Давлат заёмлари – давлатнинг ахоли, корхона, фирма ва ташикотлардан қарз олиши ҳисобига ўз молия ресурсини ҳосил этиши восьитасидир.

Эмиссия – давлат томонидан кўшимча қоғоз пулларни чиқариш ва кўшимча кредитни ўюштиришдир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Молия тизими деганда нимани тушунасиз? Молия тизими бўғинлари нималардан иборат?
2. Давлат бюджетининг даромад ва харажатларининг таркиби нималардан иборат бўлади?
3. Бюджет тақчиллиги нима ва уни коплашнинг қандай йўллари мавжуд?
4. Маҳаллий бюджетининг даромадлари асосан нималарга сарф этилди?
5. Субсидия билан субвенциянинг фарки нимада?
6. Солик меъёри пима ва у қандай белгиланади?
7. Солик имтиёzlари кимларга нисбатан қўлланилади?
8. Давлат заёмлари асосан нима учун чиқарилади?
9. Эмиссия нима ва уни ким амалга оширади?
10. Бюджетдан ташқари молия фондларига нималар киради?

Адабиётлар:

- Каримов И. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. «Ўзбекистон». 1993.
- Каримов И. Ўзбекистон иктисадий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон». 1995.
- Банклар ва банк фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. 15 февраль, 1991.
- Кимматбаҳо қоғозлар бозори тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конуни. З сентябрь. 1993.
- Макконнел К. Р., Брю С.Л. Экономикс; принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Перевод с англ. 11-го изд. Том-1, Гл. 12, 20. М. «Республика», 1992.
- Фишер С., Дорибуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Перевод с англ. со 2-го изд. Гл. 21, 22, 26-29, 33-34. М., «Дело ЛТД», 1993.
- Экономика; Учебник (под. ред. доц. А.С. Булатова) Гл. 14, 16, 18, 19. М. Изд. «Бек», 1995.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иктисадиёт назарияси 13, 18. боблар. Тошкент. «Меҳнат», 1995.

- Бекнозов Н. ва бошқалар. Бозор иктисодиёти назарияси. 8-мавзу. Тошкент. Университет. 9, 11-мавзу. 1993.
- Финансы. Учебник. Гл. 1,2. М. “Финансы и статистика”, 1992.
- Экономическая теория. Курakov Л.П. Учебное пособие. М., “Пресс- сервис”, 1998.
- Основы экономических знаний. Куликов Л.М. Москва “ Финансы и статистика”.1998.
- На линии связи “ Алокабанк” Рынок, деньги и кредит. 1998. №12, 14. Иностранные банки; путь к сотрудничеству. Рынок, деньги и кредит. 1998. № 12.
- Тихонова Е. Всемирная поддержка Всемирного банка. Рынок, деньги и кредит. 1999. № 3.
- “Галлабанк”; способствовать достижению зерновой независимости. Рынок, деньги и кредит. 1999. №5.

XXVI БОБ. КРЕДИТ ВА БАНК ТИЗИМИ

1. Кредит ссуда фондининг ҳаракат шакли сифатида. Кредитнинг моҳияти ва вазифалари.
2. Кредитнинг асосий шакллари: тижорат, банк, давлат, истеъмолчи ва ҳалқаро кредитлар, уларнинг хусусиятлари.
3. Фоиз, унинг мидори ва турлари. Фоиз меъёрига таъсир қўрса-түвчи омиллар.
4. Банкларнинг роли ва шакллари. Банк тизими. Банкларниң кре-дитлаш ва эмиссия фаолияти.
5. Ўзбекистонда янги кредит тизими ва унинг ривожланиши.

1. Кредит ссуда фондининг ҳаракат шакли сифатида. Кредитнинг моҳияти ва вазифалари

Кредит деганда ўз эгалари қўлида вактинча бўш турган пул маб-лагларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳак тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққал муносабатлар тушунилади. Қарзга берилган пул ссуда дейилади. Кредитлар шахсий истеъмол учун ва тадбиркорлик билан шугул-ланиш учун олинади. Даромад олиш учун ишлатилса, ссуда кани-талига айланади.

Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи; иккинчиси пулга муҳтоҷ, яъни қарз олувчи. Кредит товар ва пул қўринишидаги маблағларни:

- қайтариб беришлик,
- муддатлилик,
- фоиз тўлаш шартлари асосида бериш натижасида юзага келади.

Яна шуни айтиш керакки, кредит пунни маълум шартларга риоя этган ҳолда қарзга бериш ва уни қарзга олиб ишлатишни билдиради. Кредит субъектлари ҳар хил бўлиши мумкин. Буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли киради.

Кредит обьекти – бу ҳар қандай пул эмас, балки фақат вактинча бўш турган, берилиши мумкин бўлған пуллар ва товарлар-дир. Жамгарилган пул маблағлари уларнинг эгалари томонидан сарфланунча вактинча бўш туради. Ана шу ҳол кредит муноса-батларини юзага келтириш учун имконият яратади. Чунки бир корхоналарда маблағ вактинча бекор турганида, бошқа корхона-ларда кўшимча маблағларга эҳтиёж бўлиши мумкин. Корхоналар, ташкилотлар ва аҳолини аксарият кисмининг муайян вақт бўш бўл-ган пул маблағлари банкларда тўғланади ва унга муҳтоҷ бўлган иш юритувчиларга ссудага берилади. Иш юритувчи ссуда олгач, ундан фойдаланганда капитал алоқида турдаги товарга айланади. Буни

ссуда капитали деб юритамиз. Ссуда капитали маълум муддат мобайнида фойдаланганлиги учун ҳак фоиз тўлаб қайтариш шарти билан қарзга берилган пул маблағиши. Ссуда жуда кўхна ҳодисадир. Натурал ишлаб чиқариш ҳукмрон бўлган даврда у асосан моддий маҳсулот тарзида берилган, пул пайдо бўлгач, асосан унинг пул шакли кенг қўлланила бошлаган. Тарихан ссуда берувчилар ва уни олувчилар ҳар хил синф ва ижтимоий тоифаларга мансуб бўлганилар, уларнинг таркиби жамоалар, жамоа аъзолари, кулдорлар, феодаллар, косиблар, деҳқонлар, помешчиклар, савдогарлар, ёлланма ишчилардан иборат бўлган.

Қадимдан ссуда беришни айрим кулдорлар ўзлари судхўрлик кўринишида амалга оширганилар. Капитализм ривожланиши билан ссуда пули ссуда капитали шаклини олди ва капитал сифатида ишлатила бошланди.

Бозор иктисадиётига ўтиш муносабати билан ўлкамизда корхона ва гашкилотлар, шунингдек, фукаролар ҳам хусусий соҳибкорлик билан шугулланиш учун банклардан ссуда олиб юритишлари мумкин бўлади.

Бўш пул уч хил бўлади:

- ◆ тадбиркорлар ёки катта пулдорлар кўлидаги пул, яъни пул капитали;
- ◆ аҳоли кўлидаги пул эртами-кеч эҳтиёжни кондириш учун тўплланган пул, эгаси кўлида капитал эмас, балки истеъмолни кондириш воситаси;
- ◆ давлат ихтиёридаги пул. Бу пул ҳам капитал (давлат корхонаси учун), ҳам умумий истеъмол пулидир.

Қайд этилган бўш пуллар ссуда фондини (қарз фондини) ташкил этади ва унинг юзага келиши объектив тарзда муқаррардир. Бўш пуллар кўйидаги манбалардан келиб чиқади:

- ◆ амортизация пулининг унинг муддати тутагунга қадар тўпланиб бориши. Амортизация пули ҳар йили ажратилади ва у бир неча йилдан кейин ишлатилиши сабабли маълум давр бўш туради;
- ◆ ишлаб чиқаришни ўстириш учун фойсадан инвестиция пули муқим ажратиб борилади, лекин бу пул маълум микдорда йигилгандан сўнг инвестиция қилиш мумкин;
- ◆ ҳом ашё, ёқилиги ва материаллар учун олдин сарфланган пул, товар сотилиши билан эгасига кайтиб келади, лекин уларни янгидан сотиб олиш шу вақтнинг ўзида юз бермайди. Аммо бу маблағлар дастлаб жорий ҳисоб рақамига келиб тушади. Бу ресурслар депозит килиб расмийлаштирилгандан кейингина кредит ресурслари сифатида ҳисобга олинади;

- ◆ фойдадан ажратилған социал фондлар пулининг келиб тушиш вақти билан ишлатиш вақти ҳам түгри келмайди, натижада пул бўйл қолади;
- ◆ иш ҳаки пунининг келиб тушиши ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди. Маълумки, товар сотилигач, пул тушиб тураверади, иш ҳаки ҳар куни эмас, ҳар 15 кундан сўнг берилади. Натижада иш ҳаки фонддининг пули ҳам бўш туриши мумкин;
- ◆ фуқароларниң истеъмолчи сифатида қариликни таъминлаш, қимматбахо товар олиш, саёҳат қилиш ёки кайта маросим ўтказиш учун жамланган пули бўлади, у етарли микдорга боргунча ёки ишлатиш фурсати келгунча бўш туради;
- ◆ давлат бюджетига пул даромадларининг келиб гушиши ва уларнинг сарфланиши ҳам бир вақтда юз бермайди;
- ◆ турли-туман хайр-эҳсон ва сугурта пулларининг ҳосил бўлиши ва ишлатилиши ҳам турли вақтларда юз берганидан, унинг бир кисми сарфланмай, бўш турив қолади.

Хулас, жамиятдаги пул ресурслари ҳаракатининг потекис бўлиши, бир кисм пулниң бўш колиб, қарз фондига айланishi учун имкон беради.

Кредитнинг вазифалари:

Кредит тўрг хил вазифани адо этади.

Биринчидан, пулга тенглаптирилган тўлов воситаюнин (масалан, вексел, чек, сертификат ва х.к.) юзага чиқариб, уларни хўжалик оборотига жалб қиласди.

Иккинчидан, у бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни топади деган қондани амалга оширади.

Учинчидан, қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлашади.

Тўртинчидан, қарз бериши, қарзни ундириш воситалари орқали иктисодий ўсишини раббатлантиради.

Кредит ва ундан фойдаланиш натижасида турли натижаларга эришилади. Бу натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий натижалар деганда кредитдан самараали фойдаланиш натижасида қўлга киритилган ютуклар тушунилади. Масалан, Андижоннинг Асака шаҳрида асосан банк кредити ҳисобидан курилаётган янги автомобиль заводи Республикасининг сингил автомобильларга бўлган эҳтиёжини маълум даражада қонцирса ва жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаиласа, бу кредитнинг ижобий роли ҳисобланади.

Кредитнинг салбий роли асосан куйидаги икки ҳолатда намоён бўлади:

- Кредит халқ ҳўжалигига турли йўллар билан асоссиз равишда кўп берилса ва оқибатда пул массаси кўпайиб, милий пул қадрсизланса;
 - агар олинган халқаро кредитлардан самарали фойдаланилмаса ва мамлакат ўзининг болқа даромад манбалари, масалан, олтинини сотиш хисобидан кредитни қайтарса.
- Кредитнинг принциплари қуйидагилардир:**

1. Қайтариб бериш шартлиги;
2. Маълум муддатга беришлиги;
3. Ҳак тўлаш шартлиги.
4. Гаронга бирон нарса қўйиш.

2. Кредитнинг асосий шакллари: тижорат, банк, давлат, истеъмолчи ва халқаро кредитлар, уларнинг хусусиятлари

Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муюмалага киришади. Иккинчи ҳолда улар алоқаси воситачилар орқали юз беради. Шунга қараб кредитнинг қуйидаги асосий шакллари келиб чиқади:

1. Тижорат кредити.
2. Банк кредити.
3. Истеъмолчи кредити.
4. Давлат кредити.
5. Халқаро кредит.

Тижорат кредити – бу сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида берадиган кредитидир. Бунда товарлар маълум муддатда пулини тўлаш шарти билан насияга берилади. Тижорат кредитини насияга олувчи унинг эгасига вексел (карзнинг мажбуриятномаси)ни беради.

Банк кредити- Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти” тўғрисидаги қонунида “Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва муддатлилик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банкдир” деб қайд этилган.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари пулни унинг соҳибларига фоиз тўлаш шарти билан ўз қўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз оладилар. Бунда уч субъект:

- Пул эгаси.
- Кредит ташкилоти.
- Қарз олувчининг кредит алоқаси пайдо бўлади.

Воситачилар орасида тижорат банклари марказий бўғин хисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти”

тўғрисидаги қонунига кўра тижорат банклари акцияли, пай асосида ташкил тоғсан ва хусусий банклар бўладики, улар “кредит ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизматини кўрсатадилар“. Тижорат банклари бозор иқтисодиётининг таяничири.

Банклар қарзни ишончли, пулни самарали ишлатишга кодир хўжалик субъектларига қарз берадилар. Улар ўз навбатида бу пулни инвестиция учун сарфлаб, иқтисодиётни ўстиришга эришасилар. Банк ишончли мижозларни таълаган ҳолда қарзни уларниг молмулки ёхуд бошка бойлиги гаровга кўйилган шароитда беради. Масалан, банк фермерга 15000 доллар қарз берса, унинг гаровга кўйилган мулки киймати шу йигиндидан кам бўлмайди.

Истеъмолчи кредити – Тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмаларга қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз берали. Бунииг итижасида истеъмолчи кредити пайдо бўлади. Масалан, АҚШ да банклар истеъмолчиларга кредит карточкалари беради, уларга нархи 2500 долларга қадар товарлар харид этилади, харид тулии банклар магазинлар берган счетта қараб тўланади. Бундай кредит ғоят имтиёзли бўлади, унинг фоизи бошқача қарз фоизидан кам бўлади, ҳатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин.

Искеъмолчи кредити аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. У товар ва пул шаклида бўлиши мумкин. Хусусан, якка тартибда ўй-жой қуриш мақсадларида бериладиган узок муддатли кредитлар – пул шаклидаги истеъмолчи кредитлари-дир.

Давлат кредити- банклар давлатга ҳам қарз беради, шу билан бирга ундан қарз ҳам олади. Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Қарз ва унинг фоизи бюджет ҳисобидаи қайтарилади. Давлат кредити шароитида қарз берувчилар камдан-кам ҳолларда банклар бўлади, кўпинча бу вазифани аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлар ўтайди.

Давлат қарзни турли шаклда энг анваи давлат заёмиари (заём русча қарз демакдир) шаклида олади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вакти келганда қайтариб олиш ва фоиз тўлашини кафолатлайди. Заёмиарни марказий ва маҳаллий ҳокимиётлар чиқаради. Заёmlар қарз ҳаки тўлаш жихатидан фоиз тўланадиган, ютуқ чиқадиган, ҳам ютуқ, ҳам фоиз бериладиган ва баъзан фоизсиз ҳам бўлади.

Кредит муносабатларида давлат факат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобига банкда қарз фондини ташкил этади, ҳазинадан қарз ҳам беради. Ҳазина қарзи давлат бюджетидан корхона, фирма ва ташкилотларга уларниг молиявий санацияси (согломлаштирилиши) учун сарфланади. Мазкур қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб

бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Аммо фоиз ғоят имтиёзли бўлади ва даромад олишни кўзламайди. Давлат ўз карзидан воз қечиши ҳам мумкин.

Халқаро кредит – бу ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракати товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб беринглик, муддатлилик ва ҳак тўлашлик асосида бериш билан боғлиkdir.

Халқаро кредит муносабатларида қатнашувчи субъектлар бўлиб, тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, ҳукуматлар, йирик корпорациялар ҳамда халқаро ва регионал молия-кредит ташкилотлари ҳисобланадилар.

Халқаро кредитининг асосий шакллари сифатида фирмавий кредит, акцептли кредит, акцептли-рамбурсли кредитларини кўрсатиш мумкин.

Фирмавий кредит – бу бир мамлакат фирмаси томонидан иккинчи мамлакатдаги фирмага берилган кредитdir. Унинг энг кенг тарқалган тури – бу экспортёрning импортёрга товарларни тўлов муддатини кечикириш асосида сотишга асосланган кредитdir.

Акцептли кредит бу йирик банклар томонидан тратташлари акцептлаш шаклида бериладиган кредитdir. Агар импорт килувчининг тўловгага қобиллигига шубҳа қилса, ёки тўлов йиғиндини тезда олишини хоҳласа, ушбу кредитдан фойдаланилади.

Акцептли- рамбурсли кредитининг маъноси шундаки, экспорт килувчининг вексели учинчи мамлакат банки томонидан акцептланади ва импортёр векселда кўрсатилган йиғиндини акцептлаган банкка ўтказади.

Кредит эмиссияси- банклар пулни жамтайди деганда улар пулни босиб чиқарали деб ўйламанг. Банклар танги ёки купорани яратмайди, улар тўлов воситаси ҳисобланган нақд бўлмаган пулни ҳосил этадилар.

Пул омонати банкда туради, лекин пулни кўйиши ва олиш ҳеч қачон бир вақтда юз бермайди. Шу сабабли банк ихтиёридаги пул миқдори пул этаплари талабига кўра бир йўла олинадиган пулдан кўп бўлади. Масалан, банкка бир ой давомида 100 миллион сўм пул кўйилса, ундан 20 миллион сўм пул қайтариб олинади. Колган 80 миллион сўм банк ихтиёрида туради, уни банк қарзга беради. Банк қарзни бу суммадан ортиқроқ қилиб (масалан, 110 миллион сўм миқдорида) бериши ҳам мумкин. Бу билан банк пулни 30 миллион сўмга (110-80=30) кўпайтирали, аммо пулни нақд эмас, балки чек билан қарзга беради. Банк ўз мижозларига чек билан тўлаш шарти асосида жорий (чекли) ҳисоб вараги очади. Натижада нақд бўлмаган пул кўпайтирилади, яъни кредит эмиссияси юз беради.

Кредит эмиссияси қарз бериш учун мүлжалланған ва нақд бўлмаган пулни қўпимча равишда муомалага чиқаришидир.

Кредит эмиссияси келажакда топиладиган пулни ҳозир қарзга беришдир. Бу қарзни банк ишончли мижозларга беради, яъни чекли ҳисоб варакдан бериладиган пулни мижоз ўз вактида кайтаришиша банкнинг кўзи етса, уни қарз қилиб беради.

Кредит эмиссияси ҳисобидан пул қарзга икки турдаги мақсад учун берилади. Биринчиси – кимматбахо товарларни (уй, автомашина, яхта, дала ҳовли) сотиб олиш учун. Карздор бу пулни келажакда ишлаб топган даромади ҳисобидан қўяди. Иккинчиси – келажакда яхши фойда берувчи тадбиркорлик лойиҳалари (корхона Қуриш, цех, магазин ёки томонча жойи очиш) учун. Бу пул ҳам топилган даромад ҳисобидан кейинчалик ўрнига қўйилади. Аммо бу пулнинг ўрнига қўйилмаслик хавфи ҳам бор. Бунинг олдини олиш учун кредит заҳиралари ташкил этилади.

Кредит заҳиралари кредит учун мүлжалланған пулнинг бир қисми бўлиб, банклар томонидан пул заҳираси тариқасида Марказий банк ихтиёрига ўтказилади.

Буни одатда заҳира талаби деб юритилади. Заҳира талаби ҳар бир банк ихтиёридаги жами нақд бўлмаган пулнинг матъум улуши сифатида, масалан, 15 фоиз микдорида белгиланиб, Марказий банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Пул этишмай қийналиб қолган банкларга бу маблағ резерв пул сифатида берилади. Бу билан баиклар ўз пулнинг бир қисмини баҳам кўриб, уни ҳамкорликда ишлатишга, бир-бирига ёрдам беришга мұяссар бўладилар. Кредит эмиссиясининг юз бериши унинг чегараси йўқ дегани эмас, албатта. Эмиссия кредит заҳирасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар шундай ҳол юз берса, ортиқча пул ҳосил бўлиб, инфляция кучаяди. Шу сабабли давлат кредит эмиссиясини каттиқ назорат қиласи ва бу ишни Марказий банк орқали амалга оширади.

Товар кредити-бозор иқтисодиётида кредит пул шаклида берилади ва у банк кредитидан иборат. Аммо товар кредити ҳам кўлланади. Унинг икки қўриниши мавжуд: биринчиси – коммерция кредити. Бунда товарлар кредититга, яъни насияга берилади, харидор сотувчига ўз қарзини тасдиқловчи гувоҳнома – всхсель беради. Насияга беришган товар неча сўм турса, шу қарз микдори хисобланади. Масалан, насияга 100 та пальто сотиши, ҳар бир пальто 1500 сўм туради. Жами пальто 150 минг (100-150) сўмлик. Шу пул қарз микдорини кўрсатади. Товар кредитининг иккинчи алоҳида шакли лизинг ҳисобланади. Лизинг шартномалари бўйича киммат турдиган машина ва ускуналар қарзга (ижарага) олиб ишиятлади. Уларни нақдга сотиб олишга кичик фирмаларнинг пули стмайди. Масалан, кичик корхона учун 4 та станок зарур. Ҳар бир станок

500 минг сўм турса, жами 2 миллион сўм пул керак. Бу пулни қарзга олиш ўрнига аввал станокни қарзга олиб ишлатиш, сўнгра пул топгач, уни сотиб олиш маъкул бўлади. Лизингга юят қиммат турувчи воситалар, масаган, самолёт, пароход, ускупалар комплекси ҳам берилади. Масалан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” мишлий авиакомпанияси Германиянинг “Люфт Ханза” авиакомпаниясидан бир неча самолётни лизингта олиб фойдаланмоқда. Лизинг инвестициянинг кулай шакли. Шу боисдан лизинг 1990 йилда АҚШ да инвестицияларниң 27 фоизини ташкил этган. Лизинг машина иншоотларни узок муддатга, хайринг ўрта муддатга, рентинг киска муддатга ижарата олишидир.

3. Фоиз, унинг микдори ва турлари. Фоиз нормасига таъсир кўрсатувчи омиллар

Кредитнинг асосий шарти- бу қарз учун ҳак тўлаш. Бу ҳак қарз килинган суммага нисбатан фоиз хисобида олингандан уни қарз фоизи деб юритилади.

Қарз капитали учун бериладиган фоиз моҳиятан уни ишлатиш туфайли яратилган қўшимча маҳсулотнинг, аниқроғи, қарз олувчи уни ишлатиб топган даромаднинг бир қисмидир. Пул эгаси шу қисмини мулқдор сифатида ўз пулицан бошқалар фойдаланганилиги учун талаб қиласди.

Фоиз микдори ёки даражаси олдиндан белгиланади. Фоиз даражаси қарз фоизининг берилган қарз микдорига бўлган, фоизларда ифодаланганди нисбатидир.

ИД – КП x 100

КМ

Фоиз даражаси унга таъсир этувчи омиллар ҳаракати туфайли ўзгариб туради. Улардан асосийси қўйидагилар:

1. Пул бозоридаги талаб таклифнинг нисбати, яъни бозорда қандай микдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қандай микдорда қарзга бериладиган пул чиқарилган. Талаб ошса, фоиз ортади, таклиф ошса у камаяди.
2. Қарзга олинадиган пули ишлатишдан кугиладиган наф, аниқроғи шу пулнинг истеъмол қиймати. Қарз пули тадбиркор учун кўп фойда келтирса ёки истеъмолчи эҳтиёжини тўлароқ қондирса фоиз юкори бўлади, акс ҳолда у пасайиб кетади.
3. Қарзни тўлаш муддати ва шарти. Агар қарз узок муддатга берилиб, уни секин-аста кичик-кичик қисмларга бўлиб бемалол қайтариш мумкин бўлса қарздор юкори фоизга рози бўлаци. Агар қарз киска вакита берилса ва уни бир йўла тўлаш шарт бўлса, қарздор паст фоизни маъкул кўради.

4. Қарзнинг қандай пул билан берилиши. Агар қарз эркин конвертирулган валютада берилса, фоиз юкори белгиланади, агар у оддий валютада берилса фоиз нисбатан паст бўлади.
5. Инфляция даражаси. Инфляция юз берса, қарзга бериладиган пул эгасига қайтиб келүнча ўз қадрини қисман йўқотади. Шу сабабли фоиз инфляцияни хисобиа олиб ўрнатиласи.
6. Пулни қарзга беришдан кўра бошқа усулда ишлатишдан тушидиган даромад. Бунда пул эгасининг афзал кўриш принципи амал килади.
7. Қарз бериш хатар даражаси. Агар қарзнинг қайтиб келиши кафолатланса, фоиз паст, агар бу хатарли бўлиб, қарз қайтиши шубҳали бўлса, фоиз юкори бўлади.

4. Банкларнинг роли ва шакллари. Банк тизими. Банкларни кредитлаш ва эмиссия фаолияти

Бозор иқтисодиётининг негизини банк тизими ташкил этади. Банк молиявий корхона бўлиб, вактинча бўш бўлган пул маблаглари (омонатлар)ни ўзида сақлайди, иқтисодиёт объектларига кредит (зәём, ссуда)лар беради, корхоналар, муассасалар ёки алоҳида шахслар билан ўзаро тўловлар ва ҳисоб-китобларда воситачилик килади, мамлакатда пул муомаласини тартибга солиб бошкарани.

Етарлича хилма-хил бўлган банк тизими ўз ичига банк тартиботларидан ташқари, бозор фаолияти жараёнида шаклланадиган, кредит бериш, қимматли қоғозлар олди-соттиси, молиявий хизматларни амалга ошириш, инвестициялар, ссуда ва ҳоказолар борасидаги иқтисодий муносабатларнинг деярли бутун мажмууни олади.

Барча буюк ва ва мураккаб нарсалар гоятда оддий нарсадан пайдо бўлади. Ҳозирги банкларнинг тарихи заргарлик дўконлари, пулни майдаловчи саррофлар-сулхўрлардан бошланган. XV-XVII асрларда типик заргарлик дўкони савдогарлардан пул, олтин, кумуш қабул қиласи, уларни маълум муддатга сақлар ва аввалги эгаларига қайтириб берарди, сақлаганилик учун улардан ҳақ оларди. Бу эса ўша вактда энг кўп таркалган банк операцияси эди. Кейинроқ ана шундай операцияларга ихтисослашган ва “Банк” деб аталган (итальянча – “саррофлик дўкони”) муассасалар пайдо бўлди.

Бугунги кунца ўртача банк икки юзга қадар турли операция ва хизматларни амалга оширади. АҚШдаги 10 та энг йирик банк эса деярли бутун Африка қитъаси давлатларининг миллий даромадларидан ошадиган пул билан иш тутади. Хулас, банк-пул ва пул капиталини сафарбар килиш, жамғариш, ҳаракатлантириш ва тақсимлашни амалга оширадиган корхонадир. Бозор иқтисодиётига эта бўлган мамлакатларда эса банкларнинг аксарияти ёки акцияли (унга

ўз маблагини сарфлаган акционерларга тегишли, ёхуд хусусий (битта сохибга тегишли) бўлади.

Миллий иқтисодиётда барча банкларнинг йигиндиси банк тизимини ташкил этади. Ҳозирги кунда бажарилётган вазифасига қараб банкларнинг қуидаги турлари маъжуд: 1) давлат ёки марказий банк; 2) тижорат банклари; 3) ихтисослаштирилган банклар; 4) инвестицион банклар. Банк тизимида давлатга тегишли бўлган Марказий банклар алоҳида ўрин тутади. Марказий банк банкларнинг банки деб аталади.

Марказий банк мамлакатнинг асосий банки, ягона эмиссион марказидир. У пул-кредит тизимини марказлаштирган ҳолда бошкаришни, давлат кредит сиёсатини, бошқа банклар фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар ўртасида ҳисоб-китобларни ташкил этишини амалга оширади. Пул муомаласини давлат бюджетини касса йўли билан ижро этишини таъминлайди.

Марказий банк зинмасига бошқа барча банклар фаолиятини асосий йўналишлари бўйича назорат қилиш вазифаси юклатилган. У валюта операцияси соҳасида сиёсат ўтказади, сўмга нисбатан расмий курсларни белгилайди, бошқа мамлакатларнинг марказий банклари билан алоҳани амалга оширади, ташкил иқтисодий фаолиятнинг бошқа масалаларини ҳам бажаради.

Хуллас, банк тизимида давлатга қарашли бўлган Марказий банклар алоҳида ўрин тутадилар. Марказий банкни банкларнинг банки деб атасади ва у банк тизимининг ўзатини ташкил этади.

Умуман, Марказий банклар қуидаги асосий вазифаларни бажарадилар:

1. Пул эмиссияси маркази вазифасини ўтайди, яъни муомалага қоғоз ва танга пулларни чиқаради, пул муомаласини назорат қиласди.
2. Давлат хазинасини, валюта бойлигини сақлайди, давлатнинг хазинабони ҳисобланади.
3. Кредит заҳирасини ўз кўлида тугиб туради, бу заҳирани кредит талабига қараб, банклар ўртасида тақсимлайди.
4. Давлатнинг монетар (пул) сиёсатини амалга оширади, банк иши, умуман кредит муносабатларига оид қоида-тартибларни белгилаб, уларнинг бажарилишини назорат қиласди.

Федерал резерв тизими деб аталган АҚШ Марказий банки тижорат, инвестиция, ихтисослашган банкларга кредит беради, уларнинг фаолиятини сугурталайди, бошкаради, давлат облигациялари, хазина билетларини сотиб олади ва сотади. Марказий банк ижро ҳокимиятта (Президент ҳукуматига) қарам бўлмайди, унинг фаолиятини парламент бошкаради. Олмонияда "Бундесбанк", Францияда Франция миллий банки, Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси миллий банки Марказий банк ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг вазифалари куйишига лардан иборат:

- пул муомаласи ва кредит бериги соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш, умуман банк тизимиша ягона қоидалар ва мсьерни белгилаш;
- барча банклар ва кредит муассасалари пул кредит ва валюта операцияларига доир конунлар ва қоидаларга риоя этишлари устидан назорат ўрнатиш;
- пулни харид қобилиятини сақлаш;
- Республика пул ва кредит тизимига раҳбарлик қилиш;
- банк фаолияти билан шугууланиши учун лицензиялар бериш;
- Республика олтин заҳираси ва олмос фондини шакллантириш;
- Республикада валюта фондини вужудга келтириш ва бошқалар;
- Марказий банк давлат мулки ҳисобланади ва Олий Мажлисга бўйсунади.

Марказий банкнинг характерли ҳусусияти шундан иборатки, у ҳалқ ҳўжалиги ва аҳолига кредит бериш, маблаг билан таъминлаш, ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатишга оид оператив фаолият билан шугуулланмайди.

Тижорат банклари жисмоний ва ҳусусий шахсларга ҳар хил банк хизмати кўрсатади, ҳусусан депозитларни жаъб этиш, вексель ҳисоби, кредит бериш, қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш.

Хозирги шароитларда йирик тижорат банклари ривожланган мамлакатларда 100 дан ортиқ операцияларни бажарадилар.

Тижорат банклари турли пул операцияларини амалга оширувчи ва кредит ишларини бажарувчи банклардир. Улар акциядорлар жамияти шаклида тузилиб, ширкатлар сингари шерикчилек асосида ишлади. Уларнинг ихтиёридаги капитал икки манбада шаклланади: а) мижозларниг банкка қўйган пули; б) банкнинг ўз капитали.

Тижорат банклари ликвидликни таъминлаш ва фойда олиб ишлаш қоидаларига асосланган ҳолда фаолият олиб борацилар. Ликвидлик банк ўз маблағларини нақд пулга тезда айлантира билишини ифода этади. Банк кўлидаги нақд пуллар, мижозларга киска муддат учун берилган кредитлар (бу кредит 3-6 ойгача, ҳатто 5-10 кунга ҳам берилади ва тез қайтади), хазина (давлат) векселлари юксак ликвидликни таъминловчи маблаг ҳисобланади. Банкнинг кўлидаги бинолар, ҳар хил машина ва ускуналар, антика буюмлари, санъат асарлари ва узок муддатли кредитлар ноликвид воситалар ҳисобланади, чунки улар нақд пулга тез айланмайди.

Ликвидни маблағлардан фойда кам бўлади. Киска муддатли кредитлардан унагига фонз, векселларни дискооплаштиришдан келган пул ҳам кўп бўлмайди. Ноликвидни маблағлар, аксинча даромадни кўпроқ беради. Ўз-ўзидан маълумки, узок муддатли кредитлар учун

фоиз анча юкори бўлди. Санъат асарлари, бинолар ва антика буюмларининг пархи вакт ўтиши билан ошиб боради, улар сотилган тақдирда катта фойда беради.

Тижорат банклари ўз иши учун ўзи жавобгар, ўз харажатларини тўла қопиаб, фойда ҳам олиши керак, чунки у бизнес билан шуғулланади. Бунинг уддасидан чиқмаган банк банкрот бўлиб ёпилиб кетади.

Ихтисослаштирилган банклар муайян тармоқлар корхоналари ёки фаолият соҳаларига кредит бериш, уларни маблағ билан таъминлаш билан шуғулланади. Масалан, агросапоат банки ўз эътиборини агросаноат комплексига жамилайди, саноат Қурилиши банкларининг фаолият соҳаси саноат қурилиши, моздий техника, таъминотилир. Демак, маҳсус банклар – муайян мижозлар гурӯхига хизмат кўрсатади ёки айрим ҳаракатларга ихтисослашади (инвестицион, экспорт, ипотека ва бошқалар). Ташки савдо банклари асосан ташки савдо билан боғлик бўлган операцияларга ихтисослашади. Ипотека банки ихтисослаштирилган банкнинг алоҳида туридир.

Ипотека банклари кўчмас мулкни гаров қилиб олиб узоқ муддатли ссудалар беради. Ипотека банклари асосан фермерлик ривожланинган мамлакатларда тарқалган.

Хусусан, инвестицион банклар иқтисодиётнинг ҳар хил тармоқларини молиялаштириш ва узоқ муддатли кредитлар бериш билан шуғулланади.

Инвестиция банки бозор хўжалиги бутун-бутун тармоқларига муддатли кредит бериш ва уларни инвестициялар билан шуғулланади, шунингдек, кимматбаҳо қоғозлар – акциялар, облигациялар, ҳазина билетлари, банклар, купоцлар ва ҳоказолар билан операциялар ўтказади. Одатда инвестиция банклари фонд биржаси билан яқиндан боғланган бўлади, бундай биржада портфель инвестициялари амалга оширилади, яъни эгашиб олиш, ишлаб чиқариши қайта қуриш, янги моллар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш максадида бирор-бир корхонанинг акциялари, облигациялари сотиб олиниади ҳамда сотилади. Инвестиция банклари, шунингдек, мижозларининг буюртмалари бўйича кимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операцияларда турлича дарёллик хизматларини кўрсатади.

Баъзи давлатларнинг конунчилигига кўра (АҚШ, Италия, Франция кабиллар) тижорат банклари кимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операцияларга қўшдирилмайди ва улар акция, облигация, заем ва ҳоказоларнинг олди-соттиси билан шуғулланиш ҳукукига эга эмаслар. Ушбу функциялар у ерда инвестиция банклари ва инвестиция фонdlарининг олий ҳукуки хисобланади.

Банклар ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципи асосида доимо юкори даражада фойда олишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун улар ссуда фоизини омонатчи мижозларга тўлаётганидан кўра юкорироқ қилиб белгилайдилар. ўртадаги фарқ банк фойдаси сифатида юзага чиқади. Бу банкнинг ялпи фойдасини ташкил этади. Ундан банк харажатларини, яъни хизматчиларнинг иш ҳақларини бино, ускуналар, девонхона харажатларини чегириб ташласа, банкнинг соғ фойдаси колади.

5.Ўзбекистонда янги кредит тизими ва унинг ривожланиши

Иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурӣ усуслари шароитида вужудга келадиган банкларнинг таркибий тузилиши ва уларнинг фаолият шакллари кредит тизимининг хўжалик самарадорлигини ўстириш, корхоналар иш фаолиятининг пировард натижаларини оширишга бўлган таъсирини кучайтириш хозирги кун талабларига жавоб бермай қолди. Хозирги вактда банкларнинг чинакам фаол мавқеи бошқа, иқтисодий курилмалар ва корхоналар билан биргаликда ресурслардан фойдаланишнинг янги самарали имкониятларини кидириб топишдан иборатdir. Корхоналарнинг хўжалик аҳволини, уларни қайта жиҳозлаш усусларини таҳлил қилиш, капитал қўйиш варианtlарини чукур техник-иктисодий текширувдан ўтказиш банк фаолиятининг энг муҳим турларидан бириди.

Ана шуларни инобатта олган ҳолда, банкларнинг иқтисодий тараққиётга таъсирини кучайтириш мақсадида Ўзбекистонда банк тизимини қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Хозирги вактда деярли барча ривожланган мамлакатларда икки даражали банк тизими мавжуд: 1-даражা – давлат (марказий), 2-даража тижорат банклари.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бозор муносабатларига мос келадиган банк тизими ташкил топмоқда. Унинг ҳукукий асосини бизнинг ўлкамизда қабул килинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги конунни ташкил этади. Унга биноан Ўзбекистон Республикасида банк тизимига куйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга тобе бўлган муассасалар.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият банки.
3. “Ўзсаноатқурилиш банки” АТБ (акционерлик тижорат банки).
4. Республика Ҳиссадорлик-тижорат агросаноат банки.
5. Ҳалқ банки (Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш банки, давлат тижорат банки).

6. Пай, акция асосида, шунингдек, чет эл капитали иштироқида тузилган тижорат банклари, уларнинг филиал ва ваколатхоналари.
7. Кооператив ва хусусий банклар.

Шунга эътибор бермок зарурки, тижорат, кооператив ва хусусий банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларини шартнома асосида тартибга соладилар. Шундай қилиб, Ўзбекистонда кам икки даражали банк тизими мавжуд.

80-йилтар бошидан жаҳон иқтисодий тизимида турли хил банкларни универсаллаштириш, бирлаштириш тамойили кўзга ташланмоқда: тижорат, инвестиция, иктинослаштирилган банклар холдинг (инглизча – “бирлаштирувчи”) деб ном олган битта банклараро молиявий тузилмага интилишмоқда. Холдинглар барча кредит, ссуда, ипотека операцияларини, шунингдек кимматбаҳо қоғозлар, акциялар, облигациялар олди-соттиси бўйича операцияларни амалга оширишлари мумкин. Дунёдаги энг йирик банклар бугунги кунда холдинг компаниялари бўлиб, улар банк ишидан ташқари савдо, воситашиблик, ишлаб чикариш-саноат вазифаларини ҳам бажарадилар.

Шунингдек, банк ишини концентрациялаш ва марказлаштириш, пул капиталиларини бирлаштиришнинг хилма-хил шаклларини – инвестиция, ҳалқаро хизматлар жаҳон банкларини барпо этиш кўзга ташланмоқда. Мисол учун, айрим давлатларга, шу жумладан, МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатларига кредит бериш ҳамда молиявий маддас берниш билан шуғулланувчи Ҳалқаро валюта фонди, Ҳалқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки, Европа жаҳон банки машҳур.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Кредит – ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турған пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиккан муносабатлардир.

Кредит обьекти – бу ҳар кандай пул эмас. балки факат вақтинча бўш турған, берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

Суда капитали – маълум муддат мобайнида фойдаланганчиги учун ҳақ фоиз тўлаб қайтариш шарти билан қарзга берилиган пул маблагидир.

Тижорат кредити – бу сотувчиларнинг ҳаридорларга товар шаклида берадиган кредитидир. Бунида товарлар маълум муддатга пулини тўлаш шарти билан насияга берилади.

Банк кредити-банклар ва бошқа кредит ташкилотлари пулни унинг соҳибларига фоиз тўлаш шарти билан ўз қўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз оладилар.

Истеъмолчи кредити-тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмаларга қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беради.

Халқаро кредит – бу ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракати товар ва валюта кўринишидаги маблагларини қайтариб беришлик, муддатлилик ва ҳақ тўлашлик асосида бериш билан боғлиқдир.

Фирмавий кредит – бу бир мамлакат фирмаси томонидан иккинчи мамлакатдаги фирмага берилган кредитдир.

Акцептли кредит – бу йирик банклар томонидан харажатни акцептлаш шаклида бериладиган кредитдир.

Акцептли – рамбурсли кредит-экспорт қилувчининг вексели учинчи Мамлакат банки томонидан акцептланади ва импортёр векселда кўрсатилган йиғиндини акцептлаган банкка ўтказади.

Кредит эмиссияси – қарз бериш учун мўлжалланган ва нақд бўлмаган пулни қўшимча равишда муомалага чиқаришдир.

Фоиз -бозорга чиқарилган пулнинг нархидир

Банк – молиявий корхона бўлиб, вактинча бўш бўлган пул маблаглари (омонатлар)ни ўзида сақлайди, иқтисодиёт объекtlарига кредит (заём, ссуда)лар беради, корхоналар, муассасалар ёки алоҳида шахслар билан ўзаро тўловлар ва ҳисоб-китобларда воситачилик қиласди, мамлакатда пул муомаласини тартибга солиб бошқаради.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ссуда ва ссуда капитали деганда нимани тушунасиз?
2. Кредит муносабати кимлар ўртасида юзага келади ва уни обьектини нима ташкил этади?
3. Иқтисодиётда бўш пуллар қасрлардан вужудга келади?
4. Кредит муносабатининг принциплари нималардан иборат?
5. Кредитцинг вазифаларига нималарни киритиш мумкин?
6. Банк ва тижорат кредити деганда нимани тушунасиз?
7. Халқаро кредит нима ва уни қандай шакллари мавжуд?
8. Кредит эмиссияси деганда нимани тушунасиз ва у қандай ҳолатларда берилади?
9. Фоиз нима ва уни микдори, даражаси деганда нима тушунилади, фоиз миқдорига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
10. Банкларнинг бажараётган вазифасига қараб неча турга бўлиш мумкин?
11. Назорат қилиш вазифаси қайси банкга юклатилган?

12. Марказий банкнинг асосий вазифаси нималардан иборат?

13. Ўзбекистон Республикасида банк тизимини кўрсатинг.

Адабиётлар

- Каримов И. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1993.
- Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон». 1995.
- Банклар ва банк фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси конуни 15 февраль, 1991.
- Кимматбаҳо қофозлар бозори тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конуни. З сентябрь. 1993.
- Маккониел К. Р., Брю С.Л. Экономикс; принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Перев. с англ. 11-го изд. Том-1, Гл. 12, 20. М. Республика, 1992.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Перевод с англ. со 2-го изд. Гл. 21, 22, 26-29, 33-34. М., “Дело ЛТД”, 1993.
- Экономика; Учебник (под. ред. доц. А.С. Булатова). Гл. 14, 16, 18, 19. М. Изд. “Бек”, 1995.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси 13, 18-боблар. Тошкент. “Мехнат”, 1995.
- Бекназов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. 8-мавзу. Тошкент. «Университет». 9, 11-мавзу. 1993.
- Финансў. Учебник. Гл. 1,2. М. “Финансў и статистика”, 1992.
- Экономическая теория. Кураков Л.П. Учебное пособие. М., “Пресс-сервис”, 1998.
- Основы экономических знаний. Куликов Л.М. Москва, “Финансы и статистика”. 1998.
- Хошимов П.З. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Маъруза матнлари. -Т.: «Университет», 2001.
- Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маъруза матнлари. -Т.: 2000.

ХХVII БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРТИБЛАНИШ МЕХАНИЗМИ. ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

- 1. Макроиқтисодий нисбатлар ва макрокўламдаги мувозанат, уларни таъминлаш. Иқтисодиётни тартибга солишнинг моҳияти ва зарурлиги.**
 - 2. Иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми.**
 - 3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади ва вазифалари.**
 - 4. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий воситалари ва улардан самарали фойдаланиши.**
 - 5. Иқтисодиётни тартибга солишнинг молиявий дастаклари. Давлатининг монетар сиёсати.**
 - 6. Иқтисодиётни давлат томонидан молиявий соғломлаштириш.**
-
- 1. Макроиқтисодий нисбатлар ва макрокўламдаги мувозанат, уларни таъминлаш. Иқтисодиётни тартибга солишнинг
моҳияти ва зарурлиги**

Агарда бирон-бир кечайтган жараён мутаносибли мувозанатли бўлса, уни бир маромда фаолият кўрсатаяпти дейиш мумкин ва, аксинча, унцаги ҳар кандай ҷалғиши учун муқобиллигини бузади.

Иқтисодий тизимлардаги бундай оғиши товарлар ва хизматларни тақчилигини ёки ишлаб чиқарилганигини, инфляция, ишсизлик шуалрга ўхшашиб салбий ҳодисалар сифатида намоён бўлади.

Улар иқтисодиёт самарадорлигини насанайишига ва аҳоли турмуга тарзини тушиб кетишига олиб келади.

Иқтисодий мувозанат деганда нима тушунилади, унга кандай воситалар билан эришиш мумкин?

Мувозанатлик шароитида мислий иқтисодиётда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида қарама-каршилик бўлмайди ва ресурслар, товарлар ва ҳаромадларнинг доираний айланиси узилишсиз амалга оширилаци. Бунда талааб ва таклиф ўзаро мувофиқ келади.

Умуман ҳар кандай иқтисодиёт доимо янгилиниб, доираний ҳаракатда бўлади. Бу ресурслар ва яратилган товарлар ҳамда хизматларнинг ҳаракати тарзида юз беради.

Бизга маълумки, иқтисодиёт фирмалар (корхоналар) уй хўжаликлари фаолиятидан иборат бўлган 2 таркибий кисмдан ташкил топади.

Фирмалар товар ва хизматларни яратадилар, бунинг учун ресурслар сарфлайдилар, бунда ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати бошланади.

Иқтисодиётининг бошқа томонида уй хўжаликлари турди, улар оиласларга бирлашган истеъмолчилардан ташкил топади. Яратилган товар ва хизматлар оиласда истеъмол этилгач, уларнинг ҳаракати туғалланиб яна янгидан бошланади.


Истеъмол килиш учун товар ва хизматлар уй хўжаликлари пул даромадларига айирбои этилади.

Уй хўжалигида яшайдиганлар ишлайдиганлар ва ишламайдиганларга бўлинади. Ишлайдиганлар фирмаларда ишлаб чиқарувчи бўлса, уй хўжалигидаги истеъмолчи вазифасини ўтайдилар.

Истеъмол яратилган турли-туман товарлар ва хизматларни кишилар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлатишини билдиради. Иқтисодиёт бу маҳсулотлар ва хизматларнинг фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасидаги ҳаракатидир, чунки улар шу жарабеяда ишлаб чиқаришдан истеъмол сари боради. Шу нукталар оралиғида тақсимот ва айирбошлиш жараёнлари турди. Уй хўжаликлари бир томондан истеъмолчи сифатида товар ва хизматларни сотиб олсалар, иккинчи томондан фирмаларга ресурслар етказиб берадилар.

I-расм

Иқтисодий айланиш



Маҳсулот ва ресурсларнинг фирмалар билан уй хўжаликлари ўртасидаги ҳаракати узлуксиз боради, уни тўхтатиш мумкин эмас, чунки бу истеъмолни тўхтатиш дегани, инсон эса истеъмолсиз яшай олмайди. Бу ҳаракат жамият хаётининг муҳим шартидир, уни умумиқтисодий доиравий айланиш ёки макроиктисодий айланиш дейилади. Бу ҳаракатга барча иқтисодий субъектлар тортилади, бутун жамият миқёсида юз беради.

Бу чизмада икки оқим тасвирланган бўлиб, бири ресурслар оқими бўлиб, соат стрелкасига акс ҳаракатда кўрсатилган, иккинчиси товар ва хизматлар оқими бўлиб, унинг ҳаракати соат стрелкаси ҳаракати тарзида юз беради.

Ресурслар уй хўжаликларидан ишлаб чиқариш томон ҳаракат қиласи, бу ҳаракат ресурслар бозори орқали юз беради. Уй хўжаликлари ўз ресурсларини мулкдорлар сифатидан бозорга чиқарадилар. Ресурслар бозорда фирмаларга сотилади. Фирмаларнинг ресурс учун сарфланган пули уларнинг ишлаб чиқариш ҳаражати бўлса, уй хўжаликлари учун даромад бўлади. Ресурс учун тўланган пул унинг эгаларига ҳар хил шаклда (иш ҳаки, фойда, фоиз, рента) тегади. Ресурс учун унинг эгалари олган пулнинг бир кисми ўз истеъмолини қондириш учун кетади, яъни истеъмол товарлари ва хизматларни ҳарид этиш учун сафланади, бу пул истеъмол бозорига чиқади, тонарларга бўлган талабни билдиради. Бу пулга товарлар ва хизматлар сотиб олингач, у фирмаларнинг пул даромадига айланади. Ишлаб чиқаришни янгилаш зарурати шу пулга ресурс олишни талаб киласи, у қайтадан ресурс бозорига чиқади.

Рақобат ва ресурсларнинг нафлиги таъсирида уларнинг нархи шаклланади, улар қайтадан сотиб олинади, уларнинг ҳаракати янгидан бошланади.

Хуллас, ресурслар ва маҳсулотлар бозор оркали узлуксиз доираний ҳаракатда бўладилар. Бу оқим бир-бирига мос келгандагина иқтисод равон ривожланади.

Иккинчи оқимли ҳаракат доирасида иқтисодий субъектлар ўз манфаатини кўзлаб иш юритадилар, улар керакли товарлар ва ресурслар бозоридан ўз билганича таълаб оладилар, лекин улар ўз ҳатти-ҳаракатларини олдиндан келишиб олмайдилар, бозорга биноан иш кўрадилар, бозор уларни бир-бири билан боғлади.

Иқтисодий алоқалар макроиктисодиётда унинг турли томонлари ўртасида мувозанат бўлишини талаб қиласи.

Макроиктисодий жараён жудаям мураккаб бўлиб, у миллионылаб товарлар ва хизматлар яратилишини ва ҳар хил кишилар томонидан истеъмол этилишини билдиради.

Иқтисодий айланишга экспорт, импорт таъсир кўрсатади, даромадлар дарҳол ишлатилмай, уларнинг бир кисми жамғарилади ва инвестицияга хизмат қиласи, бойлик тўпланади.

Иқтисодиётда яратилаётган маҳсулотни 2 турга ажратиш мумкин.

1. Ишлаб чиқариш воситалари.

2. Истеъмол буюмлари.

Биринчи турдаги маҳсулотни яратган соҳалар ишлаб чиқаришнинг биринчи бўлинмаси, яъни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш дейилади.

Истеъмол буюмларини ишлаб чиқаривини иккинчи бўлинма дейилади.

Бу назарий жиҳатдан таҳлил қилишда қўлланади.

Ҳар иккала бўлинида ресурслар ишлатилади.

1-бўлиннада ресурслар яратилади, улар ресурслар бозорига тушади, шу ерда таксимланиб яна қайтадан ишлаб чиқаришга оқиб келади.

2-бўлинма маҳсулоти товарлар ва хизматлар бозорига келиб тушади, шу ерда тақсимланиб, кишилар истеъмолига, яъни уй хўжаликлари ихтиёрига келади. Бу ерда улар меҳнат ресурсларини таҳорран яратишга хизмат килади.

Иқтисодиёт бир маромда муттасил ривожланиб бориши учун 1-бўлимга маҳсулоти ресурс бозоридаги талабга, 2-бўлинма маҳсулоти товар бозоридаги талабга мос бўлиши керак.

Бу иккала бўлинма биргаликда жами ижтимоий ишлаб чиқарипни бўлганидан уларни ялпи маҳсулоти ҳамма бозорлардаги умумий талабга мувофиқ бўлиши керак.

Умуман, миллый даражадаги ёки макроиқтисодий мувозанат гудза ифодаланган жами талаб ва жами тақлифни иқтисодиётни пулли ҳамда моддий мутаносиблигини мос келишини кўзда тутади. Бу миллый хўжаликни идеал ҳолати бўлиб, уни доимий сақлаб туриш мумкин эмас, лекин шундай ҳолатга интилиш зарурдир.

Жамиятда умумий мувозанат бўлиши учун хусусий мувозанатлар таъминланиши шарт.

Мувозанатлашган иқтисодиёт бир меъёрда ривожланади ва фарновликни таъминлай олади.

Мувозанатни таъминлашни тарихан 2 усули бўлган.

1. Бозор усули.
2. Режали усул.

Биринчи усул бозор иқтисодиётига, иккинчиси тоталитар социалистик иқтисодиётга хос бўлган. Соғ равишда ҳар иккала усул ҳам тўла мувозанатни таъминлай олмайди.

Жаҳон амалиёти иқтисодий мувозанатни ўрнатишнинг 2 асосий усули ёки механизмини ишлаб чиқсан.

1. Нархлар талаб ва тақлифларни тартибга солиб турувчи бир-бирларига боғлик бўлган бозорлар ёрдамида (товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи бозори).

2. Моддий, меҳнат ва молиявий баланслар тузиш йўли билан келажакка талаб ва тақлифнинг ҳажмларини нархларнинг ўзини ҳам ўрнатувчи давлат режалари ёрдамида.

Аралаш иқтисодиёт мамлакатларида макроиқтисодий мувозанат ўрнатишнинг асосий усули бозор ҳисобланади, шу билан бирга давлат ҳам бу жараёнда сезиларли роль ўйнайди. У маъмурий-хукукий ва иқтисодий аралашув чораларидан фойдаланиб, жами талаб ва жами тақлифни ўзгаришига ва шу орқали макроиқтисодий мувозанатга ҳам бевосита таъсир этади.

Тарихий тажриба күрсатадыки, бозор механизми билан давлат механизми биргаликда амал қылған бир-бирини тұлдырган ҳолдагипа мувозанатларни оздир-күпдір бир месъерда таъминлааб, муттасил иктисодий үсишга әришиш мүмкін.

Мувозанатнинг эиг мухим турлари қуйидагылар.

1. Жами талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанат.

Талаб билан таклиф мувозанат ҳолатига келганды товарлар сотилиб әхтиёжлар қондирилади. Ресурслар тикланиб, ишлаб чиқариш тақрорланады.

Талаб билан таклиф мувозанати бу ишлаб чиқариш билан иsteммол ўртасидаги мувозанатнинг бозордаги күришишидір. Бу мувозанаттыкка бозордаги нарх-наво механизми орқали әришилді.

2. Үй хұжаликлари даромади билан уларнинг қаржатлары ўртасидаги мувозанат. Кишилар ЯММ дан үз ҳиссасини пул шаклида оладилар, кейин бу пулни бозорда товарларға айирбошлаб тириклик килацылар. Иктисодий үсиш бүлиши учун барча даромадлар товар харид этиштеги сарфланиши керак, ағар шундай бўлмаса, маҳсулотларни бир кисми ортиб қолади. Амалиётда доим ҳам даромадларни барчаси товар харид этиш учун ишлатилмайди, уларни бир кисми жамғарилади. Бу кисм ресурсларға айланмайди, буни натижасида ишлаб чиқариш кувватларини бир кисми бескор қолади, ишловчиларни бир кисми ишсиз бўлиб қолади, шунинг учун ахолини пул жамғармалари молия бозори орқали қаситаптаға айлантирилади, яъли жамғарилган даромадлар ресурслар қаракатига жалб этилади.

Демак, мувозанатни таъминлаш учун жамғарилган даромадни инвестицияга айлантириш керак бўлади.

3. Пул массаси билан товарлар ва хизматлар массаси ўртасидаги мувозанат.

Пул массаси билан товарлар массаси ўртасида мувозанат бузилса, иктисодиёт издан чиқади. Пул массаси ҳар доим товарлар массаси билан таъминланиши керак. Мувозанат бузилганда факат бозор механизми билан мувозанатни таъминлаш қийин, бу ишга давлат аралашуви зарур бўлади.

4. Мехнат ресурсларини үсиши билан иш жойлари ўртасидаги мувозанат. Бунда жамиятда меҳнат ресурсларини табиий ва механик үсишга мос равишда янги яратилаётган иш жойлари ўртасида мувозанатлик бўлиши зарур.

Давлат ЯММ яратища, тақсимлашда иsteммол этишда қатнашиб, иктисодий мувозанатни таъминлашда иштирок этади.

Агар иктисодий мувозанатлик таъминланса, қуйидагиларга әришилади.

1. Аҳолини тўла иш билан бандлигига.
 2. Инфляцияни бартараф қилган ҳолда иқтисодий ўсишга эришилади.
 3. Нарх-наво баркарорлигига, нархларнинг муглок даражаси мос, нисбий даражаси баркарорлашуви керак, инфляция таъсиридан холи бўлиши керак.
 4. Тўлов балансида тенгликка, экспорт ва ташқаридан келадиган бошқа тўловлар суммаси, импорт ва ташқарига кетадиган бошқа тўловлар суммаси мувофик бўлиши зарур.
- Мамлакатларнинг хориждаги харажати ўша ердаги даромадига тенглиги талаб қилинади.

2. Иқтисодиётни тартибга солишининг бозор механизми

Иқтисодиётни тартиблаш – бу ундаги турли бўғинлар фаолиятини бир-бирига боғланиши ва мос ҳолда ривожланиб боришидир.

Иқтисодиётни тартиблаш икки усулда юз беради Бири режали тартиблаш. Бу усуlda нимани қанча ишлаб чиқариш, уни кимга бериш, ташқаридан нимани олиш – буларнинг ҳаммаси давлат режасида белгиланади. Бу режалар корхона, тармок ва соҳалар учун мажбурий, улардан четга чиқиш мумкин эмас. Режалаштириш орқали корхона фаолиятини жамият талаб-эҳтиёжи билан боғлаш мушкулдир. Тартиблашнинг режали усули тоталитар иқтисодий тузумга хосдир.

Иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми, бозор усули ҳам мавжуд бўлиб, бу механизм бозор регулятори (тартиблаш воситаси) таъсирига асосланади ва нарҳда ўзини намоён қиласи. Нарх иқтисодий хатти-харакатларни ўзаро боғлаб иқтисодиётда координация, яъни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Нархнинг ошиши талаб ўсишини билдиради. Уни кондириш учун ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур, бунинг учун ўз навбатида янги ресурсларни ишга солиш, кўшимча маҳсулот олиш, уни сақлаш, ташиб ва истеъмолга етказиш керак бўлади.

Нарх регулятор сифатида истеъмолни ҳам координация этади. Нарх ошганда ҳаридорлар ҳаракати ҳам ўзгаради, улар товарларни кам оладилар. Бозор иқтисодиёти товар ишлаб чиқаришга асосланган, товар ишлаб чиқариш эса меҳнат таҳсимотига таянади, бу ишлаб чиқаришни чукур ихтисослашишига олиб келади. Ихтисослашув бозорга мослашиши учун турли корхоналар фаолиятининг координациясини талаб қиласи. Ана шу координациялаш ишини нарх бажаради.

Корхона, фирмалар фаолиятининг бозор орқали мослашиши бозор координацияси деб аталади. Корхона мустақил хўжалик юритув-

чи бўлса, меҳнат тақсимоти орқали бошқа корхоналар билан ботгланган, аммо унинг алоқалари бозор орқали ўринатилади. Бозор иқтисодиёти учун микроиктисодий тартибланиш бирламчидир, унинг туб белгиси эса иқтисодий фаолиятнинг эркин бўлиши, унинг факат талаб доирасида чегараланишида кўринади. Цивилизациялашган бозор иқтисодиётида корхона аниқ мақсадни кўзлаб, харажатни, фойдани, кирим-чикимни ҳисоб-китоб қилган ҳолда бозор учун ишлашни бошлайди.

Бозор талабига риоя қилишни ўзи микроиктисодии тартиблайди. Бозор механизми айирбошлиш орқали ишлаб чиқаришни истеъмол билан уйғулаштиради. Бозор корхонани ишлари чиқарган товарларини модификациялашта, янги товарлар яратишга мойил қиласди, корхона доимий равишда новация билан машғул бўлади. Маҳсулотни модификациялаш қисман ёки кепт миқёсли бўлади. Мазкур товарлар бозор талабини қондира олмаса, мутлақо янги товар яратишга ўтилади.

Бозор корхона фаолиятини ўзгараётган талаб -эҳтиёж томон буриш орқали унинг ишини тартибга туширади. Корхона товар ишлаб чиқаришни талабга қараб кўпайтириб, зарур бўлмагандан, қискартириб бориши ресурсларни самарали ишлатилишини, яъни ресурс сарфига нисбатан талабни тўлароқ қондирилишини билдиради.

Бозор механизми маҳсулотни қандай меҳнат сарф қилгани ҳолда ишлаб чиқариш заруригини ҳам белилайди. Бу ҳам тартиблашнинг бир усулидир. Бозор корхона олдига қаттиқ талаб кўяники, у ўз маҳсулотини истеъмолчига айтилган вақтда етказиб бериши керак. Бозор иқтисодиётида мажбуриятларни бажарни юзасидан корхонага қаттиқ талаб кўйилади.

Бозор регулятори ижтимоий ишлаб чиқаришни ижтимоий талабга мувофиқлаштириш орқали иқтисодиётни тартиблайди. Инди-видуал талаб – эҳтиёжлар ўзаро туташиб ижтимоий талабни ҳосил этса, инди-видуал ишлаб чиқаришлар ҳам бирлашиб, ижтимоий ишлаб чиқаришни вужудга келтиради.

Иқтисодий регуляторлар микроиктисодиётни тартиблашда яхши натижа беради, аммо ижтимоий, яъни макроиктисодий даражада тўла-тўқис тартиблашни таъминлай олмайди. Бозор иқтисодиётида милионлаб ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар қатнашади, улар инвидуалашган бўлиб, улар олдиндан келишилмаган хатти-харакатлари билан бозорда иштирок этади. Бозор механизми уларни ўзаро бояласада, тўла мувофиқлаштира олмайди. Шу сабабли макро-иктисодий даражада номувофиклик ҳам бўлиб туради. Фаолият турлари мувофиқлашганда баркарор иқтисодий ўсиш ўзаро мослашув издан чиқса, иқтисодий танглик юз беради. Макроиктисодни тўла

тартиблаб бўлмаганидан иқтисодий тангликлар вақти-вақти билан бўлиб туради.

Бозор механизми тўла тартиблишни таъминлай олмагани сабабли иқтисодиётга давлат аралашади, тартиблишнинг давлат механизми ишга тушади.

3. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади ва вазифалари

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни тартибга солиш борасида давлат муҳим вазифаларни бажаради. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад, бозор муносабатларини муайян ва маълум йўналишлар асосида ривожлантириб, иқтисодий танглик ва бўхроиларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли турмуш даражасининг пасайишига йўл кўймаслиқдан иборатadir.

Ривожланган мамлакатларда бозор иқтисодиётининг давлат томонидан тартибга солиниши оқибатида иқтисодий тангликнинг кескинлиги бирмунча сусайди, бундай ҳолатдан тез чиқиб кетишига, бавзан эса унинг олдини олишига эришилмоқда, аҳолининг турмуш даражалари яхшиланган. Аҳолининг турли ижтимоий табакалари ўртасида ижтимоий бирдамлик келишуви вужудга келмоқда.

Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солища тараккӣ этган мамлакатлар тажрибасига суюнган кўигина ривожланяётган мамлакатлар иқтисодий юксалиш йўлига ўтиб олдилар. Улардан бавзи бирлари, чунончи, Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань, Гонконг, Малайзия ва Таиланд янги индустрисал мамлакатлар деб атала бошлиди.

Бозор муносабатлари шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодий ислохотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқла. Ушбу иқтисодий ўзгартиришларда давлат муҳим вазифаларни бажариб, иқтисодиётни тартиблиш тамойилларини таркиб топтиримоқда. Шу боисдан ҳам юртбошимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: “Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун ҳалкнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараккиётниг етакчи йўналишларини белтилаш, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатни ишлаб чиқиш ва изчил рўёбга чиқариш керак”, деб таъкидлаган эдилар.

Давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш бўйича ривож-лангандан мамтакатларда ҳозиргача тўшланган бой тажрибаларни ўрганиш ва уларни Республика миззининг миший хусусиятларини эътиборга олган холда тадбиқ этиши мувофиқдир. Шунинг учун ҳам давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, уни тартиблашнинг назарий жihatларини ўрганиш мухим аҳамиятга эгадир.

Давлатнинг иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми тў-лик бажара олмаган назифаларни ўз зиммасига олади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг асосий мақсади:

1. Иқтисодий мувозанатга эришиш асосида тушикунлик ва тангликинг олдини олиш;

2. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш;

3. Миллий иқтисодиёт равнақи учун имкониятлар яратиш;

4. Аҳоли турли табақалари ўртасида ижтимоий мувозанатга эришишдан иборатдир.

Маълумки, иқтисодий субъектлар ўзаро рақобатда бўлгани ва ўзларининг шахсий ёки жамоавий манфаатлари юзасидан фаолият кўрсатгани учун уларнинг манфаатлари умумдавлат, жамият манфаатларига зид келиб қолишилари ҳам мумкин. Шунинг учун давлат иқтисодиёт субъектлари манфаатлари ва фаолиятларининг жамият, давлат манфаатларига зид келиб қолмаслигини, унга зиён етказмаслигини назорат киляди. Бу мақсадни амалга ошириш учун давлат иқтисодий субъектларининг макроиктисодий миқёсидаги алоқа ва боғланишларни тартибга солади.

Давлат қуйидаги иқтисодий вазифаларни бажаради.

1. Бозор тизимиини самарали шакллантиришга қаратилган ҳуқукий базани ва ижтимоий атмосферани таъминлаш.

2. Рақобатни ҳимоялаш.

3. Даромадлар ва бойликни қайта тақсимлаш.

4. Миллий маҳсулот таркибини ўзgartириш мақсадида ресурсларни қайтадан тақсимлаш.

5. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ишсизлик ва инфляция устидан назорат ўрнатиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

6. Фан-техника таракқиётини жадаллашувини ва иқтисодиётнинг илғор тармоқларини ривожланишини рағбатлантириш.

7. Даромадларни тақсимлашда адолатни таъминлаш ва аҳолининг иҷочор тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш.

8. Атроф -муҳитни асрар.

9. Дунё бозорида миллий манфаатларни ҳимоялаш. Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини таъминлаш.

Давлат бу вазифаларни бажариш учун ўзининг иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Унинг таркибий қисми бўлиб, иш билан бандлик, ижтимоий, фан-техника, ташки иқтисодий сиёсатлар ва бошқалар ҳисобланади.

Ўтиш даври иқтисодиётидаги давлатнинг роли таркиб тонган бозор хўжалигига караганда кўпроқ аҳамият касб этади.

У ислоҳотларниң ташаббускор ва ҳозиргача ресурсларнинг энг иирик эгаси бўлиб ўтиш жараёнларини бошқариш, бозор инфраструктурасининг ривожланишини рағбатлантириши лозим, бозор бир маромда фаолият кўрсатиб туришини таъминлаш учун шароит яратиб бериш керак.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда бозор механизмининг самарали ишланиш учун шароит яратиш мухим аҳамият касб этади.

Бунинг учун давлат рақобатни рағбатлантириши орқали бозор тизимини саклашни ўз зиммасига олади.

Рақобатлар мухитини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг давлат механизми қўйицагилардан иборат.

- иқтисодий субъектларнинг фаолият қилиш коидаларини белгилайдан;

- аҳолини бозор шароитлари, иқтисодиётнинг ҳолати тўғрисида ахборотлардан ҳабардор қилишдан;

- иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги мупозара, баҳс, зиддиятларни ҳал қилишда кўмаклашиш чора-тадбирларидан.

Бозор механизми факат ҳусусий тадбиркорлар учун фойда келишини таъминлайтидан тобар ва хизматлар ишлаб чиқариши рағбатлантиради. Аммо жамият тараққиёти учун зарур бўлган, аҳолининг кўпчилиги фойдаланадиган ижтимоий товарлар ва хизматлар ҳусусий тадбиркорлик доирасида ишлаб чиқарилиши мумкин эмас. Бундай ижтимоий товарлар ва хизматларга; мактаблар, йўллар, ёнгиндан ҳимоялаш, миллий мудофаа ва ҳоказолар киради. Бино-барин, уларни ишлаб чиқаришини ва улардан фойдаланишини давлатнинг ўзи ташкил қилиши, тартибга солиши зарур бўлади.

Иқтисодиётни тартиблашнинг давлат механизмини тақозо этувчи сабаблардан бири бозор тизимидан ташкарида солир бўлувчи инсон фаолиятининг ва табииатининг салбий, зарарли оқибатларидан аҳолини ҳимоя қилиш заруратидир. Бундай зарарли оқибатларга инсон саломатлигига, табииатга зиён етказувчи омиллар киради. Бозор тизимида бундай зарарлар учун жавобгар шахслардан тобон тўлашга мажбур қилувчи механизмлар йўқдир.

Шунинг учун давлат томонидан иқтисодиётни тартиблаш механизмида аҳолини зарарли кўпимча оқибатлардан ҳимоялаш чора-тадбирлари ҳам мухим аҳамиятга эга. Кўпимча зарарли оқибатлар инсон ҳаётига зиён стказибгина қолмай, иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир қиласди. Шунга биноан улардан

аҳолини ҳимоялаш иқтисодиётнинг ривожланиши учун имкониятлар ҳам яратади. Чунонки бу чора-тадбирлар оқибатиша аҳоли саломатлиги яхшиланса, уларнинг меҳнат кобилияти ҳам ортади. Бу эса аҳолининг меҳнат фаолиятининг ўсишига, иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.

4. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий воситалари ва улардан самарали фойдаланиш

Давлат томонидан тартибга солиш ўз иқтисодий вазифаларини бажариш мақсадида давлат идоралари томонидан амалга оширадиган қонунчилик, ижрочилик ва назорат килишни кўзда тутувчи чора-тадбирлардир. Давлат тартибга солиш орқали ижтимоий-иктисодий жараёнларга аралашади ва мамлакат иқтисодий тизимини мувозанатли ва барқарор ривожланишини тъминлайди.

Давлат иқтисодиётни тартибга солишида қуйидаги воситалардан фойдаланади:

1. Конун чиқариши.
2. Соликлар орқали.
3. Бюджет орқали – а) субсидиялар, б) дотациялар, в) субвенциялар
4. Кредитга таъсир этиш.
5. Бож тўловларини ўрнатиш.
6. Экспорт лицензиялари.
7. Антиинфляцион чора-тадбирлар.
8. Социал сиёsat олиб бориш.

Янги давлат иқтисодиётини тартиблишда маъмурий-хукукий ва иқтисодий воситалардан фойдаланади.

Маъмурий-хукукий воситалар тўғридан-тўғри мажбурий тақиқлашади. Масалан Республика хукумати маълум бир маҳсулотларни четга чиқаришга рухсат бермайди ёки ички бозорда ҳалқ истемол молларини хорижий валютага сотилишини тақиқлади.

Хуллас, давлат қонунчилик орқали иқтисодиётни тартибга солади. Конун чиқарувчи давлат органи яъни Парламент томонидан иқтисодий ҳаётга оид қонунлар қабул килинади, қонунларда иқтисодиётнинг тартиб-коидалари белгиланади. Иқтисодий ҳаракатлар шу қонунларга биноан юз бериши талаб килинади, давлат қонунларнинг бажарилишини назорат қилади, қонунбузарларни тартибга чакиради.

Ўзбекистонда ҳам Олий Мажлис томонидан бозор иқтисодиётини шакилантириш, бозорга хос иқтисодий механизмни яратишига оид кўплаб қонунлар қабул килинди. Ўзбекистонда қонунлар устивор, ҳамма унга баб-баравар риоя этиши шарт деган қоида мавжуд.

Конунчилек иқтисодий фаолиятнинг хукукий асосларини белгилаб беради. Давлат конунларини ишлаб чиқиши билан чекланмай, уларнинг жорий этилишини таъминлаяди.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг энг мухим давлат воситаларидан бири, ўз мулки бўлган тармоқ, ва корхоналарни бошқариш, яъни бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шугууланишидир.

Давлат мамлакат ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмини мулк эгаси сифагида бевосита ишлаб чиқариши жараёнини ташкил қиласди, режалаштиради ва уни назорат қиласди. Давлат тадбиркорлик фаолияти орқали фан-техника инқилоби талабларига кўра ҳалқ хўжшиги тузилишини шакллантиришга ҳамда бозор баҳоларидан бирмунча наст баҳоларда товар сотиши ва хизматлар кўрсатиш орқали ишлаб чиқаришининг бошқа секторларининг ривожланишига кўмаклашади. Давлат мулки ва соҳибкорлиги кўлами бозор иқтисодиёти шаронтида чекланган бўлади. У асосан, мамлакат иқтисодиётини самарали ривожлапиши учун имкониятлар яратишга хизмат килади.

Унинг доирасига Ўзбекистон Республикасида, биринчидан, олтин, уран, нефть, газ, кўмир, рангли металлар ва бошқа табиий бойликларни қазиб чиқариши саноати тармоқлари; энергетика, темир йўл, автомобиЛЬ йўллари, транспортнинг бир қисми кириши лозим.

Қазиб чиқарувчи тармоқлар маҳсулотлари Республикасининг энг мухим миллий бойлиги ҳисобланади. Энергетика ва транспорт эса ҳалқ хўжалигининг ҳаётгий қон томирларицир. Шу билан бирга, уларнинг капитал ҳамкорлиги юқори ва айланиш муддати узок бўлғанлиги учун хусусий корхоналарнинг бу соҳадаги ташаббускорлиги чекланган бўлади. Ана шу сабабларга кўра, ушбу тармоқларни давлат бевосита бошқариши мақсадга мувофиқдир. Ҳамма ривожланган мамлакатларда ҳам давлатнинг капитал маблагларининг кўп қисми уибу соҳаларга йўнаштирилаци.

Давлат, биринчидан, ўзига карашли тармоқ ва корхоналарнинг самарали ишлости учун хом-ашё, асбоб-ускуналар, иккинчидан, бошқарув апиарати ҳодимларини молия билан таъминлаш, учинчидан, меҳнатта лаёқатсиз майиб-мажрухлар, қариялар, етим болалар, камбағаллар ҳамда кўп болали оиласлар, ёлгиз, қаровсиз кишиларга ёрдам мақсадида истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаш, тўртинчидан, ҳарбий анжомлар, қурол-яроғлар армия учун лозим бўлган истеъмол товарларини ва хизматларини ишлаб чиқариш, бешинчидан, турили хил табиий оғатларнинг олдини олиш учун давлат заҳираларини ташкил этишиб мақсадида товарлар сотиб олади. Бунинг оқибатида давлатнинг товарлар ва хизматлар бозори шаклланади. Давлат бозори мухим ижобий роль ўйнайди. Бу бозор кафолатли бўлиб, унинг тўлов қобилияти давлатнинг бюджет ва ва-

люта фонди орқали таъминланади. Ҳар қандай бозор конъюктураси шароитида ҳам давлат буюртмаси ва шаргномалари юзасидан ишлаётган корхоналар бозори касод бўлмайди. Бу бозор давлат буюртмалари орқали тартибга солинади, унда келишилган баҳолар амал килиади ва унинг иштирокчиларига барқарор фойда келтиради.

Ўзбекистон Республикасида давлат иқтисодий жиҳатдан кўмакка муҳтоҷ бўлган аҳолини социал ҳимоялаш мақсадида истеъмол товарларини ва хизматларини ҳарид килиш тобора ортади. Фантехника инқилоби талабларига бинопи фундаментал фан, иллюр илмталаб тармокларни ривожластириш, маориф, кацрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, давлат корхоналари ва ташкилотлари учун товар ҳарид қилиш, давлат буюртмалари бериш саломокли бўлади. Ўзбекистон учун ҳам давлат тадбиркорлиги бозор орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатиш, уни тартибга солиш муҳим аҳамиятга эгаиди.

Иқтисодиётни тартибга солишининг энг муҳим давлат шаклларидан бири дастурләш ва режалаштиришидир. Ушбу тартибга солиш шаклининг зарурияти ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши, меҳнат тақсимоти ва кооперациялашувининг чукурлашуви, давлат мулкининг мавжудлиги, иқтисодиётга йўлланадиган капитал маблағлар ҳаракати ва оқибатларининг узок муддатлигидан ҳамда бозор конъюктурасини ўрганиши билан ифодаланади. Шу боисдан ҳамма ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг ривожланиши прогнозлаштирилади, дастурланади ва режалаштирилади.

Прогнозлар асосида иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилади. Дастурларда иқтисодиёт ривожланишининг моддий ва социал мақсадлари кўрсатилади. Мақсадларни амалга ошириш учун капитал маблағлар солиш режалари тузилади, ишлаб чиқариш ҳажми билан талаб ўртасидаги нисбатлар ўрганилади. Турли ишлаб чиқариш билан импорт ўртасидаги боғликллик, ишлаб чиқариш билан истеъмол, ишлаб чиқариш билан экспорт, экспорт билан импорт ўртасидаги боғликларлар аниқланади. Бунинг учун тармоклар аро балансни тузиш, аҳоли рўйхатини ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бизда бир неча марта тармоклараро баланс тузилган, аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилган. Иқтисодий ривожланишининг умумдавлат дастурлари асосида режалар қабул килинади. Илгари маъмуритчиликка, буйруқбозликка асосланган жамиятда иқтисодий режалар директив ҳарактерга эга бўлиб, юкоридан белгиланиб, куйидаги хўжалик бўғинлари учун мажбурий эди.

Давлат бозор иқтисодиётини ривожланитиришининг воситаларидаи бири бўлган рақобат механизмиининг тўлиқ ишлаши учун ҳамда аҳолини маълум даражада ижтимоий ҳимоялаш мақсадида иқтисодий монополизмга карши чора-тадбирларни амалга ошириб боради.

Маълумки, Иттифоқ даврида, давлат мулкининг яккаҳокимлиги, режали хўжалик юритиши тизимишинг амал қилиши оқибатида иқтисодий рақобат учун шароит бўлмас эди. Тадбиркорлик ва танлаш эркинлиги ҳам мавжуд бўлмаган. Шу боисдан Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш учун ракобатчиликни ривожлантириш лозим бўлади. Буниш учун давлат мулкини унинг ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириянишинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки, яшидан ташкил топадиган акционер жамиятлар, концерн, уошималар, хусусий фирмалар яна иқтисодий яккаҳоким бўлиб қолишлари мумкин. Шу боисдан ривожланган мамлакатларда тўтиланган яккаҳокимликка қарши кураш тажрибалари асосида антимонопол сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадига мувофиқдир.

Японияда иккинчи жаҳон урушидан кейин монополияларни ман килувчи қонунга амал қилишни назорат қилувчи қўмита ташкил томониган бўлиб, у мустақил иш юритади ва кенг ваколатларга эгадир. Қонунчиликнинг бузилишини қўмита аникласа на бу ҳолат суд томонидан тасдиқланса, уни бузган фирмага жуда катта жарима солинади. Қўмита ўзаро рақобат қилувчи корпорацияларнинг бир-бирлари билан картель шартномалар тузишларини ман килади. Агар ани ташкилга шундай шартномалар иқтисодий зарурат сифатида тузилса, киска муддатли бўлишини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам иқтисодиётда ракобатчилик мухитини вужудга келтириш мақсадида 1992 йилнинг авгуаст ойида “Монопол фаолиятини чеклаш тўғрисидаги” қонун кучга киритилди. Унинг асосида эса иқтисодиётда ракобатчиликни ривожлантиришга қаратилгани бир қагор норматив хужжатлар ишлаб чиқилиб, улар амалга оширила бошланди. Давлатнинг иқтисодиётини тартибга солиш, механизмида аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ночор яшаётган гурӯхларини ижтимоий ҳимоялаш мухим ўрин тутади. Аҳолининг ёрдамга муҳтоҷ қисмини ижтимоий ҳимоялаш, қўшлаб-кувватлаш мақсадида даромадлар давлат томонидан қайта тақсимланади. Даромадларнинг қайта тасимланishi тизимида давлат мухим ўрин тутади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмида макроиктисодий барқарорлаштириш чора-таъбирлари ҳам мухим ўрин тутади. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароигида ишбилармонлик фаолияти ўзгариб туради, иқтисодий ўсииш унинг пасайиши билан алмашшиб туради. Унинг оқибатида фирмаларнинг синиши ва ишсизларнинг кўпайиши ортади, аҳоли турмуш даражаси пасаяди, улар кўп қийинчиликни бошдан кечирадилар. Давлатнинг иқтисодиётда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш механизми ёрдамида иқтисодий ўсиш циклидан танглиқка пасайишга ўғишдаги салбий оқибатларни чеклаш, шунингдек, тантликтан иқтисодий ўсиш сари ўтиш имкониятларини вужудга келтириш амалга оширилади.

Ўз навбатида давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий воситалари икки туркумдан иборатдир:

1. Бюджет.
2. Пул-кредит сиёсати воситалари.

Улар ҳам бевосита ва билвосита усувларга бўлиниди.

Давлат бу усувлардан фойдаланиб жами таълаб ва жами таклифга таъсир этади. Натижада реал ялни миллий маҳсулотни мувозанатлашган даражасини, уни ишлаб чиқариш мумкин бўлган ҳажмга яқинлашишини таъминлади.

Бевосита усувлар билан давлат:

1. Ишлаб чиқариш ҳажмини.
2. Фойдаланилаётган ресурслар миқдорини.
3. Нархлар даражасини ўзгартиради.
4. Хўжалик юритувчиларнинг иқтисодий фаолиятига бевосита арадаши бунга: а) давлат ҳариди;

б) маҳсулотларни олиб келиш ва олиб чиқиш квоталари;
в) ижтимоий дастурлар;
г) ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдамнинг ҳар хил шакллари;
д) қайд этилган нархлар киради.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг билвосита усувлари ижтимоий-иктисодий жараёнларга эгилувчан тарзда таъсир этади. Бу усул билан хўжалик юритувчи субъектларни хулқ-атворини ўзгартариш мумкин.

Бунга: 1. Соликлар.

2. Ижтимоий сугуртага ажратмалар меъёрлари.
3. Фоиз ставкалари ва ҳ.к. лар киради.

5. Иқтисодиётни тартибга солишнинг молиявий дастаклари.

Давлатнинг монетар сиёсати

Иқтисодиётни тартибга солишда давлат молиявий дастакларини ишга солади.

Бунда давлат бюджет ва пул-кредит сиёсатини олиб боради. Бюджет ёки фискал сиёсат деганда ҳукумат ҳаридлари ва солик тизмини ўзгартаришта қаратилган чора-тадбирлар мажмуси тушунилади.

Давлат бюджет ҳаражатларини (давлат ҳаридлари ва трансферт тўловлари) кўпайтиради ёки камайтиради. Бу тадбирлар жами талабга бевосита таъсир қиласи ва у билан тўғридан-тўғри хўжалик юритишни тартибга солишни амалга оширади.

Соликлар давлат харажатларини молиялаштириши асосий манбадир. Соликларни ўзгартариш билан давлат инвестицияларини, жамғармаларни рағбатлантиради.

Иктисодий кўтарилиш даврида давлатнинг кўшимча аралашувисиз солик тушумларини автоматик тарзда ўсиши ҳисобига истемол талаби камайиб боради, аксинча пасайиши даврида ижтимоий тўловларни ўсиши ҳисобига кўпайиб боради.

Соликлар ҳар қандай ишлаб чиқарувчилар ва оддий фуқароларнинг харажатига киради. Давлат соликларини оширса, харажатлар ҳам ошади, бинобарин, бу фойдани қисқартиради, натижада ишлаб чиқаришни ўстиришда манфаатдорлик камаяди. Соликлар камайтирилса, харажатлар пасайиб, фойда кўпаяди. Бунда манфаатдорлик кучайиши билан бирга ишлаб чиқаришга фойданинг реинвестициялаш (кайта қўйиш) имкони ҳам кенгаяди.

Фан-техника тараққиёти юзага келтирган янги ишлаб чиқарни соҳалари борки, уларни жадал ўстириш талаб қилиначи. Бу соҳаларда чиқарилган товарлар бозорбоп бўлиб, яхши сотилади ва катта фойда келтиради. Бу маҳсулотлар саноатнинг бошқа соҳаларида ишлатилгани ҳам катта наф беради. Масалан, ёнилғини тежовчи ўта чидамли двигателлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга соликдан енгиллик берилса, уларнинг харажатлари солик ҳисобидан камаяди. Натижада двигателларни ишлаб чиқарини ва оммавий кўлланиши кўпаяди, улар иктисодий ўсишга олиб келади, Эски бозори ўтмас маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатиши зарур бўлса, соликлар кўпайтирилади, натижада харажатлар кўпайиб, фойда камаяди, охироқибатда фойда олини учун янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтилади.

Соликлар ўз-ўзидан эмас, балки мукобил танлов қоидасини инга солиши орқали иктисодий ўсишини рағбатлантиради.

Давлат соликларидан тадбиркорликни, хайр-эхсон ишларини, экспорт-импортни, хориж капиталининг кириб келишини рағбатлантириши учун ҳам фойдаланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси конунларига кўра янги очилган кичик фирмалар, фермер хўжаликлари икки йилгача соликдан озод қилинади. Хайрия ишларига сарфланган даромадлардан ҳам солик олинмайди. Экспортбоп товар чиқарувчи корхоналар ҳам солик имтиёзлари оладилар.

Давлат фирмаларга солик кредитини беради. Бунда солик тўлашиб муддати кечиктирилади, яъни солик пули кредитга (қарзга) айлантирилади ва у инвестиция учун ишлатилади. Масалан, корхона ҳар йили 5 млн. сўм солик тўлаши керак.

Бу солик 5 йил муддатга фоиз тўланмайдиган имтиёзли кредитга айлантирилади, натижада корхона 25 млн. сўмни ишлаб

чиқаришга йўллаб, уни ўстиради ва соликни топган пулидан 5 йилдан сўнг тўлайди.

Соликлар иқтисодий вазиятга қараб ўзгартириб турилади. Иқтисодий танглик бўлганда инвестицияни рағбатлантириш мақсадларида соликлар камайтирилади. Иқтисодий ўсиш шароитида соликларни тўлаш қийинчлилк түғдирмайти ва инвестицияларнинг имконияти катта бўлади.

Давлатнинг пул-кредит сиёсати бу пул муомаласи ва кредит соҳасидаги чора-тадбир мажмуудир.

Умуман, давлат иқтисодиётга кредит тизими орқали фаол таъсири этади. Бунда ссудага бериладиган пул микдорини ўзгартириш учун фоиз воситаларидан фойдаланади.

Кредит муносабатида марказий банклар марказий резерв тизими вазифасини ўтайди, улар давлат таъсирида бўлади.

Давлат кередитга бўлган талаб ва таклифни марказий резерв тизими орқали ўзгартиради. Бу иш 3 йўл билан амалга ошади.

1-йўл. Давлат марказий резерв тизими орқали банклар маблағининг қарзга бериладиган ва резервда турадиган қисмлар улушини ўзгартиради. Резери оширилса, кредитга ажратилган маблағ қисқарди ва аксинча резерв камайтирилса, бу маблағ кўпаяди. Натижада қарзга бериладиган пул микдори ўзгаради, ички пул кўпайса, унинг таклифи ошади, фоиз камаяди, аксинча у қисқарса таклиф камаяди, демак фоиз ошади.

Фоизнинг камайиши кредитни арzonлаштиради, унга интилишини кучайтиради, олинган қарз инвестицияга жойлаштирилиб, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Фоизни ортиши кредитни қимматлаштириб, унга камроқ ундейди, инвестиция қисқарди, иқтисодий ўсиш сустлашади.

2-йўл. Марказий резерв тизими ўзи бошқа банклардан оладиган фоизни ўзгартиради. У бошқа банкларга паст фоиз ҳисобидан қарз береб, уларга молиявий ёрдам кўрсатади.

Имтиёзли қарз олиш банкларга кувват берганидан улар кредитлаш ишида фаол катнашиб, иқтисодий ўсишга таъсири эта оладилар.

3-йўл. Давлат марказий резерв тизими орқали хазина икселларини (мажбуриятларини) тарқатади, ўз заёмларини сотади ёки қимматбаҳо қоғозларни сотиб олади. Давлат икселларни банкларга ёки бошқа молия ташкилотларига сотиш орқали уларнинг маблағини ўз ихтиёрига олиб қарзга бериладиган пул микдорини қисқартиради. Икселларни харид этганда давлат, уларнинг қарз пули микдорини оширади. Бу ҳодиса давлат заёмлари облигациясини сотиш ва сотиб олишдаям юз беради. Натижада қарзга таклиф этилган пул микдори ўзгариб, бу фоизга таъсири этади. Қарзга олиниб ишлаб чиқаришга

солинадиган шул суммасининг кўнайиб ёки камайиб туриши икти-
садиётга таъсир этади. Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифни
ўзгартириш сиёсати монетар сиёсат дейилади. Бу сиёсат билан
давлат иктисадиётни тартибга солади. Фискал ва шул-кредит сиёсати
усуллари иктисадиётни тартибга солишнинг билвосита усулларицир.

Аралаш ва айникса ўтиш даври иктисадиётида микродаражада-
даям, макродаражадаим ижтимоий-иктисадий жараёнларга давлат
аралашувининг бевосита иктисадий усулларидан кенг фойдалани-
лади.

Бевосита усуллар:

1. Давлат харидлари.
2. Ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам шакллари(дотация, субси-
дия, субвенциялар).
3. Ижтимоий дастурлар.
4. Қайд этилган нархлар.
5. Экспорт ва импорт килинадиган товарларга квоталардан иборат-
дир.

Давлат хариди товар ва хизматлари, ижтимоий эҳтиёжларини,
аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаш мамлакатни мудо-
фаа курдатини мустаҳкамлаш, инфраструктурасини ривожлантириш
ва ҳоказолар мақсадида амалга оширилади.

Эркин (келишилган) нархлардаги давлат хариди ислоҳотга қаҳар
Республикада кенг қўлланилган мажбурий маҳсулот етказиб бериш
бўлиб, давлат буюртмаси дейиларди.

Давлат буюртмаси давлат харидларидан фарқли равища қайд
етилган давлат нархлари асосида ўрнатилган ва марказлашган тарзда
моддий-техника ресурслари билан таъминланган.

Давлат ўз харидлари билан жами талабга ва бугун макроик-
тисадий мувозанатга тўғридан-тўғри таъсир этади.

6. Иктисадиётни давлат томонидан молиявий соғломлаштириш

Давлат иктисадиётини тартибга солища молиявий санация (соғ-
ломлаштириш)дан кенг фойдаланади. Санацияда давлат корхонала-
рининг молиявий аҳволини яхшилашга қаратилган молия ва кредит
таҷбирларини ишга солади. Санация иктисадиёт учун аҳамияти кат-
та корхоналарни танг холатдан чиқариб, уларни нормал ишлаб ту-
ришини таъминлаш ҳамда корхоналарни оммавий банкрот бўлишига
йўл бермасдан, рақобатчи корхоналар сонини керакли меъорда
саклаб туриш мақсадларида амалга оширилади.

Санациялаш йўллари кўп: корхона қарзини кечиб юбориш ёки
уни ўзгалар хисобидан тўлаш, қарзни тўлаш мушдатини кечикитириш,
қарз учун бериладиган фоизни камайтириш ёки умуман олмаслик

корхонага солиқдан енгиллик беріш, солиқни кредитта айлантириш, корхонага буюртма беріб, уннинг ҳақини олдиндан тұлаш, субсидия ажратиши, корхонага экспорт юзасидан имтиёзлар беріш.

Давлатнинг санациядаги иштироки икки шарти ҳисобға олади. Биринчиси, корхонанинг миллий ёки ҳудудий иктиносидёт учун аҳамияти катта бўлиши керак, иккинчиси корхонанинг таңг аҳволга тушиб қолишига уннинг ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа обьектив сабаблари бўлиши лозим. Давлатнинг корхонага ёрдами бозор талабига зид келмаган тақдирдагина унга кўл уради. Ёмон ишлабган, бозор талабига мослаша олмасдан молиявий инқирозга юз тутган корхонага давлат ёрдам бермайди, чунки бу бозор коидаларига зид келади.

Хўжалик субъектларига давлат молиявий ёрдами ўз ичига дотация, субвенция ва субсидия каби шаклларини олади.

Дотация бу бюджетдан ва бюджетдан ташқари фонdlардан қайтарилмайдиган тартибда корхоналарнинг ва ташкилотларининг зарарларини қоплап маҳаллий бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш учун ажратиладиган пул маблағларидир.

Субвенция қатъий мақсадлар учун берилган дотация тури бўлиб, агар ундан фойдаланишиш шартлари бузилса уни қайтарилади.

Масалан Республика бюджетидан айрим вилоятларни ижтимоий ривожланиши даражасини тенглаштириш учун субвенциялар ажратилади.

Субсидиялар бу пул ёки натурал кўринишда бўлган ёрдамдир. У бюджет на бюджетдан ташқари фонdlар ҳисобидан кўрсатилади. Уни юридик ва жисмоний шахслар маҳаллий бошқарув ташкилотлари оладилар. Субсидиялар қайтариб берилимайди. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин.

Тўғри субсидиялар капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, ходимлар қайта тайёрлашга кетган ҳаражатлар кўринишида ажрагилиши мумкин.

Эгри субсидиялар солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартларда кредитлар беріш, пасайтирилган божхона божлари кўринишида кўрсатилади.

Бозор иктиносига ўтган мамлакатларда давлат субсидияларидан миллий иктиносини разбатлантириш ва уни дунё бозоридаги мавқенини кўтариш воситаси сифатида фойдаланаади.

Субсидия ҳам давлат ўз сиёсатида кўлилайдиган асосий молия воситалари сарасига киради.

Субсидия давлат томонидан аник мақсад йўлида ишлатилиш учун қайтариб олмаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағидир.

Субсидиялар иктиносидётни диверсификациялаш экспорт-импортни мувозанатлаштириб туриш, янгиликни ўзлаштириш ишлари-

ни йўлга қўйиш, айрим худудларга ёрдам бериш, конверсия (харбий ишлаб чиқаришдан ҳалққа керакли товар ишлаб чиқаришга ўтиш) максауларида ажратилади. Айтилган ишлар серҳаражат бўлганидан субсидия харажатларни бутунлай ёки кисман қоплаш учун берилади.

Масалан, диверсификация катта жорий сарфларни талаб қиласди, шу боис уларни қоплашса давлат субсидияси ҳам иштирок этиади. Субсидиялар экспортни кисқартириш ёки тўхтатиб туриш учун ҳам ишлатилади. Жаҳон бозорига нархни ушлаб туриш учун бозорга кўшимча товарларни чиқармаслик зарур бўлганда, давлат ўз товарларини захирага ўтказиб турган фирмаларга субсидия бериб, товарларни саклаб туриш харажатларини қоплади. Субсидиялар миллий саноатни ўстириш учун ҳам берилади. Ташқаридан ҳом ашё киритиб, ташқарига тайёр маҳсулот чиқаруучи корхоналар ҳам субсидиядан баҳраманд бўладилар.

Давлат техника янгиликларини жорий этиш, ресурсларни тежаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни иқтисодиёти суст ривожланган ҳудудларга жойлаштириш, экспорт потенциалини ошириш дастурларини ишлаб чиқади. Бу ластурлардаги давлат тавсияларига биноан иш тури корхоналар давлатдан субсидия оладилар.

Кайд этилган нархлар давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усулиларицандир.

Бизга маълумки, бозор тизимида нархлар талаб ва таклифни тартибга солувчи асосий воситадир. Бирок дунёнинг деярли барча мамлакатларида давлат нархларни тақлантариш жараёнинг бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Давлатнинг бевосита аралашуви давлат бўғинида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга, хусусий бўғиннинг баязи маҳсулот турларига, масалан, кишилк ҳўжалик маҳсулотлари, кўмир, металл ва бошқаларга белгиланадиган нархларни ўрнатишда ифодаланади.

Экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларига квоталар ўрнатиш кўп мамлакатларда ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадида қўлланилади.

Бу чоралар талаб ва таклиф ҳажмига тўғридан-тўғри таъсир этиади ва давлат томонидан бошқа чора-тацбирлар қаторида миллий иқтисодий мувозанатни тартибга солиш учун фойдаланилади.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Мувозанатлик – миллий иқтисодиётда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида қарама-қаршилик бўлмайди ва ресурслар, товарлар ва даромадларнинг доиравий айланиши узилишсиз амалга оширилади.

Жами талаб билан тәклиф ўртасидаги мувозанат – талаб билан тәклиф мувозанат ҳолатига келганды товарлар сотилиб эхтиёжалар қондириллади. Ресурслар тикланиб, ишлаб чиқариш тақрорланади.

Үй хўжаликлари даромади билан уларнинг ҳаражатлари ўртасидаги мувозанат – кишилар ЯММ дан ўз ҳиссасини пул шаклида олашибар, кейин бу пулни бозорда товарларга айирбошибаб тирикчилик киладилар.

Бозор координацияси-корхона, фирмалар фаолиятининг бозор оркали мослашишидир.

Бозор регулятори- ижтимоий ишлаб чиқаришни ижтимоий талабга мувоғиқлаштириш оркали иқтисодиётни тартибга солади.

Давлатнинг пул кредит сиёсати- бу пул мусаласи ва кредит соҳасидаги чора-тадбирлар мажмуасидир.

Санаация – бунда давлат корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилашга қаратишган молия ва кредит тадбирларини ишга солади.

Takrorlaш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иқтисодиётда қандай мувозанатликлар бор?
2. Мувозанатга эришишининг қандай йўллари бор?
3. Бозор координациясини қандай тушунасиз? Ўнинг амал қилишини мисоллар ва ҳисоб-китоблар билан изоҳлаб беринг?
4. Нарх иқтисодиётининг асосий регулятори булишининг сабаби нимада?
5. Бозор координациясининг афзалигиги нимада?
6. Микроиқтисодий тартибланишни нимада кўриш мумкин?
7. Иқтисодиётни тартибга солишининг бозор механизмини тушунишиб беринг?
8. Давлат иқтисодиётни тартибга солища қатнашишининг зарурлиги нимада?
9. Давлатнинг иқтисодий вазифалари нималардан иборат?
10. Давлат иқтисодиётни тартибга солища қандай восигалардан фойдаланади?
11. Давлатнинг монетар сиёсатининг мазмунини тушунтириб беринг?
12. Давлатнинг социал сиёсати нималардан иборат?

Адабиётлар:

- Каримов И. Узбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналиши. Тошкент. «Ўзбекистон». 1993.

- Каримов И. Ўзбекистон бозор муносабатлариға ўтишининг ўзига хос йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993.
- Каримон И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон». 1995.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Перевод с англ. со 2-го изд. Гл. 4, 13, 14, 21, 22, 28 и М. «Дело ЛТД», 1993.
- Мәнъю Н.Г. Макроэкономика. Перевод с англ. Гл. 12-16. М. Изд. МГУ, 1994.
- Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс; принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Перев с англ со 2-то изд. Том 2. Гл. 33-34, 37-38. М. Изд. «Республика», 1992.
- Экономика переходного периода. Учебное пособие (под ред В.Радаева). Гл. 10-12. М. Изд. МГУ.1995.
- Введение в рыночную экономику. Учебное пособие для экономических вузов (А.Я. Лившич и др). Под. Ред. А.Я. Лившиц. Гл. 4, 6,7, 12-14, 18-19. М. Высшая школа. 1994.
- Ўлмасов А, Шарифхўжасев М. Иқтисодиёт назарияси. 19-боб. Тошкент. «Меҳнат», 1995.
- Бекназов на бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. 8-10-11-мавзулар. Тошкент. «Университет». 1993.
- Йўлдошев З., Косимов Н. Макроиктисодиёт асослари. 14- боб. Тошкент, «Ўқитувчи». 1994.
- Хакимова М. Макроиктисодиёт. Тошкент, «Меҳнат», 1997. 8-боб.
- Умаров К.Ю. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: «Университет», 2002.

ХХVIII БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ, УНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши.
2. Жаҳон хўжалигининг қонуниятлари.
3. Жаҳон хўжалигида интеграция ва дезинтеграция.
4. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига кириб бориши.

1. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши

Бозор иқтисодиёти табиатан байналминал ва шу сабабдан ҳам миллий доирадан ташкари чиқиб, ҳалқаро миқёсига тарқалади. Аммо, бу жараён узок давом этиб, тобора янги ва янги мамлакатларни, фаолият турларини, фирма ва компанияларни ўз домига тортади, гоят мураккаб иқтисодий алоқаларни юзага келтиради.

Жаҳон хўжалиги ҳалқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва уларнинг амалга ошиб бориши воситаларининг бир бутун яхлитлигидан иборат. Ҳалқаро меҳнат тақсимоти бу хўжаликнинг моддий асосини ташкил этади.

Жаҳон хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг асрлар давомида ривожланиши, миллий, регионал ва умумжаҳон миқёсида меҳнат тақсимотининг узулуксиз чуқурлашиб бориши, турли мамлакатлар миллий ишлаб чиқаришининг яккаланган ҳолатидан чиқиши ва уларнинг аста-секин давлатлараро хўжалик тизимига кириб боришининг натижасидир. Меҳнат тақсимоти товар ишлаб чиқаришнинг умумий асоси сифатида бозор муносабатларига олиб келади, уларнинг ривожи эса миллий доирадаги хўжаликларни ва алоҳидалашган ишлаб чиқарувчиларни дастлаб ягона ички бозорга, кейинчалик эса умумжаҳон бозори доирасига тортади.

Ҳалқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши мамлакатлар ўртасидаги фан-техника, ишлаб чиқариш, савдо-иқтисодий алоқаларнинг объектив асоси ҳисобланади ва шу туфайли ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви умумжаҳон жараёнинг айланди. Ҳуллас, ҳалқаро меҳнат тақсимоти – бугун жаҳон хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омилидир.

Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши, турли мамлакатлар ва қитъалар ўртасида мунтазам алоқаларнинг ўрнатилиши тарихан иқтисодиётнинг миллий алоҳидалашувини жиддий чеклайди. Бутун Ер куррасида машиналашған ишлаб чиқариш, энг аввал йирик саноат, алоҳида мамлакатлар хўжалигини бир-бирига боғинқ қилиб кўяди.

Хұжалик фаолиятининг байналминаллашуви жағоншумул иқтисодий муносабатларни бутун башарият цивилизациясининг яхлит таянчига айлантиради. Жағон хұжалиги ғоят мұраккаб иқтисодий алоқаларни англатади, бу алоқалар халқаро миқёсіда аралаш иқтисодиётта хос алоқалар бўлиб, мазмунан бир тоифадаги муносабатлар эмас. У икки гурӯҳ муносабатларининг бирикмасыдан иборат. **Биринчиси** – соғ бозор муносабатлари. Бу бозорда таşкил топған нарх-наво асосида эквивалент айирбошлиш, ўзаро ракобат, пул билан муюмала қилиш, фойда топишга интилиш ва бошқалар. Шундай муносабатлар давлатларо алоқаларга, фирмаларнинг халқаро фаолиятига ҳам хос. Бу муносабатлар иқтисодий алоқалар тизимида етакчилик қиласы, аммо улар танҳо эмас.

Иккинчидан-муңтазам ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш муносабатлари бўлиб, улар эквивалентлик ёки фойда топиш тамойилига асосланмайди. Бу ерда ракобат ўрнига ҳамкорлик, доимий шериклик алоқалари ҳукмроюлик қиласы. Халқаро муносабатларда улар иккиламчи, ҳали етакчи мавқега эта бўлмайди.

Халқаро муносабатларнинг табиатини унда иштирок этувчи мамлакатлар миллий доирасидаги муносабатлар белгилайди. Шу боисдан ҳозирги бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиёт бўлар экан, унга хос бўлган икки ёқлама муносабат халқаро доирага ҳам тарқалади.

Жағон хұжалиги муносабат тарзида ўз обьекти ва субъектига эга. Халқаро миқёсда ресурсларнинг тақсимланиши ва самарали ишлатилиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, уннинг кооперацияси, иқтисодий интеграция, савдо-сотик, илмий-техникавий ҳамкорлик, колоқлик ва қашшоқликка чек кўйиши, экологияга путур етказмайдиган иқтисодий фаолият юритиш кабилар умумжағон муносабатларининг обьекти бўлса, турли давлатлар, халқаро ва миллий фирмалар, байналминал таşкилотлар уларнинг субъекти ҳисобланади.

2. Жағон хұжалигининг конуниятлари

Жағон хұжалиги тараккиётининг ўзига хос бир катор белгилари маънум конуниятлар борлигида дарап беради. Жағон хұжалигининг ўзи меҳнат тақсимотининг маҳсулі, лекин бу хұжалик уни тобора чуқурлаштириб ишлаб чиқаришдаги байналминалликни кучайтиради. Бу эса ихтисослашув асосида ҳаражатларни пасайтириш ва маҳсулотлар, хизматлар сифатини ошириш имконини яратади. Жағон хұжалигиде иқтисодий алоқалар шакллари ўзгариб, уннинг кўринишлари кўпайиб боради, иштирокчилар доираси янги мамлакатлар ҳисобицдан кенгаяди. Кейинги йилларда бу доирага марказий

Осиёning ёш давлатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам кириб келди.

Алоқаларниң чукурлашуви **халқаро иқтисодий интеграцияни** юзага чиқаради ва интеграция уларнинг энг олий шаклига айланади. Мамлакатлараро, минтақалараро интеграцион алоқалар нировард натижада умумжаҳон интеграцияси билан якунланади.

Жаҳон хўжалиги тараққиётida иқтисодий ва ноиқтисодий зўравонлик, тенгизлиқ ва эксплуатацияга асосланган адолатсиз алоқаларни цивилизациялашган, яъни тенгликка, барчанинг мағфаатини ҳисобга олувчи адолатли алоқаларга айланиши юз беради. Агар ёввойи бозор иқтисодиёти шароитида биринчи гуруҳ халқаро алоқалир ҳукмронлик қўлигандан бўлса, цивилизациялашган бозор иқтисодиёти босқичида иккинчи гуруҳ алоқалари етакчи мавқеда туради.

Мустамлакачилик тутатилиши билан жаҳон хўжалигида тенглик ва ўзаро мапфаатдорлик коидаларига асосланган алоқалар пайдо бўлаци. Жаҳон хўжалигининг субъекти бўлган турли мамлакатларниң иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан бир-бирига яқинлашуви бу хўжаликка хос муҳим қонуният ҳисобланади. Аммо бу жаҳон миқёсидаги давлатлараро рагобат доирасида борадики, кам ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти юксак тараққий этган мамлакатларга айланиши юз беради. XIX аср охирида Англия саноати энг ривожланган мамлакат бўлса, XX асрнинг 70-йилларига келиб АҚШ, Япония, Франция, Германия, Канада ва Италия ҳам ривожланган мамлакатларни ташкил этди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб уларниң сафига Осиёдаги янги индустрисал мамлакатлар деб аталмиш Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия ва Таиланд келиб кўшилди. Илгари деярли ҳаммаси мустамлака бўлган бу мамлакатлар иқтисодиёти таркибида яқиндагина ривожланашётган мамлакатлар учун хос бўлган қишлоқ хўжалиги ва уцирма саноат устунлик қиласар, жон бошига тўғри келадиган даромадлар жуда паст, ички бозор ривожланмаган эди.

80-йилларнинг охирига келиб вазият кескин ўзгарди, Осиё мамлакатлари жаҳондаги тараққий этган мамлакатларни ривожланиши суръати жиҳатидан кувиб ўта бошлади. 90 йиллари ЯММнинг ўртача йиллик ўсиш суръати Жанубий Корсияда 12,2%ни, Сингапур ва Таиландда 11%ни, Малайзияда 8,1%ни ташкил этди. Жон бошига тўғри келадиган даромадлар даражаси бўйича Сингапур, Гонконг, Тайвань жаҳондаги бой давлатлар каторига қўшилдилиар.

Бу мамлакатларниң ташки савдоси ҳам юқори суръатлар билан ривожланмоқда. 1990 йили уларнинг жами экспорти фақат АҚШ, Германия ва Япония экспорти суммасидан кам бўлган.

Турли мамлакатлар иқтисодий даражасининг якнилашуви ва тенглашуви цивилизациялашган муносабатлар меваси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг байналминалашуви мамлакатлар иқтисодиётини бир-бирига боғлаб қўяди. Шундай вазиятда тенг хуқуқи ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожланган мамлакатларнинг кам ривожланган мамлакатларга таъсирини кучайтириб, уларнинг ривожига кўмаклашади. Аммо цивилизациялашмаган муносабатлар мамлакатлар ўртасидаги тафовутни бирдан бартараф эта олмайди, чунки ўтмишдаги хотекис тараққиёт натижасида бу тафовутнинг ишдизи чукур бўлади. Шу сабабли цивилизациялашга муносабатларга ўтиш юз берса-да, халқаро иқтисодиёт тизимида катта фарқ бўлади.

Жаҳон хўжалигининг яна бир белгиси унинг миллий иқтисодиётга таъсирининг шиддатли бўлиши ва кучайиб боришидир. Миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётининг таркибий қисмига айланади. Чукурлашга мөхнат тақсимоти ишлаб чиқариши халқаро миқёсда ихтисослаштиради, натижада ҳатто йирик ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ҳам бошқалар билан алоқа қилмай туриб, ўз эҳтиёжини қондиролмай колади, ёки бу иш серҳаражат бўлиб боради. Ташки иқтисодий алоқалар миллий иқтисодиёт равнақининг шартига айланади. Иқтисодиётнинг байналминалашуви мукаррар ҳодиса бўлиб, жаҳон хўжалигида хилма-хил алоқаларни юзага келтиради.

3. Жаҳон хўжалигига интеграция ва дезинтеграция

Интеграция орқали иқтисодиётни ўстириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга эришилар экан, интеграцион алоқалар унинг ҳамма иштирокчиларини шу мақсадга етказиши керак, шундагина бундай алоқалар миллий манфаатларга мос тушади. Акс ҳолда *дезинтеграция*, яъни интеграциядан чекиниш юз беради. Дезинтеграция алоқаларни чеклаш, уларни узиб қўйиш ёки уларни ривожлантири-маслик, давлатлараро иқтисодий ўюшмалар сафидан чиқиб кетишида кўринади. Собиқ Иттифоқ ягона хўжалик мажмуасининг вайрон бўлиши дезинтеграция натижасидир, чунки бу мажмуя миллий манфаатларни рўёбга чиқара олмади, иқтисодий тентсизликка асосланди, турли собиқ республикаларга шу нарсага олиб келдики, улардан бири индустрисал ривожланган бўлса, бошқаси колоқ аграр иқтисодиёт доирасида қолиб кетди. СССР ўрнида мустақил миллий давлатлар пайдо бўлиб, улдарнинг иқтисодий алоқалари тоталитар интеграция харобаларида демократик интеграцияни келтириб чиқарди.

Интеграция жараёни узлусиз, чунки, иқтисодиётнинг ўзи бир ерда тўхтаб кола олмайди. У самарали ишлаб чиқаришнинг таъминлаганидан доимий равишда юз беради, аммо унинг кўлами, шакллари ва усуслари ўзгариб туради. Интеграция корхонанинг тор доирасидан давлатлараро миқёсда юз беради, яъни бир неча давлат

иқтисодиётини қамраб олади. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви мукаррар бўлгандан интеграция алоқалари доираси кенгайиб, янги ва янги мамлакатларни қамрайди. Бу хўжалик фаолияти бир мамлакат доирасидан чиққач, иқтисодиётнинг давлатлараро интеграцияси шицдат билан кенгайиб, широрвард натижада умужаҳон миқёсда тарқалишидан дарак беради. Бир неча мамлакатга хос бўлган иқтисодий интеграция умумбашарий тус олади.

4. Узбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига кириб бориши

Ўзбекистон миллий мустақиллик туфайли жаҳон хўжалиги тизимига кириб бормоқда. Тоталитар тузум шароитида ташки савдо ва ташки иқтисодий алоқалар иттифок тасарруфидаги бўлиб, Республика бу соҳада эркинликка эга эмас эди. Эндиликда ташки иқтисодий алоқаларни тартибга солиш, унинг интеграциясини белгилаш миллий иқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғинига айланди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида жаҳон иқтисодиёти кўшилиб бориб, ташки иқтисодий фаолият тамойизлари ва стратегияси иштаб чиқыди ва амалга оширилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ташки иқтисодий сиёсат тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, бирон-бир мамлакат таъсир доирасига тушиб қолмаслик, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш, турли мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустакил ва гояний қарашлардан холи ўрнатиш тамойилларига асосланади.

Ўзбекистон мустакил давлат сифатида очик иқтисодиётни вуждуга келтириш ва ташки иқтисодий фаолиятларни эркинлаштириш юзасидан фаол чора-тадбирларни амалга оширимоқда. Унинг асосида мамлакатларининг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишини ташкил қиласди.

Бунинг учун Ўзбекистон халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотларга, шу жумладан, БМТнинг иқтисодий бўғинларида, Жалқаро Валюта Фонди, Халқаро молиявий корпорация, Халқаро меҳнат ташкилоти ва х.к.ларга аъзо бўлиб, мустакил фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.

Ўзбекистон кўплиаб яқин ва узоқ чет мамлакатлар билан ташки савдо алоқаларини ўрнатади. Республикада 2000 дан ортиқ хўжаликлар корхона (фирма)лар ташки бозорга чиқиш ҳукукига эга бўлди. Ташки иқтисодий ҳамкорлик шаклларидан бири хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналарни вуждуга келтиришдир. 1997 йил бошшарига келиб, Республикада 2000 дан ортиқ қўшма корхона

рўйхатга олинди. Миллий банк жаҳоннинг 80 дан ортиқ йирик банклари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Чет эл инвестицияларини жаҳон хўжалиги тузилишига кириб бориши ва унда мустаҳкам мавқени эгаллаш учун ҳашк хўжалиги таркибий тузилиши тубдан ўзгартирилиши лозим бўлади. Бунинг учун хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кўпроқ жалб қилмоқда. Унинг натижаси ўларок, УзДЭУ-АВТО каби йирик корхона ишга туширилди. Республикада янги замонавий автомобилсозлик тармоги вужудга келмоқда.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Жаҳон хўжалиги – дунёнинг барча мамлакатлари миллий хўжаликларини ўзаро таъсирини жами, жамият ривожлапишининг обьектив конунлари, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлигини ўсиб бориши уларни яхлитлигини ва амал қилишини белгилаб беради.

Ишлаб чиқариши ихтисослашуви ва кооперациялашуви – тайёр маҳсулот, ярим фабрикатларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришида ёки ишлаб чиқариш – технологик жараённинг маълум босқичларида айрим мамлакатларнинг фирма, бирлашма ва корхоналарнинг ихтисослашувини такозо этувчи халқаро меҳнат тақсимотининг шаклидир.

Халқаро иқтисодий хавфсизлик – жаҳон хўжалиги ва айрим мамлакатлар миллий иқтисодиётини мўътадил ҳаракат қилишини таъминловчи шароитларнинг жами.

Ривожланаштган мамлакатлар – саноати ривожланган мамлакатларга қараганда аҳоли жон бошига ҳақиқий даромад анча кам бўлган мамлакатлар.

Иқтисодиётнинг байналминаллашуви – халқаро меҳнат тақсимоти натижасида айрим мамлакатлар ўртасида барқарор ишлаб чиқариш иқтисодий алоқаларнинг юзага келиши ва уларнинг жаҳон хўжалигига чамбарчас боғланниб кетиши.

Янги индустрисал мамлакатлар – индустрисаллаштириш бўйича юкори ютуқларга эришган замонавий илм-фан тармоклари ташкил этилиб, қайта ишлаш саноаги маҳсулотлари экспортини кенгайтирган ва юкори ривожланган мамлакат кўрсаткичларига якиплашаштган давлатлар.

Эркин иқтисодий ҳудуд – бир мамлакатда хориж капиталининг эркин ҳаракат қилиши учун ажратилган ҳудуд. Бундай ҳудудларда бож олинмайди ёки жуда кам микдорда белгиланади, экспорт-импорт операцияларни назорат қилиш бекор қилинади. Эркин иқтисодий ҳудуд мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришини таъ-

минлаш, ижтимоий ва экологик масалаларни ҳал этиш учун ташкил этилади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Жаҳон хўжалиги деб нимага айтилади? Миллий иқтисодиётдан фарқи нимада?
2. Жаҳон хўжалигининг шақлланиш жараёнини тушунтириб беринг?
3. Жаҳон хўжалигининг байналминал ва ўзаро боғликлигини қандай тушунасиз?
4. Жаҳон хўжалигининг асосий белгиларини кўрсатиб беринг?
5. Интеграция ва дезинтеграция нимани билдиради?
6. Ўзбекистонни жаҳон хўжалигининг тўлақонли, муносаб таркибий кисмига айланишини қандай тушунасиз?

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон XIX аср бўсағасида; ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: «Ўзбекистон», 1997.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М., 1996.
- Илларионов А. Основные тенденции развития мировой экономики во второй половине XX века. Вопросы экономики, 1997, № 10.
- Камаев В.Д. и колл. авт. Экономическая теория. Учебник. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998.
- Ломакин В.К. Мировая экономика. – М., 1998.
- Хасбулатов Р.И. Мироая экономика. – М.: ИНСАН, 1994.
- Тодаро М.П. Экономическое развитие. – М., 1997.
- Макконисл К., Брю С. Экономикс. – М., 1992.
- Фишер С.Р., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М., 1995.
- Ўлмасов А., Шарифхўјасев Н. Иқтисодий назария., Т.: «Меҳнат», 1995.
- Умаров К.Ю. ва бошқалар. «Иқтисодиёт назарияси», Т, «Университет» 1998, 20-мавзу.

XXIX БОБ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА ЖАҲОН БОЗОРИ

1. Халқаро мөхнат тақсимоти моҳияти, омиллари ва афзаликкандариги.
2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва объектив асослари.
3. Асосий интеграцион гурухлар.
4. Жаҳон бозори: ташкил топиши, моҳияти.
5. Капиталнинг халқаро ҳаракати ва унинг шакллари.
6. Чет эл инвестициялари ва уларнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти.

1. Халқаро мөхнат тақсимоти моҳияти, омиллари ва афзаликкандариги

Халқаро мөхнат тақсимоти – мамлакатлар ўртасида айирбошлиш орқали ўзаро боғлангац, маълум микдорий ва сифат нисбатларидаги мөхнат тақсимотидир. Халқаро мөхнат тақсимоти жаҳон миқёсида мамлакатларнинг ўзаро унумли, фойдали иқтисодий алоқа ва ҳамкорлик фаолиялари учун муҳим моддий асос ҳисобланади. Халқаро мөхнат тақсимоти мамлакатлар ичидаги ва уларнинг ўртасидаги алоқаларни ривожланишининг қонуний натижаси бўлиб, улар ўртасидаги ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, тижорат алоқаларининг объектив асоси ва ижтимоий мөхнат тақсимотининг давомидир.

Халқаро мөхнат тақсимотининг ҳаракатлантирувчи кучи ва унинг рағбатлантирувчи омили – мамлакатларнинг унда иштирок этиши кўзланган манфаатлардир. Бунда эришилган иқтисодий самара вақтнинг тежалишида, мөхнат унумдорлигининг ўсишида намоён бўлади. Ушбу самара ишлаб чиқарилётган ва жаҳон бозорида айирбошлиётган товар ва хизматларнинг миллий ва байналминал қийматлари ўртасидаги фарқларда ифодаланадиган қиймат қонунидан фойдаланиш орқали эришилади. Халқаро мөхнат тақсимотида ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг тутган ўрни куйидаги омилларга боғлик бўлади:

- географик жойлашиш ўрни;
- икклим шароитлари;
- табиий, фойдали қазилма бойликлари;
- халқнинг анъанавий ишлаб чиқариш турига ихтинослашуви, унинг анъана ва кўникумлари;
- тарихий ўтмиш, мустамлака ёки қарам давлат бўлган ёки бўлмаганилиги;

- ер майдони, ахолининг сони, билими, касбий малакаси, мааданий даражаси ва ҳ.к.;

- иқтисодий тараккиёт даражаси.

Халқаро меҳнат тақсимоти афзаликлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- халқаро айирбошлишнинг қулай шароитларида экспорт қилинаётган товар ва хизматларниг байналминал ва миллий қийматлари ўртасида ижобий фарққа эришиш;

- арzon импорт эвазига товар ва хизматларни миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришдан воз кечиш ва харажатларни тежаш.

2. Халқоро иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва объектив асослари

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг олий шакли – бу жаҳон хўжалигининг интеграция алоқаларидир. Иқтисодий интеграция гоят мураккаб жараён бўлганидан унга хос ҳодисаларни хисобга олган ҳолда уни баҳолаш мумкин.

Жаҳон хўжалигидаги иқтисодий интеграция-миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий хўжаликлири ўртасидаги узвий боғлиқлик, ҳамжиҳат ривожланишини таъминлаш, турли мамлакатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракат қилиш, ягона умумий бозор ташкил қилиш мақсадларида бирлашувидир.

Дунёдаги иқтисодий алоқалар азалдан бор, лекин улар ҳамиша ҳам интеграцияни билдирумайди. Гоят юксак поғонага чиккан алоқалар интеграцияни заруратга айлантиради. Халқаро интеграция учун учта шарт талаб этилади. Биринчидан, машиналашган ишлаб чиқариш чукур ихтисослашади ва ташкил алоқаларсиз ривожлана олмай қолади. Йиккинчидан, турли мамлакатлар иқтисодий даражасидаги гоят катта тафовут бўлмайди, уларнинг даражаси бир-бирига яқин туради. Учинчидан, турли мамлакатлар ҳудудий умумликка эга бўлиб, уларнинг тарихан ривожланган алоқалари мавжуд бўлади. Мана шу шартлар борлигидан Фарбий Европадаги иқтисодий интеграция амалга 60-йилларда бошланиб, ҳозир ҳам давом этмоқда. Шимолий Америкада ҳудудий умумийлик бўлган бир шароитда мамлакатлар иқтисодий даражаси кескин фарқланадиган интеграция кечикиб бошлаган. АҚШ, Канада ва Мексика интеграцияси 90-йилларга тўғри келади. Айтилган учта шарғ бўлмаса интеграция ривожланмайди. Шу боисдан Япония ривожланган бўлсада, Фарбий Евropa давлатлари ва АҚШ билан интеграциялашмаган.

Интеграцияни бозор иқтисодиётининг фан-техника прогресси шароитидаги ривожланиш келтириб чиқарди, чунки у чукур ихтисослашув ва иқтисодий тенглашув таъминлади. Фан-техника

инқизиб шароитида самарали иқтисодий ўсишни ҳамжиҳатлик билан таъминлаш мумкин бўлган. Замонавий саноат комплексларини, айниқса, технологик мураккаб ва илмталаб ишлаб чиқаришини ўз кучига таяниб ривожлантириш иқтисодий жиҳатдан қулай бўлмаган, чунки бу серкапитал иш бўлиб, катта маблағ ва вактни талаб килади. Буниг учун турли мамлакатлар иқтисодий потенциалини сафарбар килиш, улар маҳсулотини сотиш учун умумий бозор яратиш керак бўлади. Шунинг учун турли мамлакатлар бир-бирлари билан интеграция алоқаларини ўрнатиб, ўзларининг молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини бирлаштириб, янги замонавий корхоналар куришга йўналтириш фойдали ишга айланади.

Иқтисодий интеграция ишлаб чиқариш, фан-техниканинг етакчи тармоқларида чукур ва барқарор кооперация алоқаларини шакллантириш, иқтисодий ҳамкорликнинг турли шаклларини ривожлантиришни бишдиради. У мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириб, ҳамкорликни янада юқори босқичига кўтаради, унга янгича хусусият баҳш этади.

Интеграция ресурсларнинг энг самарали, бинобарин, техника жиҳатидан илғор ишлаб чиқариш соҳаларида тўпланишга ёрдам бераби, бир-бирини ўзаро тўлдирадиган миллий хўжаликларни яратадики, уларнинг яхлитлиги ягона ишлаб чиқариш мажмусини шакллантиради. Натижада ҳалқаро ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва бозор инфратузилмаси юзага келади, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, савдо, молия соҳасидаги ҳамкорлик мунтазам ва доимий тус олади.

3. Асосий интеграцион гурухлар

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти қанча чукур бўлса ва ишлаб чиқаришдаги кооперация алоқалари қанчалик мустаҳкам бўлса, иқтисодий интеграция шунчалик муваффақиятли ва турли шаклларда ривожланади. Унинг энг мукаммал шакли Европа Иттифоқидирки, унга 1958 йили асос солинган, ҳозирги кунда Фарбий Европадаги 15 мамлакатни бирлаштириди.

Бу уюшманинг асосий вазифаси иштирокчи мамлакатлар доирасида ресурслар, товар ва хизматлар харакатини миллий чегарадан холи равишда эркин кўчиб юришини таъминлаш, умумий бозорни вужудга келтириш, бозор носитасида товарларни давлатларро тақсимлаб, аҳоли талаб-эҳтиёжини қондиришdir. Ишлаб чиқаришининг барқарор ўсиши асосида турли мамлакатлардаги турмуш даражаси тенглашади (Агар уни 1990 йили Германияда 100 деб олсан, Англияда 87,0, Францияда 100,4га тенг бўлади.). Демак, интеграциялашган мамлакатларда турмуш даражаси бир-бирига яқин туради.

Европадаги интеграциянинг яна бир шакли Европа Эркин Савдо Уюшмаси бўлиб, унга б мамлакат бирлашган, унинг асосий вазифаси давлатлараро эркин савдони ривожлантиришдан иборат. Аммо бу "Европа Иттифоқи"дан фарқириқ интеграциянинг қўйи шакли, чунки у мунтазам кооперацион алоқаларни билдирамайди. Ривожланган мамлакатлар доирасидаги янги интеграцион иттифоқ-Шимолий Америка уюшмаси бўлиб, АҚШ, Канада ва Мексикани бирлаштиради.

Интеграция самарали жараёп, шу боисдан Гарбий Европа мамлакатларининг кейинги 30 йилда шаҳдам ривожланишида интеграциянинг хиссаси кагта бўлган. Европада 18 та интеграциялариган мамлакат бор, у ерда 377 млн. аҳоли, яъни ер курраси аҳолисининг атити 7% и яшайди. Аммо 1992 йида умумжаҳон ишлаб чиқаришнинг 30%, савдосининг 43% улар хиссасига тўғри келади.

Шарқ мамлакатлари ўртасидаги иктиносий интеграция шаклинида бири-Иктиносий ҳамкорлик ташкилоти ҳисобланади. Бу иттифок 1964 йили Эрон, Туркия, Покистон иштирокида тузилган. Техника-иктиносий ва маданий ҳамкорлик килиш мазкур интеграциянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Иктиносий ҳамкорлик ташкилотига 1992-1993 йилларда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон кўшилган. Иктиносий ҳамкорлик мамлакатларида 300 млн. киши яшайди. Уларнинг ҳали ишлатилмаган табиий бойлик ва меҳнат ресурслари кўп.

Жаҳонда ривожланаётган ёш мамлакатларга хос, лекин барқарор бўлмаган бошқа интеграция уюшмалари ҳам бор. Уларнинг иштирокчилари ўтмишдаги мустамлака бўлиб, иктиносидёги бир ёклама, яъни хом ашё етказишга ихтинослашган, шу сабабли бир-бирини тўлдириб, ятона комплексни ташкил эта олмайди. Интеграцион алоқаларнинг пайдо бўлиши жаҳон хўжалигига хос воқелик, лекин улар умумий тус олиши учун мамлакатларда шароит мудайё бўлиши керак.

4. Жаҳон бозори: ташкил топниши, моҳияти

Жаҳон бозори тарихан ташки савдо шаклида вужудга келади. Ташки савдо товар ва хизматларни олиб келиш (импорт) ва олиб чиқиш (экспорт)дан ташкил топиб, ўзида ҳалқаро иктиносий муносабатларнинг асосий шаклини намоён этади. Унинг кенгайиши ва чукурлашви оқибатида капитални олиб келиш, олиб чиқиш ҳамда у билан боғлиқ бўлган ҳалқаро молия валюта ва кредит муносабатларини ривожланишига сабаб бўлади.

Ташки савдонинг пайдо бўлиши икки энг муҳим шароит билан боғланган. Биринчидан, мамлакатлараро табиий, хом ашё ресурс-

ларини нотекис тақсимланғанлигидир. Масалан, Яқин Шарқ мамла-катлари ҳиссасига жағон нефть заһираларининг 66%и тұғри келса, ривожланаётган мамлакатларда табиий газ, бокситлар ва бошқа иодир ресурсларнинг 70-80%и жойлашган. Гарб мамлакатларининг күпчиліги зса бу ресурсларга ғоят мұхтожлик сезадилар. Ташки савдонинг зарурлыгини белгиловчи иккінчи мұхим омил бу турли мамлакатларда ишлаб чыкарувчи күчларнинг нотекис ривожлан-ғанлиғи. Товар ва хизматларни ишлаб чықарыш самарадорлигидеги фарқ нархлардаги фарққа олиб келади. Ва шу оркали товарларни четдан олиб келиш ёки четта олиб чиқыш әвазига күшімча фойда олиш имконияттары беради. Бу иккі омил ҳар қандай мамлакатнинг тақрор ишлаб чықарыш жараёшида ташки савдонинг ахамияттары асослаб беради. Ташки савдони ифодалаш учун экспорт ва импорт ҳажми, яғни *ташки савдо обороти*, уларнинг қаралаты, шунингдек ЯИМдаги улуши, товарлар таркиби ва бошқа күрсаткыштар ишлатылади.

Масалан, ҳозирги пайтда халқаро савдонинг ҳажми АҚШ ЯИМнинг 16-18%-ни, Германияда – 36-40%-ни ташкил этади. Бу күрсаткыш Ўзбекистонда 10-12% атрофида.

Жағон бозари деганда мамлакатлар ўртасида уларнинг ижти-моий маңсулотининг бир қисмими сотиш бүйіча ўзаро мұносабат-лар тиши мушуктанды. Бу иқтисодий мұносабатлар ёки айирбош-лаш шундай амалга оширилади:

- халқаро савдо;
- ишлаб чықарыш кооперацияси;
- капитал миграцияси;
- ишчи күчи миграцияси;
- ўзаро тұловлар на ҳисоб валюта операциялари.

Ташки иқтисодий мұносабатларнинг энг мұхим шағын-халқаро савдо ёки алоқида мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар билан айирбошлаш хисобланади ҳамда у ўзига күйидагиларни кирилади:

- товар билан айирбошлаш;
- фан-техника ютуклари билап айирбошлаш (лицензиялар, ноу-хай ва бошқалар);
- асбоб-ускуналар етказиб бериш күзде тутадын капитал кури-лиш объектлари билап савдо килиш, лойиха ва курилиш ишла-рини бажариш;
- хизматлар савдоси.

Халқаро айирбошлаштың барча бошқа шағынлари ташки савдо ривожланиши асосида пайдо бўлган.

Ишлаб чықарыш кооперацияси деганда иккі ёки бир неча мамлакатларнинг маълум бир ишни бажариш ёки қандайдир бир

пировард маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича биргаликдаги фаолиятиларига тушунилади. Масалан, ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар ишиланмалари, ҳамкорликда автомобиллар ва бошқа мураккаб асбобускуналарни ишлаб чиқариш.

Хозирги пайтда ҳалқаро айирбошлигининг тез ривожланиб бораётган шакллари капитал миграцияси, яъни капитални юкори фойда кетидан бир мамлакатдан бошқасига кўчib юриш, шунингдек ишчи кучларининг миграцияси хисобланади. Модомики, мамлакатлар ўртасида ҳар қандай иктиносидий муносабатлар киймат жиҳатидан баҳоланишига ва маълум тартибдаги тўловларга муҳтоҷ бўлар экан, шунга мувоғик тез суръатлар билан валюта муносабатлари ҳам тараққий этади.

Мамлакатни жаҳон бозорида тутган ўрни унииг табиий географик шароитлари, фан-техника ва ижтимоий-иктиносидий тараккиёти даражаси, ҳалқаро меҳнат тақсимотида ўйнайдиган роли билан аниқланади.

Дунёнинг 40 та йирик давлати қаторига кирувчи Ўзбекистон ўзида бой табиий ресурслар заҳирасига, саноат, қишлоқ хўжалиги, инфраструктура ривожланган тармокларига, шунингдек тайёрланган ишчи кучларига эга бўлган ҳолда, дунё бозорида сезиларли рол ўйнаши мумкин ва зарур.

Жаҳон хўжалигига савдо-сотиқ етакчи ўринда туради ва бу жаҳон бозорида ўз ифодасини топади.

Жаҳон бозори-ҳалқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бирларига боғланган турли мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди муносабатларидир. Жаҳон бозори товар-пул муносабатларининг ҳалқаро маҳсулни, бу муносабатларининг ўзи эса умуминсоний воелилкдир. Шунга кўра жаҳон бозори ўз яхлитлигипи саклайди. Умуминсоний алоқаларнинг мавжудлиги жаҳон бозорига баркарорлик баҳш этади.

Жаҳон бозори товарлар, хизматлар, молия, илмий ишламалар, меҳнат бозорларидан иборат. Меҳнат тақсимоти қанчалик чуқурлашса, турли мамлакатлардаги ишлаб чиқарими кўлами қанчалик ошса, жаҳон бозори шунчалик кенгаяди, у сарда сотиладиган товарлар ва хизматлар кўпаяди, бозор иштирокчиларининг сочи ортади. Жаҳон бозори унга хос инфратузилма орқали амал қиласи. Бу инфратузилма ҳалқаро товар биржалари, фонд биржалари, банклар, аукционлар, молия-сугурта, савдо-саноат компаниялари, ишга ёлловчи фирмалар фаолиятида ифода этилади. Жаҳон бозори мишлий бозордан фарқ қиласи ҳолда ишлаб чиқаримининг мамлакатлараро айирбошлиши зарур бўлган турларигина сотилади. Бинобарини, жаҳон бозорининг товар ассортименти чекланган бўлади. Уларга асосан асбобускуна, нефть, кўмир, газ, металл, пахта, дон, чой,

кофе, жун, ёғоч каби товарлар киради. Миллий бозордаги кўпгина товарлар жаҳон бозорида бўлмайди.

Жаҳон бозоридаги савдо-сотик турлари мамлакатлардаги товар ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқка асосланади, бу фарқ экспорт ёки импортнинг кулайлигини таъминлайди. Агар товарни мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари унинг жаҳон бозоридаги нархидан паст бўлса, экспорт кулай бўлади. Агар бу харажат юкори бўлса, импорт килиш кулай бўлади. Хар бир мамлакат ўзи камрок харажат билан ишлаб чиқарадиган товарларни бошқа мамлакатларга сотиш ва аксинча. Жаҳон бозоридаги ўзида ишлаб чиқариш учун кўпроқ харажат керак бўладиган товарларни сотиб олишга интилади. Жаҳон бозорида маҳсус нархлар-контракт нархлар бор, бу нархлар байналминал харажатларни, халқаро миқёсдаги талаб-таклиф нисбатини ва рақобат шароитини акс эттиради. Бу ерда талаб ўзгаришларга мойил, яъни унинг ўзгариши нархларга таъсири этиш орқали товар таклифида ўзгариш ясади, аммо товарлар таклифи уларни ишлаб чиқарishнинг табиий шароити билан чекланиши мумкин.

Дунё бозоридаги нархлар ўзгаришида талаб асосий бўлиб, уларга таклифининг таъсири кучсиз, шу боисдан жаҳон нархлари ўсишга мойил бўлади. Жаҳон нархлари байналминал сарфлар ва халқаро даражадаги талаб-таклифга асосланганнidan у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга нисбатан кўп меҳнат сарф килган ёки товар сифатини жаҳон талабларига етказа олмаган мамлакатлар жаҳон бозорида рақобатлашишига лаёқатсиз бўладилар.

Жаҳон бозоридаги савдо операцияларидан кўрилдиган фойда микдори экспорт ва импорт қиласетган товарларнинг миллий ва байналминал харажатлари ўртасидаги фарқка боғлиқ бўлади. Унинг самарадорлигини оширишининг асосий йўллари меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш ва муомаланинг ижтимоий харажатларини камайтириш, маҳсулотининг сифатини ошириш, ташки савдо хизматларини яхшилаш, шунингдек, жаҳон бозоридаги ҳолат ўзгаришларидан усталик билан фойдаланиш ҳисобланаци.

Турли мамлакатларнинг жаҳон бозорида тутган ўрни, биринчидан, уларнинг иқтисодий куввати, иккинчидан, улардаги ишлаб чиқарishнинг чукур ихтисослашувига, яъни мамлакатларнинг жаҳон ишлаб чиқарishига мавқеи билан уларнинг жаҳон савдо-сотик оборотидаги ҳиссаси билан фарқланади.

5. Капиталнинг халқаро ҳаракати ва унинг шакллари

Капиталнинг ҳаракати ёки уни юкорирок фойда олиш мақсадида бир мамлакатдан бошласига кўчиб юриши биринчи нафбатда

ишлаб чикаришни марказлашуви ва молия капиталини вужудга келиши окибатида юзага келди. Тадбиркорлар ва ҳукуматлар, хорижий шерикларга карзлар бериб, хорижда ўз ишларини ташкил этиб ва чет эл банкларида ўз банкларининг мухбирлик (корреспондент) хисобларини очиб, ўзга мамлакатда қимматбаҳо қоғозларни ва кўчмас мулк сотиб олиб капиталини мамлакатдан олиб чиқиб кетишлигини амалга оширади. Шу билан бир вақтда капиталини мамлакатга олиб келиш жараёни дам кечади.

Шундай килиб, капитал ҳаракатининг моҳияти шундан иборатки, бир мамлакатнинг қарз берувчилари ёки мулк эталари хорижий карз олувчиларига, ўзларининг хорижда жойланиган шохобчаларига айнан шу вақтда фойдаланиш учун пул ёки инвестиция товарларини беради. Унинг эвазига келажакда фойз ёки дивиденд келтирилган мажбуриятлар(облигациялар)ни ёки акцияларни олади.

Юкорида айтиб ўтилган шартларга мувофиқ капитал ҳаракатининг бир неча шакллари ажратилади:

- иқтисодий мазмунига кўра – ссуда капитали ҳаракати ва тадбиркорлик капитали ҳаракати;
- капитални эгасига кўра – хусусий ва давлат, ҳалқаро ташкилот капитали ҳаракати;
- кўриниши бўйича – капиталнинг пул ва тонар шаклидаги ҳаракати;
- муддати бўйича капиталнинг киска, ўрга ва узок муддатли ҳаракати.

Буларнинг ичида капитални *ссуда (қарз) ва тадбиркорлик капиталларига бўлинishi* энг муҳимдир. Ссуда капиталини ҳаракати бир мамлакат қарз берувчиси, иккинчи бир мамлакатнинг қарз олувчисига қайтарилиши ва фойзлар тўлаш шарти билан маълум бир муддатга қарз берганда содир бўлади. Агарда капитал эгаси уни қарзга бермасдан, тадбиркорлик фойдасини олиш мақсадида хорижий мамлакатларда ўз корхонасининг шохобчаларини, кўшма корхоналарни барпо этишига кўйса, бундай ҳолатда *тадбиркорлик капиталининг ҳаракати ёки хорижга сармоя сарфлаш ҳолати* ҳаракати рўй беради. Сармоялар сармоя сарфловчига (инвесторга) хориждаги корхона устидан назорат қилишини таъмишласа, уни *тўгридан-тўгри сармоя сарфлаш* деб аталади. Агарда хорижий сармояларнинг компания активларидағи улуши шу мамлакатда ўрнатилган кўрсатгичдан ғасд бўлиб, у корхонани бевосита бошқаришда иштирок этолмаса, бундай сармоя сарфлашни *портфелли сармоялар* (инвестициялар) деб аталади.

6. Чет эл инвестициялари ва уларнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти

Тадбиркорлик капиталининг харакати капитални олиб келиш ва олиб чиқишининг жадал ривожланған шакли ҳисобланади. Кредитдан фарқли равишда тадбиркорлик капитали хорижий мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш ва янгилашда тўғридан-тўғри иштирок этаси.

Чет эл инвестициялари деганда хорижий мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга валюта-пул маблаглари, қимматбаҳо қозозлар ҳамда кредитлар кўриншишидаги бир муддатли капшал қўйилмаларининг барча шакллари тушунилади. Бу куйидагишардан иборат бўлиши мумкин: кўшма корхоналарни ташкил қилинша ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармояларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан корхоналарни, кўчмас мулкни, қимматбаҳо қозозларни, шунингдек заёмлар ва кредитлар олиш.

Чет эл инвестициялар тушунчаси таърифи шундан далолат бералики, у ҳалқаро кредит тушунчаси билан бирлашиб кетади. Бу асосан молиявий инвестицияларга, шу жумладап унинг таркибий қисми ҳисобланган “портфелли” инвестицияларга таалуқлидир. Кўнича чет эл инвестициялар деганда уни тор маънодаги тушунчаси, яъни инвесторга корхона фаолияти устидан назорат қилиш хукужини берувчи тўғридан-тўғри қўйилмалар тушунилади. Тўғридан-тўғри сармоя сарфлашнинг бундай хусусияти капитал чиқарувчи ва уни қабул қилувчи мамлакатларда асосланади. Бу ҳолатни шундай тушуниш мумкин.

Чиқарувчи мамлакат учун капитални оқиб кетиши бир томондан яратилиши мумкин бўлган иш жойларини ва хорижий қўйилмалар тортиб олинган (экспроприация) холларида капиталнинг ўзи ҳам йўқотилиши, бошқа томондан эса жаҳон бозорида ўз иштирокининг кенгайиши ва юкорирок фойда олишини билдиради.

Кабул қилувчи мамлакат учун хорижий сармоялар, бир томондан, миллий иқтисодий ресурсларни ишлатилишидан хавфсирапни ва иқтисодиётнинг айрим бўғиллари устидан назоратни йўқотилишини келтириб чиқаради, бошқа томондан эса, янги технологиялар ва бошқариш усусларига етишиш сифатида юкори кизиқишини акс эттиради. Тўғридан-тўғри сармоялаш жараёнларини кўтарилиши ва пасайиши шу билан изоҳланади.

Ўзбекистон чет эл инвестицияларни оқиб келишини ўз иқтисодиётини юксалтиришнинг мухим шарти сифатида қарамоқда. Бу ерда тадбиркор капиталини олиб келиш учун хукукий ва ташкилий-иктисодий асослар яратилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда

чет эл инвестициялари иштирокида иккى мингдан ортиқ күшма корхоналар ташкил әзилган, хорижий сармояларга тұла тегишили бўлган ишлаб чикаришларнинг барпо этиш тажрибаси тобора кенгаймоқда.

Шу билан бирга, бу жараёнга тўсқинлик килувчи бир катор объектив сабаблар ҳам бор. Улар жумласига: иқтисоднинг хусусий бўғипини, умуман бозор муносабатларини суст ривожланганини, сўмнинг конвертирашувининг тўлиқ эмаслиги, юқори малакали ходимларнинг этишмаслигини киритиш мумкин. Хусусийлаштириш дастурини, валюта сийсати чораларини амалга оширилиши билан улар бартараф этилади ва Республика ҳалқаро алоқаларнинг бу шаклини кенгайтириш афзалликларидан янада тўларок фойдаланиши мумкин.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти – мамлакатлар ўртасида айрибошлиш орқали ўзаро боғланған, маълум миқдорий ва сифат нисбатларидағи меҳнат тақсимотидир.

Ҳалқаро иқтисодий интеграция – миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий хўжаликлари ўртасидаги узвий боғликлек, ҳамжихат ривожланишини таъминлаш, турли мамлакатлар доирасида ресурсларни эркин ҳаракат қилиши, ягона умумий бозор ташкил килиш мақсадларида бирлашувидир.

Европа Иттифоки – бу уюшма 1958 йили ташкил топған бўлиб, унинг асосий вазифаси иштирокчи мамлакатлар доирасида ресурслар, товар ва хизматлар ҳаракатини миллий чегарадан холи равишда эркин кўчиб юришини таъминлаш, умумий бозорни нужудга келтириш, бозор воситасида товарларни далатлараро тақсимлаб, аҳоли талаб-эҳтиёжини қондиришdir.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти – бу иттифоқ 1964 йили Эрон, Туркия, Покистон иштирокида тузилган бўлиб, мазкур интеграциянинг асосий максади техника-иктисодий ҳамкорлик килиш хисобланади. Кейинчалик бу ташкилотга Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон кўшилди.

Жаҳон бозори – ҳалқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бирита боғланган турли мамлакатлар ўртасидаги баркарор олди-сотди муносабатларини ифодалайди.

Чет эл инвестициялари – хорижий мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга валюта пул маблағлари, қимматбаҳо қогоzlар ҳамда кредитлар кўринишидаги бир муддатли капитал қўйилмаларининг барча шаклларини ифодалайди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Халқаро меҳнат тақсимоти нимани билдиради? Унинг омиллари ва афзаликлари нималардан иборат?
2. Иқтисодий интеграция нима?
3. Иқтисодий интеграциянинг шартлари нималардан иборат?
4. Қандай интеграциялашган мамлакатлар гурухларини биласиз?
5. Иқтисодий интеграция қандай шакъларда амалга оширилиши мумкин?
6. Жаҳон бозори деб нимага айтилади? Унинг милий бозордан фарки нимада?
7. Ўзбекистон қандай интеграцион жараёпларда иштирок этмоқда?
8. Капиталнинг халқаро миқёсдаги ҳаракатининг қандай шакъларини биласиз?
9. Чет эл инвестициялари нимани билдиради? Уларниг Ўзбекистон иқтисодий ривожланиши учун аҳамиятини тушунтириб беринг.

Адабиётлар:

- Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари ва чет эл инвестициялари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги конуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 9-сон. -Т.: «Адолат», 1994.
- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М., 1996.
- Илларионов А. Основные тенденции развития мировой экономики во второй половине XX века. – Вопросы экономики, 1997, № 10.
- Камаев В.Д. и колл. авт. Экономическая теория. Учебник. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998.
- Ломакин В.К. Мировая экономика. – М., 1998.
- Хасбулатов Р.И. Мировая экономика. – М.: ИНСАН, 1994.
- Тодаро М.П. Экономическое развитие. – М., 1997.
- Маккониел К., Брю С. Экономикс. – М., 1992.
- Фишер С.Р., Дорибуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М., 1995.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев Н. Иқтисодий назария., Т.: «Меҳнат», 1995.
- Хошимов П.З. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Материалари. –Т.: «Университет», 2001.
- Умаров К.Ю. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: «Университет», 2002.

XXX БОБ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

1. Халқаро валюта муносабатларининг зарурлиги ва мазмуни.
2. Валюта тизими ва унинг таркиби.
3. Валюта конвертирашуви тушунчаси.
4. Валюта курси.
5. Валюта курсининг экспорт ва импортга таъсири.
6. Давлатлараро валюта.
7. Халқаро кредит ва унинг турлари.
8. Четта капитал чиқариш ва унинг хусусиятлари.

1. Халқаро валюта муносабатларининг зарурлиги ва мазмуни

Хар қандай халқаро иқтисодий битим ўзаро ҳисоб-китоблар билан олиб борилади ва бунда биринчи нағбатда шундай савол туғилади: уни қандай пул бирликларида амалга ошириш керак? Хар бир мамлакат ўзининг пул бирлигидан фойдаланади. Шу сабабли битим иштирокчилари жаҳон бозорида товар ва хизматларни сотар ёки сотиб олар экан, улар ўзларининг миллий валютаси чет эл пул бирликлари билан қандай нисбатда эканлигини, шунингдек, зарур бўлган валюта заҳираларини яратиш учун улардан қайсилари бақарор ва жаҳонда юкори талабга эгалигини билиши лозим.

Мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар оқими кўнайган сари, пул воситаларини айирбошлиши ҳам тобора ошиб боради, ўзаро ҳисоб-китоблар мураккаблашади, миллий иқтисодийтни ташки дунё билан ҳисоб-китобларидаги номутаносиблик муаммолари юзага келади. Буларнинг барчаси жаҳон валюта тизими барпо этилишига объектив шарт-шароитлар яратади. Унинг мақсади-мамлакатлар ўртасидаги барча турдаги битимларни амалга оширилишини тартибга солишдан, тезлаштиришдан иборат.

2. Валюта тизими ва унинг таркиби

Жаҳон валюта тизими-бу халқаро айирбошлишинг барча шаклларига хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йигиндисидир. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий кисми сифатида у кўйидагиларни ўз ичига олади:

- халқаро битимларда фойдаланиладиган тўлов, ҳисоб ва кредит воситаларини (оътин, энг ривожланган мамлакатларни) миллий валюталари, халқаро пул бирликлари);
- валюта курсларини ўрнатиш ва саклаб туриш механизми;

- валюта бозорини ишлаш тартиби;
- халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва қоидалари;
- валюта ёрдамида тартиблаш ва назорат қилиш тизими;
- валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи ва жаҳон валюта тизимининг барқарор фаолиятини таъминловчи халқаро ташкилотлар тизими (Халқаро Валюта Фонди, Умумжаҳон Банки).

Ўзбекистон 1992 йилдан Халқаро Валюта Фондига ва Умумжаҳон Банкига аъзо бўлиб, жадашик билан халқаро валюта муносабатларини кенгайтирумокда ва жаҳон валюта тизимига фаол кўшилмоқда. Шу сабабли ҳам миллӣ валютани мустаҳкамлаш, уни рақобатга чидамлилигини ошириш, конвертирашувини таъминланган Республика ривожланишини ҳозирғи босқичининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Халқаро валюта тизимининг ривожланиши уч босқични босиб ўтади.

1. 1879 йилдан 1934 йилгача бўлган давр – биринчи жаҳон урушига тўғри келган йиллардан ташқари, олтин стандарти сифатига маълум бўлган пул тизими устунлик қилган.

Агар ҳар қайси мамлакат ўз пул бирлигининг олтин миқдорини ўрнатадиган булса, у вақтда турли миллӣ валюталар ўзлари ўртасида бслигитанган (тайин қилинган) нисбатга эга бўладилар.

Олтин стандарти тизими қўйидағи афзалликларга эга:

а) Барқарор валюта курслари таваккалчилик ва ноаниқликни камайишига имкон тутдиради ва бунинг устига халқаро савдо ҳажмини ўсишини рағбатлантиради.

б) Олтин стандарт автоматик тарзда камомадларни ва тўлов баланси активларини бараварлаштиради.

Олтин стандарт иккита камчиликка ҳам эга:

а) Олтин стандарти амал қилаётган мамлакатларда ишсизлик ва даромадларни қисқариши – бир томондан, инфляция – бошқа томондан шунга ўхшаган кам хуш келадиган шаклларни қабул килувчи ички иқтисодий жараёнларнинг мослашиши билан муроса қилиши керак. Олтин стандартининг халқаро тизимида мамлакатлар мустақил пул сиёсатини ўтказишдан воз кечишлари лозим бўлади.

б) Олтин стандартги ишгиrokчилиридан бири ўзининг олтин заҳираларини ишлатиб тутатмагунча ҳаракат қилиши мумкин.

2. Бреттон-Вуд тизими 1945 йилдан 1971 йилгача амал қилган шароитда налията курслари бир-бирларига боғланиб барқарор бўлиб колган эди. Катнашувчи мамлакатлар мана шу налията курсини халқаро налията жамғармасидан олинган барқарорлаштириш жамғармалари олтин ёки қарзлар ҳисобига кўллаб-куватлашга мажбур эдилар. Тўлов балансининг узоқ на миқёсли камомадлари Халқаро

Валюта Жамғармасини ижозаги билан валюталарни девальвациялаш хисобига бартараф килиши мүмкін бўлади.

3. 1971 йилдан тартибга солинадиган сузувчан валюта курслари тизими ҳаракат қиласпти. Валюта курслари, гарчи давлат ўз валюта курсларини ўзгаририш учун шу жараёнга турли даврийлик (вакти-вакти) билан аралашиб турса ҳам, одатда, бозор кучлари томонидан белгиланади.

3. Валюта конвертирашуви тушунчаси

Халқаро валюта ёки халқаро тўлов-хисоб ва кредит воситалари жавоб беришга керак бўлган асосий талаб уларни конвертирашуви хисобланади.

Валюта конвертирашуви деганда уни бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади. Ҳозирги пайтда улар эркин конвертиранадиган, қисман конвертиранадиган ва конвертиранмайдиган валюталарга ажратилади.

Эркин конвертиранадиган валюта – бу амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валютага эркин ва чекланмаган микдорда айирбошланадиган валютадир. Хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш жорий операциялар ва инвестициялар ҳаракатлари операциялари билан боғлиқ бўлган тўловлар бўйича амалга оширилади. Эркин конвертиранадиган валюталарга АҚШ доллари, Канада доллари, Европа ҳамжамияти мамлакатлари, Швейцария, Швеция, Япония миллий валюталарини киритиш мүмкін. Улардан валюта нархини аниклашда фойдаланилади. Масалан, ўта муҳим маҳсулотлардан хисобланган нефть ва бошқа энергия ташувчилар, бир катор металлар нархлари АҚШ долларида қайд этилади.

Қисман кривертиранадиган валюта, бу факат бা�ъзи бир хорижий валюталарга алмаштириладиган ва халқаро тўлов оборотини қисман қамраб олган миллий валютадир (масалан, факат жорий операцияларни қамраб олган операциялар бўйича).

Конвертиранмайдиган валюта – бу факатгина ички тўловларга хизмат қиласдиган ва хорижий валюталарга айирбошланмайдиган миллий валютадир.

Конвертирашни ички ва ташқи конвертирашга ҳам ажратадилар. Ички конвертираш резидентларнинг (яни шу мамлакатда яшаш жойи бўлган шахсларнинг) мамлакат ичкарисида хорижий валютани согиб олиш, уни ушлаб туриш ва у билан айрим операцияларни олиб боришга конулаштирилган ҳуқуқни акс эттиради.

Ташқи конвертирашда хорижда тўловларни амалга ошириш ва молиявий активларни ушлаб туришга рухсат берилади.

Валюталарнинг конвертирланиши кўпчилик мамлакатлар учун улар олиб бораётган иқтисодий сиёсатининг муҳим мақсади ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, аксарият давлатларда факат рақобатлаша оладиган саноат ва зарур халқаро резервлар барни этилгандан сўнг киритилган. Масалан, Франция, Италия ҳамда Япония ўз миллий валюталарининг тўлиқ конвертирланишини факат 80-йиллар охирига келиб киритди.

4. Валюта курси

Гарча халқаро битимлар валюталарни айирбошлаш билан олиб борилади. Ҳар қандай айирбошлашда бўлгани каби валюта баҳосини ёки валюта курсини аниқлаш зарурати пайдо бўлади.

Шундай килиб, *валюта курси* – бу бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирликларида ифодаланган баҳосидир. Валюта курсини ўрнатиш котировкалаш деб аталади. У тўғри ва тескари котировкалашга ажратилади. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, бунга тўғри котировкалаш деб аталади. Масалан, 1 АҚШ доллари 140 сўмга, 1 Россия рубли 7.2 сўмга тенг ва ҳоказо. Тескари котировкалашда миллий валютанинг микдори ўрнатилади. Масалан, 1 ўзбек сўми 0,004348 АҚШ долларига тўғри келади ва ҳоказо. Дунёнинг ҳамма мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам тўғри котировкалаш қабул қилинган.

Валюталарнинг алмаштириш курслари уларни сотиб олиш-сотиш жараёнида ўрнатилади. Та什ки иқтисодий фаолият қатнашчилари-банклар, молия-кредит муассасалари, корхоналар ва жисмоний шахслар ташки савдо ҳисоб-китобларини олиб бориш, капитал, ишчи кучлари миграциясини амалга ошириш, валюта резервларини тўлдириш, валюта ҳавф-катарларини сугурталаш, шунингдек валюта курсларини ўзгаришидан фойда олиш учун хорижий валютани сотади ва сотиб олади.

Валюта бозорларидағи талаб ва таклифни солиштириш натижасида валютанинг баҳоси ёки курси аниқланади. Ўзбек сўмининг курси Ўзбекистон валюта биржасида ўрнатилади, унинг иштирокчилари бўлиб валюта операцияларини олиб бориш ҳукуқига эга бўлган банклар ҳисобланади.

Шу билан бирга, турли пул бирликлари учун валюта курслари ўрнатиш жараёни бозор кучларини таъсир этиш даражаси бир хил эмас. Бу таъсир кучига боғлиқ ҳолда курсларни эркин сузуб юрувчи, чекланган сузуб юрувчи ва қайд этилган валюта курсларига ажратилади.

Эркип сузиги юрувчи валюта курси шу валютага бўлган бозор талаби ва таклифи остида эркин ўзгариб туриши мумкин, масалан, АҚШ доллари, япон йенаси, инглиз фунт стерлинги курслари. Шу боис, бу валюталар жаҳон валюга айирбосилишида кўпроқ ишлатилади.

Чекланган сузиги юрувчи валюта курси унинг ўзгаришини айрим хорижий валюталар ёки валюталар тўплами – (валюта савати) курслари ўзгаришига боғлиқ бўлишини кўзда тутади. Мисол учун, кўпчилик учинчи дунё мамлакатлари ўз валюталарини АҚШ долларига, француз франкига ва бошқа хорижий пул бирликларига бөглайди. Европа ҳамжамиятининг пул бирлиги ҳисобланмиш ЕВРО курси эса стакчи Европа мамлакатлари миллий валюталаридан ташкил топган валюта “саватига” нисбатан ҳисобланниб чиқиради.

Қайд этилган валюта курси – бу хорижий валютада ифодаланган давлат томонидан расмий ўрнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнин ўзгариши таъсир килмайди. Ҳозирги вақтда қайд этилган валюта курси исосан суст ривожланган ёки ташки дунёга старли даражада очик бўлмаган иктисодиётга эга бўлган мамлакатларда миллий ва ишлаб чиқариш кучи бўлган хорижий ракобатчилардан химоя килиш ҳамда кувватлаш мақсадида кўлланилади.

5. Валюта курсининг экспорт ва импортга таъсири

Валюта курси товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг мамлакатлараро ҳаркатини ўзига хос бошкариб гурувчиси ҳисобланниб, уни ўзгариб туриши мамлакатнин ташки иктиносидий оборотига ҳамда бутун макроиктисодий вазиятга кучли таъсир килади. Бундай таъсирини шундай вазият мисолида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, ўзбек сўмининг курси 1000 Россия рублига нисбатан 7,2 сўмдан 10 сўмгacha бўлсин, яъни сўм Россия рублига нисбатан арzonлашган ва аксинча, рубл сўмга кимматлашган бўлсин. Бундай ҳолатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 720 сўмлик кийматига эга бўлган товар Россия бозорида арzonлашиб боради ва энди бу товар 100 минг Россия рублига ($720/7,2*100$) эмас, балки 72 минг рубл туради ($720/10*1000$). Натижада товарнинг ракобатга чидамлилиги орта боради ва унга бўлган талаб ошади, экспорт рагбатлантирилади. Бирок миллий валютани Россияга чиқариш Ўзбекистон учун фойдали бўлмай қолади. Россияда ишлаб чиқарилган 2000 рублик маҳсулот энди ўзбек сўми курсининг наслайшини ва Россия рубли курсининг кимматлашуви натижасида ўзбек бозорида 14,4 сўм ($2000*7,2/1000$) эмас, балки 20 сўм ($2000*10/1000$) туради. Кўриниб турибдикি, маҳсулот нархи кимматлашди ва шу сабабли

уни олиб келиш (импорти) қисқариб боради, ва аксинча, ўзбек сўмиининг курси ошиб бориши билан Россиядан товар олиб келиш ва капиталини четта чиқариш фойдали бўлади.

Шундай киilib, миллий валюта курсининг пасайиши билан нархлар ҳам пасаяди на жаҳон бозорида мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни рақобатбардошлиги кўтарилади, экспорт ва чет эл капиталининг оқиб келиши рагбатлантирилади, ва, аксинча валютанинг кўтарилиган курсида мамлакат учун импорт ва капиталини четта чиқариш фойдалироқ бўлиб қолади.

6. Давлатлараро валюта

Хозирги замонда ҳалқаро ҳисоб-китобларда ва кредитлашда уч кўринишдаги пул воситалари ишлатилади:

- олтин, ҳозирда ўзининг асосий тўлов, ҳисоб-китоб восита хусусиятини йўқотган бўлсада, аммо кўпчилик мамлакатлар валюта резервларининг сезиларли қисмини ташкил этади ва муҳим ташқи савдо операцияларига хизмат килиш ва кредитларни кафолатлаш учун ишлатилади;
- жаҳон савдосида асосий ўрин тутувчи ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари: АҚШ доллари, инглиз фунт стерлинги, немис маркаси, Швейцария франки, Япония йенаси ва бошқалар;
- ҳалқаро пул бирликлари (СДР, ЭКЮ), улар миллий валюталардан фарқли равишда банкноталар кўринишидаги моддий шаклга эга эмас ва накд пулсиз ҳисоб-китоблар учун ишлатилади. Уни ишлатиш шарти – шу пул воситаларини муюмалага чиқарган ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар Марказий банкларнинг маҳсус ҳисобларига ёзиб кўйиш йўли билан.

Бу пул бирликлари жаҳон валюталари деб ҳисобланади ва барча мамлакатлар томонидан ташки савдо операцияларини амалга оширишда, хорижга кредитлаш ва инвестициялашда, чет эллик ишчи кучи меҳнатига тўлашда, шунингдек мамлакат валюта резервларини яратишда кўлланилади.

7. Ҳалқаро кредит ва унинг турлари

Ҳалқаро иқтисодий алоқалар соҳасида ссуда капиталининг ҳаракати ҳалқаро кредит кўринишида бўлади. *Ҳалқаро кредит*-бу пул ёки товар шаклидаги муддатлиги, қайтарилиб берилиши ва фойиз тўланиши шартлари асосида бир мамлакатдан қарз олувиши иккинчи мамлакатга бериладиган ссудадир. Ҳалқаро қарз берилшлар қисқа муддатли(бир йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача)

ва узок муддатли (5 йилдан ортиқ) бўлади. Кейинни ўн йилларда ссуда капиталининг экспорти ўсиш суръатлари ва мутлоқ кўрсаткичлари бўйича тадбиркорлик капиталини чиқариш ва халқаро савдонинг ўсиши тезрок кўпайди. Ссуда капиталининг умумжаҳон бозори шаклланди.

Суда капиталининг жаҳон бозори турли мамлакатлар қарз берувчилар ва олувчиларнинг кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг йигиниди сифатида чиқади. Узининг функционал максади бўйича у жаҳон миқёсида молия маблагларицинг йигилишини ва қайта тақсимланишининг усули хисобланади. Улкан микдордаги пул маблагларининг ссуда капиталига айланиши ва уларниң бозор механизми орқали гури мамлакатлар ўртасида қайта тақсимланиши жаҳон иқтисодиётида таркибий силжишлари тезлаштиради ва ишлаб чиқаришнинг байналминалашун жараёнини кучайтиради. Суда капиталининг жаҳон бозори алоҳида ўзига хос институционал таркибига эга. Унинг асосини пировард қарз олувчи ва қарз берувчилар ўртасида воситачи сифатида катнашувчи бозорининг малакали иштирокчилари ташкил этади. Улар давлат институтлари, хусусий фирмалар, банклар, сугурта компаниялар, нафака фонdlари ва бошқалардан жаҳон молия бозорига тушадиган улкан пул жамғармаларини аккумуляция қиладилар.

8. Четга капитал чиқариш ва унинг хусусиятлари

Жаҳон капитал бозорида қарз олувчилар сифатида чиқадиган кредит-молия муассасаларининг асосий мижозлари халқаро корпорациялар, турли мамлакатларнинг хукумат органлари ва халқаро ташкилотлардир. Узок вақт давомида капитал экспорти фақатгина ривожланган индустрiali мамлакатлар томонидан олиб борилди. XX асрнинг 50-йилларида бошлаб бу соҳада ҳукмрошлики АҚШ эгаллади. Унинг улуши ривожланган мамлакатлар бевосита чет эл инвестициялари умумий ҳажмиининг ярмидан кўпрогига тўғри келди. Иккинчи ўринда Буюк Британия туради. Икки илгор мамлакат асосан, капитал импорт қилувчи бошқа барча мамлакатлардан анча ўзиб кетган эдилар. 80-йилларнинг иккинчи ярми 90-йилларнинг биринчи ярмида капитал экспорт қилувчи мамлакатларнинг тутган ўринида катта ўзгаришлар юз берди. АҚШда капитал чиқаришнинг йиллик ҳажми нотекис ўзгарди ва 80-йиллар ўрталарида бу кўрсаткичининг юксалиши кузатилди. 1950-1990 йиллар ичида капитал экспорти ҳажмида Буюк Британия улуши ҳам анчагина қисқарди, шу вақт ичида эса Япония, Германия ва Францияда капитал чиқариш мунтазам ўсади.

1990 йилга келиб, асосан, капитал экспорт қилувчи учлиги куйидагича бўлди: Япония-48 млрд. дол.; АҚШ-36,4 млрд. дол.;

Франция- 26,6 млрд. дол. Агар XX асрининг биринчى ярми учун капитал оқимини аңынавий йұналиши ривожланыёттан индустрىал мамлакатлар капиталларининг ўзаро чирмашыб кетишининг кучайиши билан характерланади.

Ривожланган мамлакатларда бевосита чет эл инвестицияларининг ўртаса йиллик үсиш суръатлари ЯММ ва товар экспортининг үсиш суръатларидан юқори бўлди. Ҳозирги вактда бу мамлакатларда бутун хусусий капитал экспортнинг ЗF4 қисмидан кўпроғи тўғри келади. Ривожланыёттан давлатларнинг ҳалқаро кредит ва инвестициялар ҳажмидаги улуши анчагина камайди. Бу ҳол улар кўпчилигининг нафакат оғир иктисадий ва молиявий аҳволи билан баён этилади. Четга капитал чиқариш йўналишларининг ўзгариши аввало, ФТТ (фан сифими ва капитал сифими, катта технологияларни жорий қилиш, ҳом ашё аҳамиятининг пасайиши, иш кучи малакасига талабларнинг үсиши ва ҳоқазолар) таъсири остида жаҳон иктисадиётида юз берган таркибий силжишлар бишан боғлиқ. Бундан ташқари АҚШ ва бошқа айрим индустрىал мамлакатлар давлат бюджети ва ўлчов баланси камомадини молиялаштириш учун чет эл кредитларига эҳтиёж сездилар.

Ҳозирги вактда капитал экспортининг муҳим белгиси бўлиб, бевосита чет эл инвестициялари улушининг кўлайиши ҳисобланади. БЧИ (бевосита чет эл инвестицияси) оқимларининг кенгайиши ишлаб чиқариш байналминаллашувининг үсиб бориши, интеграция жараёнларининг ривожланиши, трансмиллий корпорацияларнинг үсиши билан боғлиқ. Бундай капитал кўйилмаларга қизиқиши асосий маңба бўлиб, энг янги технологияларга эга бўла олиш, ишлаб чиқаришни сотиш бозорларига яқинлаштириш протекционистик тўсикларини айланиб ўтиш, солик тўловларида тежамкорлик ва ҳ.к.ларга эришиш мумкин.

Бевосита чет эл инвестицияларининг тез кўпайиши, чет эл инвестициялари жараённада қатнашувчи мамлакатлар сонининг кўпайиши билан ҳам содир бўлмоқда. Аңынавий ҳалқаро инвесторларга (АҚШ, Япония, Франция,) янгилари, жумладан, ривожланыёттан мамлакатлар. Жапубий Корея, Тайвань, Сингапур кўшилди. Яна шуни таъкидлаш керак-ки, агар 80-йилларда айрим ривожланыёттан мамлакатлар ўларига ўхшаш давлатларга капитал чиқарган бўлсалар, ҳозирги вактда у кўпроқ тараққий этган мамлакатларга интилоқ мокда.

Кўпина ривожланган мамлакатларда капиталнинг чет элга “оқиши” ва четдан “оқиб келиши” мувозанатига яқинлашмоқда. Йирик капитал экспорт килувчилари унинг энг йирик импорт килувчиларига айландилар. Ҳозирги вақта Франция ва Буюк Британия чет эл инвестицияларини ҳисобига қайта ишлаш саноати бутун маҳсуз

лотни 1/5, Италия 1/4, Германия 1/3 қисмини ишлаб чиқармокда. Ўтмишда энг йирик капитал экспорт қилувчилари бўлган Буюк Британия ва АҚШ ҳозирги кунда бош импорт қилувчилар сифатида майдонга чиқмокдалар.

Асосий тушунчалар ва таянч изборалар

Валюта – мамлакатларнинг муомалада мавжуд бўлган пул бирлиги.

Валюта курси – бир мамлакат пул бирлигини бошқа мамлакат пул бирлигига ифодаланган нархи.

Жаҳон валюта тизими – бу халқаро айирбошлишнинг барча шаклларига хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланишини таъминлашга карашиган мамлакатлар ўргасидаги валюта муносабатларининг йигиндисидир.

Валюта конвертирлашуни – бу миллий валюгани бошқа хорижий валюталарга алмаштириш қобилиятини билдиради.

Эркин конвертиранадиган валюта – бу амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валютага эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошлиданадиган валютадир.

Кисман конвертиранадиган валюта – бу факат баъзи бир хорижий валюталарга алмаштирилайдиган ва халқаро тўлов муомаласини кисман камраб олган валютадир.

Эркин сузуб юрувчи валюта курси – бу мазкур ва фоиз тўлаш шартлари асосида бир мамлакатдан қарз олувчи иккинчи мамлакатга бериладиган ссудадир.

Чекланган сузуб юрувчи валюта курси – бу мазкур валютанинг ўзгаришини хорижий валюталар ёки валюгалар тўплами (валюта савати) курслари ўзгариши билан ифодаланади.

Қайд этилган валюта курси – бу хорижий валютада ифодалантган ва давлат томонидан расман ўрнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозоридаги ва таклифининг ўзгариши таъсир қilmайди.

Халқаро кредит – бу пул ёки товар шаклидаги муддатли кайтариб берилиши ва фоиз тўлаш шартлари асосида бир мамлакатдан қарз олувчи иккинчи мамлакатга бериладиган ссудадир.

Суда капиталининг жаҳон бозори – бу турли мамлакатлар қарз берувчилар ва олувларнинг кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифининг йигиндисидир.

Олтин стандарти – валюта маносабатлари тизими бўлиб, бунда ҳар қайси мамлакат ўз валютасини қийматини олтиннинг маълум миқдорида ифодалаган, Марказий банк ёки ҳукумат эса қатъий белгиланган нархда олтин сотишга на сотиб олишга мажбур эдилар.

Бреттон-Вуд валюта тизими – 1944 йил түзилган халқаро валюта тизими. Кўйидагилар унинг асосий унсурлари ҳисобланади: чет эл марказий банкларига долларни олтинга алмаштириш АҚШ ҳукумати томонидан кафолатланган; валюталарнинг бозор курслари олтин ёки доллар паритети доирасида $\pm 1\%$ фарки катъий белгиланган; халқаро валюта фоизи халқаро валютани тартибга солишни амалта оширади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Валюта деб нимага айтилади?
2. Жаҳон валюта тизими деб нимага айтилади?
3. Қандай жаҳон валюта тизимларини биласиз?
4. Конвертиранадиган валюта деб нимага айтилади. Уларни қандай турлари бор?
5. Олтин стандартини тушунтириб беринг?
6. Эркин сузиб юрувчи валюта курслари нимани билдиради?
7. Валюта курси нима? Уларнинг қандай турлари мавжуд?
8. Жаҳон валюталарига қандай пул бирликлари киради?
9. Халқаро кредит ва унинг қандай турлари бор?
- 10.Хозирги вақтда четга капитал чиқаришда қандай хусусиятлар мавжуд?

Адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий испоҳотларни чуқурлашибтириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
- Линдерт П.Х. Экономика мирохозяйственных связей. – М., 1992.
- Макконнел К.Р., Брб С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – М.: «Республика», 1992.
- Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник (под редакцией Л.Н. Красавиной). – М.: Финансы и статистика, 1994.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. -М.: Дело ЛТД, 1993.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: «Мехнат», 1995.
- Пебро М. Международное экономические, валютные и финансовые отношения. – М.: Прогресс, “Университет”, 1994.
- Умаров К.Ю. ва бошқалар «Иқтисодиёт назарияси» -Т.: «Университет», 2002.

XXXI БОБ. ТҮЛОВ БАЛАНСИ, УНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИ

1. Түлов баланси, унинг мазмунни. Уни тузишнинг асосий тамойиллари. Түлов балансининг таркиби.
2. Ташки савдо баланси. Түлов ва савдо балансларининг қолдиги. Унинг миллий иқтисодиётни ривожланишига таъсири.
3. Тебранувчан валюта курсини түлов баланси мувозанатига таъсири.
4. Қайд этилган валюта курси ва түлов баланси.

1. Түлов баланси, унинг мазмунни. Уни тузишнинг асосий тамойиллари. Түлов балансининг таркиби

1. Мамлакатнинг маълум бир вакт давомидаги барча ҳалқаро иқтисодий фаолияти, жумладан, а) ташки савдо; б) капитал; в) ишчи кучи миграцияси унинг түлов балансида ўз ифодасини топади.

Мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги фаолиятлари натижалари хорижий валюталарнинг тушумлари ва ҳаражатларида ифодаланади, чунки ҳар қандай ташки иқтисодий битим валюталарни айирбошлаш билан кузатиладиган олди-сотди жараёни хисобланади.

Түлов баланси – бир томондан хориждан тушган барча тушумларни ва иккичи томондан мамлакатнинг хорижга барча түловларини кўрсатувчи хужжатdir. Мамлакат түлов балансининг тушумларини кредит “+” белги билан факат экспорт орқали, яъни миллий товарларни хорижий валютага айирбошлаганда таъминлаш мумкин. Унинг ҳаражат қисми, аксипча хорижий товарларни согиб олиш ёки импорт билан боғлиқ хорижий валютадаги ҳаражатлари дебит “-” белги билан ифодаланади

Бунда товар деганда айирбошлашнинг ҳар қандай обьекти моддий маҳсулотлар ва хизматлар, ишчи кучи, капитал ва валютанинг ўзи тушунилади.

Ташки иқтисодий операциялар икки катта гурухга бўлинади; жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар.

2. Ташки савдо баланси. Түлов ва савдо балансларининг қолдиги. Унинг миллий иқтисодиётни ривожланишига таъсири

Жорий операцияларнинг асосий моддаси товарлар экспорти ва импорти хисобланади, улар ўртасидаги фарқ ташки савдо баланси нинг қолдиги деб аталади.

Инвестициялаш ва кредитлаш билан боғлиқ операциялар түлов балансининг кейинги бўлимида – капиталлар ҳаракати хисобида акс эттирилади. Импорт ёки бошқа мамлакатлардан активларни сотиб

олиш, валюта харажатлари билан боғлиқ бўлиб, капитални мамлакатдан чиқиб кетишини билдиради. Бунда экспорт плюс деб белтиланади, чунки бунда хорижий валюта кириб келади, импорт эса минус билан белтиланади чунки унда валюта мамлакатдан ташқарига чиқиб кетади. Хуллас плюс деганда хорижий валюта кириб келади, минус деганда хорижий валюта чиқиб кетади. Экспорт ва экспорт сингари бошқа операциялар миллий бакларда хорижий валюталарни кўпайтиради, бу кредит сингари операциялардир. Импорт ва импорт сингари операциялар хорижий валютасини камайтиради, шунинг учун у дебит хисобланади.

Савдо баланси. Агар экспорт импортдан ошиб кетса, тўлов баланси ижобий қолдикка эга бўлади. Агар импорт экспортдан ошиб кетса, тўлов баланси салбий қолдикка эга бўлади.

I. Жорий операциялар хисоби,

1. Товарлар экспорти.
2. Товарлар импорти.
3. Тацқи савдо баланси қолдиги.
4. Хизмат экспорти.
5. Хизмат импорти.
6. Товар ва хизматларнинг баланс қолдиги.
7. Инвестициядан даромадлар.
8. Пул жўнатмалари.
9. Жорий операциялар бўйича баланс қолдиги.

II. Капитал ҳаракати ҳисоби.

10. Мамлакатта капитални кириб келиши.
11. Мамлакатдан капитални чиқиб кетиши.
12. Капитал ҳаракати баланси.
13. Жорий операциялар ва капитал ҳаракати баланси қолдиги.
14. Расмий резервлар.

Жорий операциялар баланси ва капитал ҳаракати баланси ўзаро бир-бiri билан боғлиқдир. Жорий операциялар баланси тақчилиги дегани товар ва хизматларнинг экспорти миқдори товар хизматларни импорти учун етарли эмаслигини кўрсатади.

Бу тақчиликни қандай бартараф қилиш мумкин?

1. Қарз олиш билан.
2. Молиявий активларни сотиш билан (акция ва облигацияларни).
3. Кўчмас мулкни сотиш билан.

Жорий операциялар бўйича тўлов баланси тақчилигини асосан капитал ҳаракати ҳисобига юз берадиган капитални оқиб келиши ҳисобига молиялаштирилади. Ва аксинча жорий тўлов баланси активи капитални оқиб кетиши билан боғлаади. Тўлов балансини ортиқча кисми бошқа мамлакатларга карз бериш учун, улардан кўчмас мулк сотиб олиш учун ишлатилади.

Расмий резервлар – жорий операциялар буйича түлов балансини ва капитал ҳаракатини мувозанатлигини тартибга солиш учун күп мамлакатларни марказий банки расмий резервлар сифатида хорижий валютани катта микдорини ушлаб туралы.

Түлов балансини күйидаги учала кисми доимо О га тенг бўлиши керак.

1. Жорий операциялар ҳисоби.
2. Капитал ҳаракати.
3. Расмий резервлар.

Бу дегани ҳар бир ишлатилган хорижий валютаси (дебит операциялари) халқаро опсрацияларда ўз манбасига эга бўлиши керак (кредит операцияларига).

Түлов баланси доимо мувозанатлашган бўлиб, нолга тенг бўлиши керак бўлса ҳам, лекин иктиносидиётда түлов баланси дефицити ва активи бўлиб туради.

Түлов балансида дефицит бўлганда расмий резерв камайиб кетади. Аксинча мамлакат түлов балансида активга эришса, яъни актив қолдик бўлса, етарлича хорижий валютасини ишлаб олган ўзини расмий резервни ҳажмини оширган бўлади.

Мамлакатда расмий резервлар кисқариши түлов баланси дефицитини кўрсатади. Расмий резервлар ўсиши эса түлов баланси актив қолдигини ўғсанлигини билдиради.

Дефицит ва активлар яхшими ёки ёмоими, у қандай оқибатларга олиб келади.

Түлов балансида дефицитни узоқ вакт давом этиши мамлакатни жаҳон бозорида ракобатбардошлигини йўқотади. Миллий товарларни айирбошлашда хорижий давлатларда тўсикларга учрайди. Ҳар бир мамлакатни расмий резервлари чекланган бўлади. Түлов балансидаги узоқ давом этган такчиллик бу расмий резервларини камайтиради. Түлов балансининг активи ва дефицити нималарга боғлиқ бўлади.

1. Уларни келтириб чиқарган шароитта.
2. Маълум бир даврда уларни қатъий турларига.

3. Тебранувчан валюта курсини түлов баланси мувозанатига тъсири

Тебранувчан валюта курси ва түлов баланси бир-бирлари билан узий боғлиқдир. Тебранувчан валюта курси түлов баланси дефицитини автоматик тарзда йўқотади. Масалан фараз қиласизки 2д-1ф бўлганда түлов балансида салбий ва ижобий қолдик йўқ. Валюта курси 2д-1ф бўлганда америкаликлар учун Британиянин товарларини импорт килиш учун фунт старли бўлади. Расмий

резервларда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмайди. Агарда истеъмолчиларни Британия товарларига талаби ошса ёки АҚШда Британияга караганда нарх ўssa, бу фунтга бўлган талабни оширади. Бунда америка тўлоя балансида дефицит келиб чиқади. Бу стишмовчилик валюта курсини оширади. Зд-1ф. Бу долларни арzonлаштиради, фунтни кимматлаштиради.

Валюта курси барча ички нархларни бошқа мамлакат нархлари билан бөглайди. Валюта курсини ўзгариши барча Британия товарлари нархини американклар учун ўзгартиради. Айни шу валюта курсини ўзгариши америка экспорти ва импортини ўзгартиради – бу АҚШ тўлов балансида тенгликни тиклади. Бунда фунтни нархини кўтарилиши долларни арzonлашиши натижасида илгари 18 минг доллар турган автомобиль энди 27 минг доллар туради. Бу Британия импоргини кискартиради. Британия учун долларни нархи тушган, фунт нархи кўтарилиган шароитда британияликлар учун америка товарлари арzonлашади. Бу эса Америка экспортини оширади. Бу ўзгариш, яъни америка импортини кискариши ва америка экспортини ўсиши АҚШ тўлов баланси дефицитини йўқотишга ёрдам беради. Умуман валюта курсини эркин тебраниши тўлов баланси активлигини ва дефицитлигини тарғибга келтиради. Тебранувчан валюта курси тўлов балансини мувозанглашмаганини автоматик йўқотади, лекин жiddий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Тебранувчан валюта курсининг камчиликлари:

1. Ноаниклик ва савдонинг кискариши.

Тебранувчан валюта курсини кўллашдаги ноаниклик ва хатар савдога зарар келтириши мумкин. Ноаниклик ва хатар фойдани йўқотишга ёки камайтиришга олиб келади. Валюта курсини ўзгариши билан келиб чиқадиган кўнгилсизликларни билган савдогарлар ўз миллий товарларини сотиш билан чекланиб қолади. Хорижий товарларни импорти чекланади.

2. Савдо шароитлари.

Мамлакатда миллий валюта курси тушиб кетса, савдо шароитлари ҳам ёмонлашади. Чунки бунда, масалан, фунтни доллардаги нархи ошса, АҚШ Буюк Британиядан килган импортни молиялаштириши учун ўз товарларини кўп кисмини экспорт қилишига тўғри келади.

3. Бекарорлик.

Валюта курсини эркин тебраниши ички миллий иктисадиётга салбий таъсир кўрсатиши уни бекарорлигига олиб келиши мумкин. Чунки курсни тебраниши аввал экспорт учун товар ишлаб чиқарувчи тармокларни раббатлантирса, кейинчалик уларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, агарда америка иктисадиёти тўла бандлик шароитида ишлайдиган бўлса ва айни пайтда уни миллий

валютаси курси түшиб кетса, инфляция жараёнлари келиб чиқады. Сабаби, биринчидан, америка товарларига талаб ўсаци, бу жами харажатларда соф экспортни кўнайтиради, бу талаб ўсиши натижасидаги инфляцияни, яъни талаб инфляциясини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, долларни нарх ўсиши, экспортни қискартиради, импортни ўстиради, бу ишлизликин келиб чиқишига сабаб бўлади.

4. Қайд этилган валюта курси ва тўлов баланси

Турли мамлакатлар ўз валюта курсларини қатъий белгиланган холда ушлайдилар. Уни оқибатлари ва муаммоларини билиш учун фараз киламизки, АҚШ билан Буюк Британия ўз курсларини 2д-1ф даражасида саклаб туришмоқчи деб. Бунда валюга бозоридаги талаб-таклифин давлат инобатга олмайди. Талаб-таклиф вакти-вакти билан ўзгариб турғалигидан валюта курси баркарорлиги учун давлат валюта бозорига тўридан-тўгри таъсир кўрсатиши керак.

Фараз килайликки, АҚШ ни фунтга бўлган талаби ўсди. Натижада АҚШ тўлов баланси дефицити келиб чиқади. Айни пайтда Америка ҳукумати 2д-1ф бўлган валюта курсини ушлаб турибди, аслида у Зд-1ф бўлиши керак. АҚШ ҳукумати бунда қандай қилиб тўлов баланси дефицити натижасида келиб чиқкан фунт етишмовчилигин йўқотади. Бундай масалаларни ҳал килишининг бир неча усуллари бор.

1. Резервлардан фойдаланиш.

Фараз кизайликки, илгари АҚШ да фунт етишмовчилиги бўлмаган, аксинча уни ортиқчалиги келиб чиқсан. Бунинг на-тижасида АҚШ фунтни жамгариб қўя олган. Тўлов баланси дефицитлiği келиб чиқсан шароитда АҚШ ҳукумати резервидаги фунтларни сотиш билан фунт таклифини ўстиради, бунда валюта курси 2д-1ф даражасида сакланниб қолади. Яна резервлар сифатида яъни "жаҳон пуулари" сифатида олтидан фойдаланиш мумкин. Бизниг мисолимизда АҚШ ҳукумати олгинни сотиб фунтга эга бўлиши мумкин. Бунда резервлар миқдори фунт талабини ошириш учун етарли бўлиши керак. Агарда тўлов балансини салбий ва ижобий қолдиклари бир хил бўлса муаммо бўлмайди. Хуллас, резервлардан дефицитни молиялаштириш учун фойдаланиш мумкин. Бироқ бирон бир мамлакат узок муддатга чузилаган тўлов баланси дефицитига учраса, резервлар муаммога айланади, бу эса қатъий белгиланган валюта курсидан воз кечишига олиб келади. Агар мамлакатда етарлича резервлар бўлмаса-ю валюта курсини қатъий баркарор ушлаб туришмоқчи бўлса, қўйидаги бошқа йўллардан фойдаланиш мумкин.

2. Савдо сиёсати.

Савдо ва молиявий ресурсларни оқиб келишини түғридан-түғри назорат қилишни амалга ошириш сиёсатини қўллаш мумкин. Масалан, фунтлар етишмовчилиги шароитида АҚШ валюта курсини 2д-1ф даражасида ушлаб туриш учун импортни кискартириши мумкин. Бунда фунтга бўлган талаб қисқаради. Экспортни кўпайтириш орқали фунт таклифини кўпайтиради. Пошлина ва импорт квоталарини киритиш билан импортни кискартириш мумкин Шунингдек, хорижга капитал қўйиб фойз ва дивидент олаётган америкаликларга соликларни ошириш мумкин. Америка ҳукумати экспорт билан шуғулланаётган америкаликларга субсидиялар ва дотациялар бериши ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириши мумкин. Бу усусларни қўллаш жаҳон савдо алоқаларини кискартиради, бу эса иқтисодий ўзаро мақсадга мувофиқликни бузади.

3. Валюта назорати.

Мамлакат ҳукумати валюта назорати ўрнатади, экспортерлар эга бўлаётган барча фунтларни сотишини талаб қилади. Кейин ҳукумат бу валюта заҳирасини импортерлар ўртасида тақсимлади. Давлат тўлов баланси дефицитини импортни экспорт киймати микдорида чеклаган ҳолда йўқотади. Валюта назорати тизими бир неча камчиликларга эга.

1-дан савдони кискартириш усули сингари валюта назорати халқаро савдо алоқаларини бузади.

2-дан, назорат истеъмолчиларни танлаш эркинлигини йўқотади. Масалан Буюкбритания товарларини афзал қўрган америкаликлар ўзини товарини сотиб олиши билан чекланиши мумкин.

3-дан, импортерлар томонидан очилаётган имкониятларга давлат томонидан импортни кискартириш натижасида зарба етади.

4. Ички макроиқтисодий тартибга келтириш.

Баркарор Қатъий валюта курсини саклаб туришининг охирги йўли ички солик ва пул сиёсатини олиб боришидир. Солик ва пул чора-тадбирлари АҚШ миллий даромадини Буюкбритания миллий даромадига мос равишда кискартиради. Бунда импорт масштаби тўғридан-тўғри миллий даромадга боғлиқ бўлаци, бу хорижий товарларга бўлган талабни кискартиради, натижада хорижий валютага бўлган талаб қисқаради.

Қатъий белгиланган валюта курси камдан-кам жозибадор бўлади. Қатъий белгиланган валюта курси барқарорлиги ишлаб чиқариш ҳажмини туширади ва иписизликнинг ўсишига олиб келади.

Умуман ҳозирги пайтда тўлов балансини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси олдида турган энг муҳим вазифа-

ларидандир. Президентимиз И.Каримов таъкидлагасидаидек "тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиши ва шунинг иғозизида Ўзбекистонни ташки иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини мустаҳкамлани" зарур¹.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Тўлов баланси – бир томондан хориждан тушгани барча тушумларни ва иккинчи томондан мамлакитнинг хорижга барча тўловларини кўрсатувчи ҳужжатdir.

Тўлов баланси ижобийлиги – экспортни импортдан ошиб кетгандаги ҳолат.

Тўлов баланси салбийлиги – импорт экспортдан ошиб кетгандаги ҳолат.

Жорий операциялар баланси тақчиллиги – товар ва хизматларни экспорт миқдори товар хизматларининг импорти учун естри эмаслигини кўрсатади.

Расмий резервлар – кўп мамлакатларни марказий банки резерв сифатида жорий операциялар бўйича тўлов балансини ва капитал ҳаракатини мувозанатлигини тартибига солиш учун хорижий валютани катта миқдорини ушлаб туради.

Савдо сиёсати – савдо ва молиявий ресурсларни оқиб келишини тўғридац-тўғри назорат қилишини амалга ошириш сиёсатидир.

Ички макроиқтисодий тартибида келтириш – ички солиқ ва пул сиёсатини олиб боришидир.

Такрорлаши учун саволлар ва топшириқлар

1. Тўлов баланси деганда нимани тушунасиз?
2. Тўлов балансининг таркиби нималардан иборат?
3. Ташки савдо баланси мазмунини тушунтиринг?
4. Тўлов ва савдо балансларининг қолдиги нимани англатади?
5. Жорий опеациялар ҳисоби таркиби нимадан иборат?
6. Капитал ҳаракати ҳисоби таркиби нимадан иборат?
7. Жорий операциялар бўйича тўлов баланси тақчиллиги нима ҳисобига молиялантирилади.
8. Тўлов баланси дефицити деганда нимани тушунасиз?
9. Тўлов баланси активи деганда нимани тушунасиз?
10. Тебранувчан валюта курси ва тўлов баланси бир-бирлари билан қандай алоқада?
11. Тебранувчан валюта курсининг қандай камчиликлари мавжуд?

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий испоҳотларни чукурлаштириш йўлида. -Т., "Ўзбекистон", 203-бет.

12. Қатъий белгиланган валюта курсиниң қўллашдан қўзланган мақсад нимадан иборат.

Адабиётлар:

- Каримов И. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. Тошкент. «Ўзбекистон». 1993.
- Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1995.
- Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳанфисиликка таҳлид, барқарорлик шарғлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон». 1997.
- Валютани тартибга солиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. 7 май, 1993.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Перев. с англ. со 2-го изд. Гл. 36, 39. М., “Дело ЛТД”, 1993.
- Небро М. Международные экономические, валютные и финансовые отношения. Перев. с франц. (общ. ред. Бабинцевой Н.С.) Гл. 3,4. М. Прогресс. Университет. 1994.
- Хрестоматия по курсу. Мировая экономика. Гл. 1-3. М. МГУ 1995.
- Хакимова М. Макроиктисодиёт. Тошкент. «Мехнат». 1997. 16-боб.
- Хакимова М. Ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар. Иқтисод ва ҳисобот. 1995. 4-сон.
- Алимов А. Ўзбекистонда ташқи савдо. “Иқтисод ва ҳисобот”. 7-сон. 1999.

XXXII БОБ. ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ УМУМБАШАРИЙ ИЖТИМОИЙ-ИҚТІСОДИЙ МУАММОЛАРИ

1. Жаҳон хўжалигини умумбашарий муаммоларининг келиб чиқиши, бу муаммоларнинг обьекти ва субъекти. Мамлакатларнинг З гурӯхга бўлиниши
 2. Кам ривожланган мамлакатларнинг муаммолари: инсон ва жамият муаммолари, нуфуз ва бандлик, қашшоқликни, очликни, ишсизликни, саводсизликни бартараф этиш.
 3. Қуролсизланиш, ҳарбий саноат мажмуасини чеклаш – умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш омили сифатида.
 4. Экологик муаммолар. Инсониятни энергия ва ҳом ашё билан таъминлаш.
 5. Баъзи мамлакатларнинг иқтисодий ноҷорлигини бартараф этиш. Янги ҳалқаро иқтисодий тартиб.
- 1. Жаҳон хўжалигини умумбашарий муаммоларининг келиб чиқиши, бу муаммоларнинг обьекти ва субъекти.**
- Мамлакатларнинг уч гурӯхга бўлиниши**

Жаҳон хўжалигидаги умумбашарий муаммоларга қўйидагилар киради:

1. Жаҳон ядро урушини олдини олиш.
2. Колок ва кам ривожланган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш.
3. Экологик масалаларни ҳал қилиш, табиятни муҳофаза қилиш.
4. Очлик ва қашшоқлик зоналарини тутатиш.
5. Инсониятни энергия ва ҳом ашё билан таъминлаш.
6. Жаҳон океанини ва коинотни тинч йўл билан ўзлаштириш.
7. Ҳавфли ва юқумли касалликларни йўқотиш.
8. Ҳарбий саноатни конверсия қилиш шулар жумласидан.

Мамлакатларни гурӯхларга бўлиниши:

1. Бой ривожланган давлатлар.
 2. Ривожланаётган ўрта давлатлар, яъни нефтни экспорт қилунчи давлатлар.
 3. Иқтисодиёти қолок ривожланган давлатлар.
- I. Ривожланган давлатларнинг ўзига хос ҳусусиятлари: Бу давлатлар индустрисан жиҳатдан ривожланган давлатлар бўлиб хисобланади.

Бу мамлакатлар: АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Япония, Фарбий Европа.

1. Асосий фондларнинг асосий қисмига эга.
2. Мекнат унумдорлиги юкори.
3. Малакали кадрлар билан таъминланган.

4. Техникаси юксак ривожланган.
5. Аҳоли жон бошига түгри келадиган ЯММнинг улуши юқори.
- II. Нефтни экспорт килувчи мамлакатлар Саудия Арабистони, Кувайт хисобланади. Аҳоли жон бошига түгри келадиган ЯММ юқори даражала, бирок бу мамлакатларни индустрисал жиҳатдан ривожланган деб хисоблаб бўлмайди.
- III. Иқтисодиёти кам ривожланган давлатлар Африка, Осиё ва Лотин Америкаси.
 1. Аҳоли сони кўп ва аҳоли сонининг ўсиш даражаси юқори.
 2. Ишсизлик даражаси юқори.
 3. Билим даражаси паст.
 4. Мехнат унумдорлиги паст.
 5. Аҳолининг асосий қисми қишлоқда жойлашган.
 6. Аҳолининг жон бошига түгри келадиган ЯММ улуши жуда оз.
 7. Асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилади.

2. Кам ривожланган мамлакатларнинг муаммолари, инсон ва жамият муаммолари, нуфуз ва бандлик, қашшоқликни, очликни, ишсизликни, саводсизликни бартараф этиш

Кам ривожланган давлатларни икки гурӯхга бўлиш мумкин:

1. Ўрта даромадлилар, булар ўз иқтисодий вазиятини ўзгартириш имкониятига эга хисобланади. Аҳоли жон бошига түгри келадиган даромадлар ҳам ўртача.
2. Паст даромадлилар: буларда кўпинча аҳоли жон бошига түгри келадиган ЯММ бир йилга аҳоли жон бошига 120 дан 450 долларгачани ташкил этади.

Иқтисодий ўсиш, даромадлардаги фарклар шундан келиб чиқаники, иқтисодиёти қолоқ ривожланган ёки кам ривожланган мамлакатлар вакт ўтиши билан ўзларини иқтисодий аҳволини ўзгартирадилар. М-и: янги индустрисал давлатлар –Сингапур, Гонконг, Тайван, Жанубий Корея-1960-1987 йиллар давомида реал ЯММ ўртача йиллик ўсиш даражасини 8-9% гача стказди. Натижада ЯММ аҳоли жон бошига 5 марта ўсади.

Кўпгина кам ривожланган мамлакатларда эса айни вақтда аҳоли жон бошига ЯММ улуши кискарди. М-и: Марказий Африкада.

Иқтисодий вазиятни яхшилашнинг икки йўли мавжуд:

1. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш.
2. Мамлакатда ишлаб чиқариш ресурсларининг миқдорини захирасини кўпайтириш, меҳнатдан, технологиядан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш воситаларини, хом ашёларни захирасини кўпайтириш.

Ривожлангаётган давлатларда күйидаги 4 та омилта алохіда зәтибор қаратыш лозим. Умумий қылғиб айтгандың ресурслардан оғитмал фойдаланишни йүлгі күйиш зарурдир.

Бунда:

1. Табиий ресурслардан.
2. Мехнат ресурсларидан.
3. Капитал ресурсларидан.
4. Технологиядан самарали фойдаланишлари зарур.

Табиий ресурсларнинг етишмөвчилеги күпинча колокликка олиб келади.

Кўп табиий ресурслар индустриси ривожланган давлатларниң халқаро корпорацияларига тегишилицер ёки улар томонидан назорат қилинади, шунинг учун ҳам олингандай фойдаланиш асосий қисми четта чиқиб кетади. Бушдан ташқари, кам ҳоллардагина табиий ресурсларни ўзини экспорт қылғиб юқори кўрсаткичга эга бўлиш мумкин. Ривожлангаётган мамлакатларни экспорт қилаётган қишлоқ хўжаликлари маҳсулотлари нархи-жаҳон бозорида ўзгарувчандир.

Кўп қолоқ мамлакатларда меҳнат ресурсларига хос хусусиятлар;

1. Аҳолининг зич жойлашганишиги.
2. Ишсизлик юқори, ишчи кучидан тўлиқ фойдаланилмайди.
3. Меҳнат унумдорлиги паст.

Аҳоли зичлигининг оқибатлари:

1. Аҳоли жои бошига тўғри келадиган реал капитал миқдорини кисқартиради.

2. Оиласдаги капитал жамғаришни ва бунинг натижасида жамият миқиёсидаги капитал жамғаришни кисқартиради.

3. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган табиий ресурслар ва энг асосийси ерни миқдорини кисқартиради.

Ривожлангаётган мамлакатларда асосий масала капитал жамғариш ва инвестициядан самарали фойдаланиши керак.

Бунинг учун:

а) Ички инвестиция ва унда мавжуд бўлган тўсикларни бартараф этиш.

б) Ташки инвестицияни кириб келиши билан боғлиқ тўсикларни йўқотиш зарурдир.

в) Технологиядан самарали фойдаланишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш керак.

Кам ривожланган давлатларни иктисадиётини ривожлантиришда давлат ва хорижий ёрдам алохіда ўрин тутади.

Ривожлангаётган давлатларнинг ривожланишида давлатнинг роли:

1. Конун ва тартибни ўрнатиш:
2. Ҳусусий фаолиятни, яши тадбиркорлар фаолиятини сустлигина бартараф этиш.
3. Инфраструктура билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш керак.
4. Жамғармалар ва капитал кўйилмалари.

Жамғармалар ва инвестициялар муаммосига давлат аралашибини талаб килади. Капитал жамғармаларни рағбатлантирадиган давлатнинг солик сиёсати бўлиши керак.

5. Колок мамлакатлар аҳволини яхшилашнинг йўлларида бири – улардаги социал тузуми билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишлари зарур. Бу муаммолар албатта давлат аралашувини талаб этади.

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, колок мамлакатлар ривожида хорижий ёрдами ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунда куйидагиларни ҳал этиш керак:

1. Ривожланган ҳамкор давлатлар билан савдо-сотиқни ўстириш.
2. Ривожланган давлатлардан қарз ва субсидиялар олиш.
3. Бой мамлакатлардан ҳусусий капитални келишини такомиллаштириш.

Ҳозирги кунда умуминсоний муаммолардан бири ер юзида иқтисодий колоқлик ва қашшоқликни ҳамжиҳатлик билан тутатиш зарур. Дунёда ҳамон иқтисодий колоқ ва ҳалки қашшоқ мамлакатлар бўлиб, булар озодликка чикқан собик мустамлакалардир. Жаҳон аҳолисининг 10% очликка йўликиб туради, ҳозиргача саводсизлик, кўпгина касалликларга чалиниш, замонавий маданиятдан йирокда бўлиш каби қолоқлик аломатлари тутатилмаци. Умумжаҳон жамияти бу масалани ҳам мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракати билан ечиши мумкин.

3. Қуролсизланиш, ҳарбий саноат мажмуасини чеклаш – умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш омили сифатида

Ядро куроли қўлланиладиган урушда ғолиблар бўлиши мумкин эмас, унда бутун инсон зоти мағлубиятга учрайди. Тараккиёт учун бундай ҳалокатли ҳавфни факат ҳалқаро ҳавфсизликнинг ишончли мустаҳкамлигини таъминлайдиган ядровий қуролсизланиш йўли билантина бартараф этиш мумкин.

Ҳарбий ҳавфдан ҳолос бўлиш, тараккиётни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, барча давлатларнинг биргалашиб ҳаракат қили-

шига, уларнинг турли социал тузумлар, мамлакатлар ва регионлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ядро-космик асрининг реаликлигига мувофиқлаштириш лаёкатига боғлиқ.

Ҳарбий мақсадларга ажратилаётган ресурсларнинг ўсиш тенденцияси кўпгина мамлакатларда иктиносидий ва ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига сабаб бўймоқда, яъни ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ва аҳолининг турмуш даражасига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Ҳарбий ва фуқаролик эҳтиёжлари ҳарбий мақсадларга кетаётган ресурслар билан тиич мақсадларга сарфланасиган ресурслар ўртасидаги миллий нисбатларни фуқаролар эҳтиёжи фойдасига ўзгаришиш масаласини қаттиқ ва кескин қилиб қўймоқда.

Жамиятнинг илмий-техникавий тараққиётига қурол-яроғларни кўпайтириш йўли билан эмас, балки кескин қисқартиш йўли билан эришиш мумкин. Иктисодиётни ҳарбийлаштиришини тўхтатмасдан ва тинч ҳамкорлик килмасдан туриб, пировардида бошқа жаҳоншумул муаммоларни ҳам ҳал этиб бўлмайди.

Конверсия (лотинча – *conversio* – ўзгариш сўзидан) молиявий, модий ва инсон ресурсларининг фуқаро ва ҳарбий соҳалар ўртасида тақсимланиш нисбатининг ўзгаришини, қуролсизланиш жараёнида ҳарбий ишлаб чиқаришни ва бошқа ҳар хил ҳарбий фаолиятини тинч изга ўтказишни бўйдиради.

Қуролсизнинг пойгасининг салбий социал-иктисодий оқибатларини тутатиши механизми сифатида конверсия, ҳатто ресурсларни ҳарбий мақсадлардан тинч мақсадларга ўтказиш у қадар осон вазифа эмаслигини ҳисобга олганда ҳам йирик иктиносидий ютуқли таъминлаши мумкин. Гап шундаки, ҳозирги замон ҳарбий ишлаб чиқариши ихтисослаштирилган хусусиятга эга, шу боисдан унинг фуқаролар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилиши муайян чикимлар, вакт, ишлаб чиқаришни қайта куриш, кадрларни қайта тайёрлаш бўйича кенг кўламда ташкилий ва техникавий ишларни бажариш талаб килинади.

Ижтимоий тизими турлича бўлган мамлакатларда конверсия ўхшашлиги билан бир каторда унинг ўзига хос хусусияти ҳам мавжуд. Бу хусусият ресурсларни тинч мақсадларга кўчириш усуллари ва воситаларида мазкур жарёнинг ўзгариши ва аниқ натижаларидағи тафовутлардан иборатdir. Бу гафовут тегишли тизимлинг социал-иктисодий хусусиятларидан келиб чиқади.

4. Экологик муаммолар. Инсониятни энергия ва хом ашё билан таъминлаш

Жаҳонда вазият тобора мураккаблашиб ва кескинлашиб бормоқда. Шу сабабли атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси

биринчи ўринга қўйилмоқда. Аср бошидаёк В.И.Вернадский ер табиатидаги антропоген характердаги ўзгаришлар (инсон фаолияти туфайли келиб чиққан ўзгаришлар) якин келажакда жаҳоншумул тусга киради деб башорат қилган эди. Бу башорат тўғри бўлиб чиқди.

Кейинги юз йилликда жаҳон саноат ишлаб чиқариши 50 мартадан зиёдрок кўшайди, шу билан бирга бу ўсишнинг 4 дан 3 кисми хозирги даврга тўғри келади. 50-йиллардан бошлиб ишлаб чиқариш фаолияти ва инсоннинг табиатга аралашувининг бошка шакллари миссиз даражада ўсган шароитда ҳаво ва сув ҳавзалари жуда кенг кўламда ифлосланмоқда. Атмосферада олтингурут оксиди, азот оксиди, углерод оксиди ва бошка узвий бирикмалар тўпланиб қолмоқда.

Таркиб топган тенденциялар сакланиб қолган тақдирда Ер юзининг ҳаво ҳавзасида тўплангандан аzon микдори кейинги асрда индустрисал даврдан олдинги даврдагига қараганда икки ҳисса ошади. Бу эса "парник таъсири" туфайли иклимини ниҳоятда ўзгартириб юбориши мумкин. Жуда катта майдонларда кўп микдорда чикиндилар ва ахлатлар тўпланиб қолмоқда. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси камайиб бормоқда. Ҳар йили б. мин. гектар ер саҳроға айланмоқда, 11 млн. гектар ўрмон кесилмоқда.

Инсон фаолиятининг, айниқса, моддий ишлаб чиқариши соҳасидаги фаолиятининг табиий муҳитга салбий таъсири ҳаяфли тус олди. Бу факаг миллӣ донираларда экологик механизми бузишина эмас, балки сув ва ҳавони ифлослантиришнинг шу миллӣ дониралар ташқарисига ҳам олиб чиқилишидир, умумжаҳон микёсида табиий шароитнинг ёмонлашувилир.

Инсониятда битта бўлинмас ҳаво муҳити, ҳамма учун ягода "мўъжаз сайёра"-ўрмон массивлари бўлиб, уларнинг қайси қитъаца жойлашганилигининг аҳамияти йўқ. Бизда Ҳаҳон океани ҳам, коинот ҳам бигта. У ёки бу мамлакатда экологик мувозанатнинг бузишишга сабаб бўлган муаммонинг номоён бўлиш шакллари ва оқибатлари қаҷчалик хилма-хил бўлмасин, у умумий ҳусусиятга эгадир, бугун ер юзининг биосфераси, атмосфераси, гидросфераси ва литосферасига тааллуқлидир.

Физикавий ва кимёвий ифлосланиш умумаш инсоният жамиятнинг табиий яшаш шароити ниҳоятда бузилиб кетишига сабаб бўлади.

Атроф-муҳитни муҳофаза килиш соҳасида ҳалқаро концепция ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш турли-туман илмий, техниковий, ишлаб чиқариш ва бошка вазифаларни ҳал этиш билан боллиқ. Булар орасидаги экологик ҳимоянинг иктиносидий жиҳатлари биринчи ўринга қўйилмоқда. Ҳаво ва сув ҳавзаларининг тозалик ўлчовларини

амалға ошириш учун, шунингдек, инсон турмушининг бошқа экологик шароитларини таъминлаш учун зарур бўлган тадбирлар кўла-мининг кенглиги барча турдаги тозалаш иншоотлари курилишига, ҳозирги замон технологик жараёнларнинг ва умуман табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг хавфсизигини таъминлашга катта маблағ ажратиши талаб қиласи. Бирок дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қилинаётган харажатларнинг йилик ҳажми, эксперталарнинг баҳолашига кўра экологик вазиятни барқарорлаштириш ва янада яхшилаш учун зарур бўлганига қараганда икки мартадан зиёдроқ камдир.

ХХ аср охирилаб бораётган ҳозирги даврда жамият яшаш муҳитини сақлаш, унга етказилган зарарни тутатиш, ҳозирги ва бўлғуси авлодлар ҳаётининг зарур сифатини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қиласи әкац, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини маблағ билан таъминлашининг қолдик принципига асосланиши мумкин эмас.

Кўпгина табиий ресурслардан фойдаланиши тартибга солувчи ва ресурсларни тежашга ва чиқитсиз технологияларга ўтишни рағбатлаштирувчи тобора юксакроқ "иктисодий тўсиклар" вужудга келтириш, инсоннинг хўжалик фаолияти устидан экологик назорат ўрнатиш муҳим заруратга айланмоқда.

Инсоният олдида, шунингдек, янги технологик маданиятни шакллантириш вазифаси турибди. У ўз моҳиятига кўра экологик маданиятга айланмоғи лозим. Бу ерда чиқитсиз технология устун технология бўлиб майдонга чиқмоқда. Чиқиндилар ишлаб чиқаришнинг муқаррар оқибати эмас, улар ишлаб чиқаришнинг такомиллашмаганилиги натижасидир.

Инсоният цивилизациясининг янада ривожланиши ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши энергия ва ҳом ашё муаммосига тобора кўпроқ дуч келмоқда. Бу муаммо табиий ресурслар физик жиҳатдан мутлақ чекланганлиги учун эмас, балки уларни ўзлаштиришнинг техникавий ва иқтисодий шароитида юз берётган ўзгаришлар сабабли кескинлашади.

Ҳозирги вактда жаҳон аҳоли жон бошига энергия истеъмол килиш ривожланган мамлакатларда Африканинг Саҳрои Кабирдан жануброкда жойлашган мамлакатлардагига қараганда 80 марта ортикроқдир. Ривожланаётган мамлакатларнинг энергия истеъмоли бўйича саноати ривожланган мамлакатлар билан тенглаша олиши учун бутун дунёда энергия ишлаб чиқаришни бир неча марта кўпайтириш керак. Шу билан бир қаторда ривожланаётган мамлакатларда энергияга эҳтиёжи ошиб борганилигини ҳам эътиборга олиш керак.

Шунинг учун ноанъянавий экологик жиҳатидан маъкул бўлган турли энергия ресурсларидан фойдаланиш кечикириб бўлмайдиган ишга айланмоқда.

Дунёни мўл ва арzon энергия билан таъминлаш вазифаси термоядро синтези соҳасида янада кенг тадқиқотлар олиб боришни талаб килади. Бундай тадқиқотларни ва ишланмаларни олиб боришида турли мамлакатлар куч-гайратини ва ресурсларини бирлаштириб бу соҳада илмий изланишининг тўла қимматга тушиши ва уларнинг бутун инсоният учун фоят муҳимлиги туфайли алоҳида аҳамият қасб этмоқда. Айни вақтда бошқа энергия манбаларидан, масалан: қўёш энергиясидан, денгиз тўлқинларий энергиясидан, геотермал ва бошқа энергиялардан фойдаланиш йўлларини биргалашиб излаш зарурияти кучаймоқда.

Фан-техника революцияси денгиз кенгликларининг улкан ресурслари кучидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Бирок, кўпгина мамлакатлар, энг аввало, ривожланаётган мамлакатлар учун денигизларда сақланаётган фойдалари қазилмалар, энергия хом ашё ва биология ресурсларидан баҳраманд бўлиш йўли, аслида бу ерда фойдаланиладиган техника ва технологиянинг катта капитал талаблиги туфайли ёник бўлиб чиқади.

Жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш вазифаси орасида кўп миқдорда маблағлар сафарбар этиш вазифаси биринчи ўринга кўйилмоқда. Бусиз мазкур соҳада кенг кўламли ишларни бошлаб юбориш ва ривожлантириши мумкин эмас.

Коинотнинг ўзлаштирила бошланиши, бир томондан, инсоннинг шу соҳадаги фаолияти истиқболлари кенглигини кўрсатади, иккинчи томондан эса космик тадқиқотларининг тинч характерини таъминлаш зарурлигини англатади. Космик ютуқларни ҳалқларнинг иқтисодий ва социал тараққиётига ёрдам бериши учун, ердаги кўпгина муаммоларни ҳал этиш учун кўлланишдан иборат бўлган илмий-тадқиқотларининг ривожланишига кучли туртки бериш керак.

Турли мамлакатлар куч-гайратини бирлаштириш биология, тиббиёт, материалшунослик, об-ҳавони олдиндан айтиш хизмати, иқлим ва табиий мухитни ўрганиш йўлдошлар орқали ўрнатилади, жаҳоншумул алоқа системаси, геология, кишлоқ хўжалиги, Жаҳон океанини ўзлаштириш маълумотлар олиш мақсадида Ерни масофадан туриб текшириш каби соҳаларда космик тадқиқотлар ва экспериментлар натижаларини кўлланишни таъминлаган бўлур эди.

5. Баъзи мамлакатларнинг иқтисодий начорлигини бартараф этиш. Янги ҳалқаро иқтисодий тартиб

Жаҳон хўжалигидаги муносабатлар эволюцияси уларнинг маданийлашган муносабатлар сари бориши бўлиб, бу жараён янги иқтисодий тартиб сифатида шаклланади. Ҳалқаро муносабатларда тенгликка асосланган, барча мамлакатларнинг манфаатларини назарда

тутувчи ва адолат қоидаларига асослашган алоқалар янги иқтисодий тартибиниң мазмунини ташкил этади.

Янги халқаро иқтисодий тартиби талаб килиб чиқувчилар қуидаги таклифларни билдиришмоқда.

1. Ўйин қоидалари – қолоқ мамлакатларда аҳолининг қўп кисми жойлашганд бўлса ҳам, унار халқаро ташкилотларни ишларида З-овозга ҳам эга эмас. Халқаро савдо, молия, инвестиция соҳаларини бошқаришда унтарнинг роли йўқлигини таъкидлаган ҳолда, бу адолатдан эмаслигини, таъкидламоқда.

2. Савдо тўсиклари – савдо тўсикларини, квота ва тарифларни қўйиб кам ривожланган давлатларни экспорт бозорида сикиб қўйишяпти дейишмоқда. Ривожланган давлатлар берастган молиявий ва техникавий маблагларни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга сарфланса, унар ҳам ракобатлаша олади деб ҳисоблашмоқда.

Ривожлашгаётган мамлакатлар ўз товарларига ривожланган мамлакатлар товарларига Караганида паст тарифлар белгиланишини талаб қилишяпти. Бу иқтисодий қолоқ мамлакатларни саноатини ривожлантиришга ўзини самарасини қўшади.

3. Савдо шароити – маълумки ҳом ашёларининг нархи жаҳон бозорида ўзгарувчан бўлиб, шунинг учун ҳом ашё экспорт қилювчилар даромадлари барқарор масдир. Жаҳон бозорида ҳом ашёлар нархи тушишга мойил бўлиб, тайёр товарлар нархи эса кўтарилиб боради. Бунинг натижасида экспорт нархи паст, импортнинг нархи эса юкоридир.

Шунинг учун ривожлангаётган мамлакатлар қуидагиларни талаб қилишмоқда.

а) экспорт қилинадиган 20 хил ҳом ашё ва озиқ-овқатларни нархи барқарор нарх бўлишини;

б) нархларни индексация қилишини талаб қилишяпти.

4. Қарздорликни юмашатиши – қарздан кечиб юбориш ҳаммага фойдалидир, унарни олдинги қарзи қўп бўлиб, бу эндиги иқтисодий ривожлантишга тўсқинлик қиласи деб таъкидламоқда.

5. Ёрдам ва қайта тақсимот -ривожлангаётган мамлакатларга хозиргача берилгаётган ёрдам самарасиз ва етарлимас дейишмоқда.

Янги халқаро иқтисодий тартиб-коидаларга асосан ҳар бир ривожланган давлат ривожлангаётган давлатларга хеч қандай шартлар қўймаган ҳолда ёрдам бериш боринилари керак.

Хуллас, бугунги кунда, Янги халқаро иқтисодий тартибга асосан:

1. Ривожлангаётган мамлакатларни, камбағал мамлакатларни қўйлаб-куватлаш керак. Бунда:

а) Халқаро ташкилотлар ишида ёш давлатлар ҳам фаол қатнашишларини йўлга қўйиш керак.

- б) Бож түловлари, импорт квоталарини кискартириш оркали иктисодий түсикларни бартараф этиш зарур.
- в) Чет эл капигалларини миллий истиқболни белгиловчи соҳаларга кўйиш керак.
- г) Савдо-сотик шароитларини ривожланаётган мамлакатлар манфаатларига қаратиш, нархларни инспектсия қилиш лозим.
- д) Ривожланган мамлакатлар қарзларидан воз кечиш лозим.
- е) Ривожланган мамлакатларни ривожланаётган, қолоқ мамлакатларга ёрдамини йўлга кўйиш керак.
2. Умумисоний муаммоларни мамлакатлар биргаликда ҳал қилишлари лозим.

Асосий тушунчалар ва таянч иборалар

Паст даромадиллар – бу мамлакатлардаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ улушини пастлигини билдиради.

Конверсия – молиявий, моддий ва инсон ресурсларининг фуқаро ва ҳарбий соҳалар ўртасида тақсимланиш нисбатининг ўзгаришини куролсизланиш жараёнида ҳарбий ишлаб чиқаришни ва бошқа ҳар хил ҳарбий фаолиятни тинч йўлга ўтказишидир.

Янги технологик маданият – экологияни ҳимоя этган ҳолда чиқитсиз технологиядан фойданиндири.

Янги ҳалқаро иктисодий тартиб – ҳалқаро муносабатларда ривожланаётган мамлакатлар манфаатларини ҳимоя этиш чоратадбирлари мажмуасидир.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар

1. Мамлакатларни иктисодий тараққиётiga кўра неча гурӯхга бўлиш мумкин?
2. Ривожланаётган давлатнарни ривожланишида давлатни тутган роли?
3. Конверсия нима?
4. Ривожланаётган мамлакатларда капитал жамғарини ва инвестициядан самарали фойдаланиш учун нима қилиш керак?
5. Бугунги кунцаги энг долзарб умумбашарий муаммоларга нималар киради?
6. Антропоген характердаги ўзгаришлар деб нимага айтилади?
7. Янги ҳалқаро иктисодий тартибга нималар киради?

- Каримов И. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993.
- Каримов И. Ўзбекистон иктисадий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995.
- Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳмид барқарорлик шартлари, тараккиёт кафолатлари. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1998.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Перев. С англ. со 2-го изд. Гл. 36-39. М. “Дело ЛТД”, 1993.
- Макконисл К.Р., Брю С.Л. “Экономикс”. Принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Перев. с англ. Со 2-го изд. Том-2, Гл. 39, 41. М. “Республика”, 1992.
- Пебро М. Международные экономические, валютные и финансовые отношения. Перев. С франц. (общ. ред. Бабинцевой Н.С.) Гл. 3-4 М. Прогресс. «Университет», 1994.
- Введение в рыночную экономику. Учебное пособие для экономич. спец. вузов. (Под ред. А.Я. Лившица) Гл. 16. М. “Высшая школа”. 1994.
- Хрестоматия по курсу. Мировая экономика. Гл. 1-3. М.МГУ.
- Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иктисадиёт назарияси. XXI боб. Тошкент. “Меҳнат”. 1995.
- Хошимов П.З. ва бошқалар. Иктисадиёт назарияси. Маъруза матнлари. -Т.: «Университет», 2001.

МУНДАРИЖА

ириш.....	3
БОБ. Иктисодиёт назариясининг шаклланиши,	
ривожланишининг асосий босқичлари ва йўналишлари	5
II БОБ. Иктисодиёт назарияси фанинг предмети, мақсади,	
вазифалари ва методологияси.....	18
III БОБ. Ижтимоий-иктисодий эҳтиёжлар	26
IV БОБ. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг омиллари.....	32
V БОБ. Мулкчилик муносабатлари ва иктисодий тизимлар	43
VI БОБ. Товар ишлаб чиқариш ва яул	54
VII БОБ. Бозор иктисодиётининг мөхияти ва белгилари	66
VIII БОБ. Бозор ва унинг тузилиши	75
IX БОБ. Таалаб ва таклиф. Бозор мувозанати.....	88
X БОБ. Мехнат бозори ва унинг иктисодий муносабатлар	
тизимидағи ўрни	99
XI БОБ. Бозор хўжалиги тизимида корхона (фирма)	121
XII БОБ. Таъбиркорлик, унинг мөхияти ва шакллари	131
XIII БОБ. Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда	136
XIV БОБ. Иш хақи ва меҳнат муносабатлари	145
XV БОБ. Рақобат ва нархни белгилаш	154
XVI БОБ. Фондларнинг доиравий айланиши ва айланиши	166
XVII БОБ. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш	173
XVIII БОБ. Иктисодистининг аграр секторида такрор ишлаб	
чиқаришнинг хусусиятлари	178
XIX БОБ. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари	191
XX БОБ Жаъми таалаб ва жаъми таклиф	200
XXI БОБ. Иктисодий цикл назарияси. Инкиrozларнинг сабаблари,	
улардан чиқиши йўллари	210
XXII БОБ. Иктисодий ўсию ва бозор иктисодиётининг тартибланиши	220
XXIII БОБ. Ахоли даромадларининг шаклланиши ва таркиби.	
Ахоли турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари	230
XXIV БОБ. Пул тизими, унинг амал қилиш конуниятлари,	
инфляция, унинг сабаблари ва уни бартаграф этиши йўллари.....	245
XXV БОБ. Молия ва молия муносабатлари.	
Давлат даромадлари ва харажатлари	259
XXVI БОБ. Кредит ва банк тизими	270
XXVII БОБ. Бозор иктисодиётининг тартибланиш механизми.	
Давлатнинг роли	286
XXVIII БОБ. Жаҳон хўжалигининг мөхияти,	
унинг шаклланиши ва ривожланиши	308
XXIX БОБ. Халқаро иктисодий интеграция ва жаҳон бозори	315
XXX БОБ. Халқаро палуба ва кредит муносабатлари	326
XXXI БОБ. Тўлов баланси. Унинг иктисодий мазмуни ва таркиби	336
XXXII БОБ. Цивилизациянинг умумбашарий ижтимоий-иктисодий	
муаммолари	344

Хошимов Пазлиддин Зухурович,
Умаров Камолжон Юсупович,
Толеметова Зилола Абдужабборовна,
Кўчкоров Тўлкин Кўчкорович,

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

(Олий ўқув юртларининг иқтисодий мутахассисликлари
бўйича тахсил олаётган талабалар учун)

Босишга рұхсат этилди 20.12.2002 й. Бичими 60x84 1/16. Нашриёт ҳисоб табоги 25,1 Шартли босма табоги 31,3. Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 18.

Университет нашиёти Тошкент-700174, Талабалар шаҳарчаси ЎзМУ маъмурий бино, 2-қават.

ЎзМУ босмахонасида босилди.